



Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

# Шарк Толғузи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ

II '1990

59-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*

Ўткир ҲОШИМОВ

*Таърир ҳайъати:*

Неъмат АМИНОВ

Саид АҲМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУХТОРОВ

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИҲ

Хайридин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАШОВА

Ўлмас УМАРБЕКОВ


Носир ФОЗИЛОВ

*(масъул котиб)*

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ.



Эркин Юсупов,

СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси

## БОШ МАҚСАД — ИНСОН МАНФААТЛАРИ

Инсоннинг ички маънавий дунёси, унинг қизиқишлари, этиқоди, тушунчалари минг йиллар мобайнида шаклланади, онгда мустаҳкамланиб боради. Шунга кўра сиёсий-иқтисодий, ижтимоий муносабатлардаги туб ўзгаришларнинг акси бўлган инсон онгидаги ўзгаришлар бирмунча мураккаброқ бўлиб маълум вақт ичида юз беради. Объектив оламда содир бўлган ёки бўлаётган ҳодисалар, уларнинг умумлашмалари асосида инсон тушунчалари, фикрлари шаклланади. Инсон руҳий дунёсини ўзгартириш йўлида бўлган зўрлик, сунъий жадаллаштириш сўзсиз равишда ички, яширин қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Одамлар ўзларига тавсия қилинаётган ғояларни тўла англаб етмай туриб, уларни амалга ошириш ишларига онгли равишда, виждон билан қўшилиб кетолмайдилар.

В. И. Ленин табиат ва фаолиятдаги ҳал этилиши зарур деб топилган вазифалар, ҳақиқий шарт-шароитлар билан одамларнинг маънавий дунёси даражаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ички, кўпқиррали диалектикасини чуқур тушунган эди. У социализм қурилишининг аниқ вазифаларини ҳал қилишда меҳнаткашлар оммасининг онг савиясини, мамлакатнинг у ёки бу ҳудудида мавжуд бўлган аниқ шарт-шароитлар ва имкониятларни ҳисобга олиш албатта зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. В. И. Ленин олға сурган Янги Иқтисодий Сиёсат, кооператив қурилишини, касаба уюшмалари ҳаракатини ва ҳоказоларни кенг ривожлантириш ғоялари ана шу мақсадга йўналтирилган эди. Шунингдек, В. И. Ленин мамлакатнинг аввал қолоқ бўлган ҳудудларида демократик, социалистик ислохотларни амалга ошириш жараёнида аҳолининг маънавий тараққиёти даражасини ҳам чуқур таҳлил қилиш лозимлигини уқтирарди.

В. И. Ленин социалистик тараққиёт йўлининг моҳияти ва мақсадларини мавҳум, эгасиз ва юзаки тушунишга қарши чиқди. Жамият, — таъкидларди у, — синфларга, миллатларга, ирқларга ажратилган реал шахс (индивид)ларнинг мажмуасидир. Ҳар қандай илмий назария умумий тараққиёт манфаатларини, оддий кишиларнинг ўй-фикр ва ташвишларини ифода қилсагина, муаммоларни ҳал қилишнинг аниқ ва самаралироқ йўллари кўрсатиб бера олади.

Жамият манфаати билан шахс манфаати ўртасида «хитой девори» йўқ. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар фақат ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, сиёсий тузум туфайлигина турли хил шаклда намоён бўлади. Қайсидир бир инсон муайян жамиятда яшаётган экан, унинг ҳаёти ва фаолияти — ўша жамият амал қилаётган муносабатларнинг махсули, ажралмас бир бўлагидир. Шахсий манфаатлар йўғиндисини назардан соқит қиладиган бўлсак, жамият манфаатларини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятларда эса, жамият манфаатлари ва шахс манфаатлари ўртасида ўзаро боғлиқлик билан бирга, қарама-қаршилиқ ҳам мавжуд бўлади. Одамлар мавжуд экан — уларнинг шахсий манфаатлари ҳам мавжуддир. Ҳар бир инсон жамиятдаги бошқа аъзолар билан бирга умумий бўлган манфаатларга эгадир, ва аини замонда, унинг ўта шахсий, фақат ўзигагина хос бўлган талаб-истаклари, қизиқишлари ҳам бор.

Мамлакатимизда 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб шахс ва жамият эҳтиёжларининг ўзаро муносабатлари моҳиятини илмий тушунишда ленинча қарашлардан аста-секин чекинш кўзга чалина бошланди. Инсон истаклари, виждони, этиқодини таҳқиқлаш, шахсдаги шахсиятийликни таҳқиқлаш ёки зўрлаб даф этишлар, социализмнинг

ижтимоий асосли, инсонпарвар ғояларини амалга оширишда, мақсад ва воситаларни тушуниб етишда чалкашликлар юзага келди. Мақсад ва воситалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар телба-тескари тус ола бошлади. Одамлар аста-секин тараққиётнинг айнан шу босқичида уларнинг эҳтиёжларига кўпма мос келавермайдиган мавҳум вази-фаларни амалга оширувчи қўғирчоққа айлана бордилар. Шахсдаги ўзига хослик ва ташаббус бўғилди, юракнинг туб-тубларига қувғин қилинди. Асоссиз зўравонликлар, қатағонлар шароитида эса ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичидаги инсон маъна-виятининг ботиний моҳиятини тўла ифодаламайдиган ҳолатлар — иккиюзламачилик, ошириб-тошириш, оғзаки ватанпарварлик, ёлғондакам фаоллик пайдо бўлди. Бора-бора одамлар юксак минбарларда оташин нутқлар сўзлаб, ишда, фаолиятда эса унинг аксини қиладиган бўлдилар. Шахс ўзининг гурурини йўқота бошлади. Ўз мақсад-орзу-ларини, қизиқишларини очик-ойдин изҳор қилишга, ҳимоя қилишга чўчиб қолди; одам-лардаги шахсий эҳтиёж туйғуси жамиятнинг қатъий асосланмаган, омма учун тушунар-сиз бўлган, мавҳум манфаатлари гирдобиди йўқ бўлиб кетди. Жамоа ва совет ҳўжали-гидаги бор овоз билан эълон қилинган ҳўжайинлик туйғуси бирёқлама бажарилган қўшиб ёзишдан, оммани тинчлантириш учун ўйлаб топилган ҳулосадан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Тўғриси айтганда, жамоа мулкига ҳўжайинлик туйғуси қишлоқ кишиларининг маълум қисмида совет ҳоқимияти ўрнатилганлигига етмиш йил тўлган ҳозирги вақтда ҳам шаклланиб улгурмади.

Асосий эътибор социалистик умумхалқ мулкани яратиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларига қаратилди-ю, шу билан бирга, шахсий манфаатлар, ҳавас-лар ва одамларнинг ахлоқий-психологик хусусиятлари туфайли асрлар бўйи шаклланиб келган нисбий барқарорлик назардан четда қолиб кетаверди.

Одамлардаги шахсий манфаат туйғусини фармонлар эълон қилиш билан йўқотиб, ёки қатағон, зўравонлик, мажбур қилиш йўлларини қўллаш билан бартараф этиб бўл-майди. Бу борада, айниқса, жамоа мулкани қарор топтиришнинг, умумий ва хусусий манфаатлар, эҳтиёжлар ривожидидаги ўхшашлик ва айирмачиликлар нисбатининг назар-рий ва амалий муаммоларини нотўғри тушуниш катта зарар етказди. Шиддатли инқи-лобий ҳодисалар пайтидаги инсон руҳий дунёсининг ўзгариш, янгиланиш хусусиятлари-ни билмаслик оқибатида, сабр-бардош билан олиб бориш шарт бўлган ғоявий-тарбия-вий ишларга лозим даражада эътибор берилмади. Ҳолбуки, ўшандагина — қадам-бақадам, ишонтириш ва тушунтириш йўллари билан оддий ишчи, деҳқон, зиёлиларда рўй бераётган ҳодисаларга нисбатан онгли хайрихоҳликни шакллантириш мумкин эди. Шунга мувофиқ, янги жамиятнинг онгли аъзоси ҳам шакллана борарди. Зеро, жамият ҳаётидаги кучли, эҳтиросли ҳодисалар одамлар онгида ва туйғуларида ҳам шундай эҳтиросларга сабаб бўлади. Бу эҳтирослар ишонч-эътиқод билан мустаҳкамланмас экан, сўзсиз ўз-ўзидан сусайиб, йўқ бўлиб кетади.

Жамоа онги ва шахс онги ривожланишининг мураккаб диалектикасини тушунмас-лик социалистик қурилишнинг бевосита вазифаларини ҳал қилишда ғаразғўйлик ва ўзбошимчаликларни келтириб чиқарди. Юзага келган бу ғаразғўйлик ва ўзбошимча-ликлар эса ўз қўлларида кучли ҳоқимиятни ушлаб турган одамларнинг ғоявий-назарий ожизликлари, илмий ва амалий жиҳатдан яроқсизликлари, узоқни кўра олмасликлари, ҳеч кимга ҳисоб бермасликлари ва масъулиятсизликлари оқибатида пайдо бўлган эди. Социалистик қурилишнинг моҳиятини, қонуниятлари ва мақсадларини чуқур тушунма-ганлари ҳолда, улар пайдо бўлган муаммоларни ўз хоҳиш-истакларига кўра ҳал қилиш-га тиришдилар. Улкан ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда жойларда иш олиб бораётган фаолларда ҳам ғоявий-назарий баркамоллик, донолик етишмади. Ўзбошимчалик, ноҳолислик ва ғаразлиликнинг ачинарли натижалари, айниқ-са, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида — хусусий мулк психологиясининг объектив ва субъектив асослари одамлар онгида бирмунча чуқур илдиз отган ҳудуд-ларда яққол кўзга ташланди.

Шундай қилиб, социалистик қурилиш жараёнида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, маданий қурилиш ишлари субъектив омиллар ривожининг даражасини, белгиланган ва ўтказилаётган тадбирларда фаол, онгли иштирок қилувчи одамларнинг имкониятларини чуқур ҳисобга олмасдан ўтказилаверди. Оммининг муваққат ташаб-бусларига маҳлиёлик давом этиб, одамларнинг умумий ва шахсий манфаатларига уйғун ҳолда юзага келувчи меҳнат, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ривожига доимий самарали таъсир қиладиган мустаҳкам, барқарор омиллар яратиш муаммолари сояда қолиб кетаверди. Социалистик жамият қуриш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги масала-ларни ҳал қилишдаги бу тахлит бирёқламаликлар 20-йиллар ўрталаридаёқ ниш бера бошлаган эди. Худди ана шу йилларда белгиланаётган ва ечими жоиз бўлган аниқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг долзарблиги, зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини ойдинлаштириб олмаслик оқибатида, муваффақиятлардан эсанкираш-нинг илк нишоналари бўй кўрсата бошлади. Уйламай қўйилган қадамларнинг, шошма-шошарликлар ва кенг қулоч ёйиб қилинган шиддатли ҳаракатларнинг ижтимоий-иқти-содий ва ғоявий-ахлоқий зарари, мамлакатнинг марказий ҳудудларига қараганда, Ўрта Осиё жумҳуриятларида анча-мунча катта бўлди. Негаки, социалистик қурилишни бево-

сита амалга оширишнинг кўпгина вазифалари, бу ерларда, юқорида айтиб ўтганимиздек, одамларнинг сиёсий онгининг савияси, амалга оширилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳиятини англаб етганликлари ҳисобга олинмасдан ҳал қилинган эди.

Масалан, Улуғ Октябрь социалистик инқилоби ғалабасидан тўққиз-ўн йил кейин ўтказилган ер-сув ислохотини олиб кўрайлик. Амалга оширилган бу тадбир ўзига яраша хусусиятларга ва мураккабликларга эга эди. Одамларнинг асрлар бўйи шаклланиб келган тушунча ва тасаввурлари ер-сув ислохотининг ижтимоий-иқтисодий яқунларида маълум даражада ўз аксини топди. Ер-сув, чорвага хусусий эгалик шакли биратўла тугатилмасдан, меҳнат ҳўжалиги кўлами қадар қисқартирилди. Йирик ер, чорва ва яйловлар эгалигига барҳам берилди. Бойларнинг, феодалларнинг мол-мулклари мусодара қилинди ва ерсиз, чорвасиз хўжаликларга тақсимлаб берилди. Мусодара қилинган мулк эгаларига ҳам ҳамма учун белгиланган меъёрга тенг миқдорда мол-мулк қолдирилди. Шу тариқа қишлоқ аҳолиси ўртақоллаштирилди ва ўрта ҳол деҳқон қишлоқда бош, энг оммавий фигура бўлиб қолди. Моҳиятан, бу ерда ерга хусусий эгаликнинг шаклигина ўзгарди. Хусусий ташаббус, ўз ерига, чорвасига, мол-мулликка эга бўлиш, ўз хоҳиши бўйича меҳнат қилиш, оила аъзолари билан ишлаш, дала ишлари қизгин пайтларда эса қўшимча куч ёллаш имкониятлари бор эди.

Шунга қарамай, бу ерларда ҳам омма онгининг қолюқлиги туфайли, хусусий мулкни қонунийлаштирган диний тушунчалар туфайли юзага келган мураккабликлар ҳам бор эди. Бинобарин, одамларнинг шахсий манфаатлари эмас, балки хусусий мулкнинг «муқаддаслиги», ўзга одам мулкнинг дахлсизлиги, зўрлаб олиш, ўзлаштиришнинг гуноҳ эканлиги ҳақидаги тушунчалар бу ишларнинг амалга оширилишида тўсиқ бўлиб хизмат қилди. Ер-сув ислохотини амалга ошириш жараёнида мамлакатимизда ҳам, социалистик тараққиёт йўлини танлаган бошқа қатор чет мамлакатларда ҳам, субъектив омилнинг айнан шу қирраси чуқур ва ҳартомонлама ҳисобга олинмади. Баъзи деҳқонларнинг ҳукумат бўлиб берган ердан бош тортишларига сабаб ҳам шу эди. Баъзан шундай бўлардики, бойларнинг мусодара қилинган ерларига эга бўлган деҳқонлар тўпланган ҳосилнинг бир қисмини яширин ҳолда собиқ хўжайинларига элтиб беришарди. Бу ерда биз одамлардаги диний тушунчалар уларнинг шахсий манфаатидан устун келган шундай фактни учратамиз: деҳқонлар ўз ерига эга бўлишни, бой-феодалларга қарам бўлмай озод меҳнат қилишни қанчалик истамасинлар, улар жамиятдаги урф-одатлар, анъаналар таъсирида шаклланган ўз диний эътиқодларига қарши боришга қодир эмас эдилар.

Шундай қилиб, 20-йилларнинг иккинчи ярмида Урта Осиё ва Қозоғистонда ўтказилган ер-сув ислохоти бу ерлик аҳолининг онгини, эътиқодини маълум даражада ўзгартирди. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга катта таъсир кўрсатганига қарамай, бу ўзгаришлар хусусий мулк тушунчалари доирасидагина юз берди. Деҳқонлар совет ҳокимиятидан келаётган аниқ фойдани ўз кўзлари билан кўрдилар-у, социалистик тараққиёт ғоясини қабул қилишга ич-ичдан қарши эдилар. Ўз ерига, чорвасига, мол-мулликка эга бўлиш деҳқон учун коммунага аъзо бўлиб киришдан кўра тушунарлироқ эди.

В. И. Ленин РКП(б)нинг VIII съездида сўзга чиқиб, шундай деган эди: «Шу пайтгача ўз муллаларининг таъсири остида бўлган қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар каби халқларга нисбатан биз нима қила оламиз? ...Биз шу халқларга қориб: «Биз сизнинг эксплуататорларингизни ағдариб ташлаймиз» деб айта оламизми? Биз бундай қила оламиз, чунки улар бутунлай ўз муллаларига қарамдирлар. Бунда айна миллатнинг ривожланишини, пролетариатнинг буржуа элементларидан табақаланишини кутиш керак, бу табақаланишнинг бўлиши эса муқаррардир.<sup>1</sup>»

Бироқ, таассуфки, амалда бошқача бўлди. Субъектив омиллар ривожининг моҳият ва даражасини, ҳатто баъзи объектив шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олмасдан Урта Осиё ва Қозоғистонда 20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг бошларида оммавий суратда коллективлаштириш бошланди. Баъзи энг қолюқ ноҳияларда деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш ер-сув ислохоти билан деярли бир вақтда амалга оширилди. Совет ҳокимияти қўлидан эндигина ер, чорва олган қолюқ деҳқонлар, кўчманчи ва яримкўчманчи овул одамлари коллективлаштириш ғоясини онгли, хайрихоҳ кутиб олиш учун тайёр эмасдилар. Шунинг учун ҳам деҳқонлар оммасини коллективлаштириш ишлари кўпинча зўрлаш, мажбур қилиш, шахсий иштиёқ ва ташаббусларни сўндириш орқали амалга оширилди. Тубдан олиб қаралганда, буларнинг бари социалистик тараққиёт йўллари қонуниятларига, йирик сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда субъектив омилларнинг роли ҳақидаги ленинча ғояларга қарама-қарши эди. Муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохот муаммоларини ҳал қилишда кўпол ўзбошимчиликлар ва хатоларга йўл қўйган И. Сталин ва бошқалар деҳқонлар оммасини социалистик тараққиёт йўлига аста-секин ва босқичма-босқич ўтказиш тўғрисидаги, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш кучларини кўтаришни таъминлашда кооперация-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. ТАТ, 38-том, 186—187-бетлар.

нинг турли шаклларида кенг фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ленинча ғояларни назардан соқит қилдилар.

Қишлоқни социалистик тубдан қуриш асослари тўғрисидаги, бу вазифаларни мамлакатимизнинг у ёки бу ҳудудда муайян шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бажаришнинг йўллари ва шакллари ҳақидаги партиянинг муҳим ҳужжатлари амалда бузиб талқин этилди ёки эътиборга олинмади. Ҳаммани зўрлик ва зулмга кўнишга мажбур қилинди, биронта ҳам эътироз ва танбеҳ ҳисобга олинмади. Жамоалаштиришнинг мажбурий усулларига кимки қарши чиқса, бундай одам аксилинқилобий тарғиботда айбланди. Социализм қурилишида деҳқонлар билан ишчиларнинг иттифоқдошлиги ҳақидаги ленинча ғояларга аҳамият берилмади. Бу ҳаракатларнинг бари социализм қурилишининг асосий йўлларига тубдан қарама-қарши бўлиб, мамлакатнинг турли бурчакларида деҳқонлар ғалаёнига сабаб бўлди. Натижада кўплаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди, асоссиз оммавий қатағонлар бошланди.

«Барча халқларнинг доҳийси» чизиб берган қишлоқни социалистик тубдан қуриш йўллари салбий оқибатлар келтириб чиқара бошлади. Қишлоқ ҳаётини ривожлантиришнинг социалистик йўли деб мажбуран тикиштирилган усул кўпчилик деҳқонлар оммасининг маънавиятига моҳиятан ва мазмунан ёт усул бўлиб чиқди. Мамлакатнинг барча ҳудудларида 30-йилларнинг бошида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишмаслиги сабабли оммавий очарчилик бошланди. Натижада миллионлаб одамлар ҳалок бўлдилар. Мамлакатимиз бўйича коллективлаштириш йилларида, тўлиқ бўлмаган маълумотларга қўра, 17,7 миллион от, 90 миллиондан ортиқ чўчка, 71 миллион қўй ва эчки, 25 миллион бош қорамол, шу жумладан, 10 миллион сигир йўқотилди, ҳалок бўлди, бўғизланди. (Таққослаш учун шуни айтиш кифояки, Америкада сут етиштирувчи чорва молларининг сони 10 миллионни ташкил этади.) Мамлакатда 1934 йилда гўшт етиштириш граждандар уруши қайнаб турган 1919 йилдагига нисбатан икки баравар камайиб кетди. Одамлар кўпчилик ҳолларда жамоа бўлиб меҳнат қилиш ҳақида, социалистик тараққиёт йўлларининг афзалликлари ҳақида ҳеч қанақа тасаввурга эга бўлмасданок чорва молларини йўқотишга киришган эдилар.

Коллективлаштиришнинг суръатлари ва муддатлари белгилаб қўйилганлиги сабабли, рўй берган бу фожиалар Урта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида — деҳқонлар оммасининг, кўчманчи ва яримкўчманчи овул аҳолисининг хусусий мулкчилик онги ва психологияси чуқур томир ёйган ва мустаҳкам бўлган жойларда — айниқса, ҳалокатли тарзда намоён бўлди. Булардан ташқари, қишлоқ оммаси диндор эди, улар жамиятдаги шаклланиб келган анъаналарни, урф-одатларни, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни муқаддас ва барқарор деб ҳисоблашар, руҳонийларга, бойларга, уруғ-қабилга йўл-бошчиларга тўла қарамликда эдилар. 30-йилларнинг бошида Урта Осиё пахтачиликни ривожлантириш йўлига биратўла ва мустаҳкам ўтиб олди. Пахта якказироат ҳоқимлигини кенгайтириш натижасида буғдой, бошқа дон экинларини экиш аста-секин қисқара борди. Тобора мураккаблашаётган вазиятга боғлиқ ҳолда, марказий туманларга ғалла ва саноат маҳсулотларини олиб келиш имкон қадар қисқартирилди. Охир-оқибатда эса очарчилик миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди.

Бу машъум вазият, айниқса, аҳолиси кўчманчи ва яримкўчманчи бўлган туманлар ҳаётига катта зарар етказди. Бу ерлардаги аҳолининг экин майдонлари, боғлари йўқ, бўлса ҳам жуда кичик ҳажмда эди. Уларнинг яшаш имкониятлари чорва билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, моллари мусодара қилинганидан сўнг тирикчилик қилишдан деярли маҳрум бўлиб қолдилар. «Ортиқча» чорвани сақлашдан ҳадиксираб қолган одамлар ўз молларини яшириб, сўйиб йўқота бошладилар. Молларнинг мусодара қилинишидан, жамоа ва совет хўжаликларига тўплашдан ҳам бирор натижа чиқмади: сон-саноксиз чорвани парваришlash, боқишни эпломаслик ва бошқа турли сабаблар чорванинг ёппасига қирилиб кетишига, аҳоли ўртасида очарчиликка олиб келди. Бунинг устига чорвадорларда деҳқончилик тажрибалари йўқ эди. Жамоа хўжаликларининг камбағаллиги туфайли, аҳолини иш билан, озик-овқат ва кийим маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари мушкуллашди. Жамоа бўлиб ишлаш ҳақида тасаввурга эга бўлмаган, яшаш воситаларидан маҳрум юз минглаб қозоқлар, туркманлар очликда ҳаёт билан видолашдилар. Рўй бераётган аҳволга, зўравонлик ва ўзбошимчаликларга қарши гапирган кўплаб маҳаллий партия, совет ходимлари ишдан бўшатиладилар, «аксилинқилобий» тарғиботда айбланиб қамалдилар. Устига-устак, мамлакатнинг марказий туманларидан жойларга юборилган баъзи коммунистларнинг маҳаллий шароитларни, маҳаллий аҳолининг ғоявий-сиёсий савиясини, тушунчаларини, ҳаётини асосларини ва миллий хусусиятларини билмасликлари оқибатида қатор ўзбошимчаликлар, хатолар рўй бера бошладилар. Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳаётидаги бу фожиали давр ҳақида ҳали ҳеч нарса айтилгани, ёзилгани йўқ. Олимпаримиз ўша қонли саҳифалар тўғрисида асл маълумотларга эга бўлсалар-да, ростини айтишга журъат қилолмаяптилар. Тарихимиздаги «оқ доғ»ларнинг асосий сабабларидан бўлган — шахсга сифиниш, ғаразгўйлик, ўзбошимчаликларнинг оқибати ўлароқ рўй берган ҳодисаларни чуқур таҳлил қилиш ниҳоятда зарурдир.

1930 йил март ойида И. Сталиннинг «Муваффақиятлардан эсанкираш» мақоласи

чоп этилиб, унда ўзининг шахсий кўрсатмалари натижасида йўл қўйилган хатолар танқид қилинди. Лекин бу мақолада кўрсатилган хато-камчиликларга кейинчалик ҳам барҳам берилмади, зўрлаб коллективлаштириш, деҳқонлар оммасини социалистик тараққиёт йўлига ўтказишни жадаллаштириш қизғин давом этаверди. Бу хато-камчиликларнинг бари жаҳон жамоатчилиги кўзи олдида социализмнинг олийжаноб ғояларини, кўпмиллатли совет давлатининг мақсадларини оғиз кўпиртириб ёмонлашда рақибларимизга жуда қўл келди.

Ўзбекистонда коллективлаштириш бўйича ленинча принципларнинг бузилиши маҳаллий шарт-шароит ва имкониятларни, кўнгиллилик тартиботларини менсимасликда, маъмурий усулларни кенг қўллашда ёрқин намоён бўлди. Омманинг истак ва кайфиятларини ҳисобга олмаган ҳолда, бир неча қишлоқ ва овулларни қўшиб юбориш асосида гигант-жамоалар тузиш ишлари ҳам хато бўлиб чиқди, ўзини оқламади.

Йўл қўйилган хатолар хилма-хил эди. Масалан, Фарғона округида фақат камбағал-батрақларнинг ўзидангина алоҳида жамоа тузиш ҳаракатлари бўлди, ўртаҳол деҳқонларга эса алоҳида — ўртаҳоллар жамоаси тузиш тавсия қилинди. Албатта бундай суларча қушоқдан чиқиш аҳолининг асосини ташкил этувчи ўртаҳол деҳқонларни жамоалаштириш ҳаракатидан бездириш учунгина хизмат қилди, холос. Тошкент округида коллективлаштиришни ўтказувчи комиссиянинг ҳисобот қоғозида ёзилишича, деҳқонлар ўзларига жамоа қандай моддий фойда беради-ю, давлатга нима беришини аниқ тасаввур қила олмас эдилар. Беш нафар жамоатчи билан бўлган суҳбатдан сўнг шу нарса ойдинлашдики, улар жамоа тузилиши уставидан мутлақо беҳабар эканлар ва ҳатто, бу устав жамоа тузилиши масалалари кўриб чиқиладиган йиғилишда ўқиб ҳам эшиттирилмаган. Жамоа бўлим ходимлари бу хатни тасдиқлаш билан бирга, шуни ҳам қайд этган: кўпгина ҳолларда ташкилотчилар ва ташвиқотчиларнинг ўзлари устав билан танишмаган эканлар!<sup>1</sup>

Ўзбекистон ССР деҳқончилик ишлари халқ комиссари Е. Л. Зелькинанинг ҳикоя қилишича, Фарғонанинг Муллачақар қишлоғида қари деҳқон унинг оёғига йиқилади: «Мен етмиш ёшдаман, хотиним эса эллиқда. Колхозга кирай десам, мункиллаб қолганман. Мени колхозда ишлашга мажбур қилишяпти, еримни тортиб олишмоқчи!» Қари деҳқон шундай деб, халқ комиссаридан ўзини ҳимоя қилишни, арз-додини тингламаган қишлоқ советининг раисини жиловлаб қўйишни ўтинган.<sup>2</sup>

Раҳмсиз маъмуриятчилик ва жамоа қурилишини жадаллаштириш оқибатида деҳқонлар оммасининг баъзи қисмларида жамоалаштиришнинг моҳияти ва мақсадлари ҳақида нотўғри тасаввурлар юзага келди. Асоссиз оғишлар туфайли оммада уйғонган салбий кайфият динга ва диндорларга нисбатан йўл-йўриқларнинг бузилиши оқибатида янада чуқурлашди. Қатор вилоятларда мачитларни ёпиш бўйича кўпол саъй-ҳаракатлар кенг авж олди, омманинг диний эътиқоди таҳқирланди. Охир-оқибатда, ЎзССР МИК ҳужжатларида таъкидланганидек, шундай ҳол юз бердики, Ўзбекистонда «деҳқонларнинг, шунингдек, камбағалларнинг баъзилари жамоа ҳаракатидан қайтиб», деҳқонлар оммасининг коллективлаштиришга ва ҳатто совет ҳокимиятига қарши ғалаёнлари бўлиб ўтди.<sup>3</sup>

Бу оғишларни ҳисобга олган ҳолда, ВКП(б) МК 1930 йил 25 апрелда мамлакатдаги миллий-иқтисодий қолақ туманларда коллективлаштириш тўғрисида янги қарор қабул қилди. Қарорда партиянинг жамоа қурилиши йўлидан четга чиқишларга эрк бермаслик таъкидланган эди. Йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш бўйича ўтказилган илк тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Кўплаб коммуналар, чалаўлик колхозлар тугатилди, Қозоғистонда 1930 йилнинг январида коллективлаштириш кўрсаткичи 77 фоизга етган бўлса, қарордан сўнг бу сон 24 фоизгача қисқарди. Урта Осиё жумҳуриятларининг чорвачилик туманларида коллективлаштириш кўрсаткичи бу пайтда 10—15 фоизга тушди.

Лекин қишлоқ ҳаётидаги бу сокинлик вақтинчалик эди. 30-йилларнинг бошида деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш ва қулоқ қилиш саъй-ҳаракатлари яна жадаллаштириб юборилди. Яна кўпчилик деҳқонлар оммасининг қизиқиш ва талаблари инобатга ўтмай, мажбурлаш, зўрлаш усуллари кенг қулоқ ёйди. Баъзи ғоявий-сиёсий жиҳатдан сўқир, нолойиқ маҳаллий раҳбарларнинг жазавалари ошиб кетганлиги сабабли, қишлоқ меҳнаткашлари орасида сабр-бардош билан, узлуксиз, батартиб равишда ўтказилиши зарур бўлган ғоявий-тарбиявий ишлар ўлда-жўлда қолиб кетди. Раҳбарлар халқни, оммани қайси томон кўрсатилса, ўша ёққа оғиб кетаверадиган оломон деб тушундилар. Моҳиятан бунинг ўзи шахсга нисбатан зўравонликнинг, зулмнинг янги шакли эди. Биз, албатта, қишлоқ ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда, деҳқонлар ижтимоий онгини ўстиришда катта роль ўйнаган жамоа хўжаликларининг муваффақиятларини, афзалликларини яхши биламиз. Лекин коллективлаштириш ишлари илмий асосда, мақсадга мувофиқ сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш билан бирга олиб

<sup>1</sup> Ўз МЛИФ ПА, 58 ф, 5 оп., 743 иш, 153 в.

<sup>2</sup> Уша ерда, 6 оп, 755 иш, 78 в.

<sup>3</sup> ЎзССР МДА, ф.Р—86, 1 оп, 6327 иш. 80—83 в.

борилганда, шубҳасиз, бу муваффақиятлар янада таъсирли, янада самаралироқ бўлур эди.

Ўзбошимча ва ноҳолис хатти-ҳаракатлар, социалистик қурилиш жараёнидаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг объектив қонуниятларини менсимаслик ҳоллари қулоқларга қарши ўтказилган сиёсатда ҳам салбий оқибатларга олиб келди. Инқилобгача Туркистонда деҳқончилик ва ерга эгаллик бутунлай феодаллар ҳукми остида бўлиб, қулоқ хўжаликларининг пайдо бўлиши учун объектив шарт-шароитлар йўқ эди. Қишлоқ ва овулларда йирик ер эгалари, патриархал-қабила, яримфеодал раҳбарларгина асосий ижтимоий куч саналарди, ер ва чорва, энг яхши яйловлар уларнинг қўлида эди. Маълумки, бойлар, йирик чорвадорлар товар-пул муносабатлари йўлига эндигина ўта бошлаган, лекин уларда қулоқ хўжаликларига хос бўлган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар пайдо бўлиб улгурмаган эди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳақида гап юритадиган бўлсак, бу ерларда қулоқ хўжалиги пайдо бўлиши мутлақо мумкин ҳам эмасди. Совет ҳокимияти даврида ўтказилган ер-сув ислоҳотидан кейин эса, қишлоқда асосий фигура — ўртаҳол деҳқон бўлиб қолди. Ўртаҳол деҳқоннинг қисқа вақт ичида ўсиб, қулоққа айланишини тасаввур қилиш ҳам қийин. Қолаверса, энг қолоқ туманларда ер-сув ислоҳотининг коллективлаштириш ишлари билан деярли бир вақтда ўтказилиши ўртаҳол деҳқоннинг ўсиб, қулоқ хўжаликка айланишига ҳеч қанақа имкон қолдирмаган эди.

ВКП(б)нинг XV съезди ҳужжатларида эксплуататор синфларнинг қолдиқларига қарши кураш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Съезд зўравонлик, талон-тароҳ қилиш, мажбурий тугатиш йўллари билан эмас, балки иқтисодий усуллар билан, эксплуатация қилиш имкониятларини чеклаш билан қулоқ хўжаликларни тугатиш вазифасини қўйди. Иқтисодий чоралар қўллаш билан қулоқ хўжаликларини камайтира бориш зарурлиги кўзда тутилди. Қишлоқ аҳолисининг социал гуруҳлари хусусиятларини менсимаслик, тушунмаслик туфайли қулоқ хўжаликларини аниқлашда ҳам хатоларга йўл қўйилди. Кўпгина жойларда ўртаҳол бўлган меҳнаткаш деҳқонга ҳам, жамоага киришга тайёр бўлмаган камбағалларга ҳам «қулоқ» тамғаси босилаверди. Шу тариқа, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг ривожига катта зарба берилди. Оқибатда эса, совет олимларининг ҳисоб-китобиغا қараганда, мамлакатда 3,2 млн. деҳқон хўжаликлари тугатилди, одамлар сургун қилинди.<sup>1</sup> Кўпгина туманларда қулоқ сифатида тугатилган деҳқон хўжаликлари 10—15 фоизни ташкил этса, сайлаш ҳуқуқларида маҳрум қилинган деҳқонлар 15—20 фоизни ташкил этарди.<sup>2</sup> Ҳолбуки, ўша пайтда бутун мамлакатда деҳқон хўжаликларининг атиги 7 фоизгина қулоқ хўжаликлари эди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида эса ҳалигача тугатилмаган феодал ва яримфеодал хўжаликлар эмас, балки, асосан ўртаҳоллар, ва ҳатто, камбағал хўжаликлар қулоқ қилинди. Қулоқ қилишда одамлар ўртасидаги ўзаро адоват, ўч олиш, ғаразгўйликлар ҳам маълум даражада ўрин тутди. Қулоқ қилишнинг асл моҳияти ва мақсадларини ҳеч ким — бор-йўқ мол-ҳолидан ажралиб, туғилган юртидан сургун бўлиб кетаётган ҳам, шу ишларнинг бошида туриб раҳбарлик қилаётган ҳам — яхши тушунмас эди. Қулоқ бўлиб кетаётганларнинг қолган оила аъзолари, яқинлари жамоаларга қабул қилинмасди, яшаш учун ҳеч қанақа манбага эга бўлмаган бу бечоралар ўлимга маҳкум эдилар. Эри ёки оталари сургун бўлган аёл ва қизларнинг номуси, инсоний туйғулари топталди, лекин одамларнинг шахсий фожиалари социалистик қурилишнинг зафарли одимлари ҳақидаги тантанали рапортларнинг шовқини ичида эшитилмай қолаверди. Социализмни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда синфий курашнинг кучайтириш тўғрисида сталинча зарарли назария асосиз оммавий равишдаги қатағонларга, инсон ҳуқуқларининг, номусининг топталишига сабаб бўлиб хизмат қилди. Инсон тақдири, манфаатлари асосий мақсад эмас, балки илмий асосланмаган ўзбошимча ақидаларни амалга оширишда бир восита эди, холос.

Қулоқларни тугатишда, масалан, Қашқадарё вилоятида партиянинг синфий йўли бузиб талқин қилинди. Натижада ўртаҳол деҳқонлар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Қашқадарё вилоятининг Китоб қишлоқ шўросида вакил Тўраев, кимда-ким бир мавсумда бошқа бировни ишга ёлласа, қулоқ деб эълон қилинишини айтиб, аҳолини огоҳлантирган эди. Андижоннинг Қорасув туманидан «Туман фирқа ташкилоти одамларнинг ижтимоий фарқларини белгилашда қийналмоқда» деган мазмунда хабар келган. Бу ерда жами 1770 одам ҳуқуқлардан маҳрум қилинган, улар ичида 394 нафар ўртаҳол деҳқон қулоқликда, 536 нафар деҳқон диндорликда айбланиб, шу жазога гирифтор бўлганлар. Бундай ҳоллар Самарқанд округининг Каттақўрғон туманида ҳам рўй берган — қулоқлар билан бирга ўртаҳоллар ва ҳатто камбағаллар ҳам сургун қилинган.

Объектив ва субъектив асосланмаган хатти-ҳаракатларнинг зарарли оқибатлари аёл-қизларни эркинликка чиқариш даврида ҳам ёрқин намоён бўлди. Хотин-қизлар

<sup>1</sup> Қаранг: «Труд» газетаси, 1988, 3 август.

<sup>2</sup> Қаранг: «Правда» газетаси, 1988, 26 август.

озодлиги, уларни меҳнатга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш, бу масалани ҳал қилишга тўсқин бўлувчи ғоявий-маънавий омилларни бартараф этиш, шубҳасиз, социалистик қурилишнинг ажралмас қисмларидан эди. Фақат социалистик жамиятгина аёллар оммасининг тўла озодлиги, уларнинг маънавий ва инсоний баркамолликка эришуви учун шарт-шароитлар ярата оларди. Бу реал ва зарур вазифа эди. Лекин бу масалани фақат юқоридан келган буйруқ асосидагина ҳал қилиш асло мумкин эмас эди. Тўла маънавий озодликни хотин-қизлар оммасининг онгли, фаол иштироки билангина таъмин қилиш мумкин эди. Ғоявий-тарбиявий ишларни режали, узлуксиз олиб бориш, аёл-қизларни меҳнатга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш бўйича тажриба тўплаш ва уни умумлаштириш зарур эди. Лекин бу ишлар ҳам кўпинча нафақат аёлларнинг, умуман маҳаллий аҳолининг онг савиясини чуқур ҳисобга олмасдан ўтказилди. Жуда кўпчилик аёл-қизлар, эркаклар ҳам, эркинлик ғояларини тўғри қабул қилишга тайёр эмасди. Феодал жамиятидаги ғоявий-ахлоқий қарашлар кўплаб аёл-қизлар ва эркакларнинг онгига сингиб, ўрнашиб қолган эди. 1927 йилнинг март ойида Тошкентнинг Эски шаҳар мавзеида бўлиб ўтган, аёл-қизлар озодлигига бағишланган йиғилишнинг бориши шундай тасвирланади: «Аёллар йиғилишга милиционерлар соқчилигида олиб келинди. Йиғилиш ҳовли ичида бўлиб, у ерга эркакларни қўйишмади. Аёллар ўз болаларини етаклаб олган, ҳовлининг ичи тўла шовқин-сурон... Нутқ тугагач, милиция вакили: «Кимки 8-Март куни намойишга келмаса, юзини очмаса, фалон сўм миқдорида йирик жарима тўлайди!» деб эълон қилди. Утирганларни оралаб юрган милиционерлар милтиқларини силкитиб, пўписа қилдилар.»

Андижон вилоятининг бир неча қишлоқларида деҳқонларга милиция ва жиноят қидирув ходимлари орқали хотинлари ва қизларини йиғилишга олиб келиш буюриларди. Бунда албатта, буйруқни бажармаган деҳқон олти ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинади ёки 35 сўмдан 70 сўмгача жарима тўлайди, деб огоҳлантириларди. Озодликка чиқариш масалаларини ҳал қилишда ҳам аҳолининг диндорлик хусусиятларига менимай қаралди, ғоявий-тарбиявий тарғибот ишлари ортга суриб ташланди. Бу борадаги оғмачиликлар, шошқалоқликлар оқибатида юзлаб аёллар синфий душманларнинг, шунингдек, тор тушунчадаги одамларнинг қўлларида ҳалок бўлдилар.

Иқтисодий тараққиёт имкониятларини ҳисобга олмай, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўзбошимчалик билан ҳал этиш усуллари 60-йилларнинг ҳаётида ҳам чуқур салбий излар қолдирди. Иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги ўзбошимчаликларнинг ўтакетган ашаддий намунаси, сўзсиз, ўзининг машъумлиги, қалтислиги билан ном қозongan «Рязань тажрибаси» бўлди. Илмий асосланмаган планларни бажаришга жонжаҳдлари билан киришган бу вилоят раҳбарлари бир неча йил ичида деярли барча йирик ва майда чорва молларини қириб йўқотдилар. Бу борадаги сиёсий сўқирлик шундан иборат эдики, одамлар эртанги кунни умуман ўйламай қўйдилар, ҳамма икки-уч йил ичида бешйиллик планларни ошириб бажариб, тезроқ кўкрагини нишонлар билан безашни орзу қиладиган бўлиб қолди.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг мақсад ва моҳиятини англаб етишда инсоннинг шахсий орзу-ҳаваслари, унинг ички дунёси, талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмаган, илмий асосга эга бўлмаган шакл ва услублар жамиятимизнинг кейинги даврлардаги ҳаётида ҳам ўзини кўрсата борди. Ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади билан уни амалга ошириш воситалари, шакллари ва услублари ўртасидаги номувофиқлик чуқурлашгандан-чуқурлашди, бу эса ўз навбатида, ижтимоий тараққиёт суръатларига, одамларнинг феъл-атворида, ғоявий, ахлоқий-руҳий дунёсига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Рўй берган ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида чуқур мулоҳаза қилиб кўрилса, шундай хулосага келиш мумкинки, иқтисодий тараққиёт одамлар манфаати учун эмас, балки кўпинча одамлар аллақандай ҳавойи кўрсаткичларга эришиш йўлида беихтиёр восита бўлиб хизмат қилганлар. Иқтисод инсон учун эмас, балки инсон иқтисод учун, деган яширин ақида шу тариқа дунёга келди. Бу ақида Ўзбекистонда бошқача, янада аниқроқ бир шаклда намоён бўлди — пахта одам учун эмас, одамлар пахта учун керак, деган тушунча пайдо бўлди. Мамлакатга миллионлаб тонна пахта етказиб берилди-ю, лекин уни етказиб бериш учун тинимсиз ишлаётган одамларнинг моддий фаровонлиги, ижтимоий-маданий турмуш савиясини кўтариш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. Пахтачилик ўсгани билан одамларнинг яшаш шароитлари, турмуш даражаси яхшиланмади. Одамлар миллионлаб тонна пахта етиштириб берганлари ҳолда, дўконлардан пахта маҳсулотларини, кўйлак, пайпоқларни ойлаб излаб тополмасдилар. Пахта етиштирувчи жамоа ва совет ҳўжаликлари қарзга ботиб, қарзларининг умумий миқдори 5 млрд. сўмдан ошиб кетди. Уйдирма кўрсаткичли планларни бажариш йўлида деҳқонлар кунига 12—16 соатлаб, дам олиш кунини-ю байрамларни унутган ҳолда меҳнат қилдилар. Совет ҳокимияти ўрнатилганига 70 йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса ҳам, уларнинг дастурхонларида нон, чой, қанддан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Сўнги пайтларда қанд, шакар ҳам пештахталарда турмайдиган бўлиб қолди. Қишлоқ аҳолиси ичида гўшт истеъмол қилиш жон бошга йилга атиги 8—10 килограмминигина ташкил этарди, холос. Аҳолининг шахсий томорқаси ҳажми ҳам қисқаргандан-қисқариб, сигир боқиш уёқда турсин, товуқ асраш учун ҳам имкониятлари чек-



ланиб қолди. Қишлоқ одамлари гўшт, сут маҳсулотлари, сабзавот ва мева излаб топиш учун шаҳарга қатнай бошладилар. Урта Осиё жумҳурияларида кенг ёйилган якказиро-атчилик озиқ-овқат муаммоларини ҳал қилишни ниҳоятда қийинлаштириб қўйди. Бу жумҳуриятлар гўшт ва бошқа маҳсулотлар учун ўзга жумҳуриятлардан дотация ола бошладилар. Бироқ ҳеч ким Бутуниттифоқ иқтисодийетини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда улкан роль ўйновчи пахта дотацияси ҳақида очиқ гапирмади.

Нафсиламрини айтганда, пахта яккахоқимлиги маълум даражада одамларнинг эҳтиёжини, ҳавасларини, яшаш шароитларини менсимаслик оқибатлари эди. Пахтачиликни фақат сон жиҳатдан ўстириш натижасида бошқа экин майдонлари бора-бора камайиб, чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари торайди. Пахта майдонларида дефолиантларни, захарли химикатларни сурункали қўллаш оқибатида эса, экологик вазият бениҳоят кескинлашди, турли хил касалликлар урчиб, болаларнинг ўлими кўпайди. Пахта етиштиришни кўпайтириш учун ҳадеб янги ерларнинг очилиши Орол денгизининг қуриб кетишига, миллионлаб гектар экин майдонларининг шўрланишига, ботқоқзорларга айланишига олиб келди. Хўжасизлик, муаммоларни инсон манфаатларини менсимасдан ҳолда ҳал қилиш натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ғурури деб шарафланган пахта халқ бошига ёққан кулфат бўлди. Жазирама иссиқ шароитидаги оғир қўл меҳнати, пахтага тўланадиган ниҳоятда паст баҳо бу кулфатларнинг кўпайишига «кўмаклашди».

Этиборсизлик, тўғрироғи, одамларнинг манфаатлари ва талабларига менсимас қараш маиший турмуш соҳасида ҳам аҳволни ниҳоятда ёмонлаштириб юборди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича Ўзбекистон мамлакатда энг орқада ҳисобланади. Қишлоқларимизда маданий-оқартув, коммунал-маиший хизмат муассасалари жуда кам. Мактаблар, болалар боғчалари, яслилар, спорт иншоотлари, шифохоналар, поликлиникалар, малакали врачлар етишмайди. Қишлоқларнинг маиший турмуш, санитария-озодалик даражалари ниҳоятда паст, қониқарсиз аҳволда. Жумҳуриятимизда ўз туғруқхонасига эга бўлмаган туманлар ҳалигача учрайди.

Аммо халқни эртак айтиш билангина бир умр овунтириб яшаш мумкин эмас эди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурияти пишиб етилган эди. Мамлакатимизда бошланган қайта қуриш, ошкоралик ва демократияни кучайтириш сиёсати инсон омилига, манфаатига дахлдор, ҳал қилиниши лозим бўлган хилма-хил муаммоларни кун тартибига қўйди. Совет ҳоқимияти босиб ўтган тарихий йўлнинг барча босқичларини ёритишда ва мушоҳада қилишда воқеа-ҳодисаларни салбийлаштириш авж ола бошлади. Бу борада тафтишчиларга ўрни-ўрнида босиқлик, ақл-заковат, эҳтиёткорлик, сиёсий одоб-ахлоқ ҳам етишмай қолди. Ҳолбуки, қайта қуришни фойдали, мақсадларга мувофиқ ҳолда амалга оширишда истак-эҳтирослар билан бирга, муҳими — сабр-бардош, узокни кўзлаб иш тутиш, жазавага тушмаслик, амалий ҳаракатлар ва чуқур таҳлили мушоҳадакорлик ҳам жуда зарур. Турли муаммоларни ҳал қилишда «қовун тушириб» қўйган ҳоллар кўп бўлди, эндиликда ўтган хатоларни янги шаклларда такрорлаб қўйишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Утмишнинг шахсга сиғиниш билан, ўзбошимчалик ва ғаразгўйлик билан боғлиқ бўлган фожиялари бу борада бизларга сабоқ бўлмоғи керак. Кечаги ишларни бугуннинг талаб-эҳтиёжлари билан ўлчаш қийин. Энг маъқули, бизларнинг бугунги саъй-ҳаракатларимизни эртанги авлод қандай баҳолаши мумкинлиги ҳақида ўйлайлик.

Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган вазифаларни одамларнинг онгли, асосли, ҳаётбахш ва яратувчан фаолиятисиз, фақат шиорлар ва ваъдалар бериш билангина ҳал қилиб бўлмайди. Инсон омили соҳасида қайта қуриш жадал ва яшин тезлигида амалга оша қолмайди. Асоссиз эҳтирослар, шошқалоқликлар, қулоч кериб ҳаракат қилишлар бу борада фақат зиён келтириши мумкин, холос. Бизга ҳозир одамларнинг бир оғиздан, сўзсиз розилиги ҳам, аввалдан тайёрланиб, баланд минбардан ўқиладиган нутқлару давомли қарсаклар ҳам керак эмас. Бизга саъй-ҳаракатлар орқали намоён бўлувчи маънавий ишонч, руҳ, чин иштиёқ, онгли фаоллик зарур.

Халқ тарих ижодкоридир. Шу билан бирга, халқ — шахсий, касбий, ахлоқий, ижтимоий ривожланиши турли савияда бўлган, турли хил ҳавасларга, қизиқишларга ва қобилиятларга эга бўлган шахсларнинг мажмуаси ҳамдир. Бинобарин, тарихий вазифаларни ҳал қилишда халқ оммаси родини фаоллаштириш — маълум маънода, инсондаги шахсий қобилиятларнинг барча қирраларини қай даражада оча билишимизга, унинг фаолиятини, имкониятларини аниқ ижтимоий-иқтисодий, маънавий муаммоларни ҳал қилишга қай даражада йўналтира олишимизга ҳам боғлиқ.

Шундай қилиб, иқтисодий соҳадаги бош йўналиш бўлган янги тафаккур мамлакатда амалга ошаётган инқилобий руҳдаги сифат ўзгаришларнинг мақсад ва вазифалари диалектикасини талқин қилишда ҳамма нарсани ўрни-ўрнига қўймоқда: инсон, унинг манфаатлари ва орзуларининг рўёби янгиланаётган социализмнинг бош мақсадига айланмоқда. Авваллари ишлаб чиқариш кучларининг бир бўлагидеб тушуниб келинган Инсоннинг ўзи бизнинг олдимизда ҳам бош мақсад, ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётининг асосий омили сифатида қад тикламоқда.

Иброҳим Раҳим

## ҚАЙЛАРДАСАН, ЖАННАТИЙ ИНСОФ?

Ҳамдам оқсоқолни ажиб бир ҳолатда учратиб ҳайрон бўлдим. У ғазабдан титраб, нималарнидир ғудирлар, сўкинарди. Ажабо, қўй оғзидан чўп олмаган, ғудакни ҳам сенламаган, барчага бирдай яхшилик қилиб обрў топган ҳалол, пок, нуруний инсонни ким, нима учун бу кўйга солди экан? Биргина мен эмас, уни шу кайфиятда кўрган ҳар қандай киши ҳам ажабланарди.

«Болалар дунёси»нинг ланг очиқ эшигига кириб чиқаётган одам борки, унга эътибор қилмай ўтолмасди. Унинг орқасидан бориб «Ассалому алайкум» деб таъзим қилдим, оқсоқол дафъатан саломимга алик олмади, хаёли банд, дили азоб тортаётгандай хомуш, фаромуш эди. Унинг «шайтон... шайтон-ей» деган сўзлари қулоғимга чалинарди. Эътибор билан тингладим, у бир вақтлар маддоҳлар айтиб юрган мадҳни такрорларди:

Ҳей, одамлар, қўрқма шайтондин,  
Шайтон чиқди букун инсондин...

Мен унга юзланиб, саломимни такрорладим. Қария мени кўриб, ўзини ўнглаб олишга уринса-да, титроғи босилмасди, асабдан ияк соқоллари қимирлаб турарди. Қалби изтиробда-ю, руҳи бениҳоя азобда эди. Шу боисдан, унинг доимо кулиб турадиган кўзлари безовта, нақшон юзи аллақандай рангсиз эди. Сўрадим:

— Сизни ким хафа қилди, отахон?

— Ҳеч ким...— деди қария изтиробини яширгандай.

Қалтироқ овози унинг ички дардини ошкор қилиб турарди. Такрор сўрадим:

— Нимадан хафасиз, бўлмаса?

— Одамдан чиққан шайтондан хафаман!— деди оқсоқол аламини яширолмай.

— Ўша беандишанинг номини билсам бўладими?

Ҳамдам оқсоқол бир оз жимиб тургач:

— Инсоф қаёққа бадарға бўлди?!— деди овозини дўриллатиб.

Важоҳатидан сездимки, кимдир унга ноинсофлик қилибди. Аниғини билгим келиб, илтижо ила такрор сўрадим:

— Ўша ноинсофнинг номи борми?

— Қайси бирини айтайин. Афсуски, ёндафтар тутмайман. Манавинисини қаранг... Ҳозир қўғирчоқ бўлимидан топдим. «Уч яшар қизалоққа совға танлаб беринг» десам, сотувчи қиз чиройли қўғирчоқни кўрсатди. Кўзимга чўғдай кўринди. «Бундан яхшисини тополмайсиз, бобой» деди, ўшани олдим. Кўзбойлоқчи қиз эканми, қўғирчоқни кўрсатиб, менга манавини ўраб берипти. Буни нима деса бўлади?

Оқсоқолнинг қўлидаги қўғирчоқни кўриб, мен ҳам ғазабландим. Пластмассадан қуйилган қўғирчоқ чўлоқ, биқини тешик эди. «Эварамнинг туғилган кунига совға қилиб борувдим, уялиб қолдим», дейди орзу-ҳавасли меҳрибон бобо.

— Қайтариб бермадингизми?

— Сотувчилар бобиллаб, талаб ташлашди. «Олаётганда кўзингиз қаёқда эди? Йўлда ўзингиз синдириб, энди бизга тухмат қилаяпсиз», деб кўпчилик орасида мазах қилишди. «Инсофларинг борми, йўқми?» десам: «Бу ҳақда сизга ҳисобот бермаймиз, тошингизни теринг», дейишди.

Шундан кейин оқсоқол қизалоққа кўйлакча сотиб олиш учун ярим соат овора бўлибди. Кўйлакчаларнинг ҳаммасида ҳам бир нуқсон бор эмиш: бирининг чоки сўкилган, иккинчисининг этаги осилган. Тўғриси айтганда, тикувчи ҳам, назоратчилар ҳам, сотишга қўйганлар ҳам ноинсофлик қилганлар.

Қадимда ноинсофлик энг жирканч иллат ҳисобланган. Эл-юртда тавқи лаънат қилинган одамни «ноинсоф» деб атаганлар. Бундай кимсалар ўз юртида бош кўтариб юра олмаганлар. Ҳамдам оқсоқолнинг айтишича, ноинсофнинг «бу дунёси» бўлса ҳам, «у дунёси» йўқ эмиш. Қария менга бу ҳақда бир ҳикоят айтиб берди:

— Эмишки, бир даллол қассобдан олган текин гўштнинг суяги томоғига тикилиб ўлибди. Кейин шаҳид бўлганлар қаторида жаннатга кирмоқчи бўлибди. Жаннат дарвозаси олдида шаҳидлар тизилиб турган экан. Даллол ҳаммадан олдин кирмоқчи бўлиб одамларнинг олдига ўтибди. Навбат бошида бир нораста қўл қовуштириб турган экан. Даллол: «Ҳали ҳам шумшайиб турибсанми, юр, ўзим олиб кираман сани», деб норастанинг олдига ўтиб олибди.

Бир маҳал беҳиштининг эшиги очилибди-ю, даллолни қолдириб, норастани чақириб киритишибди. Кейин бошқалар кирибди. Даллол ҳар гал кирмоқчи бўлганида эса дарвоза ёпилиб қолаверибди. Шундай қилиб, қатордаги ҳамма беҳиштга кириб кетибдию, ташқарида даллолнинг бир ўзи қолибди. Шу вақт унинг олдида ҳаллослаб бир киши келибди.

— Жаннатнинг қоровули бўлсангиз керак,— дебди у даллолга,— жон ака, манави қуруғини олинг-да, мени дўзахидан қутқариб, жаннатга киритворинг, кейин яна хурсанд қиламан.

Даллол дарҳол «бор барака!» қилибди.

Дўзахи дарвозага яқинлашган эканки, бошига гурзи тушиб, ичкаридан «дўзахингга бор, ҳароми!» деган нидо чиқибди. Қайрилиб қараса, пора олган бояги жаннат «қоровули» «оз берувдинг», деб кулиб турганмиш.

— Ҳу, ноинсоф!— деб юборибди.

— Ўзинг-чи?— деб сўрабди ундан даллол.

— Сен ҳам эдинг менингдек, мен ҳам бўлдим сенингдек,— дебди дўзахи маъюсланиб.

Шундай қилиб улар таниш-билиш бўлишиб, гурунглаша бошлашибди.

— Нима гуноҳ қилиб эдингиз, даллол?

— Сотувчига ҳам, олувчига ҳам бирдай бозингарлик қилардим. Сотувчини ёмон молингизни мақтаб қимматга сотиб бераман деб, харидорни эса, сизга яхши молни арзонга олиб бераман, деб алдардим.

Иккиси ҳам гапимга лаққа тушишарди-ю, ўртада мен фойдаланиб қолардим. Мункарнакирлар мени «инсофсиз» дейишди-да, дўзах азобига ҳукм қилишди. Сиз-чи?

— Мени сўраманг. Боққол эдим. Ҳам тошдан, ҳам посангидан урардим. Пулни пул билан ўйнардим, еганим олдимда, емаганим кетимда эди. Ҳеч кимга ёмонлигим йўқ эди, аммо осмондан кўриб турган кўз бор экан, қилсиз туюққа илиндим. Минг афсус...— Ана шундай ривоят.

Ҳамдам оқсоқол ҳикоятини тамомлар экан: «Ахлатдан иллат, иллатдан кулфат... Бу иллатдан қутулишнинг иложи борми, йўқми?» деб оппоқ соқолларини бармоқлари билан силаб, менга ўйчан тикилиб қолди. Унинг бу гапи мени ҳам ўйлантириб қўйди.

Бир вақтлар «Муштум»да ишлаб юрган кезларимда одамларга хос иллатларни ҳисоблаб чиққан эдик. Саноғи саксон бирга етганди. Уларни таҳлил қилиб, бирини бирига таққослаб, иллатларнинг энг мудҳиши «инсофсизлик» деган хулосага келгандик. Маълумки, одамнинг одамлиги инсофи билан ўлча-

нади. Инсоф — фақат одамга хос олий хислатдир. Инсофлик охир-оқибатда инсонга улуғворлик ато этади. Бу, аслида, бошқаларни ўйлаб, ўз нафсини тия билиш, ҳузур-ҳаловатдан кеча билишдир. Инсоф — виждон рамзи. Маданийлик чўққиси, инсонпарварлик бурчидир. Инсоф — ҳалоллик, поклик тарозуси ва олижаноблик, олий ҳимматлилик ва мардлик мезони. Бундай фазилат эгаси бўлган одамни одамохун дейдилар. Шу боисдан, бир вақтлар инсофли инсонларни пир деб билиб, унга сажда қилган эканлар.

Инсофсизни эл оғзида ғирром, ҳаромхўр дейдилар. Халқ бундай кишиларни лаънатлаб қўшиқлар ҳам тўқиган. Бундай қўшиқларни ёшлигимизда пахта териб юрганимда теримчи қизлар оғзидан кўп эшитганман. Ношуд, нота-вон, яъни пахтани тўкиб-сочиб терадиган бир қиз ҳақида ўз дугоналари бундай куйлар эдилар:

Шарофат терар ўзи,  
Бошида йўрма дўзи.  
Йўрма дўзи ярашган  
Инсофидан адашган.

Теримчи қизлар оғзига тушиб қолмаслик учун, инсофи шубҳага олинмаслиги учун уринардилар. Момиқни нондай азиз билган одамлар уни нобуд қилишини гуноҳ ҳисоблардилар.

Чаноғида қолдириб терувчиларга қарата қўйидагича лаънат қўшиғи айтиларди:

Пахта терсанг тоза тер,  
Чаноғида қолмасин.  
Пахта эккан деҳқонлар  
Ноинсофсан демасин,  
Инсофсизлик қилганни,  
Қўли синсин, демасин.

Биргина пахтакор эмас, одамзодни боқувчи жами деҳқон иши инсоф асосига қурилган, унинг ҳар бир одими инсоф тош-тарозусида ўлчанади. Бу соҳадаги салгина ноинсофлик нималарга олиб келишини тажрибада кўриб турибмиз.

«Тош боссин» деб, пахтага кесак, тупроқ, қум қўшиб тортган, ғўза пўчоқни ҳам «пахта» деб сотган, қўшиб ёзиб давлатдан мўмай пул олган ноинсофларнинг куни нима бўлди? Ана шунақа... Емакнинг қусмоғи бор, инсофсизлик қилганларнинг қон қусиши муқаррар.

Инсофсизликнинг катта-кичиги йўқ. Сикиқ қўғирчоқни пуллаш билан давлат омборидан юз минг сўмлаб ўғирлик қилишнинг ўзаги битта. Шунинг учун бу иллатга қарши мурасасиз кураш олиб бориш керак. Ана шунда қўли эгри, дили қинғирларнинг илдиз отиши қийинлашиб, оқ қарғадай бўлиб қолишади.

Ўз тажрибамдан бир мисол: «Ўзбекфильм» киностудиясига оғир вақтда ишга бордим. Юлғич, текинхўрлар студиянинг танасидаги кана мисол, қонини сўриб, ҳолини танг қилиб қўйган экан. Студия қаттиқ бетоб эди. Диагности — ноинсофлик. Бутун иш инсофлиликни улуғлаш, инсофсизликни тақиқлашга қаратилди. Студияда йилт этган ижобий иш дарҳол кўз-кўз қилинди, шу билан бирга, тариқча ғайри иш инсоф тарозусига солиниб, аччиқ ва қаттиқ баҳоланди. Картина директори Верлоцкийнинг 33 сўмлик қалбаки ҳисоботи қўлимга тушиб қолди. У, аввало берухсат, қолаверса, ўз шахсий юмуши билан Душанбега бориб, йўлкирани студиядан олмоқчи бўлган. Масала студиянинг бадий кенгаши мажлисида муҳокама қилинди. Инсофсизлик қилган директорни ишдан бўшатиш ҳақида таклиф ўртага қўйилди. Кўпчилик буни тушунмади: «Ўттиз уч сўм учун-а?..» Бўйруқ лойиҳасини ва унинг асл мақсадию ғоясини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш керак бўлиб қолди. Ноинсофликнинг чегараси йўқда. Унинг чаканау улгуржиси бўлмайди. Инсофи-ю, виждонини майдалаб сотадиган одам эртага минг-минглаб сўмни ўмаришдан тоймайди. Шунинг учун ўттиз уч сўмга хиёнат қилган билан, бир тийин ўмарганнинг гуноҳи бирдай баҳоланиши керак. Акс ҳолда жамият тухум ўғирлаган ўғлини мақтаб, охири тили қирқилган она ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Киностудиядай ғоявий даргоҳ учун хоҳ чакана, хоҳ улгуржи виждонпурушлик бирдай катта ва

кечирилмас гуноҳ эди. Верлоцкий вазифасидан бўшатилади. Шундан кейин «Узбекфильм»да инсофнинг қадри ошди.

Хитойга борганимда қирқ беш кун ичида кўпгина антиқа воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Шулардан учтаси мени, айниқса, ҳайратга солди.

Пекин меҳмонхонасида хонамнинг эшиги оҳиста тақиллади. Эшикни очсам, бир қария боши ерга теккудай энгашиб салом бергач, қўлимга бир юан чамаси хитой чақасини берди-да, қўлини кўксига қўйиб ўтиниб узр сўради. Мен ҳайрон бўлиб: «Нима бу? Нима учун?» деб сўрасам, яна қуюқроқ таъзим билан нималарнидир ўтиниб гапиргандай бўлди. Қўшни хонадан таржимонимизни чақириб чиқдим. Қария унга ҳам эгилиб салом бергач, тушунтира кетди. Таржимонимиз — «Правда» рўзномасининг ходими Мелютин ҳам унга таъзим бажо қилиб, «сесений-сесений» деб кузатиб қўйди. Билсам, кеча Пекин мева бозорига кириб, хурмо олган эдик. Ушанда қайтимини олмай шошилинч машинага ўтириб кетиб қолгандик. Хурмочи орқамиздан югуриб етолмаган ва кечадан бери бизни қидирар экан, сўраб-сўраб, охири топибди. «Бизникилар унинг ўрнида бўлса шундай қилармидилар?»

Пекиндан Шанхайга бордик, азим шаҳарнинг кўпқаватли, осмон ўпар меҳмонхонасига жойлашдик. Эртасига ишдан келиб хонамга кирсам, столим устида хитой қоғозга ўроғлик бир нарса турибди. Очиб қараб, ёқамни ушладим: бир жуфт пайпоқ... мен уни Пекин меҳмонхонасида ахлат челақка ташлаб келувдим. Кир пайпоқни ювиб, йиртиғини бежирим ямаб, дазмоллаб орқамдан ярим минг чақирим йўлга етказиб келибдилар. «Бизникилар ҳам шундай қила олармикинлар?»

Учинчи антиқа воқеа Шанхай портида содир бўлди. Бизнинг савдо кемамиз шартнома бўйича СССРдан ўттиз минг қути юк олиб келган экан. Юк эгаси ҳар бир қутини санаб олаётган вақтда беш минг қути кам чиқибди. «Совет кишилари янглишмайдилар, бошқатдан сананглар», дебди порт бошлиғи. Ушанча қутини қайта-қайта санаб чиқибдилар — ҳамон беш мингги етишмасди. Бундан хабар топган денгиз флоти вазири келиб, юкни яна қайтадан санатибди. Роппа-роса беш минг қути энг қиммат баҳо ускуна кам чиқибди. Шундан кейин Хитой денгиз флоти бўйича буйруқ чиқарилиб, бир нухаси элчихонамизга юборилибди. Буйруқнинг мазмунини эшитиб ёқа ушладик. Буйруқда «Шанхай портига келган совет юкини неча бор ҳисобласада, беш минг қути кам ҳисоблаган порт ходимларига ҳайфсан эълон қилинсин», дейилган эди. Совет элчихонаси бундан шубҳага тушиб, дарҳол Москвага телеграмма юборган: «Айб ўзимизда эмасми?»

Ҳақиқатда эътиборсизлик ўзимизда рўй берган экан, Москвада қолиб кетган юк самолётда келтирилибди.

Ушанда хитойликларнинг ички маданияти — андишасига, инсофию бардошига яна бир бор қойил қолдик.

Инсоф азали инсоний ҳосият бўлиб, шарқ халқларининг битилмаган, аммо қон-жонига сингиб кетган ҳаётий қонунидир. Бошқа бир жойда — Ҳиндистонда бунинг аксини ҳам учратдик.

Ҳиндистонда саховатли, садақали, қўли очиқ кишилар ҳам кўп, шу билан бирга, тиламчилар ҳам етарли. Биринчи тоифадаги кишиларни «инсофли одамлар», иккинчи тоифадагиларни эса, «инсофи йўқ кишилар», деб атар эканлар. Биз бунга дастлаб ишонмадик: «Пулдорлар инсофли-ю, камбағаллар инсофсизми?»

Элчихонада тажрибали кишилар бизни огоҳлантириб қўйдилар: «Тиламчиларга садақа бера кўрманглар... Уларда инсоф йўқ, ҳеч қаерда ишламайдилар-да, тўда-тўда бўлиб юриб, тиламчилик қиладилар...»

Эски Деҳли бозорида совет кишиларидан бири юпун аёлга раҳми келиб, чўзиб турган қўлига бир рупий садақа берди. Шу заҳоти гала-гала тиламчи уни ўраб олди, «Менга!» «Менга!» деб ҳар томондан тортқилаб, кийимларини парчалаб ташладилар. Тиламчилар тўдасидан аранг қутулиб чиққан дўстимиз: «Вой, ноинсофлар-эй, вой ноинсофлар-эй...» дея автобусга аранг илиниб олди.

«Гадога хайр қилиш жиноят» — деб бекорга айтмаган экан К. Маркс. Афғонистонда тиламчилик қилган ҳам, гадога хайр берган ҳам жиноятчи экан, гадолик қилган одамни одам ҳисобига қўшмас эканлар. Тиламчилик қилишни бировнинг ризқи-рўзига чанг солиш, деб билар эканлар. Гадони от

ўғриси янглиғ жазолар эканлар. Шунинг учун бу халқ ўзи ночор турмуш кечирса ҳам орасида гадо-тиламчи мутлақо йўқ.

Инсоф — умуминсоний хислат, унинг миллати ҳам, махсус белгиси ҳам йўқ. У ҳар кимнинг дилида, хулқи-атворию ҳалоллигида.

Ёзувчиларнинг Дубултидаги ижод уйида ойнаванд айвонда бир неча ёзувчи гурунглашиб ўтирган эдик. Рўпарамизга «такси» келиб тўхтади, ичидан бир йигит чиқди-да, шу жойда дам олувчи аёлни сўради.

— У хоним бетоб бўлиб ётибди,— деди суҳбатдошларимиздан бири.

— Кириб кўрсам бўладими?

Меҳмонни беморнинг олдига бошлаб кирдилар. Ҳаял ўтмай, меҳмонни аёлнинг ўзи кузатиб чиқди, унинг оғзидан бол томиб, йигитни юз бор қуллук қилиб кузатиб қўйди.

Бунинг сабабини билгач, биз ҳам у йигитга «балли!» дедик. Воқеа ибратли. Бояги аёл Ригага бориб, бир томошагоҳда сумкасини қолдириб келибди. Аммо ўзи уни қаерда йўқотганини эслолмабди. Сумкада қимматбаҳо тақинчоқлар, мўмайгина валюта, бир сиқим совет червони бор экан. Бор бисотидан айрилган хонимда йўл кира ҳам қолмабди. Натижада хоним хафақон бўлиб, ётиб қолибди.

Томошагоҳда сумка топиб олган инсофли кишилар уни «Топилдиқлар бюроси»га элтиб берибдилар. Сумка ичида аёлнинг исм-шарифи ёзиғлик экан. Бюро ходимлари топилдиқ эгасининг қаердалигини тахминлаб Юрмаладаги санаторийлар, ижод уйларига қўнғироқ қилибдилар. Шунда аёл Дубулти ижод уйида экани ва бемор бўлиб ётганини аниқлаб, уни овора қилмаслик учун, такси олиб бир ходимни Дубултига юборишибди. Инсофни қарангки, бюро хизмати, такси харажати ҳисоб-китоб қоғозига ёзилиб, сумкага солиб қўйилибди. Аёлнинг пули илгари қанча бўлса шунчалигича турганди. Ана шунда «Инсофингга қойил-э!» дегимиз келди...

Тарозидан уриб қолиб, қайтимини қимтиб кун кўрган ноинсофлар замонвий ақлли техникани ҳам алдамоқчи бўладилар. Валюта — олтин пулга хориждан зўрға келтирилган кўпгина нодир ва нозик автомат линиялар ишлатилмай ётибди. «Бузуқ экан» деб айбни машинага қўйган кишилар эса уялиб қолдилар. Хориждан келган мутахассислар айбни ноинсофликда, яъни масаллиқ ўғирланаётганида, деб исботладилар. Линияга қўйиладиган маҳсулотда ўғирлик катта экан. Қанд, шарбат рисоладагидан кам солинар экан. Сутда сув бор, қанти нормадагидан кам... «Ақлли» машина эса нормадаги масаллиқни қозониға солмагунча ишламай туравераркан.

Чехословакиядан келтирилган пиво заводини ҳам мисолга олса бўлади. «Ниҳоят, чех пивосини ўзимизда пиширамиз», деб қувонган эдик. Ишончимиз оқланмади. Аввалда ўғирликка қаршилик қилаётган линияларни бу ердаги «шароит»га кўндириб олдилар шекилли, Кибрай пиво заводи чиқазаётган пивони ичганнинг қусгиси келади.

Фуқаромизнинг яхши одати бор эди: ерда ётган нарсага, буюмга «эгаси бор» деб тегмасди. Болалар кўчадан биронта топилдиқ топиб олсаю уйига кўтариб келса, катталар «қаердан топган бўлсанг, ўша жойига қўйиб кел, эгаси келиб олиб кетади» дер эдилар. Одамлар кўчада топилдиқ учраса «Бу кимники», «Буни ким йўқотди», деб қичқирар, йўқотган одам яқинроқда бўлса, дарҳол келиб мамнунлик билан матосини қайтариб оларди. Кейин-кейин бу яхши одат йўқола борди. Сўнгра, бу савобли ишни давлат ўз қўлига олиб «Топилдиқ бюро»лари ташкил қилди.

Авваллари «Топилдиқ бюро»лари ҳамма шаҳарларда, шу жумладан Тошкентда ҳам бор эди. Улар неча кишининг мушкулини осон қилиб савоб топган эдилар. Кейинги йилларда уларнинг номи ўчиб, иши сувга чўкиб кетди. Хўш, уларга нима бўлди? Ҳалол хизматнинг тимсоли бўлган инсофли, савобли бу ташкилотлар ҳам ноинсофлар қўлига тушиб кетдимиз?

«Топилдиқ бюро»ларини тиклаш ва уларга энг муносиб кишиларни танлаб қўйиш лозим!

\* \* \*

Афсуски, сохта социализм даврида фирромлик авж олиб, ноинсофлик ҳатто давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мен аввало деҳқонларга муноса-

батдаги фирромлик, тенгсизлик, ноҳақликни кўзда тутяпман. Очиғини айтайлик, Совет ҳокимияти шу пайтгача бутун мамлакатни боқаятган деҳқонларга нисбатан одилона сиёсат тутдими? Мутлақо йўқ. Деҳқонларнинг нонини туя қилиб, хиёнат қилиб келди. Бу ноинсофликнинг йўллари, усуллари кўп. Булар нималардан иборат?

Ўзбек халқи — пахтакор халқ, унинг асосий меҳнат самараси ҳам ашё сифатида жуда арзон баҳоланади...

Касални яширсанг, иситмаси ошқора қилади. Гапнинг пўст калласини айтмоқ зарур бўлиб қолди.

Ўйлаб қарасам, мамлакатимизда энг ҳуқуқсиз, ҳимоясиз синф деҳқонлар синфи экан. Чўтлаб кўрсам, СССРда энг камбағал инсон деҳқон бўлиб чиқди. Пахтакорни эса камбағал деҳқонлар орасидаги қашшоқ тоифа деса бўлади.

Хўш, инқилоб деҳқонларга нима берди? Тўғри, инқилобга қадар яшаган ота-боболаримиз орасида бир таноб ерга етишолмай «ер», «ер», деб армон билан ўтганлари кўп бўлган. Октябрь инқилоби эса уларнинг болаларига ерсунни умрбод текинга берди.

Бундан деҳқоннинг боши осмонга етди. Енг шимариб ислохотдан олган таноб-таноб ерига экин экди. Унинг қўли танга-чақа кўрди, бироқ энди косаси оқараятган паллада ихтиёридаги ер-сунни, от-улов, ем-хашак билан қўшиб, жамоа ва давлат хўжаликлари ихтиёрига ўтказиб юборилди.

Деҳқонларни коллективлаштириш ихтиёрий бўлса-да, жамоа хўжалигига кирмаган деҳқон қишлоқда туролмайдиган, кўчада юролмайдиган, гузарга чиқолмайдиган бўлиб, ёлғизланиб қолди. «Айрилганни бўри ер», дейдилар. Қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати энг аввало якка хўжаликни вайрон қилди.

Деҳқонлар жами ишлаб чиқариш қуроллари — ери, от-аравасию қўш хўкизи, ем-хашагини икки қўллаб топшириб, жамоа хўжалигига киришга мажбур бўлдилар. Буларни баҳолаб «пай пули»га чақдилар. Аммо ўша «пай пули» ҳозир нима бўлди, умуман ўша пуллар қаёққа кетди? Биронта деҳқон буни ҳанузгача билмайди. Турли сабаблар билан жамоадан чиққан аъзога ўша тўлаган пайини йиллар ичида тўққан фойдаси билан қайтариб берилиши керак. Афсуски, мутлақо бундай қилинмайди. Деҳқон мулки, маблағи зўравонлик билан йўқ қилиб юборилди. Олтмиш йилдирки, бирон деҳқон жамоадан чиққанида унга киришда қўшган пайини қайтариб берилгани ёки фойда проценти тўлангани йўқ. Талаб қилишга уставий ҳуқуқи бору, қайтариб олишга ҳаққи йўқ. Чунки, ўша пай маблағларининг ҳеч қаерда ҳисоб-китоби йўқ.

Бу — қонунсизликнинг энг учига чиққан намунаси. Ахир, пай қўшиб, иш юритадиган бирорта акционерлик жамиятида бундай эмас-ку. Нега деҳқон халқи ўз ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилинади?

Колхозчи деҳқоннинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ҳеч қандай қонун, ҳеч бир ташкилот йўқ. Бир вақтлар бу ишларни «Қўшчилар иттифоқи», кейинча «Колхоз союз» бажарарди. Улар аллақачон тугатиб юборилган. Жамоа хўжаликлари ҳайъатлари эса номигагина сайланади, раис «тур» деса туриб, «ўтир» деса ўтиради. Ошқоралик, қайта қуриш бизнинг қишлоқларга ҳали етиб борганича йўқ. Раислар эса, пахтакорлар олдида эмас, райком, райижроқўм олдида жавобгар. Чунки уларни ўшалар тайинлаб, ўшалар ишдан бўшатадилар.

Ҳозирги деҳқон, айниқса пахтакор давлатнинг қишлоқдаги итоаткор қўли бўлиб қолган. «Палонча ерга пахта эк, давлатга керак!» дейди, деҳқон экади. «Палон тонна пахта бер!» дейди, деҳқон кеча-кундуз, йил-ўн икки ой тер тўкиб қўшимча, оширилган мажбуриятлар билан бажаради. Эвазига сариқ чақа олади. Қозони кунда бир қайнаса қайнайди, бўлмаса йўқ.— зўрға тирикчилик ўтказди.

Узоқ йиллар пахтакорни коммунизмнинг иқтисодий принципи асосида яшаётган илғор одам, деб қувондик. Наинки коммунизмда бозор-пул муомаласи йўқолади, маҳсулот айрибошлаш жорий қилинади, пахтакор бу ишга ҳаммадан аввал киришади: у бутун меҳнати самарасини,— пахтанинг бир пайсасини ҳам ўзида қолдирмай давлатга топширади. Унинг рўзғорига керакли жами нарсаларни эса давлат етказиб беради, дедик. Деҳқоннинг маънавий, руҳий омиллар билан боқиб келдигу иқтисодий манфаатини нурутдик. Пахтаси

эвазига давлат нархида нон, гўшт-ёғ, кийим-кечак етказиб беришга ваъда қилинди. Аммо бу ваъдалар бажарилмади. Пахта ҳисобига бериладиган гўшт фондини жумҳуриятимизда шу пайтгача фақат шаҳарликлар истеъмол қилиб келишди.

Ҳар бир рўзгор даромадига яраша тебранади. Пахтакорнинг ўртача иш ҳақи эса 70 сўм. 3—4 фарзанди бўлган оилаларда эр-хотиннинг маоши нон-чайга зўрға етади, холос. Қозони ойлаб гўшт кўрмаётган рўзгорлар анчагина. Ҳайриятки, кейинги вақтда деҳқонларга қўшимча томорқа ери ажратиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу — деҳқон тирикчилигини ўтказишга бир оз бўлсада, мадор бўлади. Аммо бу муҳим қарор ҳам ҳамма жойда бирдай бажарилаяпти, деб бўлмайди. Эплаган икки ошаб, эпламаган бир чуқим билан қолиши ҳоллари учраб турибди.

Деҳқончилик маҳсулотларининг таннархи ҳали-ҳануз жуда юқори. Илгари пахта жуда кам харажат билан пишарди: чигит сотиб олинарди, холос. Қолгани — меҳнат, улов ўзиники бўлиб, ўғит ҳам уйдан чиқарди. Ҳозирда-чи? Пахта жуда қимматга тушади. Таннарх зиммасига ниҳоятда кўп сарф-харажат юкланган: турли-туман қимматбаҳо техника, уруғлик, ўғит, заҳарли кимёвий моддалар, ижара пули, даромад солиғи, суғурта ва ҳар хил тўловлар, фондлар, маъмурий харажатлар, келди-кетди, ҳар хил совға-саломлар учун сарфланадиган пуллар... Ҳаммасини пахтакор чўнтагидан оладилару ундан розимисан, деб сўрамайдилар. Бунинг устига қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий қурилишлар ҳам бечора хўжаликлар зиммасига юкланган.

Деҳқоннинг ҳуқуқини ким ҳимоя қилади? Ҳеч ким! Райком «бўл! бўл!», «бер! бер!»ни билади, райижроқўмнинг эса номи улуг, супраси қуруқ. Давлатга катта солиқ тўловчи қишлоқлар ижтимоий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилиб қўйилган.

Бир вақтлар «Инқилобдан аввал қишлоғимизда биттаю битта чиройли иморат бор эди — мачит. Яккаю ягона саводли одам бор эди — мачит имоми. Совет даврида қишлоғимизда биттаю битта хунук иморат қолди — ўша эски мачит. Яккаю ягона саводсиз қолди — ўша собиқ мачит имоми...», деб кўп мақтандик. Ҳозир бу мақтанчоқлигимизнинг сири очилиб, миси чиқиб қолди. Халқ меъморлари яратган ва халқ мулки бўлган кошона мачитларни ўзимиз вайрон қилиб, чинакам санъат асарлари бўлган устун, тўсин, вассажуфтлари билан пахта қурутдик. Ўрнига нималар қурилди? Мачит ўрнини босадиган тамошахона, қироатхона, маданият саройлари ҳамма жойда борми? Бу саволга ижобий жавоб бериш қийин.

Аммо мамлакатимизда деҳқон ҳуқуқини, айниқса пахтакор манфаатини ҳимоя қиладиган уюшган сиёсий куч йўқ.

Мамлакатимизда ишчилар манфаатини касаба уюшмалари ҳимоя қиладилар. Бу жамоа ташкилотининг бу борадаги ҳуқуқлари катта. Коммунистик партиямиз ҳам биринчи навбатда ишчиларга ён босади, «Уроқ ва Болға» иттифоқи сунъий бўлиб, уни тенг ҳуқуқли иттифоқ дейиш қийин. Бу демак, ҳозир мамлакат деҳқонлар манфаатларини қаттиқ ҳимоя қиладиган сиёсий кучга эҳтиёж сезаяпти. Бундай куч — деҳқонлар партияси бўлмоғи лозим. Коммунистик партиямиз билан ёнма-ён, тенг ҳуқуқли, конституция олдаида масъул бўлган деҳқонлар партияси тузиш вақти келди.

Эндиликда мамлакатимизда, жумҳуриятимизда Президент бошқармаси таъсис қилинди. Ижрочи ҳукуматнинг роли кучайди. Вилоят ва туманларда ижроия қўмиталарининг ҳуқуқи ортди. Компартия ва унинг жойлардаги ташкилотларининг амалий фаолияти ҳам ўзгарди. Аммо ишчиларнинг авангарди, ишчилар синфининг партияси бўлиб туғилган ва эндиликда халқнинг барча қатламларини қамраб олган коммунистик партиямиз бундан буён деҳқонлар ҳуқуқини ҳам тўла ҳимоя қилмоғи керак...

Шунинг учун деҳқоннинг тили ва дилини биладиган, унинг дарди билан яшайдиган кучли партия даркор бўлиб қолди. Маълумки, деҳқонлар партиялари жуда кўп мамлакатларда мавжуд ва улар ўз юртида деҳқонлар оммасининг ишончини қозонган кучлардир. Бизда тузиладиган деҳқонлар партияси жумҳуриятимиздаги деҳқончилик юмушлари билан шуғулланадиган барча кишилар, механизаторлар, деҳқончилик маҳсулотини қайта ишлайдиган корхоналар, шу соҳа билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг инженер, техник, раҳбар ходимла-



рининг бошини янгича қовуштириши керак. Деҳқончилик соҳасидаги жами илғор усулларни тарғибот қилиш, ҳаётга тадбиқ қилиш билан жиддий шуғулланиши, деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиб, Совет давлати негизда қишлоқни шаҳар билан тенглаштириш, қишлоқларда турмуш маданиятини кўтариш учун изчил кураш олиб бориши лозим.

Қишлоққа юз ўғирган деҳқон партияси демократик жараён доирасида деҳқончилик масалаларида ўз сиёсатини ўтказиши ғоят муҳимдир. У сайловларда ҳам фаол иштирок этиб, ҳукуматда ва раҳбар идораларда ўз вакиллари бўлиши учун курашади. Қишлоқларда янгиланиш, қайта қуришнинг бундан буёнги фаол ташкилотчиси бўлади. Ўз назарияси ва амалий ишида ўзбек халқининг миллий, байналминал, инсонпарвар анъаналарига таянади.

Қалови топилса қор ҳам ёнади, дейдилар. Агарда деҳқон қалбига кира билинса, у ер билан янада яхши тиллашиб, эл дастурхонини янада мўл-кўл қилади. СССРдаги ҳар бир деҳқон ўрта ҳисобида тўрт кишини боқар экан, бу жуда оз.

АҚШда эса 2 миллион фермер бутун мамлакатни боқмоқда. Демак, биз ҳам деҳқон меҳнати самарадорлигини ошириш, техникадан унумли фойдаланиш, буғдой, пахта, сабзавот ва полиз экинларининг серҳосил навларини яратиш, чорвачиликни юксалтириш борасида кўп иш қилишимиз керак. Деҳқонлар партияси эса қишлоқда ер-сув — деҳқонга, маҳаллий ҳокимият — деҳқонлар депутатлари Советларига ўтиши, қишлоқда чинакам инсонпарвар, демократик турмуш тарзи қарор топиши учун курашади.

Ўйлайманки, қайта қуриш даври шароитида деҳқончилигимиз тақдирига бефарқ қарамайдиган, озиқ-овқат мўл-кўлчилигини муттасил таъминлаш тарафдорлари бўлган барча яхши ниятли кишилар бу масалада четда қолмасалар керак.

Ҳозир давлатимиз деҳқонга нимаики сотса тобора қимматга сотмоқда. Деҳқончилик маҳсулотларининг нархи эса бир жойда қотиб турибди. Натижада деҳқончилик маҳсулотининг таннархи бетўхтов ортиб, даромад камаймоқда, деҳқон тобора қашшоқлашмоқда. Аслида, қарс икки қўлдан чиқиши керак эди. Шундай бўлмади, деҳқонлар энг ҳимоясиз бечоралар бўлиб қолдилар. Инсофсизлик деҳқоннинг ҳафсаласини пир қилиб, ташаббусини бўғди, хирмондан барака кўтарилди. Озиқ-овқат қаҳатчилигининг асосий сабаби ҳам иқтисодиётдаги ана шу ғирром сиёсатнинг оқибатидан бошқа нарса эмас.

Қўшимча қийматни ўзлаштиргани учун капиталистларни инсофсизликда айблаб келамиз. Бир жиҳатдан тўғри. Капиталист киши кучи ёллайди, унинг меҳнатидан пайдо бўлган қўшимча қийматни бир ўзи сейфига босади. Иккинчи жиҳатдан — талончилик. Лекин ишининг кўзини билган, ақл-фаросатли капиталист инсоф билан талончилик қилади. Тараққиётдан маблағ аямайди, қўли остидаги ишчиларни ҳам оч-яланғоч қўймайди. Ҳамма нарсага ҳисоб-китоб кўзи билан қараб, нафи чиқадиган ишга қўл уради. Капиталист ҳамдам оқсоқол олганидек сифатсиз қўғирчоқ ишлаб чиқарса, бозори касод бўлиб, эртаси хонавайрон бўлишини яхши билади.

Биз етмиш йил мобайнида капиталистик ишлаб чиқаришни ёмонлаб, сохта социалистик такрор ишлаб чиқаришни кўкларга кўтардик: «Бизда ундоқ — капитализмда тескариси... Бизда бундоқ — капитализмда унинг тескариси...»

Мана эндиликда қуруқ мақтанишларнинг чуви чиқиб, ўша «жирканч» капиталистлардан ёрдам сўраяпмиз. Шу ҳам инсофданми!

Янги тузилган ва тузилаётган айрим кооператив корхоналар капиталистлар қилмаган ишларни қияптилар. Уларнинг бутун фаолияти ғирромлик ва инсофсизлик асосига қурилаётганлиги барчани ташвишга солмоқда. Хом ашё маҳсулотни ўзлари етиштириш ёки бозор баҳосида сотиб олиб, аҳолига ҳалол хизмат қилиш ўрнига давлат фондларидаги хом ашёни ўмариб, аҳолига чакана ва қиммат нархда сотмоқдалар. Натижада магазин пештахталари ҳувиллаб, аҳоли бирни ўнга олишга мажбур бўлмоқда.

Ноинсофнинг махсус белгиси йўқ. У орамизда юради, ҳалолман, деб кўкрагига уриб қўяди, тили узун, қўли ҳаммаёққа етади, ошкора қотилликдан ҳам қайтмайди.

Инсофсиз кишиларнинг фикрлаш доираси жуда тор бўлади, ўша торгина доираси ҳам ўз шахсий манфаатию нафси, ниятларини қондиришга хизмат

қилади. Чунки инсофсизлик — очкўзлик, фирромлик, ўзганинг тақдирига лоқайдлик замирида пайдо бўлади. Ўзбекистон халқининг қарам ва мардикор бўлиб қолиши инсофданми! Пахтаси, пилласи, меваси, қоракўлини очкўзлик билан тортиб олгандай олиб кетадилар, фойдасини фирромлик билан ўзлаштирадилар. Беҳисоб олтини, ноёб стратегик маъданларини, зангори олтин — газини ўз эгасига қора чақа бермай талаб кетадилар. Жумҳуриятимизнинг собиқ лоқайд раҳбарлари эса бунга бефарқ қараб келдилар. Хайриятки, қайта қуриш ҳаммани ғафлат уйқусидан уйғотди — ҳақимизни таний бошладик, ўз бойлигимиз ўзимизга хизмат қилсин, деган хулосага келдик. Аммо бу яхши одат бўлиб қанот ёза олмаяпти. Сабаби — онгга сингиб қолган «Демократик централизм»дир. «Демократик централизм»ни ҳам бир ёқлама ишлайдиган қилиб олдилар: пастдан юқорига итоат, юқоридан пастга назорат, юқорининг айтгани айтган, дегани деган, қуйидагиларнинг эса, «Хўп бўлади, бажарамиз!» деб қўл қовуштиришдан бўлак ҳуқуқи қолмади.

Сохта социализм жорий қилган бу «янгича одат» ёшларимизни халқ удумларидан, энг инсоний одат — одобдан маҳрум қилиб қўйди. Кўпгина ёшларимиз «Инсоф» нималигини билиш у ёқда турсин, бу сўзнинг ўзини ҳам эшитмаган, уни тушунмайдилар.

Эски ҳовлимизнинг рўпарасидаги ўрта мактабнинг тўполончи ўқувчиси ўзидан кичик болани дўппослаётганида қўлидан ушлаб, инсофинг борми, ўзингдан кичик болани урасанми? десам, «Инсоф деганингиз нима?» деб анқайиб қолди. Шундан кейин бошқа бир неча боладан ҳам сўрадим. «Унақа дарс ўтганимиз йўқ», деб жавоб қилдилар. Шу воқеадан кейин мактабларда Инсоф дарси ўтиш керак шекилли, деган хулосага келдим.

Инсофли бўлиш ҳақида на уйида, на мактабда ва на атроф муҳитда таълим олмаган айрим ёшлар инсофсизлик қилиб қўйганини ўзлари англамаяптилар, англасалар ҳам унинг хунук оқибати — гуноҳи тўғрисида мутлақо ўйламаяптилар. Яқинда радиода бир ёш келин уйига ўт қўйиб, гўдаклари билан ўзини сувга ташлагани тўғрисидаги хабарни эшитиб, «Ноинсоф» деб қичқириб юбордим-да, кейинча ўйланиб қолдим: Ким ноинсоф? Бизнингча, уни шу даражага олиб борган кишилар ёки уни шу ҳолатга солиб қўйган муҳитда айб катта. Ёш-ёш қизлар орасида туғиб қўйиб, чақалоқларни туғруқхоналарга, етимхоналарга, ҳатто кўча-кўйда ахлатхоналарга ташлаб кетаётган ноинсофлар учраяпти. Ундайлар на уволдан, на гуноҳдан ва на жиноятдан қўрқадилар.

Уйлаб қарасам, бу борадаги ишларимизда нуқсон кўп экан. Маънавий, руҳий тарбия мутлақо ўлда-жўлда. Адабиёт ва санъатимиз ҳам инсон тарбиясининг бу муҳим соҳасига юзаки эътибор беряпти. Бу мавзуда бадиий ёки чуқур публицистик асарлар кам, санъатимиз эса, бу савоб ишдан четлаб ўтяпти. Рўзнамаларимиз ҳам бундай ноинсофликка қарши ачитиб гап қилаётгани йўқ, телеэкранимиз ҳамма нарсага қўл уряпти-ю, аммо одамни руҳан йиртқич қилиб қўювчи бу иллатга қарши ўт очмаяпти. Адлиямиз-чи? Қонун ҳимоячилари кўриб кўрмасликка оляптилар. Натижада ўғирлик томир отиб кетяпти.

Яқинда саратон чиқиб, сумбула кираётган паллада Ҳамдам оқсоқол билан яна учрашиб қолдим.

— Аҳволингиз қалай, отахон?— деб сўрадим ундан салом-аликдан сўнг.

— Э, кулли ёвмин батар,— деди қария Қуръон сўзини тилга олиб.

— Тағин нима бўлди?

— Ҳали қайта қуриш гапи чиқмаган кезларда олий мактабга киритиш учун беш минг сўм оларкан, десалар лабимга учиқ тошиб, ёқамни ушлаган эдим. Ҳозир тўрт баравар ошипти. Илгари хуфя эди, ҳозир кўзингни бақрайтириб, ошқора оляптилар. Уғри бўлса ҳам, ғар бўлса ҳам инсоф билан қилсин-да.

Оқсоқолнинг гаплари мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Катта-кичик нохушликлар тўғрисида ўйлар эканман, «Қайлардасан, жаннатий инсоф!» деб ҳайқиргим келади.

Рухий маданиятимиз қашшоқлашиб, қўполлашиб, қутуришга юзтубан бориши туфайли хулқ-атвор тажовузкор бўлиб кетмоқда. Мамлакатимизда юз берган айрим низолар, миллий тўқнашувлар, безорилик, ўғирликлар маданий инқироз мевасидир. Бу инқироз кўз илғамас, «майда-чуйда» нуқсонлардан бошланади. Она тилига эътиборсизлик, бетгачопарлик, катталарга ҳурматсизлик миллий эътиқодни унутишга олиб борди. Иззат-ҳурмат йўқола бориб, чин

муҳаббат сохталашиб қолгач, ички маданият сўниб, унинг ўрнини сунъий, сохта «мардлик», ноинсофлик эгаллади. Ҳар хил «ғоячалар» билан мияси тўлган бекорчи ёшлар жанжал чиқаришга, енгил шуҳратга, осон йўл билан бойиб олишга интила бошладилар.

Қизчаларнинг, аёлларнинг қўлидан узугини, қулоғидан исирғасини юлиб олиш бизга қаёқдан келди? Фирромлик, ўғирлик, қотиллик қаёқдан пайдо бўлди? Ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормай қўйганимизга қанча вақт бўлди?

Халқимизнинг яхши анъанаси бор эди. Бировнинг чўнтагига қўл чўзганнинг қўли кесиларди, от ўғриси эшакка тескари миндириб сазойи қилишарди. Ўз жуфти ҳалоли бўлатуриб бировнинг хотинига кўз олайтирганлар девор остига бостирилар эди. Шунинг учун ўғри, безори, бузуқлар йўқ даражада эди. Ҳозир ҳам аҳолининг ўзи судьялик қилаётган Минскда, Қўқонда ана шундай. У ерларда «Ҳокимият тартиб ўрнатолмас, мана биз ўрнатамиз», деб афғончилар халқнинг қадимги усулида тартиб ўрнатяптилар. Зўрдан зўр чиқса думи қисиларкан.

Маданиятни ривожлантиришда бир томондан маданият вазирлиги, у билан ёнма-ён Маданият фонди катта хизмат қилиши керак. Бизнинг жумҳуриятда ҳар иккаласи ҳам ўз ўрнини топаолгани ва ўз ишини билиб қилаётгани йўқ. Маданият фонди-ку яқиндагина ташкил топди, ҳали суяги қотгани йўқ. Маданият вазирлиги эса маданиятни юксалтириш, умумий савияни кўтариш тадбирларини амалга ошириш ўрнига шаҳарларда томоша кўрсатишга бошчилик қиладиган ташкилотга айланиб қолди. Ваҳоланки, маҳаллий халқнинг 85 фоизи қишлоқларда яшайдиган бизнинг жумҳуриятимизда асосий эътибор қишлоқдаги турмуш маданиятини кўтаришга қаратилиши лозим. Қишлоқларимизда эса на бир дурустроқ театр, музей ёки кутубхона учратасиз.

Ниҳоят, ўзбек миллий маданиятини юксалтириб, замонавий умуминсоний маданият даражасига етказиш учун махсус ҳукумат Режаси тузиш керак. Бу махсус Режа узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, ўз ичига барча муаммолар ечимини қамраб олиши шарт. Аввало иқтисодий, илмий, техник ривожланиш учун, қандай бўлмасин, неча пулга тушмасин чуқур ва туб тадбирлар, ҳатто фавқулодда тадбирлар кўриш керак. «Бунинг учун пул қани, имкониятлар қани?» дегувчилар чиқади, аҳволимизнинг ўзи шундай дейишга мажбур этади. Яъни «аввал таъом, баъдаз калом», дейишлари мумкин.


Авваллари ҳам шундай эди. Қаер кемтик бўлса маданият ҳисобига унинг ризқидан юлиб олиб расоланарди. У «қолдиқ принципи» қошиғида сув ичарди. Иқтисод, илм, фан-техника одамнинг ички маданияти, савиясига боғлиқ эканини ҳисобга олмас эдилар.

«Иқтисод — онгни белгилайди» дер эдилар. Бу тўғри, аммо унинг анча-мунча лекинлари чиқиб қолди. Бизнинг илмий-техника замонамизда Маданий Савия — иқтисодиётни белгилаяпти.

Ҳақиқат шундоқки, ҳозирги замонда Маданий Савия паст бўлса — жамиятнинг ҳеч бир иқтисодий қонунияти иш бермаяпти. Маданиятсиз киши бу соҳада ихтиро қила оладими? «Қоринни тўйғиз» дейишни билади ёки қорин тўйғизиш пайига тушиб, чакана юмушлар билан овора бўлиб қолади. Ҳозир шундай бўляпти-ку, ахир.

Ўз тарихимизни билмаймиз. Тарихимиз манбаларини билмаймиз, уларни ўқиёлмаймиз. Кутубхоналар ёниб битмоқда, ноёб китоблар чириб кетмоқда, энг қадимги архивлар тўғроққа қўшилиб ётибди. Тарихий ва маданий обидаларимиз вайрон бўляпти. Умуммаданиятимиз ҳалокат ёқасида турганда қандай қилиб халқимиз умумий Савиясини кўтариш мумкин?

Хайриятки, қадим маданиятимизни ўрганиш ҳаракати бошланди. Эски алифбо ўқитиляпти. Энди шарқ классикларини ўрганиш тўғарақлари очилса соз бўлур эди. Бунинг учун истак етарли, имконият ҳам бор, аммо жонкуярлик йўқ. Бу масалада Совет Маданият фонди нималар қиляпти? Ҳозирча ҳеч нарса! Унинг айни бонг урадиган даври келди.



Фароғат Камол

## ҚУШЛАР УЧИБ КЕТДИ, ҚИСҚАРДИ КУНЛАР

\* \* \*

Ойдан-да ойдинроқ бир кеча ўтар,  
Гунчалар очилар унинг бағрида.  
Товушин чиқармай бир товуш учар  
Ва сўнар бу ёруғ тундан нарида.

Ойдан-да ойдинроқ бир кеча ўтар,  
Қарайман, дарахтлар ўсар ҳар лаҳза.  
Идроким қобиғин йиртар шохлари,  
Йўлнинг йўлсизлигин айтар ҳар нарса.

Ойдан-да ойдинроқ бир кеча ўтар,  
Дилимнинг меҳмони — бир ҳовуч юлдуз.  
Тўлқинлар интилиб бузар қирғоқни:  
Шарпасиз, товушсиз, бир ишорасиз.

Ойдан-да ойдинроқ бир кеча ўтар,  
Хаёллар — қирғоғи бузилган дарё:  
«Маконда макон йўқ», — деб айтар улар,  
«Маконда макон йўқ», — қайтарар дунё.

Ойдан-да ойдинроқ бир кеча ўтар,  
Қайдадир бор эмиш бепоён манзил.  
Унгача кўзларим кўргани — дунё  
Лаҳзалар давоми — умр деган йўл.

### Оғир ўйлар билан

Оғир ўйлар билан уйғониб бир кун,  
Кун бўйи тентираб дилда юк ила,  
Охир қолиб келиб оғриқ ва ўкинч,  
Уйғониб кетарсан шунда бир йўла.

Тушда кўрганларинг эслаб дафъатан,  
Юрагинг эзилиб, тинар кўзларинг.  
Бошқача кўринар сенга бу Ватан,  
Узингни алдамас айтган сўзларинг.

Оғир ўйлар билан уйғониб бир кун,  
Оғир саволлардан юрагинг пора,  
Ийғларсан ва ёки йиғламай балки,  
Бир чора изларсан, фақат бир чора.

\* \* \*

Сен дединг, юракка қилмайлик жабр,  
Қайтайлик, кўзларинг тўлмоқда ёшга.  
Қайтайлик, тақдирдан безиб кетибмиз,  
Тингла, юракнинг-да сўзлари бошқа.

Сен дединг, қандайдир совуқ бир сеҳр,  
Бошимиз устида порламоқда жим.  
Юлдузлар бизга мос суҳбатдош эмас,  
Уларни ўқисин бирор мунажжим.

Қайтайлик, биз туннинг изидан келдик,  
Шундай кезиб юрар соялар тунда.  
Кимдир ўз қалбидан қувган шубҳанинг  
Шарпалари янглиғ юрибмиз бунда.

Сездингми, теграмиз маъюс жимжитлик,  
Биз бунда йўл топган илк йўлчилармиз.  
Балки қайлардадир тугаган йўлнинг  
Давомин беҳуда излаб юрармиз.

Сен дединг, юракка қилмайлик жабр...

\* \* \*

Кунлар ҳазин эди, дарахтлар юпун,  
Кўнглимга ботарди ҳасратнинг тиғи.  
Шу қадим дунёнинг ич-ичларидан  
Гўё чиқиб келар ожиз бир йиғи.

Ўйладим бу овоз — қисмат овози,  
Балки мен эртароқ тингладим уни.  
Балки ҳариф кунлар руҳига монанд  
Соҳиб табиатдан тиладим уни.

Ўйладим, мен нечун бунда кезгайман,  
Кўнглимда йўлларнинг сурати ўзга.  
Бир куни, барибир, ахир, безгайман,  
Биламан, кўнглимнинг фитрати ўзга.

Ўйладим, бир куни кечгайлар жондан,  
Ишқни таниганлар диллари пора.  
Аслида, юракнинг туб-тубларида  
Жондан кечмоқ азми — энг сўнги чора.

Аслида, бахт сўзи ожиз тасалли,  
Уни тилаб олган сўқир бандалар,  
Дунёнинг бағрини қон қилган асли —  
Ишқсизлар кўнглида йиққан жандалар.

Юракда энг улуғ бахтдир Эътиқод,  
Унинг ҳар бир сўзи кучли дуодан.  
Кўнглим танимаса шу бахтни, ҳайҳот,  
Мен етган еримда қайтгум худодан!

## Эркин фикр

Дунёдаги энг қийин юмуш —  
Фикрларнинг занжирин узмоқ.  
Турмушингга тобе ўйларнинг  
Кўникилган оқимин бузмоқ.

Ўз фикрингда бир қарра баланд  
Кўтарилмоқ илми — қийин сир.  
Ул занжирдан, ўша ҳалқадан  
Эркин фикр Эрк ҳақидадир.

\* \* \*

«Сезмадинг, жонимни ёқиб бўлди ишқ,  
Теграмда рақс этди аҳзарваш кунлар.  
Жисмим фарёд қилди тилаб Ҳаётни,  
Руҳимни йўқликдан чорлади жинлар.

Телба бир аёлнинг кўзлари билан  
Боқдим бу дунёнинг омонатига.  
Юракнинг қон теккан сўзлари билан  
Тўловлар тўладим ишқ сарватига.

Йўлимда қалбларнинг ноласи тинди,  
Самога интилган руҳлар дарбадар.  
Сен келгин тирилган пайғамбар янглиғ,  
Менинг пешонамга битган бўлсанг гар!

Ғамлар юрагимга бошпана берсин,  
Кибор орзулардан кечсин кунларим.  
Бир муштипар янглиғ кўнглим сиғинсин,  
Пойингда хор бўлсин ўзга ўйларим.»

Шундай, юрагимда қўшиқ айтаман,  
Бир қадар енгилроқ кечар лаҳзалар.  
Сенинг хаёлингни чорлаб қайтаман,  
Сезмайсан, кўнглингда изларим қолар...

\* \* \*

Ўзгаришлар кечди жим,  
Ой тўлди, сувлар оқди.  
Дунё — қари мунажжим,  
Фол кўрди, кўкка боқди.

Бир даста қизил гулга  
Ошиқ бўлди булбуллар.  
Ғам тўлқини қуйилган  
Денгиздайин кўнгиллар.

Фирибгар куз қўйнида  
Хазон бўлди япроқлар.  
Муҳаббатнинг бўйнида  
Қолиб кетди гуноҳлар.

Умид бизни алдади,  
Вафо қилмади бу жон.  
Дилдаги оғриқ каби  
Фарёд узун, бемажол.


Ўзгаришлар кечди жим,  
Ой тўлди, сувлар оқди.  
Кечикмай келди Улим,  
Дунёнинг бағрин ёқди.

Қушлар учиб кетди, қисқарди кунлар,  
Дединг, юрагимга сиғмас ҳеч нима  
Ва кейин кўзингни олдинг кунлардан.

Кўнглинг даричасин беркитдинг шундай,  
На қувонч, на ҳасрат бўлмади меҳмон.  
Сезмадинг, ўзгарар либоси Вақтнинг.

Мен сенинг номингни айтиб чақирдим,  
Менга жавоб қилди кетаётган куз  
Ва йўлчи қушларнинг сўнги галаси.

Сен айланган эдинг Вақтнинг ўзига.



## Журналхонлардан мақтублар


Кечган етмиш йил давомида ҳар бир ақлу фасоҳатли инсон, поклик инмоғи лозим бўлган қалбларга нечоғлик зулм ва зуғум ўтказилганининг гувоҳи бўлиб турипти. Кўз ўнгимизда на Парвардигорни, на ота-онани, на халқу миллатни танийдиган бетаъсиру бебош, ғалати бир авлодни тарбиялаб етиштирдилар. Ҳатто чумолига-да озор бермайдиган кондош, диндош, жондош биродарларни бир-бирига қаршилантирдилар. Оламдаги ҳеч бир қавм бунчалар тухмат ва миннатга учрамаган эди...

«Шарк юлдузи» ойномаси, кўпчилик даҳрий биродарларимиз учун, дарҳақиқат, бир маёқ — юлдуз каби, тўғри йўлни — Ҳақ ва Иймон йўлини кўрсатиб берди, бунинг учун сизларга бутун туркий қавмлар номидан раҳмат айтамыз.

Қалбида заррача иймони бор одам бировга ноҳақ тиф кўтара олмайди. Фарғона, Исфара, Паркент, Қўқон, Ушда юз берган хунрезликлар мўъминлар қўлидан келадиган иш эмас. Ойнома кейинги сонларида ана шу фожиалар сабабини очиб берадиган, уюштирувчи қора кучларнинг асл башараларини фош этадиган ҳаққоний ва холисона мақолаларни эълон қилади, деган умиддамыз.

Инсон ҳур ва озоддир. Бу ҳақда тиник бир қалб эгаси бўлмиш шоир Чўлпон ҳам «Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен» деб ёзган эди. Дарҳақиқат, киши Халлок ва Раззоқдан ўзга ҳеч кимнинг ва ҳеч бир миллатнинг қошида бош эгмакка маъмур эмас. Эътиқод бор бўлса, ҳар қандай ғайри кучлар мағлубиятга мустаҳикдир. Бу йўлда сизларга ишонч, журъат ва сабот тилаймиз. Эзгу ниятларингиз сўнмасин!

Мирзо ҲОЖИМУҲАММАД ўғли, Абдул НАБИЙ,  
Расулбек НАЗИРЖОН ўғли, Шухратбек  
Мусо Туркий, Абу Исо Абдул Раҳим, толиблар.



Хулкар Тўйманова

## ЎЗГА О.И.М Қ.Ш.И.Р.У

### Ҳикоя

Келин тушган машина тўйхонага яқинлашганда бола-бақра шовқин солиб, тисарилиб йўл очди. Хизматда юрган эркагу аёллар ҳам мўъжиза рўй берадигандек ўша ёққа ёпирилишди. Уфилчасини опичлаб олган жувон бор овози билан шанғиллади:

— Ҳай, олов ёқмайсанларми, келинни айлантиришга?! Ғўзапоя келтиринглар!

Унгача машина атрофида уймалашган қиз-жувонлар билан ташриф буюрган олд ўриндиқдаги беқасам чопонли болакайга ялинишни бошлаб юборгандилар. Таомилга кўра, келинни осонликча машинадан туширмайдилар. Янга куёв томондагиларни хўб ялинтириб, йирикроқ кўрмана ундиргач, розилик беради.

Оқ парча халатли, сийраккина сочини жамалак билан учигача ўрган аёл тошқосадаги сарқитни тоғорага ағдараркан, тўнғиллаб қўйди:

— Қўрғон ундирармиди, мунча лаълига солмаса?!

Машинани ўраб олганлар унинг танбеҳисиз ҳам айтарини айтишиб, болани рози қилиш, сўнгра келинни остонадан ичкарига олиб кириш тараддудида эдилар.

— Вой, тушақолинглар энди, мунча?!

— Э, тагин беш сўм қўшайлик, йигирма камлик қипти!

— Қуриб кетсин шу удумларам!

— Пақат куёв томонни шилиш экан-да!

Ҳар ёқдан ёғилаётган таъна-маломатлар кўпроқ келинчакнинг янгасига қаратилгани учун, табиийки, у жим ўтиролмади. Машинадан калласини чиқариб, ўсма инган қуюқ қошларини чимирганча, ўзини ҳимоя қилишга ўтди:

— Биз қоғозга ўралган қантдай қиз обқесак-да, хизмати йигирма сўм бўлдимиз? Йў-ўк, бунақаси кетмайди!

— Э, синглим, қолган-қутганини ичкарида рози қилармиз! Тушинглар энди, одамди қадри пул билан ўлчанмайди-ку,— деб сиёсат қилишга ўтди тилла тишли шаддодгина жувон. Ҳеч ким унинг гапига қўшилмаса ҳам келиннинг янгасигина узатилган кўрмананан норози бўлаётгани аён эди. Янга гўёки ўзини элнинг ақидаларини қаттиқ ушлаётган қилиб, ўғлини турткиларди:

— Тагин ўн сўм ундирмагунча тушма!



Пастаккина томчадан боягина кадр пул билан ўлчанмаслигига ишора қилган жувоп катак кўйлак олиб чиқиб, машина сари елди.

— Мана, укажон, катта бўлсанг киярсан! Энди кўнарсиз, синглим! Аммо-лекин менам янгалик қилганман-у, сизчалик пишиқликни билмапмиз!— деб боланинг олди-га кўйди.

Гуруллаб ёнаётган олов атрофида келинни айлантириб, куёвнинг хеш-акраболарига бирма-бир салом қилдириш томошаси заб қизиқарли эди. Ранго-ранг ипаклардан нафис гуллар тикилган оппоқ-паранжи ичидаги бўйқиз — келинчакнинг юзига дока тортилган бўлиб, ҳар салом айтилганда, қаддини хиёл эгиб, таъзим бажо келтирар, ёнидаги янгиси ҳам унга кўшилиб эгиларди. Олов тафти сал сусайиши билан атлас кўйлагу лозимли, наъматақдек лабларини ҳаё аралаш қимтиб олган қиз бир тутам ғўзапояни синдириб, оловга ташлади. Келинсалом айтувчи — қирмизи ранг юзи олов ҳароратидан баттар кўпчиб кетган бақувват аёл чорси рўмолини бошқатдан танғиб оларкан, яна илҳақ турган қариндош-уруғларга салом қилдира кетди:

— Атлас кўйлақда товланиб, хизматга бели бойланиб, акасига бахт тилаган қизимиз Фароғатга бир салом!

— Саида мома, бизгаям битта салом бўсин энди! Тонг азондан бери чой қайнатамиз, деб пишиб кетдик-ку!— дўриллади ғўлаҳлик қилаётган буйдор йигит. У тўртбурчак тунока устида вақирлаб қайнаётган чойгумларнинг ўрнини алмаштирди, сўнг оташкурак ёрдамида кип-қизил чўғларни қовлаб, тараша ташлади.

— Калта чопон ярашган, тоғасига қарашган, Маннонбойди жияни самоварчи улимиз Тойирбойга бир салом!

Салом олишга якун ясалиб, келинга остонани тавоф қилдириб, ичкарига олиб киришгач, салқинган чилдирма овози қулоққа чалинди. Энди ўйинга навбат етганлигидан қиз-жувоглар гул-гул ёнишиди. Чилдирмани оловга тоблаётган ғўлаҳ йигит тўйхонага фақат шу нарса файзу барака киритишга ишора қилгандай, дам-бадам чилдирмани даранглатиб, шаштини текшириб кўрар, кўпдан бери қўл тегмаган асбоб эса, хунук овоз чиқармоқда эди.

— Ўйнайсан-а, Олтиной?!— доирачи ўзидан кўз узмайгина, қизиқсиниб қараб турган жиккак қизчага шўх назар ташлаб, қошини қоқди. Қиз уялиб, ер чизди, хуркак нигоҳи кўздан панароқ жойни излай бошлади, охири деворга бориб суянди. Унга ғўеки ҳамма ўзини зимдан кузатаётгандек туюлса ҳам, аслида ҳеч ким ортиқча эътибор бермади. Қизалоқ аввал чилдирмачи шунчаки сўради, деб ўйлади, аммо шунча қиз туриб, нега айнан ундан сўрайди? Балки ўйин деса ўзини томдан ташлашини орқаворотдан эшитгандир. У бошқа тенгқурлари сингари келинчакнинг сеплар ёйиб ташланган ўйини кўришга ҳам қизиқмас, бинобарин, қизча ҳали ҳаётнинг бу томонларига қизиқадиған ёшга ҳам етмаганди. Сўзанаю манглайқошлар, турли-туман кийим-кечаклар илинган уй даҳлизидан ёки дераза оша иштиёқ билан мўралаётган қизчалар, келиношини хўриллатаётган қуда томоннинг аёллари ҳам чилдирма садосини эшитиб, ҳовлига чиқа бошладилар. Олтиной агар даврага қўярда-қўймай тортишса, ҳаммани қойил қолдириб рақсга туша олишига қатъий ишонса ҳам, елкаси оғирлашиб турар, бир ғўлула исканжасида атрофга олазарак боқарди. Доира овози бутун тўйхонага тантанаворлик руҳини олиб кирган, аёллар қийқиришганча бир-бирларини ўйинга тортишар, уялиб қочгани қайси, кифтини учуриб, ер тепиниб, ноз-истиғно қилгани қайси эди. Ҳалиги атлас либосдаги жонон сузилиб даврага чиққанида, кимдир чапак чалди, доирачи эса бир дафъа тўхтаб, бош бармоғини чилдирманинг ипига айлантирди-да, ҳайқириб юборди:

— Битта ташланг қани, ойимқиз!

Жиякли лозим ярашган оёқларини галма-гал кўтариб, йўрғалай кетган малакнинг нопормон тусли ялтироқ дуррачаси қоши устига тушган, чарос кўзларидан завқ ёғилар, товусдай хиром айлаб, барчани ўзига мафтун эта олганидан ғўеки бахтиёр эди. Томошабинлар қарсақ чалишар, давра тўлқинланар, ҳамон деворга суяниб турган Олтиной ҳам нозик кафтларини бир-бирига оҳиста урар, ҳеч ким бўлмаса жўшиб-жўшиб рақсга тушгиси келарди. Чилдирмачи негадир унга парво қилмай кўйди, ҳаҳ деб қичқирганида ўйинчи қиз яна ҳам руҳланиб, юзи ноз-ишвага тўлар, калласи гоҳ у гоҳ бу ёнга тебранар эди. Олтинойнинг унга ҳаваси келди, нима бўлганда ҳам қизча ҳали Фароғатчалик катталар даврасидан ўзини эркин ва улғайгандек ҳис этишига вақт бор эди, бунинг устига табиатан бир қадар тортинчоқ бўлиб, ана шу хислат туфайли элга қўшилиб кетолмаслигидан азият чекарди. Олтиной вужудини чирмаб олган ҳаяжонни босолмай, беихтиёр калласини қимирлата бошлади. Оёқларини дам кўтариб, дам ерга қўяр, ўйинга тушмоқ истагида безовталаётганини ошкор этиш учун эмас, балки ички бир ундов таъсирида қолганидан ўзини тиёлмасди. Уни ҳеч ким кузатаётгани йўқ, ҳамма Фароғатнинг рақсига маҳлиё бўлиб қарсақ билан олқишлашарди, қизнинг ҳар бир ҳаракатидан маъсумона табиийлик, ташналик ва интилиш сезилмоқда эди. Олтиной қизнинг даврани тарк этгиси келмаётганлигини англаб, уни ёмон кўриб кетди, ахир бошқаларга ҳам навбат берсин, мунча сакрайверади! Чилдирмачи чалишдан тўхтаб:

— Фароғат, анави Шомурот аканинг қизини торт, жуда ўйнагиси кептурипти!— демаганида, ҳали бери қиз даврандан чиқадиган эмасди. У бирдан шошиб қолиб, қўлла-

рини туширди, чеккага сурилиб чиққанида чилдирмачи қовун тушириб қўйганини фаҳмлаб, уни хижолатгарчиликдан қутқазиш учун деди:

— Урнингга одам торт-да, давра совумасин!

Олтинойнинг юраги шиф этди, юзидан гўеки олов чиқди, энди қочиб қолишининг иложи йўқ эди. Қизиқ, бир неча дақиқа муқаддам Фароғат кўзига бошқача кўринаётганди, ҳозир эса унга хайрхоҳларча қараб қолган, ҳалиги завқидан асар ҳам қолмаганди. Қизча шу нарсадан чўчирдики, мабодо отаси тўйхонага тасодифан келиб қолса, тамом, шармандасини чиқаради. Бу ер-ку тўйхона, уйда яширинча рақсга тушганини кўрса, тутатиб кетади-ку. Отаси нега бунчалик эканига Олтиной тушунолмайти. Булоқбошилиқ тоғаси келин туширган оқшомда — ўшанда Олтиной учинчи синфда ўқирди — унинг қизларига қўшилиб, «Бари гал»га тушган, отаси кўрса ҳам индамаган эди, эҳтимол, битта ўзи ўйнаганда олдига солиб қувлармиди. Олтиной ҳозирлари отасининг таъқиб ва тазйиқларини ҳазм қилолмаслик билан бирга танҳо қолди дегунча рақс майдончасини қидириб қолар, лекин ҳадиксираб, кўрқиб ўйнаш уни беҳад қийнади.

Олтиной ҳали ҳам иккиланиб турар, отаси кутилмаганда чақмоқдек пайдо бўладию бутун нафратини унга сочади, юзига тарсаки туширганини кўриб, кимдир сўкиниб, кимдир Олтинойга ачинади, ҳарқалай отасининг назаридаги бу одобсизлик, беҳаёлик барҳам топади. Олтиной отасининг ўйинчиларни жинидан баттар ёмон кўришига тўйма-тўй санғиб юрувчи отарчилар сабабчи эканини идрок этадиган ёшга етиб қолаёзганди. Наҳотки, ойнаи жаҳонда товусдай товланувчи, инжа табассумдан чеҳраси яшнаб, кўзлари чақнаган, майда ўрувли сочлари толбаргакдек бели узра тўлғониб хиром этувчи ҳурилиқоларга ҳам шундай баҳо бериш жоиз бўлса? Наҳотки, донғи кетган раққосаларнинг саёқ отарчилардан фарқи бўлмаса...

— Мунча наз қиласан, Шомурот аканинг қизи?! — деди силтаниб Фароғат, у доира-чининг муштдайгина қизчага лутф айлаётганидан оғринганини яширмасди ҳам.

— Битта ўзим уяламан... — деди Олтиной ўнғайсизланиб, ўнг қўлини орқасига бекитаркан. Бош бармоғи қўшалигидан у мудом эзилар, бу нуқсон ҳар лаҳзада қаддини букиб қўяётгандек бўларди. Бунга фақат онаси сабабчию тўла маънода ўпка-гина қилишга ҳақлидай кўпинча йиғлаб берарди. Онаси ҳам, табиийки, Олтинойнинг қисиниб яшашидан изтироб чекар, аммо бунинг оллоҳнинг амрига йўйишдан бошқа иложи йўқлигини очиқ-ойдин баён этарди. Ҳозир Олтиной бармоқларини шунинг учун ҳам яшираётган эдики, қўлларини гоҳ пастга, гоҳ баландга кўтарганида, бошбармоғи қўша эканини кўриб қоладилар. Раққосалар жуда ҳам сарвқомат бўлишади, оппоқ ва нозик бармоқли, узун-узун тирноқларига нафис бўёқ сурилган, қайрилма киприкли паризодлар табиатнинг буюк кашфиёти эканлигини, ўзи ҳам балоғат ёшига етганда шулар қаби куйдирмажон бўлишини тез-тез хаёлидан ўтказарди. Йиллар бир-бирини ортда қолдиради, у ҳам катта қиз бўлади, сочларини майда ўриб, пардоз-андозни ўрнига қўйиб, безакли ҳарир либосларга саҳнага чиқиш насиб этармикини? Фақат бунинг учун истакнинг ўзигина кифоя қилмаслигини, олдинда қийин тўсиқлар ётганини Олтиной ўқинч билан тан оларди. Ширин орзу кейинги йиллар ичида қизнинг миясини буткул банд этиб олганига қарамай, бармоқлари ҳар гал жиддий хавф бўлиб гавдаланаверарди.

Қиз Фароғатга бўйсунушига мажбур бўлди, у ўзини тортингандек кўрсатаётгани билан чилдирмачининг мақтовидан бир қарич ўсган, фақат нигоҳини ердан узолмас эди. Фароғат эса, унинг ўнг қўлидан тортқилаб, ўйнашга кистар, ўртага судрарди. Қизча давра аҳлининг диққати ўзига қаратилаётганидан ийманишни йиғиштирди; учигиша ҳозирланаётган қуш мисоли қўлларини ёйди. Бу унинг ўйинга тайёргарлиги бўлиб, ўзини эпчил ва эркин тутишга имкон яратарди. Қиз энди бу ерда ўзини ёлғиз деб билгандек кифтларини учирар, озғин жуссаси мусиқага монанд дам эгилар, дам сапчир, майда ўрилган патила сочининг уч қисми тарқаб, ёйилиб кетган, лабларидан эса табас-сум аримас эди.

— Етилса, жа келишган қиз бўлайкан-да, қуриб кеткур! Нақ артистнинг ўзи, бола бошидан-да...

— Шунинг айтинг!

Олтинойнинг оёқлари чалишиб кетди, бу луқмани киноя деб қабул қилишини ҳам, мақтов деб эътироф этишини ҳам билмасди. Қизнинг боши айланди, теграсидаги одамлар бир қақирим нарида бўлиб кўринди. Оёқлари мадорсизланиб, чўкка тушгиси, нафас ростлагиси келди. Ҳолдан тойгунча айланаверганидан қизча терга тушаёзган, кўзларини парда қоплагандек эди. Бироқ бояги гапдан кейин унда шиддатли бир руҳ уйғониб, даврани тарк этишига йўл қўймасди.

— Йиғиштир ўйинингни, жувармак! Шарму ҳаё борми сенда? Уятсиз!

Олтиной қалт-қалт титраб кетди, қўллари беихтиёр осилиб тушди. Отаси! Унинг кўзларидан ёғилаётган қаҳрга Олтиной дош беролмади, турган гапки, отаси фақат дакки билан сийламайтиди, қулоғидан чўзиб, чеккага олиб чиқади ва тепкилаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Олтиной сурилиб, чеккага чиқди, юраги бежо тепар, баданидан муздай тер қуйилар, гуноҳ иш устиде қўлга тушгандек ҳеч кимга қаролмасди. Қиз нима бўлишини кутишга қарор қилди, отаси қандай жазони лозим кўришидан қатъи назар, тайёр эди.

— Уятсиз, муштдай бўп томоша кўрсатишини! Иккинчи бирор тўйда ўйнаганингни кўрсам, ўпкалама!— Шомурот қассоб оқилона иш қилаяпман дегандек ён-атрофга кибрли назар ташлади ва Олтинойнинг юзига бир тарсаки туширди.— Индамаган сайин ўзингдан кетяпсан! Нима, «Баҳор»га кетган Амбаргулдай бўлмоқчимсан! Уйлама, бунга йўл қўймайман!!!

Олтиной ошкора ҳақоратдан бўғилиб кетди, қўллари билан юзини беркитиб олди, бошини кўтара олмас, кўзёшларини тиёлмай, елкаси дам-бадам силкинмоқда эди. Қайсидир аёл, куда томондан келган шекилли, Олтинойни ҳимоя қилишга ўтди:

— Уйнаса ўйнапти, осмон узилиб ерга тушгани йўқ-ку?!

— Сизди нима ишингиз бор? Узингизди қизингизди ўйнатинг керак бўса!— Шомурот қассоб ҳамон ғазабини босолмай, бармоқдай шишачадан кафтига нос тўкиб, тилининг тагига ташларкан, бузуқ талаффузда деди:— Қиж болани тейгаб туймасанг, оқиба-ти яхши бўмийди...

Ҳарқалай Шомурот қассобнинг, қизлар тўй-ҳашамда ўйинга тушишини тақиқлашини ёқлаш маъносида сукут сақлаганлар ҳам, бўри қаршисида қалтираётган куён мисоли титраб турган қизга ачиниб, отани бошлаб қарғаётган ёки сўкаётганлар ҳам бор эди. Олтиной эса, бу пайтда ҳўнграганча гузар бўйлаб чопқиллаб кетиб борар, изидан енгилгина чанг кўтариларди. Қиз гузарнинг ярмидан ошганда калишларини қўлига олди...

Тўйхонада эса никоҳ оқшомини нишонлашга чоғроққина жой ҳозирланар, хушовоз ҳофизнинг дилбар қўшиғи қанот қоқарди.

Пойариқлик Амбаргул исмли қиз ҳақидаги миш-мишларнинг қайбири рости қай бири тўқима эканлигини билмай туриб, отаси мунча уни беобрў қилди. Айтишларича, Амбаргул ўн уч ёшида Тошкентга кетиб қолган экан. Раққосаликка ўқишга отаси рози бўлмаса ҳам, айтганидан қолмай, таниқли артистлардан бирининг этагини ушлаб ниятига эришибди. Уша мактабга истеъдодли қизларни чертиб-чертиб, кўпроқ санъаткорларнинг фарзандларини олишаркан. Ҳалиги одам мактабга Амбаргулни жойлаб қўйибди. Қиз қувончи ичига сифмай отасидан оқ фотиҳа олгани Челакка келса, «Менинг сендайин беномус қизим йўқ! Оқ қилдим!» дебди. Шўрлик хун-хун йиғлаб изига қайтибди ва шушу Тошкентда қолиб кетганмиш. Кимдир уни турмушга чиқмай, қариқиз бўлиб юрибди деса, бошқалар йўқ бир киноактёр уйланиб, ташлаб кетган, ҳозир ёлғиз яшайди, де-йишади.

Шу баҳорда тўгарак раҳбари Ойгул Тошкентга бориб ўша Амбаргулни кўриб қопти. Бошдан-оёқ оқ либосда эмиш. Эгнидаги костюм ўзига шунчалик ярашганмишки, чет эллик хонимлардек троллейбус ойнасидан атрофга беписанд назар ташлаб, зулқранг кўзойнагини бошига қўндириб олганмиш. Елкаси узра ёйилган сочларидан, қип-қизил бўёқ сурилган лабию ҳаворанг тусли қабоқларидан уни ҳеч ким қишлоқда тўғилиб ўсган қиз деёлмасмиш.

Ким билсин, Амбаргул балки фариштадек покдир, лекин одамларни бунга қандай ишонтирасан? Отаси ҳам шуни ўйласа керак-да.

Ойнаи жаҳонда «Баҳор»нинг бир гала раққосалари атлас либосга бурканишиб, ироқи дўппиларда, сурма тортилган кўзларини сузишиб, шунақа хиром этишадими, Олтиной уларни жаннат қушларига ўхшатади. Балки уларнинг орасида Амбаргул ҳам бордир. Мўйловлик қўшиқчи йигит раққосаларга суқлиниб тикилиб, қўлидаги бир дона чиннигулни кўксига қўйганча, чексиз илҳом оғушида «Ёр келади» таронасини кўйлайди. Ҳурилиқолар капалакдек кўним билмай, шаршара атрофида гоҳ гир айланишади, гоҳ қатор тизилишади, ўйин ниҳоясида эса хонанда чиннигулни энг охирида қолган раққосага ҳадя этади. Олтиной нигоҳларини экрандан узолмас, хонтахтага тирсақларини тираганча кўзини лўқ қилиб ўтирган отаси эса, баттар қовоқларини уяр эди.

— Жаа сакрагинг келяпти-я?!— деб қолди тўсатдан отаси ҳудди унинг дилидан нима кечаётганини илғагандек.— Ҳайронман, бизди уруғдан артис зоти чиқмаганди! Кимга тортдинг сен қиз, билмайман! Ё мактабда ўргатишадими? Уйлама, мен тирик эканман, ўйинчи қип қўймайман, бу шармандаликка чидолмайман! Эшיתיшимча... маллимларинг сени Тошкентга юборармишми? Номаяқул бузоқди гўштини ебти бари! Керак бўса, ўзларининг қизини оборсин!

Олтиной ичидан зил кетди, негадир бошбармоғини бекитди, унга кўзи тушганда пайдо бўладиган дилхиралик олдида отасининг дашноми устунлик қиларди. Чунки отаси Амбаргул ўқиган ўша мактабга кўниши амримаҳол, бармоқларига эса эътибор бермасликлари ҳам мумкин. Қиз отасининг кўзларига қаролмади, галдаги рақсни кўзи қиёлмай, иккиланиб чиқиб кетди. Чордона қуриб ўтирган онаси эса ҳарқалай отасига қўшилиб Олтинойни қарғайвермасе-да, баъзан ёнини олиб қоларди. Шунда... Онаси нимадир деди шекилли, Шомурот қассоб у айвонга ҳатлаши билан зардали ўшқирди:

— Э, сен қўшилма, ҳалитдан бўш қўйсанг, сўнг ўзидан кетади! Қизинг отарчи бўп кетса, номус қилмайсанми? На тўйда, на уйда, қачон қарасанг, ликиллагани ликиллаган!

Олтиной эшикни секин ёпиб, айвон устунига суяниб қолди. Ҳовлида, чорпоя атрофида ерга чизик қизиб, сакраётган сингилчаларига ҳаваси келди. Қани энди, кўзини юмсаю Гулноз сингилсидай ғам-ташвишсиз қизалоққа айланиб қолса. Ҳадемай ўқув


или тамом бўлади, тўғарак раҳбарининг таъкидлашича, ёз ойларида ўша билим юртига қабул бошланармиш.

Олтиной бирдан шиддат билан жойидан жилдию меҳмонлар келгандагина очиладиган меҳмонхонага кириб кетди. Ичкарида ўзи ёд билган қўшиқлар ёзилган лентани қўйиб ўйинга туша кетди. У ўзини саҳнада тасаввур қилар, бунга сари яйраб чирпирак бўлиб айланар, кўнглидаги бояги ғуборлардан асар ҳам қолмаганди. У ҳинд киноларидаги серноз, ақиқдай лаблари ним табассумли соҳибжамол актрисалар мисол айланар, ўтирар, тиз чўқар, бармоқларини бир-бирига чирмаштирар, сочларини кўксига тушириб олар, торгина даҳлиз назарида чексиз гулзор эдию қўшиқ магнитофондан эмас, балки ястаниб ётган лозазордан таралаётгандек эди.

Ногоҳ эшик ғийқиллаб очилди-да, бошига докарўмол ташлаган онаси кўринди. Қиз эшикни беркитиб олмаганини шундагина эслади, зудлик билан қўлларини тушираркан, пешонасидан совуқ тер чиқди. Яхшиямки, онаси экан. Шундай бўлса-да, қизнинг ичидан нимадир узилдию қайта уланди. Тўрт девор худди эртақдаги ёрилтош мисол очилиб ёпилса эканки, бутун ғуссалар ташқарида қолса, тошнинг ичида бошқача ҳаёт кечса: ҳар томонда саҳналар бўлса-да, сенинг рақсга тушишинга ҳеч ким халал бермаса.

Қиз хонада қатра ҳаво йўқдек бўғила бошлади, кўз олдидан отасининг қаҳрли башараси кетмас, қулоқлари эса тинимсиз ғувилларди. Негадир бу азобдан қутулиш осонга ўхшамасди, балки ухлаши лозимдир? Қиз энди рақсни давом эттиришга ҳеч бир рағбат сезмади, озғин, енгил кифтлари қандайдир юкдан оғирлашиб кетди...

Она эшикни оҳиста ёпди.



## Журналхонлардан мақтублар

\* \* \*


Ойноманинг шу йилги 5-сонида эълон қилинган саволларга бўлимма-бўлим жавоб ёзишни истамадим — дилдаги гапларни шундайлигича қоғозга туширгим келди.

«Шарқ юлдузи» — обрўли, кекса ойномаларимиздан бири. Унинг имкониятлари бошқа журналларникига қараганда бирмунча кенгдир. Шу сабабли, ҳозирги кунда кўпчиликни ташвишлантираётган ва ҳаяжонлантираётган муаммоларни батафсил таҳлил қилиш, ўз-ўзидан, шу ойнома зиммасига тушади.

Ҳеч бир фалсафа мутлақ бўла олмайди. Фалсафа қонунлари давр олдида ожиздир. Кейинги пайтда жамиятимиз асоси бўлмиш фалсафанинг аллақачон емирилиб-нураб бўлганлиги аён бўлиб қолди. Бунинг сабабини бизлар сталинизмга ағдаряпмиз. Аммо, бирор бир «изм»га мағзава ағдарилш билан иш битармиди? Рўй берган камситилувлар, талон-торожлар, босқинлар, қатағонлар фақатгина Лениннинг, Сталиннинг ёхуд Брежневнинг айби билан содир бўлганмикин? Кишиларни рўё томон, ҳозир ҳеч ким тилга олмай қўйган дунёвий жаннат — коммунизм томон бошлаш ким учун ва нима учун зарур бўлганди? Фарғона ва Ўш фожиялари не тарзда рўй берди, қай тарзда уюштирилди? Ўзбекистоннинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақиллигининг, шунингдек, жумҳурият ҳудудидида алоҳида пул бирлиги таъсис этишининг истиқболлари қандай?

Мен Тошкент Давлат дорулфунуни толибиман. Ойномани ёшлигимдан буён мутолаа қиламан. Унинг кейинги сонларида ана шу мавзуларда мақолалар ўқишни истардим.

Б. УМРЗОҚОВ, Нурота



# Шеърим



Барот Бойқобилов

## ЯНГИ ҒАЗАЛЛАР

Қадр гавҳарин асранг — кўзга қароғ, э дўстлар,  
Меҳр уйин ёритар — дилга чироғ, э дўстлар.

Ўтиб ёшлик баҳори, умрнинг ёзи келди,  
Куз бирла қиши яқин — олтин бу чоғ, э дўстлар.

Бир даврон кемасига тушганмиз соф дил билан,  
Жонимиз ҳам бир бизнинг — кутар қирғоғ, э дўстлар.

Назм қаламин олиб, қалб амрин этдик иншо,  
Замона зайли билан бўлманг йироғ, э дўстлар.

Биз юрганда кўчалар тўлар эди бир замон,  
Сийракланди сафимиз, кўнгилда доғ, э дўстлар.

Вакт чопағон от эрур — олиб қочар узоққа,  
Елидан тутинг маҳкам, елкаси тоғ, э дўстлар.

Ўтирган давраларда йўқолмасин ўрнимиз,  
Хазонга юз тутмасин биз кезган боғ, э дўстлар.

\* \* \*

Самарқанди азимдан

менга сафо келтурдинг,

Беокибат давронда

аҳдга вафо келтурдинг.

Дилимни эзиб ҳасрат,

дардимни тутдим пинҳон,

Луқмони ҳаким каби

дардга даво келтурдинг.

Назмга шайдо кўнгил

назмдан эди зада,

Илҳом танбурин чалиб,

дилга наво келтурдинг.

Обираҳмат сувига

ташна эди лабларим,

Регистон кўзасида

оби шифо келтурдинг.

Тошкент неъмат билан  
  гарчи тўкин дастурхон,  
Самарқанд насибаси —  
  «нони осие» келтурдинг.  
Қадимингга жон садқа,  
  бош устига, меҳмоним,  
Соғинчларга йўғрилган  
  савту садо келтурдинг.  
Фусса булути тарқаб,  
  гард қолмади руҳимда,  
Ешлик ўтган бўстондан  
  менга сафо келтурдинг.

\* \* \*

Жондан кечган Мажнуннинг жононаси сенсанму?  
Жамолингга мафтунининг парвонаси сенмасму?

Сенинг хаёлинг билан кундан излар жамолинг,  
Афсона битган туннинг мастонаси сенмасму?

Ҳаёт боғида ҳар ким қидирар ўз бахтини,  
Бахтдан кўнгли мамнуннинг кошонаси сенмасму?

Ғаввосни қўйиб доғда садаф ичра ётмиш дур,  
Дур излаган мардумнинг мардонаси сенмасму?

Муҳаббат тузоғини қўмсамаган қалб борму,  
Ёр ҳажрида тутқуннинг сўзонаси сенмасму?

Ишқ шароби сеҳридан девона бўлмаган кам,  
Осойишсиз бу куннинг девонаси сенмасму?

Кемтик дунёда азал бағри бутун йўқ, дерлар,  
Бўлса, бағри бутуннинг ягонаси сенмасму?

\* \* \*

Бизлар оддий кул эмас — бизлар «олтин қўллар»миз,  
«Олтин қўллар» кул бўлган, бизлар «олтин қўллар»миз.

«Олтин қўллар» қорайиб «оқ олтин»ни яратдик,  
«Оқ олтин»нинг тоғини бир мирига пуллармиз.

Бир мири пул билан лек тебратдик рўзғоримиз,  
Рўзғоримиз тебратиб, ўзгани ҳам қўллармиз.

Ўзгани қўллаб, аммо, ўзимиз қолдик юпун,  
Юпун ўзга ризқ-рўзни билмаган йўқсуллармиз.

Ўзимиз йўқсул бўлиб, ўзгаларни бек қилдик,  
Ўзгани бек қилишда оғзимиздан гуллармиз.

Оғзимиздан гуллаб, эҳ, айрилдик боримиздан,  
Боримиздан айрилиб, гўё бағри чўллармиз.

Бағримиз чўлдек ёниб ташнадир Эрк наҳрига,  
Эрк наҳрисиз Оролдек ёш тўкиб лаб ҳўллармиз.

Орол каби ёш тўкиб, қалбимиз қилар исён,  
Қалби исёнда қолган бизлар мард ўғиллармиз.

Мард ўғлони бор ўзбек ўз Эркига бўлса бек,  
Юртини маъмур этгай, Барот, «олтин қўллар»сиз.

\* \* \*  
Ёна-ёна кул бўларман,  
келмасанг ёнимга, ёр,  
Кулмагин кул бўлди, деб,  
раҳм айлагин жонимга, ёр.  
Ёр, ёритгин манзилимни  
шуълаи дийдор ила,  
Йўқса, ёрим, қора тун бўлғай  
бу ошёнимга, ёр.  
Орзую армонларим  
карвони сарсондир бугун,  
Сен, ахир, сарбонисан,  
боққил бу карвонимга, ёр.  
Қилмагум номимни зар  
бирла жаҳон овозаси,  
Бас эрур гар нома келса  
сендан унвонимга, ёр.  
Гар сўзим бўлса шакардин  
ҳам ширинроқ, не ажаб,  
Болдайн лаълинг эрур  
ҳар шеъру достонимга, ёр.  
Минг тўсиқни ёрибон  
васлингга етгум, ёр, ахир,  
Чунки, сен илҳом берурсен  
ушбу паймонимга, ёр.  
Тингла сен Барот сўзин,  
ишқингда гар кул бўлса ҳам,  
Бош кўтарғай янгидан  
келсанг агар ёнимга, ёр.

\* \* \*  
Ағёрнинг тўхмат тоши пешонамни қонатди,  
Не пешонам, бошимда ғам тошини ўйнатди.

Дардимни айтай десам, дардкаш бирор ҳабиб йўқ,  
Ҳабиб йўқлигин билиб тош устига тош отди.

Ғолиблик чорбоғида қуришиб базми Жамшид,  
Мағлуб ҳолимдан кулиб кўнгилларин қувнатди.

Ўзларидан ўзгани демайин ҳақ сарбози,  
Ҳақ деган тилни тилиб, соқов каби сўйлатди.

Гўё гадо шоҳ бўлиб амал майдан сармаст,  
Оқни қора қилгали, ошналарин унатди.

Дилларида меҳрмас, қайнаб қаҳр зардоби,  
Саратонда куйдириб, қаҳратонда музлатди.

Қора қуюн сингари ўтиб кетди аҳли жоҳ,  
Бошим устида гарчи қиличини ўйнатди.

\* \* \*  
Узлат кулбаси бўлди  
ўтли кўрхона менга,  
Гоҳ ёниб, гоҳ сўндим —  
илҳом парвона менга.  
Юрагимнинг қонидан  
гўё анор олди ранг,  
Дунёнинг ғами бисёр,  
шодлик бегона менга.  
Юртимга назар солиб,  
дарди ила тўлғондим,  
Турмуш азобин чеккан  
элим ҳамхона менга.

Гарчи дўстлар оз қолди,  
 кўпайди аҳли каззоб,  
 Эътиқод илмин берган  
 ҳаёт дарсхона менга.  
 Навоий каломидан  
 дил уйига кирди нур,  
 Фазл аҳли мусоҳиб,  
 хўблар фарзона менга.  
 Замона муғаннийсин  
 навосига жўр кўнгил,  
 Илҳом париси чалар  
 мунгли тарона менга.

\* \* \*

Аҳли Самарқанд базми Регистон майдонида,  
 Не Регистон, мозийнинг чароғон айвонида.

Чароғон айвон ичра замона зукколари,  
 Зукколар қасидаси ҳар инсон лисонида.


Ҳар инсон лисонида ўзбек элин ўзлиги,  
 Ўзбек элин ўзлиги Кўрагон достонида.

Кўрагон достонига Яздий этмиш жон фидо,  
 Жон фидо ҳар бир инсон қахрамон баёнида.

Қахрамонлар истиқлол эркин қилмиш намоиш,  
 Эркин намоиш этиб чароғбон маконида.

Улусига ўзини чароғбон билган инсон,  
 Инсон зотин бургути Зарафшон осмонида.

Зарафшон осмонида зоғлар учмасин, Барот,  
 Булбуллар чаҳ-чаҳласин Туркистон бўстонида.



## Журнал «Шарқ юлдузи» мактублар


\* \* \*

Ассалому алайкум. «Шарқ юлдузи»нинг 5-сонида босилган саволларга жавоб ёзиш-ёзмаслик устида анча ўйландим. Сабаби, кўпчилик кўннома ва мажаллаларга ўз муносабатимни билдириб мактублар йўлласам-да, ҳеч қачон кўнгилдагидек жавоб олмаганман. Бир менгина эмас, бошқа кишилар ҳам шундан шикоят қиладилар. Бу мактубни ойномада босилаётган «Қуръон» ҳурмати, битаётирман.


Ойномага 1960 йилдан буён обунга эдим. Кейинги ўн йил ичида дўкандан сотиб оладиган бўлдим. Сабаби: унчалик қизиқтирмай қўйди. Мен бахшиман 1958—60 йилларда халқ ижодиётига эътибор яхши эди, ҳозир эса, назаримда, бироз сусайгандек туюляпти. Кейинга пайтда ҳар хил суюқ, серсув роману достонлар кўпайиб кетди, халққа кам назар ташланяпти. Қай бир шоир, қай бир ёзувчи халқдан ўтказиб бирор асар ёза олар экан? «Шарқ юлдузи» бизнинг азиз ойномамиз. Ҳурматли таҳрир ҳайъати ходимлари, сизлардан халқ ичидаги истеъодларга ёрдам беришингизни сўрайман.

Хушбоқбахши МАРДОНАҚУЛ ўғли,  
 Сурхондарё вилояти





Оқилжон Хусан



Қисса

I

Самарқанд кузининг ўзига хос ажиб таровати бор: шаҳар атрофидаги боғларнинг муаттар бўйларига тўйинган қурч ҳавода эринчоқ мезонлар учиб юради; боғ-майдонларда, ҳовлиларда ўрик, олма, беҳи, нашвати япроқлари анвойи рангларда кўзни қамаштиради; ишкомларда навроз хўшбўйи, тоифи, ҳар бир донаси мошдан хиёл чоғроқ оқ кишмиш узум бошлари олтиндек товланиб туради...

Бир қарашда худди шундай. Аслида, бу қадимий маконнинг кузини инсон умрининг шодлик ва ташвишларига қиёс қилгудек аломатлари ҳам бор. Сумбула кириши билан ҳавонинг тафти кескин ўзгаради, кундуз кунлари ёздагидек исиб кетадию аввали оқшомлар бирданига салқин тушиб, билинар-билинамас шабада эсади — кексалар ҳам, ёш-яланглар ҳам яктагу чопонга ўраниб оладилар. Самарқандни қоқ иккига бўлиб оқадиган Қорасувнинг, шаҳарни атрофдан камардек ўраб олган Сиёҳоб, Панжоб ариқларининг таъсирими, ҳар қалай, ҳаво намхуш ҳамда вазмин туюлади кишига. Сумбула тунларининг салқинига бепарволик қилиб юпун кийинганлару ўзларининг бардамликларига ишониб, ҳавонинг захрини назар-писанд этмаганлар гоҳо доғда қоладилар — ногаҳон тумов-пучмоққа чалиниб, «ухў-ухў»лаб юрадилар.

Сумбулада шаҳар ичкарасидан ўтадиган катта-кичик анҳорлардаги обиҳаёт муздек совийди, тиниқлашади, мовий тусга киради; ариқлар тубида қалашиб ётган тошлар, ёз давоми сув ичида ўсган, кузги салқинлар таъсирида ранги унниқиб-ўчабошлаган турли-туман ўтлар бамисоли очиқ ерда тургандек аниқ кўринади; анҳору ариқларнинг тўлиб оқаётганини, оқимнинг йўналишини зилол сув остидаги ўтларнинг у ён-бу ён тебранишидан билиб олса бўлади. Куз фаслининг тўкинчилиги, ҳавонинг қурчлиги ариқларнинг ҳам қут-баракасини ошириб юборгандек: кечагина — ёз ойлари бир коса сув билан чанқоғини аранг босган киши мана бугун ярим пиёла оби зилолни базўр нўш этади.

Кузда Самарқанд бозорининг манзараси эртагу афсоналардаги жаннатдан

ҳам ошиб тушади. Мотруд тарафлардан — Обираҳмат ариғи бўйидаги боғлардан келтирилган, шираси сават остидан чак-чак томиб турган сариқ-қора анжирлар, Оҳақлик тоғи этақларида етишган қип-қизил анорлар, Сиёҳоб бўйларидаги боғ-майдонлардан териб олинган ноку нашватилар кўзларни қамаштиради. Ширинликлар растасида эса, наввоту ҳалвойи лафздан тортиб қандолату чақчакидонгача — йигирма-ўттиз айносдаги ширавор неъмат харидорларга мунтазир. Галаосиё тегирмонларида тортилган баҳори буғдой унидан ёпилган пўлоти нонларни айтмайсизми... Самарқанд бозорини оралаб, бу ердаги ноз-неъматларни кўрган, уларнинг хуш бўйдан баҳрамандланган киши беихтиёр шу ёруғ дунёда инсонлик камоли билан кўз очгани учун Оллоҳ таолога минг бора шукрона айтади.

Ҳа, жаҳонга доврқ солган Амир Темур бу қадимий манзилни ўз давлатининг пойтахти этиб тайин қилганида, табиийки, кўп жиҳатларни назарда тутган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунончи, зукко соҳибқирон тарихда Искандер Зулқарнайндан бошлаб не-не босқинчилар диққатини ўзига оҳанрабодек тортиган Самарқанднинг ташқи душманлар билан курашишга қулай жойда ўрнашганлигидан ташқари, бу заминнинг ҳавосию сувини, ширин-шакар ноз-неъматини ҳам ҳисобга олган бўлса не ажаб...

Тўкинчилик-маъмурлик, димоқларни қитиқловчи анвойи ҳидлар, хилма-хил кийинган, турли-туман афту ангорли кишиларнинг бир-бирларини танимаслиги, олувчи ва сотувчининг савдолашиб-тортишаётгани — Шарқдаги барча шаҳарларда учрайдиган бундай манзара Самарқанд бозорига ҳам хос. Шу боисдан ўрта бўйли, буғдойранг юзли, кексалигига қарамай кўзлари тийрак боқувчи тўрвасоқол, бошига нимдошгина салла қўндириб, эгнига қалами яқтак кийиб олган қаҳрамонимиз Уста Уроққа ҳам бозордагилардан бирор киши аҳамият бераётгани йўқ. Ҳали бутунлай оқариб улгурмаган соқоли билан салласи бир хил тусда бўлган бу одам юмушдан сўнг — кечки маҳал бозор оралаб манзилига қайтаяпти. Теварак-атрофига, тирикчилик туфайли ғимирлаб юрган ранг-баранг кўринишли одамларга айрича бир меҳр билан боқади. Бугун унинг кўзига ҳамма нарса — растама-раста кезиб юрган харидорлар ҳам, ўз молини мақтаб пуллаётган сотувчилар ҳам, саватларда, улкан-улкан тоғораларда ёйилиб турган табиат эҳсонлари ҳам ҳар кунгидан кўра гўзалроқ туюлади. Уста бугун бағоят хушнуд кайфиятда. У бозор оралаб юрган, турли элат ва турли дину мазҳабга мансуб одамларнинг барисини ўзининг ака-укаси-дек кўнглига яқин сезар, иложи бўлса, бирор муносабат топилса, ҳаммани ўпиб-қучгудек ҳолатда одимлаб борар эди.

Уста Уроқ мевачилик растасидан обикорлик — сабзавот растасига ўтди. Карам, сабзи, шолғом, турп, турли хил кўкатлар... Қовоқ сотувчилар рўпарасига етганида, Уста беихтиёр тўхтади. «Челак қишлоқ атрофларида қовоқлар яхши бўладур, дердилар, — ўйлади у. — Мана булар ўша қишлоқдин олиб келинган ўлса ажаб эрмас».

Қовоқлар ўзининг етилиш даражасига, турига кўра хилма-хил рангда эди, синчков кишиларнинг эътиборини беихтиёр тортар эди: сарғиш, оч қизил, оқимтир қизил, кўкимтир қизил... «Масжиди жоменинг ғиштларига рангирўған беришда ушмундоқ туслардин ҳам истифода этилса, хўб дуруст иш ўлур эркан-да, аттанг. Афсуским, бўёқчи эрмасмен, бор-йўғи ғишт бостиргувчи устамен...»

Уста Уроқ очиқ чеҳра билан қовоқфуруш рўпарасига бориб, иккита чоғроқ кади танлаб харид қилди. Аниқроғи, савдолашиб ҳам ўтирмади, сотувчининг айтганини тўлади-ю, қовоқларни қўлтиғига олиб, йўлга тушди. Хушнуд кайфиятда борар экан, табассум билан бошини қимирлатиб қўяр, ўз-ўзига сўзлар, нималарнидир уқтирар эди: «Самарқанддек фирдавсмонанд бир юртда Мовароуннаҳрнинг энг катта намозгоҳи — Масжиди жомеъ қурилаётир. Ушмундоқ табаррук даргоҳни бунёд этишда иштирокинг бор, Уроқбой. Ҳа, кичик юмуш эрмас бу! Ушул мўътабар иморатнинг битишига оз кунлар қолғонин билурсен. Ҳадемай жаҳонгир Амир Темур ҳам олис сафардан қайтур. Масжиди жомени тиклашда иштирок қилғон усталар сафинда улуғ амир сенга ҳам тортуқ-тарағайлар берса ажаб эрмас, Уроқбой!.. Ҳе, тортуқ сенга не даркор ўзи, қари надон? Масжиди жомега намозға етгонлар ақалли бирор бора: «Ушбу иморатни поёнига етқурғон усталарни худо ёрлақай», деб дуо ай-

ласалар, сен учун бас-да!.. Ношукур бўлма, Уроқбой, ахир бугун кўпдин ўйлаб юрғон ниятингга етдинг — унинг жамолини яна бир бора кўришга мушарраф бўлдинг!.. Эмди армон қилмағил...»

Уста Уроқ — аслида, ўтакетган тақводорлардан эмас... У уламою домларнинг амри-маъруфларини бепарволик билан, баъзан эса, хушламай тингларди. Унинг беш маҳал намозни қанда қилмай — тўла-тўқис ўқиган кунлари камдан-кам бўлади. Бунинг сабаблари бор, албатта. Уста эрта билан бомдод намозини ҳар куни уйда ўқийди: пешин вақти аксарият (жума кунларидан ташқари) меҳнат билан ўтади; намози дигар маҳалида эса, Уста кўпинча йўлда бўлади... Уста Уроқ шундай сабабу мулоҳазаларни ҳар замон-ҳар замонда кўнглидан кечиради-да, намоз-ниёзнинг қанда бўлишидан унчалик ўкинмайди. Чунки у меҳнату заҳмат билан кун кечиршни, ҳалоллик-поклик билан умр ўтказишни тоат-ибодату намоз-ниёздан баланд кўяди. «Ҳалол меҳнат ила умр ўткарган кишини худо ҳам, пайғамбар ҳам ёрлақаса ажаб эрмас. Худонинг бирлигига, пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг барҳақлигига ишонсанг, имонни бутун тутсанг бўлди-да», деб ўйларда Уста ўзича. Шу боисдан у бугунги воқеани — севгилсининг жамолини кўриш ўзига насиб этганини ҳам худонинг инояти деб ишониб бағоят мамнун кайфиятда, яратганнинг ўзига қайта-қайта шукрона айтиб бораётир.

Уста Уроқ Сайфулло исмли шогирди билан Баландҳовуз гузаридаги Ниёзбой деган атторниқиди ижарада яшайди. Шогирди ҳам унинг ёнида ишлайди. Сайфулло — устозига ниҳоятда содиқ, меҳрибон йигит. Лекин юмушга боришу манзилга қайтишда устоз ва шогирд деярли бирга юрмайдилар. Уста Уроқ ҳар куни барвақт ишга борарда ҳам, кечга яқин ижарахонага қайтарда ҳам якка юради, негадир сўнгги маҳалларда ёлғиз ўзи хаёл суришни яхши кўрадиган одат чиқарган.

Уста Уроқ билан Ниёзбой аттор бир-бирларини, ҳар қалай, ҳурмат-иззат қиладилару, аммо камроқ гаплашадилар, зеро кўпроқ суҳбатлашишга фурсатлари ҳам бўлмайди. Уста Уроқ, ўзидан ёшроқ бўлса ҳам, ҳовли эгасини «Ниёзбой ака» деб атайди. Ниёзбой ҳам Уста Уроқ ҳақида гап кетганда: «Фақат шунчаки бир уста эрмас бу одам, бамисли фаришта», деб кўни-кўшнларига мақтайди.

Уста ҳам, унинг шогирди Сайфулло ҳам эрталаблки нонуштани, кечки таомни Ниёзбойниқиди ўтказадилар. Ана шу икки маҳал емагу ётоқхона учун ҳовли эгаси — Ниёзбой атторга ҳақ тўлайдилар. Ўртадаги байлашувда ҳовлига бирор масаллиқ ёки емиш-овқат келтириш ҳақида гап бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак, ҳар кунгидан ўзгача — хушнуд кайфиятда иккита қовоқни қўлтиқлаб келаётган Уста Уроқни кўрган Ниёзбой аттор ҳайрон бўлиб, озгина тараддуланиб қолди. Улар ташқи ҳовлининг мўъжазгина икки табақали дарбозаси олдида бир-бирларига дуч келдилар.

— Ҳормангиз, Уста бобо!

— Бор бўлинг, Ниёзбой ака! — деди Уста жилмайиб.

— Бир нимарсалар кўтариб, меҳнат тортиб юрибдурсиз? Кадиллик таом егингиз келгон эрса, бир оғиз билдирмайсизму? Бунчалик заҳматга не ҳожат?..

— Э, нечун заҳмат бўлсун, Ниёзбой ака, назаримга ажиб неъмат бўлбу жилва берди, харид айламасликнинг иложи йўқ кўринди.

— Бугун хиёл ўзга маҳфилда кўринадурсиз, Уста бобо, — деди биллар-биланмас жилмайганича ҳовли эгаси. — Зиёфатда иштирок этдингизму? Билгимча шароб отлиғ нимарсадин нўш этган кўринасиз...

— Топдингиз, Ниёзбой ака, мен бугун ростдин сармастсен, — дея ҳовли эгасининг кўзларига тикилди Уста Уроқ. — Валек шаробдин сармаст эрмасмен, бахт оғушидамен, армонсиз одаммен. Вақти-соати бирлан ўзим сизга сўзлаб бергаймен...

Уста Уроқ дарбозахонадан ичкарига кириб, кадиларни супачага қўйди-да, тўғрига — ўз ётоғига йўл олди. Ҳовли эгаси жилмайганича, унинг ортидан қараб, бошини сарак-сарак қилиб қолди.

Уста Үроқ, Ниёзбой аттор, Сайфулло ва Ниёзбойнинг ўн саккиз яшар ўғли Назар ташқи ҳовлидаги такъяхонада хуфтон намозини ўқидилар. Шариату тариқатдан қисқагина суҳбатлашиб ўтирганларидан сўнг ҳовли эгалари хайр-хушлашиб, ичкари ҳовлига кириб кетдилар-да, ўз ётоқхоналарига ўтдилар. Устоз ва шогирд, ҳар кунгидек, ухламоқ учун ўзларига тўшак тўшаш асносида Масжиди жомеъ қурилишидаги кор-қоллардан, одамларнинг аҳвол-руҳиясидан гаплашдилар. Кейин шамни ўчириб жой-жойларига чўзилдилар.

Сайфулло дарҳол ухлаб қолди. Уста Үроқнинг эса, ҳадеганда уйқуси келавермади. Уста бугун кундузи бўлиб ўтган манзарани қайта-қайта эслар, кўзларини юмиб ётгани ҳолда хурсандлигидан ўзича бошини қимирлатиб жилмаяр, ёшликда берган кўнгил қушини — соҳибжамолини яна бир бор кўрганга шукрона айтар эди. «Бас энди, Үроқбой, худонинг инояти шунчалик бўлар-да, — деб ўзига ўзи таъкидлади у. — Бундин ортуғини хаёлга келтирмак ҳаддин нарига ўтиш эрмасму? Вақти қазойинг етиб, фоний дунёдин боқий дунёга равона бўлур эрсанг ҳам эмди армон қилмағил. Ул санамнинг кўнглида ҳам сенга озгина — тариқ ёки зиғир янглиғ илинжи бор эрмишки, баҳона топиб сенинг назарингга ўз жамолини нишон айлади. Йўқса, анинг бу ёруғ оламдаги нуфузи, мартабаси, эътибори илқида сен ким бўлибсен, Үроқбой?!»

Уста Үроқ севгилисининг Масжиди жомеъ ҳовлисига иккинчи бор ташриф буюрганини эслаб, ўзича бир кулиб қўйди, дилида ул санамнинг донолигига, зукколигига тасанно айтди. Уста беихтиёр ётган ўрнидан туриб кетди. Шамни ёқиб ўтирмади, қоронғида токча кесакисидан кулоҳини, яктагини олди-да, кийиниб ҳовлига чиқди. Ташқарида сумбуланинг билинар-билинемас салқин шабадаси эсарди. Шомдан кейин юз кўрсатган тўлин ой тахминан бир терак бўйи баландликда шуъла сочиб, ҳовлини ёритиб турарди. Уста, гарчи кеча ойдин бўлса ҳам, дарвозани очиб кўчага чиқишга, кўча кезишга юраги ботинмади. Ҳовлида бирор соатлар чамаси завқиб кайфиятда у ён-бу ён айланиб юрди. У эсини танигандан бери кўрган-кечирган воқеаларини ўзича бирма-бир хаёлидан кечириб чиқди. Табиийки, кўп йиллар муқаддам вафот этган хотинини ҳам хотиридан ўтказиб: «Раҳматлининг жойи жаннатда бўлғай», деб тилак тилади. Сўнгра Уста Үроқ якка-ёлғиз ўғли Самандарни эслади, унинг уйли-жойли бўлиб, ўзидан тиниб кетганини ўйлаб, хурсанд бўлди, яратганнинг ўзига шукрона айтди.

Тўлин ой салкам тиккага келиб қолди. Уста Үроқ тун яримлаётганини хаёлидан кечириб, уйга кирди-да, кулоҳини, яктагини ечиб, ўрнига чўзилди. Тоза ҳавода асаблари майинлашиб, кундузги меҳнатнинг чарчоғи ҳам таъсир қилди шекилли, тез орада кўзи илинди. Қанча ухлаганини билмайди, бир маҳал тўсатдан уйғониб кетди: дарвоза тақиллагандек бўлди. «Бизнинг ҳовли дарвозаси ўлсаму ёхуд қўшнингнинг дарвозасиму? — дея хаёлланди Уста кўзини очиб. — Ёхуд назимда шундоқ туюлдиму?»

Дарвоза иккинчи бор тақиллади, худди аввалги оҳангда, тўрт марта урилди. Бу гал тақиллаш овози баландроқ эшитилди. Қўзғолайми-йўқми, деб иккиланиб ётган Уста беихтиёр ўрнидан турди. Ҳовлига чиқди. Худди шу тобда ичкари ҳовлидан Ниёзбой аттор ҳам шоша-пиша чиқиб келаётган экан. Иккалалари дарвоза яқинига бориб, олдинма-кейин овоз бердилар:

— Ким?

— Кимсиз?

Ташқаридан, аниқроғи дарвоза устидан ёш боланинг овози эшитилди:

— Уста Үроқ бобом ўшул ҳовлида турадурларму?

— Ҳа, шунда турадурлар. Не юмушларингиз бор эрди? — деди Ниёзбой аттор ҳайрон бўлиб. Шу аснода у ҳайратдан елкасини қисганича Устага савол назари билан қаради. Овоз берган бола отда эди. Аммо у ёлғиз эмасди, дарвоза ортида отларнинг бир жойда тургандаги пишқириғи, туёқлар дупури қулоққа чалинарди.

— Очингиз, Уста бобомда ошиғич юмушимиз бор, — деди дарвоза ортидаги бола. — Саройдин келурмиз...

Уста Үроқнинг юраги беҳосдан шиғиллаб кетди. «Саройдин?.. Не юмуш

бўлса эркан? Ошиғич дейдурлар». Гарчи эл-улус олдида, амирлик олдида ҳеч қандай гуноҳи йўқ бўлса ҳам, бир лаҳзанинг ўзида ҳар хил хаёлга борди Уста бояқиш... Боланинг овози-ку... Ҳар қалай, ёмонликдан нишона эмас-дир... Аммо бир неча отлиқнинг қоқ ярим кечада сўроқлаб келиши... Ишқилиб яхшиликка кўринсин-да! Бирор ифво ёки ғаразли қутқу бўлмасин-да... Бундай замонда олчоқ кишиларнинг дастидан ҳар қандай қабиҳ ишлар келиши мумкин!.. Шундай бўлса ҳам Уста ўзига тикилиб турган Ниёзбой атторга, дарвозани очаверинг, деб имо қилди. Ҳовли эгаси дарвозани очди. Биринчи бўлиб кўчага чиқишга юраги бетламай турган Ниёзбой аттор, олдин сиз юринг, дегандек Устага ишора қилди. Иккалалари бир лаҳза тарадудланиб қолдилар. Шу орада ташқарида кимлардир отдан тушди ва тахминан ўн ёшлар чамасидаги бир бола, унинг икки ёнида хиёл бўйчанроқ икки ўспирин дарвоза остонасидан ҳовлига қадам қўйдилар. Олдиндаги бола биринчи бўлиб Уста Уроқ билан сўрашди:

— Бардаммисиз, Уста бобо? — деди у. — Сизни топқонимиз хўб дуруст бўлибдур...

Уста Уроқ, гарчи ойдин кеча бўлса ҳам, хавотирланиб тургани учунми, дабдурустан болани таний олмади. Башанг кийинган боланинг узун камзули ойдинда ярқираб турарди. У уқпар санчилган кичиккина саллани бошига кўндириб, ўзининг бўйига яраша шамширини белига тақиб олганди. Унинг ёнида ҳовлига кирган бўйчанроқ ясовулчалар эса, ҳеч ким билан сўрашмасдан, гап-сўзга кўшилмасдан, ўнг ёнларида осилиб турган шамширлари дастасини ушлаганларича, хиёл нарида қаққайиб ҳушёр қотишди.

— Уста бобо, мени танимадингизми? Улуғбекмен, — деди бола бошини кўтариб. Ойдинда унинг кўзлари ярқираб кўринди, жилмайиб тургани билинди.

— Э, шаҳзодам, бу ўзингизмисиз? — деб юборди ҳалидан бери хавотирланиб турган Уста Уроқ овозини баралла қўйиб. У ўзида журъат сезиб, Улуғбекни пешонасидан ўпди. — Пойқадамингизнинг садағаси кетай, шаҳзодам. Келинлар, хуш келибсизлар, шаҳзодам...

Улуғбек Устанинг ёнида хиёл эгилганича ҳайкалдек қотиб турган Ниёзбой аттор билан ҳам сўрашди. Кўчада тагин бир неча жиловдор ўспиринлар бор эди шекилли, онда-сонда ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилиб қоларди.

— Ярим тунда безовта бўлуб ташриф буюришингизнинг боиси недур, шаҳзодам? — деб сўради Уста.

— Боиси бор, Уста бобо, — Улуғбек Уста Уроқнинг чимчилоғидан ушлаб олди-да, ҳовли ичкарироғига йўл бошлади ва ўз ясовулларига ўгирилиб деди. — Уста бобом ила бизни холи қўйингиз... Ҳеч кимса йўқ жой борму, Уста бобо?

— Бор, шаҳзодам, бор...

Уста Уроқ, ўз ётоқхоналарида Сайфулло ухлаб ётгани учун, Улуғбекни такъянонага бошлади. Уларнинг ёнида ўзини ортиқча сезган Ниёзбой аттор якка ўзи ичкари ҳовлига қараб юрди. Учта чақмоқ тошни топиб, шамни ёқмоқчи бўлди, аммо Улуғбек, чироқнинг ҳожати йўқ, деб унамади.

— Уста бобо, сизни бир сирдин воқиф этгали келурмен... Гоят қўрқинчли хабар...

— Оллоҳ таоло асрағай, не сир эркан, шаҳзодам? — деб сўради Уста Уроқ таҳликали овозда шивирлаб. Унинг кўнгли қандайдир нохушлик юз берганини боядан бери сезаётган эди.

— Бугун саройда машварат бўлди...

— Машварат? — деб сўради Уста Уроқ.

— Ҳа, мен ҳам машваратга кириб ўлтурдим. Сизнинг хабарингиз йўқ эрдиму, Уста бобо?

— Мен машваратларда иштирок этмайдурмен. Гоҳо... лузуми топилғудек бўлса...

— Машваратда дедиларки, Уста бобо... Ҳолонки, Темур бобом уч кунлик йўлда эрканлар. Худо хоҳласа, уч кундин сўнг келиб, жумъа намозини Масжиди жомеда ўқир эрмишлар...

— Иншоолоҳ, соҳибқиронимиз эсон-омон келгайлар, — дея икки қўлини юзига тортди Улуғбек айтиши лозим бўлган сирни илҳақ бўлиб кутаётган Уста Уроқ.

— Масжиди жомеъ уч кунда битиши лузум эркан. Катта равоқда юмуш мўлми, Уста бобо?

— Икки кунлик, нари борса уч кунлик юмуш,— деди Уста Ҷроқ Ҷйла-ниб.— Не эрди, шаҳзодам? Ҳолонки сирни демадингиз...

— Мен сизни хўб яхши кўрурмен, бобожон. Сизга раҳмим келур. Сиз хўб дуруст бобосиз. Аммо алар... сизни маҳв этмакчилар. Бошини танидин жудо қилурмиз, дедилар. Эшитиб мен ҳам кўрқтум.

— Кимлар? Не ёзиғим учун? — деб сўради Уста Ҷроқ ваҳимага тушиб.

— Машваратдагилар... Мубошир<sup>1</sup> бирлан Муҳаммад Жалда сўз айтди. Равоқда сўнгги ғишт қўйилган куни Уста Ҷроқнинг бошини танидин жудо қилмоқ лузумдур, деди. Вазир Хўжа Маҳмуд Шаҳоб ҳам бошини қимирлатиб ўлтурди.

— Гуноҳим не эркан, шаҳзодам? — деди қаттиқ изтиробга тушган Уста Ҷроқ.— Борлиқ ҳунаримни бериб, борлиқ ғайратимни соҳибқирон хонадони шуҳратига сарф этганим эвазига берилган жолду<sup>2</sup> бўладими бул?!

— Не эрканин билмадим, Уста бобо,— деди ёш Улуғбек. Шаҳзода машварат қарорининг сабабини билмас, тушунмас ёки тушунса ҳам ҳозир аниқ айтмаётган эди. Айна пайтда у ўзининг болалигини эсидан чиқариб қўйгандек — бамисли катталардек босиқлик билан сўзларди.— Ул тарафи менга қоронғу. Гуноҳингизни билмаймен. Фақат эшитганим: «Ушбу кун Уста Ҷроқ шаккоклик қилди», дедилар...

— Ҳазабим кўзғагани учун ўтинч сўраймен, шаҳзодам!

Уста Ҷроқ ўзича машварат қарорининг боисини тушунган эди.

— Менга қолса... ўтинч сўрашингизга ҳожат йўқ. Уста бобо,— деди шаҳзода.— Мен сизни ўз бобомдек хуш кўрганим боис... Шу боис сизни воқиф этгали келдим. Ахир улар сизни маҳв этмакчилар! Не фикрга келурсиз? Равоқдаги юмушингизни бажарасизму?

«Сўзларининг маъниси доноликдин нишона,— деб ўйлади Уста ўз суҳбатдоши ҳақида.— Бамисли чўнг кимсани кичрайтиб қўйғондек».

— Ғайрат қилур эрсак, икки кунда битур, шаҳзодам,— деди Уста овозини чиқариб,— шошилмай меҳнат қилур эрсак, уч кунлик юмуш... Сизнинг бу манзилга келганингизни ўзингиздан бўлак бирор кимса биладурму, шаҳзодам? Ҳеч кимса бирлан маслаҳатлашмадингизму?

— Катта бибимдан маслаҳат олдум... Сароймулк бибим-чи, ўшал бибимдин рухсат олдум. Елғиз ул киши биладурлар.

Уста Ҷроқ беихтиёр кўкрагини тўлдириб нафас олди-да:

— Ул зоти олий ҳам машваратга кириб эрдиларму? — деб сўради.

— Йўқ, машваратда айтилган гапни катта бибимга мен сўзладим. «Уста бобомни кутқариб қолинг, бибижон», дедим.

— Сароймулк хоним не дедилар? — қизиқсиниб сўради Уста Ҷроқ.

— Аввал индамадилар,— деди ёш шаҳзода.— Хомуш ўлдилар, ҳолонки... кўзларидин ёш томди. Кўп жим ўлтурдилар. Сўнг: «Мен кутқаролмаймен, иложим йўқ», дедилар. «Андоқ бўлса, менга рухсат этинг, бориб айтай, бибижон», дедим. «Не қилмоқчисен?» деб сўрадилар. «Уста бобомни топиб, шу гапдин воқиф этурмен», дедим. Аввалига бибим рухсат этмадилар. «Насиҳатим шулки, ўзингни ўтга, чўғга уравермағил», дедилар. Шул сўзларни деб тағин хомуш ўлтурдилар. Сўнг: «Эмди сен ҳам йигит бўлаётирсен, ихтиёр ўзингда. Валеқ ул манзилга борғонингни зинҳор-базинҳор ҳеч кимса билмағай», дедилар.

— Минг раҳмат сизга, шаҳзодам! Бул кунги шаҳзодалиқ карамингизни умрим бўйи унутмағаймен. Илоё, мартабангиз Темур бобонгизникидин ҳам зиёда бўлғай. Сароймулк хонимга мендин раҳмат еткурунг. Ул мўътабар зоти олийни ҳам умрим бўйи эсдин чиқармағаймен.

— Не тадбир ўйлайдурсиз, Уста бобо? Самарқанддин қочадурсизму? Алардин беркинадурсизми?

— Ўйлаб кўрамен, шаҳзодам,— деди Уста Ҷроқ Улуғбекни суйиб елкасига қўлини кўяр экан. Шу аснода у узун уҳ тортиб қўйди.— Тадбир ўйламоқ

<sup>1</sup> Мубошир — иш боши.

<sup>2</sup> Жолду — совға, тўхфа.

даркор. Не бўлса-да, гуноҳсиз ўлиб кетиш алам қилади кишига. Оллоҳ таоло йиборғон ажал бирлан юзма-юз бўлмоқ — ҳар кимсанинг бошида бор савдо. Валек шунча ранжу заҳмат чексангу, охир-оқибатда мубтазал<sup>1</sup> кимсадек золимнинг қиличига дучор бўлсанг, бунинг армони юз йиллар оша суяк-суягиндан ҳам аримайдур!.. Буни сизга не учун демоқдамен-а, шаҳзодам? Ахир сиз ҳали навниҳолсиз, бундоқ гапларга тушунмағайсиз...

— Тушунамен, Уста бобо,— деди Улуғбек кетишга тараддуланиб.— Не бўлса ҳам, сизни баъд хавфдин огоҳ этдим. Алардин эҳтиёт бўлунг.

— Олқиш сизга, офарин сизга, шаҳзодам. Мен учун ўз фарзандимдин ҳам зиёда бўлдингиз.

Улуғбек хона эшигига етганда тўхтаб, яна бир карра болаларча қизикувчанлик билан сўради:

— Эмди не қилурсиз, Уста бобо?

— Каллам қотиб турибдур, шаҳзодам, ўйлаб кўрамен,— деди Уста Уроқ Улуғбекдан олдин эшикни очар экан.— Узингиз эртага Масжиди жомега келадурмусиз?

— Келамен, Уста бобо. Не юмуш эрди?

— Балким ўшал масканда юз кўришурмиз. Ҳали сўнги ғиштни қўйғунча муҳлат бор...

— Олдинма-кейин хонадан ташқарига чиқдилар.

— Фурсатларингиз кам эркан, дастурхон ёзолмадим, шаҳзодам,— деди Уста Уроқ овозини баралла қўйиб.

— Уста бобо, хайр, хуш қолғайсиз.

Ҳовли ўртасида қотиб турган ўспирин ясовуллар берироқ келишиб, ёш Улуғбекнинг икки ёнига ўтиб олдилар. Уста Уроқ бироз юриб бориб, уларни дарвозагача кузатиб қўйди. Отлиқлар жўнаб, уларнинг шовури узоқлаб кетганидан кейин дарвоза ёпилди. Боядан бери ичкари ҳовлида ногаҳон ташриф буюрганларнинг кетишларини бетоқатлик билан кутиб турган Ниёзбой аттор илдам юриб, Уста Уроқнинг ёнига келди.

— Ҳа, не гап, Уста бобо, тинчликму? — деб сўради у хавотирлик билан.

— Тинчлик, Ниёзбой ака,— деди Уста Уроқ. У дили ғашланиб, эзгин туйғулар оғушида бўлса ҳам, хафачилигини билантирмаслик учун осойишта сўзлашга ҳаракат қиларди.— Бул навниҳол болакай соҳибқиронимизнинг набиралари эрканин билурмусиз? Танидингизму ани?

— Улуғбек суюк набира эркан, деб эшитиб эрдим,— деди Ниёзбой аттор.— Не дейдур ул кичик амрзода? Тун кечада не юмуш бирлан келибдурлар?

Уста Уроқнинг ёлғон сўзлаш одати йўқ эди. Лекин ҳозир вазият тақозо этгани боис, зарур маҳал ўтрик сўзлаш ҳам жоиздур, деган мулоҳозада ёш Улуғбек билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзни бошқача талқин этди.

— «Темур бобом уч кундин сўнг келадурлар. Сиз иморатни бино этурда кўб ва хўб заҳмат чекдингиз. Сизга бобомдин сўраб жолду олдуриб берадурмен», дегани келибдур эркан. Қаранг, Ниёзбой ака, шаҳзода бўлса ҳам, бола болалигига борур эркан-да. «Ҳожати йўқдур, шаҳзодам, шул сўзларингизнинг ўзи менга жолдудин юқори турур», дедим. Тўғри дебманму?.. Валек, шаҳзоданинг тунда бу ҳовли рўйига келиб кетгани хусусида бирор кимсага оғиз очиб юрманг, Ниёзбой ака.

— Шундоқ денг-а,— деди ҳовли эгаси ҳайронлик билан Устага тикилиб. Чамаси у Устанинг сўзларига ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмас эди. Лекин шуниси борки, Уста Уроқ тайинламаса ҳам Ниёзбой аттор бу ҳақда бирор кимсага оғиз очиб гапирмас эди, кўпроқ ўзининг тирикчилигу тинчлигини ўйларди.

Ниёзбой аттор, ҳар қалай, хотиржамланиб яна ичкари ҳовлига юрди. Уста Уроқ ётоқхонага кирди. Ҳеч нарсадан беҳабар Сайфулло хуррак отиб ухларди.

Уста Уроқ узоқ вақт ухлаёлмай ётди. У энди оғир изтиробда тинимсиз ух тортар, ўйлай-ўйлай дунёнинг бевафолигини таъкидлагандек, ўнг тиззасига секингина уриб кўяр эди. Уста, эртага ишга чиқиш керакми-йўқми, деб кўп иккиланди. Охири Масжиди жомеъ қурилишига эртага ҳам боришга қарор

<sup>1</sup> Мубтазал — беқадр.

қилди ўзича. Хўрозларнинг иккинчи бор қичқиршидан сўнг кўзига уйқу илинди...

### III

Сайфулло устозининг ҳаётини Уста Уроқнинг ўзидан кўп марта эшитганди, шу боисдан унинг кўп сирларидан воқиф эди. Зеро, бу йигит машҳур устага шогирдгина эмас, сирдош дўст эди. Уста Уроқ Сайфуллони ўз фарзандидай хуш кўрарди, баъзан-баъзан улар ўртасида ҳазил-мутойиба гаплар ҳам юз берар эди. Лекин Сайфулло бу гал тунда бўлиб ўтган воқеадан беҳабар қолди...

Эрта билан, одатдагидек, Ниёзбой аттор усталар турадиган хонага нонушта олиб кирди. Уччалалари нон тўғралган косаларга сузилган иссиққина, хуштаъм ширчойни ичиб олдилар. Сўнгра узумдан, анжирдан тановул қилдилар. Уста Уроқнинг иштаҳаси яхши эмасди. У сир бой бермаслик учун, шерикларидан қолишмасликка ҳаракат қилди. Дастурхон устида гап-сўз кам бўлди. Нонуштага фотиҳа ўқилганидан сўнг Ниёзбой аттор, дастурхонни йиғиштириб олиб чиқди. Уста Уроқ билан Сайфулло бирин-кетин Масжиди жомеъ қурилишига йўл олдилар...

Қурилишдаги ишлар бугун ҳам ғоят қизғин эди. Масжиди жоменинг кенгимўл ҳовлисида ҳам, ҳужраларнинг ёнида ҳам, деворлар устида ҳам сўнгги юмушлар амалга ошириларди. Эрондан, Ҳиндистондан, озарийлар юртидан олиб келинган, кўзларига кўзойнақ тақиб, ятакларининг липасини белларига қистириб олишган ўнлаб сангтарош усталар бирлари ўтирган, бирлари турган кўйи ҳовли бўйлаб зич тўшалган мрамар палахсаларга, ҳужралар ёнидаги мрамар устунларга сўнгги сайқал бермоқда эдилар. Ўн-ўн беш одам эса, ҳовли тўридаги, кечагина ҳавозалари туширилган катта масжиднинг ичкарасидан чиқарилган, ёни-берисидан тўпланган супириндиларни замбиллар билан аллақаяққа ташиб кетишарди. Яна баъзи хизматчилар икки ёндаги кичик масжидларнинг ҳавозаларини туширишарди, шу иш баробарида гумбазларнинг чангини артишарди.

Масжиди жомега кираверишдаги олдинги маҳобатли равоқдан эса, ҳавозалар туширилмаган, бус-бутунлигича турибди. Ҳали бу ерда бир-икки кунлик юмуш бор. Уста Уроқ билан Сайфулло мана бугун ҳам бир неча соатдан бери ҳавоза устида туриб олганларича ҳар кунгидек маҳобатли равоққа ғишт бостирмоқдалар. Ғиштларни саралаб берувчилар ҳам, лой-қоришма ташувчилар ҳам ҳар бир имо-ишорага маҳтал бўлиб ўз хизматларини адо этаётирлар.

— Ҳормангиз, Уста Уроқ!..

Орқа тарафдан ноҳос эшитилган овоз Устани ҳушёрлантирди. У ортига ўгирилиб, ҳавоза устида илжайиб қараб турган Муҳаммад Жалдани кўрди. «Ёпирай, қайдин пайдо ўлди бу валад?»

— Бор бўлингиз, тақсир! — деди Уста овозини чиқариб.

— Бардаммисиз?

— Оллоҳга шукр!

Уста Уроқ ногаҳон юмушдан тўхтаб, сўл қўлида ғишту ўнг қўлида лойкаф-гир билан Муҳаммад Жалданинг туришига, афти-ангорига бир зум тикилиб қолди. Бечоранинг шу бир лаҳзалик нигоҳида қўрқув ҳам, бу доғули кимсадан жирканиш ҳам бор эди. Уста авваллари бу корфармо билан ҳар гал меҳнат устида юз кўришганида, ҳурматини жойига қўйиб, уч-тўрт қадам юриб, унинг истиқболига борарди, қўллари лой-чанг бўлгани учун билагини тутиб сўрашарди. Бугун у ўша мулозаматни бажо этишга ўзида рағбат сезмади.

— Қўлим лой, тақсир, илкингизга бориб сўрашмағоним учун мендин малул ўлмағайсиз,— деб қўяқолди.

— Биз оллоҳ таолонинг камтарин қулларидурмиз, ҳеч кимсадин малул ўлмағаймиз,— деди Муҳаммад Жалда Устага тиржайиб тикиларкан. Чамаси, ёвуз ниятли бу кимса бир-икки кундан кейин умри тугайдиган бу одамнинг аҳволини, юз-кўзидаги ҳолатини яхшилаб кўриб олмоқчи, зўр қизиқувчанлик билан томоша қилиб, эслаб қолмоқчи эди. Калхатдек тикилиб туришидан маълум эдики, ҳозир у ўзини ўқ-ёйи сира хато қетмайдиган ўткир овчи, Уста Уроқни эса ҳимоясиз, мунглиғ бир махлуқ ўрнида тасаввур қиларди.



Уста Үроқ ўзидан йигирма ёшлар кичик бўлган Муҳаммад Жалдани анчадан бери, айниқса Масжиди жомеъ қурилиши бошланганидан буён яхши биларди. Қорачадан келган, юзи ва пешонаси узун, кўзлари тинимсиз ўйнаб турадиган, юзи-кўзига номутаносиб ўрнашган ялпоқ бурунли бу одам, эшитишларга унинг ота-онаси Андижонга кўчиб боришибди ва Муҳаммад Жалда ўша ерда улғайибди. Қурилишдаги усталару оддий юмушчилар уни кўрганда хўшёр тортиб, ундан ҳайиқиб юрадилар. Зеро, имкон топилган жойда ўзини кўрсатишга уриниш, эл-улус орасида камтарлигу камсуқумлик билан обрў топаётган кишиларни кўролмаслик, ўжарлик ва ўч олишга чанқоқлик — унинг қиёфасини белгилайдиган аломатлар эди.

Муҳаммад Жалда бундан беш йил муқаддам — Масжиди жомеъ қурилиши бошланган пайтлари бу ердаги йигирмага яқин ўнбошилардан бири эди. Тез орада у ўзининг чусту чаққонлиги билан, ихтиёридаги хизматчиларга қаттиққўллик қилиши билан ном чиқарди: бировларни ўзи калтаклади, бошқа бировларга юкоридан қаттиқроқ жазо сўраб олди. Хуллас, бошқаларнинг назарида Муҳаммад Жалда ана шу иморат қурилишининг жонкуярларидан бири сифатида танилди. Мана, бир йил бўлаётирки, у Хўжа Маҳмуд Довуддан кейинги иккинчи корфармолик мартабасига эришди. Аввалги йиллари оддийгина мўйлаб қўйиб, бошига дўппи кийиб юрадиган Муҳаммад Жалда, иккинчи корфармо даражасига кўтарилганидан сўнг, соқолини ўстирди, бошига катта дастор кийди. У ҳамиша қулоғи устига қалам қистириб юрадиган, бировларга гап ўқтираётганида дарҳол қаламини қўлига олиб, чап қўлининг кафтига қаттиқ-қаттиқ уриб гапирадиган одат чиқарди. Аслини олганда ана шу ҳовлиқма кимсанинг ўжарлик билан ўтказган ножўя мулоҳазаси Масжиди жомеъ қурилишини муддатидан чўзиб юборди, бунинг оқибатида қурувчи-хизматчиларнинг заҳмати кўпайди, хазинадан сарфланаётган харажат устига харажат кўшилди...

— Мана, Уста Үроқ, сизнинг гулдай муаттар, бемисл ҳунарманд қўлларингиз сабаб бўлуб бу муаззам иморатни поёнига етқуриш остонасинда турурмиз,— деди Муҳаммад Жалда қарияга боягидек тиржайган кўйи тикилиб.— Не дедингиз, мулло Сайфулло?

— Тўғри сўзладингиз, тақсир,— деди устма-уст қўйилган тўртта бўёқли ғиштни чап қўлида кўтарганича Уста Үроққа маҳтал қараб турган шогирд.— Устодимизнинг санъатларини қанча мақтасак шунча кам, тақсир.

Уста Үроқ ўзича атрофидаги хизматкорларнинг ишига бепарвогина разм солиб қўйди. Аслида, у шу лаҳзада фикран Муҳаммад Жалдага гап ўқтирарди: «Қанчалик тилёғламалик қилаётган бўлсанг-да, қўй терисини ёпинган бўри эрканингни биламен, нокас! Ҳайронмен, мендек беозор кимсанинг ўлими сенга не учун даркор эркан?!»

Уста кўзини хизматкорлардан олиб, корфармога тикилди-да, Муҳаммад Жалданинг ёвуз ниятидин беҳабардек:

— Ҳунаримизни бағоят юксак баҳолаб йибордингиз, ишбоши,— деди қўлларига тин бериш учун лойкафғирни белига қистириб, ғиштни девор устига оҳиста бостириб қўяркан.— Ушмундоқ сўзларни сизнинг оғзингиздин эшитиш биз учун бебаҳо жолду эрур. Ушбу муаззам иморат қанчалик хўшрў кўринаётган бўлса, энг аввали худонинг иноятидиндур. Қолаверса, буни мен улўғ амиримизнинг ҳимматларидин, сизлардек баланд мартабали корфармоларнинг доноликларидин деб билурмен.

— Дарвоқе, ёдга солғонингиз хўб дуруст ўлди. Уста Үроқ, соҳибқирон улўғ амиримиз соғ-саломат қайтганларидин сўнг шунча йил чеккан заҳматларингизни айтиб, ўзингизга муносиб жолду олиб берадурмиз...

«Нақадар тубан кимса эрканингни ўзинг яна бир карра кўрсатаётирсен, шайтони лаин! — дея фикран корфармо билан олишарди Уста Үроқ. Лекин хаёлидан кечган гапларни Муҳаммад Жалдага зоҳиран сездирмасликка ҳаракат қиларди.— Наҳот, бўридек қонсираб, бугун ё эрта мени маҳв этиб, қабрга тиқиш ниятида юрганингни билмасмен!.. Яхши ҳамки шаҳзода Улуғбек бор эркан, ул зоти олий сенларнинг қора ниятингдин мени воқиф этди, таги паст! Эмди чопилсам ҳам, осилсам ҳам сенинг дастингдан кетаётганимни билиб

ўламен. Узингни хуш сўзлар бурқасига<sup>1</sup> қанчалик ўрасанг ҳам ботининг менга аён!»

— Биз усталар улуғ амиримизга, эл-улусга қилган хизматимиз учун эваз талаб қилмайдурмиз,— деди Уста Уроқ овоз чиқариб.— Ушбу ёруғ дунёда соғ-саломат юрсак, биз учун шунинг ўзи бас. Жолдуланиш ўрнига жодуланмасак бўлгани, корфармо!

Муҳаммад Жалда ногаҳон ҳушёр тортгандек бўлди, унинг ёйилиб турган лаблари йиғилди, тинимсиз у ён-бу ён айланаётган кўзлари ғайритабиий жиддийлашди.

— Бундоғ сўзлар айтишингизга сабаб не эрур, Уста Уроқ? Бирор кимса сизга зулм ўткардиму? Ёхуд бирор кимса недур сўз айтдиму?.. Ножўя туш кўрғон одамдек сўзлайдурсиз?

Уста Уроқ ўзини хушчақчақ кўрсатиш учун кулиб қўйди-да:

— Кулги учун сўзни ёнаштирдим, корфармо,— деди.— Шоирлар тилида дегим келибдур. «Жолду» бирла «жоду» уйқаш сўзлардур...

— Баданингизда шоирликдин ҳам бир қамчи борға ўхшайдур, Уста Уроқ?

— Баданида шоирлик йўқ кимса уста бўлолмайдур,— деди Уста ўзини аввалгидек хушвақт кўрсатиб.

Муҳаммад Жалданинг кўнглида қандайдир шубҳа пайдо бўлди шекилли, унинг кайфияти аввалгидан кўра тундлашди.

— Ҳазилнинг-да ўз жоизи бўладур, Уста Уроқ, шундай муаззам даргоҳда ёш гўдаклардек сўз айтиб ўтиришимиз ношоёнду.

— Гоҳи-гоҳида гўдакликка қайтиб туриш ҳам дуруст бўладур, тақсир. Борча гўдаклар беғубор, беёзуқ эрурлар. Аларнинг дили кинуадоватдин, бир-бировга чоҳ қазишдин йироқ турур.

Муҳаммад Жалданинг қаҳри келди, қопқора юзи хиёл нурсизланди.

— Бас, етар, Уста Уроқ, сиз бирлан биз масжид ҳавозаси устида турурмиз, лубатбозлик<sup>1</sup> бизга ярашмайду! — деди у жаҳл билан.

— Мен сизга ёмон сўз дедимму, тақсир? Не учун, қаҳрингиз келур?

— Бас!.. Юмуш хусусинда сўзлашайлик, Уста Уроқ! Равоқ ушбу кун ниҳоясига етурму-йўқму?

Уста қўли билан ишнинг чаласини кўрсатди:

— Мана, тақсир, ўзингизга очиқ-равшан кўриниб турибдур.

— Мендин кўра сизга белгили эрмасму? Бунда неча кунлик юмушингиз бор? Ушбу кун ниҳоясига етадурму, йўқму?

— Ушбу кун эрмас, эртага ҳам гумондур, тақсир...

— Не сабабдин?..

— Кўриб турадурсиз-ку, тақсир... Ноўрин жадаллик билан қилинғон юмуш нохушлик, хижолатлик келтурур. Буни ўзингиз ҳам билурсиз.

— Гапингиз тўғри, Уста Уроқ,— деди Муҳаммад Жалда хаёлга берилган ҳолатда,— шошилмай қилинган иш бехато, пухта бўлур. Лекин, не бўлса ҳам, равоқни эртага, албатта, ниҳояға еткармоқ даркор. Албатта! Соҳибқирон улуғ амиримизнинг сафарлари қариди. Ул жаноби олийнинг қадамларига тайёр иморатни пешкаш айламасак, кўп уят бўлур.

— Майли, тақсир, сизнингча бўлур, ҳаракат қилурмиз.

Муҳаммад Жалда Устага бир зум синовчан назар билан тикилиб турди-да:

— Боракалло, Уста Уроқ, оллоҳ дастингизга ғайрат, юмушингизга ривож бергай! — деди-ю, ҳавозадан пастга тушди. Уста қўлларини бир-бирига ишқалаб қўйди-да, белига қистириб қўйилган лойкафғирни олиб, Сайфуллодан ғишт сўради. Боядан бери ўртадаги гап-сўзларни ажабланиш билан кузатиб турган Сайфулло:

— Каминага бир нимарса ноаён турур, устод,— деди.— Бугун наздимда ҳар кунгининг бўлакчароқсиз?

Уста Уроқ шогирдига кулимсираб қараб қўйди-да:

— Ўзимга билинмайду,— деб жавоб берди.

— Бундай кимсаларни қаҳр отига миндириш бад ишларга олиб келмай-дурму дер кўрқамен.

<sup>1</sup> Бурқа — парда

<sup>1</sup> Лубатбозлик — кўғирчоқ ўйнатиш.

— Бундайлар қаҳр отига миндирмасанг ҳам ўзлари эгарга миниб олиб, қабиҳ ишлар учун қамчи босадур, улим... Майли, пешонадагини кўрурмиз... Қани, лойдин берингиз...

Шу билан Уста Уроқ Муҳаммад Жалданинг келиши туфайли бир неча дақиқага бўлиниб қолган юмушига яна киришиб кетди...

#### IV

Уста Уроқ бирор соатлар чамаси жадал ишлаб қаддини кўтарди-да, озгина ҳордиқ олмоқчи бўлди. Оғир юмушдан унинг бели толган, қўллари дармонсизланган эди. Ҳар кун шу аҳвол: толиққан пайтларида беш-ўн дақиқага юмушдан бош кўтариб, нафасини ростлаб олади. Дастлаб кўзи етганича тева-рак-атрофига — Самарқанд манзараларига назар ташлайди: узоқ-узоқлардаги боғ-роғларга, иморатларга, чумолидек ғимирлаб юрган одамларга тикилиб, кўзига бир қадар дам берганидан сўнг, шогирди Сайфулло билан, ғишт ва лой ташиб юрган хизматчилар билан бир муддат гаплашади: гоҳо ҳазил-мутойиба сўзлар айтиб, уларни кулдиради, гоҳо дунёнинг адолатсизлигидан нолийди.

Уста Уроқ белидаги дардни енгиллатиш учун қоматини у ёнга-бу ёнга эгиб, қўлларини нари-бери ҳаракатлантирди. Сал ўзига келиб олганидан кейин тева-ракка шундоққина кўз югуртирди-ю, нигоҳини беихтиёр Масжиди жомеъ ҳовлисига бурди. Бепоён ҳовлида, деворлар, ҳавозалар устида, мрам-марлар ёнида сон-саноксиз одам ўз ишини билиб қиларди, тиним билмай куйма-ланарди.

«Оллоҳ таолонинг шўрлик бандалари,— дея ўйлади Уста Уроқ.— Бул бандалардин бирор нафари беизн бирор тарафга кетолмайдур. Ҳеч кимнинг эрки ўзида эрмас... Эҳ-ҳе, беш йил мобайнида не-не кечмишлар содир бўлмади бул манзилда. Кимлардур калтакланмиш, кимларнингдур шул юмушни деб жонлари узилмиш... Тағин бундин буён не юмушлар юз бериши ёлғиз Оллоҳ таолонинг ўзига аён. Ишқилиб, охири бахайр бўлғай».

Инсоннинг табиати ғалати: кайфият яхши бўлган пайтлар дунёнинг пасту баланд жиҳатлари кўзга яққол ташланавермайди. Бошга иш тушганда, оғир кун келганда эса, ноҳақликлар, адолатсизликлар бор қирраси билан кўринади, муд-ҳиш воқеалар қайта-қайта эсланаверади. Уста Уроқ ҳам ҳозир — ўз устида муд-ҳиш кузғунлар кўланкаси сузиб юрган бир пайтда Масжиди жомеъ қурилиши тарихини, беш йил давомида юз берган даҳшатли ишларни эслаб кетди... Эрта-индин эл-улус — жамоа хизматига топшириладиган бу иморатнинг барпо бўли-ши тарихи чиндан ҳам эслаб ўтишга арзийдиган таъриф-тавсифга молик эди.

...796 ҳижрий сананинг жавзо ойида Ҳиндистондан зафар билан қайтган Амир Темур бир неча кундан кейиноқ Самарқандда улкан Масжиди жомеъ қуриш учун ўз аъёнлари иштирокида жой танлади. Соҳибқирон бу тарихий тадбирни сафардалик пайтидаёқ кўнглига жо қилиб қўйгани чамаси, зафар билан қайтган ғолиблар сафида Ҳиндистондан, Эрондан, Озарбайжондан ихти-ёрий-мажбурий тарзда «таклиф» қилинган машҳур меъморлар, усталар бор эдилар. Ана шу меъморлару усталар маҳаллий муҳандислар, усталар билан ҳамкорликда иморатнинг лойиҳа-тарҳини туздилар. Масжиди жоменинг пой-деворига тош ётқизиш ишлари ёз ойларидаёқ бошлаб юборилди. Соҳибқи-роннинг ўйи-фикрига кўра, Ҳиндистоннинг забт этилиши шарофати билан қуриладиган бу масжид ўз салобати, ҳовли-рўйининг кенглиги, безағу кошин-корлиги жиҳатидан Хуросону Мовароуннаҳрда якка-ягона бўлиши лозим эди.

Амир Темур ўша йилнинг сумбула ойида — навбатдаги сафарга жўнаш олдидан бу мўътабар иморатни қуришга суюкли набираси Муҳаммад Султон-ни мутасадди қилиб белгилади. Дини ислом равнақиға хизмат этиши лозим бўлган бундай олий иморат қуришнинг бор инон-ихтиёри Муҳаммад Султонга топширилиши бежиз эмас эди. Муҳаммад Султон ўзининг донолиги, босиқли-ги, мулоҳазакорлиги, ўткир диди билан Темур жаҳонгирнинг набиралари орасида алоҳида ажралиб турарди.

Бу гал Масжиди жомеъ қурилиши сабаби билан Сароймулк хоним ҳам сафардан қолдирилди... Маълумки, Амир Темур томонидан қурилган кўпгина иморатлару боғ-роғлар аксарият буюк жаҳонгирнинг суюкли хотини Сарой-мулк хонимнинг уқтиришлари ва маслаҳатлари билан дунёга келарди.

— Бул дунё шоҳлар учун ҳам, гадолар учун ҳам фонийдур, амирим,— дея таъкидларди Бибиҳоним кўпинча соҳибқиронга,— Киши умрини безавол этмакнинг нажоти ўзидин хотира қолдирмақдур. Хотира қолдирмак иложи бор эркан, савобли юмушни ортга сурурга не ҳожат?.. Биздин сўнг кўз очадур-ғон ёрону ёғийлар: «Амир Темур фақат юрт олиш бирлан қон тўкишни билиб-дур-да», демагайлар.

Амир Темур Сароймулк хонимнинг шу фазилатларини назарда тутиб Масжиди жомени унинг шарафига қурдиришни ният қилди ва бу доно аёлни ўтган галгидек яна Самарқандда қолдирди. Бибиҳоним ҳар замонда қурилишдан хабар олиб туриши, зарур бўлиб қолса, мутасадди Муҳаммад Султонга ўз маслаҳатлари билан кўмаклашиши лозим эди...

Шундай қилиб, бундан аввал «рўйи замин сайқали» — Самарқандда бир ҳаммом ва бир масжидни бош бўлиб қурдирган Равшан Ҳайдар Масжиди жомеъ қурилишига бош корфармо, Хўжа Маҳмуд Довуд иккинчи корфармо этиб тайинланди. Хўжа Маҳмуд Довуд сиркорлик-кошинкорлик санъатини яхши тушунарди, шу сабабли иморатнинг бўёқ ва ранги-рўған борасидаги юмушлари шу одамнинг маслаҳати, ўй-фикри билан бажариларди.

Масжиди жомеъ қурилишида дастлабки кунларданоқ ишлар кенг миқёсда ва жадал суръатда бошланди. Қурилиш майдонида усталару хизматчи-қурувчилар бўлиб беш юз нафар киши ишлай бошлади. Панжикент ва Нурота тоғларида заҳмат чекаётган тошкесарларнинг сони ҳам беш юз нафардан кам эмасди. Тоғлардан кесилиб, бир мунча тарошланган мармар устунларни, мармар палахсаларни Самарқандга ташиб келтиришда Ҳиндистондан ўлжа қилиб олинган тўқсон битта филнинг кучидан фойдаланилди. Уша йиллари Самарқанднинг тош терилган кўчаларида бир-бирига чанасимон боғланган узун ёғочлар устига кўндалангига қўйилган мармар палахсаларни судраб келаётган бир неча филни ҳар куни кўриш мумкин эди.

Бу улкан иморатни ғишт билан таъминлаш мақсадида шаҳарнинг шимол тарафидаги пастқам майдонда махсус хумдон ишга тушди. Ғиштлар иморат атрофидаги соз тупроқли ерлардан олиб қўйиларди. Ғиштларни ғоят мустаҳкам қилиб тайёрлаш учун дастлаб тупроқ обдон ивителиарди, унинг устидан сув оқизиб қўйиларди. Бир неча кун ўтгандан кейин лой яна қайтадан пишитилиб, қолипларга ташланарди. Девор кўтаришда ғиштлар орасига қўйиладиган лой-қоришма учун эса, Чўпонота тепалиги яқинидаги Кониғилдан махсус тупроқ келтириларди.

Масжиди жомени барпо этишдаги асосий ишлар Амир Темур Самарқандда турганида тузилган тарҳ-лойиҳа бўйича амалга оширилди. Яъни, узунлиги 180 газ, эни 145 газ бўлган улкан ҳовлининг тўрида энг асосий иморат — катта масжид қурилди. Масжиднинг пештоқи — олди тарафи катта ва кичик — қўш равоқдан иборат бўлиб, унинг ости айвон хизматини ҳам ўтайди, ичкарига ана шу айвон орқали ўтилади. Масжид ортида — қибла тарафда тўқ ва оч ложувард бўёқли улкан гумбаз қуёш нурларини синдириб ва ўз рангини қўшиб атрофга узатади. Масжиднинг икки ёнидаги ва иморат ҳовлисига киришдаги равоқнинг икки ёнидаги тўртта мезана ҳам Уста Уроқнинг қўллари билан кўтарилди. Шунингдек, ҳовлининг тўрт бурчида баландлиги 70 газли тўртта минора ҳам бўй чўзди. Бу миноралар йиди рамазон, йиди қўрбон кунларида, сайилларда, тасодифий воқеалар юз берган пайтларда шаҳар халқини чақирриш, йиғиш ва уларни янгиликлардан огоҳ этишга мўлжалланаётир. Ҳовлининг икки ёнида эса, катта масжиднинг кичик нусхалари бўлган иккита масжид қурилди. Уларнинг ортида ҳам асосий гумбаздан кичикроқ гумбазлар жилоланиб турибди. Бу масжидлар, асосан, дарсхоналик хизматини ўтайди. Шайхулисломнинг айтишига кўра, улуғ айём кунларида, намозхонлар кўпайиб кетган маҳалларда бу ёндош масжидларда ҳам намоз ўқилиши мумкин эмиш. Ҳовлининг икки ёнида бир-бирига тиркаб қурилган пешайвонли ҳужралар, уларнинг устидаги бежирим гумбазчаларни қўлдан чиқариш учун мана шу усталар, хизматчилар беҳисоб заҳмат чекдилар. Бу гумбазчаларнинг сони роппа-роса тўрт юзта. Пешайвонлар олдида саф тортган, ҳужралар ва гумбазчаларнинг юқини елкасида кўтариб турган, тагкурсили, танаси ўйма нақшли, юқориси рангли кошинлар билан безатилган мармар устунларни келтириш, тайёрлаш ва

ўрнатиш учун эл-улуснинг қанчалик пешона тери, санъати ва кўз нури сарф этилган!

Масжиди жомеъ қурилишида иш бошланганидан бери Амир Темурнинг катта хотини Сароймулк хоним ҳафтада бир марта, гоҳо икки марта бу ерга ташриф буюриб туради. Эгнига қимматбаҳо шоҳи кийимлар кийиб, юз-кўзини ҳарир оқ бурқалар билан тўсиб юрадиган Сароймулк хоним одатда оғочларига нақшин бўёқ берилган ойнавонли аробада келади-да, пастга тушиб, ўзининг хос канизлари ҳамроҳлигида қаерда иш қизғин бораётган бўлса, ўша тарафга йўл олади. Равшан Ҳайдар ёхуд Хўжа Маҳмуд Довуд Бибиҳонимга йўлбошловчилик қиладилар, ишларни тушунтириб юрадилар. Сароймулк хоним усталарнинг, умуман бу ерда пешона тери тўкиб заҳмат чекаётган кишиларнинг аҳвол-руҳиясини ҳам сўрайди. Сўнгра, иморат тиклашда етишмовчиликлар юз бермаётирми, бу ерда ишлаётган кишилар ўзлари олаётган маошдан хафа эмасмилар, қабилдаги саволларига ижобий жавоб олади. Лекин бирон кимса Сароймулк хонимнинг рўпарасига келиб, унга ўз арзини айтолмайди. арз билан мурожаат қилиши мумкин бўлганлар ҳам журъат этиб келолмайдилар. Аввало улар ўз ўнбошиларининг, корфармоларнинг зуғумларидан қўрқадилар, қолаверса, шарият қонунларидан чўчидилар. Ахир шундай мўътабар даргоҳда, гарчи юзини бурқа билан тўсиб олган бўлса ҳам, аёл зоти билан юзма-юз сўйлашиш мусулмончилик одобидан эмас-да!..

Сароймулк хоним ўз ташрифи билан қурилишда ғимирлаб юрган каттаю кичикнинг эътиборини тортиб, у ён-бу ён юриб, бажарилган ишлар билан танишиб, кетишга чоғланади. Ишбошилар улуғ бекани ва канизларни безакли ароба турган жойгача кузатиб қўядилар. Сароймулк хоним аробага кўтарилиш олдидан ўзини кузатиб қўяётган кишилардан ҳамма ишлар ўз йўриғида кетаётирми, деган мазмунда яна саволлар сўрайди, сўроқларига ижобий жавоб олади. Шундан кейин жўнаб кетади.

Айрим ишбошилар ва ўнбошиларнинг қўл остидагиларига ўтказган зуғумларини, аксари хизматчиларнинг эртадан қора кечгача ҳориб-чарчаб, толиқиб ишлашларини ҳисобга олмаганда Масжиди жомеъ қурилишидаги ҳамма ишлар тўрт йилгача, ҳар қалай, ўз йўриғида бораётган эди. Муҳаммад Султон қурилиш майдонига тез-тез ташриф қилавермасди, ўн-ўн беш кунда бир марта келиб, ишнинг суръатини, сифатини кўздан кечириб кетарди. У ҳамиша ўзини соҳибқирон бобосига муносиб валиаҳд сифатида тутишга интилар, қурилишни айланиб кўраётганида ҳам атрофдагилар билан кам сўзлашар, ҳаммага ва ҳамма нарсага бир қадар киборона нигоҳ ташлар, лекин ўзининг нозик диди билан ишдаги қусурларни дарҳол пайқар, сангтарошларга ҳам, бўёқчи усталарга ҳам жўяли маслаҳатлар берар эди.

Масжиди жомеъ иморатига сарфланаётган харажатлар, уни қурилиш-меъморчилик жиҳозлари билан таъминлаш масалалари саройда бўлиб ўтадиган машваратларда ҳам кўриларди. Муҳаммад Султон машваратларда мулоҳазали раҳбарларга хос иш тутарди, ҳаммадан фикр олишга интиларди, анчамунча масалаларни ҳал этишда Уста Ўроқ сингариларнинг ҳам сўзини инobatга оларди.

Қурилиш бошланганига тўрт йил тўлиб, бешинчи йилга ўтган бир пайтда Муҳаммад Султон тўсатдан вафот этди. Жаҳонгир Амир Темур бу оғир мусибатдан сафарда — Анқарани босқин билан забт этиб турган бир маҳалда хабар топди. Соҳибқиронга тобе барча мамлакатлар, элу элатлар Муҳаммад Султонга мотам тутдилар. Суюкли набираси, ўз валиаҳдининг вафоти Амир Темурнинг руҳини тушириб юборди, белини букиб қўйди.

Муҳаммад Султоннинг вафотидан кейин Масжиди жомеъ қурилишида айрим ўзгаришлар юз берди. Саройда бўлиб ўтган маслаҳат кенгашининг қарори билан бош корфармо Равшан Ҳайдар Масжиди жомеъ иморати қурилишининг мубошири — бошлиғи этиб тайинланди. Иккинчи корфармо Муҳаммад Довуд бош корфармолик лавозимига ўтди. Ўнбошилар орасида жонкуяри деб танилиб қолган, чусту чаққон Муҳаммад Жалда Муҳаммад Довуднинг ўрнига иккинчи корфармо бўлиб тайинланди. Бу вақтга келиб, иморат ҳовлисининг тўридаги асосий масжиднинг ҳам, икки ёндаги кичик масжидларнинг ҳам ғишт-тош ишлари тугалланиб қолган, катта масжиднинг икки ёнидаги мезаналар ҳам, миноралар ҳам, ҳовлининг икки тарафидаги пешайвонли

хужралар ҳам сўнги сайқал беришга маҳтал эди. Энди ғишт-тош ишлари кунчиқар тарафдаги олдинги равоқ ва унинг икки ёнидаги миноралару мезанларга силжиб келган эди.

Ҳамма ишлар ўз маромида кетаётган ана шундай бир пайтда Масжиди жоменинг дастлабки тарҳига ўзгартиш киритилди. Бу воқеа шундай содир бўлди: ўзини билимдону доно қилиб кўрсатишни ёқтирадиган Муҳаммад Жалда саройда бўлиб ўтган машваратлардан бирида Масжиди жомеъ тарҳида саҳв кўрганлигини эълон қилди. Унинг сўзлари аввалига машварат аҳлини ажаблантирди. Муҳаммад Жалда саҳвни тузатиш учун ҳали вақт борлигини, бу саҳв, асосан, олдинги равоққа тегишли эканини айтиб, мажлис иштирокчиларини тинчлантирган бўлди. Сўнгра у тарҳ-лойиҳада олдинги равоқ бўйининг бағоят паст қилиб кўрсатилганлигига эътиборни қаратди.

— Оти етти иқлимга кетадурғон, меҳроби ёнида муборак Қуръони Усмон турадурғон табаррук масжидга кириш равоқи, дарвозаси ушмундоқ пастқам бўлиши дурустдурму? — деди у мажлис аҳлига.— Бунингдек пастқам равоқ, дарвоза бу ерга келадурғон намозхонлар наздига Масжиди жомени бағоят кичик кўрсатиб қўядур. Бунинг устига соҳибқирон улуғ амиримиз савлатли-салобатли иморатларни хуш кўрадурлар, камина бу янглиғ азмойишга бир неча бор шоҳид бўлганмен... Саҳвни тузатиш учун машваратдин сўрайдурмен: тарҳ-лойиҳадаги равоқни қуриш баробаринда унинг пешидин бир ярим баробар баланд бўлмиш тағин бир равоқ кўтарилсун, иккала равоқ бир-бирига боғлаб қурилсун. Олдинги равоқнинг бўйи улкан масжид пештоқидаги равоқдин кам бўлмасун...

Машваратда Амир Темурнинг ўғилларидан, вояга етган набираларидан ҳеч ким йўқ эди. Сароймулк хоним эса, бундай мажлисларда қатнашмасди. Унинг ўрнига жаҳонгирнинг кичик набираларидан ўн ёшли Улуғбек билан Иброҳим Султон олий мажлисларда иштирок этиб, бу кичик шаҳзодалар вазир Хўжа Маҳмуд Шаҳобнинг кўрсатмаси билан Амир Темур тахтининг икки ёнида ўтириб олар эдилар. Албатта улар машваратда бўлиб ўтган гапларни ўша куниёқ катта бибилари — улуғ маликага айтиб берар эдилар...

Қисқаси, машваратда Муҳаммад Жалданинг гапини тўла маъқуллайдиган киши ҳам, уни рад этадиган одам ҳам топилмади. Тўрда, қўр тўкиб ўтирган Хўжа Маҳмуд Шаҳоб, бу одамнинг фикрига қандай қарайсизлар, наҳотки шу пайтгача буни ҳеч ким билмади, деган маънода Равшан Ҳайдар билан Хўжа Маҳмуд Довудга қаради. Улуғ амир сафардан қайтса, Масжиди жоменинг битиши шарафига бирор вазирлик лавозимини эгалларман, деган илинжда юрган Равшан Ҳайдар бирор гап айтиб, хато қилиб қўйишдан ўзини тийди. Хўжа Маҳмуд Довуд эса, қаноатли, фақат ўз ишини биладиган киши эди. У ўзини биринчи галда бўёқлар ва нақшлар билимдони деб тушунарди. Шу сабабли иморатнинг тарҳи ғишт-лой ишларига аралашини ўзига эп кўрмади. Хазинабон ҳам, гарчи қўшимча сарф-харажатни ўйлаб эти жимирлаб ўтирган бўлса-да, бошқалардан бирор садо чиқишини кутди. Машваратда Уста Уроқ сингари бир-икки уста ҳам, уч-тўрт ўнбоши ҳам иштирок этаётган эди. Лекин олий мартабали кишилар бирор фикр билдирмаганларидан кейин бошқалар ҳам индамадилар. Хуллас, машварат иштирокчиларининг кўпчилиги, мулоҳаза билдирсам, кейинчалик гапим нотўғри чиқса, бирор балага гарифтор бўлиб юрмайин тағин, деган ўйда эди.

Мажлис аҳлининг сукут сақлаб ўтирганини кўрган Муҳаммад Жалда:

— Магар сўзларимни номақбулга чиқарсангиз, мени айна хизматдин халос этингиз, токи аввалгидай ўнбошилик хизматимга киришай ва улуғ амиримиз қайтгандин сўнги хижолатдин ўзимни халос этай,— деб дағдағанамо гап айтди. Ноқулай аҳволда қолган Ҳожи Маҳмуд Шаҳоб:

— Муҳаммад Жалда жанобнинг сўзлари сизларга маъқулми? — деб сўради. Мажлис аҳлидан уч-тўрт киши:

— Бале, маъқул! — деб юборишди.

Шу тариқа Масжиди жомеъ иморатининг тарҳига «тузатиш» киритилди. Бу «тузатиш» ғоят қимматга тушди, иморатни битириш муддати ҳам чўзилди...

Иморатнинг лойиҳасини «тузатган» машваратдан кейин айрим ўнбошилар, кичик ишбошилар ўртасида шивир-шивир гап юриб қолди. Бироқ бу шивир-шивирлар ғоят махфий сир сифатида айтиларди, сўзлаётган одам бамисоли

қўлида чангаги билан келаётган Азроилдан қўрқиб ётган бемордек ўзи сир айтаётган шеригидан ҳам чўчиб турарди.

— Олдиндаги катта равоқ ножоиз қурилайётган эрмишми, устод? — деб сўради ўша кунларнинг бирида Сайфулло Уста Уроқдан. Уста Уроқ лойиҳанинг ноўрин ўзгарганини, ҳали қачондир бу иш учун ҳам кимлардир жазоланишини ички бир туйғу билан сезарди. Лекин бу гапни кимларгадир айтган кишининг қош қўйиш ўрнига кўз чиқариб қўйиши мумкинлигини ҳам биларди. Шу боис Уста Уроқ шогирдига хиёл эгилиб:

— Қўябер, улим, бундоқ нимарсалар — бизнинг юмушимиз эрмас, — деди. — Бул тариқа гапни ҳеч кимсага айтиб бўлмас, бефойда эрур...

Уста Уроқ ҳозир ўзича ана шу — кейинги ишлар хусусида ўйлар экан, беихтиёр бадани титраб кетди: демак Муҳаммад Жалданинг қўлидан кўп ишлар келиши мумкин. Шундай улкан иморат тарҳини ўзгартириб, сарой аҳлини қўшимча харажатга гирифтор қилган одам учун Уста Уроқдек бир кимсанинг бошини танидан жудо эттириш қийин эканми? «Қочмоқ лузумдир. Қаерга бўлса ҳам қочмоқ лузумдур, — дея ўйлади Уста Уроқ. — Бевақт ўлимга чап бермоқ даркор... Бевақт ўлимга чап бермаслик, калима келтуриб бошни қиличга қўюб турмак ҳам қийин эрмас. Валек соҳибқироннинг сафардин қайтуви бирлан Масжиди жомеда нечук ҳодисотлар юз берувин кўрмак, ақалли узоқдин бўлса-да, эшитмак ҳам ғалат эрди-да. — Уста Уроқ ўзича кулумсиради. — Е тавба, мени ўлумдин олиб қочадиғон, тирик қолмакликни раво деб билаётқон боиснинг ғаройблигини кўринг! Елғиз шул боиснинг ўзиму тириклик маъниси? Йў-ўқ, не бўлғонда ҳам Оллоҳ таоло мушарраф этқон умрни ўтамак, бемаҳал ажалга чап бермак лузумдур... Хўш, қочиб қайга борамен? Қачон кетамен?.. Равоқда ҳали салкам икки кунлик юмуш бор-ку, бул юмушни ким ниҳоясига еткарур? Эҳ, аттанг, энг юқориси қолиб юрди-я, бир қўлдин чиқса, дуруст бўлур эрди. Магар бирор жойидин ёғмур-қор суйи девор ичкарисига ўтадурғон бўлиб қолса, равоқ тез патарат топадур. Биздин кейингилар, ғишт босқон устанинг кимлигин сўраб, бизнинг отимизга ҳайф сўзлари айтадурлар... Эҳ, аттанг!»

Уста Уроқ оғир уҳ тортиб, қайтадан ишга уринаётган маҳалда ён-атрофидаги хизматчиларнинг: «Шаҳзода Улуғбек, шаҳзода Улуғбек!» деган сўзларини эшитди. Уста қаддини кўтариб, кўча тарафда ўзига хос дўстлари билан от устида беш нафар бўлиб келаётган шаҳзодани кўрди. Улар катта йўлдан бурилиб, равоқ тарафга юрдилар. Улуғбек от устида Уста Уроқ ишлаётган ҳавозага синчиклаб қаради-да, иккала қўлини баравар кўтарганича:

— Ассалом, Уста бобо! — деб қичқирди.

Уста Уроқ ҳам хурсанд бўлиб кетганидан қўлларини хиёл кўтариб:

— Ва алайкум... меҳрибон шаҳзодам! — деди. Сўнгра ўз-ўзи билан сўзлашгандек қўшиб қўйди. — Раҳмдил ҳандалакбошгинам.

Уста Уроқ Улуғбекни олдинлари ҳам ўз ўғли ёки набирасидек хуш кўрар, боши юмалоқ бу болани чин дилидан «ҳандалакбошгинам» деб эркалагуси келар, лекин бу сўзни ёқимтой шаҳзоданинг ўзига баралла айтишга журъат этолмас эди.

Сайфулло Улуғбекнинг отдан тушаётгани ҳолатига меҳр билан қараб турган устозининг кўзларига ёш қалқиганини кўриб, ҳайрон бўлди.

## V

Тақдир шамоли Уста Уроқни қай тарзда Самарқандга учириб келган? Масжиди жомедек мўътабар иморатни тиклашда беш йилдан зиёд жонини жабборга бериб ишлаган Уста сўнги кунларда қанақа шаккоклик қилди? Унинг гуноҳи нима? Ёвуз ниятли Муҳаммад Жалда нега бу заҳматкаш, беозор бандаи мўъминнинг бошини танидан жудо қилдирмоқчи?..

Уста Уроқ ўз ёшлиги ҳақида, туғилиб ўсган қишлоғи хусусида, иморатсиз устанинг ёнида шогирд бўлиб юрган пайтлари тўғрисида Сайфуллога бир-икки марта қисқа-қисқа, узуқ-юлуқ сўзлаб берган. Узуқ-юлуқ дейилишининг боиси шуки, олтмиш беш ёшли қария бўз йигит ёшидаги шогирдига ҳамма гапни ипидан игнасиғача айтавериши ножоиз-да. Бироқ Уста ўзининг навнихол ўс-

мирлик пайтида хушрўй бир қизни кўриб, ошиқу беқарор бўлганини, то ҳануз ўшанинг ишқи билан сармаст эканини яширмаган.

Уста Уроқ асли Кеш вилоятининг Надимлар қишлоғида дунёга келган. Унинг ота-онаси деҳқончилик билан аранг кун кечиришар эди. Уроқбой оилада бир қиздан кейин туғилган иккинчи фарзанд эди. Ёшлигидан девор уришга, кичик-кичик ўйинчоқ иморатлар қуришга қизиққан Уроқбойни отаси, ўз майлига кўра, ўн икки ёшида Нурмуҳаммад исмли иморатсоз устага шогирд қилиб беради. Уроқбой Уста Нурмуҳаммад билан қишлоқма-қишлоқ кезиб, ўз устозидан иш-ҳунар ўрганиб юради.

Кунлардан бир куни Уста Нурмуҳаммад навқирон Қарши қасрининг ташқарисида Амир Қозоғон изми билан қуриладиган янги ҳаммомнинг устачилик ишларини ўз зиммасига олади. Йигирма нафардан кўпроқ хизматчилар Уста Нурмуҳаммаднинг ихтиёри билан ишлай бошлайдилар. Ўша пайтларда шогирд Уроқбой ўн тўрт ёшда эди.

Янги ҳаммомга пойдевор қўйилиб, унинг девори эндигина шаклга кираётган кунлари бошқалар учун анчайин, аммо Уроқбой учун жуда жиддий воқеа юз берди. Ана шу воқеа ёш ҳунарманд-устанинг қалбида умр бўйи ўчмайдиган из қолдирди, айтиш мумкинки, унинг ҳаётини ҳам, турмуш тарзини ҳам то ҳануз кўзга кўринмас ришталар билан ўзига боғлаб келади.

...Ўша куни тасодифан Қарши қасрининг дарвозасидан чиққан уч нафар отлиқ ногаҳон Уста Нурмуҳаммаднинг ёнида кўмаклашиб турган Уроқбойнинг диққатини ўзига тортди. Отлиқлар ҳаммом қурилиши тарафга йўл олган эдилар. Бироздан сўнг отлиқларнинг чўғдек кийиниб олишган ўсмир қизлар эканлиги маълум бўлди. Бирин-кетин ҳамма ишдан тўхтади, устаю шогирднинг ҳам, бошқа хизматчиларнинг ҳам нигоҳи от минган қизларга қадалди. Қизлар яқинроқ келаверганлари сари қадди-қоматлар ҳам аниқ-тиниқ кўзга ташланаверди. Уччала қизалоқнинг бўй-бастлари бир-бирларига тенг, бир-бирларига монанд эди. Бироқ ўртадаги қизалоқнинг кийиниши уни дугоналаридан ажратиб турарди.

Отлиқлар қурилишни ёнлаб ўтиб кетавермадилар, атайин йўлдан бурилиб, бўлажак ҳаммом тарафга юрдилар, боягина деворга ғишт босиб турган, ҳозир эса, қизалоқларнинг яқинлашишларини кузатаётган уста билан унинг ёнида қўл қовуштириб турган Уроқбойга беткайлаб келавердилар. Ниҳоят, уста билан шогирдга рўпара бўлиб, жиловни тортдилар. Ювош отлар таққа тўхташди.

— Ассалому алайкум, усталар! — деди ўртадаги ўсмир қиз ўз кўркамлигига ярашиб турган майин овозда.— Ҳормангизлар.

— Ваалайкум ассалом! Бор бўлингизлар, қизалоқларим! — деди Уста Нурмуҳаммад.— Биз бандан мўъминларнинг аҳволимиздин, юмушимиздин хабар олголи келдиларингизму?.. Боракалло, кўп яшангизлар!

Ўртадаги қиз жилмайганича ёнидаги дугоналарига бирма-бир қараб қўйди. Улар ҳам табассум билан жавоб қайтаришди. Уроқбой ўртадаги отлиқдан нигоҳини узолмасди, негадир бир лаҳза хаёли қочиб, ўзини йўқотиб қўйгандек бўлди. Йўқ, Уроқбойнинг ҳушини қизнинг эгнидаги қадди-бастига қўйиб қўйгандек қизил бахмал камзул ҳам, бошига чамбараксимон қилиб ўралган оқиш шоҳи пешонабоғ ҳам, унга қадалган тухумсимон ақиқ ҳам, ақиқ устига санчилган уч хил тусдаги товуснинг пати ҳам ўғирлагани йўқ. Шогирд бола икки ёндаги қизларга бирор марта бўлса ҳам қараб қўйишни унутиб, ўртадаги қизнинг узунчоқдан келган оппоқ, тиниқ юзига, қопқора қошларига, узун киприкларига, қора гилосдек кўзларига ҳайрат билан, анқайганча тикилиб қолган эди. Қизнинг ўймоқчадек кичкина оғзи, ингичка, бежирим бурни ҳам эртақлардагидек кўркам эди. Уроқбой узун киприкли аёлларни, қизларни қаерлардадир кўрган эди-ю, бунақа юқорига қараб қайрилган киприкларга сира кўзи тушмаган эди. Қиз чиндан ҳам ўспиринларнинг эсини ўғирлайдиган даражада хушрўй эди. Унга борлиғи билан тикилиб қолган Уроқбой икки ёндаги қизалоқларнинг қиқир-қиқир кулгусидан сўнг сал ўзига келди. Уялганидан кўзини бир зум ерга қадади-ю, барибир яна сабри чидамай қизга тикилди.

— Сиз устасизму? — деб сўради ўртадаги қиз Уста Нурмуҳаммаддан. Унинг овоз оҳангида шўҳчанлик, эрка-тантиқлик, ёқимтойликда бошқалардан кўра ажралиб туришга мойиллик бор эди.





— Тўғри топдингиз, қизим, мен ушбу иморатнинг устасимен,— деди Уста Нурмуҳаммад.

— Бул ерда нимарса қуриладур?

— Ҳаммом қурадурмиз, қизим.

Қиз дугоналарига нималардир деди, уччаласи бирданига кулиб юборишди...

— Сизнинг отингиз не? — деб тўсатдан сўради қизалоқ.

— Отим Уста Нурмуҳаммад.

— Узингизнинг отингиз-чи? — деди Ўроқбой анқовсираганча қизалоққа тикиларкан.

— Менинг отимми? — дея жилмайди қизалоқ дурдек оппоқ тишларини кўрсатиб.— Менинг отим...— У остидаги арғумоқнинг қапталига қўлини тегизди.— Мана, менинг отим...

Қизнинг ҳазил-мутойибали сўз ўйинидан завқланган дугоналари шарақлаб кулиб юборишди.

— Отингизни эрмас, исмингизни сўрайдурмен,— деди Ўроқбой ҳазилга тушунмагандек оғзини очиб. Унинг ҳозирги ҳолатида аниқовсираш ҳам, ҳайрат-ҳаяжон ҳам мужассам эди. Уртадаги қиз Ўроқбойга жавоб бермади-да, уста Нурмуҳаммадга юзланди:

— Бу мардак кимингиз бўладур, Уста бобо, ўғлингизму?

— Менинг шогирдим. Бу ҳам усталикни ўрганадур,— деди Уста фахрли, ғурурли оҳангда.

— Оти не?

— Оти Ўроқбой. Оллоҳ таоло буюрса, йиллар ўтуб, Уста Ўроқ бўлуб таниладур...

— Менинг отим Сароймулк,— деди қиз эркалиниб.— Сен наччи ёшдасен, Ўроқбой?

Қизнинг сенсираб гапириши Ўроқбойга ғалати туюлди. Лекин Ўроқбой бундан негадир ранжимади.

— Ўн тўртдамен,— деди у.

— Мендин икки ёш катта эркансен...

— Сиз нечук ушмундоқ бўлгонсиз? — деди Уроқбой соддалигу ҳаяжон аралаш.

— Не бўлубдур менга? — Сароймулк икки ёнига — дугоналарига бир-бир қаради.

— Сийратингизни айтадурмен, — деди Уроқбой.

— Сийратимга не бўлубдур?

— Ғоят хушрўйсиз... Магар мусаввир бўлур эрсам... бўлсам, сийратингизни чизур эрдим...

Икки ёндаги қизалоқлар кулиб юборишди.

— Хуш кўриб қолибдур, — деди улардан бири.

Сароймулк дугонасининг сўзларини эшитмаганга олди-да:

— Бизнинг эвимиз<sup>1</sup> қасрнинг ичидадур. Қасрга ҳеч кирганмисен? — деб сўради Уроқбойдан.

— Кирмаганмен, — деди Уроқбой хомушлангандек. Сароймулк унга бир зум тикилиб турди-да:

— Уста ҳам, мусаввир ҳам бўлгайсен, Уроқбой — деди. — Барчамизнинг сийратимизни чизгайсен.

Қизлар кутилмаганда отларининг бошини бир ёнга бурдилар. Уччала қизалоқ яна бир нималарни пичирлашди-да, кулиб юборишди. Хиёл нарироқ-да яна тўхтадилар.

— Ҳаммомингиз битса келадурмиз, Уста бобо, — деди Сароймулк отининг бошини хиёл қайириб. Уроқбой уларнинг ортидан серрайганча қараб қолди.

— Ҳа, улим, не ҳолат юз бермиш ўзи? — деб сўради Уста Нурмуҳаммад мийғида кулиб.

— Булар ўзи кимлар, ота? — сўради Уроқбой хиёл ўзига келиб.

— Қаср ичида турарини сўзлади-ку. Отини ҳам айтди.

— Отини айтди, валеку... не учун шундоқ қиз бўладур, ота, ўзгача бўлса бўлмайдурму? — деб сўради Уроқбой соддалик билан.

Уста Нурмуҳаммад елкаларини қимирлатиб кулди. У ҳам ўзини соддаликка олиб:

— Не бўлубдур аларга? — деб сўради.

— Не бўлгонин билмаймен, — деди Уроқбой ўксингандек. — Қарамай десам-да қарагим келур... Тез кетдилар, қараб тўймадим...

— Рост айтадурсен, улим, ўша — сўзлагон қизалоқ ғоят башанг кийинибдур, — деди Уста Нурмуҳаммад яна атайин ўзини соддаликка олиб.

— Йўқ, ота, анинг кийимига кўзим тушмабдур... Кийими яхши эрдиму?

— Эҳ, Уроқбой улим, дилингни тушуниб турурмен. Эшитиб эрдим ани. Ростдин ҳам офатижон қизалоқ эркан...

Устоз ва шогирд ишга тушиб кетдилар. Отга минган, кўзлари чақнаб, кулиб турган қизча — Сароймулк Уроқбойнинг хаёлида қайта-қайта жонланаверди.

— Алар не учун келдилар, ота? — деб сўради Уроқбой анча жимликдан сўнг.

— Бояги қизалоқларни сўраётирмисен, улим?

— Ҳа.

— Билгимча, алар сенинг хаёлингни олиб қочурга келибдурлар-ов. Алар сайрга чиқишган бўлса, ажаб эрмас, — Уста Нурмуҳаммад ўзининг ўспиринлик йилларини кўз олдига келтирди шекилли, ёшлигидан ошиғу бедаволик дардига учраб қолмасин бу бола, дея хавотирланиб шогирдига насихат сўзлари айта бошлади. — Сен хаёлингни жойига келтир, улим. Алар — ҳоқонзодалар, сарой кишилари. Биз эрсак оддий фуқаро фарзандларимиз. Аларга тенг бўлмак осон эрмас.

— Сароймулк қайси ҳоқоннинг қизи, ота?

— Қозонхон отлиқ ҳоқон бўлгучи эрди. Оллоҳ таоло руҳини шод қилғай, дини исломга ҳам рағбат қўюб эрди. Сароймулк анинг фарзандидур. Атоси тирик эрмаса-да, барибир, ҳоқон авлоди-да. Қатиқ тўкилса юқи қолар, айрон тўкилса неси қолар, дейдилар. Булар, ҳар не бўлса-да, қатиқ аталур. Амир Қозоғон, ўзи Самарқандда турса ҳам, бу ердаги ҳоқон авлодини сийлаб тура-

<sup>1</sup> Эвимиз — уйимиз.

дур. Кўрмадингму, подшоларнинг қизи ҳам ушмунчалик юрадур-да: тагида оти, ёнида канизлари, кийим-кечаги ҳавас қилгудек...

— Алар яна келурларму, ота?

— Невлай, улим. Магар келиб қолишса, тўйгунингча кўриб олурсен... Эҳ, улим Уроқбой, ушбу олам ишлари ғоят чигал бўладур. Эҳтиёт бўлмоқ лумдурки, токи оёқ-илкинг ўшал чигалликка ўралашиб қолмағай...

Уроқбой устозининг сўзларини тинглар экан, отда ўтирган сарвқомат қизнинг бўй-баста, чеҳраси хаёлида қайта-қайта жонланарди. Назарида кичик-роқ олмадек бир чўғ кўкрагини куйдираётгандек туюларди. Бу чўғнинг нималигини бола бечоранинг ўзи ҳам ҳали тўла-тўқис англаб етмаган эди. Чамаси бу чўғда қувонч ҳам, армон ҳам, бир умрга етгулик вафою ҳижрон ҳам мужассам эди. Аслида, у устози Уста Нурмуҳаммад эслатган чигалликка ўралашиб улгурган эди!

Кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар ўтаверди, аммо Уроқбойнинг кўкрагидаги чўғ тафти пасаймади, Сароймулкнинг гўзал чеҳраси, от устида ўтирган қадди-қомати унинг кўз олдидан нари кетмади. Аммо уста йигитнинг камбағаллик фожиасиyo Сароймулкнинг ҳоконзодалиги, ўз исмига монанд саройнинг мулкига айланиб қолиши фожиаси уларни бир-бирига йўлиқтиравермади.

Йиллар Уроқбойнинг иродасини, сабр-тоқатини синаб кўрмоқчидек, уни турли-туман воқеалар силсиласидан олиб ўтаверди... Энг аввало Сароймулк тўй-томошалар билан Самарқандга узатилиб кетди: Амир Қозоғон уни набираси амир Ҳусайнга олиб берди. Уша кунлари Уроқбойнинг кўкрагидаги чўғ бамисоли қайтадан кўр олиб — ловуллаб ёнди. Йигитча уйига бориб, бир-икки ҳафтагача кўкрагини захга бериб ётди, ранги сомондек сарғайиб кетди. Ота-она унинг ҳолатидан ҳайрон эдилар. Яхшиямки, устози Уста Нурмуҳаммад унинг дардини яхши биларди. Уста Нурмуҳаммад атайин ўзи бориб, Уроқбойни кўярда-қўймай юмушга олиб кетди. Йигитча меҳнат билан овуниб-алаҳсиб ўзини бироз тиклаб олди.

Орадан бирор йиллар ўтар-ўтмас Уроқбойнинг бошига яна мусибат тушди: ота-онаси олдинма-кейин вафот этди. Энди у устозига бутунлай боғланиб қолди. Лекин, вақти келиб, худо Уроқбойга устозни ҳам кўп кўрди: Уста Нурмуҳаммад бир бойнинг иморатига болор чиқараётганларида, ногаҳон девордан йиқилиб ўлди. Бу пайтда Уроқбой йигирма ёшларда эди.

Бутунлай ёлғизланиб қолган Уроқбой тўғри келган жойда устачилик қилиб юраверди. Бора-бора одамлар уни Уста Уроқ деб атайдиган бўлдилар. Йигирма беш ёшга яқинлашганда Уста Уроқ ўзи сингари бечораҳол одамнинг қизига уйланди. Фарзанд кўрди. Уғлининг отини Самандар қўйдилар. Самандар бўлимтолгина бола бўлиб ўсди. Ун ёшдан ошиб, эндигина ота-онасига дастёр бўлиб қолган пайтда Уста Уроқнинг хотини, бечоранинг умри қисқа экан, уч кунлик дардга учраб қазо қилди. Уста Уроқ бунга ҳам кўникди. Кўникмай нима ҳам иложи бор эди. Ана шундан бери Уста бечора тоқ юрибди.

Уста Уроқ ўғли Самандарни ёнига олиб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ устачилик қилиб кун кечираверди. Ота-бола бир неча йилгача Дизак, Зомин оралиғидаги қишлоқларда қолиб кетдилар. У Дизакда кўпчиликнинг маслаҳатига кириб ўзи билан ўғлига бир иморат тиклади. Уғли Самандар дизаклик Юсуф носфуруш деган кишининг қизига уйланди. Анчадан бери ўғлини уйли-жойли қилишни ўйлаб юрган Уста Уроқнинг кўнгли жойига тушиб, енгил нафас олди. Бу маҳалда Устанинг ёши элликни қоралаб қолганди.

Уста Уроқ ўтган йиллар мобайнида анча-мунча воқеаларга шохид бўлди: кўп жойларда уруш-талашлар юз берди, хонлар, амирлар ўзгарди. Аммо Уста бундай ўзгаришларнинг бирортасида ҳам иштирок этгани йўқ, ўз ҳунари бўйича меҳнат қилиб юраверди. Бироқ у ҳам, кўпчилик фуқаро қатори, воқеаларни эшитарди, ўзгаришларни ўзича баҳоларди... 754 ҳижрий санада Темур Тўрғай Кеш вилоятининг беқлигини эгаллади. У Самарқанд ҳокими — Сароймулкхонимнинг эри амир Ҳусайн билан иттифоқ тузиб, ҳокимликни кенгайтириш учун биргаликда жангларга киришди. Темурнинг Ҳусайнга нисбатан иттифоқчилик ва тобелик муносабати вақтинчалик эди — ҳокимиятни мўғуллардан тортиб олишда ўзига хос сиёсий ҳийла эди. Шу ҳийласини яшириш мақсадида Темур 754 ҳижрий санасида Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оқага уйланди. Лекин ўз куёвидан ҳаммиша хавфсираб юрадиган Ҳусайн ҳам Темурга нисбатан

бир неча бор хиёнат этди. Бундан дарғазаб бўлган Темур 764 санада Ҳусайнни ўртадан олиб ташлаш ниятида Ҳутталиён беги Кайхусрав билан иттифоқ тузди. Бундай имкониятни кутиб юрган Кайхусрав бир неча йил муқаддам акаси Кайқубодни қатл эттирган Ҳусайнни ўлдирди. Шу билан бутун Мовароуннаҳр Темур Тўрғайнинг қарамоғига ўтди, унинг номи «Соҳибқирон Амир Темур» деб хутбага қўшиб ўқиладиган бўлди.

Амир Темур Ҳусайннинг ўлиmidан сўнг унинг тўрт хотинига ҳам эгалик қилди. Аммо кейинроқ у Ҳусайннинг Сароймулк хонимдан бўлак хотинларини бошқа кишиларга тўхфа қилиб юборди. Сароймулк хоним эса, соҳибқироннинг суюкли хотинларидан бирига айланди, биринчи малика деган ном олди...

Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак, дейдилар. Уста Уроқ шунча ёшга кириб ҳам ўн тўрт ёшида мубтало бўлган дардидан қутулолмади. Узоқ йиллар давомида дилида сақлаб келаётган бебаҳо мулки — Сароймулк ҳамиша унга умид, ишонч, алоҳида руҳ, бардамлик бахш этиб турди. Севгилиси унинг кўз ўнгида ҳамиша ўша ҳолатда — ўн икки ёшли самбитқомат қизалоқ бўлиб жонланарди. «Эҳ, аттанг, йиллар бирин-кетин ўтиб борадур. Мен ҳам кексаликка юз тутдим,— дея ўйларди Уста баъзан.— У ҳам кексайиб қолаётурму эркан?.. Албатта-да, йиллар ўз ҳукмини барчага баробар ўтказадур. У ҳам, мен ҳам кексаликка юз тутдик. Аммо... менинг умидим, қалбимдаги ардоғим қаримайдур... Сен мени ёддан чиқариб йиборгандурсен, Сароймулк! Валек, мен сени борлиқ умрим, бирор дақиқа бўлсин, ёддан чиқармағаймен! Менга кўп нимарса керак эрмас, моҳитобоним, фақат яна бирор марта жамолингни кўролсам, бу дунёдин армонсиз кетгаймен». Уста Уроқнинг узоқ йиллар мобайнида синовлардан ўтган муҳаббати ноҳўя хаёллардан, висол илинжидан, таъмаю таъналардан мутлақо холи эди. У, қачон бўлса ҳам, Сароймулкни ўпиши ёки қучиши у ёқда турсин, ҳатто кўлини ушлашни ҳам хаёлига келтирмасди. Севгилисининг жамолини, узоқдан бўлса ҳам, яна бир маротаба кўрса, шунинг ўзи Уста Уроқ учун кифоя эди! Унинг муҳаббати мазмунини бир жиҳатдан Зухра юлдузини яқиндан кўрмоқчи бўлган содда одамнинг ҳолатига қиёслаш мумкин эди... Тонгга яқин Зухра юлдузи эътибор билан тикилган одамга ёнаётган чўғдек шуъла бериб туради, гоҳо ҳаракатга келиб яқинлашаётгандек, сўнгра яна узоқлашаётгандек туюлади. Соддадил, болафеъл одамлар Зухра юлдузини яқинроқдан кўриш учун томга чиқиб ҳам қарайдилар... Сароймулк ҳам Уста Уроқ учун бамисоли Зухра юлдузи эди. У, гарчи узоқдан бўлса ҳам, ҳамиша порлаб, Устанинг кўзини яшнатиб, фикрини ўғирлаб турарди.

Уста Уроқ ўзининг покиза муҳаббати хусусида, ҳали ҳеч кимга оғиз очиб сўзлаган эмас. Унинг дилидаги бу эзгу дарддан фақатгина устози, раҳматли Уста Нурмуҳаммад воқиф эди. Шундан бери Уста Уроқ ўз дардини айтадиган одамни тополган эмас. Турган гап: бирор кишига бу ҳақда сўз очса, у одам Устани телбага чиқариб қўяди. Мабодо Устанинг муҳаббати ҳақида эшитиб қолгудек бўлсалар: «Қариб қуйилмаган нодон! Сен киму соҳибқироннинг хотини ким? Тўшагингга қараб оёқ узатсанг бўлмайдурму, нотавон кўнгил!» деб таъна тошини отишлари аниқ. Уста Уроқ буни жуда тўғри ўйлайди. Лекин у инсоннинг энг олий, энг нозик туйғуларини тушунолмайдиган ўша одамлардан кўра ўзини бахтлироқ деб билади. Бунчалик покиза муҳаббатга эришининг, уни умр бўйи авайлаб-эъзозлашнинг, ҳаётдаги турли-туман қийинчилигу мусибатлардан, бало-офатлардан эсон-омон олиб ўтишнинг ўзи бўладими?!

Уста Уроқ ўғли Самандарни уйли-жойли қилиб, кўнгли ўрнига тушиб, Дизакдан Самарқандга йўл олди. У бир неча ҳафта давомида ер юзининг сайқали бўлган шаҳар кўчаларида эртдан кечгача айланиб юрди, кечалари карвонсаройларда тунади. Унинг илинжи фақат Самарқандда бирор юмуш топиб, шу ерда яшаш эди. Сабаби: унинг дилидаги армони Сароймулк шу шаҳарда яшайди-да! Уста Уроқ ҳеч бўлмаса, Сароймулк яшаётган шаҳар ҳавосидан нафас олиб юриши лозим эди!

Бир куни Уста Уроқ шаҳар кўчаларида айланиб юриб, чошгоҳ маҳали Телпак бозорининг қаршисида йигирма нафарга яқин отликқа кўзи тушди. Тасодифан у ўша отликлар ичида соҳибқироннинг номдор амирларидан бири Шер Баҳромни таниб қолди.

— Ассалому алайкум, Баҳром оға! — деди у шоша-пиша.

Энг олдиндаги отлик бедовининг жоловини тортди. Бошқа отликлар ҳам оҳиста тўхташиб, амирни ярим доира шаклида ўрагандек бўлиб туришди.

— Ваалайкум! Кимсен! — деди Шер Баҳром сувлигини чайнаб, гижинглаб турган отининг юганини қаттиқроқ тортар экан.

— Мен... улусдошингиз Уроқбоймен, Уста Уроқ...

— Жалойирмисен? — дея сўради Шер Баҳром Устани танитай. Шунинг учун Уста Уроқ батафсилроқ жавоб беришга ҳаракат қилди:

— Жалойирмен, тақсир. Сиз бирла Кешда танишиб эрдик... Устозим бирла қўшнингизга иморат қуриб бератур эрдик. Сиз ҳам анда навқирон эрдингиз...

Шер Баҳром ёшлик, навқиронлик йилларини эслагандек бир лаҳзагина узоққа кўз ташлади. Сўнгра хиёл жилмайиб:

— Эмди сен ҳам қартайиб — Уста Уроқ бўлиб қолдингму? — деди.

— Ҳа, Уста Уроқмен, тақсир.

— Хўш, мендин не истайсен? — деди Шер Баҳром жиддий тусда.

— Ушбу шаҳарда қолиб ишлаш ниятимдур,— деди Уста Уроқ.— Магар устачилик, иморатсозлик юмушлари топилур эрса...

Шер Баҳром яна бир лаҳза ўйланиб олди-да, энг ортада турган отликлардан бирига буюрди:

— Бул кишини мингаштириб ол!..

Йўлга тушдилар. Шер Баҳром олдинда ўз ёнидаги отликлар билан, чама-си, давлат ишлари хусусида, соҳибқироннинг келгуси режалари ҳақида сўзлашиб борарди. У Уста Уроқнинг шу пайтгача кечган ҳаёти билан ҳам, оилавий аҳволи билан ҳам қизиқмади. Уста шунисиға ҳам шукр қилиб борарди. Ҳар қалай, арзини тинглаб, ўзи билан бирга аллақарга олиб кетаяпти-ку.

Отликлар кичикроқ бир ариқ кўпригидан ўтиб сарой дарвозаси рўпарасида олган отлик йигитни яқинига чақирди:

— Тошоҳурдаги ҳаммом қурилишини билурмисен?

— Билурмен, тақсир.

— Бул кишини ўшал ерга олиб борурсен. Менинг отимдин Равшан Ҳайдарга топширғил. Дуруст уста деб тайин қилғил. Юмуш берсин...

Уста Уроқ ана шу тарика Самарқандда иш билан таъминланди. У ҳаммом қурилишида ўзидаги бор маҳоратни қўллаб, ишбоши Равшан Ҳайдарнинг эътиборини қозонди. Шу туфайли Равшан Ҳайдар ҳаммом қурилиб ишга тушганидан сўнг Уста Уроқни мадраса қурилишиға ҳам ўзи билан олиб кетди.

Уста Уроқ дилидаги энг азиз одами Сароймулк хоним турган шаҳарда яшаб, ишлаб юрганидан беҳад мамнун эди. У ўзини юксак орзу-ниятининг остонасида тургандек ҳис этарди, Сароймулк хонимни қачондир, қаердадир, бирор марта бўлса ҳам, кўришға умид боғларди. Бу пайтларда Сароймулк хонимнинг номи тилдан-тилға кўчиб юрар, «Улуғ малика», «Бибихоним» деб эъзозланар эди. Эл-улус орасида юрган сўзларға қараганда, Сароймулк хоним — Бибихоним соҳибқирон Амир Темурнинг энг доно маслаҳатчиси эмиш, унинг маслаҳату истаклари ҳеч маҳал ерда қолмас эмиш...

Уста Уроқ бундай овозларни эшитган пайтларида ўз кўнглидаги эъзози Сароймулк билан фахрланарди. Унинг ишқи ундай-бундай аёлға эмас, ҳуснда ҳам, ақл-заковатда ҳам ягона бўлган моҳитобонға тушган экан, демак, Уста Уроқ ўзини ҳар қанча бахтиёр деб санаса, худоға минг қатла шукрона айтса арзийди-да!..

Равшан Ҳайдар раҳбарлигидаги мадраса қурилиши поёниға етар-етмас, Самарқандда улкан масжиди жомеъ — жамоат масжиди қурилар эмиш, ундаги ҳамма ишлар валиаҳд Муҳаммад Султон билан Бибихоним измида бўлар эмиш, деган гап тарқалди. Орадан кўп ўтмай бу гапнинг ростлиги билинди: Равшан Ҳайдар янги қурилишнинг корфармоларидан бири бўлиб тайинланди, унинг сўзи билан Уста Уроқ бундай мўътабар иморатни тиклашда қатнашадиган бўлди. Уста Уроқ бу таклифдан беҳад қувонди, бамисоли ўзини бебаҳо совға-саломлар, тортуқ-тарағайлар билан кўмиб ташлангандек ҳис этди. Яна бунинг устиға... ахир келажакка ёдгор бўлиб қолгуси бу иморат қурилиши Сароймулк хонимнинг измида олиб борилади-ку!

Шундай қилиб, Масжиди жомеда қурилиш ишлари ёз ойларида бошлан-

ди. Кенг сахли ҳовлини ўраб оладиган бинолару ҳужралар, деворларнинг пойдеворини ишлаш учун ярим йилдан мўлроқ вақт кетди. Бу орада ғишт пишириладиган хумдон ишга тушиб, тайёрланган ғишлар танланиб йиғила бошланди. Уша кунлари Равшан Ҳайдар Уста Уроқнинг ёнига ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги бир йигитчани бошлаб келди. Йигитча Устага салом берди.

— Бунинг оти Сайфулло, амир Эгов Темурнинг узоқроқ жияни бўладур эрмиш,— деди Равшан Ҳайдар уни Устага таништирар экан.— Сизга шогирд тушмоқ нияти бирла келибдур.

— Бош устига, тақсир. Бир тарафи сиз бўлсангиз, иккинчи тарафи амир Эгов Темур... эрканлар... Киши ҳар нимарсага ўз сайъи-ҳаракати бирла эришадур. Устачиликка иштиёқманд бўлур эрса, охири бахайр бўлғай.

Равшан Ҳайдар қайтиб кетди. Уста Уроқ соҳибқироннинг энг содиқ амирларидан бўлган Эгов Темурни кўрмаган бўлса ҳам унинг ҳақида кўп эшитган эди. Эгов Темур бир неча йилдан бери отоғи чиққан барлос улусининг беглигини эгаллаб турарди.

— Барлосмисен, улум? — деб сўради Уста Уроқ йигитчадан.

— Ҳа, ота, барлос улусидинмен,— дея одоб билан жавоб берди йигитча.

— Менга тағойи эркансен. Энам раҳматли барлос эрди... Устоз бирла шогирд аталадурғон эрсак, ҳеч бир нимарсани бир-биримиздан сир тутмаслигимиз лузум бўлур. Сени билмаймен, менинг ҳам ўзимға ярашур сирри-асрорим бордур, аста-секин билиб олурсен.— Уста Уроқ жилмайиб қўйди, сўнгра яна жиддийлашиб сўзини давом эттирди.— Ушбу йўриққа ҳўб десанг, фарзандим янглиғ бўлиб қолурсен.

— Деганингиз бўлур, устод.

— Боракалло!

Вақт ўтиши билан Сайфуллонинг Уста Уроқ кутганидек самимий, камтар, беғубор йигит эканлиги маълум бўлди. Энг муҳими, юмушдан зерикмайди, айтилган гапни тез уқиб олади. Уста Уроқ шогирдининг одобию қобиллигидан, ҳар қалай, мамнун. Сайфулло буюрилган юмушни ҳамиша устозининг кўнглидагидек бажаришга интилади. Уста Уроқ унинг ҳунаридан кўнгли тўқ. Демак, Уста Уроқнинг санъати ҳам келажакда давом этади. Ахир ўз ҳунарини кимгадир ўргатмаган уста ҳам устами?! Уста Уроқ ўз ҳунарини дастлаб ўғли Самандарга ўргатувди. Мана энди Сайфулло иккинчи шогирд сифатида унинг ёнида иш ўрганаётир...

## VI

Сароймулк хоним — Бибихоним Самарқанднинг бўлажак муаззам обидаси Масжиди жомеъ қурилиши йўлга қўйилган кунлардан бошлаб бу ерга ҳар замонда ташриф буюриб турарди. Кўпинча у ўзининг беш-олти канизини ҳамроҳлигида махсус аробада келарди-да, қурилишдан анча ташқарида пастга тушиб, юмушлар қизгин кетаётган кенг майдонни айланиб чиқар эди. Ҳовли ичкарасида тарошланмаган мармар тошлар, тоғ тошлари, хумдондан эндигина чиққан, сараланган ғишлар қалалиб, лой қориладиган тупроқлар босилиб ётгани учун у ерга ҳали усталар ва хизматчилардан бўлак одам деярли кирмас эди.

Бибихоним ва унинг канизлари кўпинча ҳаво очиқ кунлари келиб кетишарди. Улар ишнинг юришидини суриштириб айланишаётган маҳалда барча эркаклар, одоб юзасидан, бир тарафга ўтиб турардилар. Бибихоним ҳамиша кийинишию хатти-ҳаракати билан ҳам бошқалардан ажралиб турарди. Кўпинча у устига яшил ёки пушти мурсак кийиб юрар, юзини номаҳрамлардан берки-тиш учун бошига бир-икки қават ҳарир бурқа ташлаб олар эди. Бошига кўндирилган чамбарак пешонабоғ ва унга қадалган марваридли ақиқ Сароймулкнинг малика эканлигини таъкидлаб тургандек ярқираб, куёш нурлари тушганда дуч келган кўзларни қамаштирарди. Канизлар эса, Сароймулк хонимга нисбатан одмироқ кийимларда келишарди.

Малика ва унинг канизлари қурилиш майдонини айланишаётган пайтда усталар ҳам, бошқа хизматчилар ҳам — бу ердаги барча одам ўз иши билан одатдагидек банд бўлиши лозим эди. Маликага ёхуд унинг канизларига узоқроқ тикилиб ёки ағрайиб қараб қолганлар ўнбошилардан ёхуд усталардан

қаттиқ дашном эшитишлари турган гап эди. Корфармолардан бир ёхуд икки кишигина улар билан бирга юрар, аниқроғи уларнинг олдида борар, лозим топилган пайтда маликага ишнинг боришини тушунтирар, муаззам иморатнинг келажакдаги кўринишини тасвирлаб берар эди.

Бибихоним яқинроқдан ўтаётган пайтларда Уста Уроқ ўзини қўйгани жой тополмасди — ғалати аҳволга тушиб қоларди. У гоҳо кўлидаги ғиштни беихтиёр пастга ташлаб юборар, гоҳо керак бўлмаган ғиштни қўлига олар, аёллар тарафга тез-тез қарайверганидан қилаётган ишини ҳам йўқотиб қўяр эди. Сайфулло ўз устозининг ҳолатини жуда ҳайратланиб кузатарди ва: «Қария кимса, ўзини вазминроқ тутса бўлмасми эркан?» дея ўзига ўзи савол берарди...

Ҳовли тўридаги катта масжид ва унинг гумбази, икки ёндаги муаззинхоналар ва миноралар, ҳовлининг икки тарафидаги кичик масжидлар ва мрамар устунли ҳужралар вақт ўтган сари шаклга кириб, бўйи кўтарилиб бораверди. Бора-бора Муҳаммад Султон ҳам, Бибихоним ҳам ҳар келганларида ҳовлига кирадиган, у-бу ишлар юзасидан корфармоларга, усталарга ўз маслаҳатларини берадиган бўлдилар.

Масжиди жомега дастлабки ғишт қўйилганига тахминан тўрт йил тўлаётган маҳалларда бу ерга соҳибқироннинг суюкли набираси Улуғбек ҳам тез-тез ташриф буюрадиган бўлди. Бу пайтда у эндигина тўққиз ёшга кирган эди. Соҳибқироннинг эътиборли келинларидан бўлмиш Гавҳаршодбегимдан туғилган бу болага Амир Темур ўз отаси Муҳаммад Тўрғай исмини берди, унинг тарбиясини эса, мана, салкам уч йилдирки, улуғ малика — Сароймулк хонимга топширди. Улуғбек боши юмалоққина, ёқимтойгина бола эди.

Улуғбек қурилишга бир неча бор келиб-кетиши давомида Уста Уроқ ва Сайфулло билан унча-мунча танишиб қолди. Гоҳо улар синчков шаҳзоданинг қурувчилик ҳунарига оид саволларига жавоб беришарди. Бу ҳолат Улуғбекнинг ёқимтойлиги, ҳар нарсага қизиқиб қараш туфайли юз берди. Шаҳзода бўлса ҳам бола болалигини қилар экан-да. Баъзан Улуғбек Уста Уроққа ёки Сайфуллога содда, ғалати саволлар бериб қоларди. Улар кула-кула ёш шаҳзодага жавоб берардилар. Улуғбек билан Уста Уроқ ўртасидаги бир суҳбат, айниқса, марокли кечди. Ана шу суҳбатдан кейин улар бир-бирларига алоҳида меҳр қўйиб қолдилар.

Ҳовли тўридаги улкан масжид ва ён тарафлардаги иккала масжид атрофидаги ишлар озайиб, эндиликда олдинги равоқда иш бошланаётган пайтлар эди.

— Ассалом, Уста бобо! — деди Улуғбек ҳали пастқам ҳавозага кўтарилиб.

— Ваалайкум ассалом! Пир бўлингиз, шаҳзодам! — деди Уста Уроқ. — Устачиликни хушлаб қолғонга ўхшайдурсиз?

— Бағоят ушлайдурмен, — деди Улуғбек Уста Уроқ ва Сайфулло билан қўл бериб сўрашар экан. — Устачиликни ёд олсам, узун миноралар ясаб, ойга чиқадур эрдим.

Ёш шаҳзода ҳавозага кўндаланг қоқилган тахтага ўтириб олди.

— Ойга чиқадур эрдим, дейсизму, шаҳзодам? — деб кулиб қўйди Уста Уроқ. — Ундай минорани сиз учун ўзим ясаб берсам, дуруст бўлмасму?

— Ясаб берасизму, Уста бобо? — деди қизиқиб Улуғбек. — Ясаб берсангиз, ойга чиқиб, томоша қиладур эрдим. Анда юлдузларни ҳам ёвуқдин кўрадур эрдим.

— Юлдузлар ойга ёвуқ эрканму? — деб сўради Сайфулло Улуғбекдан.

— Кавокиб ойга ёвуқ, ердин узок, шуни ҳам билмайдурмусиз? — деди Улуғбек. — Узок бўлгани боис юлдузлар кичик кўринур... Ойга чиқадурган минорани қачон ясаб берадурсиз, Уста бобо?

Уста «ҳазиллашиб эрдим», деса шаҳзоданинг хафа бўлишини ўйлаб:

— Йигит бўлганингизда ясаб берурмен, шаҳзодам, — деди.

— Йигит бўлганимда? — деб сўради Улуғбек норози оҳангда. — Ҳозир-чи?

— Ҳозир соҳибқирон бобонгиз келгунларича ушбу иморатни битургаймиз... Сиз, шаҳзодам, йигит бўлганингизда бобонгиз Амир Темурдек соҳибқиронлик мартабасини эгаллайдурсиз, — деди Уста Уроқ унга насиҳатомуз оҳангда сўзлаб. — Менга, ушмундоқ минора ясанг, Уста бобо, деб фармони олий берадурсиз. Андин сўнг ойга чиқадурган минора барпо этадурмиз. Бўлурму?

— Бўлур, — деди Улуғбек ўйланиб. — Уста бобо, юлдузларга ҳам минора бирла чиқса бўлурму?

Уста Үроқ, болани алдаш ҳам эви билан-да, дея ўз-ўзига танбеҳ берди, ҳазилни чуқурлаштирмади.

— Билгимча, аларга минора бирла чиқиб бўлмайдур, шаҳзодам,— деди у.— Ривоят эшитиб эрдимки, юлдузға учадурғон қанотли отлар бўлурмуш деб. Шояд йигит бўлгунигизча ўшандоқ отлар топилиб қолса.

— Хўб дуруст бўлур эрди-да, Уста бобо.

— Албатта-да, шаҳзодам. Бобонгиз ерни эгалладилар. Сиз эрсангиз ой бирла қуёшни, юлдузларни эгаллаган бўлурдингиз.

— Сиз қайси гузарда турурсиз, Уста бобо,— деб сўраб қолди Улуғбек тўсатдан.— Уйингиз қаерда?

— Бизда уй-жой не қилсун, шаҳзодам. Ғоят йироқ қишлоқдин келгандур-миз, бировниқда омонат турадурмиз.

— Қайси қишлоқдан келгансиз, Уста бобо? — дея қизиқсираб сўради ёш шаҳзода.

— Кеш тарафда Надимлар отлиғ бир манзил бўладур, бизнинг манзил.

— Кеш тарафда эрса, Темур бобомларга ёвуқ манзилму? Темур бобомларни танирмусиз?

— Ул кишини танимасдин бўлурми?.. Валек ҳали ўзларини кўрмаган-мен? — деди Уста Үроқ.

— Катта бибимни-чи? — деб сўради Улуғбек болаларча қизиқиш билан.

— Сароймулк хонимниму?

— Бале. Ул кишини кўрганмусиз?

— Кўрганмен,— деди Уста Үроқ армонли энтиқиш билан.— Бир маротиба кўрганмен. Ул киши ўн икки ёшда эрдилар, мен ўн тўртда эрдим... Ушандин берли яна бир маротаба кўрсам деб юрурмен.

Уста Үроқ сўнги гапни беихтиёр айтиб юборди. Бир ёнда туриб уларнинг суҳбатини тинглаб турган Сайфулло ўзича устозининг дарди нималигини ана шу гапдан сезиб олгандек бўлди. Улуғбек эса, болаларча соддалик билан фикр юритарди:

— Ушбу сўзингизни катта бибимга еткарурмен, Уста бобо,— деди у.— Танишлигингизни айтурмен.

— Йўқ, йўқ, шаҳзодам, бул сўзни ул кишига айтиб бормангиз. Сароймулк хоним хафа бўлмасунлар.

— Катта бибим яхши сўздин нечун хафа бўлурлар, Уста бобо?

— Ахир ул киши — ер юзининг улуғ маликаси. Биз эрсак қўлимиз лой уста, бечораҳол бир одам.

Улуғбек узоққа тикилганча бир зум ўйланиб турди, ниҳоят:

— Сиз бечораҳол одам эркансиз... Катта бибим — малика бўлсалар-да, одам эрурлар. Мен ҳам одам. Ҳамма ҳам одам-ку, Уста бобо? — дея Устага қаради Улуғбек болаларча беғуборлик билан.

— Ақлингизга тасанно, шаҳзодам,— деди Уста Үроқ.

— Катта бибимга сўзингизни айтурмен. Уста бобом дуои салом дедилар, деб еткарурмен. Бўлурми, Уста бобо?

Уста Үроқ йўқотган нарсасини топиб олгандек, хурсандликдан кўзлари чарақлади:

— Бўлур, шаҳзодам, ўшундоқ деб айтинг. Ул кишига мендин дуо еткуринг. Ҳамиша саломатлигингизни тилаб юрадурлар, денг.

— Майли, Уста бобо, айтгаймен..

Уста Үроқ, энди бу ёғи нима бўларкин, деб гоҳ қувониб, гоҳ ўзича хавотирга тушиб юрди... Аммо ўша суҳбатдан кейин бир неча кун ўтгач, валиаҳд Муҳаммад Султон тўсатдан вафот этиб қолди. Унинг мотами учун Масжиди жомеъ қурилишида бир ҳафтагача барча юмушлар тўхтатилди. Бир ҳафтадан сўнги қурилишда яна иш бошланиб кетди. Аммо Сароймулкхоним ҳам, Улуғбек ҳам Муҳаммад Султоннинг ўлиmidан юз кун ўтмагунча Масжиди жомеъ қурилишига ташриф буюрмадилар. Шу орада Муҳаммад Жалданинг таклифи билан қурилишнинг аввалги тарҳи-лойиҳасига ўзгартиш киритилди, ишлар яна чўзилди.

Қиш ўтиб, кўклам келди. Самарқандда ҳам ёмғирли ва офтобли кунлар кўпайди. Қайғу-мотам бир қадар эскирди. Уста Үроқнинг дилига яқин одамлар — Бибихоним ва Улуғбек ҳам Масжиди жомеъ қурилишига она-сонда



келиб турадиган бўлишди. Канизларидан кўра хиёл адлқомат малика юзига тортилган бурқа ортидан ҳаммани кўраолар эдию, аммо унинг ён-атрофидагилар Бибиҳонимнинг юзини кўролмас эдилар.

Сароймулк хоним олдинги равоқ ёнидан ўтаётганида, шу атрофда тўхтаб, ёнидагилардан у-бу гапни сўраб турганида Уста Ўроқнинг юраги тез-тез урарди, унинг ўзи эса калавасини йўқотган бўзчидек у ён-бу ён аланглайверар, каловланиб қолар эди. «Сароймулк мени кўраётур эрканми? Аслида, мени танирму эркан? — дея ўйларди Уста Ўроқ бундай лаҳзаларда. — Салом берсам қандоқ бўлур эркан? Йўқ-э, бўлмас».

Устозининг қалбидаги дардни сезиб қолган Сайфулло эса бундай пайтларда Уста Ўроқнинг ёнида ҳушёр турарди. Шундай қилгани дуруст-да ахир, одам ҳодис, Уста бечора ўзини йўқотиб, ҳавозадан тушиб кетса, катта меҳнату кўргулик бўлади-да!

Улуғбек Масжиди жомеъ қурилишига, аввалгидек, болалик ўйини, сайртомоша учун келиб кетарди. Ёш шаҳзода ва унинг жўралари гоҳо ҳовлига тўшалган силлиқ мармар устида сирпанчиқ ўйнаб ҳам кўришарди, муаззинхоналар ва минораларнинг зинапояларида чопқиллаб юришарди. У ён-бу ён югуриб, бироз чарчаганларидан сўнг, шаҳзода ҳавозадан кўтарилиб, ўзининг меҳри тушиб қолган Уста Ўроқнинг ёнига чиқар, у билан бир муддат сўзлашар эди. Бу пайтда жўралари шаҳзодани пастда кутиб туришарди.

— Катта бибим сизни элас-элас танир эрканлар,— деди Улуғбек бир куни.— Бағоят тортинчоқ, камгап бола эрди, деб кулдилар. Катта уста бўлибдур эркан, Масжиди жомедек иморатни қуриб, ўзига савоб орттирадур, дедилар.

— Минг раҳмат улуғ маликага! — деди Уста Ўроқ.— Ушмунчалик ёдга олибдурлар, бошим осмонга етди...

Улуғбекнинг ана шу сўзларидан сўнг Уста Ўроқ чиндан ҳам ўзини орзуниятига эришган бахтиёр ошиқ тимсолида ҳис этди. Ахир унинг умр бўйи эъзозлаб келаётган кўнгил армони Сароймулк хоним унга безътибор эмас эканку! Шояд унинг ҳусни-жамолини яна бир бора кўриш Уста Ўроққа насиб этса!..

Ниҳоят, ёз фасли охирлаб, эндигина куз бошланаётган ажойиб кунларнинг бирида Уста Ўроқ узоқ йиллардан бери кутган, кейинчалик эл-улус орасида ривояту афсонага айланиб кетган воқеа юз берди. Сароймулк хоним Масжиди жомеъ қурилишига одатда куннинг иккинчи ярмида келиб кетарди. Бу сафар у нима учундир жуда барвақт — чошгоҳ маҳалида ташриф буюрди. Малика, махсус аробадан тушганларидан сўнг, канизларидан фақат икки нафарини ёнига олиб, бош равоқ ёнидаги йўлакдан ҳовлига равона бўлди. Ҳовлининг ўнг тарафидан юриб, мармар устунли ҳужраларни кўриб чиқди, бир неча ҳужрага кириб, уларнинг ички сайқалини ҳам алоҳида синчковлик билан кўздан кечирди.

Бибиҳонимнинг бу ерга одатдагидан барвақт ташриф буюришидан, бажарилаётган ишларни аввалгидан кўра қунт-эътибор билан кузатаётганидан кўплар, айниқса корфармолар, ўнбошилар ҳайрон эдилар. Эҳтимол, бу ҳолат улуғ маликанинг Масжиди жомеъ қурилишига тортиқ этган олтин-кумушлари билан боғлиқдир. Гап шундаки, бундан бир мунча вақт муқаддам қурилишнинг аввалги лойиҳасига Муҳаммад Жалда киритган «тузатиш»дан кейин хазинабоннинг қўшимча маблағ ажратишга қийналаётгани сарой аҳлига маълум бўлиб қолди. Бундан хабар топган Сароймулк хоним ўзининг тиқинчоқларидан, олтин-кумуш сеп-сидирғаларидан икки қадоқ буюмини хазинага топширган, қурилишга сарфлашни буюрган эди. Бу бебаҳо буюмлар орасида Амир Темурнинг ўз қўли билан маликага тўхфа қилинган совға-саломлар ҳам бор эди. Бибиҳоним: «Бул сирни ҳеч кимсага жория этиб юрмангизлар, соҳибқироннинг фуқароси давлат хазинаси бўшаб қолибдур, деган хавотирға тушмасун», деб тайинлаган эса-да, эл-улус орасида гап тарқалиб кетган эди. Балки маликанинг бебаҳо тақинчоқлари сарф этилгани учун ҳам Масжиди жомеъ иморати унинг кўзига қадрлироқ, гўзалроқ кўринаётгандир! Бибиҳоним, эҳтимол, шу боисдан ҳам иморатни алоҳида меҳр билан назардан ўтказаетгандир!..

Сароймулк хоним ҳовли тўридаги катта масжидни ҳам, икки ёндаги кичик масжидларни ҳам яна бирма-бир кўздан кечирди. Сўнгра ҳовли ўртасига ўтиб, олдинги равоқ томон юрди. Бир неча қадам юрганидан сўнг, катта масжид пештоқидаги равоқ билан олдинги равоқнинг баландлигини ўзича қиёслаб кўрмоқчи бўлди шекилли, тўхтади. Қуёш нурлари малика ва унинг канизлари

юзидаги оппоқ ҳарир бурқа — пардаларга урилиб, ичкарига сингиб кетар, кунчақар тарафдан эсаётган салқин, ёқимли шабада аҳён-аҳёнда аёлларнинг кийим-бошларини баданларига ёпиштириб қўяр эди. Бибиҳоним олдинги равоққа — устида Уста Уроқ ва унинг ёрдамчилари ишлаётган ҳавозага бир неча сония тикилиб турди. Аслида, Уста Уроқ ҳам айна лаҳзаларда эс-ҳушини йўқотгандек, бутун жисми кўзга айланиб иккала каниз ўрталиғида, улардан олдинроқда турган маликага тикилиб қолган эди. Шу маҳал тасодиф юз берди: Бибиҳоним катта масжид тарафга қарамоқчи бўлганида шабада иш кўрсатдими ёки маликанинг ўзи атайин шундай қилдими, унинг юзидаги парда бир-данига кўтарилиб кетдию Уста Уроқ ва унинг ёнидагилар кўз олдида Сароймулк хонимнинг ҳусни-жамоли бутун борлиғи билан намоён бўлди. Бундай тасодифдан сеҳрланиб, ўзини йўқотиб қўйган Уста Уроқ ихтиёрсиз равишда баланд овоз билан:

— Ассалому алайкум, Сароймулк!.. Улуғ маликам! — деб юборди.

Малика ҳам жилмайган кўйи юқорига — Уста Уроққа тикилиб:

— Алайкум ассалом! Ҳормангиз, Уроқбой,— деди.

— Бор бўлинг! Дунё тургунча туринг, маликам!

Уста Уроқ шу сўзларни айтатуриб ҳавозадан йиқилиб тушишига сал қолди. Яхшиямки шогирди Сайфулло бор экан, Устанинг кийимидан ушлаб қолди. Кўп ўтмади, Бибиҳоним дарҳол бурқасини қайириб юзини тўсди. Бироқ бир-икки сониялик лаҳзадаёқ унинг ҳусни-жамоли Уста Уроқнинг кўз ўнгидан бутун белгилари билан муҳрланиб қолди.

Бибиҳоним ўз канизлари билан бояги йўлакдан чиқиб кетар экан, Уста Уроқ, кўзлари тиниб, ҳавозада бирор дақиқа ўтириб қолди: кўзларини юмиб ўтирди, киприклари орасидан ёш сизиб чиқди. Бу ёшда покиза севгининг бахтиёрлиги ҳам, мўътабар санам кўрсатган илтифотдан миннатдорлик ҳам, ўз умрида шунчалик меҳнату ранж чекиб юрган бўлишига қарамай тақдирнинг нотантилиги туфайли ният-армонлари ушалмаганидан ўкиниш ҳам мужассам эди...

Уста ўрнидан турди. Бамисоли ширин тушдан ҳузурланиб уйғонган боладек жилмайди. Кўзини каттароқ очиб, атрофидагиларга: шогирди Сайфуллога ва бошқа хизматчиларга бахтиёр бир кайфиятда қаради. Уста шу ўтирганича маликанинг ҳозирги ҳусни-жамолини яна бир карра кўз ўнгидан ўтказди. Бибиҳонимнинг юзи аввалгидек оппоқ, тиниқ, қош ва киприклари қопқора пиликдек эди. Бироқ йиллар шамоли бундан бир неча ўн йиллар аввалги — кўзлари чақнаб турган, киприклари юқорига қайрилган ўсмир қизалоқ Сароймулкнинг ҳуснига айрим таҳрирлар бериб ўтган эди. Маликанинг юзи ёшлик пайтидагидан чўзиқ эмас, бир қадар бўлишган, кўзлари эса, аввалгидек чақнаб туриш ўрнига, маънолик, донолик билан боқар эди. Иккала ёноғи ортидаги қисқагина қирқилган, қайрилма гажак-зулфи қулоғидаги балдоқлар билан биргаликда Бибиҳонимга алоҳида кўрк бахш этарди. «Кексайганда ҳам ҳусни-тароватини йўқотмабдур,— дея ўйлади Уста Уроқ.— Кўзлари ҳаё-ибо бирла, ожиза назокати бирла боқадур... Билгимча, Сароймулк атайин ушмундоқ кўриниш берди менга. Барака топсун, мени навмед қилмади... Минг раҳмат сенга, ўзимнинг Сароймулким!.. Не деди у? «Уроқбой» дея чорладиму? «Уроқбой» деб чорлаган тилларингга шакар, моҳитобоним! Шу маҳалгача сени унутмадим, бундин берли ҳам, тирик эрканмен, унутмаёймен. Улғонимдан сўнг ҳам муҳаббатинг то қиёматгача сўнгақларимда сақланур!..»

Бибиҳоним ўша куни тушдан кейин Масжиди жомага такрор ташриф буюрди. Худди эрталабки ҳолатда — икки канизи билан иморат ҳовлисига кирди-да, катта масжид яқинида Равшан Ҳайдар, Хўжа Маҳмуд Довуд, Муҳаммад Жалда ва тагин бошқа корфармолару ўнбошиларни тўплади. Малика уларга соҳибқироннинг фатҳу зафар билан қайтаётгани ҳақида хабар олинганини, уч-тўрт кун оралигида Самарқандга етиб келишини билдириб, Масжиди жомедаги ишни тезроқ ниҳоясига етказиш зарурлигини тайинлади. Уста Уроқ ҳам ўзича Бибиҳонимнинг ошиғич бир иш билан келганини тахмин қилди.

Бибиҳоним корфармо ўнбошиларга рухсат бериб, ҳар қайсисини ўз вази-фасига юборди-да, канизлари билан изига қайтабошлади. Тахминан эрталаб тўхтаб туришган жойларига етганида қадамини секинлатиб, иккала канизига нималардир деди. Уста Уроқ бошлиқ олдинги равоқ ҳавозаси устида ишлаб

турганлар яна беихтиёр пастга нигоҳ ташладилар. Шу пайт канизлар кутилмаган ғалати «ўйин» кўрсатдилар: улардан бири қўлидаги дастурхонни очиб, ичига етти дона тухум терилган ликопчани чиқарди, иккинчиси эса, ўша — етти хил рангга бўялган тухумларни бошқаларга намойиш этгандек бирма-бир олиб, яна ўрнига қўйди. Шу аснода Сароймулк хоним ҳалиги канизларига деди:

— Тухумларни ҳавозадагиларга чиғориб йиборингиз, усталар тановул этсунлар.

Канизлар тухум тўла ликобчани пастда юрган хизматкорлар орқали Уста Ҳроқлар ишлаётган ҳавозага йўлладилар...

— Уста бобо! — деди ликобча ҳавозага етиб борган лаҳзаларда канизлардан бири тилга кириб. — Ушбу тухумларни бир-биридан фарқлаб берурсиз. Сиз учун аларнинг қай бири дуруст, таъмини кўриб айтурсиз. Жавобини эртага олурмиз.

Уста Ҳроқ ногаҳон берилган саволни эшитиб, қўлига бориб етган етти хил рангли тухумни кўриб, гангиб қолди. У юзларига бурқа тортилган уччала аёлга лол бўлганича қараб тураверди. Ҳалиги каниз юқорига қараб яна сўз қотди:

— Уста бобо, саволимиз жавобсиз қолур эрса, мот бўлурсиз...

Аёлларнинг кулгуси эшитилгандек бўлди. Канизлар Бибиҳонимга эргашиб, қурилиш ҳовлисида чиқиб кетдилар. Улар ҳув нарида аробага чиқишиб, жўнаб кетаётганларида боядан бери сукутга бориб турган Уста Ҳроқ шогирди Сайфуллога ўгирилиб сўради:

— Не юмуш юз бермиш ўзи, бўтам?

Сайфулло устозининг соддалигидан кулгандек жилмайиб жавоб берди:

— Билолмадим, устод. Не юмушлигин англай олмадим. Ушбу жумбоқни ёлғиз ўзингиз еча олурсиз...

Уста Ҳроқ тухум тўла ликобчани бир чеккага қўйди-да, ҳардамхаёллик билан ишга тушиб кетди. У ғишларни бўёғига, ҳажмига қараб танлаб олар, остига лой-қоришма ташлаб, ўрнига бостирад экан, хаёли ҳозиргина бўлиб ўтган манзарада эди. «Ҳа, топдим, топдим, — дея ўзича жилмайиб қўйди Уста Ҳроқ. — Сароймулк менга ушбу ҳазил бирла таскин бермоқчи бўлибдур. «Аёлларнинг ҳусни, кўриниши турлик бўлгани бирла, алар ушбу — айнос-айнос тухумларнинг маъзи янглиғ бир мазмундадурлар», дебдур менга. Бечора Сароймулк! Аёлимнинг узоқ йиллар муқаддам ўлиб кетганини, шундин берли мужаррад бўлиб юрганимни, эртаю кеч фақат анинг ўзини ўйлаб, отини ёд этиб юришимни қайдин билсун у?! Валек мени ростдин мот этди, донолик бирла мот этди... Эй худо, жумла мўъмин қатори мени ҳам, Сароймулкимни ҳам ўзинг ёрлақа айсан!»

Ана ўша дақиқадан эътиборан Бибиҳоним ва унинг канизлари томонидан Уста Ҳроққа турли рангга бўялган тухумларнинг олиб чиқиб берилгани ҳақида ҳавозалар устида ҳам, пастда ҳам шивир-шивир гап тарқалди. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас бу шивир-шивирлар Муҳаммад Жалданинг ҳам қулоғига етди. Табиатан бировларга нек ният тилашу ҳиммат кўрсатишни хуш кўрмайдиган, атрофидагиларнинг кўпчилигини ўзига душман билиб шубҳаланаверадиган Муҳаммад Жалда Масжиди жомеъ қурилишида ўз меҳнати билан ҳурмати ортган Уста Ҳроқни ўртадан кўтариб ташлаш ва шу баҳонада ўз нуфуз-эътиборини яна ҳам юқори кўтариш мақсадида бу гапни машваратга солди. У қачонлардир: «Подшолар яхши иморат қуриб берган усталарни албатта маҳв этар эрмишлар, чунки, ўша уста тирик юрса, шундай иморатни бўлак подшога ҳам қуриб беради, деб қўрқар эмишлар», деб эшитган эди. Шум ниятли, мансабпараст бу корфармо ўзини салкам подшо фаҳмлаб, Уста Ҳроқ тимсолида шундай бир ишни бажармоқчи эди. Иккинчидан, соҳибқироннинг Самарқандга қайтишидан ўзига катта иноятлар кутиб юрган Муҳаммад Жалда, Уста Ҳроқни саройдаги ожизларга шаккоклик қилгани учун ўлдирдик, деган баҳона билан ўз обрўсини яна оширмоқчи эди. У бу масалада Сароймулк хонимнинг ўртага тушолмаслигини, ўртага тушгудек бўлса, олий насабли аёллик шаънига путур етишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Жалданинг ўз мудҳиш ниятини амалга оширишда ҳеч нарсадан тап тортмаслиги аниқ эди...

Уста Ҳроқ ҳавоза устида турганича ўзининг бутун ҳаётини, қалбининг тўридан жой олган муҳаббати тарихини, беш йилдан кўпроқ ўтган вақт давомида Масжиди жомеъ қурилишида юз берган воқеаларни бирма-бир кўз

олдидан кечириб, оғир уҳ тортди. Ҳали равоқда яна камида бир кунлик иш бор. Ҳўш, Уста Уроқ нима қилсин? Ажали етмасдан аввал бирор тарафга қочсинми ёки равоқни тўла-тўқис битираман деб ўзини Муҳаммад Жалданинг қиличига тутиб берсинми?!

## VII

Невара келин Шодимулк оқа боласини етаклаб чиқиб кедию Сароймулк хоним ҳайҳотдек кенг хонаи хосда ёлғиз ўзи қолди. Малика беихтиёр уҳ тортди-да, атрофига оҳиста кўз ташлаб, девордаги хилма-хил гиламларга, зардўзий сўзаналарга, мавруди билан танлаб киядиган рангин либосларига нигоҳ ташлади. Кўнгли кўтарилиши ўрнига янада тушкун ҳолатда кўзларини ерга қадаб ўтириб қолди. Бирор дақиқалик сукутдан сўнг ўрнидан турди ва етти қават шоҳи-адрас кўрпалар тўшалган улкан тахта-сўри томон юрди. Сўрига кўтарилаётганида эшик очилиб, канизаклардан бири кўринди-да:

— Не юмуш буюргайсиз, маликам? — деб сўради.

— Холи кўйингиз, ором олғаймен, — деди Сароймулк хоним бир оёғининг тиззасини сўридан туширмаган кўйи. — Даркор ўлсангиз чорлағаймен.

Канизак изига қайтиб, эшикни беркитди. Малика сўрига кўтарилиб ёнбошлади. Ихтиёрсиз равишда кўзлари яна рўпарадаги гиламларга, турли-туман зеб-зийнату тақинчоқларга, гилам ўртасида ғилофи билан осилиб турган қиличга тушди.

«Маликамен, бу хонаға жой бўлғон борча мулклар меники, — деган ўй кечди Бибиҳонимнинг хаёлидан. Унинг айна пайтдаги ҳолат-ўйларида ўз ҳаётидан мамнунлик, шукроналик ҳам, кексалик чарчоғи ҳам, бири кам дунё, деганларидек бир умр кемтиклигича қолган орзу-ниятлар ҳам мужассам эди. — Улуғ маликамен! Сохибқироннинг суюкли маҳраимен! Шу юртда не сўз деяр ўлсам, бори ижобат бўлғай... Валек... Оллоҳ бахтни ҳеч кимсаға тўқис бермас эркан... Астағфурулло, ўзинг кечирғайсан... Оллоҳ менга фарзанд бермади. Амир Темурнинг набираларини фарзандларим дедим, аларни анолиқ меҳри билан суйдим. Валек ўзунг туғмаган сўнг...»

Хона эшиги очилгани билинди, улуғ маликанинг хаёли бўлинди.

— Муҳаммад Тўрғай келмишлар, — деган овози эшитилди канизакнинг.

— Кирсун, — деди Бибиҳоним ётган жойида.

Улуғбек эшик ичкарасида кафшини ечасолиб тахта-сўрига қараб югурди-да, шу аснода:

— Бибижон, не бўлди сизга? — деди ва сўрига кўтарилди, ҳали кўзғолиб улгурмаган Бибиҳонимни ачомлади. — Нечун ётурсиз?

— Ором олиб ётурмен, улим, — деди Сароймулк хоним ва Улуғбекнинг пешонасидан ўпди. — Ҳориғанга ўхшаймен, Масжиди жомеға икки бора ташриф этиб, мадордин кетдим... Қайда эрдинг? Қайдан келурсен?

— Машваратда эрдим, бибижон, — деди Улуғбек. — Сиз машваратдин беҳабар эрдингизму?

— Хабарим бор эрди. Сен ҳам борибми эрдинг, бўталоғим?

— Бориб эрдим, бибижон. Ҳозир машваратдин келурмен. Ҳолонки...

— Не ҳангомалар ўлди машваратда?

— Бибижон, машваратда-чи, ҳолонки... Уста бобомни маҳв этмоқчи ўлдилар.

— Уста бобонг? Қайси Уста бобонг? — Сароймулк хоним шу сўзлар асносида ўрнидан туриб ўтирди, ёш шаҳзоданинг оғзига тикилди.

— Равоқда ғишт босгич Уста бобо-чи? Уста Уроқ бобо. Бир маротиба сизга салом йўллаб эрдилар. Сизни танир эрканлар... Темур бобомнинг юртидин эркан...

— Аларни невчун маҳв этмакчи эрканлар?

— «Ушбу кун шаккоклик қилди ул», дедилар.

Сароймулк хоним ҳушёр тортгандек бир қалқиб тушди. Бир лаҳза ўйланиб ўтирди, сўнгра:

— Ким деди бул сўзни? — деб сўради.

— Муҳаммад Жалда... Корфармо...

Улуғбек машваратдаги ҳамма гапни ўз билгича айтиб берди-да, охири:

— Бибижон, Уста бобом — яхши киши. Қутқоринг аларни,— деди. Сароймулк хоним яна жим, кўзлари йўл кўриб, сукут сақлаб ўтирди. Сўнгра уҳ тортди-да:

— Бул янглиғ юмуш иликимдин келмайду, бўталоғим,— деди.

— Невчун, бибижон, ахир сиз улуғ маликасиэ... Бибиҳоним бошини сарак-сарак қилди-да:

— Малика бўлсам-да... ожизаларнинг эр кишилар юмушлариға аралашувлари ножоиздир.

— Магар сиз қутқармасангиз, Уста бобомни мен қутқарамен... Хуллас, Сароймулк хоним гўё тўққиз-ўн ёшли шаҳзоданинг Устани қутқариш хатти-ҳаракатиға қарши турган бўлди-ю, охири ноиложликдан: «Ихтиёр ўзунгда», деди. Улуғбек чиқиб кетди.

— Бечора Уста Ўроқ! — дея ўзига ўзи сўзланди Бибиҳоним.— Ҳу ўшал Ўроқбой-да ул, ёшлиқда кўришганимиз. Мусаввир ўлиб, менинг сийратимни чизмакни ният қилиб эрди.— Улуғ малика ўша ёшлиқ кунларини эслаб хиёл жилмайди, лаблариға ранг киргандек бўлди.— Мусаввир ўлолмади. Валек уста ўлди. Усталик ҳам хўб дуруст ҳунар... Дунёнинг юмушлари фалат: невчун менга дуч келғонда ўзини йўқотиб қўядур ул? Не бу ўзи? Ишқми?.. Ахир мен малика ўлсам, ул эрса ҳунарвар кимса. Мен соҳибқироннинг суюкли маҳрами, ул эрса юртнинг бир фуқароси!.. Астаффурулло деб, айт, Сароймулк, тавба де. Инсон ўлуб кўз очқон ҳар кимса — Оллоҳ таолонинг бандаси. Шукрки, сен саройда туғилибсен, исминг ҳам Сароймулк ўлубдур. Йўқса, ўзга манзилларда сен киби хушрўй, сен киби доно ожизалар йўқдурму? Бисёр! Сенинг бахтинг — саройда туғилғонинг... Сен бахтимисен ўзи?.. Тақдир сени магар Уста Ўроққа қўшур эрса, бахтсиз ўларми эрдинг? Маликалардин ўзга борча ожизалар бахтсиз кимсаларму? Дилингда ётқон кичиккина армонни ўзинг ўзингдин ҳам пинҳон этасанму ахир — ёшлик маҳалингда, ҳатто келинлик пайтларингда ҳам ўша Ўроқбойни эслаб-эслаб юрғонинг ёдиндан учдиму?.. Ҳусайини севмадинг, ўз ихтиёрингсиз келинлик либосин кийдинг. Соҳибқирон Амир Темурға маҳрам ўлғонингдин ўкинмадинг, Оллоҳ таолога шукроналик билдирдинг. Валек йилда бир бора ўлса-да Ўроқбой кўзингга кўринур эрди. Гоҳ-гоҳ хобингда ҳам кўрардинг ани... Бул не ўзи? Ишқми? Ўроқбой... Уста Ўроқ ҳам ушмундоқ ишққа мубтало эрканму? Шул хислат магар ишқ ўлса, покиза ишқ эрур, ғуборсиз, зилол ишқ эрур... Эвида кимлари бор эрканин-да билмайдурмен, валек ўзи ёдға тушиб турар. Уста Ўроқ эрса, менинг кимлигимни билур. Яхши билса-да, дуч келғонда ўзини йўқотиб қўядур... Эвоҳ!..»

Сароймулк хоним тахта-сўридан тушди-да, Улуғбекдан хабар олмоқ ниятида хонаи хосдан ташқарига чиқди.

## VIII

Уста Ўроқ ҳавоза устида турганича ўзининг бутун ҳаётини, қалбининг тўридан жой олган покиза муҳаббати тарихини беш йилдан кўпроқ ўтган вақт давомида Масжиди жомеъ қурилишида юз берган воқеаларни бирма-бир кўз олдидан кечириб, оғир уҳ тортди. Ҳали равоқда яна камида бир кунлик юмуш бор, уни битириш учун эртага ҳам кун бўйи ишлаш керак. Хўш, Уста Ўроқ нима қилсин? Бемаҳал ажалга чап бериб, бирор тарафга беркинсинми ёким равоқни тўла-тўкис битираман, деб ўзини Муҳаммад Жалданинг қиличига тутиб берсинми? Мабода Уста Ўроқ бугуноқ бирор тарафга равона бўлиб, изини бекитиб кетса, равоқдаги чала юмушни ким бажаради?.. Хўш, ўзининг бу ердан кетиши хусусидаги мўлжалини Сайфуллога айтиш керакмикан, йўқмикан? Уста Ўроқ ногаҳон йўқолиб қолса, Муҳаммад Жалда Сайфулло шўрликка бало-қазодай ёпишмасмикан?.. Бу саволлар Уста Ўроқни куни билан қийнади.

Қуёш пастга оғиб, Самарқанд боғларининг шохига илиниб қолган улкан қизил олмадек кўзга ташланди. Иш куни тугади. Уста Ўроқ билан Сайфулло ҳавоза устидаёқ иш кийимлариға кўча кийимларини алмаштириб олдилар.

— Пастга тушиб, дарҳол кетиб қолмагил, бўтам,— деди Уста Ўроқ шогирдига сирлироқ оҳангда.— Бугун бирга кетурмиз.

— Айтганингиз бўлур, ота,— деди Сайфулло устозига ҳайрон тикилиб.



Аввал шогирд, сўнгра Уста хавозадан пастга тушдилар. Биргаликда, ҳар куни Уста Уроқ юрадиган йўл билан — бозор оралаб Ниёзбой атторникига жўнадилар. Уста куни кеча худди шу пайтда бу ерлардан — ноз-неъматга тўла расталар ёнидан ғоят хуш кайфиятда ўтган эди. Бугун эса, чигал ўю хаёллар оғушида бир-бир қадам ташлаб бораётир. Дармони қуригандек оёқларини аранг кўтариб босади. Сайфулло эса, устозидан бирор гап чиқишини кутиб унинг ёнида боради, гоҳ-гоҳ Уста Уроққа қараб кўяди.

«Бадбахт, ичи қора кимсалар не учун юрур бу дунёда? — дея ўйлар эди Уста Уроқ ўзича.— Муҳаммад Жалда янглиғ ножинсларни ер ютиб юборса бўлмасму? Ёхуд алардин ер ҳам ҳазар қилурму?...»

— Сайфулло бўтам,— деди Уста Уроқ бозордан чиқиб, холироқ йўлакка етганларидан сўнг,— зарур бир гап бордур, сендин сир тутсам бўлмас. Эртага равоқ битганидин сўнг алар мени маҳв этмак истайдурлар...

— Алар кимлар, устод? — дея кўзлари ола-кула бўлиб сўради Сайфулло.

— Муҳаммад Жалда... Эрта бирлан кўрдинг-ку ани, валатнинг кўзлари қарғанинг кўзидек ўйнаб турадур эрди. Бўлақлар ҳам анинг сўзини икки қилурга қўрқадурлар.

— Ахир сизни не учун маҳв этадурлар, ота?

— Э, бўтам, ул тарафин сўраб ўлтурма. Золимлар учун одам ўлдирмоққа баҳона топиладур... Гап шул, мен ушбу кеча Самарқанддин ғойиб бўлурмен.

— Мен-чи? Мен не қилгум, ота?

— Шул боисдан, сенга ушбу гапни айтадурмен. Не қилувинг лузумин ўзинг ўйлағил, топғил. Эрта туриб менсиз юмушга борур эрсанг, менинг жонибимдин сенга бало-қазо ёпишмаса, деб қўрқамен.

— Сиз не ерда бўлур эрсангиз, мен ҳам ўшал ерда бўлурмен, устод.

— Йўқ, бўтам, бул турлуқ паллада устоз бирла шогирднинг бир юруви тўғри бўлмас. Андоқ кўрунишда айғоқчилар тез топиб оладурлар бизни. Золимга чап бермоқ даркордур.

Сайфулло устозининг дабдурустан айтган янгилигидан таҳликага тушиб қолди.

— Анда мен не қилай, ота? Ўзингиз қай йўруғ-маслаҳат берурсиз?

— Истасанг, ўз юртингга отлан, оллоҳ таоло ўз паноҳида асрағай. Зораки бало-қизолар юзин тескари ўгурса... Магар юртингга борурга қўрқар эрсанг. Дизакка — менинг ўғлим қошиға жўнағил.

— Сиз-чи, ота, қайга борурсиз?

— Мени қўябер, бўтам. Мен Самарқанддин узоққа кетмагайдурмен. Кетолмайдумен. Менинг дардимни ўзинг билурсен. Бул шаҳарда мен учун бир шамчиноқ бордур. Мен эрсам ўшал шамчиноқнинг парвонаси янглиғ айланиб-ўргилиб юрадумен... Э, улим, мен борча кўрадигимни кўрдим, яшадигимни яшадим. Улимдин қўрқмағаймен. Валеқ худо берган ажалдин бурун ўлмақ, боз устига гуноҳдор янглиғ қатл этилмақ бағоят алам қиладу кешига.

— Сиз қай маҳал кетурсиз, ота?

— Менми? Ҳозир уйга кириб, ул-бул нимарса олудурмен... Хўш, сен қай йўриқни тутурсен?

— Ўғлингиз Самандар акамнинг қошиға борсам бўлурми деб турурмен.

— Бале! Хўб қилурсен. Ушундоқ бўлса, вақти бирлан боз топишиб олувимиз мумкин бўлур... Пичоқ олишни унутмагил. Пичоқ — ярим ризқ, дейдилар... Дизакда Хўжа Ғозиён мазороти бордур. Самандарни ўшул мазорот беткайиндағи деҳдин сўрағайсен.

— Бўлур, сиз не декор эрсангиз шул...

Устоз билан шогирд кечқурун — говгум маҳали Ниёзбой атторникидан чиқиб йўлга тушдилар. Ўзлари учун чеккароқ йўлларни танлаб юрдилар. Лекин ўтган-кетганларда шубҳа туғдирмаслик учун, ўзларини атайин бепарволикка солиб, онда-сонда баралла овозда сўзлашиб бордилар. Улар Чўпонота тепалигини қия айланиб ўтадиган арава йўлига тушиб, Зарафшон дарёсининг кўпригигача бирга бордилар. Уста Ўроқ шу ерда шогирди Сайфулло билан хайрлашди-да, унга оқ йўл тилаб, ўзи ортига қайтди.

Уста юриб-юриб Масжиди жомеъ қурилишига лой-қоришма учун тупроқ олинаётган Конибилга етмасдан сўл тарафга бурилди. У ўз тақдирини таваққалга топшириб, тахмин билан қадам ташларди. Қаерга бораётганини ўзи ҳам аниқ билмасди. Бир муддат ғалласи ўриб олинган анғиздан юрди, сўнгра сув чилғиб ётган шолиторларни айланиб ўтди. Унинг кўзига узоқдан элас-элас чироқ кўрингандек бўлди...

## IX

Самарқандда Масжиди жомеъ иморати қурилиб битиши арафасидаёқ элулус орасида унинг нома «Бибиҳоним масжиди» деб атала бошланди. Сароймулк хонимнинг бу масжид қурилишига қизиқиб қарагани, ундан тез-тез хабар олиб тургани ва бу иш учун ўз бисотларидан бир қисмини хазинага топширгани элу халқнинг назар-эйтиборига тушган бўлса, ажаб эмас.

Уста Ўроқ билан Сайфулло Самарқанддан кетиб қолганларидан сўнг икки-уч кун ўтар-ўтмас шаҳарда қуйидагича афсонавий миш-миш тарқалди: «Бибиҳоним ўз отига бино бўладурғон масжидни кўрурга борибдур. Ушул пайт шамол туриб, маликанинг юзиндағи бурқани учириб юборибдур. Ҳавозада ғишт босиб турғон уста Бибиҳонимнинг ҳусни-жамолини кўриб, ўзини йўқотиб қўйибмиш-да, қаттиқ оҳ уриб юборибмиш. Андин сўнг малика уйига кириб, ўнта тухумни пишириб, ўн хил бўёққа бўяб, чиройиға ошиғу мубтало ўлиб қолғон устага кўрсатибдур. «Ҳой, уста, қани айтингиз, ушбу тухумнинг қайси бўёқлиси дурусту қайсиси нодуруст!» деб савол берибдур. Бибиҳонимнинг ғазабидин, қиличидан қон томган Амир Темурдан қўрққан уста бирлан анинг шогирди масжид минорасидан пастга тушабилмай ўзларига қанот ясабдулар-да, аллақайларға учиб кетибдулар. Шундин берли аларни ҳеч қим кўрмабдур...»

Самарқанд ва унинг атрофларига ана шу миш-мишлар тарқалган пайтда Уста Ўроқ шаҳардан унча узоқ бўлмаган Кўч қишлоғида «Қайроқ чўпон» номи билан бир хонадондан паноҳ топиб, қишлоқ аҳлининг подасини боқиб юрарди. Шуниси қизикки, қишлоқ кишилари юқоридағи афсонавий миш-мишни Уста Ўроқнинг ўзига ҳам айтиб бердилар. Уста эса, бу гапларни зоҳиран ҳайратланиб, аммо ички бир қўрқув ҳамда пинҳона завқ билан тинглади. «Гапга гап

кўшиладур дейилиши рост эркан, — дея ўйлади у ўзича. — Аввали, мен Сароймулкимга назарим тушган палламда оқ уриб йибормадим... Бўялган тухум ўн нафар эрмас, етти нафар эрди... Қанот ясаб учганимиз ҳам ғалат бўлибдур! Кошки эрди қанот ясаб учиш мумкин бўлур эрса! Бургут янглиғ учиб, Муҳаммад Жалданинг кўзини чўкилар эрдим!..»

Кўп ўтмасдан Самарқанд атрофларида яна бир миш-миш тарқалди. Бу миш-мишга кўра, Бибихоним масжидининг аллақайси девори Амир Темурга ёқмаган эмиш. Шунинг учун даҳшатли жаҳонгир бу иморатни қуришда иштирок қилган барча усталару хизматчиларни қиличдан ўтказган эмиш... Уста Уроқ бу миш-мишни ҳам эшитдию унга қанчалик ишониш-ишонмаслигини билолмай юрди.

Аслида, воқеа бошқачароқ бўлган эди... Соҳибқирон Амир Темур Самарқандга қайтган куниеқ Масжиди жомеъ иморатининг аҳволи билан қизиқди. Иморатнинг шу бугунгина битказилганини унга билдирдилар. Эртасига туш пайтига яқин соҳибқирон ўз амирлари, аёну боёнлари билан йигирма-ўттиз отлиқ қуршовида янги иморатни кўриш учун йўлга чикди. Улуғ амир ўзининг атақли ўн икки амири, вазир Хўжа Маҳмуд Шаҳоб ва бошқалар ўртасида одатдагидек мўтадил кайфиятда борарди, чамаси Самарқанддек қадимий шаҳарда ўз даврдан дурустгина ёдгорлик қолдираётганидан анча хурсанд ҳам эди.

Отлар шошилмасдан қадам ташларди. Амир Темур Масжиди жомега ён тарафдан ёки орқа тарафдан бормаслик учун айланма йўлдан юришни, янги иморатга кунчиқар ёқдан боришни тайин қилди. Ана шунда муҳташам Масжиди жомеъ унинг кўз олдида ўзининг бор чиройи билан намоён бўлиши лозим эди. Орада тахминан бирор чиқирим йўл қолганида иморат олдинги пештоқининг бўёқлари офтобда ярқираб кўринди.

— Бу недур ўзи, масжид равоғиму? — деб сўради Темур ҳайратда вазир Хўжа Маҳмуд Шаҳобдан.

— Аъло ҳазрат, бу Масжиди жомега киришнинг олдинги равоғидур, — деб жавоб берди вазир, — ажиб равоқ бўлибдур, салобатда Масжиди калоннинг равоғи бирлан баробар бўйлашадур.

Хўжа Маҳмуд Шаҳоб, улуғ амир менинг сўзимдан хурсанд бўлади, деб кутган эди. Йўқ, соҳибқироннинг авзойидаги ўзгариш унинг кутганидан бошқачароқ юз берди.

— Ажаб... Ғалат бўлибдур, — деди жаҳонгир. Негадир бирданига унинг кайфияти тундлашди, у ён-бу ён бурилиб, сўзлаб келаётган соҳибқироннинг буғдойранг юзи оқаринқираб кетди. Унинг ёнида бораётган амирлар: «Соҳибқироннинг жаҳли чиқаётир», деган маънода бир-бирларига сигир қараш қилиб қўйдилар...

Масжиди жомеъ иморатининг пойдеворини қуриш ишлари қизғин бошлаиб кетган кунларда Амир Темур навбатдаги сафарга жўнаш олдидан набираси Муҳаммад Султонни ўз ёнига чорлаб, бинонинг тарҳи-лойиҳасини яна бир бор кўздан кечириб, маъқуллаб берганди. Унинг назарида ҳовлига кириладиган дарвоза равоғи ҳам, равоқнинг икки ёнидаги деворлар ҳам пастқамгина қилиб қурилиши, ана шунда тўрдаги катта масжид ўзининг бор салобати билан кўриниб туриши лозим эди. Шу боисдан, баҳайбат олдинги равоқни кўрган Темурнинг кайфияти бузилди. Уртадаги масофа қисқаргани сари унинг юзи янада тундлашиб бораверди. Ҳеч ким чурқ этиб сўзлашмасди. Қулоқларга фақат отларнинг туёғидан чиққан овозларгина эшитиларди.

Масжиди жоменинг олдинги равоғи олдида мубошир Равшан Ҳайдар, ишбошилар — Хўжа Маҳмуд Довуд, Муҳаммад Жалда, кўплаб ўнбошилар, тоштарош усталар соҳибқироннинг ташрифини, отдан тушиб, бу мўтабар иморатни қуриб битирганларга таҳсин айтишини, ўзларига жолду-тортуқлар берилишини кутиб турардилар. Лекин воқеа кутилганидан кўра бошқачароқ бўлиб чикди.

Амир Темур ва унинг ёнида келганлар гап-сўзсиз отдан тушдилар. Жаҳли чиққан улуғ амир мубоширнинг ҳам, корфармоларнинг ҳам саломига алиқ олмади. Шундан кейин кутиб турганлардан бирон киши ҳам унинг яқинига йўлай олмади. Ҳамма бирор дақиқа иккала қўлини кўксига қўйганича қотиб қолди. Соҳибқирон билан бирга келганлар ҳам отдан тушганларича амр-



фармон кутиб туришарди. Амир Темур қош-қовоғини уюб олганича якка ўзи бирор муддат у ён-бу ён юриб турди. Унинг лаблари юқори кўтарилиб, соқолининг учи одатдагидан хиёл олдинроқда қимирлаб титрарди. Соҳибқироннинг феълени биладиган амирлар унинг жаҳли чиққанини аллақачон сезиб, юрак ҳовучлаганча ҳар қанақа жазою таҳдидга ўзларини тайёрлардилар. Амир Темур бошини кўтариб юқорига — равоқнинг учига, ёнларига қаради, очик дарвозадан ҳовли ичкарисига, тўрдаги масжидга кўз ташлади-да: «Ҳе, аттанг, аттанг», деган маънода бошини сарак-сарак қилди. Сўнгра ўзини кутиб турганларга қараб:

— Иморатга ғишт босқон уста қани? — деб сўради. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Равшан Ҳайдар ҳам, Хўжа Маҳмуд Довуд ҳам Муҳаммад Жалдага қарашди. Амир Темур қайтадан сўрамоқчи бўлиб вазирга қараётган эди, шу пайт Муҳаммад Жалда тилга кирди:

— Уста қочиб кетибдур, аъло ҳазрат...

— Не боисдан қочибдур?

— ...Биз ани маҳв этмоқчи эрдук... Эшитиб қолғон ўхшар...

— Бул кимса ким ўзи? — деб сўради Амир Темур Муҳаммад Жалдани Хўжа Маҳмуд Шаҳобга кўрсатиб.

— Иморатнинг иккинчи корфармосидур, олампаноҳим. Исми-шарифи Маҳаммад Жалда. Ул киши аввал ўнбоши эрди...

— Устани сен маҳв этмоқчимиз эрдинг? — деб сўради соҳибқирон Муҳаммад Жалдага тикилиб. Муҳаммад Жалда Амир Темурнинг ғазабли кўзларига қараб, ранги девордек бўзариб кетди. Тили аранг айланиб, саволга жавоб берди:

— Бўлак юртларда... олампаноҳ... уста... ушмундоқ иморатни битказмасун...

Амир Темур вазирга қаради:

— Не деб ғўлдирайдур бул валад?

Хўжа Маҳмуд Шаҳоб Муҳаммад Жалданинг сўзларини изоҳлаб берди. Шундан кейин Амир Темурнинг ғазаби яна ортди:

— Устани маҳв этгудек юмуш сенга қолибдурму? — деди соҳибқирон Муҳаммад Жалдага тикилиб. — Менинг мулкимда-я? Уста ўроқни эрмас, сендек ҳаромиларни маҳв этмак лузум эрмасму?.. Уста ўроқ ёнида мени-да маҳв этмак истарсен?!

«Уста ўроқ» сўзини тилга олганидан кейин баъзилар: «Соҳибқирон Амир Темур устани танир эркан-да», деб таҳликага тушиб қолдилар. Улуғ амирнинг ғазаби тобора алангаланарди.

Тўқайга ўт кетса, ғўлу қуруқ баравар ёнади, дейдилар. Бошқа вақт бўлганда хатоликнинг айбдори совуққонлик билан аниқланиб, ўшанинг ўзигагина жазо берилиши мумкин эди. Афсуски, бундай вақтларда соҳибқиронни жаҳлидан тушириш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди. Амир Темур қурилиш мубошири Равшан Ҳайдарга салобатли равоқни кўрсатиб:

— Қани, менга жувоб бер: бу не ўзи? — деб сўради ғазаб билан.

Ранги қув ўчиб кетган мубошир титраб-қақшаб:

— Олампаноҳ... р-равоқ... пеш... равоқ... — дея олди.

— Масжиди калон қани? Невчун кўринмайду?! Сен эшшакларга масжид керакму, равоқ?!.

— Ичкарида, олампаноҳ... Ҳовли тўрида...

— Мен ани девор устига чиқиб кўрайинму?!

Соҳибқироннинг ғазаби чексиз эди:

— Сенларга масжид керак эрдиму, осмон баравар қуруқ равоқ керак эрдиму? Масжиди калонни беркитиб қўйибдурсанлар-ку?! — деди.

Амир Темур аввал турган жойига келди. У ҳали жаҳлидан тушмаган эди, ғазабли кўзларини Муҳаммад Жалдага қадаб:

— Хўш, Уста ўроқнинг ёзиғи не эрди? — деди. — Шул улкан иморатга ғишт босиб гуноҳ қилиб эрдиму?! Сен ўзинг ким бўлибсен?! Сен мурдорни ушлашга қўлим ҳазар қиладур!.. Иккала корфармонинг ҳам қўл-оёғини боғлангиз! Отга судратиб Конигилгача олиб борингиз...

Қўл-оёғи боғланаётган иккала корфармо жаҳонгирга йиғи аралаш ёлборишар экан, Амир Темур юзини улардан тескари ўгириб, вазирга юзланди:

— Хўш, хўжам, ушбу юмушдин сизнинг хабарингиз йўқ эрдиму? Сиз қайда эрдингиз?

Хўжа Маҳмуд Шаҳоб йиғи аралаш соҳибқироннинг оёғига бош қўйиб ёлборишга тушди:

— Олампаноҳим! Кечиргайсиз, доғда қолдим. Не қилсангиз-да маҳв этмангиз мени. Кичик надимингиз бўлай, кафшингизнинг чангини артиб юрай...

Амир Темурнинг ғазаб олови салгина пасайгандек бўлди.

— Туринг ўрнингиздин, хўжам! — деди у. — Пайғамбар авлоди эрканингизга шукрона айтинг.

Амир Темур ён томонига ўгирилиб, ҳув нарида — Хўжаи Хизир масжиди ёнида қўл-оёғи боғланган иккала корфармони отларга судратиб олиб кетаётганларини кўрди-ю, ёнидаги амирларидан яна бирига буюрди:

— Сўзимни еткур: Конирилга қадар судратиб бориб, бошларини танларидин жудо этингиз... Уста Уроқнинг гўрига ўзи тушиб кўрсун!.. Ҳе, аттанг, аттанг, ушмундоқ таборик иморатни хароб қилиб қурибдурлар. Меҳнату сарф ҳайф кетибдур...

Кайфи бузуқ соҳибқирон Масжиди жомеъ ҳовлисига қадам босишни, Катта масжид ва кичик масжидларни кўришни кўнглига сиғдирилмади шекилли, аста-аста юриб отига минди. Амирлар ҳам дарҳол ёнида саф тортишди. Улар янги иморат атрофини айланиб ўтиб, Боғи дилқушо тарафга йўл олишди. Бироз юрганларидан сўнг, Амир Темур сафнинг энг ортида, тушкун кайфиятда келаётган вазири — Хўжа Маҳмуд Шаҳобни ўз ёнига чақиртириб олди.

## Х

Куз охирлаб қолди. Кечалари ҳаво совиб, ўт-ўланлар устини қиров қоплаб чиқадиган бўлди. Қорли, аёзли кишни бетаҳлика, беҳавотир ўтказиш тарадду-ди деҳқонлару чорвадорларни анчадан бери серҳаракат қилиб қўйди. Далага кўчиб чиққанлар кишлик уйларига қайтдилар. Бир неча ҳафта муқаддам гавжум бўлган шолиторлар, қовун-тарвуз полизлари ҳувиллаб қолди.

Кўч қишлоғида Қайроқ чўпон номи билан юрган Уста Уроқ куз охирларида ўз бошқарувидаги подани Зарафшон дарёси бўйидаги бўшаб қолган полизларда, шолиторларда айлантирадиган бўлди. Баъзи кунлари у поданинг ортида юриб, Чўпонота тепалиги ёнидан ўтган катта йўлнинг яқингинасигача бориб қоларди. Самарқанддалигида у бошига ихчамгина салла ўраб, эгнига қалами яқтак кийиб юрарди. Кўч қишлоғида у саллани қулоқчин-телпакка алмаштирди, устига почпаўстин кийиб олди. Шу кўринишда унинг Уста Уроқлигини у билан бир неча бор суҳбатда бўлганлар ҳам билмасликлари мумкин эди. У пода ортида катта йўлга яқин келиб қолган пайтларда Самарқандга бораётган ёки шаҳардан қайтаётган отлик, эшаклик, пиёда йўловчиларни мунғайибгина кузатар, яқинроқ масофада бўлса, ҳатто улар билан саломлашар эди.

Уста Уроқ ички бир туйғу билан Самарқандга интиларди. Самарқанд ҳам уни ҳаммишагидек аллақандай сеҳр билан имлаб-чорлаб тургандек эди. Аммо бошқа бир куч уни шаҳарга боришдин тийиб турарди. Аввало у Масжиди жомени қуришда қатнашган гуноҳкорлардан бири сифатида ўлиб кетишдан чўчирди (У Масжиди жомеъ олдида юз берган мудҳиш манзарани оғизма-оғиз ўтиб келган, қўшиб-чатиб кўпиртирилган миш-мишлар орқалигина биларди-да), қолаверса, ўзини шундоқ табаррук иморатга сўнгги ғиштларни териш навбати етганда қочиб қолган номард қиёфасида тасаввур этиб уяларди... Ана шу ўй-фикрлар Устанинг оёқларига тушов бўлиб турарди.

Уста Уроқ ўйлаб-ўйлаб, шаҳзода Улуғбекка бирорта хат юбориб, иложи бўлса уни кўришга, у орқали Самарқанддаги аҳволни билишга қарор қилди. Бир неча кунгача у хатни қай тарзда бошлаб, қандай тугатиш хусусида бош қотирди. Охирида шеърий тарзда қисқа мактуб ёзиб, ўзининг қаердалигини Улуғбекка билдирмоқчи бўлди. Ёзилажак сатрларни ҳам миясида пишириб қўйди. Бир кунги эрталаб, подани кишлоқдан ҳайдаб чиқатуриб, муллавачча болалардан қоғоз-қалам сўраб олди. Кундузи молларни анғизга ёйиб юбориб, ўрталиқдаги дўнглик устига чиқиб ўтирди-да, ўйлаб юрган сатрларини қоғозга туширди:

Меҳрибон шаҳзодам, тасанно сизга,  
Бир сўз бирлан умр бердингиз бизга...  
Беркинган манзилим Кўч отли қишлоқ,  
Қачон кўчишимни билмасмен бироқ.  
Излаш лозим бўлур сизга магарчи,  
Бунда менинг отим Қайроқ подачи...

Уста Ҳроқ ўзи битган сатрлар остига имзо чекмади, қоғозни тўрт буклади-да, устига: «Самарқандга етсун, шаҳзода Улуғбекка тексун», деб ёзди. Сўнгра дўнгликдан тушиб, катта йўл томон юрди. Мактубини отлиқ йўловчилардан бериб юборишга юраги дов бермагани учун эшак миниб бораётган ўрта ёшли бир йўловчини тўхтатди. Ундан шаҳарга бориш-бормаслигини сўради. Жавоб олганидан кейин қўйнидан мактубини чиқарди-да:

— Сиздин катта бир сўровим бордур, оға, — деди. — Кўксаройга яқинроқ жойга бориб турсангиз-да, ушбуни бирор кимсадин ичкарига киргузиб йиборсангиз...

Одий бир подачидан бунақа таклифни кутмаган йўловчи Уста Ҳроқнинг мактубини беихтиёр қўлига олди-ю, қийин аҳволда қолгандек, унга қараб тураверди. Уста Ҳроқ ўзи йўлаб қўйганидек, ёнидан битта кумуш танга чиқарди-да:

— Мана бул сизнинг хизмат ҳақингизга, — деди. Йўловчи олдинга пул олишга рўйхушлоик бермади, сўнгра, ноилож рози бўлиб йўлга тушди. Уста Ҳроқ эшак минган йўловчи қирдан ошиб кўринмай кетгунча унинг ортидан қараб қолди. Сўнгра кўнгли жойига тушиб, ортига бурилди.

Бироқ... Камбағалнинг ови юрса ҳам дови юрмайди, дейдилар. Уста Ҳроқ йўлнинг иккинчи тарафига ўтиб кетган иккита сигирнинг бошини қайириб қайтаётган пайтда шаҳар тарафдан келаётган бошқа бир эшаклик йўловчи ўзидан ўзи унга сўзланиб қолди:

— Эшитдингизму, амак, Амир Темур тағин чопулга<sup>1</sup> кетибдур?

— Оббо, тағин кетибдурму? — деди Уста Ҳроқ ҳайрон бўлиб. — Қачон кетибдур? Қай тарафга йўл олибдур?

— Мана ушбу тунда Хитой сари йўл олибдур, — деди йўловчи.

Уста Ҳроқ билан йўловчи ўз умрларида бир-бирларини биринчи марта кўриб турган эдилар. Аммо улар уруш-талашлардан безор бўлган эл-улуснинг вакили сифатида бамисоли эски қадрдонлардек сўзлашардилар. Йўловчининг сўзларини эшитиб, Уста Ҳроқнинг руҳи тушиб кетди. «Сароймулк ҳам бирга кетибдурму эркан? Менга меҳрибонлик қиладурғон шаҳзода Улуғбек ҳам бобоси бирлан кетиб қолғоч ўлса-я, — деган фикр ўтди Устанинг миясидан. — Анда мактубим бегоналарнинг илкига тушурму?» Уста Ҳроқ шу ўй билан қўрқа-писа йўловчидан сўради:

— Амир Темурнинг набиралари Самарқандда қолибдурларму?

— Соҳибқироннинг бутун хонадони йўлга чиқибдур. Набираларидан ёлғиз Султон Пирмуҳаммад Самарқандда қолибдур. Амирлардин Арғуншоҳ қолибдур. Бутун юртнинг инон-ихтиёри эмди шул икковнинг измида бўлур эркан.

Юраги орқасига тортиб кетган Уста Ҳроқ беихтиёр:

— Оббо! Чатоқ бўлибдур! — деб юборди.

Уста Ҳроқ жаҳонгирнинг ўн икки амиридан бири бўлмиш Арғуншоҳ ҳақида анча-мунча гаплар эшитиб юрарди. Арғуншоҳ чиндан ҳам салла олиш буюрилса, калла оладиган амалдорлардан эди. Аммо эшакли йўловчи устанинг кўнглидан ўтганини билмасдан, ўз тушунчаси бўйича сўзлади:

— Тўғри айтурсиз, — деди у. — Осойишта тириклик кечириш ўрнига уш-мунча бисёр уруш-чопул қилавериш не даркор эркан ўзи?!

Йўловчи шу гапларни айтатуриб эшагига хила босди. Уста Ҳроқ унинг оғзидан эшитган янги хабардан огоҳ бўлдию турган жойида ҳангуманглигича қолаверди. Бу хабар билан Устани Самарқандга имлаб-чорлаб турадиган сеҳрли ришта «чирт» этиб узилгандек бўлди. Улуғбекнинг Амир Темур хонадони билан сафарга жўнаши эса, Уста Ҳроқ учун дард устига чипқондек туюлди... «Мактубим кимнинг илкига тушар эркан? — дея ўйланиб қолди у лабини тишлаб. — Кимнинг илкига тушса-да, дуруст бўлмайдур».

Уста Ҳроқнинг юрагига ваҳима оралагани бежиз эмас эди. Мабодо унинг

<sup>1</sup> Чопул — уруш.

хати чиндан ҳам Арғуншоҳнинг қўлига тушиб қолса, бераҳм амир Устани излаб топтириши, то Улуғбек сафардан қайтгунича уни ушлаб туриши, зиндонга солиши ёки бирор фалокат билан ўлдириб юбориши ҳеч гап эмас эди... Шуларни ваҳима билан хаёлидан кечирган Уста бу қишлоқдан ҳам кетишни, ўзини бошқа бир пана жойга олишни мўлжаллаб қолди. Шу боисдан, Уста Ҳуроқ кеч киришини сабрсизлик билан кутди.

Кечқурун у пода билан қишлоққа қайтди-да, тунда — эл оёғи тинганидан сўнг ҳеч кимга билдирмасдан йўлга тушди. Кундузи пода боқиб юргандаги йўллардан юриб, Зарфшон дарёси кўпригига борди. Кўприкдан ўтиб, сўлга бурилдию сув оқимида ҳамроҳ бўлиб кетаверди. «Мана эмди тагин саргардонлик кунларинг бошланди, Ҳуроқбой, — деярд у йўл-йўлакай ўзига. — Пешонанг ушмунча ҳам шўр бўлмаса сенинг! Улуғбекнинг сафарга отланганин мактуб йибормасдин аввалроқ билмаганинг ғалат ўлди-да. Отғон соққонингнинг тескари кетгани шул эрмасму?...»

Уста Ҳуроқ тунда узоқ йўл юрди. Вақт ярим кечадан оғиб, хўрозлар бир марта қичқираётган маҳалда аллақандай бир қишлоқ яқинида пўстинига ўраниб озгина дам олди. Тонг бўзараётган пайтда ўрнидан туриб яна йўлга тушди. Дарё бўйида ўсган ёввойи жийдазорларни, жангалзорларни оралаб юрди, қишлоқ ичидан ўтди. Юрагига ваҳима тушганидан қанча юрса оздек кўринадди, гўё ортидан кимдар қувиб келаётгандек бўлаверарди.

Уста Ҳуроқ тахминан пешин пайтларида Алиобод деб аталмиш бир қишлоқнинг ҳаммоми ёнидан чиқиб қолди. Ҳаммом соҳиби унинг кўзига одамшаванда киши кўринди. Уста Ҳуроқ унга ўзининг саргардон йўловчи эканлигини айтиб, шу ерда бир неча кун дам олишга изн сўради. Соҳиб эса, чамаси кўпдан бери шу тахлид бир хизматкорга зориқиб юрган бўлса керак, уни гўлаҳлик хизматига таклиф этди. Уста Ҳуроқ соҳибнинг таклифига рози бўлди. Шу ерда ишлаб, ётиб юраверди. Уста Ҳуроқнинг юрагида ягона бир ният — умрининг сўнгги кунларини Самарқандда ўтказиш илинжи бор эди. Ана шу илинж уни узоқ-узоқларга кетиб қолишга йўл қўймас эди.

## XI

Қиш қаттиқ келди. Жаддий<sup>1</sup> ойида уч бора росмана қор ёғди. Самарқанд атрофидаги тоғу қирлар қордан қалингина «телпак» кийиб олишди. Аёз кучли эди. Офтоб чиққан кунларда ҳам деярли эрувгарчилик бўлмасди. Далв<sup>2</sup> ойида яна бир неча марта ёғингарчилик бўлди. Далалар оппоқ кўрпа остида мириқиб ухларди.

Қиш қанчалик қаттиқ келган бўлса-да, Уста Ҳуроқ совуқдан азият чекмади. Ҳаммом гўлаҳининг тирикчилиги маълум: асосий вақти ўтин ташиш ва олов ёқиш билан ўтади. Тунлари эса, ҳаммомнинг иссиққина остонасида ҳузур қилиб ухлайди. Алиободдаги ҳаммом қиш фаслида шаҳарлардагидек гавжум бўлар, ечиниш хонанинги ёнидаги баландроқ қилиб қурилган меҳмонхонада беш-ўн нафар мусофир тунаб ҳам қолаверар эди. Бу ерга қўшни қишлоқларнинг одамлари ҳам ўзларини поклаш учун келишар, ёз ва куз фаслларида меҳнат билан банд бўлган деҳқонлар кўпинча шу ерда бир-бирлари билан учрашар, ҳаммом ёнидаги махсус хонада бир коса шўрва ёки бир пиёла чой устида вақtlари борича суҳбатлашар эдилар.

Уста Ҳуроқ, ҳаммом соҳибининг маслаҳатига кўра, Алиободга келган дастлабки ҳафталариданоқ гўлаҳлик хизматидан ташқари ҳар куни катта бир қозонда шўрва қайнатадиган бўлди. Шу сабабли уни ҳеч ким «гўлаҳ» деб атамасди, ҳамма «ошпаз чол» деб гапирарди.

Уста Ҳуроқ замонанинг зайли билан Алиободга келиб, кун ўтказиб юрар экан, бу ерда қачондир шаҳзода Улуғбекни учратиш, Сароймулк хонимни яна бир марта кўришни сира хаёлига келтирмасди, бунақа ҳодиса юз бериши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. Лекин бу кўҳна дунё тасодифлардан, ажойиб-ғаройиб ҳодисалардан холи эмас-да. Вақти-соати етиб Алиободда худди шундай воқеа юз берди...

<sup>1</sup> жаддий — декабрь

<sup>2</sup> Далв — январь

Бутун умри уруш-талашларда кечган соҳибқирон Амир Темур 803 ҳижрий сананинг жаддий ойида ўзининг сон-саноқсиз лашкари билан навбатдаги сафарга йўл олди. Бундан сал муддат аввал Туркия ва Гуржистон тупроғидан ғалаба билан қайтган Амир Темур Самарқандда ҳаммаси бўлиб уч ойгина дам олди. Еши олтмиш тўққиздан ўтиб, етмишни қоралаб бораётган, кексайиб қолган жаҳонгирнинг қалби мамлакати ҳудудларини яна ҳам кенгайтириш ишқи билан ёнарди.

Кўпдан бери Хитой устига юришни мўлжаллаб юрган буюк соҳибқирон йўлга чиқиш олдидан ўз амирлари, уламолар, вазирлар, саркардалар билан кенгаш ўтказди. Ҳеч бўлмаса, бундан бу ёғига ҳаловатли ҳаёт кечириш ниятида юрган айрим беклар, амирлар, саркардалар сафарни қиш чиққунча кечиктириш, нафасни ростлаб олиш лозим, деган мазмундаги таклифни ўртага ташладилар. Сафарни ҳозирдан кечиктирмаслик зарур, деган уламолар саркардалару амирлар эса, ўз мулоҳазалари билан эмас, жаҳонгирнинг майлига кўра сўзладилар.

Амир Темур ўз фикрида қатъий эди, сафарга чиқиш муддати кечиктирилмади. Лашкарлар, айрим сардорлар, саркардалар орасида янги юришга нисбатан нохуш кайфият борлигини сезган соҳибқирон Шош<sup>1</sup> шаҳрида яна кенгаш ўтказди. Унинг қатъий фикрига кўра, лашкар ўз йўлини давом эттирди. Утрор шаҳрига етганларида аёз яна ҳам кучайиб кетди. Дарёнинг икки қирғоғидан анча ичкарилиқкача сув устини юпқагина муз қоплаганди, фақат ўрталикда сувнинг ҳаракат оқими аранг кўриниб турарди. Лашкарларда ҳам, саркардаларда ҳам яна иккиланиш бошланди. Музлаган дарё ҳам, унинг ортидаги яланглик ҳам барчанинг назарида нажотсиз, хосиятсиз ўпқон бўлиб кўринарди.

Лашкарларидаги иккиланишни пайқаган соҳибқирон Амир Темур уларни дадиллантириш учун дарёга биринчи бўлиб ўзи от солди. Амир Эгов Темур ва бир-икки саркарда унинг ёнидан, ортидан юрдилар. Жаҳонгирнинг остидаги от қирғоқдаги музга етганда чўчиб ортига тисарилди, қандайдир нохушликни сезгандек кишнаб юборди. Темур отга қамчи босди. От силтаниб олдинга интилди, музни қисирлатиб синдирганича ичкарилиб борар экан, дарё ўрталлиғига етай деганда, нима сабабдандир тойганиб кетди, орқаси билан ўтириб қолди. Отдан сирғалиб бораётган, салкам кўкрагигача сувга ботган Темурни бир саркарда қўлтиғидан аранг ушлаб олди. Амир Эгов Темур унга ёрдамга келди. Дарё ўртасида оқимнинг кучи зўр эди. Амир Темурнинг оти, югани оёғига илиниб қолдими ёки бошқа сабаб бўлдими, негадир ўзини ўнглаб ололмади. Бир-икки силтанди-ю, бошини кўтарганча оқиб бораверди. Охири кўпчиликнинг кўз олдига чўкиб кетди.

Ҳамма ёғи шалаббо ҳўл бўлган кекса соҳибқиронни қайтариб қирғоққа олиб чиқдилар. Бир неча киши уни қўлтиғидан суяганча чодирга олиб борар эканлар, у йўл-йўлакай:

— Барибир йўлимиздин қайтмағаймиз. Саёз кечув излангиз, ушбу дарёдин ўтурмиз, — деб борар эди.

Бироқ бу гал унинг айтганлари рўёбга чиқмади. Қаттиқ аёзда сувга ботиб, ўзини олдирган Амир Темурда ўша соатдан эътиборан зотилжам касаллиги бошланган эди. Лашкар Утрорда туриб қолди. Соҳибқирон ўзининг шу ердаги хос хонасида узоқ ётди. Амир Темурнинг даволовчи табиби Фазлуллои Табризий жаҳонгирнинг соғлигини ҳар куни кўздан кечириб, лозим муолажаларни бажариб турди. Касаллик тобора оғирлашиб, ниҳоят икки ой деганда жаҳонгир Утрорда оламдан кўз юмди.

Юртни, эл-улусни ваҳимага туширмаслик, тож-тахт талашлари дафъатан афж олиб кетмаслиги учун дастлабки кунларди Амир Темурнинг ўлимини сир тутдилар. Унинг жасадини ими-жимиди Самарқандга келтириш, сўнгра дафн этиш лозим эди. Шу мақсадда бутун лашкар Утрордан изига қайтди.

Соҳибқироннинг бир неча набиралари ҳамда ўнлаб қоровул суворийлар билан лашкардан барвақтроқ йўлга чиққан улуғ малика — Сароймулк хоним Самарқандга бир кун аввал етиб келди. Амир Темурнинг жасади етиб келгунга қадар бу ерда дафн маросимларига тадорик кўрилиши лозим эди. Бироқ бу

<sup>1</sup> Шош — ҳозирги Тошкент.

ерда улар кутилмаган тўсиққа дуч келдилар: Султон Пирмуҳаммад Ургут тарафга шикорга кетгани туфайли Самарқанддаги барча дарвозаларни беркитиб олган тўнкафеъл амир Арғуншоҳ Бибиҳоним бошлиқ кишиларни шаҳарга киритмади.

— Дарвоза ачқичин Султон Пирмуҳаммаддин бўлак кишига бермай-им! — деганича оёқ тираб туриб олди амир Арғуншоҳ. Бибиҳоним ва унинг билан бирга келганлар ноқулай вазиятда қолдилар. Амир Темурнинг ўлими ҳақида амир Арғуншоҳ сингари тўнкафеъл кимсаларга сира ҳам оғиз очиб бўлмасди. Шаҳар ташқарисида дилдираб тураверишдан фойда йўқлигини сезган улуғ малика ўз атрофидаги суворийларга:

— Бирор ёвуқроқ қишлоқ сари йўл олув даркор, — деди. Бироз юрганларидан сўнг қўшиб қўйди: — Ёвуқроққа қўнмагаймиз, хавфлидур, олисроқ-да қўнур эрсак, беҳавотир дам олмоқ мумкин бўлур...

Тасодифни қарангки, Бибиҳоним ва унинг суворийлари ўз йўлларидаги бир неча қишлоқларни ташлаб ўтиб, қош қорайган маҳали Алиободга етиб келдилар ва дам олиш учун шу қишлоқнинг ҳаммомини танладилар.

Ун беш-йигирма чоғли суворийнинг тўсатдан келиб, таппа-таппа отдан тушаётганини кўрган ҳаммом соҳиби ҳам, гўлаҳ Уста Уроқ ҳам кўрқиб қолишди. Соҳиб эндигина уйига кетмоқчи бўлиб турган эди, Уста Уроқ эса, шўрвадан бўшаган қозонни, сопол косаларни ювиб бўлиб, ҳаммом ортидаги чала ёнган тарашаларга сув сепиб ўчирмоқда эди.

— Ҳаммом соҳиби сиз эрурмисиз? — деб сўради суворийлар бошлиғи йўғон, дўриллоқ товушда. Узича, бирор нокаснинг иғвоси билан бало-қазога учрадим шекилли, деб юраги пўкиллаб турган соҳиб кўрқа-писа:

— Мен бўлурмен, тақсир, — деди. — Хизмат буюринг, бажарурмиз...

— Биз соҳибқирон Амир Темур одами эрурмиз. Шул ўттиз чоқли суворийга бир кечалик қўналға, емак зарурдир.

— Пойқадамларингизга ҳасанот, тақсир! Етса молимиз бирлан, етмаса жонимиз бирлан хизмат этурмиз.

— Отларимга ҳам ем бергайдурсиз, — деди суворийлар бошлиғи.

— Ем-хашак ҳам топилур, тақсир. Лузум кўрсангиз хонадонлардин ҳам ётоқ топилур.

— Шул ҳаммомда илож топиб нафас ростлағаймиз. Тонг бирлан йўлға чиқадурмиз...

Сароймулк хоним билан бир неча каниз ҳамда соҳибқироннинг икки ёш набираси — Улуғбек ва Иброҳим Султон ҳаммом ёнидаги махсус хонага ўрнашдилар. Суворийлар бошлиғи ва айрим суворийлар учун ҳаммом остонасига, ҳаммом йўлагидаги дастлабки хоналарга кўрпачалар тўшалди. Саккиз-ўн чоқли суворий отдан тушмасдан ҳаммом атрофида у ён-бу ён айланиб юришди.

Уста Уроқ, ҳаммом соҳибининг топшириғи билан, қозон остига қайтадан ўт ёқиб, шўрва тайёрлашга киришди. У ҳаммом ортида юргани учун келганларнинг барчаси сарбозлар бўлишса керак, деб ўйлаган эди, улар орасида Сароймулк хоним билан соҳибқироннинг неваралари борлигини билмас эди...

Шаҳзода Улуғбек шўрва сузилаётган пайтда икки сарбоз ҳамроҳлигида ҳаммом атрофини айланишга чиқди. Бироз айланиб юрганларидан сўнг улар ўчоқбошига келдилар. Бу маҳалда ошпаз чол — Уста Уроқ сўнгги косаларга овқат сузаётган эди. Улуғбек ўз ёнидаги икки сарбоз билан қозоннинг орқа тарафидан келиб, «ошпаз чол»га қараб турди. Учоқдаги чўғнинг ланғиллаб, бот-бот аланга чиқариб атрофни ёритиши сабабли Уста Уроқнинг юз-кўзи дурустгина кўриниб турарди. Қариянинг ўзи эса, қоронғуда қозон ортидагиларнинг шарпасинигина кўрарди. Шу пайт шўрва ташиётган сарбозлардан бири чолдан сўраб қолди:

— Бир тоифа сарбозлар хўракни мўлроқ ейдурлар, қозонда томоқ етарлиму?

— Томоқ етарлидур, тақсирлар, етмаса яна пиширурмиз, — деди чол.

Боянд бери Уста Уроқни танигандай бўлиб, лекин иккиланиб турган Улуғбек чолнинг овозини эшитганидан кейин:

— Сиз кимсиз? Уста Уроқ бобом эрмасмусиз? — деб юборди ва қозонни айланиб ўтиб, яқинлаб келди. Кутилмаганда Уста Уроқ шошиб қолди:

— Сиз... сиз... Улуғбек? — деди у олдигинасида турган шаҳзодага. — Сарбозлар орасинда келган эрдингизму?

— Шундай, Уста бобо.

— Э, шаҳзодам, бормусиз... Сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку...

Уста Уроқнинг ўн қўлида чўмич бўлгани учун чап қўли билан Улуғбекнинг елкасидан қучиб, унинг пешонасидан ўпди, сўнгра кўзларидан чиққан икки томчи ёшни кафтининг орқаси билан артиб ташлади.

— Сизни кўролмасдин ўлиб кетар бўлдум, деб юриб эрдим, шаҳзодам.

— Мен ҳам сизни тирик кўрганимдин хурсандмен, Уста бобо.

— Сизнинг иноятингиз, меҳрингиз бирлан омон қолгонмен, шаҳзодам, мана, оллоҳга шуқр, тирик юрибдурмен.

— Самарқандга қачон борурсиз, Уста бобо?

— Оллоҳ насиб этса, борурмиз, шаҳзодам. Сизлардин изн ўлса... Гуноҳим кечирилғон ўлса...

— Уста бобо, сизнинг жонингизга қасд этган Муҳаммад Жалда қатл этилди, эшитдингизму?

— Эшитиб эрдим, шаҳзодам... Қайдин келадурсиз, қайга борадурсиз? Сафарга бемаҳал отланибдурсизлар?

Амир Темурнинг ўлими хусусида сўзлаш манъ этилгани сабабли Улуғбек бу ҳақда сўзламади.

— Э, бобожон, узоқ манзиллардин келурмиз. Тонг бирлан Самарқандга борурмиз...

Амир Темур бобосининг ўлимини эслаб хўрлиги келди шекилли, Улуғбек бурилиб кета бошлади.

— Яхши дам олингиз, шаҳзодам, дуруст тушлар кўринг, — деди Уста Уроқ унинг ортидан қараб...

Сароймулк хоним, кечки таомдан сўнг, Уста Уроқни ўзи қўнган хонага чорлатди. Улуғ маликанинг бундай иноятдан қувониб кетган Уста Уроқ ҳаммом ёнидаги хонага кирди-ю, ҳар куни ўзи кириб юрадиган бу жойнинг мўътабар инсонлару буюм-жиҳозлар билан ўзгача салобат касб этганидан ҳайрон бўлгандек, остонада туриб қолди. Сароймулк хоним хонанинг тўрида, баланд кўрпачалар устига чўккан эди. Унинг икки ёнида икки канизак маликанинг буйруғига маҳтал ўтиришарди. Уччаласининг ҳам юзига бурқа тортилган. Улардан қуйироқда, ўнг тарафда Улуғбек билан Иброҳим Султон икки сарбоз ҳакамлигида сатранж ўйнашарди. Хонанинг тўрт тарафида шам ёниб турибди.

— Ассалому алайкум, улуғ маликам! — деди Уста Уроқ эшик олдида туриб, ўнг қўлини кўралига қўйганича.

— Ваалайкум ассалом! Келинг, Уроқбой, бори-бардаммисиз, омон-эсон-мисиз? — деди Бибиҳоним.

— Кўп раҳмат, улуғ маликам! Узингиз сиҳат-саломат юрибдурсизму? Соҳибқиронимиз эл-улус бахтига соғ-омонмулар?

— Сизга олқиш бўлсин, Уроқбой, — деди Бибиҳоним сўнги гапни эшитмагандек. — Сизнинг кўп азият-азоб чекканингизни эшитиб эрдим. Шундай иморатга усталик қилиб, савоб ўрнига увол олдингиз, бори гапдин хабардормен...

Сароймулк хоним шу гап асносида юзидаги бурқани кўтариб орқага ташлади. Уста Уроқнинг назарида хона аввалгидан кўра хийла ёришиб кетгандек бўлди. Канизлар ҳам маликага тақлид этишиб, юзларини очиб юборишди. Уста Уроқ ҳайрату ҳаяжон билан Бибиҳонимга тикилганича:


— Ташаккур, улуғ маликам, минг бор қуллуқ сизга! — деди. Унинг бу сўзлари Сароймулк хонимнинг гапларига жавоб тарзида айтилдими ёки ўз жамолини унга яна бир бор кўрсатгани учун севгилисига раҳмат тарзида айтилдими — буни Уста Уроқнинг ўзи ҳам билмасди. Бибиҳонимнинг юз-кўзида аввалгича тароват, нур, аёлларга хос майинлик ва меҳр бор эди. Бироқ Уста Уроқ маликанинг кўзларида негадир ғам-андуҳ ва афсус-надомат аломатларини кўргандек бўлди. Шу пайт Улуғбек ўйиндан бош кўтариб, Бибиҳонимнинг ёнига борди-да, бибисининг пинжига тикилиб, қулоғига нималардир деб шивирлади. Сароймулк хоним, йўқ, мумкин эмас, дегандек бошини сарак-сарак қилди. Улуғбек яна жойига келиб ўтирди.

— Эмди бундин буён оллоҳ омадингизни бергай, Уроқбой, — деди Биби-

хоним сўзини давом эттириб. — Ҳар бандаи мўмин пешонаға ёзилгонин кўрур эркан, тақдирга бир нимарса деб бўлмас эркан... Самарқандга боринг, ўз кўлингиз бирлан қурган иморатни кўринг. Магар бирор нимарсага зориқсангиз, айтинг, илкимиздин келур эрса, кўмак бергаймиз.

— Минг бор раҳмат, улуғ маликам, шул сўзларингизнинг ўзи биз учун бебаҳо иноятдур. Сизни, меҳрибон шаҳзодам Улуғбекни бир умр унутмағаймен. Хайр, ҳамиша соғ-саломат юрингизлар, улуғ маликам!

Уста Уроқ узоқ туришни ўзига эп кўрмай хонадан чиқди. У йўл-йўлакай йўлаб борар эди: «Илкимдин келса, кўмак этурмиз», дейди-я. Соҳибқироннинг аёли — улуғ маликанинг илкидин келмас не бор эркан ўзи?.. Майли, соҳибжамолим, сендин менга ҳеч нимарса даркор эрмас. Уроқбойингни жамолинга яна бир бор мушарраф этдинг, садоқатли қулинг учун шул иноятнинг ўзи ҳар недин ортуқдур...»



## Журнал хонларнинг мақтублари

\* \* \*

1. Уқитувчи эдим. Ҳозир қарилик нафақасидаман.
2. 1985 йилдан буён обунаман.
3. Уни мунтазам ўқиб бораман.
4. Ҳар бир босилаётган асар тарбиявий аҳамиятга эга, албатта. Умуман, ойномада эълон қилинаётган асарлар бир-бирини қувватлаб туради. Масалан, «Кўзга кўринмас махлуқ» достони ва К. Дўстмуҳаммаднинг «Бош сабаб» мақоласи бир-бирига ҳамоҳанг. Шу анъанани давом эттиравериш керак.
5. Ойноманинг ҳақиқатан ҳам «Шарқ»нинг «Юлдузи» бўлишини истаيمان.
6. Ёшим 65да.

А. ҚАЮМОВ, Тошкент шаҳри

\* \* \*


Авалламбор, сизларни ойноманинг 60 йиллик тўйи билан қутлайман. Ойномада эълон қилинаётган асарлар сифатининг яхшилангани менга маъқул келди. «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи», М. Қошғарийнинг одоб-ахлоққа оид асари. Беҳбудий, А. Авлоний, И. Богистоний рисоаларининг эълон қилиниши журнал обрўсини кўтарди. Кейинги сонларда Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Абу Наср Форобий ва бошқа олимларининг қизиқарли асарларидан мутолаи қилишни истардим.

Р. КАМОЛОВ, Фарғона

\* \* \*

1. Жамоа хўжалиги ишчисиман.
2. Узоқ йиллар аввал Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» асари босилган эди. Журнални шундан буён ўқийман.
3. Мунтазам обуна бўламан.
4. Саид Аҳмад, Тўлепберген Қаипбергенов, Чингиз Айтматовнинг асарлари маъқул бўлди.
5. Истагим: тарихий мавзудаги асарлар кўпроқ босилса.
6. Исмү шарифим Худойберди Райимбердиев, таваллудим 1947 йил. Сирдарё вилоятининг Боёвут ноҳиясида истиқомат қиламан.





Йўлдош Эшбек

## БУ ОЛАМ МЕҲРИ НАДУР...

### Мен орли хорларни севдим!

Ҳар қачон дилимда қандайдир қафас —  
Синдирсам, бир гўзал синдирсам девдим.  
Шухратли, эркатой зотларни эмас,  
Мен номсиз ва орли хорларни севдим!

Улуғлар бўйнига дор бўлиб тушган,  
Ёзув чилвирларни узолсам девдим,  
Ҳар қачон қўлимда қандайдир кишан,  
Мен эркнинг қон силққан қўлларин севдим!

Кўҳна табибларни изладим ёниб,  
Табиблар малҳамга зор экан, сездим,  
Шифосиз замондан, ёмондан тониб,  
Меҳрга муҳтожни жон силқиб севдим!

Оллоҳ деб жойнамоз узра саждага  
Бош урган чолларга боқдим мўлтираб.  
Чархи кажрафторга, феъли кажларга  
Жимгина йўл бердим гоҳо қалтираб.

Бўйним томирлари синди қарсиллаб,  
Нокаслар қошида бош эгмай девдим.  
Ночорлар қўрига кирдим чарсиллаб  
Ўқтам ёлғизларни жон-дилдан севдим!

Ҳар қачон қўлимда қандайдир кишан —  
Озодлик майини нўш этсам девдим,  
Қай вақт юрт бошига тож бўлиб тушган  
Ғафлат тошин олиб ушатсам девдим!

Томоғим тугилган,  
Тилим тугилган,  
Ёлғиз бахтсиз эсам, бахтлиман девдим.  
Ватаним ёлғиздир,  
Бели бўғилган —  
Элимни жон ҳамда дилимдан севдим!

## Т е м у р   т о ш   к е с а д и

Ислом туғи эди яшил аланга,  
Темур юксак тутди имон яловин.  
Диндор дунё чопди ҳар кун самога,  
Даҳрий дунё топди бир кун қаловин.

Даҳрий дунё, сенга саломим бўлсин,  
Фақат эътиқодга тош отмасанг, бас.  
«Ислом лашкарлари зиёга тўлсин,  
Ислом лашкарлари, бирдай олға бос!»

Ислом лашкарлари—Қуръон ояти —  
Таралиб боради тўртта кутбга,  
Ислом лашкарлари менинг ҳаётим!»—  
Деб Темур баландроқ боқди уфққа.

Ҳар гал ғолиб келди нечун жаҳонгир,  
Ҳар гал жаллод дея лаънатладик, ҳа!  
Бордию рўбару элтсайди тақдир,  
«Лаъ-лаъ»лаб қолмасми лаънатлаган лаб.

Кўплаб бош кесгани тўғридир балким,  
Менинг ҳимоямга муҳтожмас Темур.  
Нечун бош ғояси — Ҳилолнинг расми,  
Нечун бош сояси — оппок... юлдуз, нур?!

Темур тош кесади, иродадан тош,  
Тошкесар тухматнинг лошини кесар.  
Темур бош кесади, минорадан бош,  
Бошкесар мақсаднинг бошини кесар.

Энди лаънатимиз етгайми унга,  
Башорат ёр бўлган туркий умматга.  
Темур тиг қадайди ям-яшил кунга,  
Темур тиг қадайди қизил зулматга.

Темур юзлаб йиллар тўлдирмоқдами,  
Етмиш йил қирилиб ётган имонни.  
Юртга Темур келиб ўлдирмоқдами,  
Ҳар йил ўттиз уч минг нораства жонни?!

## Куй

Демаким жон ўртанур, тўлғанур гоҳ жонча куй,  
Бу олам меҳри надур — куш дилида қонча куй.

Куй фақат золим ҳаёт ичра яшаркан то абад,  
Тинглар одам бош эгиб, эгмас бўюн—исёнча куй.

Мангуми, онийми ё, уйқуга бўлсам мойил,  
Уйғотур — ҳушёр этур бир ажиб имконча куй.

Фоже ичра ўлкалар, юрт фоже қўйнидаким,  
Банд этур зиндонча куй, қутқарур осмонча куй.

Мен замон бирла оламдин не учун қилмай гина,  
Ки мангу жаҳонча куй, инжадур замонча куй.

Қуй менга куйдай шароб, дил озод ўлсин яна,  
Нўш этай, қонимда жўш, ҳурча куй, ғилмонча куй.

Соҳиби олам эрурки, муғанний, аслида,  
Йўқ оламда ҳеч наво, онча куй — Қуръонча куй.

Қўй, Йўлдош, куй васфини, то камол касб этмадинг,  
Одам Ато танига жон ато — имонча куй.

## Қиличдай йигитлар

Михаил Булгаков хотирасига

Қиличдай йигитлар турибди қатор,  
қиличдай.  
Қирилиб кетмоқда, қирилиб бекор,  
уришмай.  
Кутар ой томондан,  
Миррих томондан  
омонлик.

Ёмонлик келмоқда, қайси ёмондан —  
ёмонлик.  
Бўлажак сарбон,  
бўлажак қурбон,  
кетдилар —  
Бўлажак меҳрибон,  
Бўлажак посбон,  
кетдилар.  
Бурнининг тагини кўрмас оломон.  
Қиличдай йигитлар турибди қатор —  
қиличдай.  
Қирилиб кетмоқда, қирилиб бекор,  
уришмай.  
Биттадан, ўнтадан, сўнгра мингтадан...  
қайси минтақадан,  
қайси қитъадан,  
ким фармон юборар, қандайин фармон?!  
Оёғин остига боқмас оломон.  
Кўчаларда ниқоб...  
Уйга эшиклар ниқобдай  
тақа-тақа ёпилар.  
Бутун мамлакатда бирорта уйғоқ,  
қурбон бўлишга улгурмаган  
бирорта огоҳ топилар?  
Филнинг хартумидай  
мамлакат ҳайрон,  
шалпайган,  
Раҳбар бўлмаганлар, раҳбарлар ҳайрон,  
ялпайган!  
Қиличдай йигитлар турибди қатор,  
қиличдай,  
Қирилиб кетмоқда, қирилиб борар,  
уришмай.  
Чегарадан ўтса, балки тutilмас?!..  
Тупканнинг тубига тушса қутулмас!  
Ё худо, деб чоллар устепан тушар,  
тикилар.  
Чакмонлилар, соқоллилар ва устомон учар,  
йиқилар.  
Олис юлдузлардай шонлар сўнмоқда,  
шон!  
Бинафша ҳақиқат,  
бойчечак имон.  
Тузум, бу ёлғондир,  
тузум, бу ёлғон!  
Сенга берармиди насиба, насаб;  
Йўқлик «худо»си —  
кўринмас қиёфа,  
кўринмас мансаб —  
кўғирчоқлар подшоси?!  
Кўғирчоқбоз тетик,  
аслида, писмиқ — кўғирчоқ йиғиндиси.  
Истеъдодсиз томошабин — халойиқ,  
оғзи гўрдай очилар.  
Мукофот — қисматдур,  
яшаш ҳолойиқ,  
кўғирчоқбозга шараф сочилар.  
Қиличдай йигитлар турибди қатор,  
қиличдай,  
Қирилиб кетмоқда, қирилиб бекор,  
уришмай.  
Биров топар, ейди бошқалар,  
бу ростдир.  
Қитмирлик манбаи қайда, тушунинг,  
вў — ланд!  
«Сехргарлар, жодугарлар юртидир ини,  
Вў, лаънат!»

Кетмайди ҳеч қандай усталик,  
усталик!..  
Илдизи қайда?  
Қайси юрт даҳоли — устали...  
Анграйма!  
Устал...ли...н...эга!..  
«Мамлакат душмани пастда бўлади,  
жуда ҳам пастда!»  
Қичқириқ.  
Фақат овозсиз.  
«Тузумнинг душмани катта бўлади,  
жуда ҳам катта!»  
Фарёд.  
Фақат фарёдсиз.  
Тушлар ваҳимали — яқинлар лоши  
танга урилар,  
ранги сомонми...  
қолганлар пайпаслар тунлар ўз бошин —  
«Омонми?!»  
Кўркув!  
Кўркув!  
Пардай енгил қилар,  
қушдай юритар,  
қанотсиз,  
кўркув!  
Зилдай оғир қилар,  
тинка қуритар,  
нажотсиз,  
кўркув!  
Сехргар учмоқда — кўринмас ўқдир.  
Борми ватани?!  
«Жаҳолат заққумин илдизи йўқдир!»  
«Бор бўлса, қани?!»  
«Чуқурдан-чуқур!»  
«Қиришга арзийди нодонлар тўп-тўп!  
Тўп?  
Қани!  
Айниган қовуннинг уруғидай кўп!  
Ўп!  
Қани!  
Базм бу!  
Айлангин!  
Заминдан тезроқ!  
Ҳаёт бол, ширин!  
Оломон ҳалимроқ!  
Сарбонлар ҳезроқ!  
Яширин!»  
Қиличдай йигитлар турибди қатор,  
уришмай.  
Тирилиб кетмоқда, тирилиб бекор,  
қиличдай!

Абдурашид Пардаев

## ЭЗГИЛАНГАН МАЙСАЛАР — БЕҲОЛ...

### Етмайди

Ўтмиш.

Боболарга етмаган нон, туз,  
Ранг-баранг, кийимлар урф ҳам бўлмаган.  
Лекин тоза келган баҳор, ёз ва куз,  
Сувдан заҳарланиб биров ўлмаган.

Дерлар, улар оч-у юпун яшаган,  
Не-не азобларда сақлаб юрган жон.  
Лекин даласини кўриб яшнаган,  
Билганлар жойида турибди жаҳон.

Бўлар-бўлмас турли режа тузмаган,  
Шошмай яратганлар, шошмай қурганлар.  
Заминни бузмаган, кўкни бузмаган,  
Яшил кенгикларда кенгроқ юрганлар.

Рўзгорга хиёнат кирмаган асло,  
Ўзга кўз ёшига қўлин юлмаган.  
Молини-мулкини сотгандир, аммо  
Дўстларини сотиб, амал қувмаган...

Биз киммиз?.. Хатомиз мунча яширин,  
Елғонни юклаган давр карвони.  
Бугун баъзи одамларда пул кўп, жон ширин,  
Кўпдир исроф бўлиб ётган туз, нони.

Билдим, кетган нарса бежиз кетмайди,  
Пул қувган давр бу — ўтади бир кур.  
Бугун одамларга номус етмайди,  
Диёнат етмайди, етмайди ғурур.

Давр манфаатдор пинҳон ёқлашга  
Азалий хоинлар, айёрлар қавмин.  
Юртим бойлигинг кўп, аммо сақлашга  
Ҳақиқий фарзандлар етмайди...  
Омин!..

Англаганим эски гап, аччик,  
Кечаги кун — кечаги алам.  
Сўқир, соқов бўлсанг йўл очик,  
Йўл очикдир кўрқоқ бўлсанг ҳам.

Маҳкам ушлаб турар хавотир,  
Нетай, мен ҳам ёлғон ёздим-да.  
Бугунги кун — шунчалар ботир, —  
Соқов тилим йиғлар оғзимда...

\* \* \*

Ким айтади бизда кураш йўк,  
Ҳамма ёқ сув куйган каби тинч.  
Онда-сонда отилади ўк  
Ва ҳеч кимда қолмаган қилич.

Бугун доно тушади чўкка,  
Нодон замон борар юксалиб.  
Қандай отма, ирғитма кўкка,  
Оёғи-ла тушганлар ғолиб.

Балки йўқдир эскича усул,  
Йўқдир ур-ҳо, чоп-ҳо, қасос ол.  
Бугун эл ҳам аталмас улус,  
Бугун ўзга тарбия, алҳол.

Ўзларича, улардадир бахт  
Ва ҳеч қачон билмаслар қайғу.  
Бунда мисол эрур мушук нақд,  
Ўзимизнинг кўҳна нақл бу.

\* \* \*

Чуқурга тушган-ку севар осмонни,  
Осмонни севмасдан йўқдир иложи.  
Юлдузга ёлворар — қутқар деб жонни,  
У қул, бошдан кетди подшолик тожи.

Ҳамма замонда шу, ўзгармас бу ҳол,  
Қисмат тушунчаси қисматнинг ўзи.  
Зинҳор одам нафси тўймас, эҳтимол,  
Бир кўзи тўғрию ўғри бир кўзи.

Кўзлар — нафс қилиб қўйган меҳрни,  
Шундан, тортаберар чуқурга кўрлик.  
Чуқурдан чикдими, танимас ерни,  
Осмонга қарамас зериккан шўрлик.

## Манзара


Мажнунтол жим.  
Ўриндиқ илиқ.  
Анҳор суви кўм-кўк, қамишли.  
Сув тубида ўйнар тўрт балиқ.  
Йўл ёқалаб кетар бир киши.

Атроф ҳидли.  
Кўринмас қушлар.  
Эзғиланган майсалар — беҳол.  
Барглар чирт-чирт узилиб тушар.  
Қочиб кетган қайгадир шамол.

Тўнқарилиб ётар бўш шиша,  
Унда-бунда доғ босган қоғоз...  
Сокин эди бу ер ҳамиша,  
Энди қайда илоҳий овоз?..

Бу ерда шод ўтирганлар ким?  
Улфатларми ёки икки ёш?  
Жавоб топмай увишди қалбим...  
Оёғимга қаттиқ ботар тош!..

Мажнунтол жим.  
Ўриндиқ илиқ.  
Юрагим ғаш, нотинч уради...  
Сув тубида ўйнар тўрт балиқ —  
Бу балиқлар қовурилади!



## Ўзбек кўз очди

Шукур Ҳайитохунов — 1956 йилда Андижоннинг Жалолқудуқ туманида туғилган. Урта мактабни битириб, ишчи, кутубхоначи бўлиб ишлаган. 1979 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика бўлимини битирган. Ҳозирда «Олға» газетасининг муҳаррири бўлиб ишлайди. Ҳикоялари 1980 йилдан бери босилиб келмоқда. Ёзувчи «Шарқ юлдузи» журналида илк марта қатнашмоқда.



Шукур Ҳайитохунов

## КАЛТАКЛАНГАН БОЛА

Ҳикоя

Тўнкалар йиғиб қўйилган бостирма ёнида оғир қадам товушлари эшитилди. Сиртига шолча қопланган эшик одатдагидек ғичирлаб очилганида Саттор ўзини бурчакка олди. Баланд бўйли, қош-қовоғи уюлган, жаҳли чиққанидан дўрдоқ лаблари кўкарган, тунд уста Ҳамдам остонада пайдо бўлди. У оғир қўлларини силтаб, мункиб боланинг устига келди. Кўрпачасини юлқиб олиб, эшик томонга итқитди. Бола отасининг ҳаракатларини кузатиб тураркан, қўрқувдан тошдай қотди.

— Кечаги калтак ақлингни киритар девдим, уқувсиз бола! — деди уста унинг боши устида эгилган кўйи, йўғон овозда. Сунгра қаддини ростлаб, «сен билан ҳали гаплашман» дегандай қаради. Икки қадам ташлаб, остонага келди ва қандай кирган бўлса, шундай тез чиқиб кетди.

Саттор кўз ёшини эртиб, ҳозиргина отаси чиқиб кетган эшикка қаради. «Қайтиб кириши мумкин», деб ўйлади ва яна ваҳимаси ортди. Кўзлари жавдираганча юз берган воқеани эслади. Оёқ товушларини эшитиб, у ўзини йўқотиб қўйганди. Остонада отаси кўринишидан сал илғари кўзи уйқудан очилиб, таҳликага туша бошлаган эди. Ҳаммаси ўзи кутгандек бўлди, аммо уни урмади-ку! Нега урмади?

Эҳтимол, уриш билан иш битмаслигини ўйлаб қолгандир? Аламини боладан олавериб, калтаклайвериб, балки чарчагандир. Иши юришмаётган бўлса, болада нима айб? Роми, эшикларини харидор кам сўраса, бозори касод бўлса, болада нима айб? Ҳамма касаллик ўзида, худо берган қайсарлигига қул бўлиб олган. Хотинини уриб ҳайдаган, айби ўзида. Ўлиб-тирилиб топганини бесамар ичиб битирган боласи эмас, ўзи-ку! Лекин буни уста Ҳамдам билмайди.

Саттор инграниб, инқиллаб жойидан қўзғолди. Ихтиёрсизлик уни тамомила бўшаштириб юборган эди. Дераза ёнига келди. Ташқарида яна қадам товушлари эшитилди. Қўлларининг асабий қалтираётгани ҳамон тўхтамаган эди: шуни сезди, хўрсинди, йиғлаб юборди...

Ҳеч қайси кун кечагидек оғир ўтмаган. У қўли билан юзини ишқалади. Шилиниб кетган қовоқлари зирқирар, пешонаси ачишар эди. Вужуди бошдан-оёқ оғрир эди.

Елкасидаги ходани туйқусдан ташлаб юбормаганида, ҳаммаси бинойидек бўлаётганди, иш майдониғача олти қадам қолувди. Иродасизлик қилиб... йўқ, барибир кучи етмасди, елкасидан тушириб юборишга юрагидаги изтироб мажбур қилди. Номус куч бериб турганида у, ўлиб қоламан, демади, ҳатто бўйин томирлари қайишиб, тортишиб

кетаётганида ҳам бошида шу фикр турарди: «Ҳозир улоқтириб ташлайман!» Айтганидай қилди, у отасининг кўзи олдида елкасидаги ходани ерга ташлади...

Дарғазабликдан гезарган уста Ҳамдам унга заҳрини сочди. Маҳмуд амакининг эйтирозларини ҳам қулоққа олмади. Болани лапашангликда, ишёқмасликда айблади. Асабийлашиб, қўлига кирган нарсани унга отаверди. Тараша теккан, шилинган бадани туни билан учиб, суюклари қизиб чиқди, вужуди иситмага кўмилди.

Унинг араз кўзгаган изтироблари юрагида кучга кирди, худди чўғ босиб ётгандай ўрнидан туриб кетди. Дераза ойналаридан ҳовлини кузатди.

Бола эшикни очиб даҳлизга чиқди, товони ейилган, қийшайиб ётган бир жуфт этигини қўлига олди. Бироқ миясига бошқа ўй келди. Этикни останада қолдирди... Ташқарида, пайраҳага тўлган айвонда иш қизиган эди. Мабодо отаси кутилмаганда ўгирилиб, унинг шарпасини сезиб қолса, ўзини дарров ўнглаб олади-да, пайраҳа териш билан чалғитади-қўяди. Бола шуни ўйлаб, кўча дарвозаси томон шошиб бораркан, «кўриб қолса, энди бундан ҳам қаттиқроқ уради», дея ўйлаб, сесканиб кетди. Ниҳоят, кўчага ҳам чиқиб олди.

Орқасидан уни таъқиб қилувчи, хатти-ҳаракатларини жиловловчи, ихтиёрини бўғиб турувчи даҳшатли оёқ товушлари эшитилмаяптими, демак, бахт унга кулиб боққани шу!

Кўрқув, ҳадик тўла кўзлари жавдираб, кўча бўйлаб чопиб бораётган болани ҳеч ким кўрмади. У бағрини шамолга тутиб, тўлиб кетган юрагини йиғи билан бўшатарди. У югуришдан тўхтамас, шу чоқ фикри ўзидан ўн, юз, ҳатто минг қақирим нарида чопар, уни янада тезроқ чолишга ундар эди. У ана шу тезкор фикр билан ўзини енгил ҳис қилиб, югуриб бораётганида қулогига қандайдир ғализ, чала овозлар эшитиларди. Овоз тўлиқ етиб келмасди... Бироқ бу товуш унга қадам товушларидай даҳшатли туюлмас эди. У дарров тушунди: эшикни итариб очиб, кўчага чиққан у йигирма-ўттиз қадам босганидан кейин эшик қарсиллаб ёпилган, ана шунда сир очилган... Ушанда отаси нима воқеа бўлганини сезиб қолгандир? Энди унга барибир...

Лекин у биларди, агар отаси қаттиқ ғазабга берилиб, орқасидан тушса, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб олади. Майлига, топиб олсин, ўша ернинг тагидан... топиб олсин... Унда боланинг бу изтиробларини тушунармикин? Агар... агар ҳозир олдидан чиқиб қолсами, кўз ёшларига ҳам қарамайди! Болта билан чопиб ташласа-ку, қутулади-я...

Саттор иккиланиб, бир оз қадамини секинлатди. Эҳтимол иш билан бўлиб отаси пайқамагандир... Аммо унинг орқасидан ҳамма вақт қувиб юрадиган бир куч бор: ҳадик ва шубҳа. Кўрқув, даҳшатли кўрқув эса ичиди! Ҳатто у уйда ҳам шу ҳисдан қочиб юради. У юрагига ин қуриб олган — қани энди нундан қутула олса!..

Бола йўлда эди, бирон жойни манзил қилиб олиш ҳақида бир қарорга келолмагандиям. Атроф туман, оқиш парда қалинлашиб кетди. Қуёш чиқди... Нур гўё унинг атрофинигина ёритар, қуёш ўз саховатини фақат унгагина ҳадя этар, табиат унга бағрини очиб, у оппоқ тинч ва осуда кенглик ичига ўрлаб борар, унинг дидини равшан этиш учун ел қизиган яноқларини силарди, елпиб аллаларди. У очиқ ҳаводан ва шу кенгликлардан ҳузур қилиш, роҳатланиш туйғусини илк бор ана шунда ҳис этди; шу паллада, бутун вужуди эзилган ва ёриб ташланган ҳолда, ёстиқдан отилиб чиққан бир дона парсингари туман аралаш ёғду ичра чир-чир айланиб учиб борарди...

Қуёш бир терак бўйи кўтарилганида, уфқ атрофида қўнғир булутлар вулқони портлади. Саттор бунга эйтибор бермасди. Унинг хаёли энди ўйинда... Аммо булутлар оқими буралиб, эшилиб, гезарган улкан махлуқдай қуёшга томон сузиб кетдилар. Кўп ўтмай қуёш юзини қора булутлар қоплади, ҳозиргина қуёш порлаб турганида терисига сиғмаган боланинг шашти пасайди. У юришдан тўхтади. Ажабланиб жануб уфқида термулди. Табиатнинг ношуд рассоми чала ташлаб кетган бир парча бўз матодай фалак деворида англаб бўлмас мудррши бир кўриниш акс этди. Улкан, одам боши сингари булут парчаси хўмрайиб, совуқ ва тунд қиёфада унга томон ошиқаётгандай туюлди. Шунда унинг кўзлари уфққа миҳдек қадалиб қолди: борлигини яна уни доимо таъқиб этувчи кўрқув қамади...

Адирлик ёнидаги тасма йўлни кесиб ўтиб, сой томонга бурилди. Бу ёқда йўловчи кўп бўлиши, отасининг танишлари кўриб қолиб, уни тутиб бериши мумкинлигини ўйлаб, шошилиб борди-да, сой яқинидаги хандақ ичига шўнғиди...

Айниган ҳаво яна аслига тушиб, очилди. Булутлар нур йўлини бўшатарди, енгил шабада эсиб қолди. Қуёш нури олисдаги Арслонбоб чўққилари, Уш «туя»сининг улкан ўркачлари узра ялтиради... Кейин Саттор шўнғиб тушган шу пастлик жарнинг ён бағрини ёритди. Бола шу ҳаловатгина уни асраб туришига ишонарди. Бахтига кўп ўтмай ҳандақ қуёш нурига кўмилди. У ўзига ўнғай ажриқзорни топди, узала тушиб, оёқларини чалиштирганча, билакларини бошига ёстиқ қилиб олди. Қуёш аёвсиз нур пуркарди. Бола кузатиб турди: нурлар жилоланарди, булутлар эса, қуёшнинг чўзилиб кетган нурларида парча-парча бўлиб, осмоннинг ҳар ер-ҳар ерида осилиб турарди. Нэйзасимон ўткир нурлар боланинг киприклари сафидан ўтиб, қорачиқларига санчиларди, шунда унинг вужудига илиқлик кириб, кўзларини очолмай қолди. У йўларди: «Нурнинг келишини қара-я, сездирмайди... лекин оёқ товушлари йўқ экан?» Роҳатланиб ётган бола шунда




бирдан уйдаги хокисор аҳволини ўйлади. Кўзлари юмилиб, бошини мудҳиш ўй олди, сўнгра уни уйқу элитди.

Қўрқув ва ҳадик юрагини ўртаб-ўртаб болани чарчатганди. Ҳозир туш уни алағда қилиб қўйди. Бола тушида ўзини кўрарди... Куннинг кеч кириши ҳақида бирон мартаям ўйлаб кўрмаган Саттор қуёш ботгунча ҳам уйғонмади. Қоронғи тушгач у нима қилади? Уйга қайтсамикин? Қандай қилиб останага қадам босади? У ёқда — ичкаридаги саволларга жавоб топармикин? Жазоларга бардоши етармикин?.. Уй-хаёли чайқалган, бошни айлантирувчи хотиралар гирдоби уни ўз домига тортгандан-тортди. «Шу ерда қоламан, майли, қамишлар ичида ётаман» деб ўйлади у тушида. Кейин яна фикридан қайтди. Бу ер қўрқинчли... қўрқув ҳисси кучайгани кез унинг юзи бир ўзгарди. Шу лаҳзада қўрқув ҳиссининг таҳликаси унинг юрагини силтади, у титраб кетди. Ниҳоят: «Йўқ, ҳозир турману уйга бораман... эрталаб урмади-ку, яна урмас...» дея ўйлади. Бир оғиз ҳам гапирмай ётволади. Шунда отаси, йўқ, Маҳмуд амакиси киради-да: «Чой ичволинг, ўғлим, совқотиб кетибсиз, қорнизам очгандир. Роса ўйнадизми, майли, мен ўрнингизга иш қилиб турдим, йўқлигизи билинтирмадим», дейди. Арази ҳали кетмагани учун у индамай тураверади...

Шу пайт ичкаридан ғудранган овоз эшитилди: «Чиқма, ётавер, овқатини ўзи есин». У миясига урилган бу ғулғулали фикрга алданиб, бағрини ерга берганича ётаверди...

Қўрқув ва таҳлика, изтироблар алангасида ёнаётган бола (тушида) останада тўхтаб, ичкарига қулоқ солармиш. Ҳеч қандай шарпа сезилмас, ҳовлида «тиқ» этган шубҳали товуш йўқ. «Наҳотки ухлашаётган бўлса» деб ўйлаб, у эшикни очиб, ичкарига киради. Мана, бостирма ёнидан ҳам ўтиб олди, оёқ кийимлари ечиладиган жой кўзларига бошқача кўриниб кетди... Жуфт этиги турибди. Нарироқда отасининг қўнжли кирза этиги, унинг ёнида яна икки этик, лой ва ифлос пойафзал тартибсиз ётарди... Ичкарида гунгур-гунгур овозлар, бир оғзи шалоқ меҳмоннинг чайналаётгани эшитилди. Шунда яна кўнглининг бир чеккасида «жиз» этган нимадир пайдо бўлди... У хонасининг эшигини аста очармиш. Қалбида тугун бўлиб турган ғам у ичкарига кирганида ечилгандай эди. «Ҳозир ётиб оламан», деб ҳаракат қилармиш. Шунда азонда отаси улоқтириб ташлаган совуқ кўрпачани кўкрагидан бўғзи томон тортди. Тортди-ю, оёқларини бир чўзиб, узатди... бир оздан сўнг ўзи сезмагани ҳолда юраги гупиллаб уришга тушди ва тагини ҳўл қилиб қўйганини элас-элас туйди... Унинг кўзлари ўзига ҳам кўринмас даҳшатга кўмилди, кўкрагидан бўғзи томон совуқ оқим сурилганда, у бетиним қақшай бошлади. Титроқнинг зўридан аввал оёқ товушларини эшитмади, аммо товушларнинг залвори останада гурсиллаганда, титроқ ҳам таққа тўхтагандай, у қотиб қолди. Рўй бериши муқаррар азоб аввалгиларидан сира кам бўлмайди. ишонаверинг! Эшик қаттиқ тепки зарбидан қайрилиб, синиб кетдими, қийшайдими, қоронғида кўринмади. Лекин, ҳа, мана, мана, ўша мудҳиш останада эртақларда бўладиган, унинг хотирасга миҳдек ўрғашиб қолган дев! Ёввойи одам! Одамхўр дев!..

...Икки кундан кейин, жардаги сукунатни бузган санғи итлар сингари, одамлар жонсиз тана устига келишди. Боланинг очиқ кўзлари энди бу шарпаларни сезмас, устидаги махлуқларнинг яхисиниям, ёмониниям фарқига бормасди... Улар жасадни уйга олиб келишди. Уст-бошини ечиб, оппоқ чойшабга ётқизишди. Улар — «чурқ» этган товушга қайрилиб қарамайдиган, бу кўргуликнинг тагига энди, ўй суриб ҳам етолмайдиган, ўлим сабабларини ахтариб, ақлларини беҳуда сарсон қилаётган ва олди-қочди тахминларга ишониб, бир-бирларининг оғзиларига лол қараб қолган одамлар — йиллар давомида болага, инсон руҳига жаҳолат билан тоқатнинг, шайтонга имон келтиришининг мудҳиш анъаналарини сингдираётган ёвузликнинг қайсар қуллари эди.



Абдумажид Азим

## ФАЛАКНИНГ БАҒРИДА ОЗОД КЕЗАР РУҲ

Кун

Тобора қийиндир, вақт ўтган сари  
Минг қўлга қўлимни чўзарман такрор.  
Наҳот фариштадир юрганлар бари,  
Фақат мен, заминда танҳо гуноҳкор.

Фақат мен, айбодорман — манглайи қора,  
Худою бандага келарман мункир.  
Мўминлар ичида осий фуқаро,  
Кунларни маҳбусдай санайман бир-бир.

Бу қандай омадсиз, бахтиқаро кун,  
Худо лаънатлади, қарғади шайтон.  
Тишларим ёғирлаб турибман беун.  
Қайга бош уришни билмасдан ҳайрон.

Ахир, не айбимга бунча кўргилик,  
Шаккоклик қилдимми беҳосдан сенга?  
Сахий бу даргоҳда наҳот бергулик,  
Ўзга марҳаматинг бўлмаса менга?!

Не бир гуноҳимга қилдинг маломат,  
Юрак пора-пора, йўқдир таскин ҳеч,  
Наҳот бир сўзимга ёғса фалокат,  
Худою бандаси қарғаса бу кеч?!

Кун эса чўзилар узундан-узук,  
Қанийди, барчаси тугаса, битса!  
Илоҳий зотлардан қўрқмасдан, бироқ  
Одамнинг боласи қўлимдан тутса!

Йўллар иккимизни адаштирди, ёр,  
Кўк юзида офтоб қолгандир тўнғиб.  
Югурдим мен сенинг ортингдан такрор,  
Кетяпсан рангларинг докадек ўнғиб.

Букун ҳасратимни этмасман баён,  
Малул кунларимга дўстлардир бакор.  
Айт, ёрим, умримдан сен кетдинг қаён,  
Наҳот лафз бекордир, муҳаббат бекор?!!

Оламда не зотлар қилмабди хато,  
Турфа кечмишларга гувоҳдир тақдир.  
Не сулув қизлар бор, оламда танҳо —  
Фақат сен армоним, фақат сен бахтим!

Боқсам шафақларга — шафақлар қизил,  
Офтоб уфқ томон бош қўяр секин.  
Ўзимга ҳар қайдан топдимун манзил,  
Қалбим ошёнини йўқотдим лекин.

Қол дедим, ёлвориб елдим ортингдан,  
Жонимнинг жаҳони, бир нафас тўхта.  
Ёр-ёрларни айтиб кетдинг юртингдан,  
Кўзим гардишида мисоли нуқта.

Ловиллаб ёнганда чорбоғларда куз,  
Музлади кўксимда гувлаган туғён.  
Кетяпсан айтолмай нечун бирон сўз,  
Айт, ёрим, умримдан сен кетдинг қаён?!!

## Савдо

Дунёнинг энг оғир савдоси менда,  
Дарвиши, ҳоқони, худоси менда,  
Жаҳон бозорида қилурман савдо,  
Ўктамликда ҳотам, пастликда гадо.  
Бу савдо меники, қани харидор?  
Нечун беғамдирсиз, бепарво нечун?  
Наҳот, ҳамма нарса сотилар пулга?!  
Ҳеч бўлмаса бугун, ҳеч бўлмаса бугун,  
Гўдакка айланиб термулай гулга.  
Бу савдо не кўйга солмади бизни,  
Манфаат йўлида бўлдим кўғирчоқ.  
Бир умр бақадай безрайтиб кўзни,  
Қоп-қора деворни деявердик оқ.  
Бу савдо меники, қани харидор?  
Менинг додимдир бу, менинг бунёдим,  
Бу имло меники, бу сўз меники —  
Қора девордаги оппоқ фарёдим!  
Тахир ғамимдир бу — емагим, тузим,  
Уни сотолмайман ҳеч кимга бироқ.  
Термил-термил кўзим, мўлдир-мўлдир  
кўзим, —

Энтикиб ўчаётган бир жуфт шамчироқ.  
Бу савдо меники, харидор йўқдир,  
Кўнглимга бир маҳрам, ғамгусор йўқдир.  
Мен шоир эмасман, қанотсиз қушман,  
Кўксимга ин қурган аёвсиз душман.  
У мени тинч қўймас, келар изимдан,  
Сотолмайман уни ҳеч кимга аммо.  
Менинг ўлимимни қутган қузғундай,  
Бошимда айланар бу оғир савдо.

\* \* \*

Севгилим, ғамларинг ўтиб кетади,  
Кўзинг бешигида улғаяр илоҳ.  
Йиллар ёстиқларга тошдай ботади,  
Севгилим, бу ўпич энг гўзал гуноҳ.

Севгилим, қарғишлаб яшама мени,  
Ой каби тўлишиб кулаётган дам.  
Ялмоғиз оғзига ташлама мени,  
Кўзгуга ўзингни солаётган дам.

Севгилим, ишқда шоҳугадо тенг,  
Номсиз бир юлдуздек кўкда порлайман.  
Дунёнинг энг сағир мазориман мен,  
Рухим арвоҳини кел деб, чорлайман.

Севгилим, хароба, чалдевор эмас,  
Жаннатий борликда қилурмиз висол.

Кафтдаги юрагим кузгунлар емас,  
Ялмоғиз бизларни ютмагай, алҳол!

Севгилим, айрилиқ мисоли туман,  
Ҳали учрашамиз гуллар фаслида.  
Яна аввалгидек сўзсиз, бегумон  
Гапира бошлаймиз кушлар тилида...

## Ҳамлет

Қай гуноҳим учун, эгам бу жазо, —  
Илонлар, шоқоллар чиқар йўлимга?!  
Бош олиб кетарман, чиқармай садо,  
Қўрқмасдан боқаман бу кун ўлимга.

Шамол туманида кўрғошин тусли,  
Осмонга етмайди кўтарган нолам.  
Кетарман дунёдан — бу икки юзли,  
Суюк ваъдаларинг саробдир, олам!

Омонат қилдилар танда жонимни,  
Хира кўзларимга армон тиқилар.  
Ичиб тугатмоққа токи қонимни,  
Замон туғаверар қотил ўғиллар.

\* \* \*

Уша кун келади,  
қувончу ташвиш,  
Исёну тўфонга  
бағри тўлиқ кун.  
Яхшию ёмонни  
қилар у тафтиш  
Асрлар тўлғаниб  
кутган улуғ кун.

Уша кун келади,  
кўпориб тоғни,  
Қуёшга табассум  
қилади гуллар.  
Кулгига тўлдириб  
ҳазонрез боғни  
Безавол рангларда  
сайрар булбуллар.

Савобу гуноҳни  
сарҳисоб айлар,  
Тошларга тил берар,  
сўзга берар жон.  
Қасос шамширини  
оловга қайрар,  
Осмон ерга дўнар,  
Ер бўлар Осмон!

Уша кун келади,  
сеҳргар шукуҳ,  
Олам нигоҳида  
ҳасрат, доғ бўлмас.  
Фалакнинг бағрида  
озод кезар руҳ,  
Кўзёшу изтироб,  
оҳу воҳ бўлмас.

Ҳали уфқ қонталаш,  
лабларин қимтиб  
Заминнинг бўғзига  
тиқилар Қуёш.  
Уша кун келади,  
интизор, интиқ,  
Юракка айланар  
кўксимдаги тош!



## Ғуллом Мирзо

Ғуллом Мирзо — 1964 йил Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Хушвақт қишлоғида туғилган. 1989 йилда Тошкент Давлат Дорилфунунининг ўзбек филологияси куллиётини тамомлаган. Айти пайтда мазкур дорилфунунининг «Таржима назарияси» кафедрасида ишламоқда.



## ҲИЛПИРАР КЎНГИЛНИНГ КОКИЛИ

\* \* \*  
Юзларига заъфар ранг иниб,  
Барглар ўтаётир дунёдан.  
Соғинчлар соғинди мени,  
Ҳузурингда қолдим зиёда.

Ёлғиз дарахт — улкан бир тақвим,  
Варақларин йиртар изма-из.  
Юз йил бўлдим ёнингда, балким,  
Қўйвор мени, олтин сочли қиз.

Ҳазон каби, маҳзун ва маҳзун  
Тўкиларкан турналар саси,  
Атиргулдек тўзғийди бу кун,  
Боқийликка бўлган ҳавасим.

Куз — зар либос кийган раққоса,  
«Муножот»га ўйнар ўртаниб.  
Соғинчларни соғиндим роса,  
Соғинчларим соғинди мани.

Қўйвор энди, қўйворгил мени...

\* \* \*  
Ярим тун. Мусика эсмоқда.  
Ҳилпирар кўнгилнинг кокили.  
Балки ой, балки куй кесмоқда.  
Кесилмоқда ё тун, ё дилим.

Ярим тун. Бу гал ҳам кириб ҳосилга,  
Ёлғиз мева тугди япроқсиз оғоч.  
На тўлиқ кўмилган, на чин осилган —  
Балки ёлғизликнинг руҳи — симёғоч.

Бунчалар зириллар мунглиғ увиллаб,  
Симларга осилиб, жонсарақ санғиб,  
Бағрим сенинг каби бўм-бўш, ҳувиллар,  
Мени олиб кетган, эй темир сандиқ!..

Ярим тун. Муסיқа эсмоқда.  
Ҳилпирар кўнгилнинг кокили.  
Балки ой, балки куй кесмоқда,  
Тилим-тилим ё тун, ё дилим.

\* \* \*

Кокилларинг — чубчурға,  
Чавандозим, чиройлим.  
Кўзларим — қора йўрға,  
Чавандозим, чиройлим.

Ҳилол — тилло узанги,  
Чавандозим, чиройлим.  
Сен юракка узандинг,  
Чавандозим, чиройлим.

Ҳам ҳилол, ҳам дилда из,  
Чавандозим, чиройлим.  
Энди қаён йўрттар кўз,  
Чавандозим, чиройлим?!

\* \* \*

Сут машиналари — қуёшчалар нурсиз ва  
жажжи,  
ўзларининг сариқ ранглари билан  
овутиб юрарлар шаҳарни кун чиққунгача,  
Бир парча кечани сатин чопондек  
елкасига ташлаб олган Тонг кўча кезар.

Биоларнинг саноксиз, мудроқ  
кўзларига чанқоқ термилиб,  
ухлаб ётадилар эркак ва аёл.  
Уларга суқ билан тикилган Тонгни  
деразадан қувиб солар уйғоқ ит — соат,  
метал овози-ла қаттиқ вовиллаб.

Тонг урқо қочади, сатин, чопони  
чинор шохларига қолар илиниб,  
Оппоқ кўйлагини ҳилпиратганча  
узоқ-узоқларга қочиб кетар Тонг.  
Булутларга тўлиб оқаётган  
Осмон қирғоғида ўлтирган Тонгнинг  
ҳаваси келади эркак ва аёлга,  
эркак ва аёлга келади ҳасади.

Сўнг осмоннинг булутлардан тоза жойига,  
хотирада муҳрлоғлиқ ҳолни чизади:  
тоғ — ухлаб ётган эркакнинг кўкси,  
қуёш — энди уйғонган аёл,  
секин бош кўтарар эркак кўксидан...

\* \* \*

Сен ва мен — эшикнинг қўш тавақаси,  
Ташқарида — ҳижрон, ичкарида — бахт.  
Орамиздан ўтиб бораверади:  
Айрилиққа томон бу умр, бу вақт.

Кел, ярим қанотим, қучоғимга кир,  
Лабларимни қулфласин тилинг.  
Ҳижрон оғушига кетолмайди умр  
Вақтни никоҳласак бахтга, севгилим!  
Кел...

## Абдурахмон Жўраев

Абдурахмон Жўраев 1961 йил Фарғона вилоятининг Киров туманидаги Қашқар қишлоғида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика илмгоҳининг тил-адабиёт куллийетида таҳсил олган. Айни кунда «Еш куч» журналида хизмат қилмоқда.



## АРМОН ТОШЛАРИНИ МЕНГА БЕР...

Дарднинг рангларини сен мендан сўра,  
Сўра мендан армон рангини, жоним.  
Болалик севгимдан, сендан хотира,  
Камалак рангида менинг осмоним.

Етти хил товланар меҳрим бор унда,  
Етти хил жилвада меҳрим бор, жоним.  
Фалакларни тутган зорларим сенга,  
Камалак рангида менинг осмоним.

Шивалаб баҳорий ёмғир ёғмоқда,  
Ҳаво бирам тоза, мусаффо, майин.  
Жоним, тушларимга сен кирган чоғда,  
Менинг камалагим порлаши тайин.

Мен бахтсиз эмасман, ҳар қалай, севдим,  
Севги шаробидан ичдим, хайрият.  
Фақат гуноҳимки, сени йўқотдим,  
Севгидан мен ўзим тондим, ниҳоят:

Дарднинг барчасини сен менга бергин,  
Армон тошларини менга бер, жоним.  
Гоҳ-гоҳ тушларимда сен йўқлаб тургин,  
Камалак рангида бўлур осмоним.

\* \* \*

Бир сўз келар хотирасин варақласанг,  
Дардин англа, дилда борин сўроқласанг,  
Жуфт бўлади айтар сўзин туроқласанг,  
Армони бор, севгисига етмаганларнинг.

Ўқиганда тош юракни сел қиладиган,  
Ғам аталмиш кўрғонларни кул қиладиган,  
Тинглаганда ётларни ҳам эл қиладиган,  
Достони бор, севгисига етмаганларнинг.

Ризқ бўлгудек ёмғирлари баҳор фаслида,  
Алпомишдай полвонлари бордир наслида,  
Юракда дард, лекин қуёш ёрдир аслида,  
Жаҳони бор, севгисига етмаганларнинг.

\* \* \*

Қаро кўзинг  
бир жуфт чўғдир,  
қалбимга тушди.  
Юлдузларни санай-санай  
тонг ҳам ёришди.  
Имкон кутиб,  
ойлар чопиб,  
йилга айланди.  
Журъатсизлик  
армон билан  
дардга айланди.  
Иккимизни  
айирганнинг  
қўллари узун.  
Бахтимми ё  
бахтсизлигим —  
ўйларим узун.

\* \* \*

Бу баҳорда турналар ҳам,  
кечикди-эй, кечикди,  
Кута-кута сулув дилдор,  
ичикди-эй, ичикди.  
Шундай қизни куттирганнинг  
бахт-иқболи бор экан,


Вафо эрур қўл бергани,  
омад унга ёр экан.  
Ҳар тонг кўкка термулади —  
қиз кўзлари  
интизор,  
Тушларида учиб келар  
турналар қатор-қатор.

Бу баҳорда турналар ҳам,  
кечикди-эй,  
кечикди,  
Кута-кута сулув дилдор,  
ичикди-эй, ичикди.

### Ҳазил

Кунлар,  
мисоли томчи сув,  
бир-бирига ўхшайди.  
Хотин,  
ўткир эгов  
асабингни «чархлайди».  
Дилда  
қайдан меҳр қолсин,  
на ишлаш, на ёзишга.  
Энди,  
сира имкон йўқдир,  
Фарғонага қочишга.





Ўринбой Усмон

## УЎНУС

### Қисса

...Биров бетимни оҳиста сийпаларди. Тунги салқинда жунжикаётирманми, деб бу ёнимга ўгирилдим. Лекин беозор қўллар бирпасгина тўхтаб турди-да, яна ҳалигидан тезроқ сийпалашга тушди. Нозик бармоқларни итариб ташлаб, юзимга кафтимни босдим. Бармоқлар эса шу заҳоти қўлимни сийпалашга ўтдилар. Ғашим келиб, устимга тўшакни тортиб олдим. Шунда қулоғимга биров шивирлади: «Улуғ, ҳой, Улуғ...»

Кўзимни очиб, тепамда узун ҳарир кўйлак кийган аёлни кўрдим. У шунчалик майин, меҳрибон боқардики, худди ҳар кеча учрашадигандай хотиржам қараб туравердим. Аёл қўлларимдан аста тортиб, ўрнимдан турғазмоқчи бўларди.

«Мен сени қутқаргани келдим». Қулоғим остида яна ҳалигидай майин овоз эшитилди. Аёл гапирарди-ю, лекин лаблари қимирламасди. Балки уйқусираб кўрмай қолгандирман... Унинг оғиз очиб сўзлаётганига ўзимни ишонтиришга уриниб кўрдим. Қовоқларимни ишқаб, аёлнинг лабларига тикилдим. У яна ҳалиги гапини такрорлади: «Мен сени қутқаргани келдим». Лекин барибир лаблари қимирламади. У учинчи марта такрорлаганида лаблари билан ортиқ ишим бўлмай қолди. Қимирласин-қимирламасин, гапиряпти, овозини эшитиб турибман, бўлди-да. Битта гапни уч марта қайтарди-я! Нега мени қутқараркин, кимдан, нимадан қутқармоқчи?

Этим дириллаётганга қарамай тўшакни итқитиб, ўрнимдан даст туриб олдим. Ҳозиргина кўнглимдан ўтган нарсаларни сўрамоқчи эдим, аёл «Улуғ, ҳой, Улуғ...» дея пичирлаганича ғойиб бўлди. Ой қаёқдандир сузиб келган булутлар ортига ўтиб, ёп-ёруғ ҳовли зим-зиёга айланди...

Алаҳсирадими? Ё туш кўрдими? Одам кўзлари очик туш кўрадиган бўлса, нега шу пайтгача ҳеч кимдан бу ҳақда эшитмаганман. Иситмалаб алаҳсирадими чоғи. Ишқилиб, оймлар билмасинлар. «Одамлар сунбуладаёқ уйга кирволган, сен мезондаям ҳовлида ётасанми? Шамоллаб-памоллаб қолмагин тагин», дея ҳар оқшом бир такрорлайдилар. Биламан, ойижоним мени ша-

моллашимдан эмас, кўпроқ инсу жинслардан қўрқадилар. Ҳар куни эрталаб бошдан-оёқ ҳаммаёғимга синчиклаб қарайдилар. «Оғзим қийшайиб қолмап-тими, мабодо», дедим кеча эрталаб. «Оғзингдан шамол учирсин-эй! Нега оғзинг қийшаяркан, қаёқдаги гапларни топасан-да, ўғлим!» Ойижоним дувва қизардилар. Ойим бечоранинг инсу жинсдан юрак олдирганликлари сабабини биламан. Акамни икки ёшлигида бир дарахтнинг тагига ётқизиб қўйиб, далада ғўза чопиқ қилган эканлар. Бирдан кўнгилларига хавотирлик тушиб, ундан хабар олгани югурибдилар. Етиб келсалар, акам оғзи қийшайиб, ўлиб қолганмиш... Елғиз ўғилнинг аламида куйиб-куйиб, бир йилдан кейин мени топибдилар. Ана энди кўраверинг, тилладан бўлган каминани авайлашларини. На ерга, на кўкка ишонадилар. Аммо минг ёмон кўздан асрасинлар, менгаям «тош тегиши»га озгина қолган. Тўрт яшарлигимда икки-уч ой шайтонлайвериб, роса ойижонимни қўрқитганман. Шу-шу бу дард нималигини билмай кетган бўлсам-да, юракзада ойижоним сал иссиғим чиқса ҳам ўзларини қўярга жой тополмай қоладилар. Уша одатлари ҳалигача, ўзлари ай-моқчи, «кап-катта йигит» бўлсам-да, қолмаган. Агар, боя ҳовлига чиқиб қолганлариде борми? Оғиз очмай гапираётган анув аёлни кўриб, ўнта Улуғбекни туғардилар. Кечқурун дадам койиётганлариде қанча титраб-қақшадилар-ку! «Тўнка! Тўнкасан-тўнка!»

Қулоқларим шанғиллаб кетди. Устма-уст такрорланаётган овоз нақ тешиб юборгудек эди.

— Сизнингча, тўнка бўлганим яхшими?

Билмадим, нега тилимга шу сўз келақолдийкин? Балки тўрт-беш соат олдин унисигаям, бунисигаям тиржайиб ўтираверган синфдошимни, йўлда у гап бошлаши биланоқ ачитиб айтган сўзимни эслагандирман. Балки ўшандан буён бу оғир сўз бошимда ғириллаб айланавергандир! Нима бўлгандаям, мен «Тўнка бўлганим яхшими?» деб юборгандим.

Дадам қазариб-бўзардилар, худди бировни итариб ташламоқчидай устма-уст қўл силтадилар.

— Ҳа, тўнка бўлганинг яхши! Шунда тинчгина яшайсан!

Дадам тўнка бўлишимни нега бунчалик истаб қолдилар? Наҳотки, бир умр қатиқни пуфлаб ичсалар? Пуфлайвериб-пуфлайвериб, бир куни «дод» деб юбормайдими?.. Энди оғзим куймасдан бурун мени пуфлашга ўргатмоқчилар. Ёки муаллимга, сиз хотиржам бўлаверинг, ўғлимни тўнкага айлантириб қўяман, деб ваъда бервордиларми? Ўзи менсиз ҳам тўнкалар оздай. Кўзлари учиб тургандир... Муаллим дадамга нималар деган экан? Роса опқочгандир? Балки йиғламсираб гапирган, балки кўзига уч-тўрт марта рўмолча ҳам босволгандир. «Йигирма йиллик мисқоллаб топган обрўйимни муштдек бола бир пул қилса-я...» Шу ерда у киши бир зум тўхтаб олганлар. Кўз ёшларини тўхтатиб қолиш учун атайлаб ютинганлар. «Бошқа бола бўлганда-ку, ўзим билардим. Сизнинг юзингиздан ўтолмадим. Агар мендан бўлак муаллимга ўша гапларининг ярмини айтса, мудирнинг олдигами, директорнинг кабинетигами қулоғидан судраб борарди...» Кап-катта эркакнинг йиғлаётганига раҳмлари келадими ё унинг инсоф қилганидан хурсанд бўладиларми, дадам: «Ўзимга айтганингиз яхши бўлди, унинг адабини бериб қўяман», дея муаллимнинг кўз ёшларини тиндирадилар. Билмадим, бизга ўхшаб дарсдан кейинги тарбиявий соатга қолганлариде кимнинг адабини бериб қўярдилар?

— Болалар, ҳар биримиз учун энг яқин одам ким деб биласиз?

Синф раҳбаримиз кутилмаган савол бериб, йигирма бешта ўқувчини довдиратиб қўйганидан оғзи қулоғида, худди жавоб кутаётгандай дераза томондан кўз узмай тураверди. Биз эса пешона тириштириб ўйланамиз: биттаси онамни айтсаммикан, деб хаёлга толган, бошқаси отасини эслаб кетган. Менинг ёнимда ўтирган Юлдуз тирноғига тикилганича қолган Элматдан кўз узмайди. Турғун орқасига ўгирилиб бир нарсаларни пичирлаб суриштиради...

— Энг яқин одам... энг азиз киши...

Синф раҳбари «сенлар нимани билардиларинг», қабилада беписанд қарайди. Бошини чайқаб-чайқаб қўяди. Ёзув тахта томон юради ва етишига ярим қадам қолганда кескин ўгирилиб, қўлини кўксига қўяди.

— Биз бир умр таъзим бажо айлаб ўтадиган азиз кишимиз кимлигини ҳаммангиз яхши биласизлар. Улуғ Навоий ҳам отани бошга кўтаргин деганлар...

Ҳозир афсона айтади. Айтмаса, тарбиявий соат — тарбиявий соатдай ўтмайди. Балки бу афсонани бир ҳафта қидирган, китоб кўравериб, қўллари толиб, кўзлари тиниб кетгандир. Кейин уч кунгача тинимсиз ўқиган, эсидан чиқиб қолишидан чўчиб, дафтарига майда-майда чумолидек ҳарфларда қисқача ёзиб қўйган. Мана, томоқ қириб олдилар. Энди бошласаям бўлади. Ие, аллақачон эсларидан чиқиб қолдимиз? Майли, қараб олсинлар, қарай-версинлар, биз у дафтарга нималар ёзилганини қаёқдан биламиз. Қани энди бошладик. Нега тўхтаб қолдингиз? Дафтарга қарамоқчи эмассиз-ку! Бир пайтлар отасини тоққа ташлаб келган киши қариб-қартайганда худди ўша йўлдан бораётиб, ўғли ўтирган тошни таниб қолганига келгансиз. Нега рангингиз бўзариб кетди? Давом эттирмайсизми? Хўш, ўғил тошда ўтирибди, отаси тинмасдан кулаётир... Э, хайрият, афсона чала қолмайдиган бўлди.

— Болалар, биз отамиз олдида бир умр қарздормиз. Биз учун она қанчалик азиз бўлса, отаям шунчалик азиз. Хў-ўш, кимнинг отаси қандай? Биз ундан қандай ўрнак оляпмиз? Падари бузрукворимизнинг айтганини иккита қилаётганимиз йўқми? Отанинг ўгитини олмаганнинг бири икки бўлмайди, деб эшитгансизларми? Минг афсуски, кейинги пайтларда отанинг гапига қулоқ солмайдиганлар кўпайиб кетди. Бизнинг халқимиз азалдан фақат отасининг эмас, ҳамма катталарнинг айтганини қилиб келган. Ўйлайманки, бизнинг аҳил, иноқ, тартибли синфимизда қулоқсизлар йўқ ва бўлмайди ҳам...

Муаллим ўз гапларига ўзи шубҳалангандай синфнинг у бошидан-бу бошига юради. Ора-чора шартта тўхтаб, диккайган, шалпайган, сочнинг орасидан аранг кўриниб турган қулоқларга тикилади.

— Хў-ўш, йигитлар, қизлар, ким ўз отаси ҳақида гапира олади? Падари буз... буз... отага меҳри баландлар бўлса, бу ёққа чиқсин...

Мен чиқмайман. Юрагимдаги гапларни айтсам бўлмайди. Чиқсам ёлғон гапиришим, синфдошларимни алдашим керак. Мен дадамни яхши кўраман. Кўп нарсаларда уларга тақлид қиламан. Ёлғон сўзламайдилар, айтганларининг устидан чиқадилар. Илгари ноҳақликни кўрсалар, чидаб туролмаганлар. У бошлиқми, бошқами, юзхотир қилмасдан камчилигини шартта-шартта айтаверганлар. Бирон адолатсизликни сезиб қолсалар, ҳақ жойига қарор топмагунча, еган-ичганларини билмаганлар. Лекин буларнинг ҳаммаси илгари бўлган!.. Бунга кўп, кў-ўп бўлган. Раиснинг ўғрилигини исботлайман деб, бир йил қамоқда ўтиргунларича. Қамоқдан кейин тўрт йил қишлоқдан узоқда — сургунда юргунларигача!..

— Қани, ким бошлайди? Нима, ҳеч ким отасини яхши кўрмайдими? — синф раҳбарининг йўтали тутиб қолди, чўнтагидан рўмолчасини олиб, оғзини тўсди.

Нега биронтаси юрак ютмаяпти? Дарс бўлсаки, баҳо қўйишса? Ақалли Юлдуз қўл кўтармаяпти-я! Чиқсанг-чи, менинг отамдан зўр ота бу дунёда йўқ, бошқа оталар бир ойда озиб-ёзиб топадиган пулни у бир соатда чўнтагига солади, қўллари роса узун, тоғ чўққисидаги қорни ҳам олиб эритиб ташлайди, биззикадай уй бутун вилоятда топилмайди, иккита машинамиз бор, биттасини менга олиб қўйганлар, десанг-чи. Зора, шунда Элматни эритсанг. Шу Кўпайнинг нимаси яхши, топгани битта кўйлак, нимасига учади-я, деб йиғлаб юрмасмидинг? Ие, Кўпайсин нимага йиғлаяпти? Нега йиғлаяпсан? Ҳа, отангни эслаётгандирсан? Раҳбар отанг йўқлигини билмасмиди?.. Майли, энди ўзингни тут, бўлари-бўлди, «Отаси ўлмаган ким бор, онаси ўлмаган ким бор?»

— Нима, ҳаммаларинг тилларингни ютворганмисизлар? Энди мен ихтиёрий бўлсин дегандим. Бўпти, ўзим чақираман. Аброров!

Орқада ўтирган Тоштемир ўрнидан турди.

— Ҳа, оёғингга хина қўйганмисан? Чиқ бу ёққа!

Гавдаси бизга нақ иккита келадиган, шундан биз ҳазиллашиб «ака» деб чақирадиган Тоштемир битта-битта қадам ташлаб, ёзув тахта олдига чиқди. Уялаётгандай бироз букилганча индамай тураверди. Отаси ҳақида нималар деркан? Дадасини танийман, темирйўлда ишлайди. Биз билан ота-ўғилдай гаплашади.

— Бошлайсанми?

Камгап Тоштемир дадасини бир таърифлай кетди... Синф сув қуйгандек

эди. Қўққисдан биров пиқиллаб кулди. Тоштемирнинг ҳикояси узилди. Муаллиф кулги эшитилган томонга қараб томоқ кирди:

— Ким у пиқиллаётган? Биров маймун ўйнатяптими?

Бахтиёр истар-истамас ўрнидан қўзғалди. У ҳамон тиржайганча турарди.

— Мен маймун ўйнатяпти, дедимми, кулгим қистади, кулдим-да. Энди кулиб бўлмайдиамми?

— Бахтиёр, ҳали сенмидинг,— муаллим анчагача талқон егандай турди.—Кулсанг, кулавер, лекин биров гапираётганда эмас-да. Яхши одамларнинг фарзандисан, мени тўғри тушун.

Муаллимнинг овози титрарди. «Яхши одам» — Бахтиёрнинг отасидан чўчиаяпти-ёв. У раис бўлмасаям, ўринбосар, бир кун келиб, раис бўлиши ҳам мумкин...

— Тоштемир ҳам яхши одамларнинг фарзанди,— Бахтиёр яна тиржайди.

— Шундай де... Тоштемир, ўтир. Қани, Бахтиёр, энди сендан эшитамиз, бўлмаса. Сотволди акамлар... даданг ҳақида гапириб бер-чи...

— Мен Тоштемир иккимизнинг дадамиз ҳақида гапириб бераман.

— Қизиқсан-а, Бахтиёр. Тоштемир отаси ҳақида гапирди-ку. Сен ўзингнинг отанг ҳақида гапир!

— Бордию иккаламизнинг отамиз бир бўлса-чи?!

Ҳозиргина ўрнига бориб ўтирган Тоштемир сакраб турди. Ҳалидан бери қачон уйимизга кетарканмиз, деб зерикиб ўтирган болалар ҳам жонланиб қолишди. Синф раҳбари аввал бақрайди, кейин:

— Бахтиёр, майнавозчилик қилма, отанг ҳақида гапиришни истамасанг, бор, жойингга ўтир! — деди.

— Йўқ, ўтирмайман. Нима, сиз Тошнинг ўз отаси эмас, бошқа одам ҳақидаги гапларини индамай эшитасиз-у, мени ўз отам ҳақида гапиришга қўй... қўй... қўй...

У гапини тугатолмади. Иягидан кўтарган бақувват қўллар унини ўчириб қўйди.

— Оғзингга келганини вайсайверасанми, аблах! Сени ҳаромхўр отанг нега менга дада бўларкан,— Тоштемир қўлини унинг иягидан олиб, бўйинини сиқди.— Гапир, иягингни айириб ташламасимдан.

— Ҳой-ҳой, нега зўравонлик қиляпсан? Сотволди акамларни нега ҳаромхўр деяпсан? Қўйвор уни! — муаллим Тоштемирнинг қўлидан ушлади.

Бўйни бўшаган Бахтиёр шерланиб кетди.

— Нега-негани бориб онангдан сўрайсан!

Бахтиёр гапира туриб қулаб тушди. Тоштемир қўлини яна бир кўтарди-ю кейин қаттиқ силтаб, эшикни зарб билан очди. Муаллим югурганча бориб эшикни ёпди.

— Бахтиёр, тур, турақол, укам! Ие, оғзи-бурнингни қонга бўяпти-ку! Ҳали шошмай турсин! Болалар, биронталаринг зипиллаб сув опкелинглар.

Сув келтириб, Бахтиёрнинг юз-қўлини ювган, иккита рўмолчани улаб, жағини боғлаган бўлишди. Бахтиёр муаллимнинг курсисига бемалол ўтириб олди. Унинг кўзлари ҳозиргина мушт еган одамникига ўхшамас, қайтага муштлашувда енгган болакайдай кулиб турарди.

— Бахтиёр, сен хафа бўлма, қўлчаси ўсиб қолибди уни, муштумзўр билан ўзим гаплашаман. Мабодо, яна Сотволди акамларга айтиб юрмагин! — муаллим Бахтиёрнинг атрофида парвона эди.

— Нима, мен қиз боламидим? Ўзи тўғри гапга чидолмади-да. Балки унинг ўрнида ўзим бўлганимдаям... Бегонани бир умрга «дада»лаб юраверадими? Ҳақиқий отаси кимлигини билволсин-да.

— У гапларни биз ҳам биламиз. Лекин тилни тишлаб юрибмиз-ку!

Бахтиёрнинг ҳамма гапийам бир бўлди-ю, синф раҳбаримизнинг шу гапи ҳам бир бўлди. Бошимга бирнима ўрмалаб чиқди. Демак, Эштемир ака Тоштемирнинг ўз отаси эмас экан-да. Буни муаллим ҳам биларкан-да. Билиб туриб, яна ундан отанг ҳақида гапир, дедими? Ҳали оталаринг ҳақида гапирларинг деганда, Кўпайсин ҳам бекорга йиғламапти-да. Раҳматли отасини ўйлаб, эзил кетгандир. Анови отаси ташлаб кетган бола қандай кўйга тушди экан?

— Ўша гапларни биларкансиз, нега атайлаб уни чақирдингиз?

Бахтиёрнинг жағини силаб турган синф раҳбари кулоқларига ишонмай тўрт томонга аланглади.

— Ким гапирди? — у овозини атайлаб баландлатди. Лекин барибир ҳир-кираб чиқди.

— Мен!

— Сенмисан, Улуғбек?! Мен уни рўйхат бўйича чақирдим.

— Ҳамма гапдан хабарингиз боракан, бошқа бировни чақирсангиз нима қиларди?

— Шундай қилсам бўларкан...

— Аҳмоқнинг эси пешиндан кейин кирибди,— бу сўзлар оғзимдан қандай чиқиб кетганини билмай қолдим.

— Нима?!

Қарасам, муаллим мен тарафга кўзлари чиққудай бўлиб бостириб келяпти. Боя раҳимини келтирган эди, энди йиғлаётган Кўпайсин, эшикни зарб билан очаётган Тоштемирларни эслаб тилим қичиди. Айтадиган гапим кўп эди-ю, лекин тўрсайиб юзимни четга бурдим.

— Ҳўв, жўжа, ҳали сен менга ақл ўргатяпсанми?

Муаллим қўл кўтарган эди, билагидан ушлаб, итариб юбордим. Қалтироғи босилмаганиданми, мункиб кетди.

— Безори! Ҳали ўқитувчини урадиган қўлинг чиқиб қолдими? Мен энди бошқача гаплашаман сен билан!

— Мен эса гаплашиб ўтирмайман!

У ёғини билмайман. Чунки эшикни шартта очганча чиқдим-кетдим. Лекин синфда нималар бўлаётганини яхши тасаввур қилардим. Муаллим юрагини чангаллаганча «сув» деган. Сувни ютоқиб ичгач, болаларга мўлтайган. «Кўпайсин, қизим, у бузғунчининг гапига учма. Отанг вафот этган бўлсаям, уни ҳеч ёдингдан чиқармайсан-ку, тўғрими? Нима, одам марҳум отаси ҳақида гапиролмайдими?» Кўпайсиннинг эндигина йиғидан тийилган кўзлари ёшга тўлиб синфдан отилиб чиқади. «Муаллим, нима деди сизни, аҳмоқ дедими?» Бахтиёр жағини ушлаганча кулган, кулаверган. Синф раҳбари эшикни қарсиллатганча ёпиб чиқиб кетган... Кечқурун эса бизникига келади. Йиғламсираганча арзу додини бошлайди...

Қанча кутсам-да, булутлар ортидан булутлар келаверди. Оқ ҳарир кўйлакли аёл қайтиб келмади. Кўзларимдан эса уйқу қочиб кетганди.

\* \* \*

Туришим керак. Кўзимни очишга эриниб ётаверсам, бошим енгиллашиш ўрнига зилдай бўп кетади. Барибир бугун бормасам — эртага, эрта бўлмаса, индинга бораман-да ўша мактабга. Бугун унинг дарси йўқ. Лекин барибир келади. Биздан кўз-қулоқ бўп турмаса, айниб кетамиз. У илгариги болалар, домланинг узун калтагидан қўрқиб, томоғи йиртилгудай сабоқни қайтарадиган. Биз, шумтакаларда кулоқ дегани йўқ, муаллим орқасини ўгирди дегунча синфни бошимизга кўтарамиз. Ҳали кўрасиз, биздан безоридан бошқаси чиқмайди, нари борса тоғу тошда оёғимиз шилиниб, совуқда қалтираб, қўй боқамиз ёки иссиқда ҳарсиллаб кетмон чопамиз. Э, кетмон чопсак ҳам бир нави, ўша кетмон билан шил бурюрганнинг бошини уриб ёрмасак бўлди. Муштдайлигимиздан ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини оламиз-ку...

Борсам... Синф олдида у мени атайлаб пойлаб туради. Узоқданоқ кўради-ю, билмаганга олиб, деворий газетадаги битта сўзни юзинчи марта ўқийди. Салом беришимни кутади. Саломимданоқ дадамнинг гапирган-гапирмаганлигини аниқлаб олишга уринади. Салом бериб бўпман, кўрмаганга оламан-да, синфга кираман-кетаман, ҳалиги сўзни юз ўнинчи марта ўқиб олсин. Узлари кутган «салом» эшитилавермагач, елка оша қарайдилар-у, ғафлатда қолганларини англаб, ғижиниб синфга кирадилар. Болалар имиллаб ўринларидан туришади. Унинг илтижони яширишга уринаётган кўзлари излай-излай мени топади. Ноилож биров сочимдан тортиб турғазгандай кўзғаламан. Оғизлар очилиб-ёпилади: «Улуғбек, ташқарига чиқ, сенда гапим бор». Ҳалиги илтижо қаёқда қолди? Мен сўрамаяпман, буйруқ беряпман, тезроқ чиқ, қабилида овозига

шиддат қўшишга уринади. Бироқ охирги сўзлари сусайиб, буйруқ ялинишга айланиб кетади. Оёғим тортмаётган бўлса-да, икки оғиз ачитиб олишни ўйлаб орқасидан юраман.

«Янги тарих»нинг тандирдан узилган бобларини эшитиш учун олға!» Элмат оғзига қўлини карнай қилганича мен томонга ҳайқиради. Муаллимнинг елкалари силкинади. Демак, эшитди. Эшитди ва тушунди. Мен эшитадиган боб қис-картирилиб, узунроғи Элматга насиб этадиган бўлди. «Улуғбек, нега мендан ҳафа бўляпсан, аслида мен қовоқ уюшим керакмасми?» Уйимизга боришга-бориб, кейин хавотирланиб қолган. Нега бу одам бир чўқиб, ўн қарайди-я! Мен бир ўқувчиси бўлсам...

Йўқ, бормайман мактабга. Ушанинг ялинчоқ кўзларини кўрсам, ўзимни туттишим қийин... У кеч киришини оёғи куйгандай кутади. Кечкурун ўпкасини қўлтиқлаб бизникига қараб чопади. Давоматни пасайтириб юбораман-у, у тинчгина уйга кета оладими? Дадамга яна ҳасратини бошлайди...

Бормасам бўлмайди. Нима, мактаб унинг катта бобосидан қолган меросми? Бормасам, яна Бахтиёрга ўхшаганлар айтишга-айтиб, юраги пўкиллабди деган гапларни тарқатишади.

Ювиниб бўлувдим ҳамки, кўчадан овоз эшитилди: «Улуғ!.. Улуғбек!» Элмат! Келгани яхши бўлди. Йўл-йўлакай кулдириб кетади, «дунёнинг ташвишини ўйлайвериб» чарчаган миям бироз дам олади.

— Оёғингга тош боғлаганмисан, тезроқ юр, «эски тарих»дан кеч қолмайлик. Ҳа, нега пешонанг тиришади? Дунёнинг ҳамма ташвиши сангинага тушиб қолдимми?

Кулвораман. Боягина мен ўйлаб топган гапни айтади-ю, кулмайманми?

— Ҳа, мунча оғзингни таноби қочяпти? Аммамнинг йиртиқ калишларидай. «Янги тарих» кўнгилларига зиғирдай урганди, энди «эски тарих» ҳам кулгили бўп қолдимми?

«Эски тарих» деб у география ўқитувчимиз Қурбон акани айтади. «Янги тарихи» — синф раҳбаримиз. Қурбон ака асли географиядан, ўзи айтмоқчи, жуғрофиядан дарс берса-да, тарихни яхши кўради.

— Дарсдан кейи кўчма тўғарагимиз бор, деётгандилар. Уйга айтиб қўйдингми?

Хайрият, ялпайиб ётавермаганим, мозорбобо зиёратидан қолиб кетарканман. Қадамим тезлашиб кетди. Ҳали кўкрагимдан итариб турган куч узоқ-узоқларга учи кетди. Қурбон ака ўтган гал Қўқон йўлидаги икки мозор ҳақида сўзлаб берганди. «Болалар, биласизларми, нега биз ўша мозорлар тўғрисида гапирганимизда «мозорбобо» деймиз? Чунки у мозорларга олис-олис замонларда қишлоғимизни, юртимизни ёвдан ҳимоя қилган боболаримиз дафн этилган. Келгуси ҳафта сизларни мозорбобога олиб бораман, ўшанда ўзим билганча тарихдан сўзлаб бераман».

Мактабга киришимиз биланоқ синфимиз олдида турган раҳбарни кўрдим. Ҳалигина унга дуч келмасам эди, деб тургандим, негадир энди парво қилмадим. Салом бергандай бош тебратдим-у, синфга кириб кетдим. Айрим болалар худди нариги дунёдан келган одамни кўргандай бақрайиб қолишди.

— Хайронлик маросими тугади. Ҳаммага ўз иши билан шуғулланишга ижозат берилди! — Элмат кифтини келтириб сўзларди.

«Ижозат берилгач», кимнинг овози баланд мусобақаси бошланди. Қулоқларимни беркитиб, тўхтовсиз очилиб-ёпилаётган оғизларни кузатиб ўтирдим. Бай-бай, бунча буларнинг гапи қайнаб-тошмаса? Ярим кунда бир дунё янгилик топиб қўйишади-я. Синфга Қурбон ака кириб келгачгина оғизлар тин олади. Синф сув қуйгандек жимийди. Нега ҳамма муаллимларимиз Қурбон акадек эмас-а? Нега бошқаларнинг дарсида қўнғироқни кутавериб, эсимиз кетади-ю, бу кишининг дарсида қўнғироқ чалинишини истамаймиз? Нега Қурбон акадан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, ўртоғимиз билан сўзлашаётгандай гаплашаверамиз?..

Ҳозир Қўқон тарафларга бориладиган янги йўл бу ердан тўрт чақирим наридан ўтса-да, ҳамон қишлоқда Қўқон йўли деб аталадиган тупроғи кўпчиб ётган кўчада Қурбон акани қуршаб олганча борамиз. Йўлнинг чап тарафида чуқур зовур. Сирдарё тўсилиб, қишлоқни зах босиб кетгач қазилган. Унг томонида лойсувоқ уйлар. «Илгари мана шу ерларда томма-том етти-саккиз чақи-

рим юриш мумкин экан. Ҳар маҳаллада ўзининг гузари бўлган. Гузарда чойхона, қассоблик, боққолликка ўхшаш дўконлари бор эди. Мактабимизни қўрғон мактаби дейишларини биларсиз. Олдин унинг ўрнида катта қўрғон бўлган». Биз биронта сўзни эшитмай қолишдан чўчиб, жимгина кетардик. Олдинроқда бораётган Элмат Қурбон аканинг сўзларини бўлди: «Эҳ, ўша вақтларда яшамаган эканмиз-да. Томимизга чиқардим-да, қўрғон қайдасан, дея кўчага тушмасдан томма-том югурардим... Қурбон ака, нега ҳозир бунақа эмас-а?» Муаллим жилмайиб кўядилар: «Мана шунақа нега бунақа эмас, деб сўраганимиз учун. Одамларнинг зич яшашларидан қадимда қишлоғимиз ўрнида шаҳар бўлганлигини билса бўлади. Исписор асрлар давомида қанчадан-қанча ёвнинг қирғинига дучор бўлган. Ёв юртимизни култепага айлантирган, ер юзидан супуриб ташладим деганда, омон қолган «вотти-вотти»лар Исписорни қайтадан тиклашган».

Баъзан Қурбон аканинг ҳазилию чинини ажратиб бўлмайди. Жиддий гапириб туриб, орасига ҳазил қўшворадилар. Ёки аксинча. Қишлоғимизнинг тўрт атрофидан биздан бошқа «вотти-вотти»лаб гапирадиган кишилар йўқ. Қатағонлик, уяслик, чамбилликлар — ҳамма-ҳаммаси «япти-япти». Шунданми, улар биз — исписорликлар ҳақида ҳазиллашиб «вотти-воттилар келишди», «вотти-воттиларнинг тўйига бордингизми», дейишади. «Энди бу қорахоний бобомиздан қолган мерос, ундан воз кечиш йўқ». Яна Қурбон аканинг ҳазилчинини ажратиб бўлмайди.

«Биз юртимизни ўт ичидан тиклаган азизларни ҳам, ёв йўлини тўсиб, ўз қони эвазига болалар ҳаётини сақлаб қолган боболаримизни ҳам унутворганмиз. Бизнинг шунчалик эътиборсиз одамлар бўлишимизни башорат қилишганми, қадимда исписорлик ҳар бир ота-она юртимиз ҳимоячилари кўмилган жойларни болаларига муқаддас деб ўргатишган, ўғил-қизларини кичиклигида-ёқ зиёратга олиб боришган. Мозорбоболарни асранглар, эътиқод қўйинглар, уларнинг руҳи бизни қўллаб-қувватлайди, дея фарзандларининг қулоқларига қуйишган. Биз барибир ботир боболаримизнинг номларини унутдик. Энди улар бизга мозорбобо бўлиб қолишди». Қурбон аканинг овозлари титради, кўзларида ёш кўринди. Тўсатдан тез юриб кетдилар. Биз орқада қолмаслик учун югургиладик.

Пастаккина девор билан ўралган эски қабристонга дарвозадан кириб бордик. Гумбаз қилиб тикланган мозорбобо томон оҳиста юрдик. Мозор яқинидаги ҳовуз бўйига тизилдик. Зилол ҳовуз суви маъюс чайқаларди. Атрофидаги баланд-баланд садақайрағочлар, қари толлар сувда сузиб юрган сарғиш баргларга хомуш тикилардилар.

«Мозорбобонинг номини эшитгансизлар-а?»

«Эшитганмиз, Қурбон ака, Сўқир ота дейишади.»

«Энди, ҳув анув ёққа қиранглар, — у ишора қилган томонда, биз турган жойдан бир чақиримча нарида тағин битта гумбазли мозор бор эди. — Кўрдингларми? Бу мозор Сўқир отаники, униси эса, ўғиллариники. Бу воқеаларга жуда кўп бўлган... жуда кў-ўп... Исписорга кетма-кет ёв ҳужум қилавериб, эркаклар деярли қирилиб кетган. Охирги жангдан кейин Сўқир ота билан ўғилларидан бўлак эркак қолмаган. Ёв отининг дупури эшитилиб, аёллар эркакча кийинишганда, Сўқир ота қаттиқ койиганлар, ҳали бу юртда битта эркак боракан, сизлар қўлингга қилич олмайсизлар, бориб бола-чақангни боқ, невараларимнинг бир тукига зиён етса, мендан кўрадиганингни кўрасан... Аёлларни жўнатиб, ўғилларини чорлаганлар. Икковлон ёв келаётган томонга иккита мустаҳкам тўсиқ ясашган...»

Мендан бир ёшгина катта — ўн еттига кирган баҳодир ўғлон, сени кўриб турибман. Олатасир от чоптириб келаётган душман қуюнига ўқ ёғдирыпан. Бақувват билакларинг камон ипини зум ўтмай тортиб туради. Ёниб турган, бургутдек кўзларинг заррача адашмайди. Ўқларинг хато кетмайди. Юки енгиллашган отлар ортга қочади. Сўқир отанинг мўлжалиям аниқ. Душман лашкарбошиси Исписорда учтами-тўртта жангчи қолган деган хабарни етказган айғоқчининг етти уруғини қолдирмай бўралаб сўкади...

Бобожон, ўғлингизни ёлғиз қолдирманг. Нега унга, бир қадам ортга чекинсанг, мани пуштикамаримдан эмассан, деяпсиз? Сизнинг ўғлингиз куёвнавкарлардан эмас-ку! Уқ-ёй келтиришга кетаётиб, сиз унинг кўзларига қарамадингиз. Кўзлари, дунёга тўймаган кўзлари сиз билан хайрлашаётган эди. Бобо-

жон, отингизга қамчи боссангиз-чи! Тезроқ! Ҳозир душман ўқи акамнинг курагига санчилади!

«Ёв орқасига тирақайлаб қочганида ота-бола бундай қарашса, ўқлари соб бўлаёзибди. Ота нариги тўсиққа ғамлаб қўйилган ўқларни опкелишга жўнабди. Бу орада ёвнинг орқада қолган қўшини етиб келиб, хужумга ўтибди. Узи томон ўқнинг ҳалигидай устма-уст эмас, аҳён-аҳёнда отилаётганидан шерланган ёв ҳийлага ўтибди. Бир қисми тўхтовсиз ўқ ёғдириб, ўн-ўн бешови тўсиқнинг орқасидан айланиб ўтибди. Ботир ўғилнинг орқасига пайдар-пай ёйлар санчи-либди...»

Бобожон, энди борманг! Нега юрагингизни ушлаб қолдингиз? Уғлингиз-нинг «отажон»ини эшитдингизми?

«Ота мўр-малаҳдай бостириб келаётган ёвни кўриб, кеч қолганлигини англади, юрагидан бир нима узилди, отини иккинчи тўсиқ томон ҳайдади. Тўсиқдан ёғилаётган ўқ-ёйлар ёвни шошириб қўйди. Отанинг алами, ғазоби ўқларга қўшилиб ёвни йиқитаверди...»

Эҳтиёт бўлинг, бобожон! Ана, бирови ўғри мушукдек орқангиздан пусиб келяпти. Энди улар Исписор тупроғини топтай олишмайди. Атиги тўрттагина қолишди. Пусиб-пусиб эмаклаётган бу каламушларни аёлларнинг ўзлариёқ уркалтак қилиб ташлашади. Фақат сиз эҳтиёт бўлинг!

«Сўқир ота қарасалар, садоқда иккитагина ўқ қолибди. Олдинда эса учта душман. Майли, иккитасини саранжомласам, биттасини қилич билан тинчитарман, дебдилар. Лекин орқаларидан пусиб келаётган ёвдан хабарлари йўғакан. Иккала ўқ ҳам нишонга тегибди. Ота учинчи душман томон қилич кўтариб ташланганларида, орқадан найза санчилибди.»

Номард! Соқоли оппоқ чолга юзма-юз келолмай, ўғри мушукдай пусиб бордингми? Шошма, ҳали ўзинг ит ўлимини топасан!

Ёв лашкарбошиси отанинг очик қолган кўзларидаги нафратдан титраб-қақшабди. Кўзларини йўдирибди. Лекин барибир тинчий олмабди. Тўсиқнинг тўрт томонига ғизиллаб, бошқа ҳимоячини тополмабди.

«Лаънати битта чолга кучинг етмадимми?» Ҳалиги орқадан найза санчган аскарининг бошини узибди. У ёққа қараса ўлик, бу ёққа қараса ўлик. Исписор томонга юраман деса, оёғи қалтирабди, тиззаларидан куч қочибди. Боши ғувиллаб, орқасига қарамай тирақайлабди...»

Тик қоматли садақайрағоч япроқлари шивирлади. Қулоқ тутдим. Нима демоқчилигини англаёлмаи аламин келди. Ҳовузга тикилиб нажот изладим. Заъфарон япроқлар сузиб юрган сув ҳамон маънос чайқаларди.

Қурбон ака «бугун кеч бўп қолди, ўғилларининг зиёратига бошқа кун келармиз», деганларида ҳам ҳаммамиз ўйга толиб ўтирардик. «Нимага бошқалар бу ҳақда гапиришмайди», деди йўлда кетаётганимизда Элмат. «Гапириш-саям афсонага ўхшатворишади, — дедим тилим сўзга келишаётганига ўзим ишонмай. — Бу воқеа бўлган-ку, душман лак-лак бўлмаса-да, юз-икки юз аскар билан ота-боладан енгилган!»

Туни билан ухломладим. Тонггача Сўқир ота билан суҳбатлашиб чиқдим...

\* \* \*

Элматнинг хўб ғалати одатлари бор-да. Бир қарасанг, кулгидан оғзини йиғиштиролмади, бир қарасанг, қовоғидан қор ёғади. Бугун дарс тугагунча қовоқ уйиб юрди. Юлдуз ўзича ҳазиллашиб кулдирмоқчи бўлганида, эшитаганини эшитди. Кўзларига кафтини босганича синфдан югуриб чиқиб кетган қизга ичим ачиди. Элматга баъзан ғирт тўнкага ўхшаб кетасан-да, бечора қиз аҳволингга куйиниб, таъбингни очмоқчи бўлса-ю, сен тўнғиллаб берсанг, демоқчи бўлдим. Лекин айтгим келмади ва пича ўтиб ўзимдан хурсанд бўлдим. Шу туришида Элматнинг «Менга нима қипти, куйинадиган аҳволга тушиб қолибманми, бор, яхшиси, орқасидан чопиб бориб, уни юпатгин», дейиши аниқ эди. Кейин «тўнка» демаганимдан суюндим. Бордию айтганимда, шу бир оғиз сўз меники эмас, уникага айланар, мени хўб қийнаган ва ҳузур берган мулкдан маҳрум бўлардим. Ичимга ютганим яхши бўлган экан, отам тақдим этган ажойиб мулкдан ажрашимга, икки қўллаб топширишимга бир баҳя қолибди-я!



Дарсдан кейин имиллаганча китоб-дафтарларни йиғиштирдим. Ҳамма кетиб бўлгандир, дея судралиб ташқарига чиқсам, Элматвой турибдилар кўзларини лўқ қилиб. Енма-ён боряпмиз-у, икковимиздан ҳам садо чиқмайди. Мактабдан уйимиз томон учта йўл бор: бирини янги йўл деймиз, кенг, текис, иккинчиси эски кўча, энг яқини шу, ҳаммамиз шу йўлдан кетамиз, учинчиси, узоқроқ, пасткам кўча. Элмат ана шу пасткам кўча тарафга юрди. Аввалига бир кўнглим яқин кўчадан юрмоқчи бўлдим. Қадам олишининг оғирлигидан, куни бўйи маъюс юрганини эслаб, қайсар ўйимдан қайтдим.

«Улуғ, агар, бордию илгари яшаганимда Сўқир ота мени ёнларига олар-мидилар?» Элматнинг саволини эшитиб, ўйчанлиги сабабини топгандай бўлдим. У ҳалигача ботир боболаримизни ўйлаб юрган экан-да. Тўнка деворишимга сал қолди. «Нега индамийсан, Улуғ, ичингдагини айтавер, хафа бўлсам, одам эмасман. Сен айтмасанг ҳам, олмасликларини ўзим яхши биламан.» Ўзи сўраб, ўзи жавоб топяпти. Демак, фикримга унчалик муҳтожга ўхшамайди. Нега бундай хулосага келдийкин? «Ошна, мана бу еримни олов куйдирыпти, — Элмат кўкрагининг чап тарафини чангаллади. — Ёниб кетяпти, ёниб... Тили кесиб ташланган соқовдек ўтираверадиганларни Сўқир бобо ёнларига олиш нари турсин, ақалли кечира олармиканлар?» Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди-ку! Элматнинг бунчалик эзилиб гапирганини олдинлари эшитмаганман. Тез ловуллаб кетадиган, койиниб қоладиган одати бор, барибир бунақа эзилмасди. «Ақалли бир оғиз гапирсанг-чи, Улуғ! Йўқ, майли, гапирма. Мени ичим тўлиб кетяпти, сеники эмас. Ҳали ўша муаллим «а» деса «а»лаб, «бе» деса «бе»лаб ўтирадиганлар қаторига қўшилиб қолдимми? Нега ўша куни муаллимнинг ноҳақлигини била туриб мум тишлаб ўтиравердим? Сени қувватлашим, шартта-шартта гапиришим зарур эмасмиди?» Гап қаёқдалигини энди англадим, Элмат кечаги зиёратдан таъсирланиб кетган. Ўзини ва боболаримизни со-лиштирган. Эсига нуқул охирги воқеалар, Тоштемирнинг алам билан синфдан чиқиб кетиши тушаверган.

— Элмат, бунчалик куйинма, ўзинг айтмоқчи, янги тарихчининг хатосини биласан, шу боис кесакдек ўтиравермагансан.

Элмат жойида таққа тўхтади. Маъюс жавдираб турган кўзлари синовчан тикилди.

— Улуғ, сен кўп нарсани тушунадиган боласан. Ҳозир негадир мабодо менинг устимдан кулмаяпсанми, деган ўйга бордим. Елка қисма, энди изо-ҳингга ҳожат йўқ, ҳаммасини ўзим тушундим. Биласанми, нима, атрофида ағдар-тўнтар бўлса-да, ҳеч нарсани ўйламасдан ўтираверадиган одамдан, ўйлаб туриб ичига ютган одам ёмон. Ё-мон...

Мен овози қалтираётган ўртоғимга қандай тасалли беришимни билмас-дим. Ўзи асли у тасаллига муҳтожмикин?

— Кеча уйларингга Тоштемирнинг ойиси бормадими?

— Йў-ўқ, — Элматнинг хотиржам, лекин барибир хавотир аралаш саволи-га ҳайрон бўлдим.

Унинг саволи шунчаки кутилмаган ва устига-уштак сирли ҳам эди. Сирли. Нега тўсатдан Тоштемирнинг ойиси ҳақида гап очиб қолди? Илгари бизникига борганини эслолмийман. Демак, Элматга бораман деб айтган, ёки шунга ўх-шаш гап ўтганки, у сўраяпти. Тоштемирнинг синфдан чиқиб кетганига бугун уч кун бўлди. Мактабга келгани йўқ. Биров кўрдим ҳам демайди... Ё унга бирон гап бўлди? Қасал-писалга чалинадиган бола эмас. Бахтиёрнинг аблаҳлигига чидолмадими ё? Агар мен унинг ўрнида бўлсам... ўрнида бўлсам... Бошқа мактабга ўтиб кетган бўлардим. Синфдошларнинг ҳаммаси бир хил эмас-ку. Сал гап қочиб қолса, дарров Бахтиёрнинг сўзларини ўқ қилиб отадиганлар-риям бор. Бахтиёрнинг ўзи-чи? Ҳар кўрганда уни ургим келиб, кўлим қичишган бўларди. Ҳали яна раҳбарнинг тиржайган башараси бор... Майли, булар ме-нинг хаёлларим. Балки Тоштемир бундай қилмас. Лекин барибир уч кундан бери мактабга келмаяпти-ку... Нега бирон марта хабар олмадим? Кўз-кўзга тушганда куйинадиганлар қурига қўшилиб қолибман-да? У қанча эзилгандир...

— Тоштемир ўша куни уйига кеч кириб борибди. Шишган қовоқларига, қизарган кўзларига, бежо ҳаракатига қараб онаси ҳайрон қолибди. «Болам, нима бўлди сенга», деса илжайрмиш. «Болам, бунақа илжайма, қўрқиб кет-япман», дея онаси турган жойида қотиб қолибди. Тоштемир ўша илжайганича

онасини кучоқлабди-да, шартта бурилиб кўча томонга югурибди. Орқасидан «ака-ака»лаб чопқиллаган укаларига ҳам қарамабди. Ушандан бери йўқмиш. Онаси шўрлик озиб, чўп бўб кетибди. Қишлоқда изламаган жойлари қолмабди. Бизникига ҳам қидириб борганди...

Элматдаги оғир хўрсиниқ менгаям ўтдию бўғзимга тиғдек қадалганча қолди.

\* \* \*

Кеча Тоштемирларникига боргандим. Онаси бизни кўрибоқ йиғига тушди: «Бологинамдан бирон хабар обкелдиларингми, ўғилларим? Тезроқ айтинглар, тилларингга шакар дейман, ўла-ўлгунимга сизниям ўғлим дейман!» Биз ер чизганча туравердик. «Элматжон, сизлар ҳам ўртоғингни қидирдингларми? Менга ўхшаб топмасдан сарсон, зор қақшаб юрибсизларми? Тоштемир бир жойга сўроқсиз кетадиган бола эмасди. Бояқиш болагинамга нима бўлди? Уни нима жин урди-я?» У ҳалигача мактабдаги воқеадан беҳабар эди. Уни одам қиёфасидаги жин урганлигини билмайди-да. Ҳозир бу ёққа келиб, манови хотиннинг аҳволини кўрганда аблаҳлигини тан олармиди... «Қаёққа кетяпсизлар, ўғилларим, бирпасгина ўтиринглар, сизларни кўрсам, ўтим бироз пасаяди, болагинамни кўргандай бўламан, болагинамни!» — ўтинади бечора.

Дарвозага етай деганда Элмат шарт орқасига ўгирилдию сўради: «Синф раҳбари келгани йўқми, мабодо?» Ана холос, шу зарурмиди? Элматнинг билаларидан маҳкам сиқиб, дарвоза томон судрадим. Тоштемирнинг онаси орқамиздан сўзлаганча қолди: «Йўк, ўзим борувдим олдига, мани оғиз очиргани қўймай, ўғлингиз мактабга нега келмаяпти, деб суриштира кетди. Кейин мажлисдан кечикдим дея, физиллаб қолди». Гапга тўн кийгизишга уста-да раҳбар. Мудом оғзи тўла пуч ёнғоқ. Қўйнингга шундоқ жойлаб қўядики, оғзинг қулонингда кетаверасан. Шундай уста одам ўша кунни Тоштемирни нега чақирдийкин? Билмай қолдими ё атайлаб қилдими? Балки ўзи айтгандай рўйхат билан чақиргандир. Шунча йилдан бери ўзи билган сирни айтмай келган Бахтиёрнинг юзсизларча гапиришини ўйламагандир балки... Элмат барибир ўзини тутади: «Аблаҳ экан раҳбар!» Хола аввал оғзини очганча қолди, англадим-йўқми, билмайман...

— Улуғбек, шифтда нима бор экан ёки янги юлдуз топмоқчимисан?

Кўрсаткич таёқни харитага тираб турган Қурбон аканинг гапларини даб-дурустан англолмадим. У гина аралаш кулумсираб турар эди. Хижолатга тушдим.

— Қурбон ака, Улуғбекни айтдингизми ёки Элматними?

Турғуннинг овсарона саволидан синфда гурра кулги кўтарилди.

— Ҳе, бола бўлмай ўл, қовоқбош, — Юлдуз бурнини жийирди.

— Нима, юлдуз топганлар олтинбош бўп кетаверибдими?

Кулги авжига минди.

— Турғун, бу гапларни қаердан топяпсан? Ё олдин кўчириб олганларингни айтяпсанми?

Элматнинг қочириғидан синф яна кулгидан зириллади. Қурбон ака етарли ишорасини қилди.

— Болалар, мен сизларга илгари Қайроққум топилмалари ҳақида гапириб бергандим. Қани, кимнинг эсида бор?

У қўл кўтарганлар орасидан Элматга ишора қилди.

— Сен айт-чи.

— Қайроққумда тўғон учун янги ўзан қазилаётганда тўғри тўрт бурчакли бинолар чиққан, уларнинг ичидан тош асридан бронза давригача яшаган одамлар ишлатган буюмлар топилган. Яна тошдан ясалган ўчоқлар...

— Балки, бултур саёҳатчилар қолдириб кетган ўчоқлардир?

— Турғун, майнавозчилик қилма. Буларнинг ҳаммаси олимлар томонидан минг марталаб текшириб кўрилган. Уч-уч ярим минг йиллик ва ундан кўпроқ тарихга эга, — деди ўқитувчи ва Элматга ўтиришга рухсат бериб, давом этди. — Қолган гапларни эртага, Қайроққумнинг ўзида гаплашамиз. Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал. Нима дединглар?

Биз яшасин, дея шовқин кўтардик.

Қурбон ака бошқа муаллимларга ўхшамайди. Дарсида китобга ёпишиб олмайди. Биз билмаган жуда кўп нарсаларни топиб айтадики, қотиб ўтирамиз.

Ана ҳозир ҳам Сирдарё атрофидаги ўн йилча олдин йўқолиб кетган тўқайлар, ундаги биз номини ҳам эшитмаган қушлар, изиям қолмаган ҳайвонлар ҳақида сўзлаяптилар. Нега Қурбон ака тўқайни ёқлаб, бунчалик куйиниб гапиряптилар? Колхозимиз ҳаммадан кўп пахта берса ёмонми? Нега «Пахта — бойлигимиз, ифтихоримиз», деганда кесатгандай қиялтилар? Опаларимиз узоқ Далварзинга қатнаб ғўза чопиқ қилиб, пахта териб келишган-ку... Ё бизни ҳеч нарсани тушунмайди, деб ўйлайдиларми?

Эшик устма-уст тақиллаб, рухсат кутмасданоқ ичкарига мудир билан синф раҳбари кириб келишди. Қурбон ака қўлидаги таёқни ёғимлаганча дераза томонга тикилиб қолди.

— Кечирасизлар, дарсни бузишга мажбурмиз, — деди мудир ўқитувчимизга яқинлашиб. — Муҳим гап чиқиб қолди. Ҳозир ҳамма ҳовлига чиқсин, мажлис бўлади.

— Дарсдан муҳимроқ нима гап бўларкин? — деди Қурбон ака энсаси қотганини яширмай.

— Ташқарига чиқсангиз, биласиз! — деди мудир зарда билан. Кейин орқасидан илдам эргашган синф раҳбарига ҳам қарамай эшикни ёпди.

— Қурбонали, қизиқ феълингиз бор-да, барибир мажлис дегандан кейин чиқасиз-ку, нишингизни бир санчмасангиз бўлмайди-да.

Синф раҳбари ҳам чиқатуриб, бир қақиб олди.

Қурбон ака кўрсаткич таёқни олиб харитага яқинлашди, таёқ пастдан юқорига кўтарилар, юқоридан пастга тушар, чапдан ўнгга, ўнгдан чапга силжир, ҳадеганда, зарур нуқтада тўхтамасди. Охири биз томонга ўгирилдиларда, «Болалар, мажлисга чиқинглар», дедилар. Таёқ баралла титраб турарди...

Биз чиққаннимизда мактаб ҳовлисини ғовур-ғувур тутган, болалар тўзиб юришарди. Ҳамма ўз таҳминини айтади, лекин мажлиснинг бошланишидан дарак йўқ. Ярим соатча турдик ҳам мудир томоқ қира қолмайди. Ахийри чекка-чеккада мушт-шапалоқ бошланди. Элмат икковимиз секин жилворайлик деганимизда битта виллис кўринди. Директор бошлиқ уч-тўрт киши ўша томонга йўрғалашди. «Э-ҳа, раис ҳазратлари-ку. Манави тумонат у кишининг келишларига мунтазир экан-да!» Элмат ажойиб-да, кулмасанг ҳам кулдиради. «Раис ҳазратларидан» ҳам кўра у кишини илҳақ кутаётган, бири эгилган, бири букилган, бири икки қўлини кўксига қўйган муаллимларимизни кўриб кулги қистарди. Фақат Қурбон акагина бир чеккада ғамгин турибди.

Лекин виллисан раис эмас, ўринбосари тушиб келди. У ўринбосар бўлса-да, қишлоқда «Сотволди раис» деб ном чиқарган. «Раис» мактабга кираверишдаги зинапоёга битта-битта юриб чиқаркан, шундоқ ёнгинамда Тоштемирнинг онаси хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади. Элмат биқинимга туртди: «Эгизак ўғиллар отасининг макка еган хўроздек кеккайишини кўр!» Кулаётгандим. Сотволди раиснинг олдидаги столга тўшалган қизил матодаги чангни шошапиша қоқаётган синф раҳбаримиз оғзимга кафтини босди. Унинг чанг юки қўлини олиб ташлашга ҳарчанд уринмай, ёпишқоқ бармоқларини ажратиб бўлмасди. «Улуғ, нима бўлди сенга, нега «уҳ»лаяпсан, нафасинг қисяптими? Озгина чидагин, буюк нутқдан бебаҳра қолмайлик!» Элмат мени четга тортди. Бу орада мактаб директори сўзини тугатган ва Сотволди раис болаларнинг тинчишини кутарди. Атроф сув сепгандек бўлгачгина, муштира йўталди.

— Ҳурматли болалар, толмас билакли, шер юракли укаларим. Олдингизга ота-оналарингизнинг илтимоси билан келдим. Сизу бизнинг фахр-ифтихоримиз ёғингарчиликда қолиб кетмаслиги, увол бўлмаслиги учун эртадан бошлаб ғайрат камарини маҳкам боғлайсизлар энди. Оқ олтинни яратган олтин қўлли ота-оналарингизга бир ёрдам бериб юборасизлар. Биламан, мен келсам ҳам ўзларингиз далага чиқишга тайёрсизлар. Бу ҳақда ҳурматли директорларингиз ҳам айтдилар. Майли, бугунча уй-уйларингизга бориб, яхшилаб дам олинглар, этак-петакларингизни топиб қўйинглар. Эртадан эса сизни пахтазор кутади.

Келишдикми, полвонлар?

— Олтин қўлчалар, денг! — бошини эгиб қатор орасидан гап ташлади Элмат. Гурр кулги кўтарилди.

Аммо Сотволди раис ўзини эшитмаганга олиб, директорга қараб иршайди. — Бир ўзингизни кўрсатасиз-да, тўғрими?!

Директор эланиб унинг сўзини маъқуллади. Бунга сари қарсак янграб директор кафтларига зўр берди. Унга мудир, ўқитувчилар, биз қўшилдик.

«Гапираверинг, раис ҳазратлари, жағ уриш сиздан, қарсак биздан, — Элмат қўлларини бошидан баланд кўтарганча чапак чаларди. — Улуғ, қара, минбарга «янги тарих» алломаси, ҳурматли синф раҳбаримиз кўтариляптилар. Ҳозир бизнинг чаққон қўлларимиз, толмас билакларимиз мақтови кетади».

— Азиз ҳамкасблар, қадрли шогирдларим! Ҳозир ҳурматли Сотволди акамиз сизу бизни бироз ранжитадиган гап қилдилар. — Элматни «бу ёғи қандоқ бўлди?» дегандай туртдим. У оғзи очилганча, қўллари осмонда ёзилганча турарди. — Далалардаги бизнинг чаққон қўлларимизга, толмас билакларимизга муштоқ оқ олтинда фақат ота-оналаримизнинг эмас, ўзимизнинг ҳам марвариддай-марвариддай пешона теримиз бор, — Элмат енгил нафас олиб, биқинимга туртди. — Энди меҳнатимиз мевасининг бирон толасини нобуд қилмасдан териб олиш бизнинг ватанпарварлик вазифамиз эмасми?

Элмат аста шивирлади: «Раис билан икковининг лентаси бирми?» Раҳбар эса давом этарди.

— Тўққизинчи «А» синфимиз ўқувчилари тўққизинчи «Б»ни социалистик мусобақага чақиради.

Энди Сотволди раис қарсак бошлади. Қўлларим чўнтакка ёпишиб қолган, ғовур аралаш баланд қарсак овози қулоғимга ёриб юборай дерди. Ер тепиниб чарчаган Элмат қулоғимга шивирлади: «Кетдик. Биз кунига саксон-юз килодан терамиз, деб бошқаларни ўрнак олишга чақира олмаймиз!» Даврадан четлашаётганимизда ўнинчи синфдаги гапга чечан бир қиз «нутқ»ини бошлаган эди...

\* \* \*

Қутулуғга чиқишни яхши кўраман. Қайроққумнинг энг юқоридаги кўчасидан қирга қараб йўл кетади. Қирга кўтарилиб борарканмиз, энди ҳансирай бошлаганимизда, шундоқ кўз ўнгимизда, юз қулочча пастда бир эртақ пайдо бўлади. Ям-яшил дарахтлар ичида уйлари кўриниб-кўринмайдиган дўппидеккина қишлоқ, унга туташ пастак тутзорлар, нарироқда Сирдарё кўм-кўк бўлиб, буралиб-буралиб оқади. Дарё ортида яна яшил боғлар, далалар, олис-олисда тоғлар кўринади. Шу манзарани кўришим билан ҳар гал кўкрагимга бирнима тўлиб бораётгандай бўлаверади. Усти очиқ юк машинаси кабинасига қўлимни қўйганча эртақдан ажраб қолмаслик учун кўзларимни катта-катта очиб тикиламан.

Бултурдан бери пахтага шу ёққа келаемиз. Қурбон акадан бу йил ҳам Қутулуғга боришимизни эшитиб, оғзимнинг ипи қочди. Қутулуғ ота булоғидан сув ичаётгандай яйрадим. Тўрт кундан буён ҳар тонгда эртақ кўраман, кечқурун ҳориб-чарчасам-да, эртақ билан юрагимдан бир нима узилаётгандай хайрлашаман.

Қутулуғга иккита «тўққиз» келяпмиз. Элликтача бола тахта ўтирғичлар қўйилган машинада тизилишиб ўтирибмиз. Тўққизинчи «А»нинг, яъни биз — мусобақада ютишга енг шимарган ғайратли синфнинг раҳбари ҳайдовчининг ёнидан жой оладилар. Йўқ, ҳайдовчининг униқиб кетган кўрпачаси тўшалган юмшоқ ўриндиққа ўтиришдан олдин биз — «қулоқсиз»ларнинг хавфсизлигимиз билан қизиқадилар. «Болалар, биттанг ўрнингдан турмийсан. Худо кўрсатмасин, — қўққис тилларини тишлаб қоладилар, — энди шу фалокат оёқ остида дейдилар-ку. Қурбонали, нега илжасиз, бирон кулгили гап қилдимми, болалар саломатлигини ўйласам ёмонми, буларнинг ота-онасига нима деймиз, борди-ю... Йўқ, агар, шу жипириқларга гапим ўтмайди, десангиз, тушинг, мен ўзим кузопга чиқаман...»

Энг четдаги ўриндиқда кулумсираб ўтирган Қурбонали ака атайлаб кўзғаладилар. Аммо раҳбар жойидан қимирламайдилар. «Майли, оёғимнинг боди кўзғаса-кўзғар, уч-тўрт кун духтур-пухтур қилармиз, кейин бир ўзингиз қийналиб қолмайсизми? Яна куласиз-а! Болалар, эшитдингларми, ўриндиққа сиғма-

ганлар, кузопга ўтиришсин! Кимки қондани бузса, кейин бошқача гаплашман!» Раҳбар виқор билан бошини орқага ташлаб, битта-битта юриб кабина томон боради. Эшикни силтаб очиб, ўриндиққа ястангач, ҳайдовчига бош қимирлатиб, йўлга тушишга ундайди.

«Шу фаришталарга ҳам ҳайронман-да, бундоқ синф раҳбаримизнинг айтганларига омин дейишса, бирон ерлари камайиб қолармикин? Уч-тўрт кун «духтур-пухтур»лаб дам олардилар, бизнинг қулоқларимиз ҳам уч-тўрт кунгина...» Орқа ўриндиқдаги Турғун тумшугини суқиб Элматнинг гапини бўлади.

«Ҳа, мунча ичинг пўкиллайди? Қизиқроқ гап бўлса, қаттиқроқ айтавер, Улуғ икковинг пичирлашиб кулишганинг-кулишган. Биз шўрликлар ҳам умрни узайтирайлик бундоқ!» Элмат бор овозда латифа бошлайди. Шу билан кетди. «Ҳа-ҳа, ҳи-ҳи, ҳо-ҳо». Элматдан сўнг Турғун олади, уникига бошқаси улаб кетади. Қизлар ашула бошлашмаса, нақ Қутулуггача латифани тўхтатмаймиз.

Машина Қайроққумдан чиқиб, қирга ўрлади. Кабина тарафга қараб юрдим. «Доим шунақасан, жойингда тинчгина ўтиролмайсан» — мени ўтказиб юбориш учун эринибгина ўрнидан туради Юлдуз. Кабинага тирсагимни қўйганча олдинга тикиламан. Қўйида сеҳрли эртак кўринади. Юрагим кенгайиб бораётгандек...

Теварагига айлантриб тол экилган ҳовуз бўйидаги пастак-пастак иккита уйча олдида машинадан бақир-чақир билан тушдик. Қорача бетидаги гўшти қочиб, суяклари туртиб чиққан, сочлари оппоқ бригадир тоға кўринмасдилар. Нарироқда пахта ёяётган кишилардан бири шошмасдан келиб, муаллимларга нималардир деди. Синф раҳбаримиз дарҳол қўлини оғзига карнай қилди: «Тугунларингни шийпонга қўйманглар, бугун узоқроқдан терарканмиз, бизни ўша ёққа олиб боришадан».

«Шунақаякан, машинадан тушмасимиздан олдинроқ айтишса асакалари кетармиди, энди судрали-иб юрамизми? «Ўлма, Юлдуз, битта гап айтдинг-да сен ҳам лекин.» Қани, раҳбар нима деркинлар? Агар шу гап Кўпайсинданми, бошқа қизданми чиққанида кўрардингиз. «Вақтида биз Хўжандга яёв бориб-келганмиз, бир чақиримга оёқчалари оғриб қоладими», дердилар. Лекин ҳозир айтолмайдилар. Кимсан Юлдузга шундай деб кўрсинларчи. «Энди, болалар, шуниси яхши бўлди бир ҳисобда,— гапирган киму раҳбаримиз кимга қараб турардилар. Турғун ҳатто «мен индамадим-ку», демоқчи бўлди.—Кечаси шудринг тушиб, ғўзалар намланган. Эгатга қадам босдинг, ҳаммаёғингни ивиторасан. Қуриганда теришни бошлаганимиз яхшимасми?» Биз индамасдан кетавердик. Гўёки фақат бугун шудринг тушган-у, бошқа кунлари ҳеч биримизнинг ҳеч қаеримиз ивимагандай.

Тушида пахта кўриб чиққанлар югургилаб кетишди. Ҳаммадан олдинда раҳбаримиз шитоб билан борарди. Мен аста-секин орқада қола бошладим. «Бўлар ҳам Элмат икковимиздан ўтиб кетишди. Қурбон ака уларга қирларни кўрсатиб, ҳикоя қилиб борарди. Унинг ҳикоясини эшитгим келарди, лекин эрталабдан бери Элматдан Тоштемир тўғрисида сўраёлмай юрганам учун индамадим. Кеча пахтадан кейин Элмат Тоштемирларникига кетганди. «Ҳеч қанақа дарак йўқанан,— деди худди мендан қарз олган-у, бермаётгандай қимтиниб.— Узоқ шаҳарлардаги қариндошлари, танишлариники ҳам қолмабди...» Пахта териладиган майдонгача бошқа бирон оғиз гапирмади. Унга нималардир демоқчи бўлардим, лекин тилим айланмасди.

Колхозчилар аллақачон бир-икки этакдан пахта териб қўйишибди. Аёллардан орқароқда бирчаноқ териб юрган киши муаллимларга пешвоз чиқди. Қаердан теришимиз кераклигини кўрсатди. Синф раҳбаримиз илдам-илдам эгат тақсимлашга тушди. Юлдуз эгатга кирди-ю, илон кўргандай югуриб чиқди: «Муаллим, шудринг қуримабди-ку ҳали, ғўзага қўлим тегиши билан қурвақа ушлагандай этим жимирлашиб кетди. Энди қуригунча по-ойлаб ўтирагимизми-я?» Раҳбар эшитмасликка олди. Бош қашиб турган Турғунга ўдағайлади: «Ҳа, куёвчақирарга келганларми, тиржаймасдан эгатга туш, ё пойандоз солайликми?» Турғун ҳам ҳақини ташлаб кетадиганлар хилидан эмас. «Йўқ демасидим, лекин сиз пойандозни арпангизни хом ўрадиганларга соласиз.» Бошқа болага эгат кўрсатаётган раҳбар орқасига қайтди.

«Мана шу булбулигўелигингни дарсдаям қилсангди, отингниям бировдан

сўраб олмай. Маҳмаданагарчилигингни отангга қиласан. Ҳаммангням тилинг чиқиб қопти. Ким чиқарди ўзи... тилларингни?»

«Тоштемир!»

Муаллим овоз келган томонга ўгирилганча қолди. Элматнинг истехзо тўла кўзлари ёнар ва қараганини ёндирай дерди.

Балки ҳозир раҳбарнинг тишлари ғижирлаб кетгандир, балки ошиб-тошиб келаётган ғазоби муштира йиғилгандир. Лекин у Элматга эмас, томоша пойлаб турган бошқа болаларга қараб: «Бор, пахтагни тер ҳамманг, ҳали кечқурун гаплашамиз», деди-ю, бошқа бирон оғиз гапиролмади. Фақат нарироқда ўзининг синфига бош бўлиб турган Қурбон ака томонга хавотирланиб жавдиради. Нега индамадийкин? Сиртида хотиржам кўринишга уринаётган бўлса-да, ичини ит тирнаётгандир? Менгаям ола қараб қўйди. Гўёки Элматнинг тилидаги кулф-калит мени чўнтагимда тургандай. Йўқ, у шунчаки қўл силтаб кетавермайди. Кечқурунги «тарбиявий соат»да насибамизни оламиз. Бу «насиба»ни у кун бўйи пишитади. Ҳали қишлоққа қайтганимиздан сўнг эса, тўғри Элматларникига, кейин Турғунларникига боради. Илгари ота-оналар болаларининг одам бўлишини ўйлашгани, муллага «эти сизники, суяги бизники» деб қуллуқ қилиб, урсаям-сўксаям индашмагани, қайтага болаларини «нега устозингнинг бетига оёқ тирайсан», дея койишгани ҳақида гапиради. Лекин ҳали қуёш кўтарилиб-тушиши, этаклар тўлдирилиб-бўшатилиши керак. Этак қурғур туби қудуқдай тўлавермайди. Оппоқ-оппоқ, юмшоқ пахталарни чаноқдан тортиб олганда қўлларинг ҳузурланиб, чарчоқни ҳам сезмайсан. Ҳозирча ҳаво иссиқ, пахта бор, тераверасан. Йигирма-ўттиз кундан кейин, қўлинг ўзингга бўйсунмайди, бир тола пахта оласан-да, бир марта кафтингга «куҳ»лайсан. Муаллимнинг кўзини шамғалат қилиб, бир чеккага чиқволиб гулхан ёқамиз. Билиб қолиб, пахтазорга қувса, тошдай қотган кўсақларни юлволиб, мерганлик қиламиз... Қўлим увишиб, совқотди. Этакни белимдан ечдим-да, устига ёнбошладим.

— Ие, ҳа, саратонда қалтирагандай кафтингга «куҳ»лаб қолибсан?

Бир қарасам, тепамда Турғун тиржайиб турибди. «Бундай у ёқ-бу ёқни кўзларим билан титворсам, кўринмийсан, хатни чиқардингми, десам, боягина икки қадамча олдинда ғўзага салом бериб тургандинг. Етиб келиб қарасам, этакдан роҳатижон кўрпа-тўшак, мириқиб ётибсан. Майли, ётсанг-ётавер-у, лекин кун қиздирган маҳал кафтингга «куҳ»лама-да. Ё раҳбар билан бўладиган кечки жангга тайёрланаяпсанми? Ие, ана, яна битта жангчи келиб қолдилар. Бу ёққа, тўрга ўтинг, Элматвой, жанг олдидан қўлларини қиздириб олсинлар. Ҳа, нега кечаси қуёш кўргандай анграясан? Манави парқу тўшакда роҳатланиб ётган алломамиз қиздириш йўлини кўз очиб юмгунча ўргатиб қўядилар».

Элмат ҳам этагига ёнбошлади. Ана кейин жағларимиз ке-етди қизиби. Шундай берилиб кетибмизки, учовимиз ҳам тепамизга келиб турган раҳбарни сезмабмиз. «Эҳ-ҳа-а,— деди у жиноят устида қўлга туширгандай овозига ғолибона тус бериб.— Мен қаяқдан ой чиқиб, аллақачон бошқа эгатга тушдингларми, десам, хотин ошига келгандек гап сотиб ётибсизларми?» Унга ўч олиш учун баҳона топилганди. Бахтини қарангки, «маҳмадана»ларнинг бири эмас, иккиси эмас, учови ҳам баробарига қўлга тушиб турибди. Ҳаҳ, эсиз, эски мактаб эмас-да, оёқларидан осиб қўйиб, хўб адабини берган бўларди.

Индасдан пахта теряпман-у, раҳбарнинг бояги гапи энди таъсир қил-япти. «Хотин ошига келгандек», деди. Демак, бизни хотинларга ўхшатди. Бўйнимизни қисиб, лом-мим демай туриб кетаверибмиз-а. Ке-та-ве-риб-миз...

«Битта ҳарф танитган бўлсаям, устозинг. Устозинг оталик ҳаққи бор. Гапини қайтарма!»

«Дада, тўғри гапимни ҳам айтмайми?»

«Айтма, ичингга ют, шунда ютасан!» Мана, мени хотинга ўхшатса ҳам ичимга ютдим, гап қайтармадим. Дадажон, дўппингизни осмонга отаверинг, ўғлингиз одам бўлади!... Шартта этакни ечиб отворсамми? Отворсам-да, қирларга чиқиб кетсам... Термайман пахтасини! Этак устига ўтирволдим. Шундоқ кўз олдимда оппоқ пахта чаноқдан тўкилай-тўкилай деб мунғайиб турибди. Уни узиб этакка солдим, кейин ёндагисини...

— Тарози келди! Тортиришга чиқинглар!

Чангиб ётган йўл четидаги толлар тагидан овоз келди. Аслида, биз ҳаммамиз ана шу овозни интиқиб кутамиз. Лекин ҳадеганда даладан чиқавермаймиз.

Боя эринибгина бориб-келаётган қўлларимиз тезлашади. Чақириқ аввалгидан баландроқ, кейинги гал эса асабийроқ янграгач, этакларни ечамиз-да, пахта тўкиб қўйган жойимизга қараб жўнаймиз.

Мен эгатга қоқилиб, ғўзаларга урилиб етиб борсам, Элмат аллақачон пахтасини солиб бўлган экан.

«Бирпас қараб тургин, бирга кетамиз».

Элмат мендан жавоб кутмасданоқ жўнаб қолди. Шу кетишида тўппатўғри Кўпайсиннинг олдига кетди. Увоққина бу қизнинг қўллари тўрттами дейман баъзан. Биз битта этакни тўлдиргунча, у иккитасини бўшатиб туради. Биринчи куни қарасак, бурни ерга тегай-тегай деб, ўзидан икки баробар катта тугунни кўтариб боряпти. Оёқлари чалишиб-чалишиб кетади. Ичимда ҳозир йиқилади, йиқилади, мунча кўп кўтармаса, деб турибман. Элматга қарасам, кўзи Кўпайсинда. Бироз кузатиб борди-да, шартта ўзи орқалаган пахтани ерга қўйиб, Кўпайсин томон югурди. Элмат пахта тўла тугунни оламан дейди, Кўпайсин бермайди. Енидаги қизлар нимадир деганди, ноилож этакни ерга қўйди... Шу-шу Элмат Кўпайсиннинг пахтасини тарозигача элтиб беряпти.

Пахта тўла этакка ёнбошлаб кўз юмдим. Тушга яқин дала жимжит бўлиб қолади. Қилт этган шабадаям ўзига зор этади. Шу маҳал ҳеч нарсани ўйламансанг-да, бир соатгина тўйиб ухласанг. Ухламоқчиман, лекин ухлолмайман. Барибир ҳадемай Элмат ҳовлиқиб келади-да, «тур тезроқ, тарозини обкетишадигга тушади. Нима бало, уйқусирадимми, қулоғимга биров йиғлагандай эшитилди. Қулоқларимни уч мартадан тортдим. Юлдуз айтмоқчи, хаёлпарастлигим ростга ўхшайди. Атроф сув қўйгандек, ғўза барглариям шитирлашга чўшишади. Элматвой эса дом-дараксиз бўп кетдилар. Ҳойнаҳой Кўпайсиннинг тугунини уч оёқли тарозига илаётгандир. Нарироқда Юлдуз алаמידан лаб тишлаётган чиқар... Шу Элматвойгаям зўр-да. Синфимизнинг ўзидан бир эмас, иккита қиз уни яхши кўради. Яна «Б»лардан нечтаси хат ёзади. Биттасининг хати раҳбарнинг қўлига тушиб-ку, нақ бир ҳафта тарбиявий соатга қолдик.

«Аввал мишифингни йиғиштириб, ўқишингни ўйла ҳамманг. Агар, яна биронта шунақа хатни кўрсам борми?...»

Тўпнинг оғзига қўйиб отворардилар ва дарёнинг нарёғига тушиб, кийимларимиз сасиб-бижиб қўй боқиб юрардик... Элматни қизлар талашишади-ю, биз бир оғиз гапирсак, лаб буриб, бурун жийриб жўнаворишади. «Сенинг кўзинг хунук, Улуғ, қизларга шундоқ қарайсанки, ўтакасини ёрворасан,— дейди Элмат бир куни.— Бундоқ қизлар билан гаплашганинда жилмайгин-да». Ие, яна йиғи эшитилдими? Хаёлимни тўплаб, булоқ суви оқадиган ариқ томонда бировнинг пиқиллаб йиғлаётганини эшитдим. Авайлаб қадам босиб, толзор орқасига ўтсам, бир қиз ариқ сувига юзини чайганча тўлиб-тўлиб йиғлаётибди. Олдига қандай яқинлашганимни билмай қолибман. Тўсатдан қиз мен томонга ўгирилди-да, қотиб қолди. Катта-катта қора кўзлари тўла ёш, тинмай учаётган ёноқларига юмалар, лаблари титрарди.

«Кўрқманг... мен... мен...»

Қиз сачраб ўрнидан турди-да, югуриб кетди. Қўлида оқ дуррачаси силкинар, майда ўрилган сочлари эгасини қувиб борарди...

— Улуғ! Улуғбек, қаердасан?

Тарозини обкетиб қолишларидан хавотир бўлган Элмат овози борица бақиради...

«Қизгина, нега йиғладинг? Ким кўзларингни ёшлатиб қўйди?»

«Йиғлаганим йўқ. Булоқ сувига юз-кўзимни ювгандим.»

«Нега унда мени кўриб кўрқиб кетдинг?»

«Кўзларинг кўрқитади...»

— Улуғ, мунча хаёл сураверасан. Ё толқаторда жин-пин чалиб кетдими?

Жимгина кетаверсанг нима қиларди-я, Элмат! Уша «толқатор жини» билан суҳбатимни бузганингни биласанми?

— Оёғингга хина қўйганмисан? Раҳбарнинг кўзлари тешилиб кетгандир. Ишқилиб «Б»лар кўпроқ теришмаган бўлсин-да. Қадамнинг каттароқ ташла-э! Элматнинг айтганича боракан. Синф раҳбаримиз аввалига индамади-ю, пахтаимизни торттириб бўлгач, захрини сочди.

— Шуми терганларинг? Ё яна бор бўлса, одам юборай? Йўқ денглар, мен

йўқолиб кетганларингга терган пахталарини кўтара олишмаётгандир, деб ёрдамга иккита бола жўнатмоқчи бўлиб ўтирибман...

«Сизни ким йиғлатди?»

«Меними? Йиғлаганим йўқ, булоқ сувига юз-кўзимни ювдим!».

— Этагингни олсанг-чи, анқаймасдан!

Қўлимни бўшатилган этакка узатдим, кўзларим эса нарироқда, катта қоратол тагида давра қурган аёлларга яқинлашаётган қизда эди. У дуррачасини томоғидан айлантириб, бошига танғиб олган, битта-битта қадам босиб борарди. Қиз ўтирувдики, даврадаги уч-тўртта аёл туриб кетди.

— Улуғ, томоша қорин тўйдирмайди, юр, болалар қараб қолишди,— Элмат тирсагимдан олди.

Синфимиз болалари орасида бир қоида бор. Ҳамма келмагунича дастурхон ёзилмайди. «Ана, Улуғ подшо билан Элмат вазир ҳам ташриф буюрдилар, зиёфатга рухсат берадиларми?— Турғун ўнг қўлини чап кўкрагига босганича биз томонга тавозе билан қараб турарди.— Ие, ана рухсати шоҳона бўлди. Қани, газеталар, и-и, дастурхонлар ёзилсин!» Кулги билан тугунлар очилиб, «дастурхон»га нон қўйилади, майиз, ўрикқоқи, жийда, қанд тўкилади. Темир кружкаларга чой қўйилади. Болалар бирданига нонга ташланишади. Йўқ, кўплар астойдил очиққанларидан эмас, ноннинг тугаб қолишидан кўрққанларидан. Ҳар куни дастурхонда нон қолиб кетади. Кечқурун машина келгунча кавшаймиз. Қолади-ю, барибир тагин оч қолиб кетмайлик, дея ташланамиз. Уч йилдан бери шундай. Олтинчида ўқирдик. Нон камайиб қолди. Ушанда дадамнинг айтган гаплари эсимда: «Космосга чиқдик деб жар солгунча, нонни кўпайтириб қўй, макка еявериб, ҳамма сариқ бўлди». Қишлоқда яшаб туриб биронта одамнинг сандиғида буғдой бўлмаса-я. Магазинга ун келса, рўйхат билан беришади. Шундаям ҳаммага эмас. Оқ ун фақат айрим одамларга сотилади. Хайрият, опамнинг мактабда ишлагани. Қишлоқ ўқитувчиларига ҳам оқ ун берилсин, деган буйруқ боракан. Магазинга ун келган маҳал учта халта кўтариб борамиз. Каттасига қоп-қора ун, бундайроғига макка уни, энг кичигига оқ ун олиб қайтамиз. Зоғора нон ёпишувди, еёлмадим. Ачимтиқ бурдаси томоғимни қириб ўтди. Уйда зоғора ёпилган кунлар оч юрганимни кўрган онам менга оқ нон яшириб қўядиган бўлдилар. Пахтага ҳар куни биттадан нон олиб кетардим. Биринчи куни нонни шундай ўртага қўйганимни биламан, увоғиям қолмади. Уюлиб ётган зоғоралардан бир бурда олиб тишлагандим, томоғимдан ўтмади. Очликдан кечгача сулайиб юрдим. Эртасига қарасам, оқ нон олиб келганлар аввал ярмини ушатиб, қолганини ўртага «ташлаш»япти. Мен ҳам шундай қилдим...

Нонга узатилган қўлим ҳавода қолди. Уни оқ нонга интилаётган озғин, тарс-тарс ёрилиб кетган, тилинган қўллар нари итарарди. «Олсанг-чи, рўза тутганмисан ё?» Қўллар қочиб кетишди. «Ё кўлинг етмаяптими? Нега осмонга тикиласан?» Элмат бир бурда патир олиб менга узатди. Ёғли, ширин патир томоғимни оғритиб ўтди...

Ҳеч кимга гапиргим келмай қолди. Менгаям биронтаси гапирмаса... Бахтимга Элмат Кўпайсиннинг эгатига тушибди. Ҳаммадан кейин хат олиш, энг чеккада бир ўзим пахта териш учун четроққа ўтиб турдим. Тушдан кейин кимнинг ишлагиси келади. Иккита-иккитадан, учта-учтадан бўлволишиб, ёнма-ён пахта теришади. Қўллардан кўра кўпроқ чакаклар чарчайди. Раҳбар «ҳой-ҳой»лаб турмаса, кўраверинг эди. Ана, иккитасининг ёнига бориб, қўлларини силкитяпти. Ие, мен томонга ишора қиляптими? Наҳотки, ибрат қилиб кўрсатаётган бўлса?

«Улуғбек ҳам сенлардай бола, ҳаммангдан кейин тушиб, хатини чиқарай дебди, ўғил бола камгап бўлади. Пахтага келганмисанлар, хотин ошиганими?»

Ҳойнаҳой шундай деяпти. Бошимни эгатдан кўтариб, раҳбарнинг мен томонга қараб сўзлаётганини кўриб, аччиғим чиқиб кетди. Шартта ўтирволдим. Этакни бошимга ёстиқ қилиб, осмонга тикилдим. Қанийди ҳозир тун бўлиб қолса, кўзимни юмиб роҳатланиб ётардим. Ой нури юзимни сийпаларди. Икковимиз ҳасратлашиб, юракларни бўшатардик. Қуёш-чи? Унга ҳамма нарса барибир, қиздираверади. Ой нуридан ҳалиги қизни сўрардим. Илгари





уни кўрмаганимни, лекин назаримда ҳар куни кўриб тургандайлигимни айтдим. У мендан гина қиларди: нега қиз болани йиғлатиб қўйдинг?

— Улуғбек, нималарни ўйлаб ётибсан?

Оббо, Элматга раҳбар насихат дафтарини очган шекилли, Кўпайсинни ташлаб бу ёққа келибди.

— Сени нима ишинг бор?

Хайрият, овози ўчди. Лекин жойида турганга ўхшайди. Кўзимни эринчоқлик билан очсам, ёнимдаги эгатда Бахтиёр турибди. Ранги оқариб кетган, қўлидаги пахтани қаттиқ қижимляпти.

— Ие, ҳозир гапирган сенмидинг, Бахтиёр?— У бошини қимирлатди.— Мен Элмат дебман.

Гапим узилди-қолди. Икковимиз ҳам бир-биримизга қараганча турардик, лекин тилимиз айланмасди. Тоштемир уйдан чиқиб кетганини эшитишгач, синфимиз болалари Бахтиёр билан «салом-алик»дан нарига ўтишмас, яккалаб қўйишганди. Аввалига «сенлар гаплашмасаларинг, куним ўтмайдим», қабилида бурнини кўтариб юрган Бахтиёр бора-бора одамови бўлиб қолди. Бир чеккада қимтиниб турадиган одат чиқарди... Кел, шунга бир гапирсам-гапирай!

— Мен боя ўйлаётганим йўғиди, ой нури билан гаплашаётгандим.

— Эшитдим, бир қиз тўғрисида сўрадинг.

Нима деди? Уйқусираётганим йўқми, мабодо? Е ҳалиям хаёл сураяпманми? Кўзларимни юмиб-очдим. Бир қадам нарида синиққина илжайиб турган рўё эмас, Бахтиёр эди.

— Мен тушингда гапиряпсанми, дебман.

Демак... демак, хаёлга берилиб кетиб, баралла гапирворганман. Бахтиёр хавотирланиб сўраган кейин. Бу ёғи неча пулдан тушди?

— Туш кўрган эканман-да, иссиқ элтибди...

— Туш кўрибдиларми? — осмондан тушдимми, ердан чиқдимми, раҳбар пайдо бўлди. — Яна мен сени ановиларга мақтаб ётибман. Бу ер сенга мехмонхона эмас, уйингга бориб ухлайсан.

Қарасам, қўлини шоп-шоплаб дўқ-пўписани кучайтиряпти. Нима, раҳбарман деб истаганича бақираверадими? Нормасини ошириб ташлаётган бўлсам...

- Боя ўзингиз имо қилиб, ухла, дедингиз-ку?
- Мен?! Эшитдингларми? Ҳой, Бахтиёр, эшитдингми?
- Мен ҳеч нарсани эшитмадим.

— Эшитмаган бўлсанг, яша, қанийди ҳар ким сендек айтилган ишни қилса. Бунга мен ухла, деганмишман. Ўзи «Б»лардан орқада қоляпмиз-у, мен «кўпроқ тер» ўрнига, ухла, дейманми? Ҳой, мен калламини еб қўйганим йўқ ҳали.

— Мен каллангизни еб қўйдингиз ё қачон еб қўясиз, дедимми?

— Сен, бола, ҳаддингдан ошиб кетяпсан? Тур, пахтагни тер, кейин гаплашамиз...

«Бир гапдан қол, ўғлим. Бирон еринг камаймайди. Ўзингдан каттани силтаб ташлайверма!»

«Хўп, дада, мана, оғиз очмаганим бўлсин. Ана, «ўзимдан катта» қовоғини осилтириб, лекин ичида тил тишлатиб қўйдимми, дея оғзи қулоғида боряпти. Майли, хурсанд бўлаверсин, у мendan катта-ку! Мен бўлсам, ҳеч кимга гап қайтармийман. Одам бўламан, одам!»

Кечқурунги «насиба» оладиганлар қаторига қўшилганимга гумон йўқ эди. Мени деб синфдошларим ҳам тик туришади. Ишқилиб машина вақтида кела-қолсайди. Пахтаги торттириб бўлгач, шийпон томонга судралиб боряпмиз-у, кўзларим қирдан тушган қия йўлда. Э, кутганингиз келармиди, қорасиниям кўрсатмайди. Шийпонга етишимиз билан «Б»лар ҳар тарафга тарқаб кетишди. Уч-тўрттаси қирга ўрлади, беш-олтитаси Қурбон акани ўраб олишди, қолганлари тўп ўйин бошлашди... Биз эса, сафга тизилганча ўртада «ҳап, сенларни-ми», дея шайланиб турган нотиқнинг сўз бошлашини кутардик. Машина тезроқ келақолсайди...

— Қани, ҳамма келдими? — раҳбар кафтларини ишқалади. — Ҳа, нега орқага қарайсанлар? Тўп ўйнагилари келдими? Аввал «Б»лардек ишни қойиллатиб қўйинглар!

Бошланди. Энди бу ёғи тўхтовсиз уланиб кетаверади. Машина эса кўринмайди.

— Нима, улардан бирон еримиз камми? Ёки уларнинг қўллари тўрттаданми? Бунақада кўпчилик олдида берган ваъдамиз нима бўлади? Мактабда қандоқ бош кўтариб юрамиз?

Бошлар қуйи солинади. Кўзлар ер чизади. Ногаҳон орқароқда «бомба» портлайди: «Ваъдани сиз бергансиз, биз эмас!»

Раҳбарнинг қўллари олдинга чўзилади. «Бомба портлатган»нинг томоғидан бўғиб, олдига тортгудай.

— Қани, ким айтди бу гапни? Нега даминг ичингга тушиб кетди? Писиллаб иғво қилмасдан ўртага чиқ-да. — Ҳеч ким қимирламайди. Раҳбарнинг лаблари табассумдан қийшайди. — Шунақа, бузғунчилик қилиб бўлсан. Бизнинг аҳил синфимиз иғвога учадиган синф эмас. Адабингни бериб қўйишларидан қўрқиб думингни қисдингми? — Кимдир маъноли йўталди. — Элмат, ие, сенмисан? Бунақа фисқу фужур, сассиқ гаплар сенга ўхшаганлардан чиқади асли.

— Гапни айтиб қўйиб, бошқаларнинг орқасига бекинадиган одат йўқ менда. Лекин мен ҳам ўша гапга қўшиламан...

— Тўхта, Элмат, мана, мен айтдим ҳалиги гапни. Агар керак бўлса, яна такрорлайман.

Раҳбарнинг олдинга чўзилган қўллари йиғиштирилди. Ғудуллаб қолди.

— С-сенмисан, Б-бахтиёр? — титроғи босилгунча жим қолди. — Сендан бунақа гаплар чиқмайди, кимдир ўргатаётганини беш қўлдек биламан. Бор, жойингга тур, қизарма, нега қизарасан, иғвогарлар қизарсин.

— Муаллим, менга ҳеч ким ҳеч нарса ўргатмайди, ўргатолмайди. Манови ошқовоқ эмас, бош. Билдингизми!

Бахтиёр даврадан югурганча чиқиб кетди. Хайрият, энди мажлис тугаса керак.

— Қани, ҳамманг жой-жойингга тур. У билан отасининг олдида гаплашаман. Эркалигам эвида-да. Турғун, ўртага чиқ! Кўпайсин, сен ҳам. Болалар, қаранглар, манави полвон Кўпайсинга нечта келади? Ҳа, яшанглар, иккита. Лекин бу азамат мана шу чумқўддек қиздан икки баравар кам пахта терибди бугун. Бу кишининг оналари гапга тукқан. На ўқишда бор, на ишда...

«Сизнинг онангиз мажлисга туққан».

Кўнглимдан шу гап визиллаб ўтди. Ўзини хижолатдек тутаётган Турғун, қирга чиқиб бораётган Бахтиёрга қараб турган Элмат, ёнидаги қизга мийиғида кулганча шивирлаётган Юлдуз ҳам балки шундай ўйлаётгандир... Раҳбар эса, қутқуни давом эттирарди.

— Сенга ўхшаган маҳмаданаларнинг касрига «В»лардан тўқсон кило кам терибмиз. Бўлмаса, улар ҳам йигирма бешта, биз ҳам.

— Биз йигирма тўрттамиз. Тоштемирнинг ўрнига биронтаси теряптими?

Элмати тушмагур оташин нутқнинг белига тепди-да. Энди нотикнинг кўзига қандай уйқу келаркин? Ана, яна қўллари олдинга чўзилди. Бирмоқлари қалтирапти. Чўнтагига яширса бўларди. Ё ўзи сезмаяптими?

\* \* \*

Қалтироқ қаттиқ тутган шекилли, эрталабгача босилмабди. Қурбон ака билан гаплашиб турувдик, мактабдан қовоғи осилиб кетган раҳбар чиқиб. «сен, сен, бу ёққа юринглар», дея Элмат билан Турғунни ичкарига бошлаб кетди. Улар ҳадеганда чиқаверишмагач, хавтирландим. Уқитувчилар хонасига бордим. Кўринишмади. Мудирнинг кабинети томон юрдим. Қия очиқ қолган эшикдан ғўнғир-ғўнғир овоз келарди.

«Лекин боппладингиз, ака, қолганини директордан олишади. Бу тирранчаларга индамасам, нақ бетимга сапчийди-я. Она сути оғзидан кетмаган гўдаклардан шу гаплар чиқишига ақлингиз ишонадими? Ана, ишонмасангиз. Устози бор буларнинг. У нокасга нима ёмонлик қилган эканман-а? Ҳеч ўйлаб тагига етолмайман. Доим болаларни менга қайрагани-қайраган. Бизни бошқа бригадга юбормасангиз бўлмайди, ака. Ҳозир икки-учтасини қайраган бўлса, эртаиндун бутун синфни менга қарши қўяди. Дарсда-ку, ўзининг фани қолиб, нуқул тарихдан гапираркан. Шу масаланиям бир педсоветда кўриб чиқасизлар кейин. Эшитгансизми-йўқми, болаларнинг юрагини заҳарляпти. Мозорларга бошлаб бориб, динни тарғиб қиляпти...»

Шу ерга келганда чидаб туrolмадим. Эшикни шарт очиб, ичкарига кирдим. Раҳбар оғзини очганча қотиб қолди, мудир ер остидан «сенга нима керак», дегандай тикилди.

— Қ-қачон эш-эш-эшикни тақиллатиб киришни ўрганасан? — кўзларим беихтиёр раҳбарнинг қўлларига қадалди, бармоқлари кечагидан баттароқ титрарди. — Нима қип юрибсан?

— Элматларни қидириб юрувдим.

— Кўрдинг-ку, мен опкириб кетганимни, — раҳбар мудир томонга «кўрмайсизми», дегандек қўл ёзди. — Бор, чиқ, ҳеч ким уларни пишириб емайди.

— Хомлигичаямми? — барибир ўзимни тутиб туrolмадим.

— Мана, кўрдингизми, ака, кўрдингизми? Биттаси шу, сиз гапларимга ишондингиз-а? Шуларнинг синфига бошқа бировни раҳбар қип қўйинг-чи, бир ҳафтага чидармикин?..

Қанийди, шундай қилишса-я. Мажлислардан, тарбиявий соатлардан қутулардик. Далага борганимизда шу фикримни Элматга айтдим. У «Э, қўйсанг-чи, ўшани», дея ўйланиб қолди. Қарасам, қизариб-бўзариб боряпти, айтганимга пушаймон бўлиб, бош кўтармай пахта теришга тушдим. Демак, эрталаб икковлашиб роса тузлашган, шекилли, эсига тушириб, кўнглини оғритдим-да. Белим қотиб, қаддимни ростлагандим, Элмат кўринмади. Қаёққа кетдийкин? У ёқ-бу ёққа аланглаб, тополмадим. «Улуғбек, мени қидиряпсанми, ўтирибман хаёл суриб.» Элмат баландроқ ўсган ғўзалар тагида ўтирган экан.

«Кимни пичоқласамикин, деб ўйляяпман. Ҳа, нега анграясан? Ҳали раҳбаримиз бизни учига чиққан безорига чиқариб қўйди-ку. Турғун икковимиз уни урмоқчи бўлибмиз, пичоқ ўқталибмиз.»

Элмат титраб-қақшаб гапирарди-ю, ишонгим келмасди. Ишонмайдиган гапларни айтарди-да.

«Ўзини шунчалик нотавон кўрсатадими, кап-катта одам. Тап тортмасдан ёлғонни тизиб ташлади... Улуғ, илтимос, энди менга у ҳақда гапирма. Бошимга оғриқ кирадиган бўлқолди.»

Жим қолдик. Нарироқда кимлардир бор овозда кулишарди. «Б»ларнинг болаларига ўхшайди. Улар ўйнашади, кулишади. Биз-чи? Уйлаганимиз-ўйлаган. «Улуғ, юрагим сиқилиб кетяпти. Кўпайсиннинг олдиға бораман.» Элмат ғўзаларни шатир-шутурлатиб қизлар пахта тераётган томонға кетди. Унга яхши, юрагини ёзадиган одами бор. Ҳозир Кўпайсиннинг ёниға боради-да, ҳамма нарсани унутади. Менинг эса, шундай одамим йўқ. Кўзларим кўрқинчли, қизларнинг ўтақасини ёради...

«Мен-чи? Мен борман-ку!»

«Барибир сиз ҳам кўзларимдан кўрқиб қочдингиз-ку!»

«Мен кўрққаним йўқ. Йиғлаётгандим, шуни билинтирмаслик учун...»

«Йўқ, сиз йиғламаётгандингиз, юз-кўзингиздаги томчилар булоқ суви эди. Айтинг, сиз қаёқдан кепқолдингиз?»

«Осмондан тушдим, қарасам, ойға маҳлиё бўлиб ётган экансиз, унинг нуриға осилдим-да, ерга тушдим.»

«Мен учун тушдингизми?»

«Ҳа.»

«Тўхтанг, тўхтанг, деяпман, нега учиб кетяпсиз?!»

Осмонда оппоқ булутлар сузиб борарди. Оппоқ-оппоқ булутлар...

\* \* \*

Колхозчилар тушдан кейин бизнинг майдондан пахта тера бошлашди. Кечаги қиз кўринмасди. Бировдан суриштирай десам, нима деб сўрашимни билмайман. Бирёқда раҳбар қовоқ уйғанча айланиб юрибди. Индамай пахта теришдан ўзға илож йўқ. Хатбошиға чиқиб, бундай қарасам, ҳали кўпчилик ернинг ярмида. Пича нафас ростласам бўларкан. Сувсиз ариқдаги хас-хашакни тозалаб, пахтани тўқдим-да, йўлнинг нарёғиға ўтдим. Сояси қуюқроқ дарахтни кўзлаб бораётгандим, оёқларим ерга ёпишиб қолди: бу майдонда рўмолини томоғиға айлантириб боғлаб олган кечаги қиз пахта терарди. Ёниға қандай етиб борганимни билмайман. Қиз чўчиб, ғўзадан бош кўтарди. Ҳайратдан янада чиройли бўлиб кетган кўзлардаги сўроққа жавоб тополмасдим.

«Сиз... сиз нега йиғладингиз? Ким йиғлатди?» Бошқа сўзлар қуриб кетгандек, тилимға чиққани шу бўлди. «Қизиқ экансиз-ку, кечадан бери шуни сўраганингиз-сўраган!» Қулоқларимға ишонмадим, лекин шамолда бироз ёрилган лаблар очилиб-юмилаётганди. Мени қизиқ деяптими? Кеча ундан ҳеч нарса сўраганим йўқ-ку! Майли, нима бўлса-бўлди. «Барибир, сиз жавоб бермадингиз-ку». Қиз индамади. Пахта тўлган этагини ечиб, орқалади, майдон чети томон юрди. Орқасидан эргашдим. Ҳали мен дам олишни мўлжаллаган дарахт остида пахта тўла этак боракан. Қиз бу этакдаги пахтани ҳам унга бўшатди-да, устиға ўтирди. Юз-кўзидаги ҳорғинликни кўриб, ёрдамлашмаганим учун ўзимдан хафа бўлдим. Қиз эса ўзига кенглик қилиб турган камзулчаси чўнтагидан рўмолча олиб, юз-кўзидаги терни артди. У ёш эди, бўлса бизнинг қизлар билан тенг эди. «Саккиздан кейин далаға чиққанмисиз?» Топган саволимни-ку! Ҳозир лабини бурadio ўрнидан туради-кетади. Аҳмоқона саволларға тоқати йўқдир. «Ҳа, саккиздан кейин мактабни ташлаганман.» «Йўқ, сиз яна бошқача тушунманг, қаёқдан тилимға шу савол кепқолди. Бултур бизни синфда ўн битта қиз бор эди. Саккиздан кейин еттитаси кетиб қолди. Шу эсимға келдимми...» «Мен сизни илгари кўрганман, мактабимизға футбол ўйнагани борувдингиз.» «Сиз футболни яхши кўрасизми?» «Кеча сизни кўриб хижолатдан ерга қирай дедим.» «Мен бўлсам сизни чўчитганим учун ўзимни кечиролмайман».

— Насиба, На-си-ба! Қаердасиз? — кимдир қайта-қайта бировни чақирарди.

«Илтимос, кетинг, тезроқ!» Қиз ҳаяжонланиб қолди. Дарахтлар орқасиға ўтишим билан у аста «мен бу ерданман», дея овоз берди. Шундоқ тўрт қадам наридан бир қиз шамолдай ўтди. Қари тол танасиға қапишиб кетдим.

— Насиба, шеттамингиз?

Қиз шошиб Насибанинг ёниға қисилди. Дуррасини ечиб, елпинишға тушди.

— Сиз ҳар нарсани кўнгилга олаверманг, хўпми? Ажратган бўлса, уч-тўрттаси ажратгандир, ҳамма эмас-ку!

Насиба ўрнидан туриб, пахтазорга кирди, йўлида тўхтамай ичкарилаб кетаверди. Қиз ортидан эргашди.

Қаёқдан кеп қолди бу қақилдоқ? Энди кўнгили очилаётганди-я. Насиба чўчигандай бўлдимиз? Ўзи ғалати қиз экан... Илгари у мени кўрибди-ю, мен кўрмабман-да.

Кечгача ғайрат билан пахта тердим. Қўлим қўлимга тегмасди. «Пича ғайратингдан бу ёққа чўзвор, ошна. Раҳбарнинг кечаги гаплари менга эмас, сенга тегибди-да. Кечкурун мукофотнинг каттасини оларкансан-да! Яна ким ёмон, биз ёмон...» Турғуннинг ҳазилигаям парво қилмадим, теравердим.

Кечкурун мажлис ;исқагина бўлди, машина вақтида келди. Қирга етай деганимизда, шийпондан нарироқда ўша қизга кўзим тушди. У биз томонга қараб турарди.

\* \* \*

Эртасига Насиба билан гаплашишнинг иложи бўлмади. Кечаги қиз кун бўйи ёнидан жилмади. Мен бўлсам кун бўйи гарангсиз юрдим. Индинига қиз ярим соатча қаёққадир бориб келди. «Насиба!» Енига борганимни сезмай қолганми, чўчиб атрофга аланглади. «Мана, мен ёнингиздаман-ку!» Қизнинг лаблари титради. «Илтимос, тезроқ кетинг. Кейин... кейин менга бошқа гапирманг!» Насиба бош кўтармай пахта терарди. «Насиба, сизга нима бўлди ё биронтаси...» У югурганча ернинг этагига кетди. Бўшашибгина ўзимизнинг болалар пахта тераётган майдонга қайтдим.

Нега у мени ҳайдадийкин? Унга ёмон гапирганим йўқ эди-ку! Уям менга ёмон гапирмади... Йўқ, у мени ҳайдади, кетинг, деди. Қўрқиб титраб-қақшадди, худди мен уни еб қўяётгандек... Нега уни қоралаяпман? Балки ростдан қўрқиб кетгандир? Элмат айтмоқчи, олайиб қарадимми? Илгари кўзларимнинг ҳунуклигини сезмаган экан-да. Эртадан кўзойнак тақиб келай-чи... Менга бошқа гапирманг деди-я... Кетинг, деди... Э, кетсам-кетаверман!.. «Кетинг... Илтимос, тезроқ кетинг!» Йўқ, тўхтагин, Улуғвой, у сенга илтимос қилди-ку! Ҳайдагани йўқ, қандайдир қўрқиб, тезроқ кетишингни илтимос қилди. Илтимос қилди... Уни ким қўрқитган бўлсайкин? Мени ўрнимда Элмат бўлса, нима қиларди? Ҳеч қачон шартта бурилиб, жўнаб қолмасди. Унинг кўзларига тикилиб тураверарди, тураверарди... Йў-ўқ, нега у менинг ўрнимда бўларкан?!

— Улуғбек...

Бирпасгина хаёл сурганиям қўйишмайди-я. Шу ёққаям топиб келиш-дими?

Кўзимни очавермаганим учун овоз эгаси нари кетди. Оёқларини минг эҳтиёт бўлиб босмасин, оғир этик ерга урилиб, овоз чиқарарди: «тап-туп, тап-туп». Узоқлашаётган овоз пича тўхтаб қолди ва қайтиб нақ устимга бостириб кела бошлади: «тап-туп, тап-туп, тап-туп».

— Улуғбек, биламан, мен билан гаплашишни истамийсан, — овоз эгасини энди танидим. — Лекин мен сен билан гаплашмоқчиман.

— Майли, гаплашавер, — ярим очилган кўзларимга Бахтиёр иккита бўлиб кўринди. — Фақат кечкурунги мажлисдан қўрқмасанг.

Бахтиёр мени худди яхшироқ кўролмаётгандай кўзларини катта-катта очиб қараб турди-да, кескин ўгирилиб, биров оқасидан тутиб қоладигандай чопиб кетди.

Бугун нималар бўляпти? Ҳали биттаси «мен билан гаплашманг», деб қочиб кетди, буниси аввал «сен билан гаплашаман», деб, энди мен уни зўрлаб тўхта-тиб қоладигандай шошиб боряпти... Э, бўлди, энди бошимни оғритмайман. Яхшиси, пахта тераман. Пахта мендан қочиб кетмайди. Қайтага қачон мени оласан, этакка соласан, деб мўлтайиб тураверади. Бир бошлаб олгунингча. Аввалига қачон битта-битталаб кўпайтираман, қачон этак тўлади, деб эринибгина тураверасан. Бошлаганингдан сўнг қизиқиб кетасан, тераверасан, тераверасан, тераверасан. Оқшом қўлларинг, белинг қақшаб оғриганда, эртага жон койитмай тераман, дейсан. Лекин эртасига яна...

— Торттиришга! Торт-ти-ришга!!! Тезроқ чиқинглар!

Демак, туш бўпқопти, демак, зил-замбил пахтани елкалаб тарози томон бориш керак. Бугун ким тортиб олаётган бўлсайкин? Бригад тоға бўлса, яхши. Номига бир-икки кишиникини тортиб олади-да, Қурбон акага «муаллим, ўзингиз ўтақолинг, пича ишим бориди», деб колхозчилар тарафга кетади. Узи олгандаям у этак ёки қопнинг оғирлигига бир кило, ярим кило ташлайди, холос. Ҳисобчиси, унинг ғирт тескариси. Йигирма килолик тарозига илинган пахта шайинни осмонга кўтарворган бўлса-да, кўзини лўқ қилиб ўн олти, ҳиммат қилса, ўн етти, деб турволади. Кеча туш пайти у билан уришиб қолдик. Тарози ўн тўққизни кўрсатапти-ю, у ўн беш, дейди. Индамасам, синф раҳбаримиз айтганини ёзаяпти. «Кечирасиз, кўзингизни шира босганми ё хиралашганми?» дедим ҳисобчига, «Нима? — унинг кўзлари олайиб кетди. — Ол, пахтагани, майнавозчилик қилма!» Индамай турувдим, ўзи этакни олиб ташлади. «Нега саволимга жавоб бермийсиз, ўн тўққиз кўзингизга ўн беш кўринганига ҳайрон бўлиб сўровдим». Ҳисобчи менга гапириб, раҳбаримиз томон қаради: «Бор, бор, маҳмадонагарчилигингни отангга қиласан. Бу мактабларингда одоб-подобдан ҳам дарс беришадими?» Ана энди раҳбаримизга ўзларини оқлаб олишга имкон топилди. Йўқ, у киши ҳар лаҳза бизнинг қулоғимизга «одобли бўл, ўзингдан каттани ҳурмат қил»ни қуйиб турадилар. Узимизда бўлмагач, қийин-да, битта мактаб нима қила олади, ота-онамиз бола тарбиясини муаллимларга ташлаб қўйган бўлса... Ҳисобчининг кўпчиган думалоқ юзлари кулгидан яйради: «Сизгаям қийин экан, муаллим, бу қулоқсизлар билан ҳўб ишлаб юрибсиз-да. Менга кунига юз сўм бераман, десаям бир соат ҳам ишласдим. Қийин сизга, муаллим...»

Пахтани яна тарозига илдим. Ҳисобчи шартта билагимдан ушлади. «Эҳ-ҳа, ҳали бунақа қилиқларим ҳам бор, де. Икки марта торттирмоқчимисан? Ҳўб лақмани топибсан-да!» Қўлимни силтаб чиқардим. «Тортинг буни! Қуп-қурук, тоза пахтадан тўрт кило чегирасизми?»

«Оббо, Улуғ-ей, шу соддалигинг қолмади-да, агар сену мендан тўрт-беш килодан уриб қолмасалар, уйларида ўсма қўйиб ўтирган келинойимлар нормани қандоқ бажарадилар?»

Ҳисобчи илжайиб турган Турғун томон ташланди. Қоп-қора жун босган мушти Турғуннинг бетига етай деганда, билаги ерга қайрилди. Қўлини тортиб олишга уриниб, терга тушди. «Сал ўзларини тутсинлар, кучингиз ошиб-тошиб кетган бўлса ҳам...»

Ҳисобчи шалвираб қолди, ғудуллаб гапини йўқотди.

«Бу бечораларнинг айби дарсини ўқиш ўрнига эртадан-кечгача бели қо-тиб, қўллари тарс-тарс ёрилиб, юкингизни енгиллаштириб берганими?»

«М-мен нима қилай, зовутта қанча-қанча ташлашади. Ўр-ўрнини чўнтагимдан қоплайинми?»

«Боринг, керакли жойга бориб тушунтиринг, болаларнинг ҳақидан ур-гунча».

Қурбон ака босиқ, битта-битта гапирардилар. Ҳисобчи қалтираганча хирмонга, пахта устига ўтирди. Бирибир узоқ ўтира олмай тарози олдига келди, кўрсаткич темирни сураётган қўли қалтираб, хирмон тарафда паншахага суянганча турган йигитга бақирди.

«Нега қаққайиб қолдинг? Пахтани тўпла!»

Қурбонали ака лабларини қимтиганича кулгисини тийиб турарди, синф раҳбаримиз эса, бир оқариб, бир қизарарди. Ҳозир ҳисобчининг кўнглини кўтаргиси, хафа бўлманг, дея тасалли бергиси келаётгандир. Ора-чора мен билан Турғунга, сўнг Қурбон акага хўмрайиб қўяди. Ҳисобчи билан туппа-тузук муносабатини бузамиз-у, бизга кулиб қарасинми? Тушликдан кейин далага чиқаётсак, бизни эшитсин, дебми, атайлаб овозини баландлатди:

«Шу, Қурбонали, ҳали боладингиз-да. Ҳаромхўрлик эви билан-да. Бу болалар ҳам бир нарсани билмасдан айтишмайди-да. Утган ўн кунликда ҳисобчининг хотини далада бир марта қорасини кўрсатмасдан эллик сўмни қўртдай санаб олибди-я. Бизлар кун бўйи жағимиз тушиб, ярим ойда шунча пул топамиз. Ҳа, боладингиз уни.»

Қурбон акага ҳайронман, индамасдан тинглаб кетаяпти-я...

— Тезроқ бўлинглар-ов! Тарози кетади!

Боргим келмайди. Ҳисобчининг кўпчиган, худди сендан садақа сўраётгандек пириллаётган юзини кўришга тоқатим йўқ. Лекин барибир бориш, пахтани топшириш, қолаверса, қорин тўйғазиш керак... Пахта олаётган қўлларим ўзимга бўйсунмасди. Иложи борича кўпроқ пахтани чангаллашга уринардим, лекин барибир толарди тўкилиб кетаверарди. Этакнинг тўрт учидаги боғичларини бир-бирига базўр етказиб боғлагач, кўтариш олдидан бироз нафасни ростлаётгандим, бировнинг додлаётгани эшитилди. Дарё томондан бир қиз чопиб келар, овози борича нималарнидир деб қичқирарди. Гапини англамасам-да, унинг «ёрдам беринглар», деган сўзларини ажрата олдим. Унга етиб боришим биланоқ қиз хўнграб юборди: «Тез... тезроқ... Насиба ўзини дарёга ташлади...» Қиз кўрсатган тарафга ўқдек учдим. Кўйлак-шимимни ечиб, Насибани қидирдим. Дарё сокин оқар, гўё ҳеч гап бўлгани йўқ. У қиз алдади, алдади, дегандай шивирларди. «Улгурмадимми?» Шалвираган оёқларим синса бўлмасмиди... Орқамда қиз ўкраб юборди. Дарёнинг оқими бўйлаб югурдим. Бир маҳал сув юзида оппоқ бир нарса кўринди. Ўзимни сувга ташлаб етиб боргунимча, у йўқолиб қолди. Шошганимда кўзимга кўриндимикин ё? Йўқ, аниқ кўрдим. Атиргулли оппоқ кўйлак эди-ку. Ё ўрама-пўрама борақанми? Сув тагига шўнғисам, тополаманми? Нима қилишни билмасдан атрофга жовдирардим. Сув суриб кетар, сал ўзимни ўнглолмасам, чирпирак қилишга уринарди. Бирдан шундоқ ёнгинамда оппоқ кўйлак қалқиб чиқди. Сал имилласам, яна чўкиб кетадигандай ва бошқа қайтиб чиқмайдигандай жон ҳолатда қулочкашлаб унга етиб бордим. Унг қўлим билан маҳкам ёқасидан тутиб, қирғоқ томонга сузим. Насиба буткул ҳолдан кетган, сал бўшатсам, дарё тубига мениям қўшиб тортиб кетар эди. Шунча уринсам-да, қирғоқ нари қочарди. Йўқ, барибир, сенга етаман, етаман! Тағин тўрт-беш қулоч отсам, қирғоққа етгудай эдим. Ҳозир етиб оламан-да, қумга чалқанча ётиб осмонга тикиламан. Осмон... Осмондаям дарё оқиб боряптими? Нега осмонда туриб томоғимдан бўғасан? Қўйвор, қўйвор, қаёққа тортиб кетяпсан?.. Қўлларимдан мадор қочди. Қирғоқ кўринмай қолди. Ёнимга, ҳамон ўзига келолмаётган Насибага қарадим. Унинг юмуқ кўзлариям осмонни кўряптимикин? Дарё ўпқони уни бағрига тортмоқчи-ю, ёнидаги йигит қўлларимдан мадор кетди, деб бўшашиб боряпти. Бўшашиб бор-яп-ти!.. Нега бўшашиди? Бўшашишга ҳаққи йўқ! Қўлларимга қаёқдан-дир куч ёғилди. Оқимдан четга чиққанимизда ҳаракатим осонлашди. Қирғоқ... қирғоқ эса кўринмасди. Дарё қутуриб, ҳамма қирғоқни ютвордимми?.. Ёнгинамда бир нарса шалоплади. Қиз енгиллашиб қолгандай туюлди.

«Улуғбек, қўйвор уни, қирғоққа суз, тезроқ!»

Томоғимга бир нарса тикилди. Йиғлаяпманми, нега йиғлаяпман? Хайрият, сувда кўз ёшларим билинмайди, йўқса, ҳозир Қурбон ака қўлимни силтаб олиб ташлаб, қани, тезроқ қирғоққа суз, деб ўшқирармидилар... Қирғоқ мунча узоққа кетмаса...

«Узатинглар, узатинглар бизга!»

Қоп-қора соялар узун қўлларини дарёга солишди. Насибани тортиб олишди. Қирғоққа чиққанимда, қизнинг бошини паст қилиб ерга қараб ётқизишган, унинг оғзидан сув келарди. Оппоқ кўйлаги ёпишган бадани қилт этмас, атрофда одамлар чувиллашарди.

«Қурбонали, чўкаётган одамми қутқаришчун сочидан ушлаб сузиш керак.»

«Манов болаям ўнг қўли билан ушлаб олибди, хайрият ўрама йўғакан.»

«Вой, шарманда, бекорга ўзини дарёга ташлармиди! Бунақалардан сув ҳам ҳазар қилади.»

«Оғзингизга қараб гапиринг, болалар бор.»

Ахийри қулочларим ҳеч нарсани эшитмай қолди. Осмонга тикилиб ётавердим. Дарё тўлқинлари баланд-баландда осилиб турар, баданимни илтиб, аллаларди.

«Анов болагаям қарасаларинг-чи, бечоранинг лаблари кўкариб кетибди...»

Илиққина тўлқинларни тўсиб олишди. «Анов боласи ким бўлди яна? Ё мени... мени айтишяптими?» Кўзимни очиб, атрофимда турган аёлларни кўрдим. Ким ачиниш, ким меҳр билан тикилади. Тўсатдан битта калта иштонда ётганим эсимга тушиб, ўрнимдан сапчиб туриб, кийимларим томонга югурдим.

Кийиниб келганимда одамлар тарқалиб, уч-тўрт киши қолганди. Насиба-

нинг кўзлари очилган-у, осмонга тикилганча ётарди. Уям осмондаги дарёни кўряптимикан?

«Улуғбек, бориб дамингни ол, бугун пахта термасанг ҳам бўлади, ҳали терганингни топширувдингми?» Аввалига раҳбаримизнинг оғзига термилганча туравердим. Бир менми, десам, Насибадан кўз узмай турган аёллар ҳам қотиб қолишибди. Қурбон ака қўлтиғимдан олди: «Юр, бир пиёла иссиқ чой ичамиз...» Мана, иссиқ чой ичгани кетяпман. Ёнбошлаганча қўлимдаги пиёлани айлантираман. Пиёла бошимни айлантиради: «Нега ундан ҳолини сўрамадинг? У ҳамон кўзларини осмондаги дарёлардан узолмайин, бир оғиз гапиролмай қийналиб ётибди. Сен уни ташлаб кетяпсан. Чой ичмоқчисан... Одамлардан уялдим, дейсанми? Кўнгил сўраш учун ҳам уяларканми, одам!» Томоғимни бирнима куйдириб ўтди. Қурбон ака қўлтиғимдан тутдилар. «Кўзингга қара. Бошинг айланаётгани йўқми?» Қоқиниб кетганимдан мадори йўқ, деб ўйлаётган бўлсалар керак. Атайлаб дадил юришга уриндим.

«Қизгинанинг умри узун экан...»

Қурбон акаям Насиба ҳақида ўйлаб бораётган эканлар-да. Ё хаёлимдагини сезиб қолдиларми? Ҳозир унинг олдида қолсак, хижолат бўларди. Аёлларнинг йўриғи бошқа. Бригадир отасидай...

«Мен сизнинг қолишингизни истагандим... истагандим...» Қурбон аканинг овозини Насибанинг бироз ўкинч аралаш, синиқ товуши босиб кетди. Чой ичаётгандаям, пахта тераётгандаям, кечгача бу товуш кулоқларимдан кетмади. Кечқурун... кечқурун эса, ишонинг-ишонманг, кабинада кетдим. Ҳар куни келган-кетганда ўтирадиган жойимга чиқаётгандим, Қурбон ака тушуриб олдилар. «Бугун ҳайдовчининг ёнида кетасан. Раҳбарларинг бир тоза ҳавога тўйсин».

Йўқ, дейишимга қарамасдан кабинага чиқариб қўйдилар. Тахта бўлсаям, қаттиқ бўлсаям кузов яхши эди. Бемалол ўтириб кетардим, Ҳайдовчи кўрпача тўшаб қўйган юмшоқ ўриндиқ тошдек туолди. Энди жўнай деб турганимизда эшик очилиб, синф раҳбаримиз зинага чиқди.

«Қимирлама, ўтиравер, хайрият Қурбонали айтганимни қилибди. Шамоллаб-нетиб қолсанг, отангдан балога қолмайин. Бир кунда менга жин урмайди. Ўтиравер, Ҳа, нима демоқчийдим... Мактабга етгач, кетиб қолма, сенга гапим бор...»

Ўриндиқ қизиб кетди. Тагидан биров ўт ёқарди. Юқоридан «ҳайданг», деган товушни эшитиши билан газ босган ҳайдовчи парвои палак, йўлдан кўз узмасди. Мен бўлсам Қутулуғнинг саратонда қизийдиган қумидан ҳам қайноқроқ, фақат у каби давобахш эмас, аксинча, жон-жонингни суғуриб олгудай ўтдан қочгани жой тополмасдим. Шартта эшикни очсаму ўзимни ташқарига отсам. Лекин машина Қайроққум кўчаларидан фазиллаб борар, бу тезликда сакрасам оёқ-қўлим синишидан чўчирдим. Туйқусдан Қурбон ака кўзларимга қадалиб олди. Кулумсираганга ўхшаш, аслида ғазаб яширинган кўзларидан сонсиз-саноқсиз пичоқлар чиқиб, кўзларимга санчиларди. Қурбон ака, мен сизга нима қилдим? Узингиз ўтқаздингиз-ку... Пастдаги ўт қизиб, куч билан баландга отворди.

«Қадоққа урилдик. Ҳар куни юраман-у, барибир эътибор бермай қоламан. Ҳушёрроқ ўтир!» Ҳайдовчи хижолат тортаётгандек сўзларарди. Нега сиз хижолат бўляпсиз, аслида менинг лавлагим чиқиб турибди-ку...

«Сузишни биларкансан-да?» — «Нима?» Ҳайдовчининг гапига дабдурустан тушуна олмадим.

«Юрагинг каттайкан. Унча-мунча одамнинг дарёга тушишга юраги бетламайди. Қўрқмадингми, ишқилиб?» Қўрқмадимми? Юрагим дукиллаб кетди. Боя бундай бўлмаганди-ку. Бўлмаганди-ку!..

«Қўрқсанг, ютаман деб турган Сирга ташлаб, ўша қизни қутқарармидинг? Менга қўрқмадим, демийсан-ку, барибир.» Хайрият, ўшанда бировнинг қўрқув ҳақида эслатмагани. Балки... Сиртдан тинчгина, таги айқириб оқаётган Сирдарё ночор бир қизгинани ўйнаб-ўйнаб ютмоқчи. Қирғоғида бир йигит сувда гоҳ кўриниб, гоҳ йўқолаётган оппоқ кўйлакли вужудга тикилганча чопаетир. Чопади, чопаверади, лекин дарёга ташламайди, оппоқ кўйлак ёрдам сўраб имлайди, ҳамон йигит сув ёнида чопади, чопаверади. «Тушма, туша кўрма, чўкиб кетасан!» Шивир-шивир оёқларидан тортади. Оёқлар қўрқоқ, оёқлар хиёнаткор, намхуш қумга чиппа ёпишганча қолган...



«Ие, сен ҳалиям ўтирибсанми? Ёқиб қолибди-да. Мен жуфтакни ростлаб қолдингми деб, жоним ҳалак югурибман!»

Қаёқдан пайдо бўлди у? Нега менга бақраяди?

«Муаллим, тагин ўзингиз тузук экансиз, зериктирмасдан келардингиз. Бу бола бир оғиз «нима»дан бошқасини билмасакан.»

Индамасдан пастга тушдим. Болалар кетиб бўлишган, фақат Элмат тол тагидаги катта темир идиш жўмрагини очиб, қўлидаги пиёлага сув оларди. Кундузи бўлганда бу идиш ёнига яқинлашиш амримахол эди. Танаффусга чиқишлари билан болалар шу ёққа югуришарди. Ҳозир зог йўқ. Истаганингча сув ичишинг мумкин. Мактаб ҳовлисиам эгаси кўчиб кетгандай ҳувиллаб ётибди. Бирёқда тез тушаётган қоронғлик ҳовлини бир чеккадан ютяпти. Тезроқ юриш керак. Бирров уйдагиларга кўриниб, Тоштемирларникига ўтамиз, Анчадан бери холадан хабар ололганимиз йўқ. Эрталаб Элмат икков келишиб кўйгандик. У менга бир пиёла сув олган экан. Қизиб турган вужудимга роҳат югурди. Йўлни яқин кўчага солдик. «Нариги кўчадан юрсак бўлмасмиди? Бу қоп-қоронғи, пастқам йўлдан юргинг келмайди», — орқамиздан ғудранганча раҳбаримиз келарди.

«Юргинг келмаса, юрма, йўлингдан кетавер-да». Элмат аста пичирлади. Мен бўлсам, раҳбарнинг ҳали даладан қайтаётганимиздаги таъкидини эсладим. Менга қанақа гапи боракан? У гапини Элмат «ҳозир келаман», дея уйи тарафга кетгач бошлади. Аввал мени роса осмони фалакка кўтарди, унча-мунча одамнинг қўлидан келмайдиган ишни қилганимни айтди. Кейин тўсатдан елкамга қўлини ташлади:

«Улуғбек, мен синфимдан сендай ўқувчи чиққанлиги билан фахрланиб юраман. Лекин бу ёғига ҳалиги қиздан ўзингни тортиб юргин. Шундоғам ҳар хил гаплар ўрмалаб қолди. Тагин... Энди кичкина бола эмассан, бу ёғини ўзинг тушуниб ол. У ҳозир қилгуликни қилиб қўйиб, кимга тўнкашни билмай юрибди. Яна бўйнингга осилволмасин». Бу ёғи неча пулдан тушди? «Қилгуликни қилиб қўйиб...» Қанақа қилгулик? Тўхта, аслида у дарёга тушиб кетганмиди ё ўзини ташлаганмиди? Ташлагандаям, тушиб кетгандаям менда нима айб? Нима уни итариб-нетиб юбордимми? Раҳбар ундан ўзингни тортиб юр, деяпти, аслида у мандан қочиб юрибди-ку... Тўхта, тагин қочгани учун дарёга ташлаган бўлмасин... Мандан қочиб кетмоқчи бўлдимми?...

«Улуғбек, бугунги гапларни уйингдагиларга айтиб юрма. Эштиб қолиб суриштиришса, бирон баҳона ўйлаб топ!» Қандай баҳона ўйлайман? Демак, алдашни керак... Шундайми? Ҳали Қутулуғдан қишлоққа минг хил гап етиб келади. «Вой, айланай, қўшнижон»лаб бир бошлашмасин. Ҳеч қанақа баҳона-паҳона керак эмас. Ана шу минг хил гапнинг ўзи баҳона. Мен эсам... дадамлар сўраб қолсалар, тўғриси айтман...

Уйдагиларга бир кўриниб, яримта нонни тишлаганча Элматларникига югурдим. У кўчада пойлаб турган экан. «Кетдикми», дедим борасолиб. Элмат чкарига бошлади. Кеч қолишимизни айтсам, у «юравер, гап бор», деди. Овози хирқираб чиқди. Худди йиғлаворай деб турган одамникига ўхшайди. Дарвоза биқинидаги эшикчадан кирар-кирмас, унинг ичкарига бошлагани сабабини тушундим. Ҳовлидаги катда икки аёл кўринар, орқасини дарвоза томонга ўгириб ўтирган Элматнинг, кафти билан чироқ нурини тўсишга уринаётгани Тоштемирнинг онаси экан. У мени кўриб, ўрнидан кўзғалди, катдан пастга тушиб, елкамга қоқди.

«Айланай, болам, биттагина холам бориди, деб хабар олмийсанлар...» Холанинг ўпкаси тўлиб турган экан, шилинқираган кўзларига ёш қалқиди. Тўсатдан мени маҳкам қучоқлади. «О, болагинам-а, нега ўшанда мандан яширдинглар-а, юрагим ёниб, адо бўлди. Уйингга ўт тушгур мени бахтимни куйдиргани, энди болагинамнинг кўксига човут солибди-да. Нега ўшанда айтмадиларинг? Қидириб-қидириб топмасмидим?» Хола мени қўйвориб, хомуш ўтирган Элматнинг онасига яқинлашиб, кат чамбарагига суянди.

«Опажон, бошимдан нималар ўтганини сиз биласиз. Эштемир укангиз Тоштемирни бошқа болаларимдан ортиқ кўрди. Емай-едирди, киймай-кийдирди. Болам бечора отасини бир кун кўрмаса, ичкариди-я... У сени отанг эмас, дейишганига қандоқ чидаёлдийкин?! Ҳув, уйгинангга ўт тушгурлар!» Хола жимиб қолди. У чамбаракка суянганича бошини осилтириб олган, елкалари

тўхтовсиз титрарди. Демак, эшитибди-да. Бу қишлоқда гап дегани юмалаб юраркан-да. Аслида биз айтсак бўларкан... Йўғ-е, қандоқ айтардик. Нима, биз Бахтиёрмидик?

Хола бошини кўтарди, Элматнинг онаси узатган чойни симирди, устма-уст «тавба, тавба», деди. Рўмолини тузатдию кат зинасида қолган калишини оёғига илди. Яна «тавба»лади. «Опажон, кечирасиз, — деди Элматнинг онасига, — ичим тўлиб кетган, шунга... Хайр, борақолай, болалар излаб юришмасин. Элматжон, Улуғбек, болаларим, уйга бориб туринглар...» Хола тагин йиғига тушди...

Биров юзимни аста силади. Илгариям силаганди, қачонлиги эсимда йўғ-у, лекин аниқ биламан, худди шу қўллар эди. Таниш. Онамнинг қўлларимикин? Йўқ, онамнинг қўллари илиқроқ, бироз дағалроқ, юзимда бориб-келаётган бармоқлар эса шундай майинки... Онам юзимни силаганларида ҳузурланиб ухлаб қолардим. Ҳозир эса, киприкларимни кўтариб қўйишаяпти. Бармоқлар нуқул пастдан юқорига силарди. Иягимдан бошлаб пешонамга етиб келарди-да, яна иякка ўтарди.

Ётаётганимда чироқни ўчиргандим. Ҳозир кўзим нурдан қамашиб кетди. Дераза ёнида оппоқ, ҳарир кўйлак кийган аёл жилмайиб турарди. Синчиклаб қараб, лабларининг пириллаётганини кўрдим. Унинг олдингидай овоз чиқармай, сирли гапиришини кутдим. Яна бир мартагига «Улуғ...» десайди. Ҳалигача эсласам, вужудим яйраб кетади. Билакларимга қувват тўлади. Айтсайди... Айтмади. Жилмайганча, лаблари пириллаб, орқасига тисарилиб, деразадан чиқиб кетди. Уйга лашкар тортган зулмат кўзларимни юмиб қўйди...

\* \* \*

Бир ҳафтаки, даштда пахта теряпмиз. Нуқул кўкламда каллакланган, янги шохларидаги барглариям эрта-индин мол-қўйларга шипириб олинадиган мунғайган тутлару барги тўктирилиб, яланғочланган, қуриб-қуришиб бораётган ғўзалардан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ҳар қадамда оёғингга тош урилади, қақшаб қолган чаноқлар қўлингга тилади. Ачишган қўлимни куҳ-куҳлаётиб, Қутулуғни соғинаман. Қумлоқ қирни, ёйилиб оқаётган Сирдарёни, ариқчадаги майин шилдираётган булоқ сувини, ям-яшил боғларни қўмсайман. «Б»ларга маза-да, дейди Элмат, Қутулуғда зерикмийсанам, чарчамайсанам». Уям Қутулуғни ўйлаётган экан-да ё фикримни ўқволдими? «Қўйсанг-чи, дейди бу ёнимдаги Турғун, улардан ажралмаганимиз яхши бўлди, йўқса, Қурбон муаллим биззи айнитиб, нақ миямизни очиб, заҳар қўйиб қўярди». Учовимиз бараварига куламиз. Олдинроқда қўлида тут хивичини ўйнаб бораётган синф раҳбари ҳойнаҳой «Қурбон муаллим»ни эшитган, хавотирланиб орқага қарайди, қадами сустананади. Қулоғи динг бўлиб, Қурбон аканинг гўрига дамтупроқ тортаётгандир. Ахир индамай кетаверадими? Мактаб «катта»ларининг қулоғига Қурбоннинг синфидан ажратмаса, бизнинг «айниб кетаётганимизни» қуявериб, зўрга бошқа бригадага рухсат олувди, энди ўзи йўқ бўлсаям, ановиларни қайраб қўйибди...

«Эҳ, шу худогаям ҳайронсан-да, бир нарсани эшитмайдиган, эшитсам, фаҳмига етмайдиган эшакка бергунча одамга бермийсанми, у — узун қулоқни!»

Турғун гапни эшворади-да. Ҳалигидан баландроқ кулвордик. Раҳбар тўхтади. Бизга қараб турганди, лабимизни йиғиштиролмай ўтиб кетдик. Орқадан овози эшитилди.

«Бахтиёр, Сотволди акам келдиларми? Қаёққа кетганлар ўзи? Энди ҳар хил гаплар қулоққа чалинаётганига сўраяпман-да».

«Кеча кечқурун келдилар, аллақайси бир шаҳарга борибдилар».

«Нима гап экан?»

«Билмадим, гап сўрасангиз, силтаб ташлайдилар». Ҳали раҳбар «қулоққа чалинаётганига» деганида яна портлаб кетгудек бўлди-у, ўзимини тутдик. Чунки икки-уч кундан буён Тоштемир аллақаяқда ўғирлик қилиб қўлга тушибди, Сотволди раисни ўша ёққа чақиринганмишга ўхшаш гаплар тарқалганди. Лекин минг қизиқмайлик, атайлаб қадамни тезлаштирдик. Ниҳоят, муюлишдан

ўтиб, бугун пахта териладиган ерга етдик. Ҳали шийпонда бригадир қўшворган киши биздан олдинроқ келган қизларга «қани, кирмайсанларми» деб бақирар, аллақачон этак тақиб, эгатга тушган битта қиздан бошқа қизлар қур бўлишиб, қовоқ уйганча туришарди. «Жавлон уришимиз лозим бўлган» майдонда у ер бу ерда бир-иккита пахта ялт этмаса, нақ ғўзапояси юлиниб, шудгорга тай-ёрласа бўладиган майдоннинг ўзи эди. Вакил оғзидаги носни жаҳл билан туфлади-да, раҳбарга зардасини тўқди.

«Б-бу, маълим, бол-ларингизда қулоқ-пулоқ дегани йўғакан. Ман кетдим, вақтим зиқ, ана ўзингиз тартиб билан чеккадан эгатга туширинг. Чала теришмасин».

Раҳбар номма-ном чақириб, хат тақсимлашга киришди. Уч-тўрт бола эгат олди-ю, қолганлар индамай туравердик. «Қани, тушмайсизларми? Нима, мен сизларни томошага опкелдимми?» Раҳбар қўлидаги хивични ғўзага урди. «Вақти зиқ» вакил ариқдан нарига ўтганча, қизиқиб қараб қолди. «Нима, биз шундан шу ёққа бирчигит тергани келдикми? Оёқ оғриғию туфли йиртиш зарил кептими?» Бир кун пахтага чиқса, икки-уч кун гоҳ оёғи, гоҳ боши оғриб қоладиган Юлдуз гап бошлаганди, қизлар чувиллаб қўшилишди. Бошқа бирон қиз, айтайлик, Кўпасин бошлаганида раҳбар гапирадиганини-гапирарди. Лекин ҳозир қўлларини белига тираганча узиб-узиб олаётган бошқа қиз эмас, Юлдуз-да, Кўпайсин жимгина пахта теряпти. Турғун чўзиб ҳуштак чалди-да, «Нима югургани текис ер қуриб кетибдими?», деди. Раҳбар хивичини ўйнаганча у томон бораётганди, ўғил болалар Турғунни ўраб олдик.

«Бунақада «Б»ларга шармандаларча ютқизамиз-ку!» Элмат раҳбарнинг жон жойидан ушлади.

«Ана, нариги майдонда иккинчи терим, оппоқ очилган. Ушаттан терамиз!» Биттаси айтганди, қолганлар қўшилишди. Раҳбар бир-икки пўписа қилди-да, бўлмагач, ҳамон томоша кутиб турган вакил томонга юрди. Нималарнидир пичирлади. «Йўқ, бўлмайди, — деди у чирт тупуриб, — саркор бир сўзларини икки қилмайдилар!» Раҳбар биз томон мўлтиради. «Шунақами, — дедим худди ўша саркор эшитгудек бақириб, — унда биз ҳам ўз сўзимиздан қайтмиймиз. Иккинчи терим турганда бирчигит термиймиз!»

«Бирчигит термиймиз!» Болалар, қизлар баравар такрорлашди. Бирмабир қуруқроқ ер танлаб, этакларимиз устига тизилишиб ўтирдик. Вакилнинг бўйнидаги тугун ўйнаб кетди. Шошганича дала шийпони томон жўнади. Боя пўписа қилиб турган раҳбар хивичини отвориб, рўбарўмизга келди, ялинишга тушди:

«Жон укажонлар, сингилжонлар, мени балога дучор қилманглар. Туринглар, килограмм бўлмаса-бўлмас, бугун ҳаммаларинг би-ир дам оласизлар!»

«Дам оляпмиз-ку шундоғам». Элмат очиқчасига тўнғиллади. Раҳбар бир унимизга, бир бунимизга жавдирарди:

«Болалар, ман сизларга нима ёмонлик қилдим? Сизлар бу саркорнинг феълини билмайсизлар. Кўз тиккан жойини куйдирворади-я...»

Ғошим келганидан баданимга титроқ кирди. Мунча қалтираб-қақшамаса-я? Қўша-қўша орденли, эллицентнерчи бригадир, депутат бўлса, ўзига-да. У кунни Қурбонали ака билан Раҳим бригадир шу ҳақда гаплашиганини эшитгандим: «Ортиқча ерлари ҳисобига босар-тусарини билмай қолди. Билган номаъқулини еяпти. Катталарнинг оғзини мойлаб қўйганми, биронтаси «ғинг» дёлмайди». Раҳим ака куйиниб кетди. «Ҳаром бир кун тешиб чиқадику-я, — деди Қурбонали ака. — Лекин унгача ҳаромтовоқ эгаси дунёга устунман, дея хаёл қилади. Қарасаки, бир кунни хаёли хом экан... Лекин ўзимиздаям айб кўпда, ака. Ҳа, ҳар ким насибасини ейди, деб томошалаб тураверамиз. Энди манови иши... «Ушанда Раҳим бригадир мени кўриб қолган, Қурбонали акага «бўлди», дея ишора қилганди. Даштга чиққанимизнинг иккинчи кунни эса, бу бригадир билан раҳбаримизнинг суҳбатини эшитиб қолдим.

«Бу... анов қиз нега ўзини сувга ташлабди», сўради бригадир.

«Билмасам, — раҳбаримиз елка қисди. — Ҳозиргиларнинг аччиғи бурнини учида турса! Битта гап озлик, иккитаси кўплик қилса...» Шартта ўрнимдан туриб кетдим.

Ишқилиб, ана шу машҳур Абду бригадир ҳақида гап кўп. Мажлисларда илғорларнинг илғори дейишади, хуфия суҳбатларда инсофсизнинг инсофси-

зи... Яқинда газетада ўқиб қолдим: «Абду Тилаболдиев ўқимаган бўлса-да, пахта илмини сувдек ичган». Ана у ёғига кўринг таърифи дostonни. Бурунги кимёгарлар мисдан олтин яшашга чираниб, миси чиққанмиш, сочининг ҳар бир толасигача пахтакор бўлган Абду Тилаболдиев бўлса, тошдан дур ундираётганмиш... Эҳ-ҳе, бу мақтов деганда газетчиларнинг сўзлари мунча ошиб-тошмаса! Ана шундай катта газеталардаям мақталадиган «вилоят обрўси» ҳақида қишлоқда бир-биридан хунук гаплар юрарди...

— Ҳа, ғалаён қилдиларингми? Бу дейман, маълим, қоринларинг нонга тўйиб қолибди-да! Олтмиш учинчи йилнинг ўтганига ҳали уч йил тўлмади-ёв. А?!

Гавдаси бузуқ, қоп-қора бетидеги ёноқ суяклари туртиб чиққан, бароқ қошлари остидеги шокосадек кўзлари қаттиқ саркор яктаги устидеги тўнни ечиб, елкасига олди. У муюлишда кўриниши биланоқ ўрнидан туриб кетган раҳбар дағ-дағ қалтирарди. У шу куйи бизга ўқрайди. Икки-уч бола ўрнидан кўзғалди.

— Ҳа, тилингишни тишлаволдингизми, маълим? Тухумдан чиққан жўжаларга гапингиз ўтмасакан, дириктирингизга мен биринчини ўқитиб турай, демайсизми, у сизни олиб қолиб, бу ёққа биронта хотин маълимни юборарди.

— М-мен, — раҳбарнинг тили ғудуллади, — б-булар... б-бирчигит...

— Ҳов, маълим, қитиғимга тегманг, юмалоқ-ёстиқ қип қўяман-а! Нон ҳам нон, увоғиям нон. Бу ҳозирги болалар нон тепиб юришади, десам, айб устозларида экан-да. Хўп, майли, булар билан ўзим гаплашаман. Қани, ҳамманг ўрингдан тур.

Аввал бир-иккитаси, кейин бошқалар кўзғалди. Қарасак, уч-тўрт киши қолибмиз, биз ҳам турдик. Шу пайт кўзим Юлдузга тушиб қолди. У «ўла, ҳолларинг шу экан-да», дегандек илжайиб турарди.

— Яшанглар. Қани энди биттадан хатга тушинглар-чи!

Битта-битта этак боғлаб эгатга тушишди. Тушмаганлар ўн тўрт киши қолибмиз. Элмат, Турғун, Юлдуз, Бахтиёр, мен...

— Ҳа, нега сенлар қаққайиб турибсанлар? Сотволди раиснинг ўғли, отангни юзини ерга қаратмоқчимисан?

— Ҳа!

Дала гулдираб кетдиёв. Тут шохларидаги қушлар ҳуркиб учиб кетишди. Эгатга кирган болалар қад ростлаб, орқаларига ўгирилишди. Раҳбаримизнинг қалтироғи тўхтади. Кўзлари ола-кула Абду Тилаболдиев ҳам Бахтиёрга тикилганча қолди. Аста икки ёнимдаги болаларга шивирладим: «Бараварига бирчигит термиймиз, деймиз». Улар ёнларидагиларга шивирлашди...

— Оббо, отаўғил-ей. Овозни қара-я. Шошганингдан йўқнинг ўрнига «ҳа» девордингми, — Бахтиёр бошини эгди. — Қани энди, эркаликларинг бўлди. Ишни бошланглар!

«Биз бирчигит термиймиз!»


Бригадир қулоқларини беркитди. Ғўдайганча биз томонга бир-икки қадам ташлади-ю, қўл силтаб орқасига қайтди. Синф раҳбарининг ёнидан ўтаркан, «Буларга бошлиқ сизсиз, маълим, жавобини ўзингиз берасиз», дея қадамини тезлатди. Раҳбар унинг ортидан югурди.

«Абду ака, менда айб йўқ, айб йўқ, буларни Қурбон бор-ку, ўша қайраган. Уша! Менда айб йўқ...»

Бригадир орқасига қарамади. Биз бўлсак, гарангсиз қолгандик. Гўёки қўлоғим тош қотаётгандай, миямгаям тош тўлдиришаётган эди. Тили осилиб, қалтиллаб келаётган раҳбар кичрая-кичрая чумчуққа айланди-да, қаёққадир учиб кетди. Учдию кетди.

\* \* \*

Уша куни барибир пахта тердик. Уша «вақти зиқ» вакил келиб, пахтаси оппоқ очилиб ётган майдонга бошлади. Синфимиз ўз-ўзидан иккига бўлиниб қолди. Ўн тўрт киши ёнма-ён тушдик. Қолганлар оралай олишмади. Пахта чаноқдан тошиб ётар, лекин аллақачон ўлган ҳафсалани қайтариш қийин эди.



Пича терар-тармас сояроқ жойни топдим-да, этакка ёнбошладим. Мени кўриб, Элмат ёнимга келди.

«Термийсанми, оғайни, калишдан қоладиган бўлдинг», дедим унга ёнбошлаши биланоқ.

«Ўзинг тергин, ўн кунликда ракетага чиқариб қўйишади». Кейин қанча бошқа гаплардан гаплашишга уринмайлик, бориб-бориб ҳалиги воқеаларга тақалаверди. Мен раҳбарнинг чумчуққа айланиб учиб кетганини айтгандим, Элмат ўша чумчуғингга тайинлаб қўй: менинг сичқонимни чўқимасин, деди. Сичқонни сўрасам, раҳбаримиз-да, дейди.

«Лекин Бахтиёр ҳам бошладими?»

«Билмасдан «ҳа» деворгани ростга ўхшайди, кейин бош эгиб қолди-ку».

«Сен кўп нарсани билмийсан-да, Улуғ, у отасини ёқтирмайди. Эсингдами, ҳов ўша тарбиявий соатда айтган гаплари. Ўшанда бир кун олдин онаси билан уришиб қолишибди. Бахтиёр бир ишни қилмаган экан, отаси келиб койибди. Онаси аралашиб, ҳа, мани болам Тоштемирингизга ўхшаган эмас-да, дебди. Отаси Тоштемирни мақташга тушибди. Онаси ҳўнграб, боринг, ўша суйганларингизнинг олдига, лекин сизни танишармикан, бир марта қўлингизга олмаган, бошқани «дада»лаб катта бўлган бола «отангман» десангиз, шайтонлаб қолмасин, дебди... Ишқилиб, ўшанда Бахтиёр кўп нарсаларни билиб олибди. Кечаси билан ухлаёлмадим, аламимни кимдан олишни билолмасдим, эртасига... Эртасига уйимиздаги жанжалларга худди Тоштемир айбдордек кўринди, деди менга. Кейинроқ у хатосини тушуниб, ич-этини ебди, бирда сенга айтмоқчи бўпти-ю... Ҳозир пушаймони ўрнига тушмай юрибди... Энди билдингми, боя нега «ҳа» деганини?»

Олис-олислардан, Сирдарёнинг нариги ёғида, Қурама тоғининг ортидан эшитилган овоз зувиллаб келди-да, бошимга муштлай бошлади:

«Улуғбек... Биламан, мен билан гаплашмоқчи эмассан... Лекин мен сен билан гаплашмоқчиман. Гаплашмоқчиман, гаплашмоқчиман!..» Муштни қайтарай десам, ўзи кўринмайди, тутай десам, ушлайдиган жойи йўқ. Бошим ишига тўлиб кетди. У ёғини ушласам, бу ёғи шишиб чиқади, бу ёғини ушласам, у ёғи.

«Улуғ, бошинг оғримаяптими? Ҳар нарсани кўнглинга олаверма». Энди шундоқ рўпарамда туриб мушт туширишади. Пайпаслаб билакни топаман.

«Улуғ, санга нима бўлди? Қўйвор қўлимни!» Билагини силтаб чиқаришга уринаётган Элмат пайдо бўлди. У кўзларимга ҳайрон-ҳайрон тикиларди. Ҳайрон-ҳайрон...

Узимни минг чалғитишга уринмайин, кечгача бош оғриғи тарқамади. Кечқурун эса, бошим буткул ғувиллаб кетди. Мисоли икки гурзи билан туширишди: Тоштемир ўғрилиқ қилиб, қамоққа тушганмиш. Бунисининг оғриғига базўр чидаётгандим, иккинчиси миямни эзгилаб ташлади: Насиба дом-дараксиз йўқолганмиш, икки кундан буён қидирмаган жойлари қолмабди...

\* \* \*

Тонг отиши қийин бўлди. У ёғимга ағдариламан, бу ёғимга ағдариламан, бўлмайти, уйқум қочиб кетган. Уй қоп-қоронғи, очиқ деразадан ҳам бир парча ёруғлик кирмайди. Адёлга ўраниб, деразага суянаман. Ҳовлиям, осмон ҳам қоп-қоронғи, ой тугул, битаям юлдуз милтилламайди. Этим жунжикади. Урнимга ётиб, тўшакни энгагимгача, кейин пешонамгача тортаман. Барибир уйқу келмайди. Яна у ён, бу ён ағдариламан. Осмоннинг чети оқаришини кутаман. Кутиб-кутиб, ниҳоят ухлаб қолибман...

Эрталаб мактабга қовоқларим оғирлашиб, бошим кўрғошин тўлдирилгандек, биров судрагудай бўлиб бордим. Енимдаги Элматнинг гаплариям қулоғимга узук-юлуқ киради. У кеча Бахтиёрнинг уйларида ётиб қолгани, Тоштемирнинг ўғрилиқ қилиб, қўлга тушгани ростлиги, «отанг ким», деб сўрашганида Сотволди раисни айтганлиги, яна алланималарни гапирди. Ёнгинамда Элмат гапириб боряпти-ю, ҳар муюлишда Насиба бир кўриниб, қўлларини мен тарафга чўзади-да, йўқолиб қолади. Кейинги муюлишгача югуриб боргим келади.

Мактабда биров бетимга совуқ сув сочи: «Бугун Қутулуғга борарканмиз!» Қирлар олдимга югуриб келишди. Оёқларимдан кўтариб, қуйидаги кўз узсанг, гуноҳқор бўлиб қолгудай манзарага қаратиб қўйишди.

«Кетдик! — мактаб биносидан қовоқ-тумшуғи тушган раҳбаримиз чиқди. — Қани, мошинга чиқинглар!» У одатда биз чиқмагунимизча қараб тураверарди. Ҳозир эшикни шахд билан очди-да, кабинага ўтириб олди. Ундан кейинроқ мактабдан чиққан Қурбонали ака биз билан бош ирғаб сўрашиб, охириги ўриндиқ четига хомушгина ўтирди.

Қутулуғгача жимгина кетдик. Бора-боргунча ҳазиллашиб, қийқириб-кулиб, қўшиқ айтиб борадиган болалар, қизлар оғизларига талқон солишганди гўё. Ҳатто лабларини тикиб қўйсанг ҳам, иложини топиб гапирадиган Турғун ҳам оғиз очмасди. Қирдан кўринган Қутулуғ ҳам кўзимга хомуш кўринди. Тунги булутлар ҳануз тарқамаган, тинчгина оқлаётган Сирдарё, олисдаги Қурама тоғлари устида сузарди. Ёмғир ёғса, шийпонга кириб, «мушт-шапалоқ»ни қизитадиган, бизлар асло хафа бўлмайдиган ҳавоку-я, лекин туну кун пахтасини ўйлайдиган деҳқонларнинг юрагини нималар кемираётган экан?

Ҳар гал бизни ўзи кутиб оладиган бригадир кўринмади. Ҳисобчи фалон рга боринглар, деди-да ўзи шийпондан жилмади. Дарё яқинида «оролча» деган ер бор. Илгари атрофи сув бўлган, кейин қуриб кетган, шекилли, лекин номи қолган. Колхозчилар ҳам «оролча»да пахта теришаётган экан. Қолган хатларга бирма-бир тушдик. Учинчи терим, пахта озайиб қолган, хатбошига етганимда этак яримлаганди, холос. Энди бошқа эгатга тушмоқчийдим, биров чақиргандай бўлди. Қарасам, Раҳим бригадирнинг қизи. Офтобда роса пахта терганми, бетлари қорайиб, озиб қолибди, кўзлари ичига ботган. У ҳол-аҳвол сўраган бўлдию жимиб қолди. Ёнма-ён эгатга тушиб, жимгина пахта теравердик. Сал олдинлаб кетган эканман, орқадан биров пиқиллаб-йиғлаб, оёғимдан тортди. Раҳим аканинг қизи эгилганча пахта терар, энгашган елкалари титрарди. У менга етиб олгач, ерга ўтирди.

«Сиз... сиз... эшитганмисиз?» Унинг нимага йиғлаётганини тушуниб, бошимда бирнима жизиллаб ўтди. Эшитганман, сингилжон, эшитганман. Қутулуғга келиб тушибоқ уни қидирдим. Кўйлаги, дуррачаси ўхшаш қизларга умикан,

дея умид билан тикилдим. Лекин ҳеч кимдан сўрай олмадим. Тилим бормади. Қандай сўрайман? Нима деб сўрайман?

Рўпарамда ҳиқиллаб ўтирган қиз у ҳақда сўзлайди, унинг гапларини айтади, айтиб — баданиминг минг ерини ўйиб-ўйиб олади. Ана у дарёда оқиб боряпти. Бўйнидан аллақандай қаттиқ панжалар бўғдию ногоҳ жисму жони енгиллашиб қолди. Тўрт томонида худди ўзига ўхшаш оппоқ томчилар, сон-саноксиз томчилар оқиб борарди.

«Дугонажон, тезроқ суз, олис-олисларга, оппоқ-оппоқ томонларга кетамиз!»

Томчилар баданига урилади, олисдаги, уни интиқ кутаётган нурли манзилларга етаклайди. У қўллари, оёқлари, бутун вужудининг томчиларга дўниб бораётганидан роҳатланар, атрофидаги силаб-сийпалаётган дугоналаридан ўзини тезроқ ўша оппоқ-оппоқ томонларга олиб кетишни илтижо қиларди...

«У қизиқ-қизиқ гапларни айтди. Кейин сизни сўради... Аллакимни қарғади. Томчи бўлиш яхши, яхши-а, деди... Дадам менга тузук гапирмай қўйганлар. Олдидан бир қадам силжимайсан, дегандилар. Ухлаётганимизда чиқиб кетибди-да, билмай қолибман...»

«Тўхта, Насиба, бирга кетамиз».

«Йў-ўқ, сиз томчига айлана олмайсиз. Томчи бўлиш яхши, оппоқ, минг-минглаб томчиларга қўшилиб кетиш роҳатижон. Йўқ, сиз интилманг, чунки томчининг ўзини кўролмайсиз. Улар бирлашиб кетишган. Хайр...»

У дарёда сузиб борарди. Сузаётганлигини билиб турибман-у, уни қидириб тополмайман. Овозини эшитаман, гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан «мен бу ердаяман», дея шивирлайди. Овоз изидан югуриб, қўл узатай деганимда, у кўринмай кетади. Балиқлардан кўрқаман, аввалига бошқа сув томчиларига қўшиб ютворишмасин деб, кейин қанотлари, думлари билан уриб юбориб, озор беришларидан чўчийман. Шундоқ ёнгинамда томчи кулади, қаҳ-қаҳа уради. Пайпаслайман... Пайпаслаб-пайпаслаб, уни ушлай деганимда қўлимдан тутиб қолдилар. Жаҳл билан итаргандим, билагимни қисган ёқимсиз қўллар учиб кетишди...

— Ҳа, безори, ҳали ўғирликни кип қўйиб, менга қўл кўтараяпсанми? Қарасам, вақтида ташиб кетилмаган пахта уюми ёнида ҳисобчи тупроққа қоришиб ётарди.

— Ҳа, ўғрилик ҳисобига нўрмани бутлаб, хирмонда уйқуни уриб ётибсизми, — ҳисобчи у ёқ-бу ёғини қоқиб, мен томон келарди.

Ўрнимдан туриб, пахтазорга кираётгандим, ҳисобчи йўлимни тўсди.

— Тўхта, қаёққа қочяпсан? Ана, маълимларинг келишяпти. Бел оғритмай пахта териш қанақа бўлишини кўришсин бир!

Биз томон келишаётган Қурбонали ака ва раҳбаримизга кўзим тушди. Ҳисобчи уларни хирмоннинг нариги тарафига бошлаб ўтди.

У ёқдан оғзи қулоғида қайтди.

— Ана-ана, кўрдинларми, ўпириб олибди-я. Сизларгаям ҳайронман, бундоқ болаларни тергашниям билмайсизлар!

— Нега бунақа қилдинг? — раҳбаримизнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетган, лекин лаби қийшайиб борарди.

— Нима қилибман?

— Ўғрилик.

Нималар дейишяпти ўзи? Насиба кулаётганди, мен уни қидираётгандим. Энди топай деганимда, манови ҳисобчи қайси гўрдан пайдо бўлди?..

— Ўзини билмасликка олишини қаранглар, бу муғомбирнинг. Йўқ, мен бу масалани шундоқ қўймайман. Агар маълимларнинг, мактабнинг қўлидан кел-маса, ўзим биламан нима қилишни!

— Бунақаларнинг адабини ўзимиз бериб қўямиз. Иснод, иснод, ис-нод! Синфимизга, мактабимизга, совет ўқувчиси номига иснод!

Раҳбар бош чайқай-чайқай катак дафтардан бир варақ узволиб, қитирла-тиб ёзишга тушди. Ёзди, ўчирди, ёзди. Бошқа вараққа кўчириб ҳисобчига узатди. «Бўлади», деди у ярим жилмайиб.

— Хўш, манови ерга қўл қўй, — раҳбар қоғозни узатди.

Ўқиб кўрсам... Гўё мен хирмондан пахта ўғирлабман. Буни ҳисобчи ва яна бир колхозчи кўришибди, тасдиқлашибди... Бошим айланиб кетди. Боядан

бери гўёки ҳазиллашаётгандай эди... Илтижо билан Қурбонали ака томон қарадим. У бошини қуйи солганча, ўйланиб турарди.

— Қурбонали ака, мен ўғрилиқ қилганим йўқ, пахта уюми устида ўйланиб ётувдим.

— Ҳм, ҳимоячи қидиряпсанми, қани бу гал ҳам ёнингни олиб кўрсинчи! — раҳбар ер тепинди.

— Сендан ҳеч кутмагандим...

Йўқ, Қурбонали ака, сиз айтмадингиз бу гапларни. Оғзингиз очилди-ю, бошқа биров ордан туриб гапирди. Сиз айтмайсиз, айтолмайсиз...

— ...одам ўз қилмишига жавоб беришни ўрганиши керак!

Қўлимдаги, кафтимни чақаётган чаённи ғижимладим. Чақаверди. Қаттиқ, бор кучимни ўнг кафтимга тўплаб, эзғиладим. Атрофимдагилар суратга айланди. Фақат оғизлар очилиб-юмиларди, қўллар силтанарди, холос. Томошадан зерикиб, нари кетмоқчи бўлувдим, йўлимни биров тўсди.

— Топганларинг мажлис экан-да! — ёнгинамда совуқ илжайганча Сотволди раис турарди.— Пахтани қачон терасизлар?

Ҳисобчи қийшанглаганча бориб, Сотволди раиснинг қўлини икки қўллаб тутди. Ортидан раҳбаримиз йўрғалади.

— Нима гап ўзи? Биров оталарингни ўлдиргандай турибсизлар?

— Манови тирранча хирмондан пахта ўғирлабди. Шунга би-ир... — ҳисобчи ғулдираб қолди.

— Қанча пахта ўғирлабди? — Сотволди раис қаттиқ тикилган эди, ҳисобчи кўзини олиб қочди.— Тилингни чайнаганмисан, нима? Қани ўша ўғирлаган пахтаси?

Ҳисобчининг нигоҳи жавдираб-жавдираб раҳбарнинг олдида турган ярим этак пахтада тўхтади.

— Шуми? Еки яна бўлак борми?

— Уғрилиқнинг катта-кичиги бўладими,— раҳбаримиз гапираркан, ҳисобчига «бунча қўрқмасанг», дегандай хўмрайди.

Сотволди раис соатига қаради.

— Тўққизда келган бўлсаларинг, уч соат ўтибди. Шунча вақтда ўйнаб-ўйнаб бундан икки баравар кўп пахта териш мумкин. Кап-катта одамлар ёшгина болани текширмай-нетмай ўғрилиқда айбашларинг... уят... уят... Уғрилиқ... ўғри... Сизлар ҳали...

Ўзим не аҳволда-ю, Сотволди раисдан кўз узмайман. Нега у ғудуллаб қолди? «Ўғри» деди-ю, тилини ари чақди. Ё Тоштемирни ўйладими?.. Ана, йиғламсираяпти... Кап-катта одам... Элматнинг гаплари ростми ё? Тоштемир турма панжарасига суянган ҳолда тикилиб, «Дада, мен сизнинг ўғлингизман. Қаранг, сизга ўхшайман-а? Юзим, кўзим, қилиқларим ҳам қуйиб қўйгандай худди ўзингиз», деганда, Сотволди раис темир тўсиқни эгишга уринганмиш... Холага қийин бўлди-да, Тоштемирни қутқариш керак. У ўғри эмас... ўғри эмас!..

— Мен ўғирлаганман. Ана, дафтарларингни кўринглар, қирқ кило топшириб қўйдим. Улуғбекнинг терган пахтаси мана шу, холос,— ҳамма ярим этак пахтага қўлини нуқиб турган Бахтиёрга қараганча қотди-қолди. Ҳисобчининг кўзида илтижо, раҳбарнинг нигоҳида ялинчоқлик, Сотволди раис букчайди.— Хирмондан пахта олаёт... ўғрилаётганимни ҳисобчининг ўзиям кўрди. Ҳа, нега анграясиз, кўрдингиз-ку, ахир! Улуғбек бир сиқим пахта олгани йўқ. Олмайдиям!

— Бахтиёр! — раҳбар Бахтиёр томон юрувди, у ўзини четга олди.— Билиб-билмай гапирма. Сенинг пахта теришга чақонлигингни билмаймизми?

— Мен ҳамма нарсани билиб гапираяпман. Мен пахта ўғирладим. Сизлар буни била туриб, Улуғбекка ёпишдинглар!

Сотволди раис ўтириб қолди. Раҳбар ҳисобчига еб қўйгудай тикилди. Ҳисобчиси қўлидаги қоғозларни титкилашга тушди. Кафтимда ғижимланиб-ғижимланиб тошга айланган қоғозни ёйиб, майдалаб-майдалаб йиртиб, сочвордим. «Кет, тезроқ кет! Булар сурат, қуруқ сурат, қўл тегизма, йиртилиб кетади. Оёғингни қўлингга ол! Уч, шамолдек уч! Қарама уларга, қарама! Кўнлинг айниаптими? Уч деяпман!!!» Югуриб кетдим. Оёғим ерга тегмасди. «Тўхта!» Букчаяётган, йиқилаётган суратлар ортимдан қувлашга тушдилар. Улар отган илмоқ тўпиғимдан пастда қолди. Энди менга етиб бўпсанлар. Учиб



боряпман, учиб. Ҳозир қирларга учиб чиқаман. Хайр, азиз Қутулуғ! Хайр, кет-масам бўлмайди! «Уғлим, тўхта бирпас!» Елкаларимдан қучиб олдилар-ку! Йўқ, бу суратнинг қоғоз қўллари эмасди. Улар тинмай қалтирар, бўйнимга таянган иякдан иссиқ томчилар сирғанарди.

«Уғлим, уни асраб қололмадик! Асраб қололмадим. Биз одам эмасмиз. Биз-вахшиймиз! Йўқ, вахшийдан баттармиз. Уни ғажиб ташлашди... Ғажиб!.. Қизим дегандим-а!.. Уғлим, балки сен бўлганимда уни яна дарёдан олиб чиқармидинг?»

Атрофимни томчилар ўраб олишди. Улар тинмай шилдирашар, кулишар, гоҳ ортимдан, гоҳ олдимдан, ўнг ёғим, чап ёғимдан «мени топ»,— «мени топ», деган майин шивир эшитиларди. «Қўлларингни чўзма, чўзма, мени топиш учун томчига айланишинг керак. Том-чи-га!»

— Улуғбек! Мени кечир, укажон!.. Агар, қўлингдан келса,— шундай ёнгинамда ҳарсиллаб Қурбонали ака, ундан нарироқда Бахтиёр турарди.— Раҳим ака, нима бўлди? Нега бундай?..

Раҳим ака оқ яктаги устидан боғланган қийиқни ечиб, юз-кўзини артди.

— Ғафлатда қолдик, ука. Мана шу боладайин ҳам бўлолмадик. Қизимни бой бериб қўйдик. Ҳозир дарёдан топишиб, Қайроққумга, текширишга опкетишди,— Раҳим дириллаб турган қорача бети ёш томчиларга тўлди. У яна юз-кўзини артди-да, қийиқчани белига сириб боғлади.— Энди буни шундай қўймайман. Эрта-индин қахрамон бўлади, деб бости-бостилашаверади, у кўнглига келган номаъқулчиликни қилаверадими? Қизи тенги эди-я... Эсиз, қизим... Мен буни шундай қўймайман!..

Қутулуғ қирлари зириллаб кетди-ёв...

\* \* \*

Пахтага бормай қўйдим. Дадам бир-икки сабабини суриштиргандай бўлдилар-у, индамай тураверганимдан ортиқ сўрамай қўйдилар. Кейин эшитсам, раҳбаримиз дадамни кўчада учратиб, ҳар хил гапларни айтган экан. Қишлоқда ҳар куни янги гап. Аввалига Абду бригадни қамармиш, деган миш-миш тарқалди. Дадам буни эшитиб, «Бу дунёда ҳамма нарса ўлчовли, саволнинг жавоби бор», дегандилар. Кеча Элмат янги гап топиб келди. Раҳим акани ишдан олишганмиш, терговга чақиришаётганмиш. Унинг бугунги «янгилиги» яна ошиб тушди. Қурбонали акани мактабдан ҳайдашибди. Айби ғиж-ғиж эмиш. Болаларни мазорга олиб бориб, динни тарғиб қилаётганмиш, ўқувчиларни пахта терманглар, деб гиж-гижлабди. Дарс ўтишни билмасмиш, шевада гапирармиш, шунча айтишсаям, «вотти-вотти»сини қўймасмиш, ғўр ўқувчиларни «япти-япти»ларга қайраб, маҳаллийчилик қилаётганмиш... Ишқилиб, дунёдаги бор айбларни тўнкашибди.

Ўйланиб қолганимни кўриб, Элмат жимиди. «Биронта одам ёнини олмабдими? Нотўғри қиялпсизлар, демабдими?» Элмат ерга қаради. «Йўқ, мен сени айтмаяпман, Элмат. Ўқитувчиларни айтяпман. Иссиқ жойини совутгиси келмаётганларни айтяпман. Лекин аслида сен билан мен нимага талқон ютиб тураверамиз?» Бошимда айланаётган гаплар тилимга етиб бормасди.

«Бахтиёр уйдан кетиб қопти». Элмат, нима бўлди сенга? Ҳазиллашаяпсанми ё дунё ўзгариб қолдими? Балки алаҳсираётгандирман? Бетимга бир шапапоқ тушир! Илтимос!

«Мунча пешона тириштириб, нималарни ўйлаяпсизлар? Бундоқ кўчага чиқиб ўйнасанглар бўлмайдими? Дунёнинг иши сизларга тушиб қолдими?» Дадам бизга синовчан қараганча катнинг панжарасига суяниб турардилар.

«Дада, Қурбонали акани ишдан ҳайдашибди. Бошдан-оёқ туҳмат қилиб...»

«Тўғри гапнинг тўқмоғи бор, ўғлим, туққанингга ёқмагани кимга ёқарди, дейсан. Ёмонликнинг қўли узун, узатган ерига етади...»

«Унда кечаги гапингиз-чи? Бу дунёда ҳамма нарса ўлчовли, девдингиз...»

«Тўғри. Ким қилмагай, ким тортмагай. Лекин ҳаққа етиш қийин. Раҳимгаям, муаллимгаям жавр бўпти. Вақтида тилини тишламаган мен эдим. Энди булар ҳам...»

Элмат, нега дадамга ғалати-ғалати қараяпсан? Дадам умрида бир марта

бўлса-да, ҳақиқат деб курашган, қамоқ азобини чеккан-ку! Устидан юрсаям, бошига чиқиб тепсаям, финг демай яшаётганлар қанча.


— Элмат, қаёққа?

— Борай. Бошим ғувиллаб кетяпти. Худди биров болға билан ураётгандай...

Элмат кетди. Бош оғриғини менга қолдириб кетди. Чаккаларим лўқиллар, қаёққа қарамайин айқаш-уйқаш бўп кетган сон-саноқсиз ҳалқачалар кўзларини лўқ қилиб туришарди. Ҳалқачалардан қочиб, ичкари кирдим. Улар мендан олдинроқ кириб, деворларга ёпишиб олишганди. Тангадек ҳам очиқ жой йўқ. Ҳалқачалар, ҳалқачалар, кўзларини лўқ қилиб турган ҳалқачалар. Қочишга жой тополмайман. Ўринга ётиб, кўз юмаман — ҳалқачалар: кўз очсам — ҳалқачалар. Тўсатдан улар ғойиб бўлишди. Дераза пардаси сурилиб, уйга оппоқ кўйлак кийган аёл учиб кирди. У жилмайганча узун оқ-сарғиш қўлларини узатдида, мени кўтариб олди. Жилмайганича «Бобондан салом келтирдим, юр, у сени кутяпти», деди. У баданимдан ушлаб турар, лекин ғўеки унинг ордидан ўзим учиб борардим. Биз узоқ, жуда узоқ учдик. Мен оқ кўйлаклари ҳилпираб учаётган аёлга бошим оғриётганини айтмоқчи бўлдим. Айтмасимданоқ, у «биламан, мен ўша оғриқни йўқотишга келдим», дея шивирлади. Оғриқ ўз-ўзидан камайди, «ям-яшил бир майдонга етувдик, буткул йўқолди. Атрофимга қарайман, на бир дарахт бор, на бирон туп бута, лекин ҳаммаёқ ям-яшил. Яшил нур аввалига кўзларимни қамаштириб, кейин вужудимдаги оғриқларни бир-бир териб олди. Кўзларим ярқ этиб очилди. Қарасам, шундоққина мен билан юзма-юз узун яшил тўн кийган отахон оппоқ соқолларини силаб турибдилар. Аҳён-аҳён яшил тўн силкиниб, яктак кўринади. Отахон қадам ташлагандилар, қулоқларим кучли овоздан том битаёзди. Шундайгина ёнгинамда юлдуз, ой учиб ўтди. Мени олиб келган аёл қаёққа кетдийкин-а? У бобонг кутяпти, деганди. Қайси бобомни айтган экан? Дадамнинг дадаларини элас-элас эслайман, вафот этганларида олтига киргандим. Менга синовчан тикилиб турган бу отахон у бобомга ўхшамайдилар. Ёки онамнинг дадаларимикин? У кишини кўрганим йўқ, фақат гапириб беришган. Ушалармикан?

«Мени танимаяпсан-а, ўғлим? Мен Сўқир отанг бўламан...» Аввал бошим айланиб кетди, маъюс жилмайиб турган отахон томон учдим. Тўнларига қўл теккизай деганимда, кўкрагимдан бир нарса итариб юборди.

«Ҳаққинг йўқ, ҳаққинг йўқ!» Тўрт томонимдан тошлар отишди. Тошдевор томоғимга қадалди. Ортимга учганимдан сўнггина девор эриб кетди. Қани у, оппоқ кўйлагини ҳилпиратганча қаёққа учиб кетди? Нега мени бу ёққа олиб келди? Бўйнимдан бўғаётган сиртмоқлардан бояги ҳалқачалар афзалроқ эмасмиди? Сўқир отамга Тоштемирнинг уйдан кетгани, Насибанинг томчига айлангани, Раҳим аканинг терговдалиги, Қурбонали аканинг ишдан бўшатилиши, отамнинг бу дунёда ҳақиқатнинг борлигига ишонмай қўйганлиги ҳақида қандай айта оламан?! «Ҳаммасини биламан». Ким айтди бу гапни? Сўқир ота, сиз айтдингизми? Абду Тилаболдиевлар, раҳбарларнинг қилгуликларини ҳам биласизми? «Биламан!» Бўлмаса, Сизга бир саволим бор, фақат ростини айтинг, бобожон, ростини айтинг, биз сизнинг эвараларингизми? Нега индамайсиз? Ҳақиқатни айтсам, дунёда қандай бош кўтариб юради, дейсизми? Қаёққа кетяпсиз? Қаёққа? Жавобингизни айтиб кетинг! Биз Сизнинг эвараларингизми?.. Биз Сизнинг эвараларингизми?



Азиз Абдураззоқ

## СОҒИНГАН ДЎСТИНГДАЙ СИЙЛАСА ШАМОЛ

### Ёлғиз одамнинг гапи

Шовқинларни суймайди жиним.  
Умрим бино бўлгандан буён  
Истаганим,  
Тун-кун сокинлик.  
Лекин нени суймаса жининг,  
Ҳар қадамда ўша намоён,  
Яъни, дунё доим шовқинлик.

Шов-шувлардан қочдим доимо,  
Ёлғизликка қараб интилдим.  
Ҳар лаҳзада балиқдай аммо  
Шовқинларнинг қармоғига  
Чору ночор, билмай илиндим.

Шовқинларга йўқ эди ҳушим,  
Ёлғизликка етдим, ниҳоят.  
Топгандайман бир оз ҳаловат.  
Бироқ бу фурсат,  
Бу ёлғизлик қимматга тушди.

Етишдиму ёлғизликка,  
Эвазига қанча-қанча  
қурбонлар бердим.

Ҳавас қилманг менга,  
дўстларим,

Ёлғизлик ҳам бир қадарлик  
Ўхшаб кетар ёвузликка.

## Тоғларнинг бағрида

Тоғларнинг бағрида, ўлтираверсанг,  
Шаҳарга қайтмоқни қилмасанг хаёл.  
Дўстингдай сўзлашса ўт-ўлан, ҳарсанг,  
Соғинган дўстингдай сийласа шамол, —  
Шаҳарга қайтмоқлик хаёли завол,  
Шаҳарга қайтмоқлик хаёли — заҳмат...  
Тоғларда руҳ, вужуд бўлса саломат,  
Хаёлинг ҳам бўлур ўзга, аломат...  
Оҳ, қани,  
Тоғларнинг бағрида ўлтираверсанг...

## Қуроллар

Қуроллар жим.  
Гарчи сонун саноғи йўқдир,  
Шукрларким сайроғи йўқдир.  
Сайрамоқда ҳозир фақат  
Қуролларни боқиб юрганлар,  
Бир-бирига дўқ қилишиб,  
Лофлар урганлар.  
Сайрайберсин,  
Бу ҳам бир хониш.  
Қуролларнинг сайрашига йўқ зарра хоҳиш.  
Кошки эди қиёматга қадар ҳатто  
Бирор қурол сайрамаса...  
Розимасмиз барча-барча қурол зоти  
Кўкрагини захга бериб,  
Занғламаса!

## Ўтмишда

Кимдир шерик бўлди миршаблар билан,  
Кимдир дўст тутинди Машраблар билан.  
Бири бора-бора бой бўлиб кетди,  
Бирининг аҳволи вой бўлиб кетди.  
Бой бўлган кимса: «Мен — бой!» — демай кетди.  
Аҳволи вой бўлган: «Вой!...» — демай кетди.

## Энг яқин дўстим

(Оптимистик ҳасрат)

Энг яқин бир дўстим йўқолди,  
Энг яқин бир дўстим —  
Кўзимнинг оқию  
Қораси.  
Танимни тилгандай айрилиқ арраси  
Қалбимдан қипиқдай сачрар қон.  
Наҳотки қипиқдай беқадр  
Ўтган кўп йиллару  
Кўп замон?..  
Хаёлим паришон...  
Торгина хонамдан боқаман  
Боғларга...  
Баҳорга...  
Наҳотки баҳордай ўтди тез  
Шунча кўп йиллару  
Кўп замон?..  
Баҳордай тезгина ўтарми айрилиқ?..  
Жоҳиллик айнитган,  
Ёвузлик айнитган  
У дўстим келарми?..  
Берарми кўнглимга ёруғлик?..  
Айрилиқ болғасин зарбаси  
Миямни чақади.  
Боқаман боғларга...  
Боқаман баҳорга...  
Ёмғирга...  
Ёмғирдан сўнг қуёш чиқади.



Наби Жалолiddин

## ДИЛИМ НАВОСИДАН ҚУЛАР СУКУНАТ

\* \* \*

Шамоллар кўпайди Ўзбекистонда,  
 Ёмғирлар кўпайди,  
 тузлар кўпайди.  
 Бу кун кундузида ҳасрат тўлғаниб,  
 Кечаси бағрида армон тунайди.

Савол бергим келар кимгадир,  
 Олгим келар кимдандир жавоб.  
 Ўзбекнинг гуноҳи қайдадир,  
 Қарда миллатим қилолган савоб?!

Шамол — чирқиллаган аجدодлар руҳи,  
 Ёмғирлар — боболар кўзидаги ёш.  
 Тузи — Оролмикин,  
 Ё пешонаси?  
 Армонлар тунаган кечаси — бардош,  
 Бу рост гуноҳ...  
 Савоби-чи?!  
 Савоби дастурхон —  
 Барчага баробар очилган қучоқ...

### Мана сизга Ватан!

Мана сизга Ватан —  
 олтин тупроқ,  
 олтин қуёшли,  
 Оқ олтинли ва олтин қўлли,  
 Олтин диёр у бутун бошли,  
 Мана сизга Ватан!

Энди кетаверинг кетмонни олиб,  
 Нонни қўлтиқлатиб,  
 олтинларни майдаламоқ-чун.  
 Ер юзига уни улашинг,  
 Эрдан ўзга не кўрди очун.  
 Мана сизга Ватан!

Қайтаверманг уйингизга тез,  
 Олтинга бош қўйиб ухланг маст.  
 Тўйиб-тўйиб симириб олинг,  
 Олтин, билинг, Эрк деганимиз  
 томоққа тиқилгувчи...  
 Мана сизга Ватан —  
 бутун оламга етгувчи!

Фафлат уйқусидан уйғониб кетдик,  
 Уйғотиб юборди сонсиз шарпалар.  
 Куйинди ичида фаҳмига етдик,  
 Кўп экан биз ёққан кўрпалар.

Энди тирилтирар бизнинг лаънатлар,  
 Замон кўмиб кетган қанча «шанс» ларни.  
 Бу кун барча холис,  
 санар бехато,  
 Кўрпалар остида қолган наҳсларни.

Норасмий айтилар бу кун ҳар ҳукм,  
 Ижро-да норасмий этилар адо.  
 Бу вақтни бир сўз-ла айтиш ҳам мумкин —  
 «Чарм тўқмоқлар»га суянар худо!...

### Бедорлик

Туннинг бошидаги ўйлари ҳориб,  
 Аста қўйилади менинг бағримга.  
 Узилмоқчи бўлган қалбимнинг торин,  
 Туннинг кўр ўйлари киргизар тилга.

Дилим навосидин қулар сукунат,  
 Тун тўсиб олади қулоқларини.  
 Дунё бардошини очар ёҳулаб,  
 Бу тун унутганча ўз оҳларини.

Оҳиста буралиб туманлар ичра  
 Туннинг кўксин ўяр ўксик бир туйғу.  
 Дунё — юрагимда кичкина ҳужра,  
 Унда бўзлаб чиқар тун бўйи уйқу.

### Эгат бошидаги тугунча

Шудгорда бир қора ўрмалар,  
 Узун эгат унга қисмат чизиғи.  
 Офтобдан ер куяр, олам ўртанар.  
 У эса йўртади мадорин йиғиб.

Белнинг фарёдига умиди таскин,  
 Акашак қўллардан безади кетмон.  
 Бу қора нуқтага қуёш ҳам таслим,  
 У эгат бошига етса бас омон.

Эгатнинг бошида ранглар тугунча —  
 Кетмон зарбларидан отилган нола.  
 Эгатнинг бошида ранглар тугунча —  
 Яримта нон, лаби учган пиёла...

### Тонгги суҳбат


Оқариб келаётган —  
 бу менинг тилим,  
 Дунёни ёпмоққа етгувчи.  
 Эмасдир оқ ҳарир рўмоллик келин,  
 Фақат гўшангага етгувчи.

Оқариб келаётган —  
 бу менинг тилим,  
 Оламни рангларсиз кўрсатар.  
 На Ой тўлин, на Қуёш тўлин,  
 У танглайдаги пинҳон қўшотар.

Оқариб келаётган —  
 бу менинг тилим,  
 Менинг сўзларимни кўтарган ёлғиз.  
 Тун бунча сўлим-ей,  
 кун бунча сўлим,  
 Аслида бу Дунё — сўздир бир оғиз!

Мен кетаман,  
 энди кечикдинг,  
 Кетадурман ҳеч қайтмас бўлиб.  
 Кўзларимни узлатга тикдим,  
 Менга содиқ дўст чиқди ўлим.

Ҳали киргум тушларингга ҳам,  
 Сен бир бор рост сўзлаган тунлар.  
 Кун келади, йўқотган эркам,  
 Менинг қўшиғимни юрагинг куйлар.



Мақсуд Қориев

## Тонг отаверсин-чи

Ҳикоя

Ёлғизлик қурсин, эртадан кечгача бекор ўтиравериш баъзан Сурайёхоннинг жонига тегиб кетади. Нима ҳам қилсин, баъзан диққати ошиб, ўзини қайга урарини билмай қолади. Топгани телевизор. Эри бўлса иш билан банд, ҳар куни мажлис, учрашув, чойхонада ош ёки бирорта ошнасиникида зиёфат, қарабсизки, ярим кечада ширакайф уйга кириб келадилар. Шунда ўртада сал олди-қочди гаплар ҳам ўтади. Эри бўлса, ҳадеб ношукрчилик қилаверасанми, еганинг олдингда, емаганинг ортингда, шоҳона уйда ўтирибсан, кийим-кечакдан камчилигинг йўқ, ҳар йили курортга олиб борсам, яна сенга нима керак, деб дашном бергандек бўлади. Аммо Сурайёхон таскин топмайди. Унга шундай бир оила бўлсаю уйдан одам аримаса, эр-хотиннинг иноқлигига ҳамма ҳавас қилса. Шоҳона уй бўлгани билан битта ўзи бойқушга ўхшаб ўтираверса, шу ҳам ҳаётми? Ўзида ҳам айб бор, аввалига қўшниларни менсимади, улар билан кирди-чиқди қилмади, қариндош-уруғлари кам келишади, чунки Сурайёхоннинг ўзи уларга яхши илтифот кўрсатмади, дастурхон ёзиб, чой-пой, овқат қилиб ўтиришга тоби йўқ. Совуқ муносабати сабабли қариндошлар ўйлаб эшик қоқишади.

Сурайёхон қадди-басти келишган чиройли аёл, кўрса кўргудек. Жуссаси пишиққина, иккита қилиб орқасига ташлаб юрадиган билакдек-билакдек қоп-қора сочлари ҳуснига ҳусн қўшиб туради. Турди акага теккандан кейин фақат биттагина ўғил кўрди, кейин фарзанд бўлмади. Ростини, ўзи хоҳламади...

Мана бугун ҳам ўша аҳвол, телевизор кўрсатувлари ҳам тугади, лекин. Турди акадан дарак йўқ. Дамлаб қўйган оши ҳам қозонда қолиб кетди, битта ўзи егиси келмади. Ётоқхонасига кириб ўринларни тузатиб бироз чўзилган бўлди, ўз ҳаётини ўйлади, шунча мол-давлат, уй-жой ўрнига озгинагина бахт берса бўлмасмиди? Қўша-қўша узук, марваридлар, ёқут, бриллиант зиракларни қачон тақади, иккита шкафни тўлдириб ётган кийимлар-чи? Уларни ҳар йили ёйиб, нафталинлаш, ёябериб, тозалайбериб меъдасига тегиб кетди-ку. Минг шукрки, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. Пул бўлса етарли. Тўй тай-ёргарлигини қилиб қўйди, ўғли Элбек армиядан келди дегунча уйлантирмоқчи, фақат қиз топиш керак.

Сурайёхон ўрнидан турди-да, тошойна ёнига ўтириб устидаги уй кўйлагини ечиб ташлади. Кейин узун сочларини бирма-бир тароқлай бошлади. Одати бўйича кўзларига ҳинд сурмасини тортиб, ўзини кўзгуга солди. Юзида ҳали битта ҳам ажин йўқ, сочларига бирорта оқ ораламаган. Битта аёл шунчалик бўлар-да, деб кўнглидан ўтказаркан, эридан хафа бўлди. Шундай суқсурдек хотини турса-ю, у қайси зиёфатларда тентираб юрса. Нима қилса ҳам иккинчи хотинида, кўз очиб кўргани бошқа.

Турдивой илғари ҳам уйланган. Ўн йил яшаб хотинини икки боласи билан қўйиб юборган. Афтидан, ўртага совуқчилик тушиб, қўйди-чиқдига боришган. Охири бўлмагач, Турдивой чопонини елкасига ташлаб чиқиб кетган. Мана, йигитнинг моли ерда деганларидек, Турдивой тезда данғиллама ҳовли-жой қилиб олди, бировдан тили қисқлик жойи йўқ, кимсан бўрдоқчилик базасининг директори, у пулни эмас, пул уни қувлаб юради.

Сурайёхон кечки пардозини тугатди-да, ўрнидан туриб қадди-бастини яна кўзгуга солди. Ўзига ўзи ёқиб кетиб, ойна ёнида турган магнитофон тугмасини босиб юборган эди, хонага нафис мусиқий оҳанг таралиб кетди. У бутун қоматию кўркини намойиш этиб, уй ўртасида ўйнай кетди.

Шу маҳал эшик қўнғироғи кетма-кет жиринглаб, раққоса ўзига келди ва шоша-пиша кўйлагини кийиб, сочларини ёйганча бориб эшикни очди.

— Вой-бў, келдингизми ҳартугур!

Турдивой хотинининг нохушлик билан кутиб олишидан бироз ранжиди. Унинг кўзига хотини алвастига ўхшаб кетди. Сурайёхоннинг одати шу, эри эшикдан кириб келганда салом бериб, ширин сўз билан кутиб олиш ўрнига, дарров тергай бошлайди: «Қаерда эдингиз? Намунча кечга қолдингиз? Иш ҳам ўлсин шунча кеч тугаса». Турдивой хотинининг гапларини ёддан билади. Шунақанги гапларни топадики, асти қўяберинг. Ҳар қандай одамни ҳам бир чўқишда қочиради. Тилига тирсак чиқа қолса нима қиларкин, деб хаёлидан ўтказди Турдивой.

— Ҳа, намунча ўқраймасангиз?..

— У ёқ-бу ёгинга қарасанг бўлмайдими, сочингни тўғрила,— баланд келмоқчи бўлди у.

— Юриб-юриб келиб энди менга ўшқирманг. Уйни билмасангиз, ҳовлидаги тоқларни ким тарайди, хотин бошим билан мен қилишим керакми, қачон сўраса ишдаман, мажлисдаман. Ҳе ўлсин бунақа иш...

— Чакагингни ўчирасанми-йўқми,— охири чидай олмади Турдивой. Сўнг эшик тагида турган ахлат челакни бор кучи билан тепиб юборди. Челак тарақлаганча бориб деворга урилди-да, ичидаги майда-чуйдалар ҳар томонга сочилиб кетди.

Сурайёхон турган жойида қотиб қолди, нима ҳам қиларди, бунақа вақтда эрига бас келиб бўлармиди. Яхшигина кайфи борки, челак тепишдан бошлади.

— Вой ўлмасам, ҳали ичиб ҳам келдингизми? Ахир қон босимингиз баланд-ку, анави куни энди оғзимга олмайман, деган ким эди? — У энди эланишга тушди. Кейин эрининг бошидан шляпасини олиб қозикча илди, қўлтиғига кириб, ичкарига бошлади.

— Сен... сен ношукр... бандасан, эринг эшикдан келганда салом бериш ўрнига... нуқул тутун қайтарасан, бу қанақаси?

— Майли, майли, мен ношукрман, қани, юринг, бироз дам олинг, ҳозир кўк чой дамлаб бераман,— Сурайёхон эрини алдаб-сулдаб олиб бориб, кийим-бошларини ечди-да, ўринга ётқизди.

— Ош қилган эдим, озгина ейсизми? — деди ёлворгандек.

— Кўк чой билан анави қон босимини туширадиган доридан олиб кел ундан кўра,— Турдивой шундай дедию эти уюшгандек бўлиб кўрпани устига тортди.

Сурайёхон чой кўтариб келганда эри ухлаб қолганди. Унинг фиғони чиқди. Ия гап бу ёқда экан-да, ярим кечагача эрим қачон келаркин, деб кўз тикиб ўтирса-ю, бу киши кела солиб уйқуни урсалар. Яна челак тепиб дўқ қилганлари ортиқча. Баҳона қон босими бўлмай ўлсин. Унда нимага ҳаммаёғидан француз атири анқиб кетяпти? Ош ўлсин, ярим кечагача юришадими? Ҳали ош баҳона бирортасиникига бориб юрган чиқсалар-чи? Тутиб олсам юзларини юлиб, дабдаласини чиқарардим ўша мочағарни.

Сурайёхон кўрпага бурканиб маза қилиб ухлаётган эрини шу дамда юлиб-юлиб ташлагиси келди, бир тўполон кўтариб ҳумордан чиқмоқчи ҳам бўлдию, яна ўзини босди. Бундай қилиш ақлдан эмас, яхшиси текшириб, аниқлаб кўрмоқ керак. Кейин бир гап бўлар. Балки ноўрин ғазабланаётгандир. Ахир эри баъзи йигитлардек келишган бўлмаса, бунинг устига касалванд, ким ҳам унга қарарди? Сўнг бироз тинчланиб кулиб қўйди, ҳаёт қизиқ экан. Қўйиб берсанг хаёл қурғур одамни қай кўйларга солмайди. У ётоқ чирогини ўчирди-да, эрининг ёнига чўзилди. Вақт ярим кечадан оққан, эрининг хурраги тобора авжига чиқмоқда эди. Бу аҳволда ухлаб бўладими? Секин: «Ёнбошингизга ўгирилиб ётсангиз-чи», деб қўйди. Турдивой ўгирилиб бироз тинчлангандек бўлди. Шундан сал кейинми ё анча ўтганмиди, Сурайёхоннинг кўзи илинган экан, уйда бировнинг шарпасини сизди. Кимдир шивир-шивир гаплашар эди. Кўзини очай деса очолмади, кейин базўр ўзига келиб ўрнидан турди. Ажаб, чироқ ёқиқ. Хонада кимдир кезинар эди.

— Ҳой, адаси, ким? — деб юборди. Шунда тепасида аллаким:

— Овозингни чиқарма,— деди таҳдид билан.

Сурайёхон овоз келган томонга қараб лол қолди: не кўз билан кўрсинки, қаршисида юзига ниқоб тортган уч киши турарди. Дод демоқчи эди, ҳалиги ниқоб таққанлардан бири чаққонлик билан келиб, унинг оғзини ёпди ва ёнидан пичоқ чиқариб, бўғзига қадади.

— Ажалинган олдин ўлишни истамасанг, жим!

Сурайёхоннинг боши айланиб кетди, ўзи йиқилдими ё... билмайди. Бир вақт кўзини очса, ўшалар ҳамон тепасида турибди.

— Тез бўл, беркитган пулларинг қаерда? Узинг олиб берасанми ё ўзимиз топиб олаверайликми?

Сурайёхон ночор бир алпозда ҳамон оламни сел олиб кетса ҳам тўпигига чиқмай ухлаётган эрига қаради.

— У билади, демоқчимисан, йўқ, сен аввал ўзинг беркитганларни, тақинчоғу зеби-зийнатларингни кўрсат, қани чаққон! — Уфғри шундай дедию Сурайёхоннинг бошига мушт туширди. У гандираклаб кетди.



— Шуни билгинки, биз аёл киши деб аяб ўтирмаймиз, оёғингдан шифтга осиб қўя қолайликми?

Сурайёхон уларга разм солди, ҳозир гапиргани узун бўйли, устига чарм костюм кийган, жингалак сочли эди. Бўйнида йўғон тилла занжир. Иккинчиси бўлса, хипчадан келган йигит, эғнида чийдухоба костюм. Афтидан, у ўғрибоши бўлса керак.

— Раҳм қилинглар, айланайлар, хоҳласангиз уйимдаги ҳамма нарсани олиб кетинглар, фақат ўзимизга тегманглар.

Шу вақт Турдивой қаттиқ хуррак отиб, қалқиб кетди-да, уйқусида нималардир деб алаҳсиради.

— Эринг бугун роса отган экан-да,— деди ўғрибоши ижирғангандек.

— Ҳозир унга ҳам кўрсатиб қўямиз бемалол хуррак отишни,— деди япасқи юзлиги.

Ўғрибоши Турдивойнинг каравоти ёнига борди.

Сурайёхон қўрққанидан дир-дир титрар бақирай деса овози ичига тушиб кетган, телефонга яқинлашиш мумкин эмасди. Нима қилиш керак? Қаердан нажот топсин? Тепадаги соатга қаради, роппа-роса тўрт бўлибди. Ҳозир эрини ҳам уйғотишади, хангоманинг ҳаммаси энди бошланади. Эри ўзини қандай тутар экан, тағин олишиб юрса-я? Унинг пули алоҳида, қаердалигини фақат ўзи билади.

Ўғрибоши чўнтагидан тўппонча чиқариб, Турдивойнинг пешонасига тиради.

— Йўқ, йўқ, ундай қилманглар, ўзим топиб бераман дедим-ку,— Сурайёхон додвой сола бошлаган эди, ўғрибоши япасқи юзли ўғрига бақирди:

— Овозини ўчир мочағарни!

Япалоқ юз унга яқинлашгандаёқ Сурайёхон ҳайқиб ерга ўтириб олди-да, юзини беркитганча пиқиллаб йиғлаб юборди. Оладиганини олақолмайдимми, мунча кийнайди.

Ўғрибоши тўппончасининг учи билан Турдивойни туртган эди, у гўлдираганча кўрпани бошига буркаб олди. Ўғрибошининг жаҳли чиқиб устидан кўрпани тортиб олиб, отиб юборди ва жаҳл билан:

— Тур деяпман,— деб бақирди.

Турдивой бегона эркак овозини эшитиб, уйқули кўзларини уқалаб зўр-базўр ўрнидан турди, бирорта ҳазилкаш ўртоғи келиб майнавозчилик қилаётган бўлса керак, деб ўйлади аввалига. Кейин тепасида тўппонча ўқталиб турган ниқобли номаълум кишини кўриб ўтакаси ёрилди.

— Ким-ким? Нима?...

— Дард! Тур деяпмиз! — Ўғрибоши яна турткилади.— Яширган пулларинг қаерда, айт?

— Ҳозир, ҳозир, ҳаммасини олиб бераман, фақат ўлдирманглар...

Турдивой шундай дедию хотинига ишора қилди:

— Нима қилиб ўтирибсан, тур, ҳаммасини олиб чиқиб бер!

Сурайёхон кўрка-писа ўрнидан турди, негадир оёқ-қўли титраб, тили калимага келмай қолганди. Бир амаллаб катта шкаф ёнига борди-да, гилам тагидан калитни олиб уни очди, кейин эрига қараб:

— Ҳаммасиними? — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Ўғрибошининг жаҳли чиқиб кетди ва оғзига келган ножўя сўзлар билан бўралаб сўка кетди. Сурайёхон тағин бирор нарса билан тушириб қолмасин, деб газетага ўраб қўйилган бир даста пулни олиб, гилам устига ташлади.

— Ҳаммаси шуми? — сўради ўғрибоши.

— Ҳа, ҳаммаси...

— Қанча?

— Ун уч минг...

Ўғрибоши газета устидаги каноппи ечиб, пулни кўздан кечирди. Ҳаммаси юз сўмлик эди. Унта-ўнта қилиб дасталаб қўйилган. Бир пулга, бир кўрпа устида ранги оқариб ўтирган Турдивойга қаради, кейин негадир жазаваси тутиб борасолиб Турдивойни бўға бошлади.

— Қолгани қани? Айтасанми ё асфаласофлинга жўнатиб қўяқолайми? Айт!

Турдивой жон аччиғида унинг қўлларига ёпишди.

Силтаб ташлаб, сал қутулгач:

— Одамни ўз ҳолига қўйларинг-да, сизларга пул керакми? — деди-да, туриб гандираклаганича жавон томонга юрди.

Китоблар орқасидан дипломатни суғириб олиб каравот устига ташлади.

— Мана.

Ўғрибоши «Қанча?» деб сўради.

— Юз минг.

— Мана бу бошқа гап,— энди тиржайди ўғрибоши.

— Ростини айт, бошқа йўқми, — сўради япасқи юзлиги.

— Бори шу, ана уйдаги нарсаларни ҳам хоҳлаганча олиб кетаберинглар,— деди-да, Турдивой креслога бориб чўкканча томоғини силай бошлади.

— Бўлмаса тақинчоқларни бир ечвор-чи!

— Вой ўлмасам, шунча пулни олдинглар, етмайдимми? — деди Сурайёхон.

— Ечиб бер,— бақирди эри ҳам.

Сурайё кўрққанидан ҳаммасини ечиб берди.

— Қўтичадагиларни ҳам ол,— деди ўша япасқи юзлиги.— Имиллама.

— Эрингнинг пулдорлигини биламиз, шунинг учун келганмиз, у Турдивой эмас, Турдивой, билдинг,— деди ўғрибоши.— Биз ўғримиз, аммо эринг биздан ҳам катта ўғри, фарқимиз Турдивой давлатникини ўмаради, биз бўлсак сизларникини. Гуд бай. Яна бирон ёққа хабар бериб ўтирмайсизлар?

— Улдикми? Вой, нима деяпсиз? — деди Сурайёхон.

— Туя кўрдингми, йўқ,— деди ўғрибоши ва дипломатни қўлтиқлаб эшик томон зипиллади.

Остонадан ўтишлари билан чироқни ҳам ўчириб кетишди.

— Ярим соатгача ёқсанглар, кўрасанлар! — деб дўқайиб ҳам қўйди ўғрибоши ва шу бўйи уни ҳам, оёқ товуши ҳам ўчди.

Турдивой ўтирган жойида юрагини уқалаб ингради. Сурайёхон бўлса эси оғиб, қоронғида эшикка қараганча бўзрайиб ўтирарди.

— Хотин бўлмай ўл, вақтлуроқ уйғотмайсанми ё сочингни юлиб уввос солмайсанми, кўрққанидан қочиб кетмасмиди?! — деди Турдивой зарда билан.

— Вой, ғалатисиз-а, ўзингиз-чи, қумтошдек ётибсиз,— ўпкалади хотини.

— Бор, муздек сув олган кел,— деди Турдивой энсаси қотиб.

— Вой, кўрқиб кетяпман... Ошхонада биров бўлса-чи?..

— Чироқни ёқ! — бақирди берди у.

— Чироқни қандай ёқаман? Ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ-ку.

— Улаверинг дейсанми, бўлмаса.

Сурайёхон охири сув билан қон босимини туширадиган дори олиб кирди.

— Бу нима кўргилик эди-я, дадаси, бутун мол-дунёмиздан ажралдик-ку,— деди хотини дорини ичириб бўлиб.

— Эй, қўйсанг-чи шу гапларни, саломат қолганингга шукр қилсанг-чи!

— Эсиз-эсиз узукларим, зиракларим. Битта-иккита бўлса ҳам майли эди...

— Анави катта кўзли узугинг-чи?

— У бошқа жойда эди, ҳартугур...

— Бўлди кўп жаврайверма, эшикни занжирлаб келганмисан ўзи?

— Вой ўлмасам, тағин пойлаб туришган бўлса-я!

Турдивой ўзи чиқиб эшикни занжирлаб келди. Юраги нуқул гурс-гурс урар, томоғининг тағими, кўкрагими ачишар эди. У зўрға келиб қаравотга ўзини ташлади. Томоғи ҳамон оғримокда эди, бўғанда бирор жойи ёмон лат еганга ўхшайди. Туфук ютса ҳам оғрияпти-я. Боз устига бутун бадани зирқиллаб кетмоқда, юраги негадир ғаш, гардани қотиб боши лўқиллаб турибди. Ана сенга ичкиликнинг касофати!

Орадан йигирма минутлар ўтдими-йўқми, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Эр-хотиннинг жон-пони чиқиб кетди.

— Яна ким бўлди? Ушалар қайтиб келган бўлса-я? — йиғламсиради Сурайёхон.

— Ундан кўра очмайсанми эшикни,— дўқ урди Турдивой хотинига.

— Вой, нима деяпсиз ўзи, сиз туриб нега мен очар эканман?..

Турдивой юрак ютиб ноилож ўрнидан турди-да, аста-секин бориб эшик тешигидан ташқарига мўралади, ғира-ширада кўзига милиция кийимидаги одам кўринди. Шундай бўлса ҳам овозини дадиллаштириб сўради:

— Кимсиз?

— Милицияданман, очинг!

Тавба, ўлганнинг устига тепган бўлмаса эди, дея Турдивой калима келтирди. Аммо эшикни очмаслик ҳам мумкин эмасди.

— Милиция лейтенанти Одил Умаров бўламан,— йигит ҳеч нарса бериб, кейин ёнидаги кишини таништирди.

— Келинлар, марҳамат! — деди Турдивой бирпасда ухлаб ётган кишидек кўзларини уқалаб.

— Матжон Тўраевнинг уйими шу?

— Ҳа, Тўраев мен бўламан...

— Кечирасиз, уйингизга ўғрилар кирганмиди? — сўради лейтенант.

— Йўқ, бизникига ҳеч ким киргани йўқ...— деди Турдивой кўзини лўқ қилиб. Нима, фалон мингни ўмариб кетди десинми?

— Тўраевмисиз?


— Ҳа, Тўраев...

— Биз шубҳали одамларни қўлга олгандик. Улар шу уйни кўрсатишди-ку?.. Қизиқ бўлди-ку!

— Мана уйимиз, кўриб турибсиз, ҳамма нарса жойида,— деди Турдивой ҳеч нарса бўлмагандай.

Милиция ходимлари уларга ҳайрон бўлиб қараб туришди-туришди-да:

— На илож, тонг отаверсин-чи, эртага текшириб кўрамиз! — дея яна ҳеч нарса бериб чиқиб кетишди.



## БИР НАЖОТ ИЗЛАЙМАН НИГОҲЛАРИНГДАН

Жонибек Сувонқулов

\* \* \*

Қирларга ёйилар ям-яшил қўшиқ —  
Майсалар судрайди ерни қуёшга.  
Бир сатр ғазалли бўлади бўшлиқ—  
Турналар самони кўтарар бошга.  
Бироқ кўнгилтусар оҳанглар бошқа.

Тоғдаги булоқлар кўзидай тиниқ  
Осмон олислардан ташлайди нигоҳ.  
Қушлар чулдираши негадир синиқ,  
Тўзғиган сочлардай мезон учар гоҳ.  
Бу куз нимадандир этарми огоҳ?..

Куйманар саратон шомига қадар  
Деҳқон билан қуёш, шимарганча енг.  
Дунёга ризқу рўз бергувчи падар,  
Авалло, шуларнинг иккаласи денг.  
О, қани уларга кела олсам тенг.

Изғирин нолакор сивизга чалиб,  
Тунларни миндирар амал отига.  
Қалбимда ётарман ёлғиз қамалиб,  
Қиролмай ҳеч кимнинг хотиротига.  
Тушунмай борлиқнинг совуқ додига.

Мени хаёлларга чулғар беомон,  
Балким тўрт фаслга сиғмаган бир сир?  
Сендан илтимосим, эй табиатжон,  
Фаслларни мени аяшга кўндир,  
Қалбимга янги бир фаслни кўндир!

\* \* \*

Одамлардан қочиб яшар бахт,  
Қувиб яшар одамни қайғу.  
Ҳаммасини янчиб яшар вақт,  
Эмиш дунё таомили шу.

Ҳақиқатнинг кўзин ўйгани  
Фисқу фитна яшар иттифоқ.  
Эътиқодни ҳар он сўйгани  
Пичоқ қайраб яшайди нифоқ.

Муҳаббатни букиб яшар рашк,  
Оқибатни манфаат эзар.  
Кўз ёғдусин ўчиради ашк,  
Чаманзорни қарғалар безар.

Ҳаёт барча қувончу ғамни  
Жойлаб олиб гурзи муштига,  
Нақ бошидан урар одамни—  
Зарби етгай етти пуштига.

Ким дунёни билмай ўтар ҳеч,  
Кимнинг басдир ўтса ризқ-рўзи.  
Кимнинг эса вақти ўтиб, кеч  
Ўлгандан сўнг очилар кўзи...

### Қўчқорлар

Ҳазил

«Қайнамас бир қозонда  
Икки қўчқор калласи».  
Шохлашар тонг-азондан,  
Қуриганча силласи.

Урушдан шу-да фойда:  
Керак бўлмади қозон.  
Бирин— қир, бирин— сойда  
Бўри еб кетди осон...

Тошкент

\* \* \*

Қимтиниб-қимтиниб қараган  
Кўзлари катта-катта қиз,  
Симобдай сип-силлиқ сочлари  
Беллари билан битта қиз,  
Мен сени... Мени сени алдадим,  
Бўлма-да бунчаям содда, қиз.

Улар ойга олиб чиқса гар,  
Кўксингга юлдузлар тақса гар,  
Сўзлари сел бўлиб оқса гар,  
Ишонма, шошмагин, шошма, қиз,  
Бекорлар айтишар, бекорлар...

Бунда кўп йигитлар бинойи,  
Кўтариб қўйишар баҳойинг.  
(Камдан-кам мендайлар анойи)  
Дастурхондай дилинг очма, қиз,  
Ишончинг — энг хунук хатойинг.

Қарайсан уёлиб, ҳаё-ла,  
Мужгонинг қоришиб ҳилола.  
Сирғалиб тушди, боқ, рўмолинг,  
Севги деб сеҳрга учма, қиз,  
Йиғиб ол, йиғиб ол хаёлинг.

### Яна...

Сой сувида сузган қуш— ўрдакмикан, ғозмикан,  
Соҳилдаги сулув қиз— ўшал сарвинозмикан,  
Кўйида куйганларим, ёнганларим озмикан,  
Оху қарашлари-ла, олди оромим яна,  
Жонима озор чекиб чиқди ул «золим» яна.  
Оқшом чоғи ой билан ҳусн талашди сулув,  
Сочини сувга солиб, сой-ла тиллашди сулув,  
Ҳатто соқов харсангга меҳр улашди сулув,  
Бунда бир мен бебаҳра, бўғзимда жоним яна,  
Ой юзига доғ солиб, ўрлар фиғоним яна.  
Уғридай деворидин бўйлаб ўз боғимда мен,  
Уртаниб, ўтда ёниб, қоврилиб ўз ёғимда мен,  
«Бир қошиқ қонимдан кеч...»— қасд қилар чоғимда мен,  
«Тахт»ини тарк айлабон кетди султоним яна,  
Бул сафар ҳам чиппа-чин чиқди «ёлғон»им яна.  
Қани, узук бўлсаму бармоғин ўпиб ўлсам,  
Ойбалдоққа айланиб, зулфини тутиб ўлсам,  
Кўзгу бўлиб йўлинда, сувратин ютиб ўлсам,  
Дутор бўлиб қўлинда толса забоним яна,  
Номи номард кетай гар бўлса армоним яна.

### Муножот

Бўғзимда бир нима бор — болалаб, бойиб кетган,  
Бўйи бўйим баробар ўсиб-улғайиб кетган,  
Бота-бота бағримни ўчоқдай ўйиб кетган,  
Билмадим.  
Билмадим.  
Ким деди, бир кун сени сездирмай сўйиб кетар,  
Қалбингни қийма қилиб қонингни қуйиб кетар,  
Кўзларинг косасига корчасин чайиб кетар,  
Кетди.  
Ўлмадим.  
Ўтдим— ёстиқ ер бўлиб, сел бўлиб ивиб кетди,  
Тун — тоқати тоқ келин, келди Тонг, тегиб кетди,  
Кута-кута кўкайим кул бўлиб куйиб кетди,  
Келмадинг.

Қарши

Улуғбек Далиев

\* \* \*

Унутганим йўқ сўзларингни,  
Унутолмай чекарман азоб.  
Қайғу томар бу кўзларингким—  
Ўқиб бўлмас пинҳоний китоб.

Ўзгарадир атрофда оҳанг,  
Ўзгарадир унда маъно ҳам,  
Мен-чун ҳамон отмагайдир тонг,  
Тарк этмайди қалбимни алам.

Мен сиғинмоқ истайман сенга,  
Тиз чўкмоқни этмайин канда.  
Яна нени қилолсин қурбон  
Худосига ёқмаган банда?

## Озодлик билан бекинмачоқ

Аввал мен беркиндим бешикка,  
Мени топиб олди Озодлик.  
Гал келганда, кўзим боғлаб у,  
Яширинди миллат ортига.  
Сўнгра қочди пахтазор томон,  
Сўнгра Аму ё Сир ёқалаб  
Оқиб кетди Оролга томон.  
Оролда-чи, мен тополмадим.  
Учиб кетган эди ҳавога  
учолмаслигимни билган—  
Гирромчи.

\* \* \*

Мана сел ҳам ёғиб ўтди...  
Сўнаётган олов—  
милтираган кўз.  
Қуёш чиқмоғини  
кутамиз энди.

Ҳали олдинда қор,  
олдинда аёз,  
бизлар-чи, интизор,  
олис уфқлардан  
излайман энди —  
қалбимизда аллақачон  
ботган  
Қуёшни.

## Бир амаллаб

Дастлаб нафратимни ютаман,  
қурғур ҳазм бўлмайди.  
Бепарволик томоқдан ўтмас,  
кўзёшга-ку нафс тўймайди.

Сўнг умидим булаб армонга  
Берарканман, мен ютоқаман,  
Ичимдаги еб тўймас илон—  
Виждонни мен шундай боқаман

Москва

Ғофир Қурбонов

\* \* \*

Ҳаёт деразадан унсиз боқади,  
Кўчада адашган жойсиз кимсадай.  
Кулбасиз қалбимга оламни чорлаб,  
Яйрайман нур эмган танҳо майсадай.

Тун эса узундир хаёлимдан ҳам,  
Қўйнида бедорлик бермоқдадир жон.  
Қўйланар аллалар, бешикда — олам,  
Аллага бош қўйиб тин олар осмон.

Сўнг дилга қўйилар ёмғирдай хаёл,  
Хаёл ўхшар бебош болалигимга.  
Сенга ёлвораман узун сочили тун,  
Онамнинг алласин айтиб бер менга.

Инсонлар ухлайди, дунё ухлайди,  
Алла— қўшиқ эмас, жон бергувчи жон.  
Ҳар кеча муқаддас оналар айтган  
Аллалар меҳридан тирилади тонг.

\* \* \*

Гўдақдай алдансам, кўнгли бўшлиқдан,  
Пешонам шўр бўлиб, доғланар қалбим.  
Ғамзада руҳимни яйратиш шу он,  
Оёққа турғизиб қўяди халқим.

На фалак, на офтоб юпата олар,  
Фақат дардларингга малҳам излар вақт.  
Минг йиллар ўзига желолмай йиғлар,  
Ҳаётда бир бора алданса гар халқ.

\* \* \*

Қайт,  
имонинг хасдай дилингда ёнса,  
эл-юртнинг кўксига чўкканда малол.  
Қайт,  
ахир, фалақдан бўлсанг ҳам йироқ,  
кутар экан сени оқ сочли аёл.  
Қайтма,  
ғанимларинг сонсиз бўлса ҳам,  
ҳақорат тақса ҳам шаънингга олам.  
Қайтма,  
азобларнинг жаллодлигидан,  
тирик қайтмаслигинг аён бўлса ҳам.

Самарқанд  
Алижон Йўлдошев

\* \* \*

Ҳидоят биби ўлди—  
эртак ўлди!  
Бутун қишлоқ қолди ҳувиллаб.  
У эккан дарахтлар ҳайрон,  
«Ку-ку» ламас мусичалар,  
Маҳалла болалари юрар ҳувиллаб.  
...Йиллар ўтди шамоллардан тез,  
Аммо ҳамон маҳалла ғариб.  
Эртакка ўч Бодомхон ҳам, қаранг,  
Бодомдек букчайиб қолибди қариб.  
Сирли ҳовли томон девордан  
Нафас ютганича аста мўралар  
Ешлигини йўқотиб қўйиб,  
Ҳайрон бўлиб турар жўралар.

### Ҳолат

<p>Дейдилар: мард бўлсанг яхшилик қилгин, Елғон, ёмонлардан бўлма жонсарак. Душман қаршисида титрасанг, билгин, Сендан воз кечаман, жафокаш юрак!</p> <p>Ҳайҳот! Синма зинҳор, кўнгил шишаси, Ярим бўлиб қолма, муқаддас ният. Сотқинлик қилса гар дўстнинг биттаси, Сендан юз ўгиргум шу кун, табиат!</p>	<p>Афсуски, ғазабдан кўзларимда нам, Наҳот чил-чил синса сабр ва бардош. Эзгу туйғуларга ортсанг қайғу-ғам, Лаънатлар ўқийман сенга ҳам, қуёш!</p> <p>Бир бурда нонни-ку кўргандик баҳам, Меҳримни бахш этдим гўё зўр дарё... Ошно тутинганим чиқса муттаҳам, Сенга ҳам қўл силтаб кетаман, дунё!</p>
--	---

\* \* \*

Такаббурлик қилмагин зинҳор,  
Қиличман деб керилма, нокас.  
Ҳаёт шундай... Зўрлардан зўр бор,  
Қиличнинг ҳам бир ёғи ўтмас.

Ленинобод  
Юсуф Худойқул

\* \* \*

<p>Худди айбим очадигандек, Кундузлардан қочиб юраман. Тушунмайман ўзим, барибир, Тунни жуда яхши кўраман.</p>	<p>Шоир дўстим, шошма бир нафас, «Елғизлик — бу ўлим», демай тур! Елғизликдир менинг юпанчим, Дардим айтиб йиғлашларим кўр.</p>
--	---

Тўхта, жоним, ошиқма сен ҳам,  
Тутаяпти дардим тўлғоғи.  
Елғизликни, зулматни севар,  
Бу юракнинг қардир қулоғи.

Шақирлайди пўлат занжир,  
Чор атроф-чи, қоронғи.  
Сокин кеча мудрар оғир,  
Шовқин солган кимдир у?

Тоғ ортидан қодир тангри,  
Учирди оққушини.  
Она ерга оққуш пари  
Босди оппоқ тўшини.

Зулмат ичра қора шарпа,  
Хўжасига содиқ қул—  
Тин олмасдан бирон дафъа,  
Тун-ла юриб чиқди ул.

Шақирлайди пўлат занжир,  
Ҳайратим гул тўкади,  
Тонг ёғдуси ёниб, охир,  
Кўзларимда чўкади.

Ажаб, банди нодонми бу,  
Занжирин қўйса ечиб,  
Тишлаб олиб айланар у,  
Туну кун тупроқ кечиб.

\* \* \*

Менсиз яшамоққа шошилма бир пас!  
Хазон бағридаги яшил пўпанак—  
Унда бир пайт баҳор бўлганин айтар,  
Шундай, хотиралар маскани юрак  
Сақлайди ўзида жўшқин ҳисларни.  
Қалб, ахир, ақлга бўйсунмас кучдир.  
Ишқ дардин енгилга бор деб иродам,  
Уринма, барибир ҳаммаси ҳечдир.  
Ишқ майи ҳамиша лаззатли оғу—  
Қалб косам тўладир, бир кун ёраман.  
Қайтмасанг, ўз гулим кўксим қони-ла,  
Суғориш учун ҳам ўзим бораман!

Тошкент

Нафас Дўсанов

## Отамнинг деганлари

Ичкюяр дўст мудом ачитиб сўйлар,  
Қамчидек бўлса ҳам гапларин уққин.  
Сўзидан қайтмаган одамдан қўрқма,  
Дардини айтмаган одамдан қўрққин.

Қўли очиқларнинг йўли ҳам очиқ,  
Сахийдан чиқмагай ҳеч қачон сотқин.  
Фойдасин билмаган одамдан қўрқма,  
Ўпқони тўлмаган одамдан қўрққин.

Оддийлик дегани буюклик демак,  
Камтарлик безайди инсоннинг хулқин.  
Меҳнат қилиб толган одамдан қўрқма,  
Ўзин катта олган одамдан қўрққин.

Умрнинг маъноси— Ватанни севмоқ,  
Отанг ҳам халқингдир, онанг ҳам халқинг!  
Бахтидан нолиган одамдан қўрқма,  
Халқидан нолиган одамдан қўрққин.

\* \* \*

Чўкаётиб чўпга ёпишган мисол  
Бир нажот излайман нигоҳларингдан.  
Сенми умид бўлиб юпатган иқбол,  
Сенми тушларимга кирган фариштам?!

Бу эртак дунёда умримиз эртак,  
Етар эканмизми мурод-мақсадга.  
Ёсуман хавотир юракни ўртар,  
Ойдин якун бўлсин эртак қисматга.

Сен келдинг тўлдириб кемтик кўнглимни,  
Шукроналар сизиб оқди кўзимдан,  
Энди армонлардан юлқиб умримни,  
Сенинг қўлларингга тутарман, эркам

Сочларингга қўшиб ўргин ҳисларим,  
Қаро тўлқинларнинг бағрига сингсин.  
Энди яшай сени севиб, қизганиб,  
Бўл менинг ташвишим, дардларим, тинчим.

\* \* \*

Айни куз, тўкинлик маҳали,  
Ҳосилдан кўз тўйиб қонади,  
Далалар — оқ супра, Ватаним—  
Қўллари хамирли онадир!

Каттақўрғон

Жума Шомат

### Тоғ бўлиб

Лутф айлагач нигорим, тоғ бўлиб кетди кўнглим,  
Хаёлларим гунчалаб, боғ бўлиб кетди кўнглим.

Муҳаббат нашъасидан дарё бўлиб завқу шавқ,  
Рухим баландлаб учди, чоғ бўлиб кетди кўнглим.

Мадҳингга лойиқ ғазал ёзолмадим, нигорим,  
Жону танга ўт тушиб, доғ бўлиб кетди кўнглим.

Сен назокат бобида танҳодурсан мен учун,  
Меҳринг билан мусаффо, соғ бўлиб кетди кўнглим.

Тонг каби чеҳранг кўриб танг қолди Жума энди,  
Эриб июннингдан ёғ бўлиб кетди кўнглим.

### Ошно керак

Элга ростин сўзласам гар: менга чин ошно керак,  
Маслаҳат муҳтожлигида устозу доно керак.

Бу кўнгилда ғусса йўқдир, аммо армон қатма-қат,  
Жонларимга руҳ берувчи маънавий дунё керак.



Кўзларимга нур ўзингсан, билмадинг, дилбар, нечун?  
Қалб бор — ёғду керакдир, ишқ бор— зебо керак.

Икки кўнгил бир-бирига бўлса мойил, дилбарим,  
Айт, ахир, ушбу жаҳонда нечун можаро керак?

Қийнама кўп сен мени мубталолигим учун,  
Сенга ҳам, мен каби шайдои мубтало керак.

Анджон





Павел Вежинов

## ЎЛЧОВЛАР

Қисса

Рус тилидан Зоҳир АЪЛАМ таржимаси

Қоронғи ўтмишни титкилаш жуда азоб.

Биз яшаб турган бу оламнинг ўзи нима, умуман, у мавжуд нарсамикин, деган савол устида неча марталаб ўйлаганман. «Албатта, у ҳеч бўлмаганда кишиларнинг хотирасида мавжуд» деб қўя қолиш ҳам жавоб ўрнига ўтмаслигини тушунганман. Хўш, хотиранинг ўзи нима? Наҳотки, у бизнинг ҳорғин дилимизда маскан қурган арвоҳлардангина иборат бўлса? Бундай ўйлаш нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини мутлақо тушунмасликни билдиради. Дунёдаги ҳамма нарса, ҳатто инсоннинг тушию орзуларигача зарра ва тўлқинлардан иборат. Хотира эса, борлиқни ўзига муҳрлаб, сақлаб турадиган ажиб кошонадир, эҳтимол? Фақат хотира яратадиган қиёфаларгина ножинсий бўлишлари мумкин. Барибир ўша қиёфалар ҳам вақт ва макон измига бўйсунди.

Сафсатаининг нима ҳожати бор? Муҳими шуки, одам ўтмишга худди томошагоҳга кириб-чиқаётгандай, хоҳлаган ва танлаган жойига, истаган пайтида сайр қилиши мумкин. Кейинги ойларда менинг асосий ишим шу — хотирам томошагоҳига кириш ва чиқиш бўлиб қолган. Кираман-чиқаман, яна кираман, яна чиқаман. У ерга қадам босганимда, мени ёмғирлар савалади, қулоқларим остидан ўқлар чувиллаб ўтди, оғзимда эса қон таъмини сездим. Сезгиларим билан ҳеч қачон туймаган нарсани қаердан аниқ билишим мумкин деб, аввалига жуда ҳайратга тушдим. Сўнграқ бироз англаб, кўникдим. Йўл бўйидаги тошга хотиржам ўтирдим. Сон-саноксиз тошлар... Улар ўлчовсиз нарсаларни ўлчайдилар. Вақтнинг туб моҳиятини мен ҳам, бошқа бирон кимса ҳам билмайди ва тушунмайди, деб ўйлардим. Энди эса, воқеа ва ҳодисаларнинг бирини иккинчисига бир жараён сифатида улаб, сезгиларимизга оқиб кириб, уларга ҳаёт бахш этадиган ягона буюк нарса вақт эканлигини фаҳмлаганман. Бу жараённинг фақат ўзгариб туриш хусусиятигина исбот қилинган.

Хўп, ўтмишни-ку ҳеч бўлмаса вужудимизда бор, деб айтиш мумкин. Лекин келажакчи? У нима дегани ўзи? Мавжудми-йўқми? Вужудимиздами ё ундан ташқаридами? Балки у бугунги кунимизнинг тахминий инъикоси холосдир?..

Аслида бу қисса вақтнинг ана шу уч қиёфасини ўзида мужассамлаштирган бир кампир ҳақида. Ҳар ҳолда мен шундай деб ҳисоблайман. Бу аёлни жуда яхши билар-

---

Павел Вежинов бугунги булғор адабиётининг атоқли вакилларида биридир. Унинг китоблари Совет Иттифоқида кўп марта нашр этилган. Адибнинг «Тўсиқ» қиссаси бир неча йил аввал илк марта ўзбек тилига таржима қилинган ва журналимизда босилган. П. Вежинов аксари асарларида инсон руҳиятидаги ҳали англаб етилмаган сирли қувватлар ва шундай қувват эгаси бўлган кишилар хусусида ёзади. «Ўлчовлар» қиссасида ҳам баъзи ҳодисаларни олдиндан сезадиган кишилар ва уларнинг маънавий муҳитидаги муҳим нуқталар ҳақида ҳикоя қилинади.

дим, чунки у менинг бувим бўлган. Боз устига, ўзим унга айнан ўхшайман. Ҳатто ташқи қиёфам ҳам ўхшаш. Кампир — менинг ўтмишим. Мен эса, гарчи аллақачон ўлиб кетган бўлса-да, унинг келажигиман. Ҳар ҳолда, ҳозирча аҳвол шундай.

Лекин қиссани бошидан бошлайлик.

Апрель кўзғолони тор-мор қилиниб, Ҳафиз пошонинг галалари Панагюриштега бостириб кирганида бувимнинг ёши ўн саккизда, бобом Манолники эса ўттиз иккида эди. У замонларда эр-хотиннинг ёши ўртасидаги бунчалик катта тафовут камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлган. Айтишларича, бувам бева қолгач, бувимга уйланган экан. У отам туғилганидан ярим йил аввал қазо қилганига қарамай, кўз олдимда ҳамон тирикдай гавдаланади. У ниҳоятда қорувли, девсифат одам бўлиб, ўша пайтларда «гуглар» деб аталадиган аждодларимиз ичида энг дарози ҳисобланган. Одамлар ўтмишини эслашганда, одатда рангларни яхши тасаввур этишолмайди. Лекин мен бобомни худди рангли суратдагидек бир алпозда: бошидаги узун шокилали, қип-қизил фасига қойил қолиб, айни пайтда жаҳлим ҳам қистаб кўз олдимга келтираман. Шахсан Бенковский<sup>1</sup>нинг ўртоғи, инқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлган кишининг шундайгина кўзғолон арафасида туркча фас кийиб, олифтагарчилик қилиб юришига ҳеч тушунолмасдим. Бувим, бобонг бун туркларнинг аччиғини чиқариш учун атайлаб киярди, чунки Истамбулнинг ўзида сотиб олинган бунақа чиройли ва қимматбаҳо фас ҳатто Пловдивнинг волийсида ҳам йўқ эди, деб айтардилар. Умуман олганда, рангларни бувим ҳам яхши эсда олиб қолгандилар ва умрларининг охирига қадар батафсил таъкидлаб турардилар. Руминиянинг Нюрчева шахрида тушилган суратда бобом тугмалари бошидан охиригача қадалган тўқ қизил камзул, тор шим, можарча этик кийиб олган эди.

Бобомнинг сочлари тўқ малла, бўйи баланд, юзи нозик ва хушбичим эди. Бир куни расмига қараб туриб, нега бизларга «гуглар» деб лақаб қўйишган, деганимда, бобом бироз хаёлга чўмди-да, елкасини қисиб, жавоб берди:

—Лақаб — лақаб-да, ким билади дейсан? Лекин аждодларимиз ҳали Исо қавмига ўтмаган қадим замонлардан бери бизни шундай аташади.

Хуллас, христианликка ўтгунча ким бўлганимиз менга қоронғулигича қолди. Чунки расм тирик одам эмаски, ундан калланга келган нарсани сўрайверсанг. Бобом суратидан эшитилаётган сўзлар менга соҳилга чиқариб ташланган нарсаларнинг парча-пурчасига ўхшаб узук-юлуқ етиб келарди. Ўтмишимизни тиклаш — куйган мачта парчасига қараб кемани бутунлигича тасаввур этишга ўхшаган вазифа эди. Мен фақат бобомнинг Чипрово кўзғолони<sup>2</sup> тор-мор қилинганидан кейин бутун мамлакат бўйлаб тарқалиб кетган католиклар қавмидан эканлигини тахмин этишим мумкин.

Лекин Петра бувим лақабни жуда оддий тушунтирарди. Унинг айтиши бўйича, лақабга болаларнинг ёнғоқ ўйини сабаб эмиш. Бу ўйинда ўртага тўп қилинган ёнғоқдан энг каттасини биринчи бўлиб уриб чиқариш керак. Ана шу уриб чиқариладиган энг катта ёнғоқ бизнинг тарафларда ҳам «гуг» деб аталади. Лекин уруғимиздаги эркаклар лақабни ёнғоқдан олганми ёки акси бўлганми, бунисини ҳам ўйлаб кўриш керак.

Бобом бадавлат савдогар бўлган. Ҳатто у турк қўшинига мол етказувчи «жонбозин»лар тоифасида ҳам юрган. Молларни у Панагюр атрофидаги қишлоқлардан, кўпинча эса Петричадан шахсан ўзи харид қилиб, бир неча ёрдамчилари билан тоғма-тоғ ошиб, нақ Истамбулгача олиб борган. Бутун усмонлилар салтанатида бундан оғир ва хавфли иш йўқ чиқар. Бувим бобомнинг қуролланган ҳолда отлиқ юришига рухсат берувчи «китоб»ни умрининг охиригача сақлаганди. Айтишича, шу «китоб»сиз унинг биронта ҳам қўй-қўзиси турк армиясига етиб боролмас экан.

Касби хатарли эканлигига қарамай, Манол бобо кўнгли очиқ одам бўлган. Қариндош-уруғ, ёр-биродарлар билан дастурхон атрофида ўтирганча хушчақчақлик билан ҳаммани кулдирган. Бир неча стакан май ичгандан кейин, оқ ёноқлари лоладек қизариб кетар, шунда дўстлари кулиб: «Ҳой, Манол, юзларингнинг қизили қаердан?» деб сўрашарди. «Турк қонидан! — деб жавоб берарди бобом ювошлик билан.— Агар қонимни Тополницага оқизса, дарёнинг суви ҳам қизариб кетади».

Бобом эслашга арзигулик киши эди, аммо ҳозир у ҳақда жуда кўп гапириб юбордим шекилли. Чунки, юқорида айтганимдек, бу қисса дунёда мен учратган аёллар ичида энг қизиғи ва ғаройиби бўлмиш бувимга бағишланган. Бувим эса Мечка<sup>3</sup> қишлоғидан чиққан оддий деҳқон зотига мансуб. Мечка қишлоғи ханузгача шу ажойиб ном билан аталади. Бу қишлоқни кейинчалик бориб кўраман деб ният қилиб юрдику ҳеч фурсатини тополмадим. Сирасини айтганда, кампирнинг айнан ўша ерданлигига ҳам гумоним бор эди. Умуман бувимга боғлиқ воқеаларнинг бари тушунтириш қийин воқеалардир. Унинг Пангюриштеда пайдо бўлишини айтасизми, умрининг охиригача на

<sup>1</sup> Бенковский Георгий (1841—1876) — болгар миллий озодлик ҳаракатининг йирик арбоби, 1876 йилги апрель кўзғолонининг раҳбарларидан бири.

<sup>2</sup> 1688 йилда Усмонли туркларга қарши кўтарилган кўзғолон. Чипрово шаҳри Болгариянинг шимолий-ғарб қисмида.

<sup>3</sup> Мечка — болгарчада айиқ дегани.

отасинию на онасини бирон марта эслаб тилга олмаганлигини айтасизми, туғилганлик гувоҳномасию никоҳ қоғозининг йўқлигини айтасизми — ҳаммаси сирли эди. Мен ҳатто унинг ҳақиқий исми қандайлигини ҳам яхши билмасдим. Очиғини айтсам, ортиқча синчковлигим иззат-нафсига тегиши мумкин деб ўйлаганимдан, билишга кўп ҳаракат ҳам қилмасдим.

Кампир асли Мечкаданмас, у ерлар анча нообод ва овлоқ жойлар, одамлари бир-бирини яхши танийди, деган гапларни баъзи бир қариндошларимиздан эшитганман. Отам эса баъзан ҳазиллашиб, Манол бобо хотинини қоракўчанлардан<sup>1</sup> обқочиб келган, дерди. Гарчи, бу гапни замирида ҳақиқат бўлиши мумкин эса-да, отамнинг ҳазили менга ёқмасди. Биринчи бор келганда, бувимнинг белигача тушиб турган сочларига мечкалик қизларнинг одатига хилоф равишда жуда кўп мис, кумуш тангалар ва мунчоқлар тақилганди. Эғнидаги чакмони ҳам бурма-ҳашамсиз бўлиб, тўғри ва тор қилиб тикилганди. Отамнинг ҳазили ёқмаслигига сабаб, қоракўчанларнинг авлоди эканлигимдан уялишим эмасди. Негаки, Петра бувим ҳувиллаб бораётган Панагюриште қишлоқларидаги кишилар каби соф ва ёқимли болгар тилида гаплашарди. Бувим бобомнинг кузги гармдоридек ялтираган, сержаҳл отига эркакчасига тик мингашиб келганида, унинг қизил жун пайпоқ кийган ингичка оёқлари тиззасигача кўриниб турганидан, Манол бобо хотин олиб келдимиз ёки ўсмир болами, ажратиш қийин бўлган. Одамларга бувим жуда кўримсиз, ҳабашдек қоп-қора кўринган, хуллас, улар қизни хотин эмас, хизматкорликка арзийди, деб ҳисоблашган. Манолдек бадавлат, ўқимишли, дунё кезган, одам таниган, аёлнинг ҳам черкасидан тортиб оқбадан ва лўппи юз банатчаларига-ча анча-мунчасини кўрворган одамнинг топган хотинини қаранг, деб кўп афсусланишган. Зероки, у пайтларда қиз жонивор тирсиллаб-лўмбиллаб турмаса, қиз деб ҳисоблашмаган-да.

Мечка қишлоғи тупканинг тагидагидек узоқ бўлмаса-да, бувимнинг қариндош-уруғларидан биронтаси ҳам тўйда қатнашмаган. Шунга қарамай оғайним Лулчо бобонинг айтишига қараганда, тўй роса қизиган ва таралла-баралла билан ўтган. Биров келини «ўғирланган» деган, биров «топиб олинган», яна бирови эса гавдасининг кичкиналигига шама қилиб, «ёнқодан тушиб қолган» деб бақирган. Аммо бувим ғурурини поймол эттирмаган, ростданам таг-туғли оиланинг фарзандидек заррача қимтинмай, уялмай, қоматини ғоз тутиб ўтирган. Индамаган. Одамларга ҳам қимтинисиз, эътиборсиз қараган. Лозим бўлган қарияларнинг қўлини ўпганда ҳам жиндекинча эгилган, холос. Бу феъли билан эса, мағрур ва ўзига яраша димоғдор панагюриштеликларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган.

Энди-энди ўйласам, бувим ҳозирги замон талабларига мос равишда жуда келишган ва ғўзал аёл экан. Сақланиб қолган фотосурати ҳам бу фикримни тасдиқлаб турибди. Бувимнинг юзи шушбичим, чўзинчоқ, ёноқлари бироз чиққан, лекин ниҳоятда нозик даҳан. Кўзлари ўзининг қанақалигини яхши билган аёлниқидек чақнаб турибди.

У замонлардаги фотосуратларга одатда хотин киши ўтириб, эркак киши эса ёнида курсининг суянчиғини ушлаган ҳолда тушишган. Бизнинг расмда эса тескариси эди. Бувим курсида ўтирган бобомнинг чап тарафида, ўзига хос, қувгина жилмайиб турарди. Ҳаётлик пайтида у бу суратни менга кўп кўрсатар, кўп гапирар ва айниқса, кийимларининг қанақа рангдалигини эринмай тушунтирарди. Расмдаги бувимнинг сариқ яктаги, ташлама энглик қизил ёпинчиғли узун қора юбкаси бугунги кунда урфдан қолган. Бувимнинг ҳозирги аҳволини суратга солиштириб, аллақандай ачинтирувчи ҳаяжонга тушардим. Гарчи юзи қайғу ва шодликни акс эттиролмайдиган даражага етган бўлса-да, унга ачинаётганими тушуниб тургани менга сезиларди.

Бувим билан бобом бир-бирларига жуда меҳр-оқибатли бўлганликларини менга биров айтмаган, лекин ўзим ўша даврда яшаб, кўзим билан кўргандек, аниқ билардим. Менимча, икки ёлғиз одамнинг бир-бирига бунчалик муҳаббатли ва садоқатли бўлишини ҳозирги замонда учратиш жуда мушкул. Бизнинг замонамизда ҳамма нарса ўзгариб, бошқача тус олган. Киши умри давомида жуда кўп одамларни учратади, воқеаларнинг шохиди бўлади, қалб кўрини турли-туман томошалар ҳар томонга тортқилайди. Натижада инсон кўнглидаги кўр кундан-кун сийраклашиб, ўзида ҳеч нарсани олиб қолмайдиган Марс атмосферасига ўхшаб бормоқда. Одамзотнинг диққатини тортиш учун нималар қилиш кераклигини билмайман-у, аммо бора-бора чумолиларга ўхшаб бир-бирларини ушлаб ва сийпалаб кўрибгина танийдиган бўлиб қоладилармикин, деб қўрқаман.

Тўйдан сўнг бобом, одати бўйича, мол ҳайдагани кетмаган. Ёш келинчакни ёлғиз қолдиришни истамаган шекилли. Инқилобий ташкилотнинг ишлари туфайли қолгани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки ҳамма пишиб келаётган қўзғолонга тайёргарлик кўра бошлаганди. Севишганларгина бундан мустасно бўлишлари мумкин. Зероки, бобом қўзғолон топшириқларини бекаму-кўст бажарса-да, бунга унчалик завқ-шавқ билдир-

<sup>1</sup> Қоракўчан — юнон тилида гаплашувчи, чорвадор, ярим кўчманчи элат.

маган. Бенковский бобомни ўзининг душмани Бобековнинг тарафида турмаганлиги учун ҳам яхши кўрган ва жуда ишонган. Бувим эса Бенковскийни унчалик ёқтирмасди, аксарият у ҳақда нохушланиб гапирарди.

Кўзғолондан бир неча кун олдин, ярим кечаси Бенковский, одати бўйича, бир тўда тарафдорлари билан кириб келган. Ҳамроҳлари отларини совутиб, ҳовлида қолишган. Бенковскийнинг ўзи эса тўппа-тўғри меҳмонхонага кирган-да, хўмрайиб бувимга буюрган:

— Қани, келин, бир бизга бир жавзедан қаҳва келтир-чи!

Афтидан Бенковский бобом билан ёлғиз қолишни мўлжаллаган шекилли. Бувим индамай чиқиб қаҳва қайнатиб келган-да, узата туриб сўз қотган:

— Бари уринишларинг бефойда, Георгий... Бекорга бошларингдан жудо бўласизлар.

— Қўрқма. Сенинг бошинг омон қолади,— деган Бенковский тундлик билан.— Турклар сенга қарамайди ҳам. Жуда қилтириқсан.

Бу гапдан кейин бувим Бенковскийни қандай қилиб ёқтирсин? У бу ҳикоясини ичидан омбир билан суғиргандек зўрға айтиб берганди. Охирида эса бундай деб кўшиб кўйганди:

— Тарбияли оиладан чиқмаганлиги шу гапидан ҳам кўриниб турибди. Қаҳвани ичиб, идишни худди қишлоқнинг ямоқчисига ўхшатиб ялаб ҳам кўйганди.

Оҳ, менинг севикли бувижонгинам, тарбияю мулозаматни қаердан ўргана қолдиди-кин? Ўзининг-ку, сочига мунчоқ тақиб келганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Бунақа мунчоқларни бизнинг тарафларда отга таққувчи эдилар.

Бувим билан бобом биргаликда яшаган қисқагина даврнинг охирги лавҳасига тўхталиб ўтаман. Лавҳа фожиали бўлиб, бобомнинг ўтмишига боғлиқдир. Шахсан мен, кўпчиликка ғаройиб туюлувчи кейинги кўп лавҳаларга ана шу фожеа дебача бўлган деган фикрдан ҳеч қутулмайман.

Авалло, Манол бобонинг фожаю юз берган уйига тўхталиб ўтмоқчиман. Нураб, хароба ҳолига ташлаб кўйилган бу уй ҳозир ҳам турибди. Бир пайтлари бувим уни сотиб юборганди, ўн йилча муқаддам қайтариб олдим. У менга деярли текинга тушди... Уз даврида эса бу уй шаҳарнинг энг бадавлат, энг олди уйларидан бўлган. Албатта, шу кунларда уни меъморий обида сифатида таъмирлаб-тиклаб қўйиш мумкин-у, аммо буни амалга оширишга нимадир йўл бермайди. «Жойлари жаннатда бўлсин!» деб кўйганим учун руҳларини қайта безовта қилгим келмайди, шекилли. Боз устига бу замоннинг одамлари у обидага арзимайдилар ҳам. Аслида, баъзи бир жуда муҳим жиҳатлари бўлмаганда, бу қиссани ҳам гапириб ўтирмасдим.

Хуллас, уй икки қаватли эди. Иккинчи қаватга вақтнинг чурук тишлари кемириб ташлаган, қорайиб-кўкариб кетган ингичка ёғоч зинапоя орқали чиқилади. У ерда икки-та ётоқхона билан меҳмонхона жойлашган, қишин-ёзин зах босиб ётади, шу кунда улар бўм-бўш. Бу ерга бир неча марта келганман. Ҳар гал қаровсиз ташлаб кўйилган гўрни кўргандек, юрагим сиқилади. Меҳмонхонада ғуж-ғуж ўргимчак, қирқоёқ, бўлак ерда учрамайдиган сассиқ кўнғиз ва бошқа ҳашаротлар юради. Номаълум бир дунёга тушиб қолгандек ўзимни йўқотиб, ўртада қаққайиб туравераман. Вақт ҳам бошқача ўтадигандек, бошқача ўлчовга эгадек туюлади. Сезгилар, ҳислар ўзгача бўлиб кетади. Гўёки фақат онгим тириг-у, қолган ҳамма нарса, ҳаттоки баданим ҳам ўлгандек, эзиб юборадиган туйғу жисмимни қоплайди. Бир соняга, ҳа, айни бир соняга вақт ҳам йўқолиб кетади. Жуда оғир — вужудинг ўлим чангалида музлай бошлаганини сезишдан ҳам оғир туйғу бу.

Шошилиб айвонга қайтаман. Атрофга чўккан жимлик қотиб қолгандек туюлади. Қурий бошлаган қайрағоч шохларининг орасидан ялангбош тоғлар кўринади. Сукунат, сукунат. Олисдан қушларнинг қанот қоқиши эшитилади, холос. Пастга шошилмай тушганда оёқларим остидаги зинапоялар пружинадек бориб келади. Зина остида қишга ғамланган ўтинлар сақланадиган жой бўлиб, унинг остида кўшни дарага олиб чиқадиган ерости хуфия йўли бошланарди. Лулчо бобонинг айтишича, бу йўл шахсан Левскийнинг маслаҳати билан, мабодо бирон бир йиғилишни турклар сезиб қолишса, қўлга тушмаслик учун қазилган экан. йўлни шу Лулчо бобонинг ўзи бир ёз ичида қазиб чиққан. Хуфия йўл борлигидан эса Лулчо билан Манол бободан бўлак ҳеч бир кимсанинг, ҳатто бувимнинг ҳам хабари бўлмаган.

Шу кунда ҳовлини худди бутазорга ўхшатиб бурган босган. Тошйўлаклар эса дярли кўринмайди. Баланд-баланд тош деворлар уйни қалъага ўхшатиб туради. Бунақа баланд деворни мен бирорта қишлоқда учратмадим. Орадан бир аср ўтган бўлишига қарамай, деворлар ҳали ҳам мустаҳкам. Фақат у ер-бу ерда тошларнинг орасига кўйилган оҳакли қоришмагина вақт таъсирида қумалай бошлаган.

Шаҳар ташқарисида отишмалар гумбурлаётган ўша даҳшатли куни бувим эшик олдида ранги бўзарганча миқ этмай бобомни кутган. То темир қопламали дарвозагача чўзилган тор тошфарч йўлкада, теварак-атрофда зоғ ҳам кўринмайди.

Шу сонияда Манол бобом Бирдотода жанг қилаётган эди. Жангнинг қандай тугагани тарихдан маълум. Гарчи ҳозирги ҳисобда майнинг ўртаси бўлса-да, кун совуқ, ҳаво

тунд. Элежик тоғларига эса қор ҳам ёққанди. Кейин у ёмғирга айланиб, кўзғолончиларнинг содда ва қўлбола ўқ-дори идишларини ивитиб қўйгани учун, милтиқларнинг уни ўчган. Ғалаба Ҳафиз пошога жуда қимматга тушганига қарамай, унинг боши бузуқлар тўдаси бошчилигидаги мунтазам армияси бўшаб қолган шаҳарга ёпирилиб кирган.

Ҳамон кутиб турган бувим бу гўристон тинчлиги ғалабадан эмас, фалокатдан дарак беришини дарров тушунган. Тор-мор этилган кўзғолончилар тоғларга тарқалиб кетиб, ҳар бири ўз жони учун ўзи курашган. Шунга қарамай анча-мунчаси ҳалокатга маҳкум шаҳарга ўтиб олишга муваффақ бўлган. Ана шу бир ҳовуч жасоратли одамлар ҳақида Захарий Стоянов ўзининг «Эсдалиқлар»ида ёзиб қолдирган. У ўзларининг алмисоқдан қолган милтиқлари билан бутун бошли армияга тўғаноқ бўлган Рад Клисар, Стоян Пиков, радиловолик Тодар Гайдуқларни номма-ном эслайди. Аммо бобом ва кичкинагина хотинининг исму шарифи бошқа кўпчилик қатори, бенишон қолган. Уларнинг ҳаммаси мағлубиятнинг шармандали ночорлигида яшашдан кўра ўлишни афзал кўргандилар. Воқеанинг бу ёғи тарих тасарруфига тегишли бўлиб, қиссамга унчалик алоқаси йўқ.

Бобом нафаси тиқилиб ҳовлига кириб келганда бувим ўша ҳолида, эшик олдида турарди. Бобом кўзғолончиларнинг елкага ташланадиган қалин ёпинчикдан иборат кийимида бўлиб, қалпоғини жангда йўқотгани учун бошяланг, қўлида винчестер билан иккита ўқдон бор эди. Маълумки, винчестер ўша замоннинг энг яхши қуроли ҳисобланган ва камдан-кам одам унга эгалик қилган. Айтишларича, бобом уни эски қадрдони бўлган пирдоблик Нурибек деган черкасадан катта пулга сотиб олган экан. Қаттиқ чарчаганидан ва ҳаяжонланганидан бобомнинг лаблари оқариб кетганди. Аммо гап қотиши билан дарров ўзига келиб, юзи ҳам шу заҳоти юмшаган. Мустаҳкам девор билан ўралган хилват ва кўкаламзор ҳовли жимжит эди. Шаҳарда ҳали отишма овозлари эшитилмасди. Ёмғирдан баҳра олган сунбуллар жилмайиб туришар, сийрак булутлар осмонда сокин-осойишта сузар эдилар. Бобом бувимга тиниқ кўк кўзларини тиқиб, аста хўрсилади.

— Хўш, Петра, сўнгги ҳақиқамиз ҳам келди шекилли,— дейди у хотиржам оҳангда.— Ҳеч бўлмаса ўлимни чин инсондек қарши оламиз.

— Мен-чи? — деб секин сўрайди бувим.

— Нима сен?

— Қўлимда қуролим йўқ-ку.

— Ғамингни еб қўйганман! — жавоб беради бобом, сўнг ёпинчиқ остига қўл тиқиб, қўшоғиз тўппонча чиқаради:

— Бунинг иккита ўқи бор. Агар қузғунлар мени ўлдириб қўя қолишса — яхши. Мабодо яралашса — унда аввал мени ўлдирасан, кейин ўзингни...

Шундай қилиб, бобом худди қимматбаҳо совғани узатгандек тўппончани бувимга берган. Бувим унинг қўлини ўпиб, кўзини ерга тиккан. Шуниси қизиқки, у ҳеч қачон ўша сониядаги кечинмалари ҳақида гапирмаганди. Умуман унинг ҳамма ҳикояларида ҳис-туйғу борасида биронта жумла учрамасди. Қачонлардир одамлар ҳиссиётларини намоён қилишдан уялишган. Мисоли яланғоч қолиш билан баробар ҳисоблашган ҳис-туйғуни ошқор қилишни. Қимтинишсиз, орсизлик билан ҳаммага кўз-кўз қилинадиган нарсанинг ҳеч қачон теран, кучли ва мусаффо бўлмаслигини бувим туфайли тушуниб олганман.

Уша куни бувим:

— Хўп бўлади, Манол, — деб жавоб берган, холос.

Кўп ўтмай шаҳардан биринчи ўқ овозлари эшитилди. Сўнг, кейинчалик одамлар хотирасига умрбод ўрнашиб қоладиган воқеа бошланди. Панагюриштеда қолганларнинг барчаси ҳам охиригача туриб жанг қилмаган бўлса-да, лекин ҳаммалари ўз оила аъзолари, аччиқ орзулари билан видолашар эдилар. Орадан шунча вақт ўтиб, мазкур сатрларни ёзарканман, одамларнинг ёлборишлари, ўлим олдидаги инграшлари қулоқларим остида ҳали-ҳали жаранглаб туради. Сўнгги видолашув сўзлари... Сўнгги лаънатлар... Аёллар мум ҳиди сингиб кетган иконалар олдига тиз чўкканлари ҳамоно шамшрнинг машъум зарбасидан йиқилганларида, қарсиллаб синаётган суякларнинг овози эшитилган. Баъзи бир чоллар омонлик тилаб қўлларини дуога очганлар, кимдир ёлбориб йиғлаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин ҳақиқий эркаклар сўнгги ўқлари қолгунча урушганлар. Албатта, омон қолганлар бўлган, аммо улардан биронтаси ҳам бахтли ҳаёт кечирмаган. Мағлубият алами совға қилинган ҳаёт лаззатини босиб кетган.

Манол бобо ёпинчиғини ерга ташлаб, сарвдай қоматини тик тутганча, қўлида енгил милтиғи билан дарвозага борган. Бувимнинг қулоғига тамба занжирларининг бўғиқ ва ваҳимали дўқиллаши эшитилган. Кейин бобом аввалдан тайёрлаб, хуфия қилиб қўйилган туйнуклардаги тошларни қўндоқ билан уриб очган. Учта туйнукнинг иккитаси — майдончага, биттаси эса ён кўчага тўғриланганди. Сўнг бобом винчестерни яхшилаб ўқлаган.

Шаҳардаги отишма тобора авжига чиққан. Бобом эса туйнукнинг олдида кутиб тураверган. Ниҳоят турклар кўринган. Аниқроғи, турклар эмас, черкаслар эканлиги қўлларида қийишқ ятагон эмас, тўғри қилич ушлаганликларидан билинган. Улар йигир-

матача эди. Олдида черкасча чопоннинг этакларини ҳалпиратиб, йирик, қориндор одам келар ва онда-сонда худди тушиб кетаётгандек, қорнини кўтариб-кўтариб кўярди. Бу — ўша машҳур Нурибек эди. Афтидан у, кофирга қурол сотгани Ҳафиз пошонинг қулоғига етиб бормасидан аввал винчестерни қайтариб олиш ниятида эди, шекилли.

Черкаслар туйнукдан чиқиб турган милтиқни кўриб қолишди чоғи, бирдан тўхташди. Нурибой энги билан пешона терини артди.

— Таслим бўл, Манол афанди! — бақирди у дағдағасиз, хотиржамлик билан. Сенга ёмонлик қилмаймиз.

Бобом бу вақтда унинг нақ қорнини мўлжалга олишга улгурганди. Уқ овози эшитилганда, Нурибек чайқалиб кетиб, лойга юз тубан йиқилди. Ёнидагилар эса паналаб ётишни ҳам ўйламай тасира-тусир ўқ отишди. Уқлардан бири тасодифан бобомга тегади-да, бўғзидан қип-қизил қон отилиб чиқади.

Ҳозир таҳмин қилишимча, бобом дарров ўлмаган бўлса керак. Сабаби, у жуда қаттиқ хириллаган. Хар ҳолда бувим унинг жони қачон узилганини билмай қолган. Чунки бобом йиқилган заҳоти, эси оққанидан милтиққа ёпишган-у, туйнукка туриб олган. Ўша сонияда бобомниқидан кўра бақувватроқ ва қатъиятлироқ бўлган қўллари билан мўлжалга олиб, ўқ узаверган. Босқинчилардан яна бири юз тубан йиқилган-у, қотган қўйган. Черкаслар паналаб ётишни шундан кейингина маъқул топишган. Аёл киши билан жанг қилаётганлари эса хаёлларига келмаган.

Бувимнинг қурол ишлатишни қай пайтда ўрганиб олганини билиш менга насиб этмади. Бу ҳақда у қурқ этмасди. Ўша кунги фожиага оид баъзи ҳикояларга кўра бувим икки соатга яқин жанг қилиб, тўрт кишини ўлдирган. Ниҳоят босқинчи тўнкаларнинг эсига ҳовлини айланиб ўтиш фикри келган. Улардан бири буни уддалаб, қандайдир йўл билан девордан ҳам ошган. Қасос олиш истагида ёнаётган бувим эса қўли бирон марта қалтирмамай, отишмани давом эттираверган. Черкас орқадан писиб келиб, бувимнинг бошига қўндоқ билан туширган.

Петра бувимнинг эркак авлодлари, яъни бизларнинг калла суягимиз ниҳоятда қаттиқ. Бувимники ҳам қаттиқ бўлган, акс ҳолда қисса ўша қўндоқ зарбаси билан тугаган бўларди. Лекин бувим ўлмаган. Юмшоқ ўтга, қуёш томчиларининг рамзига ўхшаб сочилиб ётган майин ва ёрқин марваридгуллар устига ағанаган, холос.

Ўзларига қарши ким жанг қилганлигини кўрганда, черкасининг қанчалик ҳайрон қолганлигини тасаввур этиш қийинмас. Лекин дам ғанимат деб билган черкас шошилиб бориб, дарвозанинги темирдан ясалган учга қалин лўкидонини суриб очган. Ҳовлига отилиб кирган ваҳший турклар ҳеч нарсага қарамай, талон-тарож ниятида дарров ўзларини уйга уришган, гуллар орасида ётган аёлнинг олдида фақат учтасигини тўхтаган. Улардан бири — ингичка мўйловли ёшгина йигитча эса қароқчидан кўра котибга ўхшарди.

— Қаҳрамон хотин! — деб дўнғиллаган у бувимга қараб, ҳурмат билан. — Агар бу ердагиларнинг бари шундай бўлса, Султоннинг шўрига шўрва тўкилади.

— Қудуқнинг олдига судраб бориб тинчитиб қўя қолиш қўлингдан келадими? — сўраган ундан иккинчиси.

— Бош кесишдан бошқа нарсани билмайсан, аҳмоқ! — хитоб қилган йигитча, жаҳли чиқиб. — Яхшиси сув олиб кел, балки ҳушига келтирармиз. Манол ўзининг тилларини қаерга яширганини шу хотиндан бошқа ким айтиб беради?

Шу пайтгача индамай турган ўрта бўйли, ғўлабирдан келган саллали учинчи одам бувимнинг устига энгашиб, пешонасини ушлагач:

— Э, афандим, у ўлиб бўпти-ку! — деган.

Ҳаёт жуда қизиқ. Баъзан у ҳеч қутилмаган ғаройиботларни тўхфа этади. Нима учун турк шундай деб айтди? Ахир у бувимнинг пешонаси иссиқлигини, қон уриб турганлигини кўрган эди-ку? Хўш, бўлмаса нега «ўлиб бўпти» деб айтади? Сув олиб келишга эринганмикин? Балки бу кичкина жуссали жасур аёлга раҳми келгандир? Унинг черкаслар томонидан ҳўрланишини ва охир оқибат ўлдирилишини истамагандир?

Тақдир ришталари қутилмаганда ана шунақа чалкашиб кетади. Сирасини айтганда, менинг ҳаёт юришим ўша бесўнақай, ғўла гавдали, нотаниш бир турк туфайлидир. Чунки худди ўша кунлари бувим иккиқат бўлиб, отамни қорнида кўтариб юрган экан. Эҳтимол бундан сўнг асрлар бўйи давом этадиган авлод-аждодаларимизнинг узвийлик ҳалқаси шу бир тасодиф туфайли узилиб қолмагандир?

Наҳотки, дунёдаги ҳамма нарса тасодифлар занжиридан иборат? Йўқ, менимча ундай эмас. Ёшим улғайган сайн тасодиф деган тушунча менга ғайритабиий ва нафратланарли кўриниб бормоқда. Тўғри, бу минг бир одамнинг қаердан пайдо бўлганини биз билмаймиз ва билолмаймиз. Лекин улар ўз вазифаларини батамом адо этганларидан кейин қаёққадир йўқолдилар-ку, ахир.

Диққат қилган ўқувчи юқоридаги ҳикоянинг йўқ деганда икки жойи ишонарсиз, юмшоқроқ қлиб айтилса, тушунтириш қийин чиққанини албатта сезади. Гапнинг пўстқалласи, воқеанинги қаери рости қаери тўқималигини ўзим ҳам ажратиб ололмай-

ман. Аммо аниқ биламанки, бу ҳикоянинг ё бари рост, ёки бари ёлғон. Сизларнинг олдингизда виждоним тоза бўлиши учун, ўша даврдаги кўп солномаларнинг биронтасида ҳам бувимнинг номи эсланмаслигини, ўлган бешта черкасининг ҳаммаси Манол бобом ҳисобига ёзилганини айтиб қўйишим шарт. Аслида бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Негаки, бувим бу воқеани биринчи марта отам армияга чақирилган пайтдагина унга айтиб берган экан. Отам индамай эшитгану бувимнинг биронта гапига ҳам ишонмаган. Аммо бу ҳикояни мен эшитганимда, аксинча, бутун вужудим билан ишони анман. Бувимнинг воқеаси шу даврларгача, худди ўзим кўргандек кўз олдимда туради. Боз устига, бу воқеа бувимнинг ташқи ва ички қиёфасига жуда мос келарди.

Далилларни келтиришга қарамай, барибир ҳикоядаги қарама-қаршиликлар йўқолиб кетмайди. Биринчи қарама-қаршилик ер ости йўли хусусидадир. Лулчо бобонинг аъкидлаши бўйича, хуфия йўл борлигини бувим мутлақо билмаган. Лулчо бобо бор-йўғи беш-олти ёш катта бўлса-да, у Манол бобомнинг амакиси эди. Кейинги воқеалардан ўзингизлар ҳам сезасиз: Лулчо бобо жуда муҳим бўлиб чиқади. Унинг гапларига тўла ишониш керак, деб ҳисоблайман.

Ер ости йўлидан хабарим борлигини бувимга мен ҳам айтмаганман. Ушбу айбим учун кечирасизлар деб ўйлайман, чунки айтганимда, бувимнинг ҳаёт мазмунини касб этувчи нарсага раҳна солиб қўйган бўлардим.

Хўш, Манол бобо қамалдан, яъники ўлимдан қутулиб қолиш учун нега ер ости йўлидан фойдаланмаган, деган савол туғилади.

Тўғри, шаҳар душман аскарига, боши бузуқларга лиқ тўла ва улар орасидан омон-эсон чиқиб кетиш амри маҳол эди. Лекин чиқмаган жондан умид, балки қутулиб кетишармиди? Ахир бобомнинг бундан бешбаттар вазиятлардан ҳам соғ-омон чиққан пайтлари бўлган-ку? Ҳеч йўқса беркиниб олишлари, балонинг ўтиб кетишини кутишлари мумкин эди. Боз устига, охир оқибат бунга имкон ҳам яратилди: турклар шаҳарга ўт қўйганларидан кейин, авлиё Петка черковининг атрофидаги адирликларга қўноқ қурганлар. Уйимиз эса омон қолган. Демак, икковларининг ҳам қутулиб қолишлари мумкин эди.

Кўриниб турибдики, бобом онгли равишда нафақат ўзининг, балки ёш хотинининг ҳам ҳаётини қурбон қилган. Умр ва муҳаббатни бир қўлда, иззат-нафсини иккинчи қўлида тутиб, ғурузини аъло деб танлаган.

Бир пайтлар иззат-нафс деган тушунча телбаларча ҳатти-ҳаракатларни ҳам оқлаган. Эвазига ҳозирги кунда у борган сари ўз кучини йўқотмоқда, шекилли. Ҳозир кўпчилик иззат-нафсини поймол эттирмасликни — соддалик, лақмалик, ғўрлик, ўтмиш сарқитларига бандилик деб ҳисобламоқда. Аслида эса, балки бу нарса инсон ахлоқининг ўзагидир?

Ҳа, дарвоқе, мақсаддан узоқлашиб кетмайлик. Хуллас, Петра бувим беҳуш ётган пайтидаги ҳодисаларни гапираркан, миямнинг ичига худди қум зарраси кириб қолгандек: «Хўш, бувижон, сен ахир беҳуш ётган бўлсанг, буларни қаердан биласан?» деган савол тирнарди. Охир-оқибат шу саволни берганман ҳам. Бувим менга хўмрайиб, бироз ҳайрон бўлиб қараб, силтаб ташлаганди:

— Шундай бўлган! Ҳаммаси эсимда!

Ақалли, эшитганман, деса ҳам майли эди. Ахир у юзтубан йиқилганди-ку? Уни бобомнинг мурдасидан икки қадам наридан батамом беҳуш, ҳозирги тил билан айтганда, бош суяги ёрилган ҳолда топиб олишган. Фараз қилайликки, эшитгани туфайли миясига у-бу нарса ўрнашган. Лекин атрофдаги воқеаларни, айниқса, туркнинг бошидаги саллани кўрган бўлиши мумкин эмас-ку?

Тафсилотлар менга қандай этиб келган, деган савол туғилади.

Бунинг сабабчиси юқорида айтганим Лулчо бобо эди. У бувимни эртасига тонготар пайтида, ҳамон беҳуш ётган ҳолда топиб олган. Кейинчалик бу аёлнинг ҳеч қандай врач ёрдамсиз соғайиб кетганига бобо кўп вақтларгача ҳайрон бўлиб юрганди. Бувим ҳўшига келгандан кейин ўн кун миқ этмаган. Худди ҳаммаси ўзига аёндек ҳеч нарса сўрамаган, ҳеч нарса гапирмаган. Умуман, у умрининг охиригача ана шундай камгап, ичимдагини топлигича, бутунлай бошқа, бизниқига ўхшамаган, биз учун мутлақо номаълум бир дунёда яшаб ўтди.

Шуларга қармай, бувимнинг ҳикояси онгимга, бутун вужудимга жароҳатланган миянинг алаҳсираши сифатида эмас, айна ҳақиқат сингари ўрнашиб қолган. Бувим мени алдамаганини, айтган воқеаларни хаёлан бўлса ҳам бошидан кечирганини аниқ биламан. «Шундай бўлган!» деб айтдим, балки ростдан ҳам бўлгандир. Муҳими шундаки, бувимнинг ҳикояси майда-чуйда тафсилотларигача алаҳсираш ва хасталик меваси эмас, ҳаётда юз берган ҳақиқий воқеаларнинг айнан ўзгинаси эди.

Бувимни биринчи марта саккиз ёшимда кўрганман.

У вақтларда биз Пловдивда яшардик. Ҳарбий хизматни ўтагандан кейин Панагюриштедек кичкина шаҳар отамнинг катта режаларига тор бўлиб кўринган. Лакланган таёқчасини олифтагарчилик билан силкитиб юришга, оппоқ дастурхонли столларда ўтириб пиво ичишга ёки похол шляпасини пешонасига қўндириб олиб қоп-қора фойтон-

да сайр қилишга Пловдивнинг савдо-сотиқ кўчалари қулайроқ, деб ўйлаган. Шунинг учун ёлғиз ўғиллигини ҳам ҳисобга олмасдан, онасини ташлаб кетаверган.

Бувим отамни ушлаб қолишга уринмаган ҳам. Бобомнинг Нурибек қароқчилари тополмаган бойлигидан ўғлига тегишли меросни дарров ажратиб берган-у, ўзи Лулчо бобо воситасида Панагюриштеда арзон-гаровга бир мусофирхона сотиб олган. Гарчи мусофирхоналар инқирозга юз тутаётган,, даромад кам тушаётган замонлар бўлса-да, бу гўша камсуқум икки қарияга етарли эди.

Отам эса тамаки савдоси билан шуғулланган. Ишини қандай олиб борганини билмадим, аммо уч йилда синган. Табиатан олдасиз туғилган отамнинг тақдири мени ҳайрон қолдирмайди. Олифтагарчилик ва мақтанчоқликни яхши кўрадиган, маишатпараст бу одам — хоҳ ақлий, хоҳ жисмоний бўлсин, ишдан ҳазар қилиши билан болгарга ҳеч ўхшамасди. Тозза кети ерга тегиб, камбағаллашган пайтида ҳам, эндигина урфга кираётган шойи тасмачали оғир кўзойнак таққан, шаҳарнинг кўзирига ўхшаб олифта кийинган. Аслида эса ювош, сахий, лақма одам эди, афтидан, ана шу кейинги хусусияти уни хонавайрон қилган бўлса ҳам ажаб эмас. Ёлғиз онамгина уни сидқидилдан севиб, ўзини хизматкордай тутган. Отам унга сепининг катталигига умид қилиб уйланган ва турган гапки, ҳеч вақо ололмаган.

Инсоннинг ирсияти жуда ғаройиб нарса, бу ҳақдаги Мендель<sup>1</sup>нинг сўзлари мутлақо сафсатадир.

Бувим бизникига кўчиб ўтганда отам бор-йўғи битта кичкина қаҳвахона эгаси эди. Қаҳвахона ҳам номига, учта стол ва битта қаҳва пишириладиган ўчоқча сиғадиган хонадан иборат бўлса-да, жойи яхши — савдо растасининг марказида эди. Отамни олқишга арзиғулик хусусиятлари йўқ деб ҳар қанча гапирганда ҳам, қаҳвани бошлаб пиширишини тан олиш керак. Бизнинг учта столчамиз миждозлар учун камлик қилар, отамнинг бор умиди акам иккаламиз кишиларнинг уйларига обориб берадиган қаҳваларимиздан келадиган тушумда эди. Қаҳвани акам онда-сонда ташир, иш асосан менинг бўйнимга тушарди. Чунки мендан олти ёш катта бўлган акам ўзини бу ёшдан ўтган ҳисобларди. Бунинг устига мутакаббур ва мақтанчоқлигидан, қаҳва узатаётганда уялиб, шолғомдек қизариб кетарди.

Акам хусусидаги бу фикрим хато бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, у ҳам менга ўхшаб., хижолатдан қизаргандир? Чунки, дўконма-дўкон юриб, думалоқ баркашда қаҳва ташиётганимда ҳамма менга паст назар билан қараётгандек бўлиб туюлаверарди. Арзимаган чақа эвазига, очдан ўлмаслик учунгина бақириб ашула айтиб хизматкорлик қилаётган бошқа қаҳвахоналардаги болалардан фарқли ўлароқ, мен жуда азобланардим.

Бувимни биринчи марта кўрган кунни умримнинг охиригача унутмайман. Унинг бизникига кўчиб ўтиши ҳақида анчадан бери гап юрарди. Сабаби, истиқоматчилари билан жиндек-жиндекдан ичиб туриш одати бор ҳамма мусофирхона эгалари сингари, Лулчо бобо ҳам тўсатдан миясига қон қуйилиб қаза қилган, бувим бир ўзи яшай олмасди. Шунга қарамай, эрининг гўри тортиб турган Панагюриштедан узилиб Пловдивга кўчиши осон бўлмаган. Аммо у ўзининг гапига қараганда, отамни онасини ёлғиз ташлаб қўйибди деган маломатга қолдирмаслик учунгина бизникига кўчишга розилик берган.

Ишқилиб отам қаҳвахонани ёпиб, сал кам бир ҳафтага Панагюриштега кетди. Биз учун ажойиб эркинлик замони бошланди. Эрталабдан кечгача Марицанинг пастак-пастак камарларида чўмилиб юрдик. Бир куни уйга қайтдим-у, бувимнинг етиб келганини сездим. Ҳовлида елиб-югуриб юрган онам мени кўриб, секин буюрди:

— Бор, олдиларига кир!.. Қўлларини ўпишни унутма.

Лекин мен унутиб қўйдим. Чунки тасаввуримда сал букчайган, кўзлари шилпиқ, тиши тўкилган, оғзи телбанамо қийшайдиган аънаванвий бувини кўришни мўлжаллагандим. Каравотда эса, рўмолсиз, битта ҳам оқи йўқ икки ўрим сочи кўкрагига ташланган ва олтмишга бориб қолган кампирдан кўра ёши ўтинқираган дейишга лойиқ бир жувон, оёғи ерга тегмай ўтирарди. Кўз боғлоқ ўйнаш мумкин эди бунақа буви билан.

У менга киприк қоқмай қараб тураркан, нигоҳида на қизиқиш, на ҳайронлик кўринарди. Узимни йўқотиб қўйганимдан афту ангорим тозаям аҳмоқона тус олди шекилли, бувим оппоқ тишларини ялтиратиб жилмайди.

— Манол дейишгани сенмисан?

— Ҳа, — дедим мен, «бувижон»ни тушириб қолдириб.

— Қани, бери кел-чи!

Унинг тешиб юборгудек тикилаётган нигоҳи таъсирида ёнига анчагина ҳуркиб яқинлашдим. Бувим чиройли қўлини бошимга қўйди-да, бозорда қовун олаётгандек, бармоқларини ботириб-ботириб узоқ текширди. Афтидан, кўнгли жойига тушди шекилли, Пловдивдаги ҳаётимизда биринчи ва охириги марта кўзларига меҳр югурди.

— Менга тортибсан! — деди у мамнунлик билан. — Фақат сенга ўтибди менинг суякларим.

<sup>1</sup> Грегор Мендель — немис ирсиятшунос олими.



Мен уялиб индамадим.

— Нега ялангоёқсан?

— Ёз-ку ҳозир! — жавоб бердим ҳайрон бўлиб.

— Ёз бўлса нима қипти? Сен — Манол бобонгнинг отини олган неварасисан. Ялангоёқ юришинг ярамайди.

Хуллас, ўша кунни бутунлай ечмайдиган бўлиб лаънати янги ботинкани кийдим.

1 Лекин ўша соатда мен ботинкани ўйламас, бувимдан кўз ўзмас эдим. Нега менинг отим бобонгнинг шарафига қўйилганини шу пайтгача айтишмаган? Одам қаторида кўришмайди-да, а! Шуни ўйларканман, оғзимдан аҳмоқона савол чиқиб кетганини сезмай қолдим.

— Нега сен бунчалик ёшсан?

— Ёш эмасман, — жиддий жавоб берди бувим. — Қадим-қадимдан, Исо замонидан буён кечган ҳамма воқеаларни биламан.

Бу билан нима демоқчи бўлганига ҳалигача ақлим етмайди. Ким билади, балки ҳазиллашгандир.

— Мабодо жодугармасмисан? — сўрадим тентаклигимга бориб. — Жодугарлар қаримайди дейишади-ку.

У хафа бўлмади шекилли, юпқа лабларида ним жилмайиш жилваланди.

— Жодугар бўлишим ҳам мумкин. Буни ўйламаган эканман... Эҳтимол, айтганинг ростдир.

Буви ўзиникига ўхшаган кичкина, думалоқ қулоғимдан аста чўзиб қўйди.

Мен бувимни қанчалик севмай, ундан ҳамиша қўрқиброқ турардим. Бу туйғу сал улғайганимда ҳам йўқолмаганди. Назаримда у бир думалаб уккига, ҳаттоки гўзал маликага айланиб қолиш қудратига эгадек туюларди. Ўшанда у қора шойи кўйлагининг тагини кўтариб, остидаги қаттиқ матодан тикилган юбкасининг чўнтагига қўл тикди-да, танга чиқарди:

— Ма, конфет олиб е, — деди тангани менга бериб. — Қани, чопа қол!

Хонадан чиқарканман, бир янгиликка кўзим тушди. Бу нарса — каттакон, бувимнинг ўзидан ҳам катта сандиқ эди. Ранг-баранг тунука парчалари билан қопланган. «Минг бир кеча» эртақларидан келиб қолганга ўхшаган бунақа чиройли сандиқни умримда кўрмагандим. Болалигимда ҳам, сал улғайганимда ҳам сандиқ ичига бир қарашини орзу қилардим, унда бувимнинг не сирлари борлигини билишни истардим. Бувим биз билан ўн беш йил бирга яшаган бўлишига қарамай, орзуйим амалга ошмаган. София тунги бомбардимонга учраган кунни сандиқ сирли равишда йўқолган. Ўша бомбардимон кунни бувимнинг ўзи ҳам ҳалок бўлганди.

Кампир ўз хонасида худди мушукдек овоз чиқармай яшарди. Бирон ёққа чиқмас, деярли овқат ҳам емасди. Бобонгнинг даҳшатли ўлими учун худога аччиқ қилгандек шу давр ичида ақалли бирон марта черковга мўраламаганди ҳам. Умуман, у туғилган жойларда черков деган нарсанинг ўзи йўқ бўлиши мумкин эди.

Фақат ҳафтада бир марта, жума кунлари туркча ҳаммомга боргани отланарди. Бунинг учун хонасида нималарнидир шитирлатиб, сандиқни очиб-ёпиб узоқ тайёрланарди. Агар шунақа пайтларда сандиқдан учар гилам чиқариб, ҳаммомнинг қўрғошин қопланган гумбазлари томон учиб кетганда-да, мен ҳайрон бўлмасдим. Унинг қоматини тик тутиб, енгил қадамлар билан йўлга тушишини ҳеч қачон унутмасам керак. Кампирни кўриш учун ҳатто қўшнилар деразаларидан бош чиқариб турардилар. Бувим эса, худди оламда бир ўзи яшаётгандек, бирон кимсага кўз ташлаб ҳам қўймасди. Исо замонидан бери кечган воқеалар унинг учун ёлғиз мавжудлик дунёси эканлиги тўғри бўлиши ҳам мумкин. Умуман олганда, ташқаридаги ҳаёт ростми ёки одамнинг ички дунёси ростлигини ким аниқ айтиб бера олади? Бу масала фақат ақлдан озган жиннилар учунгина аниқ бўлиши мумкин. Қолган ҳаммамиз аросатда, ўзимизни ўзимиз алдаб юраимиз.

Ҳаммомдан бувим роппа-роса уч соатда қайтарди. Гарчи оламда вақт ўлчови борлигидан мутлақо беҳабардек, ҳеч қачон соатга қарамаса-да, бирон марта янглишмасди. Дунёда вақт деган тушунчани ўзи билан ҳамиша бирга олиб юрадиган одамлардан мен биладиган биттаси шу бувим эди. Ҳаммомдан қип-қизариб, дуркунлашиб қайтаркан, доимо кўйнида иккита мазали кулча олиб келарди. Ҳозир йўқ бўлиб кетган бу кулчаларни у пайтларда қандай ёпишганини билмайман-у, аммо самовий мазаси ёдимда. Ҳатто калондимоғ акам ҳам индамай, роҳатланиб еб оларди.

Ана шундай ҳаммом сафарларидан бирида фалокат юз берди. Ҳаммомнинг сирпанчиқ саҳнида тойиб кетиб, бувим оёғини синдириб олди. Отам уни ҳаммомдан тўғри шаҳар касалхонасига обориб қўйди-да, ташвишли қиёфада қайтди. Бувимнинг оёғига гипс қўйишибди ва у энг камида икки ой ўша ерда ётиши керак эди.

Лаънати касалхонада бувим ростдан ҳам анча ётди. Ҳафтада икки марта, гоҳ онам, гоҳ отам билан ундан хабар олгани борардик. Назаримда, бувим фақат мени кўргани учунгина хурсанд бўлар, бошқаларга эса қарамасди. Зуваласи пишиқ бошимга қўлини қўйганда олчадек қоп-қора кўзларига табассум югурар, мактабим хусусида суриштирарди. Мактабимдаги ишларим яхши эди. Ўқушни жуда тез ўрганиб олгандим-у, ҳисоб-

да мазам йўқроқ эди. Тўғриси айтсам, етти карра саккиз қанча бўлишига ҳозир ҳам аниқ-таниқ жавоб беролмайман.

— Уқигин, болам, ўқигин, — насиҳат қиларди бувим. — Сен катта одам бўласан.

Отам бу гапга истеҳзоли жилмайса-да, бувимга эътироз билдирмасди. У замонда туққанларинг билан баҳс қилиш, айниқса қарши гапириш одатга кирмаганди.

Отамнинг менга ишонмаслигига асос бор эди. Чунки бошланғич мактабнинг биринчи синфини нуқул тўрт баҳолар билан битиргандим. Акам йўрдин эса ҳадис китоб ўқий-вермаса-да, олтиндан паст баҳо олмасди. У кўпинча ойимнинг олдида ўрмалашар, келишган, оқбаданлиги билан отамга ва Манол бобога тортган эди. Яъни, отамнинг ишонган тоғи эди. Акамга солиштирганда мен лапашанг, зағчанинг боласига ўхшаган қора таппи бола эдим. Аслида бобомнинг шарофати учун акамга Манол бобога қора эди-ю, отам мерос орзусида мароқланиб, унга қайнотасининг номини қўйганди. Қайнотаси ўз тегирмонини кимор соққасига айлантириб, бир кечанинг ўзида Висбаденнинг киморхонасида ютқазиб чиқишини отам туш кўрибдими?

Бувим оёғи синиб ётган ўша апрель кунлари мен учун унутилмас бир воқеа рўй берди. Ҳамишагидек, отам иккимиз кўргани келганимизда, бувим бизни ҳаддан зиёд ҳаяжонланган ҳолда кутиб олди.

— Делчо, мени ҳозироқ уйга олиб кет... Кечқурунги овқатга уйда бўлишим шарт, — деди у остона ҳатлаб кирган заҳотимиз.

— Нега энди? — отам ҳайрон бўлиб сўради.

— Керак! — зарда қилди бувим.

— Ахир бу менинг ихтиёримдаги иш эмас-ку! — деди отам типирчилаб. — Бош врачдан сўрашга тўғри келади.

Шундай деб отам қилиб кетди. Бувим эса менга қарамас, қаттиқ ҳаяжондалиги кўриниб турарди. Мен эса шу сониягача, бувимни шахсан иблисининг ўзи ҳам мувозанатдан чиқаролмайди деб ўйлардим.

— Рухсат беришмади, она, — деди отам ярим соатларда қайтиб келиб. — Дўхтир қатъиян ман қилди. Умр бўйи чўлоқ бўлиб қолишингиз мумкин экан.

Отамнинг ёлғон гапирганини мен кейин билганман. Ушанда у рухсат беришни бўйнига оладиган дўхтир тополмаган экан. Узи эса жавобгарликни бўйнига олишдан кўрқипти. Отам аслида мард одам эди. Бувим буни тушунди шекилли:

— Умр бўйи лапашанг эдинг. Улгунигча тузалмас экансан, — деди ғазаб ва нафрат билан.

Отамнинг лавлагиси чиқиб кетди.

— Йўқ, ўзи нима бўлди? — деди у чийиллашга ўтиб. — Нега бугун тўсатдан чиқинг келиб қолди? Еш болалик ҳам эви билан-да!

Бувим бир сония тараддудлангач, секин буюрди:

— Энгаш!.. Мени бақиршишга мажбур қилмагин... — бувим шошиб у ёқ-бу ёққа аланглади. Палатада яна икки хотин ётар, лекин улар гап эшитгудек яқин жойда эмасдилар. — Эртага зилзила бўлади! — шивирлади бувим. — Худди бизнинг устимиздаги шип босиб тушади.

Отам қанчалик итоткор ўғил бўлмасин, буни эшитгандан сўнг ғазабга миниб, ўшқиршига тушди.

— Уйлаб гапиряпсанми? Зилзилани ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди, тушуняпсанми? Ҳеч ким?! Агар худонинг ўзи пастга тушса ҳам, айтиб беролмайди!

Бувимнинг нигоҳи чексиз-чегарасиз нафратга тўлди.

— Тур, кет! — деди қуруққина силтаб. — Сендан ҳеч қачон маъно чиқмас экан!

Отам илон қаққандек сапчиб туриб, чиқиб кетди. Мен эса кутилмаганда ўкраб йиғлаб юбордим.

— Бувижоним! Жон бувижоним! Мен сен билан қоламан!

Бувимнинг юзи бирдан ёришди. У икки қўллаб бошимни ушлади-да, озғин юзларимдан ўпди. Биринчи ва охириги марта. Йўқ, йўқ. Охиригиси эмас. У мени яна бир марта — армияга кетаётганимда ўпганди. Лекин униси бошқа ўпич эди. Батамом бошқача.

— Сен ўзинг ёлғизгина боламсан! Фақат ўзинг! — бувим хўрсиниб, йиғлаворай деди. — Бувижонинг сени ҳеч-ҳеч унутмайди.

Аммо бувимнинг кўнгли бўшлиғи бир сониягина давом этди. Кейин унинг юзи яна қулфлангандек жиддий, ҳамишалик қиёфасига қайди.

— Қулоқ сол, Манол. Қулоқ сол, бўталоғим. Ҳозир ўқишинг йўқ, таътил кунларинг-а? Эртага уйда ўтирмагин. Уртоқларингни тўплагин-да, далаю ўтлоқларга чиқиб кетинглар, бедана овланглар, читтак тутинглар, хўпми?

— Хўп бўлади, бувижон.

— Ваъда бердинг, бажарасан-а?

— Албатта, бувижон.

Бувим менга тикиларкан юзидаги ифода яна юмшади. Кўзларида босиқ меҳрнинг соялари кўринди.

— Майли, борақол! — деди у. — Сен отанга ўхшамайсан. Ваъдангни бажарасан.

Эртасига эрта билан қуш овига жўнадик. Саҳарда, ҳали шудринг кўтарилмасдан йўлга тушгандик. Мен лаънати зилзилани унутиб, фақат бувимга берган сўзимни эсда тутардим. Бувим бизникига кўчиб келганларидан кейин отам дастёр ёллаган ва мен қаҳва ташишдан қутулгандим. Озод бўлгач, бошқа болаларга ўхшаб хоҳлаган жойига боришим мумкин эди. Қуш ови эса жуда мароқли иш бўлиб, ов кетига тушганимда вақтининг қандай ўтганини билмасдим. Бу гал ҳам тўр ва тузоқларимизни олдик-да, жўрабошимиз Крумчонинг тили билан айтганда «экспедицияга» жўнадик. Уша кунги мусаффо ва тиниқ тоғ ёдимдан умримнинг охиригача ўчмайди. Аслида, болаликнинг кунларидан ширинроқ, нарса бўлмаса керак ҳаётда. Уша кунлардаги булутлардан чиройлироқ, ўшандаги самбитоллардан яхшироқ, дарё ёки кўлларнинг мудроқ камарларидан ҳам сокинроқ нарсалар умрбод учрамайди бизларга. Қизиб турган ёз осмонида ўткир овозда сайраб, сўнг эса бизнинг зулмкор қўлчаларимизда жон ҳовучлаб турувчи, иссиқ ва жимитдек кичкина қушчалардан ҳам гўзал нарса оламда йўқ.

Биз кичкина дўнгликнинг орқасига яшириниб олгандик. Қизиб бораётган ердан тафт кўтарилар, қуруқлай бошлаган ўтлар эса баданларимизга оҳиста санчилар эди. Крумчо тузоқнинг ипидан ушлаб олган, биз эса ёнида ёрдамчилик қилардик. Чуғурчуқлар чангга чўмиб-чўмиб, нималарнидир чўқилиб чуғурлашар, лекин тузоққа яқинлашишмасди. Биз уларнинг охир-оқибатда барибир илинишларини билиб, сабр-тоқат билан кутардик. Атрофимиздаги дўлана ва тернович буталари ҳам, осмон ҳам биз билан бирга кутар, биз билан бирга шодланарди.

Бирдан қушлар бир сонияга қотиб қолишди-да, қаттиқ чирқиллашиб, бараварига кўкка кўтарилишди. Сўнг бошланиши лозим бўлган нарса бошланди. Остимиздаги замин худди тирик нарсадек пастга букилди ва шундай қаттиқ силтандики, гўёки ғубор ва хира ҳашаротларни итқитиб юбормоқчи бўлган қўтоснинг устида ўтирганга ўхшаб қолдик. Ҳаво қуюқлашиб, мисоли елимшак ширинликдек дириллаб кетди. Шу пайтгача сезилмаган, тушунарсиз бир қўрқув юрагимни чангаллаб, муз қилиб юборди. Ҳатто бошқа болаларга ўхшаб сапчиб туришга ҳам чоғим келмай, ернинг ютиб юборишини кутиб ётавердим. Чағиллаб ердан кўтарилган бир гала қарғанинг осмонни тўлдиргани эсимда қолди, холос. Бу яйдоқ ўтлоқларда шунчалик кўп парранда истиқомат қилишига ишониб қийин эди.

Кейин жимлик чўкиб, ҳаво яна биллурдек тиниқлашди. Фақат осмон безовта учиб юрган қушлардан қоп-қора эди. Ёнимиздан даҳшатга тушган сариқ илон сўқирга ўхшаб вишиллаб ўтди. Даҳшат исканжаси қанчалик тез чангаллаган бўлса, шунчалик тез қўйиб юборди.

— Бувижо-он!!

Мен шундай деб бақирганча дик этиб туриб, ҳеч кимга қарамай уйга югурдим. Ҳеч нарса бўлмагандек жойида турган шаҳар кўзимга кўрингунча югурдим. Шаҳар жойида эди-ку, аммо ўликка ўхшарди. Ҳар қандай кўргиликка тайёр ҳолда қадамим беихтиёр секинлашди.

Зилзила бошланганда отам қаҳвахонада эди. Бирдан жовонлар ағдарилиб, идишлар жаранглай бошлаган. Шакарли банка полга худди бомбадек товуш чиқариб ағдарилган. Лекин отам қўрқишга ҳам улгурмаган. Аслида шаҳарда даладагидек даҳшатли бўлмаган бўлса керак. Чунки далада борлиғимизнинг пойдевори — мангу ва мустаҳкам заминнинг ўзи қимирларди. Отам ҳамма нарсани ташлаган-у, ҳайрон қолишдан ҳам кўра бувимдан қўрқиб касалхонага югурган. Етиб борганда мисоли оёқдан қолгандек таққа тўхтаган. Чунки касалхонанинг деворлари ёрилиб, томи ҳам баъзи жойларда ўпирилиб ётарди. Ҳовли қий-чув тўполон, ерга ташланган тўшакларда беморлар ётар, қўрқиб кетган дўхтиру ҳамширалар зир-зир изғирди. Ҳеч ким қилар ишини билмас, кўпчилик зилзиланинг қайталишини кутарди...

Отам ярим бузилган пиллапоя томон ташланган.

Унинг мана шу иши умридаги ягона мардлиги бўлса керак. Урушда унинг нималар қилганини эшитмаганман, зеро отам бу хусусда гапирмасди. Пулемётчилар ротасида унтер офицер бўлганлигини, орденлари йўқлигини билардим, холос. Лекин зина томон отилиши ҳақиқатда мардонатор иш эди.

Отам иккинчи қаватга бир амаллаб чиқиб олган. Ҳаммаёқ ойна ва ганч парчаларига, кўчиб тушган гишга тўлиб кетганди. Синиб тушган тўсинлар қалашиб ётарди. Бувимнинг тириклигидан умидини узиб, отам алаҳсирагандек аҳволга тушган. Юраги тўхтаб қолгудек бўлиб, ниҳоят палатага етиб келган. Атроф кўчган-синган нарсаларга тўлиб кетганидан эшик очилмаган. Отам уни қўпоришга мажбур бўлган. Ичкари кирган-у, кўзи онасининг дум-думалоқ, синчков ва гинага тўла нигоҳига тушган. Шип ҳақиқатан ҳам басиб тушиб, анави икки хотин ётган каравотни кўмиб ташлаганди. Яхшиямки, у хотинлар қочиб қолишга улгуришган эканлар.

— Онажон! Тирикмисан? — деб бақирган отам севинчдан.

— Тирикман, ўғлим, — деган бувим қуруқчана қилиб.

Нақд ўлимдан қутулган одамлар дарров меҳрибонлашиб, иноқ бўлиб қолишади.

— Қўрқма, онажон, ҳозир опчиқиб кетаман.

— Қўрқаётганим йўқ, — деган бувим бояги оҳангда. — Утган иш — ўтди.

Отам онасини қўлида кўтариб ташқари олиб чиққан. Бақувват, парвариши жойида, яхши овқатланиб юрадиган одам бўлгани учун бу иш унга кўп ҳам қийин эмасди. Мен уйга худди ана шу дақиқаларда етиб келгандим. Девордаги уч-тўртта ёриқларни ҳисобга олмаса, уйимиз бут эди. Бевозта товукдек ҳовлида типирчилаб юрган онам ҳам унчалик кўрқмаганди. Ўзи, умуман, бир-иккита ағананган девору мўрини айтмаса, бизнинг маҳаллага кўп зиён етмаганди. Акам қаҳвахонага бориб, отамнинг қаёққа кетганини билиб қайтган экан. Мен шу заҳотиёқ касалхонага югурмоқчи эдим, лекин эшигимиз олдига файтон келиб тўхтади-ю, ундан бувим билан отам тушди. Мени кўриб, бувимнинг кўзлари бўлакча чарақлаб кетди.

— Айтувдим-ку, бўталоғим, дала барибир тинчроқ-да...

— Далада ҳам тоза кўрқинчли бўлди, бувижон! — деб жавоб бердим унга.

Сиз, албатта, бувимнинг ғалати кароматидан ҳайрон қолмаганимни сезиб турибсиз. Ундан бундан ҳам ажойиб нарсалар чиқса-да, ажабланмасдим. Зероки бола ажойиботлар дунёсида яшайди ва бу дунё баъзан мавжуд борлиқдан кўра кучлироқ бўлади. Унинг дунёсида кўп ғаройиб нарсалар рўй беради, боланинг ўзи уларга қўшиб-қатиб, ишониб яшайди-ку, баъзан ота-оналар хавотирланиб, бунинг эси жойидамас, деб ўйлайдилар ва врачларга мурожаат қиладилар. Ваҳоланки, ғаройиботларга ташналик инсон рўҳининг ўзидек жуда қадим нарса. Табиатнинг қудратли силсилаларида мунғайиб ёлғиз яшовчи инсон рўҳининг шу ташналиқдан бўлак илнжи ҳам йўқ.

Бувим ўз хонасидан чиқмагани сабабли уни жуда кам, аксарият овқат пайтида кўрардим. Овқатлангани чақириш учун асосан мени юборишарди. Қачон кирмайин, у биринчи учрашган пайтимдагидек, яъни каравотда оёғи ерга тегиб-тегмай ўтирган бўларди. Нигоҳи эса деворга қадалганча тек қотган... Чақирганимдан кейин унинг узоқ-узоқлардан, ўзгача, инсон қадами етмаган томонлардан аста-секин қайтиб келаётганини учун кўп йиллар ўтиши керак эди. Бувим бечора ўз ўтмишини кунма-кун, дақиқама-дақиқа қайта бошдан кечириб чиқаркан. Ахир, ўша узоқ йиллардаги бобом билан биргаликда ўтказган даврдан бошқа рўшнолик — ҳаёт кўрмаганди-да. У замонлар, одамларнинг ўзидан бошқа нарсаси бўлмаган замонлар эди. Уйқусиз тунларимда ўйларканман, ўша ҳаёт, ўша даврлар табиийроқ эканлигини тан оламан. Кейинги ўзгаришлардан кимлар ютди-ю, кимлар доғда қолди экан?..

— Бувижон, қандай қилиб зилзилани аввалдан била олдингиз?

Бир куни шу саволни беришга ўзимда шижоат топа олдим.

Бувим менга бевозта нигоҳ билан узоқ тикилди.

— Сўз билан тушунтириб беролмайман, бўталоғим... Тўсатдан хаёлимга келади... Илгари бўлмаган нарсалар эсимга тушади.

Бу жавоб мени қониқтирмасди. Эшитган заҳотим мени барчадан ақлли, барчадан кучли қилиб юборадиган муҳим сирли гап кутгандим.

— Бувижон, бунақаси сенда биринчи марта бўлишими?

— Йўқ-йўқ, илгари ҳам бўлган... Туш кўраманми-ей!.. Бувангни ўлдиришгандан кейин шунақа...

Бувим менинг ҳафсалам пир бўлганини сезди.

— Сенга буни кераги йўқ, болагинам. Эртанг нима бўлишини билсанг, ваҳимага тушиб юрасан.

Эҳтимол, бувим ўзича ҳақдир. Лекин менга бу ёқмасди. Ҳарҳолда, қачон зилзила бўлишини ёки у ер-бу ерда бошингга тушиб кетишга тайёр турган ғиштни олдиндан билиб қўйсанг, зарар қилмас? Қарабсанки, ўлимнинг ҳам четлаб ўтиш мумкин. Ўйлаб-ўйлаб, шу фикримни бувимга айтдим.

— Худди ана шунинг иложи йўқ-да, ўғлим. Одам қачон ўлишини барибир билмайди! — жавоб берди у.

Шундан кейин индамай қолиб, бошқа гапирмади.

Бувим ҳамон ўз хонасида, худди ўзи йўқдек, жимгина ва хотиржам яшарди. Менинг ҳаётимга у бор-йўғи икки марта, бироқ жуда салмоқли вазиятда ва жуда жадал аралашганди.

Бошланғич мактабни битирганимда отам мени гимназияга кирмайди, ўқигани билан бундан одам чиқмайди, деган қарорга келди. Ўқишни жуда қотирмаётганимни ҳисобга олса, отам ҳақ бўлиши ҳам мумкин эди. «Ақлли-хушли бола, — дейишарда муаллимлар онамга мен ҳақимда. — Ақлли-хушлигу, аммо ўқигиси келмайди. Хаёли бошқа ёқда». «Қаёқда?» — дерди онам кўзларини пириллатиб. — Эрталабдан кечгача китоб ўқийди, кўчага ҳайдаб ҳам чиқаролмайман! Тўғри, бола кўп ўқийди. Лекин нима-ни?» Бу саволга ўзимдан бошқа ҳеч ким жавоб беролмасди. Зероки, ишқий саргузашт романларни яшириб ўқирдим. Бувим хонасида ўз ўтмишига шўнғиб кетгандек, мен ҳам пиёз ҳиди уриб кетган ошхонада бекинволиб китобларимга шўнғирдим. Ишқий саргузаштлардан бўлак ҳеч нарса мени қизиқтирмасди. Унақа романлар ўша вақтдаги газета сонларида ойлаб берилар, одамлар уни қирқиб, ямоқчиларнинг мумланган ипларида авайлаб тикиб боришарди. Ана шу романларни ўқиганимда шундай

маза қилардимки, ўшандан бери бирон нарсадан бунчалик мароқланганимни эслолмайман.

Ўқишни давом эттириш масаласида бувимга шикоят қилишдан бўлак илож қолмади. — Қўрқма, болам, бу ишни басаллаймиз, — деди бувим қисқа қилиб.

Орадан анча вақтлар ўтгандан кейин бу «басаллаш» кўп машаққатли кечганини онамдан эшитгандим. Бувим харажатни ўз бўйнига олишга ваъда берибди. Отам нималарни ўйлаган, билмадим, балки бувимнинг пулларини ўз назаридаги арзийдиганроқ ишларга сарфламоқчи бўлганми, ҳарҳолда кўнмабди. Бувимнинг жаҳли чиқиб кетибди:

— Гапимни эшитиб қўй, бола, — дебди отамга қараб. — Қариган чоғингда сени Манол боқади. Йорданингдан бирон наф чиқмайди. Шуни яхшилаб билиб ол, мени айтган экан, деб юрасан!

Бу гапни эшитиб отамнинг ўтакаси ёрилай деган. Негаки зилзила борасида яхшигина сабоқ олганди-да. Хуллас, масала менинг фойдамга ҳал этилган. Аммо бувимнинг акам билан иккимиз ҳақимиздаги каромати тўғри чиққан-чиқмаганини ўйлаб кўриш керак. Ота-онамнинг кейинги пайтларда қарамоғимдалиги рост. Гарчи отам ёшлигимда мен учун кўп қайғурмаган бўлса-да, ота-онамга ёрдам бераётганимдан хурсандман. Аммо акамнинг тақдири хусусидаги бувимнинг каромати ҳақиқатган унчалик мос келмайди шекилли. Йордан ҳуқуқшунослик факультетини аъло баҳолар билан ўқиб битирди, талабалигидаёқ, халқроо масалалар мавзуида қатор мақолалар билан ўқиди, йигирма олти ёшида ташқи ишлар вазоратида масъул лавозимни эгаллаб, ўттиз ёшида — протокол бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди. Келишган, хушбичим акам, табиатан диди созлиги учун яхши кийинар, учта чет тилини мукамал эгаллаганди. Уни порлоқ келажак кутаётганини ҳамма каромат қиларди. Бувимдан бошқа ҳамма.

Ким билади, балки бувим бўлак нарсани назарда тутгандир. Сабабки, Йорданнинг ҳаёти фожиали тугади. Йўқ, сиёсий жиҳатдан эмас. Сиёсий жиҳатдан гитлерчи ҳукуматнинг кўзга кўринган намояндаси сифатида уни кутган ҳибс ва таъқиблардан тақдирнинг ўзи сақлаб қолгандек бўлди. Акам операция столида фалокатга учради. Худди ўша куни Америка бомбалари остида бувим ҳам ҳалок бўлди. Мен шу пайтгача бу воқеанинг тафсилотларини билмайман. Йордан қандайдир энгил операция заруратидан энг яхши шахсий клиникалардан бирига ётганди. Афсуски, пешонасига ёзилган демаса ҳам, кунини — 1944 йил 10 январни нотўғри танлаган экан. Бомбардимон бўлиб турганда операция қанақа чиқарди, дейсиз? Тиғ шартта унинг ошқозон ости безини кесворган ва бечора бир кун қаттиқ азобланиб, бувимдан кейин жон берган. Буни — акамнинг бувимдан кейин ўлганининг қандайдир аҳамияти бўлса керак, деб ҳисоблаганимдан таъкидлаб ўтаяпман. Умуман, бувимнинг қобилиятлари ҳақида ўзингиз хулоса чиқариб олишингиз учун ҳамма воқеаларни мумкин қадар холис туриб айтиб берайпман. Албатта, Йордан хусусидаги кароматлари тасодифан тўғри чиққан бўлиши мумкин. Балки отамга тазийқ ўтказиш учунгина оғзидан чиқиб кетгандир у гап. Балки ундай эмасдир. Ҳар ҳолда бувим бу дунёдан беҳабардек кўринса-да, кўп нарсани тушунадиган меҳрибон кампир эди. Уйламай-нетмай, ҳожати бўлмаган нарсани отамга гапирмаса керак.

Гимназияга кирганим учун бувимдан шундай миннатдор эдимки, нуқул олти баҳога ўқидим. Бутун ўқиш давомида бор-йўғи учтагина бешим бўлиб — у ҳам жисмоний тарбиядан эди. Аслида-ку, бақувват ва чиниққан йигитча эдим. Лекин ҳамisha байроқбардор қилиб тайинланадиган акамдан фарқли ўлароқ, сафда юриш машқларини ёқтирмасдим. Қадамимни бошқача ташлашга уринардим. Башараси кип-қизил, бақироқ ва тўнка ўқитувчи жон-жон деб икки қўйиб ташларди-ю, афтидан директор рухсат бермасди, шекилли. Бизнинг давримизда аълочилар ҳозиргига ўхшаб замбуруғдек потирлаб чиқиб ётмас, шунинг учун уларни қадрлашарди.

Сиз ишонмаслигингиз мумкин, лекин мен гимназияда бирон бир фанга меҳр қўймадим, бирон бир соҳага мойиллигим борлиги ҳам сезилмади. Математикадан унчалик қийналмасам-да, у жуда зерикарли туюларди. Сирасини айтганда, классик гимназияда математикани унчалик чуқур ўқитишмасди. Узлаштиришим осон кўчадиган тиллар ҳам мени қизиқтирмасди. Яшаш учун, айтайлик, битта инглиз тили етарли бўлиб турганда, бир неча чет тилини ўрганишнинг нима ҳожати бор?

Гапнинг пўсткаласи: гимназияни аъло битирганимдан кейин, энди қаёққа бораман, деган аҳмоқона савол олдимда кўндаланг туриб қолди. Аттестатим туфайли ҳамма эшиклар очиқ — лекин мен қай бирига киришни билмасдим. Танлолмаётганимдан ақалли иззат-нафсим ҳам қийналмасди.

Фанлардан ҳеч нарсани тушунмаса ҳам, одоб юзасидан бувимдан маслаҳат олиш керак эди. Негаки, у пайтларда София университетиде ўқиш қиммат, харажат эса кампирдан эди. Бувим гапларимни индамай эшитаркан, нима деб маслаҳат беришга қийналаётгани яққол кўриниб турарди.

— Отангнинг фикри қандай? — ўсмоқчилаб сўради у.

Эҳ, бувижон, қаҳвани зўр қилиб пиширишдан бошқа билими йўқ отам бунга нима ҳам дерди?

— Адлия яхши. Адвокатликка ўқигин деяпти.

— Йўқ! — бувим қатий туриб рад этди. — Буниси бўлмайди.

— Тиббиёт-чи? — сўрадим юрагим орқамга тортиб.

Энг ўқигим келмаётган касб шу дўхтирлик эди. Чунки жуда таъсирчанлигим сабабми, бировнинг азоб чекишини, айниқса, қони чиқишини ҳеч кўтаролмасдим. Бориб-бориб кўникиб кетиш мумкинлигини тушунардим, лекин худди шу кўникишни истамаётган бўлишим ҳам мумкин эди.

— Тиббиёт ёмонмас... Яна қанақа фанларинг бор ўзи?

— Хўш... фалсафа... математика, физика, химия, биология.

— Мана бу охиргиси нима дегани?

— Биологиями? Аниқ таржима қилса, тириклик — ҳаёт ҳақидаги фан.

Бувимнинг юзи ёришди.

— Ана! Ана шуниси керак, болам! Бунақа илм борлигини эшитмаган эканман!

Албатта, бунақа фан йўқ эди. Кейинчалик пайдо бўлиши ҳам гумон. Биология тирик организмлар ҳақидаги илм, холос. Вужудлардаги тириклик жараёнлари қанчалик сирли ва мураккаб бўлмасин, у ҳаёт эмас, балки ҳаётнинг бир кўринишидир. Лекин у пайтда мунақа мураккаб масалалардан ўзим беҳабар эдим.

— Шу илмда сен жуда илгарилаб кетасан! — деди бувим ҳаяжонга тушиб. — Узоқ-узоқ юртлардан одамлар олдинга бош уриб келишади... Йўлингни тўғри танлаб олсак, бас.

Ҳозир ёшим эллик еттида. Профессорман. Фанлар академиясининг мухбир аъзосиман. Аниқроқ касбим — биохимия. Ҳамма мени — калласи зўр ишлайдиган кучли одам деб ҳисобласа-да, бунинг хатолигини фақат битта ўзим биламан. Тўғри, билимим кучли. Уз соҳам бўйича замонавий янгиликлардан хабардорлик бўйича ҳамisha юқори чўққида тураман. Елгондан камтарлик қилиб ўтирмай, фанга маълум янгиликлар қўшганимни ҳам айтиб қўя қолай. Бироқ буларнинг бари шахсан ўзимга тегишли ихтиролар эмас. Мен бировларнинг ихтироларини мукамаллаштирганман ва ривожлантирганман, холос. Бутун дунё олимлари менинг фикрим билан ҳисоблашини яши биламан. Аммо, бувим айтгандек, улардан биронтаси ҳам менинг олдимга бош уриб келгани йўқ. Яъни, мана шу хусусда бувимнинг каромати бутунлай нотўғри чиққанини айтиб қўймоқчиман. Сиз билан батамом очиқ гаплашмасам, мурод ҳосил бўлмайди. Масаланинг фақат менгагина тааллуқли эмаслиги ҳам биров мушкуллик туғдиради. Гап шундаки, ишқий саргузашт романларни ўқийдиган болалиқдан ўтган бўлсам-да, бувимнинг кароматига тўла-тўқис ишонгандим. Ҳозир ўша ишонганим ўзимга кулгили туюлади. Аллақачон ташлаб юборилган романлар ҳам қалбимда ҳеч қандай из қолдирмаган. Табиатан, асли амалиётчиман. Тафаккур ва мантиққа қараб иш тутаман. Миям қутисигадики суюқлигим жуда фаоллиги вазидан хомхаёлу осмондаги орзулар, ҳар хил алдоқчи туйғуларга ишонмайман. Шунга қарамай, вужудимда темирдек мантиқий тафаккурга зид келувчи алланарса яширинган бўлиб, у авваламбор менинг тарафкашлигимда билинади. Одамлар ва далилларга бетараф ёндашолмайман. Ёқадиган ва ёқмайдиган, севадиган ва севмайдиган, ишонадиган ва ишонмайдиган қилиб ажратиш ташлайман. Одамни бир кўришдаёқ ёмон кўриб қолишим мумкин ва кўпинча янглишмайман ҳам. Маълум бир илмий фаразни дидимга шунчаки ёқмагани учун, тартибга солилмагани ва мантиқий тадрижга бўйсунмагани учун мутлақо инкор этиб ташлашим мумкин. Ўз вақтида квант механикасини ёқтирмаганимнинг асоссиз эмаслиги бунга мисол бўла олади.

Лекин бувимга келсак, уни севардим, кароматларига ишонардим. Бувимга бўлган ҳурматим қон-қонимга сингиб кетганидан, биологияни ўрганишга жон-жаҳдим билан киришдим. Ўша йилларда бу соҳа унча муҳим ҳисобланмас, ривожланиш даражаси эса ҳозирги кунда очилган имкониятлардан ҳали дарак бермасди.

Мен аълочи студент эдим. Акамга ўхшаб бир неча чет тилини қийналмай ўрганиб олдим-да, йилдан-йилга ортиб борувчи иштиёқ билан кўп ўқидим. Натижада биология соҳасини фақатгина немис тилини базўр эплайдиган профессоримдан яхшироқ биладиган бўлиб олдим. Мен унга ҳар хил илмий журналларни, йилномаларни, докладларни топиб келар ва зиғирдек ҳам манфаатни ўйламай, бекорга таржима қилиб берардим. Профессор билан соатлаб суҳбатлашардик. Бу суҳбатларни баҳс ҳам, профессорнинг ўз чегараланган дунёқарашига сиғмаган барча ғояларини рад қилиш жараёни ҳам дейиш мумкин эди. Менга қолса, фақат исботланган жиҳатларни тан олганим учун баҳс қилишни ёқтирмасдим. Ёшлигимга қарамай, домлам ўзининг мўъжазгина илмий жамғармаси билан юпқагина омонат дафтарчасини ҳимоя қилаётганини, профессор номининг мунгли димоғдорлиги эса менинг текинга бераётган ахборотларимни олишига йўл бермаётганини тушуниб турардим.

Илмий соҳадаги иккинчи касбимга зоологияни танладим. Ҳайвонот оламини азалдан яши кўрсам-да, ўрганиш жараёнида бу меҳрим минг чандон ошиб кетди. Айниқса, ҳайвонлар инсондан кўра жисман мукамал тузилганликлари мени ҳайрон қолдирарди. Уларнинг яшашлари табиатга мос, табиий нуқтаи назардан ўзини оқлайдиган, тўқис жараён эди. Афсуски, табиатга мослик уларни кўпайтирмас, аксинча қираётганди. ... Ҳа, бу бошқа масала...

Ҳайвонот оламига гапни буришдан мақсадим уни ўзимизнинг мавзуга боғлаш эди.

Гап шундаки, бир неча йил давомида мен жониворларнинг зилзила давридаги ҳолатларини, шунингдек, зилзиланинг ўзини синчиклаб ўргандим. Шунда, ҳайвонларнинг аксариятида зилзилани олдиндан сеза олиш қобилияти борлиги мени жуда лол қолдирди. Сирасини айтганда, бу масаланинг сирли ва мавҳум томони йўқ. Негаки, зилзила тасодифий воқеа эмас, балки маълум бир ҳодисаларнинг узоқ муддат давомида тўпланиб, сўнг маълум бир нуқтага етганда фалокатли портлаш билан туговчи жараёнидир. Афсуски, бу жараённинг ёпиқ кечувчи ҳодисаларини инсон ясаган ускуналар ҳозирча аниқлаб ололмаётир. Аммо, жониворларда — одамзотда умуман бўлмаган ёки ривожланиш жараёнида кераксизлиги важдан йўқолиб кетган аъзолар бор. Ишоти учун ҳайвонларнинг йўналиш олишда адашмаслигини келтиришим мумкин! Хўш, шундай экан, нега энди зилзилани олдиндан сезадиган яна бир аъзолари бўлмаслиги керак? Айниқса, зилзила чоғи энг хатарда қоладиган судралиб юрувчилар ёки каламушларда?

Бу ёққа бурсак: менинг бувижонимда ҳам ана шундай атавистик аъзо сақланиб қолган бўлиши мумкин-ку? Шахсан ўзим шу саволларга ишонишга мойил эдим. Боз устига, бувимнинг кароматини далил сифатида инкор этишни ҳам истамасдим.

Мен шухратпараст эмасман. Бировларнинг таъзим бажо айланини қўмсамайман. Аксинча, бундай ёқмайдиган мулозаматдан қочиш учун биринчи бўлиб ўзим таъзим қиламан. Шунга қарамай, ўзи биронта ихтиро яратишни истамайдиган олимни олим дейилишига қўшилмайман. Майли, у ихтиро Менделнинг кичкина ва кулгили нўхотлари каби сезилмайдиган даражада мўъжаз, лекин ўзиники бўлсин!

Дорулфунунда ўқиб юрарканман, иккинчи жаҳон уруши ҳам менга сезилмай адо бўлди. Бундан кейин бутунлай янги, аввалгидан тамом фарқ қиладиган дунёда яшаши-мизга тўғри келишини кўплар хаёлига ҳам келтирмасди. Юзаки қараганда, уруш менинг тақдиримда ҳам ҳеч қандай ўзгариш ясамади. Студент сифатида ҳарбий хизматдан озод қилингандим. Аскар формасини фақат урушнинг охирида, қандайдир қисқа муддатли ўқишга қақирилганда кийдим. Биз у пайтда Софияда яшардик. Оиламиз тақдирдаги бу ўзгаришга ҳам бувимнинг ором билмайдиган руҳи ва эҳтимол, ҳамиша ёлғизлиги сабаб бўлганди. Отам қаҳвани яхши пиширса ҳам, уруш туфайли у матоҳдан маҳрум қилингани учун куни цикорийга қолганди. Лекин цикорийдан қаҳванинг яхшисини пишириш мумкинмиди? Шу туфайли отамнинг тоза суроби тўғриланганди.

— Гапимга бир марта қулоқ солгин, ўғлим, — деркан бувим. — Софияга, бола-ларнинг олдига кўчиб ўтсак қандоқ бўларкин?

— Нима иш қиламан у ерда? — тўнғилларди отам.

— Бу ерда нима иш қилаётувдин? Бирон кори хайр топилиб қолар у ёқда ҳам.

Отам узоқ вақт бир қарорга келолмаган. Ўзи зуваласида дангаллик етишмайдиган одам ёши улғайган сари кўрқоқлашиб, болага ўхшаб қолган эди. Одатдагидек, бунақа вазиятларда тасодиф ёрдамга келади-ю, Софияда унинг амакиваччаси — Лулчо бобонинг ўғли қазо қилади. Амакиваччанинг хотини ўзларининг сартарошхонасини бошқаролмай, отамга тенг шерикликка ўтишни таклиф этади. Отам ана шундай фойдали ишга ҳам кўп иккиланишлардан кейин, бувимнинг қаттқи оёқ тираб олиши натижасида розилик беради.

Шундай қилиб, отам сартарош бўлиб қолади. Бу — эришган мартабаларининг энг чўққиси эди. Отам, мени хайрон қолдириб, соч-соқол тарашлашни тезда ўрганиб, миждозлар орттиради, чўнтагида биринчи марта ақча жиринглай бошлайди. Оиладаги бу ўзгариш акамдан бошқа ҳаммага маъқул келади. Омади келиб турган сиёсатчи учун майда сартарошнинг ўғли деган ном унчалик яхши ваколат бермаслигини тан олиш керак. Хуллас, бу пайтга келиб катта маош олаётган акам, агар касбингизни ташла-сангиз, сизни боқаман, деган таклифни айтади. Ўзига яраша ғурури бўлган отам эса бу эҳсонни рад этади.

Лекин бу эмин-эркин ҳаёт бор-йўғи икки йилча давом этади. Американинг «учар қальалари» София устида кузғундай тобора кўпроқ айлана бошлаган эдилар. Ниҳоят, 1944 йилнинг 10 январида «катта» бомбардимон юз бериб, «учар қальалар» ўзларининг ўлим юкларини ағдардилар. Гарчи уларнинг аввалги ташрифи ҳам кичик деб айтгулик бўлмаса-да, буниси нақ қиёмат қойим бўлди. Айниқса, одамларнинг кўрққани, кўрққани эмас — даҳшатга тушгани ёмон эди. Кундузги бомбардимон, аввал айтганимдек, акамни операция столида ётган жойида босиб, ажалини ўша ерда етказди. Оиламизнинг бошқа аъзолари эса, самолётлар одатдагидек Плоештидаги нефть ҳайдовчи заводларга ўтиб кетишди деб ўйлаганларидан, атиги юз кадамча наридаги бомбапаноҳга бориб яширинишни ҳам ўйламаганлар. Хуллас, кейинчалик дўзах деб аталган воқеа бошланган. Аслида бу дўзахдан ҳам баттар эди. Негаки, дўзахдагилар жонидан кўрқмайди. Боз устига, одамзот шундай яралганки, бахтдан кўра азобга тез кўникади.

У пайтда биз бир қаватли, пастак ва ертўласиз уйда яшардик. Яширинадиган жой ҳам йўқ эди. Шаҳар бомбалардан силкинар, онам иконалар олдида тиз чўкиб, пойинтар-сойинтар дуо ўқир, отам хўмрайиб, жим қотганди. Бувим эса қирғинни худди тушидагини ўнгида учратган кишидек, атрофга қизиқиш билан аланглаб, томоша қилган экан.

Тўнги бомбардимон пайтида ота-онам апил-тапил бомбапаноҳга шошилиб, бувимни ҳам олиб кетмоқчи бўлишибди. Аммо кампир, ҳеч қаяққа бормайман, депти. Ўзи

оёғи синганидан кейин умуман камҳаракат бўлиб, ҳаммомдан бўлак ерга бормай кўйганди. Бир марта эса, ҳаммомдан қайтишда, трамвайни чалкаштириб адашиб қолган ва уни полицияхонадан топиб келишганди.

Бувимнинг бормайман дейишига қарамай отам уни кўндирмоқчи бўлган. Лекин бувим «ваҳий келгандек нурли нигоҳ» билан қараб, осойишта овозда шундай деган:

— Узинглар бораверинглар, болаларим, Манол шусиз ҳам менинг бу дунёда узоқ тими́рскиланиб қолганимга ҳайрон бўляпти.

Юқорида «ваҳий келгандек нурли нигоҳ» деган сўзни кўштирноққа олганим бежиз эмас. Чунки умрида Захарий Стояновнинг бобомиз ҳақида ёзган варағида бошқа китоб ўқимаган отам учун бу сўзлар ғайри табиий эди.

Варақдаги «Софиялик шопларга<sup>1</sup> солиштирганда. Пловдив одамларини пари́жликлар десак бўлади», деган гап унга айниқса ҳузур бағишлар ва гарчи, софияликларнинг бақувват даҳанларини ҳафсала билан қиртишласа-да, уларга юқоридан қарарди.

Шундай одамдан илмий ибора чиққани қизиқ эди.

Хуллас, отам йиғлаб юборгудек бўлиб ялинса ҳам бувим бомбапаноҳга боришга кўнмаган. Отам билан онам ўзлари кетишган.

Бувимнинг тириклар билан қилган охи́рги суҳбати юқоридаги гап эди. Маслаҳат, насиҳат ёки бошқа бирон сўз билан мени эсламабди ҳам. Эҳтимол, сўнги дақиқаларда у ўз дунёси, ўз хотиралари ичига кетиб қолгандир. Шундай бўлгандан кейин қочишдан қандай маъно бор эди-ю буни ўғлига қандай тушунтирарди? Иккинчи томондан, одамнинг ҳаётга бунчалик тирмашиб ёпишиб олишини тушунтириш мумкинми? Савқат табиий дейишнинг ўзи етармикин? Менимча, «ҳаёт — бу одам босиб ўтиши лозим бўлган йўл» деган тушунча бувимнинг қон-қонига сингиб кетган. Акс ҳолда, шу йўлгача ва ундан кейин бўлган ҳамма тушунчалардан мазмун йўқолиб, улар ҳам ҳаётнинг бир кўриниши деган ишончга путур етган бўларди.

Мен у пайтда Горна-Бенедаги санитар взводида унтер офицер бўлиб хизмат қилардим. Парваришталаб ярадорлар кўп бўлгани сабабли кундузги бомбардимон менга деярли сезилмади. Аммо сирена тунда увиллаб, атрофдагиларнинг ваҳима ичра ўзларини эшикка урганлари яққол кўринди. Мен шошилмадим. Шошилишнинг нима ҳожати бор? Тақдир билан қимор ўйнаганда хол ҳисоблаш ортиқча иш. Сен нимани ишташингдан қатъий назар, у соққани ўз билганича ташлайди. Ҳамма нарса каби, фақат ўзини ўйлайдиган тақдир ҳам аслида ҳеч нарсани ўзгартиролмайди. Шу маънода, унинг биздан кўра-да ожизлиги жуда-жуда рост. Хоҳлаймизми-йўқми шу ҳол — айни ҳақиқат.

Мен кўлимда фақат дурбин ушлаганча бўш ҳандаққа тушдим. Пастдаги кўзимга кўринмаётган шаҳарнинг буюк мавжудликда қарахтлигини сезиб турардим узимнинг ҳаётимдан заррача кўрқмасдим. Буни мутлақо беҳис бўлиб қолганим билан изоҳлайман. Бунақа пайтларда киши вақт ўлчовини йўқотиб кўяди, шунинг учун орадан ўн дақиқа ўтдими, ярим соатми билолмадим, лекин кўзим қоронғуликка кўниккач, шу сонияда ажиналарга ўхшаётган кўчалар, тепага бақрайганча қотиб қолган кўзларга ўхшовчи Александр Невский церковининг гумбази, санчиламан деб диккайиб турган трубалардан иборат шаҳар сиймосини аста-секин илғай бошладим. Бироздан кейин бир маромдаги тўлқинлардек оҳиста бостириб келаётган гувиллашни ҳам эшитдим. Паст ва бўғиқ мотор овози эди у. Даҳшат ва кўрқувдан титрашга мажбур этадиган ҳеч нарса сезмасдим. Разведкачи самолётлар ёритувчи ракеталарни ташлашди. Ракеталар парашютга боғланган шекилли, совуқ оқ нурлари осмонда муаллақ туриб қолди. Дурбиндан менга мутлақо қимирламайдиган, етиб бўлмайдиган, шишасимон муаллиқлик кўринарди. Моторларнинг гувиллаши кучайиб тиниқлашди-да, ерга биринчи бомбалар тушди.

Дўзахни тасвирлаш мумкин эмаслигидан ташқари, буни керак эмас деб ҳисоблардим ҳамиша. Буни Данте ҳам тушунган шекилли, буюк поэмасида дўзахни эмас, тафаккуриёт душманлари бошига тушишини орзу қилган қисматларини тасвирлаган. Уни ўқиганимда шоирнинг шафқатсиз ўғитларидан кўра, кўпроқ гуноҳкор бандаларга ачингандим. Лекин Дантеча дўзах рўҳимга заррача таъсир қилмаганини элас-элас хотирлайман. Бомбардимон ҳам қанча даҳшатли бўлмасин, худди ўшанақа бетаъсир, ўлик хотирадек ёдимда қолган.

Шаҳарга чиқишга рухсат олишим учун ҳар бири беадо кўринган уч кун кетди. Кичкинагина гарнизонимиз шунақанги тўс-тўполон, рухсатнома берадиган одамнинг ўзини топиш мушкул эди. Шаҳарга яёв тушиб бордим. Сийраклашган бўлса-да, қочқинларнинг оқими Княз Шоссе бўйлаб ҳамон судраларди. Ўз дардига ботиб кетганидан одамнинг ҳаммаси кўзимга бир хилга ўхшаб кўринарди. Улимга маҳкум этилган банди охи́рги кунларини руҳсиз яшагандек, қочқинлар ҳам чана ва кароват тўрларига ортган ашқол-дашқолларини руҳсиз тортиб борардилар. Тўғриси айтсам, дардим бошимдан ошиб ётгани учун уларга синчиклаб қарамасдим.

<sup>1</sup> Шоп — Булғориянинг шимолий-ғарбий мавзеларидаги аҳоли. Турмуш тарзи ва тили ўзига хос.



Бизнинг ночор уйимиздан фақат иржайган девор парчаларигина қолганди холос. Ҳовли юзида том ёғочлари, мебель бўлаклари сочилиб ётар, тирик жонзотдан асар йўқ эди. Шу билан бирга ўлим шарпаси ҳам сезилмасди. Сабаби номаълум, лекин қарахтланган миямга «бувимнинг сандиғи қаердайкин» деган савол келди-да, қидириб-қидириб, унинг ранг-баранг темир қопламасидан асар ҳам тополмадим. Бувим билан онамга бирон шикаст етгани ҳақида ўйлаб кўришга ҳам, журъятим йўқ эди. Ўлган сиймо сифатида кўз олдимга келтиришим мумкин бўлган ягона инсон — отам эди. Одам ўзига, хусусан, туйғуларига ишонмаслиги керак экан. Бу оламда ҳаммадан ҳам кўпроқ отам билан боғланганимни ўша сонияда қаердан билиб ўтирибман дейсиз? Орадан уч йил ўтиб, отам ошқазон ракидан қазо қилганда, шундай ўкириб йиғлаганманки, кейин бунақаси ҳеч бўлмаган. Ҳайрон қоларлиси шуки, илгари отамни бирон марта ишларимга аралаштирмасдим, баъзан кўрсам жиним кўзир, ҳаётда унга ўхшамасликка жонжаҳдим билан уринардим. Ифлос тупроққа кўмганимиздан кейингина, ўзим унинг ўғлиман, деган оқибатдан бошқа нарса эмаслигимни тушундим. Ваҳоланки, энг яхши кўрадиган одамим — бувим эди.

Ўзим унчалик ишонмай, талабаларга ҳафсала билан уқтирадиган ирсият қонунлари бу муаммога ҳеч қанақа жавоб беролмасди.

Шу пайт ҳовлида кўшнилариимиздан бири кўринди. Уларнинг уйи, юз тарафининг чечакдан ўйилган башарага ўхшаб турганини ҳисобга олмаса, омон қолганди. Сочлари оппоқ, чўлоқ бу чол атрофдаги вайроналикка қиёслаганда анча кўркам кўринарди. Менга кўзи тушган захоти унинг хира нигоҳида ҳаёт йил этди.

— Қўрқма, дўхтир, — деди у. — Сеникилар соғ.

— Ҳаммасими?

— ...Ҳаммаси эмас, кампир ўтди. Қариб қолганди бечора, азоблардан қутулди.

Бувимнинг қандай ўлганлигини, ундан бирон нарса қолган-қолмаганлигини шу кунгача билмайман. Сурашга юрагим бетламаган. Бувим ана шундай қилиб ҳаётимдан бутунлай чиқиб кетган. Қалбимдаги ўрни эса мени ҳамиша қийнайди. Лекин уни янада қаттиқ эслашга мажбур этган шароит ҳам ахир бир кун етиб келди.

Инсон умрининг ниҳоятда қисқалигини ҳеч ўйламаган эканман. Кўзингни очишга улгурмасингдан умрбод юмиш пайти ҳам бирпасда келиб қоларкан. Тушга ўхшовчи бир неча хотиралар, баъзан азоб, баъзан бахтли энтикиш, ундан кейин сўнгги хўрсиниш... Тамом-вассалом. Ҳарҳолда биз ҳаёт деб атовчи реал вақтнинг охири шу. Инсон сифатида қилган ишларингга яқун яшаш у ёқда турсин, ўзингнинг қанақа эканлигингни ҳам тубигача аниқлашга улгурмай қоларкансан.

Эҳтимол яқинлашиб келаётган қарилкининг биринчи аломатлари туфайли, мени баъзан-баъзан, аммо борган сари кучаяётган дилихуфтонлик қамраяпти. Ўтган умрга ўгирилиб қараб эслашга арзигулик биронта жасорат ёки биронта ўртантирадиган қабих тубанлик кўрмайман. Тегирмон тошининг айланишидек тобора тезлашиб бораётган бир хилдаги кунлар... Боз устига кўплари бесамар. Телефон сўроқларига бандман, шошиб турибман, ҳеч иложим йўқ, деган жавоблар бераман. Ҳой, инсон, қаёққа шошяпсан? Ия, қаёққа дейди-я!? Мажлисга, симпозиумга, автоматик равишда қўл кўтариб овоз бериладиган, бир тийинга қиммат илмий советнинг йиғилишига-да! Бир пайтлари оч бўридек кутадиган илмий журналларим ҳозир столимда ҳафталаб тегилмай ётади. Ҳатто, кундан-кун ортиб бораётган обрўйим, саломларнинг борган сари эҳтиромли тус олаётгани ҳам кесатиққа ўхшаб туйилаяпти.

Ҳўш, мабодо кейинги ўттиз йиллик ҳаётимда юз берган энг муҳим воқеа нима, деган савол туғилса, унга шак-шубҳасиз — уйланишим, деган жавобни беришга тўғри келади. Ҳа, кулманг, рост гап шу. Муқаррар, албатта содир бўлиши лозим нарсани Воқеа дейиш нотўғрилигини биламан. Лекин уч юздан ортиқ ишқий саргузашт роман ўқиб туширган одам учун уйланиш — барибир Воқеа. Ана шу нарса оқибатида мен дунёга семизгина ва нодонгина бир қиз туҳфа этдим. Бу қиз ўзининг онасига сира-сира ўхшамайди. Нега ўхшамаслигини худонинг ўзи билади. Табиат ҳам ҳазил қилишни яхши кўриши маълум. Бу ҳазили баъзан чиройли чиқмай қолса, ҳатто ўзи ҳам уялмайди. Аммо унинг аччиқ ҳазили айни менинг пешонамга ёзилган экан. Гап шундаки, мен ўзимга эътибор берган биринчи аёлга уйлانганман. Аслида ўзим ҳақимда фикрим жуда балан эди-ю, лекин бу ёғи бунақа қиқиб қолгани рост гап. Хотиним ҳам менинг бунчалик тез таслим бўлганимга ҳайрон қолган бўлса керак, деб ўйлайман.

Унга қаерим ёқиб қолганини ҳам тушунмайман. Озгин, рангим қоп-қора, бир елкам иккинчисидан баландроқ йигит эдим. Ҳатто, ҳозирги қиёфам ўша пайтдагидан кўркамроқ. Сурбетроқ толиба қизлар, албатта, таъмадан ҳоли бўлмаган назарда, ҳозир ҳам кўз сузиб қўйишади. Мен профессоримнинг ассисенти бўлган даврда хотиним толиба эди. Фикримча, у бизнинг тақдиримизни математик тенглама сифатида ечган-у, кейин хотиржам оҳангда: «Қулоқ сол, ҳой нодон, мен бир оддий масалани тунги соат биргача ечдим. Жавоби битта экан, юр менинг уйимга!» деб менга маълум қилган.

Ҳа, бўлажак хотиним анчагина шиддаткор усулини тутган. Орадан бир неча йиллар ўтиб, энди ўйласам, у озгина айёрлик қилган экан. Тенгламанинг ўзи тарафидаги қисми-

да энг камида битта икс ортиқча, ёки махражида битта игрек камроқ бўлган экан. Уни ҳуриликдек гўзал бўлган дейиш унчалик тўғри эмас. Баланд бўйли, қотма, оёқлари ингичка, кўкраклари кичкина бир қиз эди. Лекин кўзлари шундай куйдирувчи эдики, графиня Сан-Северинанинг кўзларида ҳам унчалик ўт порламаган бўлса керак. Биз танишган пайтимизда эғнида сидирға сарғиш-қизил, ҳамишабахор рангидаги энгил кўйлаги бўлиб, буғдойранг сиймосига ва қоп-қора сочларига жуда ярашиб турарди. Аммо бу кўйлак унинг математик дунёқарашига ва мен кейинчалик жуда яхши билиб олган темирдек қаттиқ феълига ҳеч мос эмасди. Ҳозир эллик уч ёшга кирган бу хотиннинг қомати унчалик бузилмаган, қадам босиши энгил. Оғирлиги шу ёшда орзу қилиниши мумкин бўлган вазндан бир мисқол ҳам ортиқ эмас. Мендан камида йигирма, ўзининг ёшидан эса ўн шар ёш кўринади. Жудаям бенуқсон экан деб ўйламасликларинг учун, кейинги пайтларда лаби устидан мўйловларни мўйчинак билан териб туришини эслатиш лозим. Лекин бу нуқсон унинг сиймосига катта путур етказмайди деб ўйлайман. Негаки, унинг ёшидаги ҳамма аёлларнинг аҳволи шу. Фарқи шуки, улар бу ишни косметика кабинетларида амалга оширадилар.

Мен майда-чуйда тафсилотларни қиссамизга тааллуқли жойи бўлгани учун атайлаб келтираяпман.

Воқеа оддий бир кунларнинг бирида бошланди. Баҳор кечиккан, қаршимиздаги маҳалла хиёбонида ўсган манзарали бутанинг шохларида эндигини куртаклар ниш уриб, узоқдан яшил тугунчага ўхшаб кўринишини ҳисобламаса, дарахтлар ҳали яланғоч эди. Мен дераза олдида кўчага паришон боқиб турардим. Балконнинг темир панжарасида иккита мусича юрар, мунгли қиёфадаги бир мушук кўчани кесиб ўтаётганди. Шу пайт тўсатдан вужудимда ғалати бир ўзгариш рўй бердики, уни тил билан тасвирлаб беролмайман. Кабинетимга кириб, ўзимни креслога ташладим. Бошим айланар, таним беҳол эди. Ярим соатлардан кейин хотиним келди.

— Эртага зилзила бўлади, — дедим мен унга қарамай.

Хотиним сезилар-сезилмас сесканиб тушди. Чунки у бувимнинг тарихидан хабардор эди. Ҳеч нарса демай кабинетдан чиқди-да, икки-уч дақиқадан кейин дарров қайтди.

— Қачонлигини аниқроқ айт?

— Нимани?

— Ер қимирлашини-да, — деди у тажанглашиб. — Илтимос, эсингдан чиққандек қилиб кўрсатма ўзингни. Хонага кирган заҳотимоқ бир бало бўлганини сезувдим.

— Кечқурун, — дедим мен. — Балки кечасидир, аниқ билмайман.

— Қаттиқ қимирлайдимми?

— Анчагина қаттиқ шекилли... Ҳа, кучли бўлади. Кўз олдимдаги қандайдир иморат худди томига улкан гурзи тушгандек ўпирилиб тушди. Атрофидаги чанг осмонга кўтарилганини кўриб турдим.

— Кўз олдимда, кўрдим деганларинг нимаси? Мана шунақа мени кўргандек кўрдингми?

— Йўғ-е, — кескин инкор қилдим мен. — Албатта, ҳеч нарсани аниқ кўрмадим. Лекин шундай бўлишини биламан. Ишонаман.

Хотиним ўзининг синчвор нигоҳини қадаб тураверди. Ундан қочгани жой тополмасдим.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?

Бу саволи мени жуда ҳайрон қолдирган эсимда. Шу сониягача фақат ўзимни, вужудимда рўй берган ўзгаришни ва наҳотки шу мумкин бўлса деган масалаларни ўйлаётгандим.

— Нима ҳам қилардим? Зилзилани тўхтатиш мумкин эмас.

— Бувинг ҳеч бўлмаганда ўзини сақлаш учун бир нарсалар қилган-ку.

— Хўш, нима қил дейсан?

— Ия! — деди у. — Бонг ур, одамларни огоҳлантир. Керак бўлса шаҳар кўчиб чиқсин! Қўлингдан нима келса, ҳаммасини қилиш керак.

У айтган гапларнинг бари мантиқан тўғрилигини кейин тушунганман. Уша сонияда эса эшитганим рост-ёлғонми, дегандек ҳайрон бўлиб унга қарадим.

— Эсинг жойидами? Ким ишонади менга? Йўқ деганда мазах бўламан. Жиннихонага тиқиб қўйишлари ҳам мумкин.

— Нима бўпти?

Хотиним бу саволни хотиржам оҳангда берган бўлса-да, мен ичимдан бир сескандим.

— Нима, нима бўпти? Ғирт бефойда иш қилишинг нима кераги бор?

— Кераги бор! — деди у. — Албатта кераги бор! Энг муҳими одамларни ишонтиришда. Мабодо ишонтириш қўлингдан келмаса ҳам, бурчингни ўтаган бўласан.

Мени бирдан ночорлик ва ожизлик чулғади. Жуда руҳим тушиб, умидсизландим. Хотинимнинг айтганларини ҳеч қачон бажаролмаслигимни аниқ сезиб турардим. У ҳам буни тушунди шекилли, нигоҳи бироз юмшади.

— Албатта, маълум маънода сен ҳақсан, — деди у нигоҳига монанд юмшаган оҳангда. — Лекин, кел, мантиқий бир фикрлашиб олайлик. Менга айтганларинг ҳақи-

қатан ҳам ақлга сиғмайдыган нарсалар. Ҳатто, тентакона дейиш мумкин. Агар бувингнинг воқеасидан беҳабар бўлганимда сенга ҳеч қачон ишонмасдим. Бувингнинг каромати тўғри чиққан. Неғалигини билмайман-у, аммо тўғри чиққан. Киши билмаган, кўрмаган нарсани йўққа чиқариши дуғлақо нотўғри. Ҳозир мени бошқа масала қизиқтиряпти. Аслида у доимо менга тинчлик бермаган. Очиғини айт: бувинг ҳақидаги ҳикоя ростми ёки тўқиб чиқарганмисан?

— Тўқиб чиқарганмисан, деганинг нимаси?

— Оддий. Ҳаёлингда тўқиб чиқарганмисан демоқчиман. Чунки одамлар ажойиботларга ишонишни яхши кўрадилар. Лекин бу оламда ажойиботу ғаройибот умуман бўлмагани учун ўзлари тўқиб чиқарадилар.

Хотинимнинг мияси ҳамиша бўлганидек, электрон машина каби бекаму-кўст ишларди. Лекин мен унинг гапларидан хулоса чиқариб, эсимни йиғиб олиш ўрнига аччиқланиб кетдим.

— Рост! Бувимнинг воқеаси рост! — бақирдим мен. — Шуни тўқиб чиқариш мумкинми? Бўлмаган гапни гапиряпсан! Ахир олимлик виждоним бор-ку!

— Ҳеч қанақа виждон йўқ сенда. Ё ҳозир ёлгон гапиряпсан, ёки бувингнинг воқеаси ёлгон. Акс ҳолда тентакларча лаллайиб ўтиришини нима деб изоҳлаш мумкин?

— Нимаси тентаклик? — Умримда бунақа бақирмагандим. — Ўзинг намунча банканинг ичидаги қурбақага ўшаб нуқул бир жойда сайрайсан! Бефойда дедимми сенга, бефойда!

— Нега бефойда бўларкан! — Хотиним ҳам овозини баландлатди. — Ўзинг ўйлаб кўр! Мексика ёки Лиссабондагидек ер қимирласа, виждонинг азобланмайдими?

— Виждонимнинг алоқаси йўқ! — Менинг батамом руҳим тушкунлашди. — Ҳеч ҳам алоқаси йўқ! Чунки қандай ҳаракат қилишимдан қатъий назар ҳеч ким қулоқ солмаслигини, ҳеч ким ишонмаслигини аниқ биламан. Имоним комил бунга. Умуман сен айтаётган ишларни бажаришга ожизман.

Ниҳоят, у менинг аҳволимни тушунди. Юзидаги ҳаяжон йўқолиб, бирдан тундлашди, шўппайганча беш дақиқаи ё ярим соатчаи ўтирди. Юқорида айтганимдек, вақтни ўлчашда объектив мезон бўлиши мумкин эмас. Кейин хотинимнинг юзи яна бироз ёришди.

— Барибир нимадир қилиш керак! Майли, дарс маъносида умуман катта манфаатни кўзлаб, одамларни қурбон қилиш ҳам мумкиндир. Лекин ҳеч бўлмаса сейсмик марказга ёки Академияга бориб кел. У ерда дўстларинг кўп... Иккимиз билгани уларга ҳам очик гапириб бер. Ҳеч бўлмаса шунчаки ҳужжат бўлиб қолади. Ҳар бир фаразни ё исбот, ё инкор қилиш керак. Ҳар икки ҳолда ёнингда гувоҳ бўлиши кераклигини наҳотки тушунмасан?

Мен аччиқ ва фиғонли хўрсиндим. Гувоҳ дейди-я! Бордию ростдан ҳам минглаб, ўн минглаб одам ўлиб кетса-чи? Уша ондаёқ гуноҳсиз гувоҳдан айбдорга айланмайманми?.. Шу айбга яна таниш-билишларни ҳам шерик қилишим қолувди. Бу оламда фикр қиладиган барча шўрпешоналар каби у бечораларнинг қўлида на куч-қудрати, на ҳокимияти бор. Худди ўзимга ўшаб, қўлларидан ҳеч нарса келмайди.

— Майли, — деб жавоб бердим мен. — Бу гапинг баҳарнав... Уйлаб кўраман.

Тунни минг азобда ўтказдим. Мантиқ қонунлари бўйича албатта хотиним ҳақ. У ҳамиша ҳақ. Шафқатсиз мушоҳадаси ёлгонни ҳам, муросаи мадорани ҳам тан олмайди. Хулосаи ҳақиқатлари кескир. Тўғри ва бераҳм. Хулоса эмас, нақ бўриқопқоннинг ўзгинаси, деб айтиш мумкин. Темир тишлари жисмингга маҳкам синчилади-да, қутулишга зиғирчалик ҳам имкон қолдирмайди.

Хотининг ҳақ бўлса, маслаҳатига кир, деб ҳаммангизнинг хаёлингиздан ўтгандир албатта? Олим деган унвонга даъвогарлик қиладиган, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлган одам ҳар қандай ҳақиқатни эътирозсиз қабул этмоғи керак аслида. Лекин бу сафар мен хотинимнинг фикрига қўшилолмасдим. Бутун аъзои баданим қаршилик қиларди. Бутун туйғуларим, эътиқодим, хуллас, ҳамма-ҳаммаси қарши эди.

Гап шундаки, хотиним ҳақ эмасди. Яъни, ўзи учун эҳтимол ҳақ бўлиши мумкин, лекин мен учун ҳақ бўлолмасди. Мен бу чалкашроқ гапларни сўз ўйинига иштиёқим борлигидан эмас, аслида ҳам шундайлиги учун гапиряпман. Кишининг ичида ўрнашиб олган бегона бир куч орқага тортиб, оёқсиз-қўлсиз қолгандан баттар ночор қилиб қўйса-ю, у одамдан фаолият талаб этилса, бу бемаънилик ва аҳмоқлик эмасми?

Фикримни равшан ифодаламаётганимни ўзим ҳам билиб турибман. Айниқса ўзи тажрибасиз, лўнда гапларга ўрганган кишининг тушуниши қийин. Аммо одамзотнинг изчилликдан чиқиб кетиб, пойма-пой ишга уннаб кетишини кўп кўргансиз, тўғрими? Дилидагини тилига чиқариши ҳам камдан-кам рўй беради. Боз устига баъзан қутилмаган, айтишим мумкинки, ақлга тескари ишлар қилиб юборади. Дунёда изчил бўлишдан ҳам оғир иш бўлмаса керак. Бироқ, изчиллик деганининг ўзи нима? Нимага ва кимга садоқат билан изчил қолиш керак? Ўзига ўзини? Жуда нари борганда ақл ёки идрок деб аталувчи вужудининг бир парчасидами? Шундай қилинганда ҳам бари-бир одам ўзини ўзи охиригача билиб ололмайди. Негаки, бу — одам дунёдаги ҳамма ҳақиқатлар-

ни билиб олади дегани бўлади. Бизга ажратилган қисқа умр эса бунга имкон бермайди. Қуш бўлиб осмонга учидан оғир бу иш. Одам бир кун келиб қуш бўлиб учиши мумкин, чунки табиатида шундай имкон яширинган. Аммо ўзини-ўзи охиригача билиб олиш... кечирасиз-у, мумкин эмас.

Инсон табиатнинг энг мураккаб маҳсули эканлиги шубҳасиз. У юз хил қиёфага эга бўлиши мумкин-у, аммо уларнинг иккитаси ҳамisha бошқаларидан устун тураверади. Булардан бири — инсоннинг ҳозирги даражадаги туриш-турмуши, иккинчиси эса — миллион йиллар давомидаги ривожланиш қиёфасидир. Ахир алоҳида олинган инсон ўзини билиш учун бу йўлни бошқатдан босиб ўтолмайди-ку, тўғрими?

Бир неча йил муқаддам патлари тўкилган кичкина тўтиқушим ва Мери лақабли мушугим бўлгувчи эди. Мушук ниҳоятда ёқимли, тарбия кўрган бўлиб, худди одамга ўхшаб ҳожатхонадан фойдаланишни билар, ўзининг тақсимчасидан ташқарида турган овқатга қараб ҳам қўймасди. Ҳамиша яхшилаб қайнатилган гўшт билан боққанам учун у ҳеч қачон қон исини сезмаганди.

Креслолардан бирида Мерининг ёқтирадиган жойи бўлиб, у ўша ерда баъзан соатлаб киприк қокмай, кўзларида мушукка хос бўлмаган мароқланиш, меҳр билан тўтиқушга тикилиб ўтирарди. Хотиним икки жониворнинг дўстлигидан жуда хурсанд эди.

— Бир-бирининг иноқлигини қара! — дерди у. — Нақ ака-сингил-а

Мен индамасдим. Ҳайвонларни одамлардан кўра яхшироқ билганим учун, эртами-кечми барибир мушук тўтиқушни еб қўйишни ҳам билардим. Бир куни айтганим бўлди. Мерининг ўзи билмак қилиб қўйган ишидан ҳайрон қолганини тасаввур этиб кўрдим. Йўқ, мен мушукни урмадим ҳам, тергамадим ҳам. Зеро, бундан ҳеч қандай наф йўқ эди. Табиатга қарши боришдан фойда чиқармиди? Табиат одамдан кучлироқ ва ақллироқ. Тўғриси айтса, табиатга қарши бориш ҳам, баъзан эса, алдаш, келишган ҳолда бирон фойдали ишни амалга ошириб олиш ҳам мумкин. Аммо уни энгиш мумкин эмас.

Албатта, юқорида келтирганим қўпол мисол. Ҳаётда кўпинча анчагина мураккаб ҳодисалар рўй беради. Мисол учун, мен хотинимни яхши кўраман деб ҳисоблайман. Шундай ўйлашим учун ҳамма асослар бор. Бирга кечирган ҳаётимиз ҳам бундан далолат беради. Шунга қарамай, қалбимнинг энг чуқур ковакларидан хотинимга қарши авоват яшириниб ётмайди, деб ишонч билан таъкидлайман. Нега энди яшириниб ётмас экан? Ахир у дунёда биронта одамда йўқ бўлган нарсага, яъни менинг устимдан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга-ку! У менинг дунёқарашларимга, ҳис-туйғуларимга зуғум қилади. Зилзилани айтганимдан кейин бўлгандек, менинг хатти-ҳаракатларимга ўзича йўналиш беради. Тўғри, жуда эҳтиёткорлик билан, лекин ҳамisha йўналиш беради. Инсон эса ҳамма нарсага кечириси мумкин, бироқ зуғумни кечиролмайди.

Йўқ, хотиним ҳақида бундай фикр юритишни хоҳламайман! Мумкин эмас. Унинг сиймоси қалбимда мусаффолигича турсин. Лекин шунга қарамай, ўзининг хотинимга нисбатан кучлироқ, нозикроқ одамлигини сезиб тураман. Ҳатто хаёлимда ҳам уни танқид қилмайман, фикрларини ўзгартиришга уринмайман, камчиликларини ўйламайман, уларни тафтиш қилмайман. Мен учун биринчи танишган кунларимиздагидек қиёфада сақланишини истайман. Шунинг иложи бормикин... Ҳай, номаълум-ов...

Уша куни кечаси билан хотинимни, унга боғлаб эса каромат қилган лаънати зилзиламни ўйлаб чиқдим. Зилзилани унга айтмаслигим мумкинми? Йўқ, мумкин эмасди. Сир сақлаш ҳақидаги фикр калламга ҳам келмаганди. У эса кўп нарса сир сақлайди. Хотиним мени алдайди демоқчимасман. Шунчаки, мени ташвишга солиши, нохуш фикрлар уйғотиши мумкин бўлган воқеаларни айтмайди, холос. Ўз наздида мени айб, илмий ишмига ҳалақат берадиган нарсалардан иҳота қилади. Эҳтимол бунга ўзим, аниқроғи кўнгилчанлигим айбдордир. Ҳар ҳолда ўзимга айб тўнкаб кўпинча хотинимни оқлайман-у, ичимдаги ҳар бир ҳужайрам бундан норози бўлади.

Зилзила масаласига келсак, унинг юз беришига заррача шубҳаланмасдим. Қизиқ бир ишонч... Буни ҳеч изоҳлаб беролмайман. Устига устак, бир пайтлари бувим ўзининг шикастланишига амин бўлганидек, менда бу зилзиладан шикастланмаслигимга қатъий ишончим бор эди. Энди бу хусусият менга бувимдан ўтганга ҳеч шубҳа қилмайман. Аммо у кеча мени бутунлай бошқа — нега хотиним айтгандек йўл тутишга қурбим етмаяпти, нега шуни истамаяпман деган масала қизиқтирарди. Бу нарса хотиним учун ёки, шу масаланинг ўзи учун ҳам эмас — ўзимнинг хатти-ҳаракатларимни тушуниб олишим учун зарур эди.

Бувим ер қамирлашини олдиндан билган. Худди қадимги фолбин маъбудаларга ўхшаб уни сезган, кўрган ва каромат қилган. Хўш, нега ўшанда бошқаларни огоҳлантирмади? Хўп, отамга ўзини қўтқариб қолиши важдан айтганига имоним комил. Ёнидаги бедаво дардга чалинган икки хотинга нима учун айтмаган? Бунисига ақлим етмайди. Худо ҳаққи, билмайман. Эҳтимол, сўнги дақиқада хотинларга айтган ва улар ўз халоскорларига ҳам қарамай ташқарига қочиб чиқишган бўлишлари мумкин.

Бувим кароматни очиқ ва лўнда қилиб фақат менга айтган, бутун бошли оммадан фақат мени ажратиб олганди. Балки мени ўзининг бир парчаси деб қабул қилишга кўникканидан шундай қилгандир? Ёки ўзининг давоми деб қарагандир...

Мен тонг ёриша бошлаганда ухлаб қолдим. Назаримда, ўйлаб-ўйлаб баъзи нар-

саларнинг тагига етгандим. Ҳар ҳолда бувимнинг вужудидаги ҳақиқатнинг бир парчасини илғаб олганим аниқ эди.

Буни тушунтириб беришим қийин. Ҳар ҳолда бувим борлиқнинг қонунлари ўзгармас эканлигига қуқур ишонган. Албатта, бир қараганда бундай дейишим баландпарвозликдан, катта кетишдай туюлса-да, аслида жуда оддий. Сабаби, ҳар бир одам хайвонлардаги инстинктга ўхшаган нарсани ўзида олиб юради-ю, моҳиятига тушуниб етмайди. Бувим ёш, куч-қувватга тула, бахтиёр аёл бўлган. Эрининг ўлиmidан кейин эса ёлғиз қолган. Лекин ҳаётнинг табиий маромини ҳеч нарса бузиши мумкин эмас.

Оддий одамларнинг ўзлари сезмайдиган бу фалсафий қарашларда жуда доно бир хусусият бор. Улар умумбашарият тақдиридан ўзлариникини алоҳида тасаввур қилолмайдилар. Ҳаётдан эҳсон кутмайдилар. Ташқаридан кутаётган ёрдамнинг эса бекорга беришмайди, аввал ўтказиб қўйиши керак. Ҳамма нарсани ўзинг яратиши керак. Худо сенинг ерингни ҳеч қачон ҳайдаб бермайди. Ўлганида тирилтириб қўймайди. Бу нарса эса, гарчи баъзан ожизона илтижоларини қаратсалар-да, аслида одамларнинг худого ишонмасликларини аён қилади. Ҳаёт китоби бир мартага ёзиб қўйилган ва унда ёзилганларни ўзгартириш ҳеч кимсанинг қўлидан келмайди.

Бувимнинг зилзиласи ҳам ўша китобга ёзилган эди. Шунинг учун турмушнинг синовларида қанчалик бўйсунмас ва курашчан бўлмасин, китобдаги айтилганига сўзсиз кўнган. Зилзилада озгина талвасага тушиб, сўнгги нафас чиқаришни буйини олган.

Ухлашдин олдин мен бир қарорга келган эдим. Хотиним сўраб ўтиришини кутиб ўтирмай, унга шундай дейман:

— Мени ўз ҳолимга қўй. Сен айтганларнинг биронтасини ҳам бажармайман. Бажариш қўлимдан келмайди. Айтганларингнинг мен учун қанчалик тубанлашиш эканлигини наҳотки тушунмасанг?

Эртасига соат тўққиз бўлганда кўзимни очдим. Хотиним мени уйғотмай ишга кетибди. Биргаликда яшаётган давримизда бунақаси биринчи бўлиши эди. Аммо бир пиёла сут билан бир бўлак колбасадан иборат нонуштамни тайёрлаб кетган экан, қасдма-қасдликка ҳеч нарсага қўл урмадим. Мени ҳамиша хўрлайдиган маслаҳати ҳам, меҳрибончилигию хайрихоҳлиги ҳам керакмас. Фақат мени тушунишни истардим.

Ўзимни чалғитиш учун столимда икки ҳафтадан бери мунтазам турган журналларни титкилай бошладим. Тириклик кимёсига тааллуқли ўзимнинг журналларим. Бутун дунёда очилаётган ва бундан бир неча ўн йиллар муқаддам ақл бовар қилмайдиган бўлиб туюлган янгиликларга кўмилиб, тушликкача ишлади. Лекин бутун иш жараёнимда қалбим бўм-бўш, дилимни норозилик ўртар эди. Изланишларим тўғримикин деган гумон қайта-қайта юрак бағримни тирнарди. Бувим ҳамиша хавфсираганидек, йўл танлашда янглишмаганмикинман? Биология билан шунча йил шуғулланиб, ҳозирча топган қарорим шу бўлдики, то олам тургунча ҳаракат қилинса-да, колба ва пробиркаларда сунъий ҳаёт яратиб бўлмайди. Чунки тириклик фақат боқий борлиқ ичида яратилиб, унинг ичидагина йўқ бўлади. Унинг туғилиши фақат қариллиги билан ўлчанади. Унинг туғилиши ёки ўлиши бутун бошли коинотнинг туғилиши ёки ўлиши билан тенгдир. Аммо ишлаб ўтирган чоғимда миям қизиб, бутун фикрларим чалкашиб кетганидан муҳим бир хулосага келолмадим. Албатта, тириклик ичида қайсидир маънода кимёвий жараён ҳам бор. Лекин қайси даражада? Физика даражасидами? Бу савол ўзимга ҳам бемаъни бўлиб туюлди.

Хотиним ҳамишагидек, соат бешларда қайтди. Турқи шунчалик совуқ ва ҳиссиз эдики, юзи мумдан ишланган деяверса бўлади. У индамай ошхонага ўтиб кетди-да, ўша ерда кечгача куймаланди. Уқтин-уқтин эшитилаётган товушлардан емак ҳозирлаётгани маълум эди. Хотиним овқатларини ошпазлик китобига қараб, ҳафсаласиз, завқ-шавқсиз тайёрларди. Шунинг учун мазаси ҳам ҳаминқадар бўларди. Одатда тушликни бир ўзим ердим, кечки овқатни эса биргаликда қилардим. Соат саккизларда у кабинетим бўсағасида намоён бўлди. Юзи олов таъсирида хиёл қизарганига қарамай, ҳамон совуқ ва ифодасиз эди.

— Овқат ейсанми?

— Йўқ!

— Нега?

— Нега, нега?!. Фойдаси йўқ.

У менинг шамамни жуда яхши тушунди. Совуқ нигоҳида нимадир силтанди.

— Ҳалок бўламиз демоқчимисан?

— Унақа демоқчимасман, — деб жавоб бердим мен. — Лекин уруш — урушда. Хужумга қоринни қаппайтириб борилмайди.

У бир сония иккиланиб, кейин чиқиб кетди. Қадам босишини анча мунгли, ҳатто ночор ҳам дейиш мумкин эди. Ҳарҳолда тош эмас эканку, дегандек, бироз мамнун бўлдим.

— Донкани далага обориб ташладим, — деди у ўша ёқда. — Владко билан бирга, албатта. Владко учунгина ён босдим. Бошқа одамга аралашингга ҳаққим йўқ.

Бизнинг Ликатник яқинда кичкинагина финча ёғоч уй қанқайтирилган дала ҳовли-

миз бор эди. Бу йил ҳисобидан ҳали у ерга чиқиб ҳам кўрмагандик. Тўғриси айтсам, чалкаш-чулкаш фикрларим билан ёлғиз қолишни истамаганим учун у ёққа чиқишни ёқтирмасдим. Ёлғизлик фикрларимни тартибга солиш ўрнига баттар чалкаштирарди. Дала ҳовлининг ўзимга ёқмаслигига қарамай, набирамиз учун хавфсиз жойни яхши топганини тан олдим. Тўғриси айтсам, набирамиз Владкога боболик меҳрим жуда кучли эмасди. Барибир дала ҳовлига обчиқиб яхши қилибди. Финча уй атайлаб зилзила учун мослангандек қийшайиши, дарз кетиши мумкин эди-ю, ҳеч қачон босиб тушмасди.

— Узинг нега қолмадинг ўша ёқда?

— Нега қоларканман? — деди хотиним аччиқланиб. — Фақат Владко учун истисно қилишни мумкин. Бошқаси билан ишим йўқ.

«Фақат Владко», «бошқаси билан» деганларини мен яхши тушунаман. Хотиним дангаса, иш ёқмас қизимизни унчалик хуш кўрмасди. Бултур Данко эридан ажралди-ю, уйимизда бўш хона борлигига қарамай, биз билан яшашни истамади. Унинг бу иста-маслигига хотинимнинг таъсири борлигига қаттиқ шубҳаланардим. Данко эридан ажра-лаётган пайтда ҳам куёв томонда бўлгани учун миқ этиб оғиз очмаганим.

— Бугун кўчага чиқдингми? — тўсатдан сўраб қолди хотиним.

— Йўқ, — дедим мен ғазабимни базўр босиб туриб.

— Нега чиқмадинг?

— Неча марта айтгай сенга, чиқишимдан маъно йўқ!

— Ахир биз келишгандик, келишган пайтимизда эса доимо ваъдани бажарардик: мен ҳам, сен ҳам...

Бу гап рост эди. Лекин ростлигига қарамай бизнинг келишувларимизда у эмас, ҳамisha мен ён босардим.

— Наҳотки менинг нечоғли ўнғайсиз вазиятга тушиб қолишимни тушунмасанг? Менсиз ҳам шу замонда руҳлар, спиритик сеанслар, бурж белгилари деган аҳмоқона бидъатлар болалаб кетган. Сен назарда тутган одамлар менинг гапларимдан худди петричелик машҳур азайимхон аёл ҳақида ривоят эшитгандек кулишади. Ичларида ишонишади-ю, ташларида кулишади.

— Ҳа, кулишади-ю, лекин зилзиладан омон қолиш ҳаракатига тушишади. Шундай-ми? — сўради у кўзларида алланарса ярқ этиб.

— Йўқ, ундай қилишмас керак. Чунки одамлар ўлгудек тутуруқсиз иш тутадилар. Кўкрагига урган даҳрийлар яширинча дуо ўқиб, ўта диндорлар эса ўз худоларини ичларида ёмон кўришларига имоним комил!

Албатта, хотиним ўзининг математик мушоҳадаси билан оддий ҳақиқатларни қабул қилолмасди. Чунки бундай ҳақиқатлар унинг ички дунёсидаги тартибни ағдар-тўнтар қилиб юбориши мумкин эди. Уша оқшом у менга узоқ тикилиб, чарчаб кетган генерал-дек ўзини креслога ташлади.

— Ҳеч ақлим етмайди! — деди у мунгли пинғиллаб. — Қўлида шундай далил, яна шундай ажойиб кўзлари бўла туриб ундан фойдаланмасликни ҳеч тушунолмаيمان.

Сабр косам тўлиб борарди. Лекин унинг гранит калласига оддийгина шу фикрни қандай жойлашни билолмасдим.

— Э, қанақа далилни гапиряпсан ўзи?! — бақирдим мен. — Агар Келдиш-нинг<sup>1</sup> ўзи келиб гапларимга қўл қўйиб берганда ҳам, буни тасодифий воқеа деб қара-шади одамлар. Асосий қонунларга зид келгани учун уни далил деб ҳеч ким айтмайди.

— Қайси асосий қонунлар? — пичинг билан сўради у.

— Мисол учун физикани олайлик! «Метафизика билан шуғулланыпти» деб ҳамма-си шу заҳотиёқ увиллашга тушади.

Хотинимнинг совуқ кўзларида яна ҳаёт учқуни йилт этди.

— «Метафизика бу физиканинг ўрганилмаган қисми» деган оддий фикр хаёлингга келмадими? — сўради у кинояси сал сусайган оҳангда. — Яқингача биз Ойнинг ҳам тескари тарафи ҳақида ҳеч нарса билмас эдик...

Шу билан баҳсимиз узилиб қолди. Икковимиз ҳам нимадандир хавфсирагандек ортиқча бир сўз қўшишдан ҳадисирардик. Кечки овқатга қўл урмадик. Нохуш туйғулар-дан чалғиш умидидами ёки кутишнинг оғир юкини енгиллатиш мақсадидами, телеви-зорга қараб индамай ўтириб олдим.

Афсус, кўрсатув жуда зерикарли экан. Худди шу ҳол — кўрсатувнинг чучмаллиги, ҳақиқий инсоний кечинмалардан узоқлиги мени: «Зилзила нимаси? Ҳеч нарса бўлмай-ди, бу дунёда ажойибот йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган» деган фикрга олиб борди. Лекин шу заҳотиёқ ичимда қаттиқ оғриқ туриб, вужудим азобли тортиша бошлади. Мен дар-ров фикримдан қайтдим. Йўқ, агар баримизни харобалар босиб қолса ҳам, зилзила рўй беради! Ҳақиқат борлиги учун, умиднинг ўлмаслиги учун ҳам бўлади. Инсон ўзининг атрофидаги улкан оламини ҳамisha сўқирдек кўрмай ўтавериши мумкин эмас.

Қулоғимга биринчи бўлиб нозик жиринглаш овози эшитилди. Бир пайтлари лўли-лардан қўйнинг бўйнига осиладиган қўнғироқларни сотиб олиб деворга осиб қўйган-

<sup>1</sup> Келдиш — СССР Фанлар академиясининг президенти.

дим. Йигирма йилдан бери баъзан-баъзан, девор чанги супирилайётгандагина жиринглаб қўядиган бу кўнғироқлар зилзилани биринчи бўлиб сезишганди.

— Ана! — деб юбордим. — Бошланди!

Шу сонияни ўта сабрсизлик билан мен эмас, бошқа одам кутгандек, жуда ҳайрон қолдим. Тепадаги қандилга қарадим. У ҳам аста чайқаларди. Шу пайт жанубий деворимизни деярлик бошидан охиригача эгаллаган дераза, худди портлаш рўй бергандек, кучли зангори нурда яллиғланди. Вужудимни умримда сезмаган даҳшат қоплади. Урнимдан шартта туриб, ўзимнинг жонимдан булак нарсани мутлақо ўйламай, худди уйқусираётган одамдек эшикка интилдим. Икки қадам босишга улгурмасимдан хотиним жон-жаҳди билан қўлимга ёпишди.

— Қимирлама! — бақирди у. — Жойингда тур!

Қоққан қозикдек туриб қолдим. Иморат эса силкингандан силкинарди, худди ҳозир босиб тушадиганга ўхшарди.

Кейин ҳаммаёқ тинчиди.

Мана шундай силсилаю зилзилалар билан баъзан тўсатдан хулосалар яшаш фурсати ҳам етиб келади. Айрим ёзувчилар айтиши мумкин бўлган бу сўзлар чиройли янграгани билан мазмунан аниқ бўлмаслиги мумкин. Аслида эса, агар бу ундалмани биз каби оддий бандаларнинг ҳаётига қиёсан оладиган бўлсак: фурсат эмас, аччиқ, оғир, шунинг билан бирга ташвишли ҳафталар ва ойлар ҳақида гапирмоқлик даркор.

Зилзиладан қандай даҳшатга тушган бўлмайми, у мени кутганимдек ларзага солмади. Эвазига мен ўзимнинг бошқаларда бўлмаган бир салоҳият ёки қобилият эгаси эканлигимни билиб олдим. Ростмана маънода яқун ясайдиган пайтим етиб келганлигини ҳам англадим. Лекин яқун яшашга шошилмадим. Шошилиш мумкин эмасди. Боз устига зилзиладан кейинги биринчи кунлари хотиним ҳақидаги ташвишлар мени азобларди.

Масала шунда эдики, зилзила иккимизнинг орамиздаги тушунмовчиликларни бартараф қилиш ўрнига, кескинлаштириб юборди. Уша даҳшатли дақиқаларни ҳеч қачон унутмаслигим учун ўзимни хўрланган ҳисобланиш у ёқда турсин, ғазабимдан қайнаб кетаётгандим. Ахир у қўлимдан ушлаб қолиши билан мени ўлдирмоқчи бўлди-ку! «Ҳеч кимга хабар бермадик, энди ҳамма билан тенг турамыз» мазмунида ўзича ҳалоллик, бурч деган юксак ахлоқий ақида юзасидан бўлса-да, мени ўлимга маҳкум этди! Тўғри, ўзи ҳам бирга ўлишга тайёр эди. Мен унисини ўйламасдим. Ўзи билан нима ишим бор? Лекин мени ўлимга маҳкум этишга қандай ҳаққию қандай асоси бор? Одам қанақа мақсад, қанақа ақидани ўйламасин, ўзидан бошқа бировнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилишга ҳаққи йўқ!

Мен шундай хаёлларга бориб, ғазабланар, лекин унинг кўзига тик қарашга ботинолмасдим. Иккимизнинг орамизда олимлару сиёсатчилар «вакуум» деб ноаниқ ифодалайдиган жуда ёқимсиз бўшлиқ пайдо бўлди.

Хотинимга нисбатан жуда қаттиққўллик қилиб, бир ёқлама ҳукм чиқаряпманми, деган андишага ҳам борардим-у, дарров уни инкор этардим. Йўқ, ҳар бири киши барибир қайсидир тарафга ён босиб бир ёқлама фикр қилади, лекин охир оқибатда мен ҳақман! Унинг ақида ва мақсадлари нечоғлик юксак бўлиши билан нима ишим бор? Ўзига буюрсин! Ҳар қанақа яхши дунёқарашлигидан қатъий назар, уларни бировга мажбуран ўтказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳар бир киши ўз ахлоқ тушунчаларига ўзининг йўли, ўзининг сўқмоқлари билан бориши керак.

Зилзиладан кейинги биринчи кунлари мен ана шундай ўйлардим.

Сўнграқ эса, худди зилзилани сезгандек, изоҳлаб бериш мумкин бўлмаган йўлим билан хотинимнинг азобланаётганини ҳам тушундим. Лекин тушунганимдан кейин ҳам уни кечиролмадим. Одам ҳамма нарсани авф этиб юбориши мумкин-у, ўз ҳаётига қилинган тажовузни ва зулмни ҳеч қачон кечиролмайди. Сабаби, ҳаётнинг ягона ва қайтарилмас эканлигини фақат одамгина яхши тушунади. Ҳа, мабодо, «ҳаёт мангу» деган аҳмоқона фикрга ишонган тақдирда ҳам инсон ҳаёти ягона ва қайтарилмасдир. «Қайтар дунё» тушунчасига ҳамма нарсани киритиш мумкин, бироқ вақт ўзининг кириб чиққан маконига ҳеч қачон қайтмайди.

Шу фикрлар хулосаси сифатида хотинимнинг қийналаётганини кўрсам ҳам юрагим илимас, музлигича тураверар ва бу бешафқат музликни эритиш ихтиёримдан ташқарида эди. Хотинимнинг барча яхшилигию меҳрибончиликларини эсимга олардим, айниқса, ота-онам ўлиб, дилим ўксиб юрган пайтдаги фидокорликларини ўйлаганимда ҳам фойдаси бўлмасди. Баъзан кўнглим юмшаб, ярашишга тайёрдек кўринарди-ю, бу ҳолат бир неча дақиқа ёки бир неча соатдан нарига чўзилмасди. Совуқлик ва бегоналик яна исканжага оларди.

Вазият ниҳоятда хавфли эканлигини, бошқа биронта масала менга бунчалик хавфли бўлмаслигини тушунардим. Барча муносабатлар чил-парчин синиб кетмаслиги учун бирон тadbир топиш лозим эди. Лекин қанақа тadbир қайси куч билан қилиш кераклигини билмасдим. Иккинчи томондан эса, ўзи уруш очдим — ўзи бартараф қилсин дердим.

Аммо хотиним миқ этмасди. Барча фазилатлари қаторига мағрурлиги ҳам қўшилганди. Шунинг учун хулосаи яқун ҳақида ўйлашга беихтиёр мажбур бўлардим.

Хотиралар оламида орқага қайтиб, ҳаётни бошқатдан мушоҳада қилиб чиқиш мен ўйлагандан кўра жуда оғир иш экан. Шу иш устида кунлар кетидан кунларни ўтказарканман, туриб қолган ва қўлга чип-чип ёпишадиган хамирга ўхшаб, борган сари тундлашиб, ачиб борардим. Мантиқан аниқ фикрлаб, тиниқ категориялар билан иш кўришга одатланган мен сингари олим учун ўтмиш хотираларини тартибга солиш — чидаб бўлмас даражада мушкул иш экан.

Хотира ўзи нима дегани? Ҳар сонияда ўзгариб, бири-биридан ғаройибу ажойиб шаклга кириб турувчи ёзнинг енгил булутларига ўхшаган нарса. Ана шу нарсадан, истаган илмий текширувдан муваффақиятли ўта оладиган мантиқий йўлни яратиш мумкинми?

Албатта мумкин эмас!

Мумкин эмаслигини билгач, эсдалик ёзиш керак, хотираларни бир ипга тизиб, тирик сиймолар ёрдамида муаммоларимни ечишим керак деган қутлуғ (балки бадбахтдир) фикр келди миямга. Аввалига уддасидан чиқармиканман, қўлимдан келмаса кераг-ов, деб чўчидим.

Аслида-ку, гимназиядаги адабиёт муаллимасининг севимли ўқувчиси бўлганман. Лекин муаллима, ёзувчилик иқтидори бор, деб мени суймаган бўлса керак! Тўғри, энди-энди билишимча, адабиётга меҳри нечоғлик кучлилигига қарамай, у аёл ҳозирги ҳолимда адабиётни мендан ёмон тушунаркан. Кучимни синаб кўраверишим керак. Ҳеч бўлмаса рутубатли хаёлларимдан қутуларман. Хотираларни хаёлни катта тешикли тўридан кўра, қоғозга тўплаш осонроқ.

Хуллас, қўлимга қалам олдим. Уч кун ичида ахлат саватини ғижимланган қоғозларга тўлдириб, ниҳоят биринчи бетни ёздим.

Ҳақиқий ёзувчилар қўшиладиларми-йўқми билмадим, аммо энг қийини шу биринчи бет экан. Кейин ишим шунчалик тез кетдики, ўзимга ўзим қойил қолдим. Шу аснода, жуда ҳурмат қиладиганим, ёзувчилик касби ва иқтидорининг бунчалик осонлигидан ҳафта ҳам бўлиб кетдим. Лекин ўнинчи бетга етганда таққа тўхтадим. Енгилмиш-а! Йўқ, қаттиқ янглишган эканман. Эҳтимол, чиройли сўзлар ва, борингки, ёрқин образларни ҳам бир-бирига тиркаш қийин эмасдир. Лекин менинг ёзганларимда нимадир етишмай, бутун ишни чиппакка чиқарарди.

Бу ерда қўштирноқни жиндек очишимга, борингки кўпроқ ҳам очишимга тўғри келади. Чунки бошқа иложим йўқ экан. Ўзингиз сезган чиқарсиз, мантиқий мушоҳада эгаси ва ўта амалиётчиган деб минг кўкрагимга урганим билан оз-оз бадий диддан ҳам маҳрум эмасман. Яна ким билади дейсиз? Негаки баъзибир илганишларим бунинг аксидан далолат беради. Мисол учун, ҳозир кўпчилик томонидан анча эскирган деб ҳисобланувчи Сомерсет Моэмни яхши кўраман. Шу билан бирга ҳозирги модадаги Чивер ва Гор Видалларни ҳам мароқланиб ўқийвераман. Баъзан эса, ўзи кимман, қаерданман деган саволга жавоб беролмай қоламан. Узим олим бўла туриб, калтабин ва ўзига бино қўйганликлари учун технократларга ҳеч тоқатим йўқ. Санъат фандан кўра мукамалроқ деган фикрга ҳамиша содиқман. Эйнштейнга физикасидан ҳам кўра фалсафаси учун сажда қиламан. Эйнштейннинг ўзи ҳам санъат ҳақиқати билан фан ҳақиқатини тенг қўйган. Аслида, фан — ҳақиқатни излайди, санъат эса уни яратади. Санъат табиатга ўхшаган жонлидир; фан эса кўпинча табиатнинг жонини оладиган тифдир.

Антиқа фикрлар эканлиги, айниқса олим одам айтаётганлиги ҳисобга олинса, инчунинлиги ҳаммага аён, тўғрими? Тан олишим керак, қўлимга қалам тутганимда улар мен учун бунақа равшан эмасди. Улар асарим билан биргаликда етилиб боришди. Унинчи саҳифага етганда нима сабабдан тўхтаб қолганлигим энди тушунарлидир сизга? Сабаби жуда оддий. Ҳар қанақанги бадий асар ўзида қандайдир ҳақиқатни, қандайдир ғояни мужассамлаштиради. Мен эса ҳақиқатим нимадан иборатлигини билмасдим, яқин орада билишим ҳам муаммо эди. Бўлмаса нега ёзасан, деган савол туғилади.

Сабаби бундай.

Менимча, ҳар бир ёзувчи ҳам қўлига қалам олган заҳоти ўз ҳақиқатини ҳали тугал билган бўлмайдди. Ҳар бир банди оғизиники сингари уларнинг миясида ҳам аҳмоқлик ва бир ёқламаликдан етарлича бор. Уларнинг ҳар бири муҳиту борлиқни гўзаллик ва уйғунлик қонунларига биноан қайта яратишга, яъни ҳақиқатга меҳнат жараёнида эришадилар. Албатта, бунинг учун гўзаллик ва уйғунлик қонунлари уларнинг туйғу ва мушоҳадаларидан жой олган бўлиши керак.

Хўш, бу аста-секинлик услубини мен ҳам қўллашм мумкинмасми? Агар ёзаётган қиссамни мушоҳада қилсам, ҳақиқатга етган бўламан-ку. Ўша, умр бўйи излаган ҳақиқатимга, тўғрими?

Сизларни зериктирворганимни сезиб турибман. Ҳамма гап аслида шунда: санъат билан қўшилганда фан фақат ишти мумкин. Лекин фан санъатнинг паккасига сўқилгудек бўлса — илҳом париси ҳаммолга айланади-қўяди. Шунинг учун, қўлимга қайтадан қалам олишдан аввал икки ой вақтни ўтказиб юборганим каби, сиз ҳам саҳифани ўтказиб юборишингиз мумкин. Тўғри, мен бу икки ойни ўз айбим билан эмас, фалокатнинг



аралашуви туфайли ўтказиб юбордим. Лекин бу ёғини айтишга шошилмайин-да, биргалашиб қиссамнинг воқеасига ўтайлик. Гарчи, хотиним менинг ҳақиқатимдаги бир бўлак бўлса-да, уни ҳам бир чеккага қўйиб, масаланинг тугунчаси бўлмиш зилзилага қайтамыз.

Уни ҳамма яхши эслайди. Зеро, биз сейсмик жиҳатдан хавфли мавзеда яшасак-да, бунақа кучли зилзила Булгорияда эллик йилдан бери кўрилмаганди. Бувимга тааллуқли зилзилани қиссадан биласизлар. Иккинчи зилзила келтирган зарардан кўра, унинг ваҳимаси кучли бўлди. Аҳоли ўртасида таҳлика туғдирмаслик ниятида биринчи хабарлар атайлаб юмшатиб берилди. Мен эса уни жуда серталафот дея каромат қилгандим. Чанг-тўзон тўфони ичида батамом қулаб тушган иморат кўзимга аниқ кўринганди. Шу иморат бормикин? Бўлса қаерда? Кароматимнинг рост ёки ёлғонлигини қандай қилиб текширсам экан?

Зилзиладан икки кун ўтгандан кейин ўша иморатнинг расмини газетада кўриб қолдим. Свиштовдаги бу оддий турар жой биноси пойдеворигача вайрон бўлган эди. Расм мени зилзиланинг ўзидан ҳам кўпроқ лол қилди. Зилзила юз берганда, уни ҳамма қатори кутмаганимдан кўрққандим, холос. Расм эса қаттиқ ҳаяжонга солди. Эсанкираган ҳолда хонамга қулфланиб, ўзимга келиш учун кушеткада ярим соатлар чўзилиб ётдим.

Бир воқеани у содир бўлишидан аввал кўролганимга энди шак-шубҳа қолмаганди. Ҳа, илон, каламуш ёки юмронқозиклар каби алоҳида аъзо орқали сезган эмас, кўзим билан кўрган эдим.

Бировни ҳайрон қолдириш ниятим йўқлигига ишонинг. Бошимда ўтгани ростдан ҳам нотабиий нарса. Лекин, замонавий физика ҳам илмий нуқтаи назардан келажакка ўтиб келиш имкониятини тугуруқсиз деб ҳисобламаслигини-да унутмаслик лозим. Фақат бунинг учун ҳозирча топилмаган ўта буюк суперэнергия керак.

Демак, назарий жиҳатдан бундай имконият мавжуд. Амалий тарафига ўтсак, масала бошқачароқ туюлади. Менинг ожиз аминокислоталардан тузилган нимжон ва ўзгарувчан жисмимда бундай ўта буюк суперэнергия қандай пайдо бўлган? Албатта булар тугуруқсиз ва тушунуқсиз муаммолар. Аммо суперкуват худди ана шундай тушунуқсиз муаммолар ичида эмасмикин? Боя айтганимдек, бу ерда навбатдаги тугуруқсиз фаразга ўрин бериш жоиз эмасмикин? Балки у энергия улкан эмас — тирик жисмга ёки инсон онгига тааллуқли ўта ўзига хос бўлиши керакдир?

Умримда ўзимга бино қўйган, ўз кучимга ҳаддан зиёд ишонворган одам эмасман. Ўзига бино қўйиш аҳмоқлик билан калтабинликнинг энг ёрқин намунаси. Аниқ билиб олмагунча бир нарсани таъкидлаб гапирмайман. Лекин текшириб аниқланмасдан туриб бекордан бекорга ҳеч нарсани инкор ҳам этмайман.

Яна зериктирарли қилиб гапира бошладим шекилли. Хуллас, биохимияни ташлаб қўйиб, ҳозир биологиянинг биофизика деб аталадиган бошқа муҳим соҳаси билан шуғуллана бошладим. Кунига саккиз-ўн соатлаб, батамом ҳолдан тойгунча китобларни ўқидим. Аввалига хотиржамлик ва осойишталик билан муфассал конспект олиб бордим. Кейин асабийлашиб, қизиққонлигим тутта бошлади. Электрон, электр майдони деган, битта менга эмас, ҳаммага ҳам яхши тушунилмайдиган нарсалар жиғимга тегаверди. Электр майдони деган падарлаънати ўзи нима? Эйнштейннинг ўзи ҳам унга тўла жавоб беролмаган! Келажакка кириб-чиқа оладиган менинг майдоним эса ундан беш баттар тушунарсиз ва сирли эди.

Баъзан кўчаларда батамом эзилган ҳолда соатлаб юрарканман, атрофимда қандайдир воқеалар пишиб етилаётганини, тўсатдан қандайдир ўта сирли ёки тушунтирилиши жуда оддий бир ҳодиса юз беради-ю, излаган нарсамни бирдан ярқ этиб кўриб қолишимни элас-элас сезиб турардим.

Уша кўни аниқ эсимда. Университет кутубхонасини мўлжаллаб, соат ўнларда уйдан чиқдим. Ҳаво жуда яхши эди. Йўлчаларда ялтираб сочилиб ётган каштан уруғларини айтмаса, баҳор деб атаса бўладиган куз кунларининг бири эди. Рус хиёбонининг ўнг тарафидан кейинги кунларда одат бўлганидек, хаёлга чўмиб аста юриб борардим. Уша сонияда хотинимни, унинг кейинги пайтда ўзгариб қолганини ўйлардим. Эҳтимол ярашиш учун ўзим ташаббус кўрсатишим керакдир? Менинг ҳеч қачон ортиқча мағрурлик дейилгувчи қусурим бўлмаган, бир қадам орқага ёки ён тарафга ташласам, асакам кетармиди?

Чорраҳада сариқ чироқ ёниб турганини кўргандим. Кўк чироқ ёниши билан йўлга қадам босганимни биламан-у, бошқа ҳеч нарса эсимда йўқ.

Ҳушимга келганимда, ўзимни нур денгизда чўмилётгандек ҳис қилдим. Нур сутдек оқ ва бироз хира бўлса-да, қуёшни ки деб ўйладим. Ёруғнинг зўрлигидан кўзим қамашиб, чирт юмиб олдим. Лекин қоронғулик ҳам, гўё мен унинг қаърида миллион-миллион йил ётгандек бадимга урди-да, яна кўзимни очдим. Туман ичидан азобли даражада секинлик билан бир сиймо сузиб чиқди. Ўз чиқиқлари нозик ва тиниқ, оқ дурра танғиб олган аёл сиймоси эди у. Дуррасида ҳаммага таниш кичкина қизил хоч. Ҳамшира. У менга бир қараб, худди ўйғонаётган мурдани кўргандек сесканиб тушди. Кейин бармоқ учларини бетимга теккизиб, ҳеч нарса демай ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Нима гап ўзи? Бетимни тириштириб тортаётган нима? Бихтиёр ушлаб кўрдим — бинт экан. Бошим шунчалик чандиб боғлаб ташланган эканки, оғзимни зўрға очардим.

Нур келаётган тарафга аста бурилдим. Ҳилпирётган яшил дарпарда кўринди. Ташқаридаги дарахт шохлари тоза ювилган ойналарга деярли тегиб турарди. Бир қуш, қораялоқ шекилли, сап-сарик панжалари билан новдага ёпишиб олганча тўғри менинг кўзимга тикилиб турарди. Мен тирикман, қуёш чарақлаб турибди, заминнинг яшиллиги тўшагимгача отилиб киранан деярли! Яна нима керак? Дарахтлар орасидан ажойиб қуёш кўринди. Унинг нури шу қадар гўзал, шу қадар жонли ва мангу бўлишини билмас эканман. Шу экан! Ҳа, шу экан — биз ўлиб-тирилиб тушунмоққа уринадиган ҳаёт ва борлик! Қораялоқ фикримга қўшилгандек бошини силкипти. Мен жилмайдим. Кенг ва оппоқ хона, топ-тоза дераза, баланд ва оппоқ қон қуйиш мосламаси. Мослама кўзимга жазо олиб бўйнини эгиб турган гимназиячи болага ўхшаб кетди. Яхшимисан, ҳой бола! Узи нима гап бўлди?

Хонага халат кийган пастроқ бўйли, қошлари қалин киши кирди. Дўхтир бўлиши керак. У каравотим ёнидаги оқ курсига ўтирди ва оғзини бор барака қўйвориб жилмайди. Бунинг менга далда бериш ниятидаги жилмайиш эканлигини тушундим.

— Бу ерда нима қилиб ётибман?

— Кичкина авария, профессор. Уч бўлмалли троллейбус сизни уриб юборибди. Аммо, худо ҳаққи, бошингиз қаттиқ экан. Троллейбусчи йўловчилардан кўрқиб қолиб, шу пайтгача линияга чиқолмаяпти.

Чорраҳадаги сарик, кейин яшил чироқлар дарров эсимга келди. Троллейбус эсимда йўқ эди, албатта.

— Бугун бўлдими шу воқеа?

— Йўқ, тўрт кун бурун, профессор.

Демак, тўрт кундан бери коматоз ҳолатда ётган эканман-да! Худди жарликка ўхшаган зимистон қоронғилиқдан чиқиб олганим сабабини энди тушундим. Калла суягимни очиб бошқатдан ямалганини ва бу жуда муваффақиятли чиққанини ҳам анча кейин эшитдим.

— Хотиним қани? — оҳиста сўрадим мен.

— Бир соат олдин кетган эди... Тўрт кундан бери бир қадам ҳам жилмай, тепангизда ўтирди.

— Жуда қийналиб кетди, — секин қўшимча қилди ҳамшира.

Қулоқларим бинтга чандиб ташланганига қарамай ҳамширанинг луқмасини эшитдим. Бирдан юрагимни бўғиқ оғриқ исканжага олди. У ёрилган бошимни кемираётган оғриқдан бошқача эди.

— Уни чақиринг... илтимос... ўтинаман... Мумкин бўлса тезроқ...

— Мумкин, мумкин, — деди бош ирғаб дўхтир.

У ҳамширага ўгирилиб нималардир деди, лекин мен эшитмадим. Кейин дўхтир яна менга ўгирилди.

— Менимча асосий хавфдан қутулдик, — деди у, бу сафар батамом жиддий оҳангда. — Лекин ўзингиз тушунсангиз керак, эҳтиёт зарур. Қимирламанг, ҳаяжонланманг, ҳеч нарсаи ўйламанг. Айниқса, аварияни ўйламанг. Ана шунда онадан янги туғилгандек бўлиб чиқиб кетасиз.

— Тушунаман, — дедим мен. — Хотиним қачон келади?

— Хавотирланманг, ярим соатда етиб келади. Уйқудан уйғота олишса, бас. Тўрт кун давомида тўрт соат ҳам ухламади бечора. Айтмоқчи, телефонинглар қаерда туради?

— Менинг кабинетимда.

— Ҳа, буниси чатоқ экан. Кўнғироқни эшитмаслиги мумкин. Аммо-чи, хотинингиз мард экан. Ҳаваси келади кишининг!

— Биладан, биладан... Бир оқ урмади, бир томчи ёш тўкмади...

— Йўқ, кечириб қўясиз. Кўзёш масаласида янглишдингиз. Лекин... уни ўйламанг, ўзингизни ўйланг.

Мен дўхтирни ортиқ тинглолмадим. Вужудим ёқимли бўшашди-да, касалхонанинг мен ётган каравоти кўл юзида сузиб кетаётган қайиққа айланди. Қайиқ тубидан кўм-кўк осмонда учаётган пардек енгил булутларни томоша қилиб ётдим. Уз хаёлларимга ва илгари ҳеч сезмаган ана шу ҳолатга чўмиб ухлаб қолибман. Ниҳоят кўзимни очганимда бояги дўхтир ўтирган курсида хотинимни кўрдим. Таниш ва дилимга яқин бир қиёфа мени ҳайрон қолдирди.

— Сенмисан? — сўрадим овозим зўрға эшитилиб.

У ҳар дақиқага йиғига айланишга тайёр турган ожиз жилмайиш билан жавоб берди.

— Тирик қолганим қизиқ бўлди. Шу ётишимда ҳаммиша сени ўйлаб ётганимни энди тушунапман.

— Ахир сен беҳуш эдинг-ку?!

Саволи инкор маъносидалигига қарамай кўзлари менга ишонганлигини ошкор этарди. Хотинимнинг қиёфаси ўша-ўша бўлса-да, асли моҳияти ўзгаргандек эди.

— Тўқилган, сохта сўз, — дедим мен.

— Қайси сўз?

— Беҳушлик. Йўқлик. Ахир мен қаердалиги эсимда бўлмаса-да, қаердадир мавжуд эдим-ку.

— Сени энди тушуняпман, шекилли, — деди у секин. — Бошқаларнинг сени тушунмаслиги жуда-жуда афсусланарли.

Унинг шу гапларидан кейин мен яна бўшашдим, яна беҳушлик-йўқлик томон кетаётгандек бўлдим. Лекин қўрқмадим. Чунки йўқликнинг ўзи йўқ. Йўқлик ҳам борлиқнинг бир тури эди. Ҳозир эсимда қолмаган, назаримда яна кўзимни юмдим ва ҳар биримизнинг ичимизда мавжуд бўлган ўша ғаройиб дунёга яна мўралашга ҳаракат қилдим. Оҳ, биз ундан қанчалик беҳабармиз!

Мен ўша тарафларда нималарни бошимдан кечирганимни бундан кейин тушунолмайман. Лекин улар жуда катта ва муҳим воқеалар эканлиги аниқ.

Икки ҳафтадан кейин хотиним мени машинада олиб кетгани келди. Мен башанг кийинган, тетик ҳолда уни вестибюлда кутиб турардим. Ҳатто у қачонлардир Италиядан обкелиб берган оқ холли аҳмоқона кўк галстукни ҳам тақиб олгандим. Қизиғи шундаки, ўзимни бола мисоли сезардим. Мана, ҳозир у келади-да, бошимни силайди. Кейин қўлимдан етаклаб, биронта қандолатхонага олиб бориб, пирожний олиб беради. Қайси қандолатхоналигини биласизми? Ҳув, эски ҳаммомнинг рўпарасидаги Экзерх Иосиф кўчасининг бурчагида жойлашгани бор-ку? Ушанга. Эсингиздами, у ерда юмшоқ ва ширин пирожнийлар сотиларди. У ҳаммом, у қандолатхоналар аллақачон бузилиб, ҳозир изи ҳам қолмаган. Лекин улар менинг қалбимда ҳали ҳам мавжуд. Демак улар ҳали ҳам бор.

— Юр, кетдик, — деди у.

Зангори шойи тасмаси ҳилпираб бўйнини қитиқлаётган, денгизчи кийимидаги болакай аёлнинг кетидан йўлга тушди. Аммо машинага кўзим тушган заҳоти ўзимга келдим. Ажойиб манзарали дақиқа умрбод учиб кетди.

Хотиним авайлаб мени ёнига ўтқазиб, юкимни орқа ўриндиққа қўйди. Сирасини айтганда беш-олтита детектив роман ва ҳамкасбларимнинг ҳол суровидан қолган икки-уч қути конфетни юк дейишга ҳам арзимасди.

— Уйда сени жуда катта почта кутяпти, — деди хотиним, машина йўлга тушганда. — Тинчлигинг бузилмасин деб атайлаб олиб келмагандим.

— Шу холосми?


— Йўқ. — Хотиним сезилар-сезилмас қизарди. — Янги китобингнинг сигнал нусха-си келган. Суюнчи қилиб бермоқчи эдим, бўлмади... сенга бошқа совғам йўқ.

Менинг энзималар ҳақидаги китобим. Гарчи унда аломат тирикликнинг ноаломат оддий химия билан чатишган жойлари ёзилган бўлса-да, китобимдан кўнглим заррача исимади.

— Севинмаяпсан ҳам-а?

— Нимасига севинаман, — истар-истамай жавоб бердим мен. — Пайти келганда сенга айтиб олай: бугундан бошлаб мен ҳеч қанақа профессор эмасман. Оддий талабаман, холос. Уша нарсани тушуниб етмагунча талабалагимча қолавераман. Мабодо уни тушуниш мумкин бўлса...

Шу гапимдан кейин тушимга ҳам кирмайдигани рўй берди. Хотиним рулни қўйиб қўлимга ёпишди-да, лабларига босди. Унг ғилдиракнинг баланд гранит четан томон силтанганини аниқ кўрсам-да, қилт этмадим. Бир зарба кам ё ортиқлигининг фарқи йўқ эди. Бу дунёда ўзига нима нима зарур-у, нима нозарурлигини ким аниқ биларди дейсиз? Аммо сўнги дақиқада хотиним рулни чаптастик билан тўғрилаб олди-да, машинани тўғри ва бўм-бўш кўчадан физиллатиб ҳайдаб кетди.



## Сени уйғон дейинми, ё...

Эй кўнгул, ҳар макр ила қочсанг улустин шукр қил,  
Ҳар вафоға минг жафо тортиб қутулсанг муфт бил.

Эл тилидин кўрдум онча ғуссаким, мингдин бирин,  
Айтмоқ бўлмас танимда ҳар сари мў бўлса тил.

Нечаким оламда бедод ўлса олам аҳлиға,  
Гар муяссар бўлса юз онча тасаввур айлагил.

Жонинга билким жафодин ўзга чиқмас йилу ой,  
Жон фидо қилсанг вафосинда аларнинг ою йил.

Давр жоми захридиндур доғи тиғи қонидин,  
Сарву гул бу боғ ароким бўлдилар ёшил, қизил.

Факр водийсиға кирган ташласун ўзлук юкин,  
Ким қилур йўл қатъин осонроқ неча бўлғон енгил.

Эй Навоий, умр ўтуб ҳам масту ҳам уйқудасен,  
Ҳеч билмонким сени уйғон дейин, ёхуд ойил.

«Наводир уш-шабоб» девонига кирган бу ғазал Алишер Навоийнинг давр, умуман, жамиятга муносабатини ўрганиш жиҳатидан қимматлидир. Ғазалда шоир нохуш муҳитдан нолиш мобайнида бутун инсоният дунёсида мавжуд бўлган ёвузликларга нисбатан ўз салбий муносабатини ҳам ифодалаган. Байтлар таҳлилида ана шу жиҳатни кузатиш мумкин.

Эй кўнгул, ҳар макр ила қочсанг улустин шукр қил,  
Ҳар вафоға минг жафо тортиб қутулсанг муфт бил.

Шоир қалбида доимий туғён мавжуд. Бу кишилардан, жамиятдан четланиш туғёнидир: агар сен, эй кўнглим (покиза макон) одамлардан қочсанг шукр қилгин. Одамларга қилган вафодорлигинг эвазига минг жафо тортиб қутулсанг, буни текин — муфт деб билгин. Чунки уларнинг қўлидан бундан баттароғи ҳам келади. Шоир ўқувчилар иншоларида ёзиладиган «нафратланишга лойиқ ўтмиш»дан эмас, балки умуман одамлардан, улар орасидаги фисқ, ёвузликдан нолиб, ундан нарида яшаш лозимлигини таъкидлапти. Байтда тазод — қаршилантириш санъати қўлланган. Лирик қаҳрамон ва кишилиқ жамияти орасидаги зиддият, келишмовчилик ғазалнинг ички оҳангини белгилаб беради. Одамларга вафо қилган шоир, унга жавобан фақат жафо тортган. Ана шу зиддият ғазалнинг кейинги байтлари қабрида ҳам теран акс этади.

Эл тилидин кўрдум онча ғуссаким, мингдин бирин,  
Айтмоқ бўлмас танимда ҳар сари мў бўлса тил.

Кишилардан шунчалар кўп ғам-алам кўрдимки, уларнинг мингдан бирини айтиш учун танамдаги ҳамма туклар тилга айланиши лозим. Қаранг, қанчалар зўр муболаға: одамларнинг ёмон гаплари лирик қаҳрамонни шу қадар қийнаганки, бошига тушган азобларни гапириш учун баданидаги ҳамма туклар тилга айланган тақдирда ҳам, фақатгина мингдан бир қисмини сўзлаб бериши мумкин, холос. Ғуссанинг қолган асосий

катта қисми эса пинҳон қолаверади. Азобнинг нақадар бўрттирилган, аини пайтда тасаввур доирасига сиғувчан таърифи.

Нечаким оламда бедод ўлса олам аҳлига,  
Гар муяссар бўлса юз онча тасаввур айлагил.

Шоир муболаға усулини давом эттиради. У ўқувчига қараб: оламда инсон боласига қанчалик зулму ситам бор бўлса, жабру жафо қилинса, сен тасаввур қилиб кўргин, мен чеккан зулм бундан юз баробар ортиқроқдир, дейди.

Жонинг билким жафодин ўзга чиқмас йилу ой,  
Жон фидо қилсанг вафосинда аларнинг ою йил.

Байтдан-байтга ўтган сари фикр ривожланиб боради. Лирик қаҳрамон ўз руҳий изтиробларини очиқ баён этар экан, ҳамма яхши ишлари учун яхшилик қайтмаганлигидан беҳад афсус чекади. Ойлаб, йиллаб — бутун умринг давомида одамларга жонинг-ни фидо этсанг ҳам, улар сенга тўхтовсиз жафо қилаверадилар. Демак, яхшиликнинг эвазига ёмонлик қайтиши қандайдир бир ҳаётий қонуниятга айланиб кетгандек...

Давр жоми захридиндур доғи тиғи қонидин,  
Сарву гул бу боғ ароким бўлдилар ёшил, қизил.

Бу байтда Навоий ана шу ғалати «қонуният»нинг асл сабабини кўрсатмоқчи бўлган, яъни одамлардаги меҳрсизлик, яхшиликни ёқламаслик, бевафолик асли фалақдан, тақдир азалдандир. Фалақнинг ўзи золим, бевафо, унинг жабркорлик нуқси одамларга ҳам урган. «Давр жомининг захри»дан ҳеч ким бебаҳра эмас. Ҳатто, баҳорда кўкариб яшнаган дову дарахт, гулу лола, сарву суман ҳам хазон бўлади, сўлади. Аммо бу ташбеҳ — ўхшатишнинг янгилиги, кишига қуш туюлиши шундаки, Навоий баҳор-хазон анъанавий тазодидан қочиб, яшиллик ва қизилликни, сарву гулни жабру ситам меваси сифатида тилга олади. Яъни сарв дарахтининг яшиллиги дунё (тақдир) қадахининг майидан, гулнинг қизиллиги эса давр (замона) пичоғи ҳосил қилган қондандир, дея боғдаги ўсимликлар кўриниши орқали ҳам жамиятдаги носозликларни суратлантиради.

Фақр водийсиға кирган ташласун ўзлук юкин,  
Ким қилур йўл қатъин осонроқ неча бўлғон енгил.

Фақр — тасаввуфдаги йўқлик водийси. Унга кирган киши ўз жисмини, ўзлигини унутиши, фақат худони ўйлаши лозим. Одам жисман қанча енгил бўлса, шунча тезроқ йўлни ҳам ўзлигини, жисмини унутиши, руҳан худо билан бирга бўлиши керак. Бундай инсоннинг худо васлига етишиши осонлашади. Бу байт ғазалнинг юқори нуқтаси — шоир муддаосини ифодалаган шоҳбайтдир. Дунё кишиларидан, уларнинг ғийбати, майда гапларидан безган лирик қаҳрамон бундай нарсалар худога муҳаббат, унга интилиш олдида ҳеч вақо эмаслигини таъкидлайди. Инсон худога муҳаббат қўйган, унинг жамолига интилган экан, ҳар қандай майда гаплар, ўткинчи ташвишлардан устун туриши лозим. Тасаввуф фалсафасига боғлиқ ҳолда талкин этилувчи бу байтнинг шоҳбайт сифатида келтирилиши ўзига хос сабабга эга. Аввалам бор; Навоийнинг юзлаб ғазалларида энг юқори нуқта бўлмиш шоҳбайтлар тасаввуф фалсафаси билан чамбар-час боғланиб келади. Яъни бу ҳол шоир ғазалиётига хос муҳим хусусиятлардан биридир. Тасаввуф таълимотига кўра, худога бўлган муҳаббат инсон интилган энг олий мақсаддир. Шоир бу дунёнинг сиру асрори, энг майда заррасидан тортиб, инсон ва табиат ҳақида, яхшилик ва ёмонлик, зулм ва адолат ҳамда бошқа кўплаб масалалар тўғрисида фикр юритади. Борлиқни таҳлил этади, ҳамма нарсага ўз муносабатини билдиради. У баъзан тушкунликка тушади, ўз орзу-истагига етишиш йўллари топа олмайди. Ана шу лаҳзаларда муҳаббати ва интилган олий мақсади — худони ўйлаб, ўзлигини унутиб, унга бўлган севгиси йўлида йўқ бўлиб кетишни бевосита ёки билвосита ёдга олади. Бу муҳаббат — худо васлига интилиш олдида қолган ҳамма нарсалар ўз аҳамиятини йўқотади.

Эй Навоий, умр ўтуб ҳам масту ҳам уйқудасен,  
Ҳеч билмонки сени уйғон дейин, ёхуд ойил.

Мазкур байт ғазалнинг ечими бўлиб келади. Жамиятдан жафо кўрган лирик қаҳрамон: «Умр ўтиб бораяпти, сен эса дунё билан мастсан. Дунёнинг ишларини ҳали тўлиқ тушуниб етмайсан. Одамлардан жафо кўрсанг ҳам вафо қилаверасан. Шу боис, сенга уйғонгин ёки ҳушинга келгин, деб айтишга ҳам ҳайронман. Сен дам ўзингдасан, дам худони ўйлаб, ўзлигингни унутиб, ўзингдан ташқаридасан», дейди.

Шеър ана шундай зиддиятли хулоса билан якунланади. Шоирнинг аламли иқрорига кўра, гўё бу дунё ишларини тушуниш қийин, тубига эса ҳеч қачон етиб бўлмайди...

Ғазалнинг умумий руҳидан кўриниб турибдики, одамлар орасидаги адоватдан ранжиган, ўз замонасидан кўнгли совиган шоир ундан кетишни, қалбда худо ёдини сақлаган ҳолда қалбсиз кишилардан узоқда юришни орзу қилади. Навоийнинг «Хамса» дostonларидаги идеал, софдил қаҳрамонлари — Фарҳод ва Мажнунлар ҳам мавжуд


жамиятда яшашдан кўра поклик макони бўлмиш табиат қўйнида бўлишни устун қўядилар. Нобон одамлар етказган жабр бу қаҳрамонларни абгор қилади. Фарҳод ва Мажнунлар умрларининг охиригача табиат қўйнида яшаб, ҳаётдан кўз юмадилар. Бу қаҳрамонлар воситасида жамиятга, ўзи яшаётган муҳитга муносабатини билдирган шоир юқоридаги ғазалида ҳам ана шу мавзунини ўзига хос талқин этиб, янада теранлаштиради.

Шоирнинг ўз кўнглига мурожаат қилиши билан бошланган ғазал, яна таажжубланиш, ўзига ниҳоясиз, жавоби мушкул саволлар бериш билан якунланади. Натижада, маълум даражада воқеабанд шеър пайдо бўлади. Навоий кишилиқдан узокроқ бўлишни масофа билан эмас, қалб кўзи билан ўлчаган. Буюк инсонпарвар сифатида ўз замонасида ном чиқарган, бутун умрини фуқаро бахти ва саодати йўлига бахшида этган шоирнинг одамлардан бу даражада бешиб, тушкун кайфиятларга берилиши, ҳамма нарсадан қўл силкишини қандай тушуниш мумкин? Мазкур шеърда илгари сурилаётган ғоя билан муаллифнинг ҳаётий эътиқодлари орасида зиддият йўқми? Бу ҳақли савол эса ғазал мазмунига, оҳангига, тағ заминига янада теран назар солишга ундайди. Синчиклаб қараб, байтлар мағзини чақсак, шоир аниқ бир шахс ҳақида эмас, умуман одамзод, инсоният ҳақида фалсафий фикр юритиш воситасида жуда эҳтиёткорлик билан (аслида, шоирнинг улуғ маҳорати шу нуқтада яққол мужассамлашган) одамларга бахт-саодат ато этишга қодир бўлмаган, адолатсизлик, тенгсизликка асосланган тузумни (у қаерда, қайси замонда бўлишдан қатъи назар) рад этаётгани, қоралаётганини сезамиз. Бутун ғазал давомида инсон ва жамият орасидаги зиддият мавзунини ривожлантирилиб борилади.

Навоий тасаввуф фалсафасининг нақшбандия тармоғига мансуб эди. Бу тариқатдаги бош амал — «Дил ба ёру даст ба қор» («Дилни ёрга — худога бериб, қўлни ишдан узмаслик») бўлиб, — унга кўра инсон зимдан худони ўйлаши, уни севиши, унга интилиши зарур. У ҳалол меҳнат қилишдан, ўз билан кучи билан яшаш, бировнинг ҳисобига кун кечириш мазкур тариқат аҳли учун бегона ҳисобланади. Навоий ҳам зимдан маҳбуби — оллоҳни ўйлаган ҳолда ҳамма қатори фақирликда яшашни афзал кўрган. Шунинг учун ҳам мазкур ҳаёт зиддиятларидан безган лирик қаҳрамон қийналган дамларида худодан нажот, паноҳ истаб, ўзига далда беради. Худо билан бирлашиб кетишга, ўз жисмини унутишга интилиш Навоий учун энг охириги нуқта, энг олий мақсад экан, ўз ниятида собит турган шоир ғазал сўнгида бу дунёнинг ишлари тугул ҳали ўзини, ўзлигини ҳам тўлиқ тушуниб етмаганидан таажжубланади. Олам ва одамнинг мураккаблиги, жумбоқларга бойлиги, сиру асрорларга тўлалигидан бир умр завқланган, ҳайратга тушган, кези келганда оғир хаёлларга толган шоир дунёнинг боқийлиги, абадийлиги, зиддиятларнинг ниҳоясизлиги олдида лол қолар экан, ўзининг башарият ҳақидаги ўйлари ва орзуларини фалсафий образлар либосида шеър бағрига сингдириб юборади. Айниқса, ғазалнинг охириги мисраларини ўқигач, бадбин хаёллар тумандек тарқала бошлайди. Одамлар орасидаги меҳрсизлик, оқибатсизликни, тенгсизликни қоралаган шоир, айни замонда умрини ғафлатда, мастлик уйқусида ўтказишни ҳам рад этади.

Шеърдаги чуқур ҳазинлик, фожиавий руҳнинг асл илдиэлари, манбаини ана шу нуқтадан излаш, бизнингча, тўғри бўларди.

**Афтондил ЭРКИНОВ,  
ТошДД ўқитувчиси**



Алоуддин Мансур таржимаси



Маккада нозил бўлган бир юз ўн бир оятдан иборат бу сурада, асосан, Оллохнинг пайғамбарларидан Юсуф ибн Яъқубнинг ҳаёти зикр қилинади. У зотнинг бошига тушган балолар, оға-инилари ва бегоналардан кўрган кулфатлар ҳақида ва бундай кўргуликларга у зот сабр-тоқат қилганлари хусусида сўз боради.

Бу сура, Худ сурасидан кейин, Муҳаммад алайҳи-с-салом ҳаётларининг энг қора кунларида — яқинлари Хадича ва Абу Толибдан ажраган, динсиз мушриклар томонидан озор-азият чекиб юрган кезларида нозил бўлгандир. Бу сура назмида ўзгача латофат, айрича жозиба мавжудки, Ислом оламидаги энг

буюк қалам аҳллари ундан мутаассир бўлиб шеър у достонлар битганлар, уламолар эса жилд-жилд китоблар тасниф этганлар. Шундай асарлардан бирида: «Юсуф сураси жаннат аҳллари жаннатнинг ўзида ҳам роҳат билан тиловат қилиб юрадиган суралардандир», дейилган бўлса, яна бирида: «Ҳар қандай ғам-ташвишга ботган маҳзун киши Юсуф сурасини эшитиши билан ором-осойиш топура», дейилади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Алиф, Лом, Ро. Ушбу (оятлар) очик-равшан Китоб оятларидир. 2. Дарҳақиқат, Биз уни (бу оятларни) ақллариингизни юргизишингиз учун арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик. 3. (Эй Мухаммад), Биз сизга бу Қуръон (сура-си)ни ваҳй қилиш билан (барча) қиссаларнинг энг гўзалини сўйлаб берурмиз. Қолбуки, у (Қуръон нозил бўлиши)дан илгари, сиз (бу қиссадан) беҳабар кишилардан эдингиз! 4. Эсланг, Юсуф отасига деган эди: «Эй ота, мен тушим-да ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилишаётган эмиш.»

*Изоҳ. Бу тушни кўрганида, Юсуф ўн икки ёшда эди. Тушдаги қуёш билан ой унинг ота-онаси, ўн бир юлдуз эса ота-инилари эди. Дарвоқе, унинг ота бир, она бошқа ўн отаси ва ота ҳам, она ҳам бир Бинямин исмли бир отаси бўлган. Юсуфнинг бу кўрган туши ўнгага айланишига ҳали қирқ сана бор эди.*

5. У (отаси) деди: «Эй ўғилчам, бу тушингни ота-иниларингга ҳаргиз айта кўрма, токи улар сенга қарши бирон ҳийла қилмасинлар (ишлатмасинлар). Чунки шайтон инсон учун очик душмандир». 6. Шунингдек, (яъни сенга шундай туш кўришни насиб этдиргани каби) Парвардигоринг сени (келгусида ҳам) пайғамбарликка танлар ва сенга барча тушларнинг таъбирини билдирур ҳамда худди илгари аждодларинг Иброҳим ва Исҳоққа комил қилиб бергани каби, сенга ва Яъқубнинг (бошқа) фарзандларига ҳам, Ўзининг (пайғамбарлик) неъматини комил қилиб берур. Албатта, Парвардигоринг илм ва ҳикмат соҳибидир. 7. Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг ота-инилари (ҳақидаги қисса)да (бу қиссага кизиқиб, у ҳақда) сўрагувчилар учун оят-ибратлар бордир. 8. Ўшанда улар (Юсуфнинг ўғай оталари) айтган эдилар: «Гарчи биз кўпчилик бўлсак-да, шак-шубҳасиз, Юсуф ва унинг биродари (Бинямин) отамизга биздан кўра суюклироқдир. Аниқки, отамиз очик залолатда (адашмоқда)дир». 9. (Улар бир-бирларига яна дедилар:) «Юсуфни ё ўлдиринглар, ёки бирон ерга олиб бориб ташланглар, (шундагина) оталарингиз фақат сизларга боқар. Кейин эса (тавба-тазарру қилиб) яхши қавм бўлиб олурсизлар». 10. (Шунда) улардан бири (сўзга келиб) деди: «Юсуфни ўлдирманглар, балки агар (ундан қутулиш учун) бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи қарвонлар олиб кетсин». 11. (Шундай қарорга келганларидан сўнг, Яъқуб алайҳи-с-саломнинг олдига келиб) дедилар: «Э, ота, не сабабдан Юсуфни бизга ишонмайсан. Ахир биз уни, шак-шубҳасиз, холис яхши кўрувчилармиз-ку». 12. «Уни эртага биз билан айланишга юборгин, ўйнаб-ёзилиб келсин. Албатта, биз уни кўриқлаб-муҳофаза қилгувчилардирмиз. (Биз бунга ваъда берамиз». 13. (Яъқуб) деди: «Уни олиб кетишларингиз мени маҳзун қилур. Мен, сизлар гафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан кўрқаман.»

*Изоҳ: Нақл қилишларича, Яъқуб пайғамбар Юсуфга шу қадар меҳр қўйган эканки, ундан бирон лаҳза бўлсин ажралишга тоқат қила олмас экан. Юқоридаги оятда мазкур бўлган сўзлари билан у, бир томондан, ўғилларига узр айтган бўлса, иккинчи томондан, ўзи сезмаган ҳолда, уларнинг шум ни-ятларига баҳона топиб бердики, бу ҳақда кейинги оятларда зикр қилинади.*

14. Улар дедилар: «Қасамки, агар биз бутун бир жамоат бўлган ҳолимизда (кўпчилик, гафлатда қолиб) уни бўри еб кетса, демак, биз, шак-шубҳасиз, зиён кўргувчи — ҳалок бўлгувчилардирмиз.» 15. Бас, қачонки уни олиб кетишиб, сўнгра қудуқ қаърига ташлашга қасд қилган вақтларида, Биз унга (Юсуфга): «Сен албатта (вақти келиб) ота-иниларингга бу қилмишлари ҳақида хабар берурсан. Улар (ўшанда, сен Юсуф эканингни) сезмайдилар ҳам», деб ваҳй



қилдик. 16—17. Улар кечкурун оталари олдига йиғлаган ҳолларида келишиб: «Эй ота, бизлар Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб қувлашиб кетган эдик, уни бўри еб кетибди. Энди рост гапирсак ҳам сен бизларга асло ишонмайсан», дедилар. 18. Ва унинг (Юсуфнинг) кўйлагини ёлғон қонга (яъни бир кўйни сўйишиб ўшанинг қонига) бўяб келтирдилар. (Шунда Яъқуб) айтди: «Йўқ! Сизларга ҳавойи-нафсларинг бирон (ёмон) ишни чиройли қилиб кўрсатган. Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир. Сизлар сўзлаётган бу нарса (айрилик-мусибат) устида мадад сўраладиган зот ёлғиз Оллоҳдир.»

*Изоҳ: Юқоридаги оятда иймоннинг асосий руқнларидан бири бўлмиш «чиройли сабр қилмоқ» ибораси мазкур бўлди. Одамзод шундай яратилганки, бошига бало келганида аксар бесабрлик қилади. Оллоҳга ва барча яхши-ёмон ишлар ёлғиз Унинг амри билан бўлишига сидқидилдан иймон келтирган кишилар эса мусибат тушган лаҳзаданоқ дод-войсиз «чиройли сабр» қила олар эканлар. Бу хусусда, Яъқуб алайҳи-с-салом то қиёмат иймон-эътиқод эгалари учун ибратдир. Сабр нима эканлиги ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-салом эса шундай марҳамат қилганлар: «Балонинг биринчи зарбаси пайтидаги сабргина чин сабрдир.»*

19. (Юсуф қудукқа ташланганининг учинчи куни, у очликдан азобланиб ётганида) бир карвон келиб, ўзларининг сув изловчи (хизматкор)ларини (сувга) юборганларида, у челақни (қудукка) ташлаган эди, (сувнинг ўрнига челақка осилиб Юсуф чикди. Шунда) у: «Суюнчи беринглар, бу бола-ку!» деб юборди. Сўнг уни (Юсуфни, улар) сотиладиган нарсалари қатори яшириб кўйдилар. Оллоҳ уларнинг қилаётган амалларини билиб тургувчидир. 20. (Кейин, карвон Мисрга етиб келгач) уни арзон баҳода — бир неча тангага сотиб юбордилар. (Чунки) улар (Юсуфдан каттарок фойда кўришни кутишмаган, унга ортикча) қизиқмаган эдилар.

*Изоҳ: Карвоннинг Юсуфни арзон баҳода сотиб юборганига яна бир сабаб, унинг эгаси чиқиб қолишидан қўрқишгани эди. Аммо Юсуф бир балодан — чоҳдан қутулиб, иккинчи балога — тутқунлик, қулликка тутилди.*

21. Уни Мисрдан сотиб олган (Миср шахрининг ҳокими — Қитфийр деган) киши хотини (Зулайҳо)га: «Уни яхшилаб (қабул қилиб) жойлаштир. Шояд бизга бирон фойдаси тегиб қолса, ёки ўзимизга бола қилиб олармиз», деди. Мана шундай қилиб (яъни ўлимдан, чоҳдан қутқариб) Юсуфни — унга барча тушларнинг таъбирини билдириш учун, — ўша ерга (Миср ҳокимининг уйига) жойлаштириб кўйдик. Оллоҳ Ўз ишида ғолибдир (яъни, Уни Ўзи хоҳлаган ишни қилишдан ҳеч ким қайтаролмайди), лекин аксари одамлар буни билмайдилар. 22. Қачонки (Юсуф) вояга етгач, унга ҳикмат ва билим бердик. Чиройли амал қилгувчи зотларни мана шундай мукофотлаймиз. 23. У (Юсуф) уйда бўлган аёл (яъни, Зулайҳо, унинг ҳусну малоҳатига ошиқи беқарор бўлиб) уни йўлдан урмоқчи бўлди. Эшиқларни маҳкам беркитиб «кеलाқолгин», деганида, (Юсуф) айтди: «Оллоҳ сақласин. Ахир у (яъни сенинг эринг) менга яхши жойлар берган хожам-ку! Албатта, золим кимсалар (яъни зинокорлар) асло нажот топмаслар». 24. Ҳақиқатан, (Зулайҳо) унга (яъни Юсуфнинг висолига) интилган эди. Агар Парвардигорининг очик ҳужжат-аломатини кўрмаганида, (Юсуф) ҳам (балки) унга (Зулайҳога) мойил бўлар эди. Ундан (Юсуфдан) ёмонлик ва бузукликни четлатиш учун мана шундай қилдик (яъни уни Ўз хиёзу ҳимоятимизда асрадик). Зеро, у покиза бандаларимиздандир. 25. (Иккаласи ҳам) эшиқ томонга чопишди ва (Зулайҳо Юсуфга етиб олиб) унинг кўйлагини орқа томондан йиртиб юборди. Эшиқ олдида эса (Зулайҳонинг) хожаси — эрига йўлиқиб қолишди. (Шунда Зулайҳо эрига қараб): «Сенинг оиланга ёмонлик қилмоқчи бўлган кимсанинг жазоси ё зиндон, ёки аламли азобдир», деди. 26. (Юсуф) айтди: «Унинг ўзи мени йўлдан урмоқчи бўлди.» (Шу пайт Зулайҳонинг) уруғларидан бири гувоҳлик бериб (деди): «Агар унинг кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, у ҳолда (Зулайҳо)нинг гапи ростдир ва (Юсуф) ёлғончилардандир. 27. Агар кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, у ҳолда (Зулайҳо)нинг гапи ёлғондир ва (Юсуф) ростгўйлардан бўлур.»

*Изоҳ: Ривоят қилишларича, мазкур гувоҳлик берувчи Зулайҳонинг амаки-ваччаси бўлиб, бешикдаги чақалоқ эди. Не тонгки, тангри таоло Ўзининг маъсум пайғамбари Юсуфни маъсум бир гўдак тили билан оқлайди.*

28. Энди қачонки (Зулайҳонинг эри Юсуфнинг) кўйлаги орқа томонидан йиртилганини кўргач: «(Эҳ аёллар-а), албатта бу (иш) сизларнинг макр-ҳийлаларингиздандир. Дарҳақиқат, сизларнинг макрларингиз жуда зўрдир.» 29. «Юсуф, сен бу (ишни) унутгин, сен эса (эй Зулайҳо), қилган гуноҳингга истиғфор айт — тавба қил. Чунки сен адашган кимсалардан бўлдинг», деди.

*Изоҳ: Юқоридаги оятда жамиятдаги «ҳоким табақа»нинг қанчалик нопок бўлиши икки оғиз сўзда илоҳий қалам билан чизиб берилган: «Юсуф, сен бу ишни унутгин.» Эр оиладаги бевофлик, нопокликдан хабардор бўлгач, уни фақат бир нарса ташвишга солади: «Одамлар билмасин, сен буни унут, ҳеч кимга айта кўрма.» Маънавият инқирозини бундан яққолроқ ифодалаб бўл-мас. Лекин одамлар бу можародан хабардор бўладилар ва...*

30. Шаҳардаги аёллар: «Ҳокимнинг хотини ўз хизматкорини йўлдан ур-моқчи бўлибди. Роса юрагидан урибди-да! Албатта бизлар уни очиқ залолатда деб биламиз», дедилар. 31. Энди қачонки (Зулайҳо) уларнинг иғволарини эшитгач, уларга одам юборди ва (келганларидан кейин) суяниб ўтирадиган жой тайёрлади ҳамда мева-чевалар билан дастурхонни тўлдириб, улардан ҳар бирига биттадан пичоқ бериб қўйди. Кейин (Юсуфга) уларнинг олдига чиқкин, деди. Бас, қачонки уни кўришгач, (улар беихтиёр уни) олқишладилар ва (ўз-лари сезмаган ҳолларида, қўлларидаги пичоқлари билан) ўз қўлларини кеса бошладилар. Ҳамда: «Эй пок Оллоҳ, бу башар (фарзанди) эмас, бу асил фа-риштаннинг ўзи-ку», деб юбордилар. 32. (Шунда Зулайҳо) деди: «Мана шу йигит ҳақида сизлар мени маломат қилгандингиз. Дарҳақиқат, уни йўлдан урмоқчи бўлганимда, у покдоманлик қилди — бўйинсунмади. Қасамки, агар менинг амримни бажармас экан, албатта зиндонга ташланур ва хор-зор қили-нур.» 33. (Юсуф) деди: «Парвардигорим, мен учун булар мени чорлаётган нарсадан (нопокликдан) кўра зиндон яхшироқдир. Агар Ўзинг мендан улар-нинг макрларини нари қилмасанг, уларга кўнгил бериб нодон кимсалардан бўлиб қолурман.» 34. Бас, Парвардигори (Юсуфнинг дуосини) ижобат қилиб, уларнинг макрларини ундан нари қилди. У зот, шак-шубҳасиз, эшитгувчи, билгувчидир. 35. Сўнгра, уларга (яъни Миср ҳокими ва унинг одамларига Юсуф пок эканлиги ҳақидаги) оят-аломатларни кўрганларидан кейин, уни (шунга қарамай, барибир) маълум вақтгача (яъни гап-сўзлар тингунча) зиндонбанд қилиб туриш маъқул кўринди. 36. Зиндонга у билан бирга яна икки йигит тушган эди. Улардан бири (яъни, илгари ҳокимнинг соқийси бўлган йигит): «Мен тушимда шароб тайёрлаётган эмишман», деди. Бошқаси эса (яъни, илгари ҳокимнинг новвойи бўлган йигит): «Мен бошим устида нон кўта-риб турганмишман, қушлар ундан еяётган эмиш. Сен бизга шунинг таъбирини айтиб берсанг. Биз сенинг чиройли амаллар қилгувчи киши эканлигингни кўриб турибмиз», деди. 37. (Юсуф) айтди: «Мен сизларга ризқ бўладиган (ҳар қандай) таом олдингизга келишидан илгари унинг қандай таом эканини — таъвилини айтиб бера оламан. Бу Парвардигорим менга билдирган нарсалардандир. Чунки мен Оллоҳга иймон келтирмайдиган ва охиратни мутлақо инкор қилувчи қавмнинг миллати — динини тарк этган кишиман.» 38. «Ва мен (аксинча) аждодларим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларнинг миллати — динига эргашганман. Биз (яъни, пайғамбарлар) учун Оллоҳга бирон нарсани шерик қилиш жоиз эмасдир. Бу (яъни, ёлғиз Оллоҳгагина бандалик қилиш неъмат) Оллоҳнинг биз — пайғамбарларга ва барча одамларга қилган фазл-марҳа-матларидандир. Лекин аксари одамлар шукр қилмайдилар.» 39. «Эй ҳамзиндон дўстларим, тарқок — турли-туман «худодлар» яхшироқми, ёки ягона ва ғолиб Оллоҳми?» 40. «Сизлар эса, У зотни кўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қиласизлар. Ахир Оллоҳ уларга (ибо-дат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку?! Ҳукм-ҳокимлик фақат Оллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир.

Энг тўғри дин мана шудир. Лекин аксари одамлар буни билмайдилар.» 41. «Эй ҳамзиндон дўстларим, энди сизлардан биринчингизнинг (туши таъбирини) айтсак, бас, у (бу зиндондан халос бўлиб) яна хожасига соқийлик қилур. Аммо иккинчингиз дорга осилиб, (ўлаксахўр) қушлар унинг бошидан чўкирлар. Сизлар таъбир сўраётган иш (шундай) битди (яъни, энди бу таъбирим ҳеч қачон ўзгармайди).» 42. (Юсуф) у икковининг ичидан кутулиб кетади, деб ўйлаган кишига (яъни соқийга): «Хожангнинг олдида мен ҳақимда зикр қилгин (зора у мени бу зулмдан озод қилса)», деди. (Лекин) шайтон хожасига зикр қилишни унинг ёдидан чиқариб, (Юсуф) бир неча йил (барибир) зиндонда қолиб кетди. 43. (Қушларнинг бирида Миср мамлакатининг) шоҳи (Райён бинни-л-Валид): «Мен тушимда еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга бошқа қуриган (етти бошоқ)ни кўрдим. Аъёнларим, агар тушларнинг таъбирини айта олувчи бўлсангизлар, бу тушимнинг таъбирини (менга) айтингларчи», деди. 44. Улар дедилар: «Бу алоқ-чалок тушлар экан. Биз бундай тушларнинг таъбирини билгувчи эмасмиз.» 45. (Шунда) ҳалиги икки (маҳбус)нинг зиндондан кутулиб чиққани, шунча муддат ўтгач, энди (Юсуфнинг сўзлари) ёдига тушиб, деди: «Унинг таъбирини сизларга мен айтиб берурман, фақат мени (зиндонда ётган Юсуфнинг олдида) юборинглар». 46. (Унга рухсат берилгач, зиндонга, Юсуфнинг олдида кириб) айтди: «Юсуф, эй ростгўй зот, бизга еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётгани ҳамда еттита яшил бошоқ билан бирга турган бошқа қуриган (етти бошоқ) ҳақидаги (туш) таъбирини айтиб бергин. Шояд мен одамлар олдида қайтиб боргач, (буни уларга айтиб берсам), улар ҳам билиб олишса.» 47. (Юсуф) деди: «Сизлар пайдар-пай етти йил (дон) экинлар. Кейин ўриб олган ҳосилингизни (бузилмасин учун) ўз бошоғида қолдиринглар, магар ейдиган озгина озуқаларингизнигина (янчиб олинглар). 48. Сўнгра, ўша (серҳосил етти йил)дан кейин етти йил қаҳатчилик бўлиб, улар (одамлар) учун тайёрлаб-асраб қўйган бор ҳосилингизни еб кетар. Магар озгина (уруғлик учун) асраб қўйган донларингизнигина қолур. 49. Сўнгра, ўша (қаҳатчилик йиллари)дан кейин (шундай) бир йил келурки, унда одамлар ёғингарчилик остида қолурлар ва (турли мевалардан) шароблар тайёрлаб олурулар.» 50. (Соқий подшоҳнинг хузурига қайтиб, унинг кўрган тушини Юсуф қандай таъбир қилганини айтгач), подшоҳ деди: «Уни менинг олдимга келтирингиз!» Қачонки (Юсуфнинг ёнига), шоҳ элчиси келгач, у: «Хожангнинг олдида қайтиб бориб (аввал) ундан ўз қўлларини кесган аёллар нима бўлганини сўра. Албатта, Парвардигорим уларнинг макрларини билгувчидир», деди.

*Изоҳ: Бу оятлар замирида Юсуфнинг нақадар покиза қалбли инсон эканлигини кўрсатиб турган уч нуқта бордир. Биринчидан, подшоҳ тушининг таъбири ҳақида сўралганда, «Агар мени бу зиндондан озод қилса, айтаман», демай, батафсил таъбир қилиб бериши; иккинчидан, подшоҳ уни озод қилишга амр қилганида ҳам, у зиндонни дарҳол тарк этмасдан, ўзининг беғуноҳлигини исботлаб беришларини талаб қилиши; учинчидан, беғуноҳлигини исботлашда ҳам ўзи туз ичган ернинг ҳурматини сақлаб, «Бориб Зулайҳо нима бўлганини билиб келгин», демай, «Қўлларини кесган аёллар нима бўлганини сўраб кел», дейиши. Бу нуқталар ҳар қандай одам учун сабоқдир.*

51. (Шунда, подшоҳ у аёлларни тўплаб) деди: «Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақтингизда нима бўлган эди (яъни, у ҳам сизларга майл кўрсатганмиди)?» (Аёллар) айтдилар: «Оллоҳ сақласин! Бизлар ундан бирон ёмонликни сезмаганмиз.» (Миср шаҳри) ҳокимининг хотини (Зулайҳо эса) деди: «Мана энди ҳақиқат тантана қилди. Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У, шакшубҳасиз, ростгўй зотлардандир.» 52. (Элчи қайтиб келиб, Юсуфга бўлиб ўтган гапларни айтиб бергач, у деди): «Буни (яъни аёллар тўғрисида сўз очишни) мен, (шаҳар ҳокими) йўқлигида унга хиёнат қилмаганимни ва Оллоҳ ҳеч қачон хоинларнинг ишини ўнгламаслигини (мамлакат шоҳи) билиши учун (қилдим).»

53. «Мен нафсимни окламайман. Чунки нафс — агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса — албатта барча ёмонликларга буюргувчидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир.» 54. Подшоҳ айтди: «Уни ҳузуримга келтирингиз, ўзимнинг хос кишиларимдан қилиб олай.» Бас, қачонки (Юсуф) у билан сўзлашгач, «Сен бу кун бизнинг даргоҳимизда мартабали ишончли кишидирсан», деди. 55. (Юсуф) деди: «Мени шу ернинг хазиналари устига (бурчли қилиб) қўйгин. Чунки мен (уларни) тўла-тўқис сақлайдиган ва (тўғри тасарруф қилишни) биладиган кишиман.» 56. Шундай қилиб, Юсуфни (Миср) еридан ўзи истаган жойда манзил-маскан тутиб яшайдиган мақомга эриштирдик. Биз фазлу марҳаматимизни Ўзимиз хоҳлаган кишиларга етказурмиз ва чиройли амал қилгувчи зотларнинг ажр-мукофотини зое қилмасмиз. 57. Албатта, иймон келтирган ва тақво эгалари бўлган зотлар учун охираддаги ажр-мукофот янада яхшироқ бўлур.

*Изоҳ:* Мамлакат шоҳи Райён бинни-л-Валид Юсуфнинг ақлу заковати, унинг ҳалол, билимдон эканлигини кўриб, Миср шаҳрининг ҳокими Қитфирнинг ўрнига Юсуфни ҳоким қилиб тайинлади ва Қитфир вафот қилганидан кейин, унинг беваси Зулайҳога уни уйлантириб қўйди. Никоҳ кечасида Юсуф Зулайҳонинг ёнига кирар экан: «Сен бир вақтлар истаган ҳаром хоҳишдан мана бу ҳалол шаръий никоҳ яхшироқ эмасми?» деди. Маълум бўлишича, Зулайҳо ҳали-ҳануз бокира экан. Оллоҳ таоло уларга икки фарзанд ато этди. Шундан кейин Юсуф Миср тахтида адолат билан ҳукм юргиза бошлади. Илгари ўзи шоҳга башорат қилган мўл-кўлчилик йилларида жуда кўп дон ҳосили йиғиб-ўриб олиниб, оморларга ғамлаб қўйилди. Кейинги етти йил эса қаҳатчилик йиллари бўлди. Бу йилларда бутун атроф-жавонибдаги кўп жойлардан Мисрга озиқ-овқат излаб одамлар кела бошладилар. Миср мамлакатида озиқ-овқат сероб эканлиги ҳақидаги хабарлар Канъон заминига ҳам етиб боргач, Яъқуб алайҳи-с-салом ўғилларини ўша тарафга юборди. Қуйидаги оятда сўз шу ҳақда боради.

58. Юсуфнинг оға-инилари (Мисрга) келишиб, унинг ҳузурига кирганларида, уларни таниди. Улар эса (Юсуф)ни танимаган эдилар.

*Изоҳ:* Ривоятларга қараганда, оға-инилари кириб келишганларида Юсуф ўзининг таниганини уларга билдирмай: «Сизлар кимсизлар, қаердан келдингиз», деб сўраган экан. Шунда улар: «Бизлар Шом мамлакатининг Канъон деган юртиданмиз. Ўзимиз чорвадорларданмиз. Озиқ-овқат ахтариб келдик», деб жавоб қиладилар. Юсуф: «Эҳтимол, бизнинг юртимизга жосуслик учун келгандирсизлар», дейди. Улар айтадилар: «Оллоҳ сақласин! Бизлар ўзининг энг суюкли боласидан айрилиб ғам-андуҳда қолган бир пайғамбарнинг ўғилларимиз. Бизлар ҳаммамиз ўн икки ўғилмиз. Бу ерга келган ўнтамиз бир ота-онаданмиз. Йўқолган инимиз билан унинг биродари эса бизнинг ота бир, она бошқа иниларимиз бўлади. Уша инимиз биз билан ўйнаб саҳрога чиққанида йўқолиб қолган эди, шу сабабдан унинг биродарини отамиз бизларга ишонмай ўзи билан олиб қолди». Бу сўзларни эшитгач, Юсуф хизматкорларига уларнинг барча эҳтиёжларини қондиришни амр этади.

59. Қачонки уларнинг ҳожатларини чиқаргач, (Юсуф) деди: «Ўша ота бир бўлган иниларингизни менинг ҳузуримга келтирингиз. Ахир мен сизларга (дон-дунларни) тўла қилиб ўлчаб бераётганимни ва мезбонликни ниҳоят даражада ўрнига қўяётганимни кўрмаяпсизларми?» 60. «Энди агар уни менинг ҳузуримга олиб келмасангизлар (яъни, мени алдасангизлар), у ҳолда менинг даргоҳимда — сизлар учун бир қадоқ ҳам нарса йўқдир — менинг олдимга (қайтиб) яқин келмай қўя қолинглар.» 61. Улар: «Отасидан у (ни биз билан қўшиб юбориши) ҳақида ўтиниб сўраймиз. Албатта, бизлар шундай қилгувчилармиз», дедилар. 62. (Юсуф ўзининг тарозибон) йигитларига буюрди: «Уларнинг

(донга алмаштириш учун) келтирган нарсаларини юкларининг ичига (қайтариб) солиб қўйинглар. Шояд уйларига борган вақтларида, у нарсаларини таниб қолиб (ажабланиб, яна) қайтиб келсалар.» 63. Энди қачонки улар отларининг олдига қайтишгач, дедилар: «Эй ота, (бундан кейин) бизларга озиқ-овқат берилмайдиган бўлди. Фақат биз билан бирга инимизни ҳам юборсанггина озиқ-овқат ола биламиз. Бизлар албатта уни муҳофаза қилгувчимиз.» 64. (Яъқуб) деди: «Мен уни сизларга ишонмайман. Магар илгари унинг оғасини ишонганимдек ишонаман (яъни, ўшанда ҳам сизларга эмас, Оллоҳга ишонганман)... Зотан, Оллоҳ энг яхши сақлагувчидир ва У зот меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир.» 65. Қачонки улар юкларини очиб кўришгач, (олиб борган) нарсаларининг ўзларига қайтарилганини кўриб, дедилар: «Эй ота, мана нарсаларимиз ўзимизга қайтарилибди. Яна нимани истаймиз? (Энди сен бизларга инимизни ҳам қўшиб юборсанг) яна оиламизга озиқ-овқат келтирурмиз, инимизни муҳофаза қилиб (бориб келурмиз) ва (инимиз учун ҳам) бир туя юкни ортиқроқ олурмиз. Бу (мисрлик саҳий ҳоким наздида) озгина нарсадир.» 66. Яъқуб айтди: «Агар (қароқчилар ё бошқа тўсиқларга дуч келиб) мағлуб бўлиб, ҳалокатга учрамасанглар (бехатар қолишга ишончларинг бўлмаса), албатта уни (Биняминни) менинг олдимга келтиришингиз ҳақида Оллоҳдан васиқа келтирмасанглар (яъни, Оллоҳ номига қасам ичмасанглар) уни ҳаргиз сизлар билан бирга юбормасман.» Энди қачонки унга ўз аҳд-паймонларини беришгач, (Яъқуб): «Бу айтаётган гапларимизга Оллоҳ вакил — гувоҳдир», деди. 67. (Сўнг уларни сафарга кузатар экан) айтди: «Эй ўғилларим, (Мисрга) бери дарвозадан кирманглар, балки бошқа-бошқа дарвозалардан киринглар! Мен сизлардан Оллоҳнинг бирон ҳукмини қайтара олмайман. Ҳукм ёлғиз Оллоҳнинг измидадир. Мен фақат У зотнинг ўзига таваккул қилганман, суянганман. Барча таваккул қилгувчилар Унинг Ўзигагина таваккул қилсинлар (суянсинлар.)» 68. Улар оталари буюрган тарафлардан (Мисрга) киришлари улардан Оллоҳнинг бирон ҳукмини (тақдирни) қайтарувчи (ўзгартувчи) эмасдир. (Бу) фақат Яъқубнинг дилидаги (фарзандлари осойишталигини ўйлашдан келиб чиққан) бир эҳтиёж (чора) эдики, у ўзининг шу эҳтиёжини қондирган эди, холос. Зотан, у Биз (вахй орқали) берган таълимимиз сабабли чуқур билим эгасидир. Лекин кўп одамлар буни билмайдилар. 69. Қачонки улар Юсуфнинг хузурига кирганларида, у инисини ўзига тортиб: «Мен сенинг оғанман. Энди улар (яъни оға-иниларимиз) қилгувчи бўлган нарса (яъни, уларнинг ҳасад-адоватлари)дан ғамгин бўлмагин», деди. 70. Бас, қачонки уларнинг ҳожатларини чиқаргач, инисининг юки орасига (билдирмай) бир қадахни солиб қўйди. Сўнгра эса жарчи: «Эй карвон эгалари, сизлар ўғридирсизлар», деб жар солди. 71. Улар жарчиларга қараб: «Нима йўқотдингизлар?» дедилар. 72. (Жарчилардан бири) айтди: «Подшоҳнинг қадахини йўқотдик. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен шунга вакилман.» 73. Улар дедилар: «Оллоҳга қасамки, (бунинг бизга дахли йўқ.) Ахир бизлар бу ерга бузғунчилик қилиш учун келмаганимизни биласизлар-ку! Бизлар ўғри эмасмиз.» 74. «Агар ёлғон айтган бўлсангизлар, (ўғрининг) жазоси нима бўлур?» сўрашди (жарчилар). 75. Улар дедилар: «Унинг жазоси, кимнинг юки орасидан топилса, ўша кимса жазоланур — кул қилинур. Бизлар (ўғирлик қилиш билан ўзгаларга) зулм қилган кимсаларни мана шундай жазолаймиз.» 76. Бас, (Юсуфнинг хизматкори ахтаришни) унинг биродари (Бинямин)нинг идишидан илгари уларнинг (яъни бошқа оға-иниларининг) идишларидан бошлади. Сўнгра уни (қадахни Юсуфнинг) биродари идишидан топиб олди. Биз Юсуфга мана шундай хийла-тадбирни билдирдик. (Чунки Миср) подшоҳининг динида у биродарини (ҳеч бир сабабсиз) олиб қола олмас эди. Магар Оллоҳнинг хоҳиши билан (мазкур хийла-тадбир воситасидагина олиб қолди). Биз ўзимиз хоҳлаган кишиларни юксак даражаларга кўтарурмиз. Ҳар бир илм соҳибининг устида (ундан устунроқ) билимдон бордир. 77. Улар: «Агар бу (Бинямин) ўғирлик қилган бўлса (эҳтимол, чунки) илгари унинг биродари (Юсуф) ҳам ўғирлик қилган эди», дедилар. Бас, Юсуф бу гапни (туҳмат-бўхтонни) ичига солиб, уларга билдирмади. Ва (ўзича) «Сизлар энг ёмон-тубан мартабадирсизлар (яъни, бир вақтлар ўғилни отадан ўғирлаб кетган сизлар-ку, ахир): Оллоҳ сизларнинг тўқиб-чиқараётган гапларингизни жуда яхши билгувчидир.» деди. 78. Сўнг улар дедилар: «Эй улуғ зот, унинг бир кекса отаси бор. Сен

унинг (Биняминнинг) ўрнига бизлардан биримизни олиб қолгин. Зеро, бизлар сенинг чиройли амалларни қилгувчи зотлардан эканлигингни кўрмоқдамиз.» 79. (Юсуф) айтди: «Нарсамизни идишидан топиб олган кимсадан ўзгани олиб қолишдан Оллоҳ сақласин. Акс ҳолда, шак-шубҳасиз, золим кимсалардан бўлиб қолурмиз.» 80. Энди қачонки ундан умидлари узилгач, (оға-инилар) бир четга чиқиб хуфёна маслаҳатлашдилар. Уларнинг катталари айтди: «Оталарингиз сизларнинг устингизда Оллоҳдан васиқа (яъни, аҳд-паймонингизни) олиб қолганини унутдингизми?! Илгари Юсуф тўғрисида ҳам шундай сусткашлик (беғам-бепарволик) қилган эдинглар. Бас, то отам менга изн бермагунича, ёки Оллоҳ менинг фойдамга ҳукм қилмагунича (яъни, инимиз озод бўлмагунича, мен ҳам) мана шу ердан ҳаргиз жилмайман. У зот (Оллоҳ) ҳукм қилгувчиларнинг яхшироғидир.» 81. «Сизлар оталарингиз олдига қайтиб бориб, айтинглр: «Эй ота, дарҳақиқат, ўғлинг ўғирлик қилди. Бизлар фақат кўрган-билган нарсамизга гувоҳлик бермоқдамиз. (Олдин сенга уни асрашни ваъда қилганимизда) ғайбни (яъни, келажакда нима ишлар бўлишини) билмаган эдик. 82. Биз бўлиб қайтган шаҳардан ва биз бирга кетган қарвондан сўраб-суриштиринг. Албатта, бизлар рост сўзлагувчилармиз.» 83. (Улар Яъқуб алайҳи-с-саломнинг олдиларига келиб шу сўзларни айтишгач), у деди: «Йўк! Сизларга ҳавойи-нафсингиз бирон (ёмон) ишни чиройли қилиб кўрсатган. Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир. Шоядки, Оллоҳ уларнинг (яъни, Юсуф, Бинямин ва катта ўғлимнинг) барчаларини бағримга қайтарса. Албатта У зот билим ва ҳикмат соҳибидир.» 84. Кейин улардан юз ўғириб, деди: «Эй бечора Юсуф-а!» Ғам-алам ютаверганидан (энди) у зотнинг кўзлари оқарди (ожиз бўлиб қолди). 85. (Шунда ўғиллари); «Оллоҳ номига қасамки, сен то рамақжон бўлиб қолгунингча ё бир йўла ҳалок бўлгунингча Юсуфни эслайверасан (ёдингдан чиқармайсан)» дедилар. 86. У айтди: «Мен ғаму ташвишларимдан ёлғиз Оллоҳгагина шикоят қилиб йиғламоқдаман ва мен Оллоҳнинг (меҳрибон, раҳмли эканлиги ҳақида) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман.» 87. «Эй ўғилларим, боринглр, Юсуф ва унинг биродарини изланглр ва Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглр. Зеро, Оллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур.» 88. (Улар оталаридан бу сўзларни эшитгач, озик-овқатга алмаштириш учун бор бисотларини олишиб, яна Миср томонга равона бўлишди.) Энди қачонки (Мисрга етиб келиб Юсуфнинг) ҳузурига киришгач, дедилар: «Эй улуғ зот, бизни ва аҳли оиламизни очарчилик ушлади. Бизлар (бу сафар ҳузурингга бошқа нарсамиз йўқлигидан) ўтмас матоларни олиб келдик. Бизларга етарли ўлчовда (озик-овқат) бергин ва бизларга хайрсадақа қилгин. Оллоҳ, шак-шубҳасиз, (сендек) садақа бергувчи зотларга мукофотлар ато этур.» 89. (Юсуф оға-иниларини бундай забун ҳолатда кўргач, тоқат қила олмасдан) деди: «Ёш-нодон бўлган пайтингизда Юсуф ва унинг биродарига нима ишлар қилганларингизни эслайсизларми?» 90. Улар «Сен Юсуфмисан?» деб сўрадилар. «Ҳа, мен Юсуфман, бу эса биродаримдир. Оллоҳ бизга марҳамат кўрсатди (айрилик азобидан кейин бизни яна бирлаштирди). Дарҳақиқат, кимда-ким Оллоҳдан кўрқиб, сабру қаноат қилса, албатта Оллоҳ бундай чиройли амалларни қилгувчи кишиларнинг ажру мукофотини зое қилмас», деди у. 91. Улар дедилар: «Оллоҳга қасамки, Оллоҳ сени бизлардан афзал қилмишдир. Бизлар эса, шак-шубҳасиз, адашгувчилардан бўлдик.» 92. У деди: «Бу кун сизлар айбланмайсиз. Оллоҳ сизларни мағфират қилгай. У зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир.» 93. «Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига (яқинлаштириб) ташласангиз, унинг кўзлари очилур. Сўнг барча аҳлу оилангиз билан бирга менинг олдимга келинглр.» 94. Қарвон (Мисрдан) чиқиши биланок (уларнинг) оталари (Яъқуб алайҳи-с-салом ўз уйларида туриб, ҳузурисидаги кишиларга): «Мен Юсуфнинг бўйини туймоқдаман. Агар мени ақлдан озган демасангизлар (Юсуф тирик, деган бўлур эдим)», деди. 95. (Улар) айтдилар: «Оллоҳга қасамки, сен (ҳали ҳам) ўша эски хатойингда турибсан (Юсуф тирик, деган хомхаёлда юрибсан).» 96. Энди қачонки хушxabарчи келиб, уни (яъни, Юсуфнинг кўйлагини Яъқубнинг) юзига (яқинлаштириб) ташлагач, унинг кўзлари (бехос) очилди. «Сизларга мен Оллоҳнинг (меҳрибон, раҳмли эканлиги ҳақида) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман, демаганмидим», деди у. 97. Улар дедилар: «Эй ота, (Оллоҳдан) бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилишини сўрагин. Албатта, бизлар хато

килгувчилардан бўлдик.» 98. У айтди: «Албатта, Парвардигоримдан сизларни мағфират қилмоғини сўрайман. Зеро, фақат У зот мағфират қилгувчи, меҳрибондир.»

*И з о ҳ:* Яъқуб алайҳи-с-салом Юсуфнинг ҳаётлиги ҳақидаги хушxabардан беҳад шод бўлиб ва Оллоҳ таолога беадад шукрлар айтиб, дарҳол ўзининг барча аҳли оила, қариндош-уруғлари билан Миср томон йўл олдилар. Юсуф ҳам Миср шаҳрининг четига чодирлар тикиб, ота-онасининг йўлларига интизор бўлиб турди.

99. Энди қачонки (манзилга етиб келишиб) Юсуфнинг ҳузурига (чодирига) кирганларида, у ўзини ота-онасининг кучоғига отди ва: «Иншооллох, Мисрга тинч-омон қиринглар», деди. 100. (Кейин, Мисрга кириб Юсуфнинг саройига келганларидан сўнг) у ота-онасини ўзининг тахтига чиқарди ва улар (яъни, ота-она ва оға-инилари Юсуфга) сажда қилган ҳолларида (унинг оёғига) йиқилдилар. У деди: «Эй отажон, мана шу қирк йил илгари кўрган тушимнинг таъбиридир. Парвардигорим уни рост қилди. Дарҳақиқат, У зот менга (буюк) инъом қилди — мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан оға-иниларим орасини бузиб иғво қилганидан кейин, мана сизларни чўлу саҳродан (Мисрга эсон-омон ҳолингизда) келтирди. Албатта Парвардигорим Ўзи хоҳлаган нарсани сездирмай амалга оширгувчи зотдир. Албатта Унинг Ўзигина билим ва ҳикмат соҳибидир.» 101. «Парвардигорим, менга подшоҳликни ато этдинг, яна барча тушларнинг таъвил-таъбирларидан таълим бердинг. Эй осмонлар ва ерни яратган зот, дунёю охиратда Ўзинг хожамадирсан. (Умрим битиб, сен Ўзинг белгилаб қўйган ажалим етганида) мусулмон ҳолиманда жонимни олгин ва мени ҳам солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин.» 102. (Эй Мухаммад), бу Биз сизга ваҳй қилаётган ғайб хабарларидандир. (Чунки сиз Юсуфнинг оға-инилари) макр-ҳийла билан ўзларининг режаларини тузиб иттифоқ қилишаётган пайтларида уларнинг ёнларида ҳозир эмасдингиз. 103. Гарчи сиз (бу ибратли қиссаларни эшитиб, барча одамларнинг иймон келтиришларини) жуда истасангиз-да, аксари одамлар мўмин бўлмайдилар. 104. Сиз улардан бу (даъватингиз) учун бирон ажр-ҳақ сўрамайсиз (сиз яхши биласизки), бу (Қуръон) фақатгина барча оламлар учун бир эслатмадир, холос. 105. Осмонлар ва ерда (Оллоҳнинг борлиги ва бирлигига далолат қилгувчи) қанчадан-қанча оят-аломатлар бордир. (Лекин) улар (иймон-эътиқодсиз кишилар) бу оятлардан юз ўгирган ҳолларида ўтиб кетаверадилар. 106. Уларнинг аксарияти Оллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар.

*И з о ҳ:* Дарҳақиқат, баъзилар ўзлари Оллоҳга иймон келтирсалар-да, ҳаётларида ўша ягона Оллоҳ яратган қуёш, ой, олов каби нарсаларга сиғиниб, ёки ўзларини «худо» фаҳмлайдиган золим ҳокимларга бўйинсуниб, уларнинг инсониятни ҳалокатга олиб борувчи «ойдин йўллари»га эргашиб яшаб ўтадилар. Бу оятлар шундай кимсаларга тегишлидир.

107. Ёки улар (ўша иймон-эътиқодсиз кишилар) Оллоҳнинг азобидан бирон бало-офат келиб қолишидан, ё тўсатдан улар сезмаган ҳолларида қиёмат қойим бўлиб қолишидан хотиржаммилар?! 108. Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Оллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга — ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Оллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан (Оллоҳга бировни шерик қиладиганлардан) эмасман.» 109. (Эй Мухаммад). Биз сиздан илгари ҳам фақат шаҳар аҳлларидан бўлган (катта шаҳарларда яшаган ақл-заковатли) кишиларни пайғамбар қилиб, уларга ваҳй юборганмиз. Ахир (одамлар) ер юзиде сайру саёҳат этишиб, ўзларидан аввалги (пайғамбарларни ёлғончи қилиб иймонсиз кетган) кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини (улар қандай қисматга йўлиқишганини) кўрсалар бўлмайдими? (Оллоҳдан) кўрққан зотлар учун, шакшубҳасиз, охират диёри (бу фоний дунёдан) яхшироқдир. Ақл юргизмайсизларми?! 110. Ҳар қачон ўша пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: «Бизлар ёлғончи қилиндик — пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга (ўша пайғамбарларга) Бизнинг мададимиз — ғалабамиз

келиб, Биз хоҳлаган (иймон келтирган) кишиларга нажот берилар эди. Аммо жиноятчи бўлган қавмдан бизнинг азобимиз қайтарилмас! 111. Дарҳақиқат, уларнинг (ўтган пайғамбарларнинг) қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир. (Ушбу Қуръон) тўқиб чиқарилган сўз эмас, балки ўзидан аввалги нарсаларни (яъни самовий китобларни) тасдиқ этувчи, унга иймон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи ҳидоят ва раҳмат (Китобидир).



Бу сура қирқ уч оятдан иборат бўлиб, Мадинада нозил бўлган. Унда ҳақиқат билан ботил тўғрисида икки ибратли масал зарб қилингандир.

Биринчисида жилғаларни тўлдириб оқиб келаётган ёмғир суви ҳақиқатга, сув устидаги кўпик эса ботилга ташбеҳ қилинса, иккинчисида ҳар қандай ерости маъданлари ҳам эритилганида улардан соф қимматбаҳо маъдан билан бирга, оддий тошлар ҳам чиқиши айтилиб, соф маъдан ҳақиқатга, чиқиндилар ботилга ўхшатилади.

Бу сурада момақалдиروق ҳақида ҳам зикр қилиниб, унинг «Раъд — Момақалдиروق» деб номланишининг сабаби шудир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Алиф, Лом, Мим, Ро. Ушбу (оятлар) Китоб (Қуръон) оятларидир. (Эй Муҳаммад), сизга нозил қилинган бу нарса (яъни, Қуръон айни) ҳақиқатдир, лекин аксари одамлар иймон келтирмайдилар. 2. Оллоҳ осмонларни сизлар кўрадиган устунларсиз кўтариб қўйган, сўнгра ўз аршини эгаллаб, қуёш ва ойни Ўз амрига бўйинсундирган зотдир. Уларнинг (осмон жисмларининг) ҳар бири муайян муддатгача (яъни, қиёмат қойим бўлгунича) сайр қилаверар. (Оллоҳ) барча ишнинг тадбирини қилур ва сизлар (қиёмат кунинда унга) Парвардигорингизга рўбарў бўлишга иймон келтиришингиз учун Ўз оятларини муфассал баён қилур. 3. У Ерни (Ер юзини) ёйик қилиб яратиб, унда тоғлар ва дарёлар пайдо қилган зотдир. У Ердаги ҳар мевани иккитадан — жуфт-жуфт (яъни, эркак-урғочи) қилиб яратди. У кечани кундуз устига ёяр (яъни, кеча билан кундуз ҳам бир-бирларининг жуфтларидир). Албатта бу (мисоллар) да тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир.

*И з о ҳ: Дарҳақиқат, тафаккур қилиб кўрилса, бу оламда ҳамма нарса жуфт-жуфт қилиб яратилгани маълум бўлади: қуёшнинг жуфти ой, ернинг жуфти осмон, куннинг жуфти тун, дунёнинг жуфти охират... Агар мана шу мантиқ ҳақ бўлса, охират борлиги ҳам барҳақдир. Ислом таълимотича, ёлғизлик фақат Оллоҳ таолога ярашади.*

4. Бу ерда бир-бирига қўшни бўлган бўлак-бўлак (яъни, бири унумдор бўлса, бири шўр) ерлар, узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаб кетган-шохламаган хурмолар бўлиб, (уларнинг ҳаммаси ҳам) бир сув билан сугорилур. (Лекин) Биз уларнинг айримларидан айримларини таъмлироқ-ейишлироқ қилиб қўюрмиз. Албатта, бунда ҳам ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 5. (Эй Муҳаммад), агар (бирон нарсдан) ажаблансангиз, у ҳолда



уларнинг (динсиз кимсаларнинг): «Тупроқ бўлиб кетгач, бизлар яна янгитдан яратиламизми?» деган гаплари (чиндан) ажабланарлидир. Улар Парвардигорларига кофир бўлган кимсалардир. (Қиёмат кунда) уларнинг бўйинларида кишанлар бўлур. Улар дўзах эгаларидир (ва) ўша жойда абадий қолурлар. 6. Улар сиздан яхшилик — Оллоҳнинг раҳматидан аввал Оллоҳнинг азоби — ёмонлик келишини талаб қиладилар. Улардан илгари ҳам бундай (холга) мисоллар — Оллоҳнинг азобига дучор бўлганлар ўтгандир. Албатта, Парвардигорингиз одамлар ўзларига (ўзлари) зулм қилганларида ҳам (уларга нисбатан) мағфират эгасидир. Албатта, Парвардигорингиз азоби қаттиқ зотдир. 7. Кофир бўлган кимсалар: «Унга (Муҳаммадга) Парвардигори томондан бирон оят — мўъжиза нозил қилинса эди», дейдилар. Сиз фақат (кофирларни Оллоҳнинг азобидан) кўрқитгувчидирсиз. Ҳар бир қавм учун (Оллоҳ йўлига) етакловчи — ҳидоят қилгувчи бордир. 8. Фақат Оллоҳгина ҳар бир аёл кўтариб юрган ҳомилани (ўғилми-қизми, расоми-норасоми, чиройлими-хунукми эканини) ҳам, бачадонлар (муддатидан илгари) ташлайдиган болани ҳам, (тўққиз ойдан) ортиқроқ туриб қоладиган болани ҳам билур. У зот даргоҳида ҳар бир нарса ўлчовлидир. 9. У ғайбу шаҳодатни (яъни, махфий ва ошқора барча нарсани) билгувчи буюк ва олий зотдир. 10. Сизларнинг орангиздаги ўз гапини яширган киши ҳам, уни ошқора қилган киши ҳам, кеча коронғусида яширинувчи ҳам, кундузи очик-ошқор юрувчи ҳам (У зот учун) баробардир (У ҳаммани ва ҳар бир кишининг ҳолатини кўриб, билиб тургувчи зотдир). 11. Унинг (яъни, ҳар инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъкиб этгувчи (кузатувчи фаришталар) бўлиб, улар Оллоҳнинг амри билан уни сақлаб — муҳофаза қилиб турурлар. Аниқки, то бирон қавм ўзларини (ўзлари) ўзгартирмагунларича Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас. Қачон Оллоҳ бирон қавмга ёмонлик — бало юборишни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмас. Ва улар учун Ундан ўзга ҳоким йўқдир.

*Изоҳ: Яъни, бирон қавмнинг аҳволи ёмон томонга ўзгарар экан, бунга сабаб устларидаги золим ҳокимгина эмас, балки уларнинг ўзлари ҳақ йўлдан озганлари ҳамдир. Пайғамбар алайҳи-с-саломнинг ушбу ҳадислари юқоридаги оятга ҳамоҳангдир: «Ўзларингиз қандай бўлсангиз, устингизга ҳам шундай ҳоким келур».*

12. (Эй одамлар, Оллоҳ) сизларга (момақалдирокдан) кўрққан ва (ёмғир ёғишидан) умидвор бўлган ҳолингизда чакмоқни кўргизадиган ва вазмин булутларни пайдо қиладиган зотдир. 13. Момақалдирок ҳам У зотга (Оллоҳга) ҳамду сано билан тасбеҳ айтур (ибодат қилур). Фаришталар ҳам У зотдан кўрққанлари сабабли (тасбеҳ айтурлар). У зот чакмоқлар юбориб, улар билан ўзи хоҳлаган кимсаларни — у кимсалар Оллоҳ хусусида талашиб-тортишиб турган ҳолларида, урар. У (ушлаган вақтида) қаттиқ ушловчи зотдир. 14. Ҳақиқий дуо — илтижо фақат Унга қилинур. Ундан ўзга — дуо-илтижо қилинаётган бутлар у мушрикларнинг биронта дуосини мустажоб қилмас. Илло улар бир кимсага ўхшайдиларки, у кимса кафтларини сувга (томон) ёзиб, у сув оғзига етишини кутиб турар. Қолбуки, у (жонсиз бўлган сувнинг ўзи) унинг оғзига етгувчи эмасдир. Бундай кофирларнинг дуолари мутлақо бефойда — ҳатодир. 15. Осмонлар ва ердаги барча жонзот ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч фақат Оллоҳгагина сажда қиладилар — бўйсунадилар.

*Изоҳ: Ислом таълимотига кўра, коинотдаги барча мавжудот Оллоҳ таолога сажда қилади, яъни, Оллоҳ зиммасига қўйган вазифани адо этиш билан У зотга итоат қилади. Зотан, Яратганга итоатсизлик ҳалокат демакдир. Масалан, кўкдаги қуёш ўзининг сайрини бир дақиқа тўхтатса, денгизлар буғланиб-қуриб, қуруқликлар ёниб кетган бўлур эди. Шунингдек, хоҳ мўмин, хоҳ кофир бўлган инсон баданидаги бирон аъзо ўз вазифасини бажаришдан тўхтатса, ўша инсоннинг бутун ҳаёти издан чиқади. Демак, ҳаёт интизоми бузилмаслиги учун еру осмондаги ҳамма нарса ёлғиз яратувчига бўйинсуниши шарт экан. Бу оят сажда оятидир.*

16. (Эй Мухаммад, кавмингизга) айтинг (сўранг): «Осмонлар ва Ернинг Парвардигори ким?» «Оллоҳ», деб жавоб қилинг (чунки улар барибир бундан бошқа жавоб топа олмайдилар. Сўнгра улардан): «Бас, Ўша (Оллоҳ)ни кўйиб, (ўзгаларга эмас, ҳатто) ўзларига ҳам фойда-зиён етказишга қодир бўлмайдиган бутларни ушлаб олдингизларми?» деб сўранг. Яна айтингки, «Кўр (гумроҳ) билан кўрувчи (ҳақ йўлга кирган киши) баробар бўлурми? Ёки зулматлар билан нур баробар бўлурми?» Ё улар Оллоҳ учун У зот яратгани каби (нимадир) ярата оладиган шериклар топиб олиб, сўнгра уларга яратилган нарсаларни (аслида ким яратгани) номаълум бўлиб қолдими? Айтинг: «Оллоҳ барча нарсани яратгувчидир ва У танҳо ғолибдир.» 17. (Оллоҳ) осмондан сув (ёмғир) ёғдирганида жилғалар тўлиб-тошиб оқиб, бу сел ўз устида кўпикларни ҳам кўтариб келур. (Одамлар) зеб-зийнат ёки асбоб-ускуна яшаш учун ўтда эритадиган нарса-маъданлардан ҳам шунга ўхшаш кўпик (чиқинди пайдо) бўлур. Оллоҳ ҳақ билан батилни мана шундай (мисол билан) баён қилур. Энди у кўпик-чиқинди (пайти келиб) ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ер юзида қолур. Оллоҳ мисолларни мана шундай (очиқ-аниқ) баён қилур. 18. Парвардигорларига итоат этган зотлар учун гўзал мукофот — жаннат бордир. У зотга итоат қилмаган кимсалар эса агар ердаги бор молу давлат (яна) икки баробар (кўпайиб) уларнинг ўзлариники бўлса, албатта уни (оллоҳнинг азобидан қутулиш учун) фидо қилган бўлур эдилар. (Аммо) улар учун энг ёмон ҳисоб-китоб бордир. Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон жой у! 19—20. (Эй Мухаммад), ахир сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса аниқ ҳақиқат эканини биладиган — иймон келтирадиган киши (бошқа, кўнгил кўзи) кўр кимсага ўхшайдими? (Булар бир-бирларига сира ўхшамайдилар. Бу оятлардан) фақат Оллоҳга берган аҳдларига вафо қиладиган ва мийсоқ — ваъдаларини бузмайдиган ақл егаларигина эслатма-ибрат олурлар. 21. Улар Оллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (яъни, қариндош-уруғлар билан алоқани) боғлайдилар. Парвардигорларидан кўрқадилар ва оғир ҳисоб-китобга дучор бўлишдан кўрқиб, (доим чиройли амаллар қилишга интиладилар). 22—23. Парвардигорларининг Юзини (ризалигини) кўзлаб (меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб намозларини тўқис адо этган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эхсон қилган ҳамда ёмонликни яхшилик билан қайтарадиган зотлар — ана ўшалар учун охират диёри бордирки, (у диёр) абадий туриладиган жаннатлар бўлиб, улар у жойларга ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат солиҳ бандалар билан бирга кирурлар. Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб (дерлар): 24. «(Оллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлғай. Бу охират диёри нақадар яхши!» 25. Оллоҳга берган аҳд-паймонлари мустаҳкам бўлганидан кейин (уни) бузадиган, Оллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Оллоҳнинг) лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр — жаҳаннам бордир. 26. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур (ва Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. (Мушриклар) мана шу ҳаёти-дунё билан шод-хуррам бўлдилар, ҳолбуки бу ҳаёти-дунё охират олдида фақат бир арзимас мато (нарсаси)дир. 27. Қофир бўлган кимсалар: «Унга (Мухаммадга) Парвардигори томонидан бирон оят-мўъжиза нозил қилинса эди», дейдилар. (Эй Мухаммад, уларга) айтинг: «Албатта, Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни гумроҳ қилур ва (Оллоҳга тавбаси) инобат (га олинган) кишиларни Ўз (диниغا) ҳидоят қилур.» 28. Улар иймон келтирган ва қалблари Оллоҳни зикр қилиш — эслаш билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизким, (ҳар қачон фақат) Оллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур. 29. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун хушнудлик ва гўзал оқибат — жаннат бордир. 30. (Эй Мухаммад), шундай қилиб, Биз сизни (кўпдан-кўп) авлодлардан кейин келган бир авлодга — улар Меҳрибон Оллоҳни инкор қилиб турган ҳолларида — Биз сизга ваҳй қилган нарсаларни тиловат қилиб беришингиз учун пайғамбар қилиб юбордик. Айтинг: «У (меҳрибон Оллоҳ) менинг Парвардигоримдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзи бордир. Унинг Ўзига таваккул қилдим —

суяндим ва Унинг Ўзига тавба-тазарру қилурман.» 31. Агар бир Қуръон бўлиб, унинг ёрдами билан тоғлар жойидан жилдирилса, ё унинг ёрдами билан ер ёрилиб (дарёлар пайдо қилинса), ёки унинг ёрдами билан ўликлар тилга киритилса ҳам (динсиз кимсалар барибир иймон келтирмайдилар). Йўқ, барча иш ёлғиз Оллоҳнинг (илкидадир. Яъни, Оллоҳ хоҳласа иймон келтирадилар, агар У зот хоҳламас экан, барча талаблари бажо қилинганида ҳам улар иймон келтирмайдилар).

*И з о ҳ:* Ушбу оят мушриклар пайғамбар алайҳи-с-саломга «Агар ҳақиқий пайғамбар бўлсанг, тоғларни жойидан жилдириб, уларнинг ўрнида дарё ва чашмалар пайдо қилгин. Улган ота-боболаримизни тирилтиргин, улар тилга кириб, сенинг пайғамбарлигинга гувоҳлик берсинлар, шунда бизлар ҳам сенга иймон келтирамиз», деганларида нозил бўлгандир. Оят давомида келадиган қуйидаги жумлаларда «Бирон мўъжиза кўрсатилса мана шу мушриклар ҳам иймон келтирармиканлар», деб умидвор бўлган айрим саҳобаларга танбеҳ берилади.

Иймон келтирган кишилар агар Оллоҳ хоҳласа, шак-шубҳасиз (У бирон мўъжиза нозил қилмасданок) барча одамларни ҳидоят қилишини (бунинг Оллоҳ учун ҳеч нарса эмаслигини) билмадиларми? (Лекин Оллоҳнинг Ўзигина биладиган ҳикмат сабабли У зот ҳидоят йўлига юриш ё юрмасликни бандаларининг ихтиёрига ташлаб қўйгандир). То Оллоҳнинг ваъдаси келгунича (яъни, Ислом дини қарор топгунича) куфр йўлини тутган кимсаларга ўзларининг қилмишлари сабабли турли офат-балолар етади ёки уларнинг диёрларига яқин жойларга (кулфат) тушиб (уларни безовта, беҳаловат қилади). Албатта Оллоҳ ваъдасига хилоф қилмас. 32. (Эй Мухаммад), сиздан аввалги пайғамбарларнинг устидан ҳам кулиб-масхара қилинганида, Мен ўша (пайғамбарларини ёлғончи қилиб) куфр йўлини тутган кимсаларга (бир оз) муҳлат бериб, сўнгра уларни (Ўзимнинг азобим билан) ушлаганман. Сўнг (ўшанда) уларни қандай жазолаганимни (билурсиз). 33. Ҳар бир жоннинг қилган амалини (кузатиб) тургувчи зот (ҳеч нарсани кўрмайдиган, эшитмайдиган жонсиз бутларга ўхшайдими?) Улар (турли махлукларни) Оллоҳга шерик қилиб олдилар. (Эй Мухаммад, уларга) айтинг: «У бутларингизнинг номларини (ва уларнинг қўлларидан келадиган ишларни) айтинглар-чи? Балки (Оллоҳга) Ер юзидаги билмайдиган бирон нарсасининг хабарини берарсизлар ёки фақат юзаки гап билан (яъни, ҳеч қандай иш-амал қўлидан келмайдиган жонсиз нарсаларни курук сўзларга ишониб худо деб сифиниб юрибсизларми?)» Йўқ. Куфр йўлини тутган кимсаларга макр-алдовлари чиройли бўлиб кўринди ва улар ҳақиқат йўлидан тўсилдилар (чекиндилар). Кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи бўлмас. 34. Улар учун ҳаёти-дунёда ҳам азоб бўлур. Аммо охират азоби оғирроқ-қаттиқроқдир. Уларни Оллоҳ (азоби)дан сақловчи бўлмас. 34. Такво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (будир): Унинг остидан дарёлар оқур, мевалари ва соялари боқийдир. Бу такво-парҳез билан ўтган зотларнинг оқибат-келажагидир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир. 36. (Эй Мухаммад), Биз китоб (Таврот, Инжил) ато этган кишилар Сизга нозил қилинган нарса (Қуръон) сабабли шодланадилар.

*И з о ҳ:* Ривоят қилишларича, яҳудий ва насронийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Салом, Нажоший каби айрим кишилар ҳазрати Мухаммад алайҳи-с-саломга Қуръон нозил бўлганидан хабар топишгач, ўзларининг китоблари Таврот ва Инжилдаги Оллоҳ таолонинг охирги пайғамбарини юбориш ҳақида берган ваъдаси амалга ошганидан шодланишиб, пайғамбар алайҳи-с-саломга иймон келтирган эканлар.

(Яҳудий ва насронийлардан сизга қарши бўлган) тўдалари орасида унинг (Қуръоннинг) бир қисмини инкор қиладиган кимсалар ҳам бордир. (Уларга) айтинг: «Албатта, мен ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишга ва Унга (бировни) шерик қилмасликка маъмурман — амр этилганман. Мен фақат Уша зотга (ибодат қилишга) даъват қилурман ва ёлғиз Унинг Ўзига қайтурман». 37. Шунинг-

дек (яъни, илгари ўтган пайғамбарларимизга ўз тилларида ваҳй юборганимиз каби) Биз уни (Қуръонни) арабий ҳукм ҳолида нозил қилдик. Қасамки, агар сиз ўзингизга келган бу билимдан сўнг уларнинг хою ҳавасларига эргашсангиз, сиз учун Оллоҳ томонидан бирон дўст ҳам, сақловчи ҳам бўлмас. 38. Дарҳақиқат, сиздан илгари ҳам (кўп) пайғамбарлар юборганмиз ва уларга жуфтлар ва зурриётлар берганмиз. Бирон пайғамбар учун (ўз-ўзларидан) бирон оят-мўъжиза келтириш имкони бўлмаган, магар Оллоҳнинг изни-иродаси билангина (келтирганлар). Ҳар бир вақт учун (муносиб) китоб-ҳукм бордир. 39. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни, ҳукми) ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган ҳукми) устивор қилур. Асл Китоб (яъни, барча нарсаларнинг билими) Унинг даргоҳидадир. 40. Агар Биз сизга, (кофирларга) ваъда қилган айрим нарсаларни (яъни, азобларимизни) кўрсатсак ҳам ёки сизни (уларни азоблашдан илгари) вафот қилдирсак ҳам, албатта, сизнинг зиммангизда (барибир ҳақ динни одамларга тўла) етказиш, Бизнинг зиммамизда эса ҳисоб-китоб қилиш бордир. 41. (Макка мушриклари) Биз уларнинг ерларига келиб уни атрофидан камайтираётганимизни (яъни, мусулмонлар қадам-бақадам бу ерларни фатҳ қилаётганларини) кўрмадиларми? Оллоҳ ҳукм қилур — Унинг ҳукмини текширувчи бўлмас. У тез ҳисоб-китоб қилгувчидир. 42. Улардан илгари ўтган кимсалар ҳам (ўзларининг пайғамбарларига қарши турли) макр-ҳийлалар қилганлар. Аммо барча макр-ҳийлалар Оллоҳнинг (илкидадир. Демак, Ўша зотдан амр бўлмаса, бирон макр фойда ёки зиён етказа олмайди). У зот ҳар бир жоннинг қилаётган ишини билур. Яқинда кофирлар охират диёри кимники эканини билиб олажаклар. 43. (Эй Муҳаммад, сизга) кофир бўлган кимсалар: «Пайғамбар эмассан», дейдилар. Айтинг: «Мен билан сизларнинг орамизда Оллоҳ ва Китоб илмидан хабардор бўлган ҳар бир (иймони бор) киши етарли гувоҳдир.»



Маккада нозил бўлган эллик икки оятдан иборат бу сура пайғамбарлар зиммасига юклатилган вазифа инсониятни зулматлардан нурга олиб чиқиш эканлигини баён этиш билан бошланади. Суранинг «Иброҳим» деб аталишига сабаб, унда пайғамбарлар отаси Иброҳим алайҳи-с-саломнинг Маккага келишлари ва у ерда тангри таолога қилган дуо-илтижолари хусусида муфассал хикоя қилинади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Алиф, Лом, Ро. (Эй Муҳаммад, бу Қуръон) Биз сизга, одамларни Парвардигорларининг изни-иродаси билан зулматлардан нурга — қудрат ва ҳамду сано эгаси бўлган зотнинг йўлига — олиб чиқишингиз учун нозил бўлган Китобдир. 2. Оллоҳ осмонлар ва ердаги бор нарса Ўзиники бўлган зотдир. Қофирлар учун қаттиқ азоб — ҳалокат бўлгай. 3. Улар ҳаёти-дунёни афзал биладиган, Оллоҳнинг йўлидан тўсадиган ва уни (бу йўлни) бузадиган (бузишга уринадиган) кимсалардир. Улар (ҳақ йўлдан) йироқ — залолатдадирлар. 4. Биз ҳар бир пайғамбарни (ҳукмларимизни) баён қилиб бериши учун ўз қавмининг тили билан (шу тилда сўзлайдиган киши қилиб) юборганмиз. Сўнг-

ра (хукм баён килинган) Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсани йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қилур. У қудратли, ҳикматли зотдир.

*Изоҳ:* Пайгамбарларнинг вазифаси даъватдир. Бирон кишини йўлдан оздириш ёки Ҳақ йўлга ҳидоят қилиш эса ҳеч қайси пайгамбарнинг қўлидан келмайди — бу ёлғиз Оллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқ ишдир.

5. Дарҳақиқат, Мусони (Бани Исроил қавмига) Ўз оятларимиз билан юбориб (унга дедик): «Қавмингни куфр зулматларидан (иймон) нурига олиб чиққин ва уларга Оллоҳнинг неъматларини эслатгин! Албатта, бу (неъматлар) да ҳар бир сабр-қаноатли, шукр қилувчи киши учун оят-ибратлар бордир.» 6. Ушанда Мусо қавмига айтди: «Оллоҳнинг сизларга берган неъматини — сизларни оғир азоблар билан қийнаётган, ўғилларингизни сўйиб, хотинларингизни (ўртаб) тирик қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эслангиз. Ана ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бордир. 7. Яна Парвардигорингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: «Қасамки, агар берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар (неъматларимнинг қадрига етмасангизлар), албатта азобим ҳам жуда қаттиқдир». 8. Мусо яна деди: «Агар сизлар ўзингиз ва Ер юзидagi барча кишилар кофир бўлсалар ҳам (Оллоҳга бирон зиён етказа олмайсизлар). Зеро, Оллоҳ (сизларнинг шукр қилишингизга муҳтож бўлмаган) беҳожат, ҳамду сано эгасидир. 9. Сизларга илгари ўтган кишиларнинг — Нуҳ қавмининг, Од, Самуд (қавмларининг) ва улардан кейин ўтган, (сону санокларини) фақат Оллоҳгина биладиган қавмларнинг хабари келмадими? Уларга пайгамбарлари (ўзларининг ҳақ пайгамбар эканликларини билдирувчи) ҳужжатлар келтирганларида, улар қўллари билан (пайгамбарларининг) оғизларини тўсиб, дедилар: «Биз сизлар элчи қилиб юборилган динга кофир бўлдик. Чунки биз сизларнинг бизни даъват қилаётган динингиздан шак-шубҳададирмиз.» 10. Пайгамбарлари айтдилар: «Осмонлар ва Ернинг яратувчиси бўлмиш Оллоҳ (нинг борлиги ва бирлиги) хусусида шак-шубҳа бўлиши мумкинми?! У зот сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилиш ва ўзларингизни маълум муддатгача (ҳалок қилмай) қолдириш учун (иймонга) даъват қилмоқда-ку?!» Улар дедилар: «Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз, фақат бизни ота-боболаримиз ибодат қилиб ўтган нарсадан (санамларга сиғинишдан) тўсмоқчисизлар, холос. Бас, (агар чин пайгамбар бўлсангизлар) бизга аниқ бир ҳужжат-далил келтиринглар-чи?» 11. Пайгамбарлари уларга айтдилар: «(Ҳа), биз ҳам худди сизларга ўхшаган одамлармиз, лекин Оллоҳ Ўзи хоҳлаган бандаларига (пайгамбарлик) инъом қилур. Биз сизларга (ўз-ўзимиздан) бирон ҳужжат келтира олмаймиз, магар Оллоҳнинг изни-иродаси билан (келтиришимиз мумкин). Иймон келтирган кишилар ёлғиз Оллоҳгагина таваккул қилсинлар. 12. (Ахир) бизни (тўғри) йўлимизга ҳидоят қилган Оллоҳга нечун таваккул қилмаймиз. Албатта биз сизлар етказган озорларга сабр қилурмиз. Таваккул қилувчилар ёлғиз Оллоҳга таваккул қилсинлар.»

*Изоҳ:* Ибн ал-Жавзий айтишларича, Муҳаммад алайҳи-с-саломга ўтган пайгамбарларнинг қиссалари бу тарзда сўйлаб берилишига сабаб, биринчидан, у зотга ўзидан, аввалги салафларининг ҳоли-хабарларини етказиш бўлса, иккинчи томондан, ўзларининг бошларига ҳам у пайгамбарлар ўз умматлари тарафидан кўрган кўргуликлар тушиши мумкинлиги ва бундай ҳолатда улар каби сабр-тоқат қилиш лозимлигини уқтиришдир. Таваккул,— уламолардан Абу Туробнинг таърифлашича,— ўзни мудом ибодатга чоғлаш, дилни ёлғиз Парвардигорга боғлаш, шодлик кунларида шукр қилиш, бало кунларида сабр қилишдир.

13—14. Куфр йўлини тутган кимсалар ўзларининг пайгамбарларига: «Албатта, биз сизларни еримиздан ҳайдаб чиқарурмиз ёки сизлар бизнинг динимизга қайтурсизлар», дедилар. Шунда Парвардигорлари уларга (яъни, пайгамбарларга): «Албатта, Биз бу золимларни ҳалок қилурмиз ва улардан сўнгу шу ерни сизлар учун маскан қилурмиз. Бу (ваъда) Менинг ҳузуримда (беҳуда

савол бериб) туришдан кўркувчи ва Менинг (кофирларни дўзахга гирифтор қилиш хусусидаги) ваъдамдан хавф қилгувчи кишилар учундир», — деб ваҳй юборди. 15. (Сўнгра пайғамбарлар Оллоҳдан) мадад тиладилар ва барча жабркор-саркаш кимсалар бахтсизликка дучор бўлдилар. 16—17. Унинг (яъни, ҳар бир динсиз кимсанинг) олдида жаҳаннам бордир. (Жаҳаннамда) унга йирингли сувдан берилганида, уни ютмоқчи бўлади-ю, (томоғидан) ўтказолмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўлолмайди. Унинг олдида (шундай) оғир азоб бордир. 18. Парвардигорларига кофир бўлган кимсаларнинг қилган амаллари мисоли худди бўронли кунда қаттиқ шамол учуриб кетган кулга ўхшайди — улар қилган амалларидан бирон фойдага эга бўла олмайдилар. Бу — йўлдан қаттиқ озишнинг ўзидир. 19. (Эй инсон), Оллоҳ осмонлар ва ерни ҳақ (қонун) билан яратиб қўйганини кўрмадингми?! Агар У зот хоҳласа сизларни кетказиб, (ўрнингизга ўзгаларни) янгитдан яратур. 20. Бу (иш) Оллоҳ учун қийин эмасдир. 21. (Киёмат кунида) барча (халойик) Оллоҳга рўбарў бўлиб, бечора (эргашувчи)лар мутакаббир кимсаларга (яъни, ўзларининг собиқ йўлбошчиларига): «Бизлар сизларга эргашган эдик, энди сизлар бизларни Оллоҳнинг бирон азобидан қутқара олурмисизлар?» деганларида, улар айтдилар: «Агар Оллоҳ бизни (Ҳақ йўлга) ҳидоят қилганида биз ҳам сизларни ҳидоят қилган бўлура эдик. (Энди эса) дод-вой қиламизми, сабрқаноат қиламизми, биз учун баробардир — ҳеч қандай нажот йўқдир.» 22. Қачонки (бу) иш тугагач (яъни, жаннат аҳли жаннатга сазовор бўлиб, дўзахийлар дўзахга ҳукм қилинган), шайтон деди: «Албатта Оллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен эса (ёлғон) ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига) қақиритиб билан (оқ) ўзингиз менга итоат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам бергувчи эмассиз. Албатта, мен сизлар илгари (Оллоҳга) мени шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта, солимлар (яъни, кофирлар) учун аламли азоб бордир.» 23. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритилиб, Парвардигорларининг изни-иродаси билан у жойда мангу қолдилар. Уларнинг (жаннатдаги) салом-аликлари бир-бирларига тинчлик-омонлик тилашдир.

Изоҳ: Мухтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, юқоридаги оятларда киёмат куни бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси ўтган замон феъли билан ифодаланди. Муфассирларнинг таъкидлашларича, бу киёмат қойим бўлиши аён ҳақиқат эканлигига бир ишорадир. Зеро, бўлиши ё келиши аниқ бўлган иш-воқеалар ҳақида ўтган замон тилида гапириш бор услубдир. Масалан, ўлим жазосига мустаҳиқ бўладиган жиноятни қилган кимсага «Энди ўлдинг», дейилади ва ҳоказо.

24—25. (Эй инсон), Оллоҳ яхши Сўзга (яъни, иймон калимасига) қандай мисол келтирганини кўргин; у сўз худди бир асил дарахтга ўхшайдики, унинг илдизи (ер остига) маҳкам ўрнашган, шохлари эса осмонда бўлиб, Парвардигорининг изни-иродаси билан мудом мева берур. Оллоҳ одамлар ибрат-эслатма олишлари учун мана шундай мисоллар келтирур. 26. Ёмон сўзнинг (яъни, куфр сўзининг) мисоли эса ердан (илдизи) узилиб қолган, бир жойда (ўрнашиб) кўним топмайдиган (қуриб қолган) нопок дарахтга ўхшар. 27. Оллоҳ иймон келтирилган кишиларни ҳаёти-дунёда ҳам, охирада ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан собит-қадам қилур. Золимларни эса Оллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур. 28—29. (Эй инсон), Оллоҳнинг неъматини (яъни, иймонни) куфрга алмаштириб юборган ва қавмларини (яъни, ўзининг ортидан эргашганларни) ҳалокат чоҳига — ўзи қирадиган жаҳаннамга қулатган кимсаларни кўрмадингми?! Нақадар ёмон жой у! 30. Улар (одамларни) Оллоҳ йўлидан оздириш учун У зотга «тенг»ларни (ўйлаб) топдилар. (Эй Мухаммад), айтинг: «Фойдаланиб қолинглар! Ҳеч шубҳа йўқки, оқибат борадиган жойларингиз дўзахдир.» 31. (Эй Мухаммад), иймон келтирган бандаларимга айтинг, намозни тўқис адо қилсинлар ҳамда олди-сотди ва ошна-оғайнигарчилик бўлмайдиган Кун (киёмат) келиб қолишдан илгари Биз

уларга ризк қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эхсон қилсинлар. 32. Оллоҳ осмонлар ва ерни яратган ва осмондан сув (ёмғир-қор) ёғдириб, унинг ёрдамида сизларга ризк бўладиган меваларни чиқарган зотдир. У Ўз амри билан денгизда сузиб юриши учун кемаларни сизларга бўйинсундирди. Яна дарёларни ҳам сизларга бўйинсундирди. 33. У доимо айланиб турувчи қуёш ва ойни ҳам сизлар учун бўйинсундирди (яъни, сизлар яхши яшашингиз учун тартиб-интизомга солиб қўйди). Яна кеча ва кундузни сизлар учун бўйинсундирди. 34. Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Оллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига етолмайсизлар. Ҳақиқатан, инсон зоти ўта золим ва жуда ношукрдир. 35. (Эй Муҳаммад), эсланг, Иброҳим айтган эди: «Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни, Маккани) тинч шаҳар қилгин, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин. 36. Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ана ўша мендандир (яъни, менинг динимдадир). Ким менга (қарши) исён қилса, яна Ўзинг мағфиратли, меҳрибонсан (яъни, ундай кимсаларни ҳам ҳақ йўлга ҳидоят қилишга қодирсан). 37. Парвардигоро, албатта мен зурриётимдан (бир бўлагини — ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузурдаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим.

*Изоҳ: Ривоят қилинишича, Иброҳим алайҳи-с-саломнинг Ҳожар исмли хотинлари Исмоил алайҳи-с-саломни туққанларида, Сора (Иброҳим пайғамбарнинг бошқа хотинлари) бундан ғашланиб, Ҳожарга рашк қила бошлаган экан. Шунда Иброҳим алайҳи-с-салом Оллоҳ таоло амри билан ўғиллари Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни олиб Шомдан Маккага бориб, уларни ўша жойга жойлаштириб қайтаётиб, Тангри таолога илтижо қилиб мана шу оятларда мазкур бўлаётган дуоларни ўқиган эканлар. Ҳадиси шарифда зикр қилинишича, Оллоҳ таоло Ўз пайғамбари Иброҳим алайҳи-с-саломнинг дуоларини ижобат қилиб, ўша саҳродан «зам-зам» чашмасини чиқариб, у ерда қолганларга оби-ҳаёт ато этган экан.*

Парвардигоро, (улар) намозни тўқис адо қилсинлар деб (шундай қилдим). Бас, Сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгил ва уларни (барча) мевалардан баҳраманд этгил. Шояд шукр қилсалар. 38. Парвардигоро, албатта Сен бизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам билурсан. Оллоҳ учун еру осмондаги бирон нарса махфий эмасдир. 39. Менга кексалик пайтимда Исмоил ва Исҳоқни ҳада қилган зот — Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Албатта Парвардигорим барча дуоларни эшитгувчидир. 40. Парвардигорим, мени ва зурриётимдан (бўлган болаларимни) намозни тўқис адо этгувчи қилгил. Парвардигоро, дуоимни қабул айла. 41. Парвардигоро, ҳисоб-китоб қилинадиган (киёмат) куни мени, ота-онамни ва барча мўминларни мағфират қилгил.» 42. (Эй Муҳаммад), сиз ҳаргиз: «Оллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг! Фақат Оллоҳ уларни (азоблашни) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (қўрқинчли киёмат) кунига қолдирмоқда, холос. 43. (У куни) улар бошларини (осмонга) кўтарган ҳолларида (чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) чопурлар. Кўзлари ўзларига қайтмайди (яъни, кўркувдан қотиб қолиб, ўзларининг қандай ҳолда эканликларини ҳам кўрмайдилар). Диллари (даҳшатдан) бўм-бўш бўлиб қолур. (Эй Муҳаммад), одамларни огоҳлантириб қўйингки, уларга азоб келар кунда (киёматда) золим кимсалар: «Парвардигоро, бизларга озгина муҳлат бергин, (яъни, бизларни дунёга қайтариб, озгина ҳаёт бергин, албатта) Сенинг даъватингни қабул қилурмиз ва пайғамбарларингга эргашурмиз», дейдилар. (Шунда уларга жавоб қилинур): «Илгари (ҳаёт пайтларингизда) ҳеч қачон заволга юз тутмаслигингиз (яъни, ҳеч қачон ўлмаслигингиз ва охират жазосига дучор бўлмаслигингиз) ҳақида (билиб-билмай) қасам ичмаган эдингизларми?! 45. (Ахир) сизлар ўзларига зулм қилган (қанчадан-қанча) кимсаларнинг масканларига (улар заволга юз тутганларидан кейин) жойлашган эдингизлар. Уларни қандай (ҳалок) қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум эди. Биз сизлар учун (қанчадан-қанча) мисоллар келтирган эдик (лекин сизлар бу кўрган-билганларингиздан ибрат олмадингиз, ҳақ йўлга юрмадингиз).» 46. Дарҳақи-


кат, улар (яъни, Макка мушриклари) ўзларининг макр-хийлаларини қилдилар. (Лекин) агар уларнинг макрлари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган бўлса-да, уларнинг (бу) макр-хийлалари Оллоҳ хузурида (маълумдир, ҳеч нарсадир).

*Изоҳ:* Бу оятда мушрикларнинг Муҳаммад алайҳи-с-саломга қарши қилган хийла-найрангларига ва Оллоҳ таоло уларнинг барча уринишларини беҳуда кетказганига ишора қилинмоқда.

47—48. (Эй Муҳаммад), сиз ҳаргиз Оллоҳни ўз пайғамбарларига берган («Биз албатта пайғамбарларимизни ғолиб қилурмиз», деган) ваъдасига хилоф қилувчи, деб ўйламанг. Албатта Оллоҳ ғолибдир ва (у) ер бошқа ерга, осмонлар (ўзга осмонларга) айланиб қоладиган ҳамда (барча одамлар) ёлғиз ва қудратли Оллоҳга рўбарў бўладиган кунда (қиёматда) интиқом олгувчидир. 49. (Эй Муҳаммад), у кунда жиноятчи кимсаларни кишанлар билан боғланган ҳолларида кўрурсиз. 50. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур. 51. Оллоҳ ҳар бир жонга қилган ишига яраша жазо бериш учун (мана шундай қайта тирилтирур). Албатта, Оллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчидир. 52. Бу (Қуръон) одамлар(ни) огоҳлантириш ва (улар Оллоҳ) ягона илоҳ эканини билишлари ҳамда ақл эгалари ибрат-эслатма олишлари учун (Оллоҳ тарафидан нозил қилинган) бир баёнот — хабардир.

Давоми келгуси сонда





Чархий таваллуд топганига 90 йил тўлди



## «ҚЎШИҚ БЎЛСА АРСИЙДИ»

Қўқон шаҳридаги адабиёт музейида сақланаётган нодир ҳужжатлар орасида ипи учма-уч боғланган, қалин иккита жилд бор. Уларнинг устига «Шоир Чархийнинг дўстлари, шогирдлари ва мухлисларидан келган мактублар», деб ёзиб қўйилган. Содда ва самимий оҳангдаги хатлар ажойиб ғазалнависимизнинг маънавий оламини, фазилатларини кўз олдимизда гавдалантираверади.

«...Қадрдон ва азиз, ширинсухан, булбулигўё Чархий домла! Мана, ҳашпаш дегунча омон-эсон 78 йилга ҳам кириб, эшигини ичкарасидан маҳкам қулфлаб олдиқ. Ишқилиб бу йилимиз ҳам серфайз, баракали, серзавқ, сершавқ, яхши ва соз ўтсин. Ижод булоғининг кўзи қайнашдан тўхтамасин!

Мен анови ғазални машинкада кўчириб, сизга икки нусхасини юбордим. Ғазалдаги баъзи бир сўзларни, ибораларни ғалат кўчирган бўлишим ҳам мумкин. Шунинг учун ғазални яхшилаб ўқиб, хатолари бўлса тузатиб, бир нусхасини менга қайтариб юборинг.

Салом ва эҳтиром билан Уйғун.  
15 февраль, 1978 йил.»

Собир Абдулла шоирга берган баҳонинг ранглари эса сўз ўйинида янада қуюқлашган. Кўз олдимизда ўзига хос қалам соҳибининг ёрқин сиймоси ғоят ойдинлашган.

«...Менда бир одат борки, кечалари жиддий асарлар устида чарчаган чоғларимда эрмак учун ҳажвия ёки ишқий шеър машқ қилиб илҳомни чархлайман. Тубандаги мухаммас ҳам ўшандақа чарх вазифасини бажарган мухаммаслардан бўлиб, яна ҳам ўткирлатиш учун Қўқоннинг ўткир Чархийсига юбордим.

Чехрани беркитма, ойсиз, кеча расоланмасин,  
Жилва қил, сайёралар кўкда муаммоланмасин,  
Очма гул сайрида лаб, лаълинг томошаланмасин,  
Фунчалар қонлар ютиб, ҳақингда иғволанмасин,  
Қоматингга сарвлар ялғон тасанноланмасин.

Файрлар кўрсин менга лутфингни, суҳбат чоғида,  
Телмуриб тўйсин кўзим, тўйгунча ҳуснинг боғида,  
Ўз-ўзин бўғсин рақиблар рашкнинг сиртмоғида,  
Майли, тонг отгунча ўтсам ҳам висол қийноғида,  
Бирга бўл, бегоналар шаънига бурроланмасин.

Кул, табассум қил, чаман саҳни муаттар бўлгуча,  
Қилма истиғно, ширин базминг муқаррар бўлгуча,  
Қийнама, Собирга то васлинг муяссар бўлгуча,  
Офтоблик эт, жаҳон тонгда мунаввар бўлгуча,  
Оразинг кўрсат, куёш оламда танҳоланмасин.

Зиёда ҳурмат ва самимият билан  
Собир Абдулла  
13 июнь, 1959 йил.»

Хатлар кетидан хатлар... Уларни бирма-бир кўздан кечирганинг сари шоир оламининг ўзига хос қирралари очилаверади:

«Ассалому алайкум домла! Қўқондан Тошкентга келиб турган кўпгина дўстлардан сизнинг таом тайёрлашдаги маҳоратингизни кўп эшитганман. Айниқса, шўрвага думба ёғи ва тухум солиб махсус тайёрлар экансиз. Паловга эса ҳар турли ошқўқлар ҳам қўшиб, гўштни бир кун илгари сиркалаб қўяркансиз.

«Аталаи Чархий» деган таомингиз тўғрисида менга ўзингиз сўзлаб берган эдингиз. Бу тарих 1961 йил ёзида, Қайнарбулоқда учрашганимизда бўлган эди, афсуски, мен тўла эътибор бермаган эканман.

Илтимос, домлажон, ана шу учала хил таомни қандай тайёрлаш усулини ва керакли масаллиқ миқдорини битиб юборсалар. Мен уларни сиз қандай ном билан атасангиз ана шундайлигича «Ўзбек таомлари» китобининг учинчи нашрига киритаман. Бу ҳам бир эсдалик бўлиб қолар эди ва сизнинг дастурхонингиздан неча минглаб одамлар ва авлодлар баҳраманд бўлган бўлур эди.

Ҳурмат ва эҳтиром билан Қаримжон Маҳмудов  
Октябрь 14 кун 1963 йил.»

«...Сизнинг илтифот қилиб менга юборган таомлар тайёрлаш тўғрисидаги дафтарингизни олдим ва ғоят хурсанд бўлганимдан ушбу мактубни битдим... Мен ўша сиз ёзиб юборган таомларни албатта китобимга киритаман ва мўътабар дафтарчани эса архивимда мустаҳкам сақлайман, деб ваъда бераман.

Алангали салом билан номанавис мухлисингиз Қарим Маҳмудов  
30—31 декабрь 1964.»

Ҳа, домла Чархий фақат шоирлик санъати билан шуҳрат қозонган эмас, у машойихлар «бир йигитга етмиш икки ҳунар оз» деганларидек, моҳир пазанда ҳам эди. Домла тайёрлаган паловдан тановул қилган киши шоирга «офарин» демасдан кета олмасди.

Устоз қозоннинг олдида борганларида ҳеч кимнинг мададига суянмас, бошлаган ишини ўзлари охирига етказарди. Утинни эринмай ёрғичоқ қилиб, сўнгра ўчоққа қалар, чексиз меҳр билан масаллиқ тайёрлашини кўриб, ошпаз-

лик касбига ҳавасингиз юз чандон ошиб кетарди. Шоирнинг ширин таомига ошиқу шайдо мухлислари ҳар ҳафта навбатма-навбат келишиб, катта баркаш атрофида Чархий домла суҳбатидан баҳраманд бўлар, мавлоно Муқимий ҳужрасини файзга тўлдирардилар.

Шу ўринда яна бир воқеа ёдимга тушди. Олтмишинчи йилларнинг охирида гузал Исфара шаҳрига йўл олдик. Шоирни тожикистонлик дўстлари шод-хуррамлик билан кутиб олишди. Суҳбатимиз бирпасда шеърхонликка уланиб кетди. Шоир Черхий:

Офарин, иқлими жонпарвар, гулистон Исфара,  
Хушҳаво кўркам бинолардан намоён Исфара,—

матлаи билан бошланувчи ғазалини завқ-шавққа тўлиб ўқий бошлади...

Домланинг яна бир шогирди, қўшиқчи шоир Комил Жўра билан мен Исфарани аввал кўрмаганимиз учун отахонлардан узр сўраб, шаҳар айлангани чиқиб кетдик. Қайтиб келганимизда кўзимизга ишонмай қолдик, шоир барава-рига тўртта қозонда ош пиширарди. Чархиёна ошнинг таърифи фақат Қўқонда эмас, Исфарада ҳам жуда машҳур бўлиб кетган экан.

Чархий домла Қўқон адабий муҳитини яхши ўрганган, Муқимий, Фурқат, Завқий, Писандий, Рожий каби ижодкорларнинг янги-янги асарларини топиб, адабиётимиз бойлигига бойлик қўшган заҳматкаш шоир эди. Унинг меҳнати самарасидан кўплаб адабиётшунослар баҳраманд бўлишган.

«...Ҳурматли Чархий домла! Қўқондан хурсанд бўлиб қайтдик. Ҳар ҳолда оз бўлса ҳам материал топиб бердингиз. Ўзим демократ шоирларимизнинг яшаган жойлари ҳақида тасаввурга эга бўлдим. Сиздан миннатдорман. Қимматли вақтингизни аямай мен билан юрдингиз. Раҳмат. У ердан олган материал музейда сақланмоқда.

Муқимийнинг «Сайлов» шеърини Ғ. Қаримов ҳеч қаерда эълон қилмаслик шарти билан кўчириб олди. Ҳозирча турибди. Агар босиш лозим бўлиб қолса, албатта сизнинг номингизсиз чиқмас.

Яна сиздан илтимос, Фурқат ижоди ҳақида, шеърлари (янги бўлса) топиб юборсангиз ёки маълум қилсангиз.

Сизга соғлиқ-эсонлик тилаб, укангиз Холид Расул  
21/II—57 й.»

«...Менинг темам ҳали аниқ бўлгани йўқ. Ҳозирча қўқонлик шоир Фурбатнинг девонини ўқияпман. Фурбат XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган. Сиз, эҳтимол, уни кўргандирсиз ёки у ҳақда эшитгандирсиз.

Сиздан бир илтимос, яъни Фурбатнинг ҳаётига оид бирор нима билсангиз, бемалол бўлса хатга ёзиб юборсангиз. Китобда берилган маълумот озлик қилади...

Ҳурмат билан Раҳматова Дилбар  
20/III—1961 й.»

Асқарали Ҳамроалиев (Чархий) ўзига хос мактаб яратган ижодкордир. У кишининг таълимини олган Йўлдош Сулаймон, Комил Жўра, Анвар Юнус, Ҳабибулла Сайид Ғани каби ижодкорлар бугунги кунда катта-кичик асарлари билан ўқувчилар эътиборига тушган.

Шоирнинг ижоди Ўзбекистон халқ шоири Миртемир айтганларидек, кишиларни «Бир жаҳон завққа ёр қилувчи озу соз» ижод эди. Унинг ғазалларини ёки қўшиқларини бир марта берилиб тинглаган киши шоирнинг доимий мухлисига айланиб қоларди.

Каттақўрғонлик Холис ана шундайлардан бири эди. У бир неча бор Чархий домла билан учрашишни орзу қилиб, ундан маслаҳатлар сўраб шеърини мак-тублар йўллаган:

«Рағбатим бор эрди сизга ҳамнишин бўлсам деган,  
Кўрсатиб меҳру муҳаббат феълу атвор этдингиз.  
Хуштакаллум мактубингиз дилга ташрифлар солиб,  
Бир зиёрат айламоққа аҳду иқрор этдингиз.»

Чархий домла гарчанд Холис билан умрининг охиригача учрашмаган бўлса ҳам, унга доимо хат орқали ижодий йўл-йўриқлар бериб, устозлик қилган. Домла шеър ёзишда суяги анча қотиб қолган шоирлардан ҳам, эндигина қўлига қалам олган ҳаваскорлардан ҳам меҳрини дариг тутган эмас.

Ганжиравон қишлоғида яшовчи А. Эркабоев 1973 йил сентябрь ойида ўзининг «Шифокор» номли кўйидаги кўшиқ-шеърини ёзиб жўнатади.

Ётар эдим шипга қараб бемадор,  
Ёруғ олам кўзларимга бўлиб тор,  
Кеча-кундуз чора қўллаб сиз ҳушёр,  
Бошим узра ўтирдингиз, шифокор.

Алаҳлаган чоғларим ҳам бўлди гоҳ,  
Жондан умид узиб тортдим баъзан оҳ,  
Ёқдимикан ё кўлингиз баногоҳ,  
Танга дармон кирди у кез, шифокор.

Кундан-кунга хасталигим чекинди,  
Дард қолмади, кўз ёшларим ҳам тинди,  
Эрка — Жалил дилдан раҳмат дер энди,  
Қалби денгиз, меҳри тенгсиз, шифокор.

Шифокорим, шифокорим, шифокор!

Чархий домла ушбу кўшиқ-шеърни диққат билан ўқиб, охириги тўртликдаги учинчи мисрани «Эрка тойнинг элдан шу бир қарзийди» тарзида тузатади ва «ҳар ҳолда бу кўшиқ арзийди» деб ёзиб қўяди.

Чархийнинг гўзал маънавияти ҳақида гапирган саринг унинг янги-янги қирралари намоён бўла боради.

Шоирнинг туғилган кунига 70 йил тўлиши муносабати билан Қўқон шаҳар фирқа кўмитаси ва ижроия кўмитаси домла яшаб турган ҳовлининг кичиклигини ҳисобга олиб, шундай ёнгинасидаги кимсасиз уйни совға қилишади. Устоз хонадонига бақамти яшовчи кўп болалик Ёқубжон ва Ғуломжон акаларнинг уйлари ҳам ниҳоятда тор эди. Буни ҳис этган Чархий уйни уч қисмга ажратиб, кўшниларини оғир ташвишдан халос этади.

Устоз ана шундай кишини ҳайрон қолдирадиган олижаноб, ғамхўр, бировлар ташвиши, дарди билан яшайдиган, ноҳақ, айёр, товламачи, қинғир одамларни ҳеч хуш кўрмайдиган улуғ одам эди. Домланинг:

Тўғри йўл бақолик йўл,  
Мард эсанг вафолик бўл,  
Қинғир бўлма оламда,  
Топмайсан омон дерман,—


ёки:

Ғам е авлодинг учун, инсон эсанг,  
Нафс деб ўргамчидек тортма уя,—

каби ҳикматона мисралари юқоридаги фикримизга далилдир.

Чархий домланинг ижоди ва саховати, ҳимматидан биз ёшлар ибрат олсак арзийди. Чунки у кишининг одамохунлиги баробарида оҳанрабо, умрбоқий кўшиқлари йиллар оша эл назарида, яхшилар даврасида ҳикоят бўлиб яшамоқда.

Назиржон НАЗАРОВ,  
филология фанлари номзоди



# Муроҳаза, муҳокима, мунозира

\*

\*

Орол фожиаси... Уни иккинчи Чернобиль, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигининг асорати, Урта Осиё халқларининг XX асрдаги энг катта фожиаси демоқдалар. Орол муаммосининг табиатга ва иқтисодийетимизга етказётган зарари, ижтимоий-сиёсий оқибатлари ўлкамиз истиқболга лоқайд бўлмаган барча виждонли кишиларнинг ўй-хаёлини банд қилиб турибди. Бу табиий, албатта. Чунки Орол биз учун ҳаёт-мамонт масаласидир. Усиз эртанги ҳаётимизни тасаввур этишимиз қийин.

Журналист Мурод Абдуллаевнинг қуйида берилаётган мақоласида ҳам Орол фожиаси ҳақида сўз юритилади. Мақолада муаллиф бу фожианинг тарихий илдизлари, келгусидаги ижтимоий-сиёсий оқибатлари, муаммони ҳал этиш йўллари ҳақида ўзича фикр юритишга ҳаракат қилган.

Мурод Абдуллаев

## ЗАНЖИРБАНД ШЕР

Мана, қарийб ўн йилдирки, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Урта Осиё региони жамоатчилиги Орол денгизи фожиаси ташвиши билан яшаяпти. Давримизнинг бу мушкул муаммоси ҳақида ёзмаган рўзнома ёки жариди қолмади. Ҳар ким ҳар хил таклифларни ўртага ташлади, қарорлар қабул қилинди. Аммо бу билан Орол суви кўпайиб қолгани йўқ. Денгиз сатҳи ташвишланарли даражада камайиб боряпти. Бизнингча, мамлакатга қанча пахта етказиб беришни деҳқоннинг ўзи ҳал қилмас экан, Оролни асл ҳолига келтириб бўлмайди. Бугун жонкуяр одамлар шундай демоқдалар. Ҳақ гап. Оролни ўлимга маҳкум этган пахта экан, энди уни мана шу экиндан маълум даражада воз кечишгина қутқариб қолиши мумкин.

Бунга ўзбек деҳқонининг ўзи тайёрми? Юз йил мобайнида бу деҳқонга «отанг пахта, онанг пахта» деган сийқа шиорни зўр бериб сингдириб келдилар. Пахта уни фожиага судраб бораётганини кўриб турса ҳам у бангиларча ўрганиб қолган машғултидан воз кечолмади, чунки, унинг бутун вужуди аллақачон бу захри қотилга ўрганиб, ундан айрилмайдиган бўлиб қолган.

Иккинчидан, иттифоқ ҳукуматининг ҳам пахтадан воз кечгиси йўқ. У фақат бир қолда, яъни кўп пахтага эга бўлиш учун юргизиб келган нобоп сиёсати фош бўлиб қолгани (яъни Туркистоннинг экологияси ғариб, халқи қашшоқ, денгизи ўлимга юз тутгани) боис Урта Осиё халқларининг, жаҳон афкор оммасининг қаттиқ талаби билан бир қисмидан воз кечишга кўниши мумкин. Шунда ҳам катта қийинчилик билан. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши жумҳуриятларнинг ўз суверен ҳуқуқларини тиклаши, пахта билан жаҳон бозори нархлари бўйича олди-сотди қилишни йўлга қўйиш асосида ҳам ҳал этилиши мумкин.

Шундан сўнг деҳқоннинг ўзини кўндириш муаммоси келади. Бу ҳам осон эмас. 73 йил мобайнида музофотда пахтанинг йўлига «кўк чироқ» ёқиб қўйилди. Бошқа неъматларга эса «қизил чироқ». Бу чироқларнинг моҳияти шундаки, деҳқон хўжаликлари пахта экса, унинг ҳосили бирон жойда маҳтал бўлиб қолмайди. Пахта конвейери шундай ташкил этилганки, у даладан пешма-пеш заводга ва ундан дунёнинг исталган мамлакатига тўсқисиз кетаверади, гарчи оралиқ бўғинлар деҳқоннинг нонини туя қилаётган бўлса ҳам. Узум ёки қовун, картошка, сабзи-пиёз эксачи, бу ноз-неъматларга деҳқоннинг ўзи ҳам тўймаётган бўлса-да, унинг исроф бўлиб кетиши ҳеч гап эмас; узоқ йиллар мобайнида бу яшил карвон йўлида атайин сунъий ғовлар тикланган. Ҳукумат бу ғовлар-

ни зудлик билан олиб ташлаб, пахтадаги сингари мева-чеванинг йўлига ҳам «кўк чироқ» ёкиб қўйса, деҳқоннинг ошиғи олчи бўлади. Бироқ ҳали бу борада нафақат деҳқонни, бутун бир халқни чалғитишга тайёр кимсалар йўқ эмас. Шу ўринда жумҳурият Вазирлар Кенгаши раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг I сессиясидаги нутқида баён этилган ушбу сўзларга эътибор бериш лозим: «Ҳарчанд аламли бўлмасин, бир ҳақиқатни айтиш керак. Кўпгина обрўли одамлар, етакчи олимлар ҳар доим ҳам ҳақиқат тарафида тура олмадилар. Улар тўғри фикрни ҳимоя қилиш ўрнига ҳар қандай эгри ишга шариатдан йўл топиб беришга тайёр айрим риёкор эшонлар каби иш тутишди. Яқингинада, атиги етти-саккиз йил бурун кўпгина ҳурматли академикларимиз томонидан юқоридан туширилган ҳар қандай бемаъни топшириқлар, масалан, Ўзбекистонда пахта ёки мухтор жумҳуриятда шולי етиштиришни узлуксиз кўпайтириш «илмий асослаб» берилиб, мукофотлар олишга ҳаракат қилинганди».

Етти-саккиз йил аввалнигина эмас, куни кеча Р. Нишонов раҳбарлик қилган йилларни бир кўз олдимишга келтирайлик. Пахта майдонларини нисбатан қисқартириш масаласини кўтарган ижодий зиёлилар, публицист ва адибларнинг фикрига қарши олим қиёфасидаги замонавий лўттибозлар кўкрак кериб чиқдилар. Айнан Орол фожиаси ошкор бўлган кезларда туғилишнинг кўплиги рўқач қилиниб жамоатчиликни чалғитишга уринилганидай, бу гал ҳам синовдан ўтган усуллар ишга солинди. Пахтага янги ниқоблар кийдирилди. Бу ниқобларнинг муаллифлари пахтани қисқартириб бўлмайдди, халқ бундан катта зиён кўради, даромадни бой берамиз, деҳқон оч ва ишсиз қолади, деган ғирт бемаъни уйдирмаларни тикиштирдилар. Пахта майдонларини камайтириб, бир қисмини томорқага, яна бир қисмини чорва яйловларига, боғдорчиликни ривожлантиришга, ем-хашак экинларини кўпайтиришга ажратиш, ортан сувни Оролга қуйишни талаб қилиб чиққан адиблар экстремистик кайфиятларда айбландилар. Партия рўзномаларида бу ҳақда лоф урилиб, қулоч-қулоч мақолалар ёзилди.

Ҳолбуки, аслини олганда пахта халқни боқаётгани йўқ, балки уни хонавайрон этмоқда, болалари шодлигини ўғирламоқда, чақалоқларини мурғаклигидаёқ қабрга тикмоқда. Пахта туфайли бутун бир халқнинг косаси оқармайдиган бўлди, боши ғамдан, хасталиклардан, сариқ балосидан чиқмай қолди. Денгизи қуриди, қорни гўшт ва сут, ҳатто энг оддий мева-чева, қовун-тарвузга ҳам тўймайдиган бўлди. Пахта халқни иш билан таъмин этипти, тирикчиликнинг ягона шарти шу, дейиш эса ғирт риёкорлик. Агар пахта халқни иш билан таъминлаётган бўлса, нега биз техникун ва олий ўқув юр்தларининг талабаларини мажбуран пахтага жалб этамиз? Нега ғўзанинг яганасидан тортиб, чопиғию теримигача мактаб ўқувчилари, мурғак болалар меҳнатидан аёвсиз фойдаланишдан ор қилмаймиз? Пахта халқни иш билан таъмин этаётган бўлса, нега Ўзбекистоннинг жамоа ва давлат хўжаликларида баҳор, ёз ва куз ойларида 14 соатлик иш вақти жорий этилган? Нега бутун Ўзбекистон пахтачилиги фақат аёллар ва қиз-жувонларнинг нозик елкаларига юклаб қўйилган? Уша қиз ва жувонлар, сал ёрдами тегсин деб икки-уч ёшли болаларни ҳам ўзи билан бирга заҳар анқиб ётган далага олиб чиқишини, заҳри қотилга тўйинган ўтни юлдиришини, бир ҳовуч, бир этак бўлса ҳам пахта териб беришни хоҳлашини ким билмайди? Эркаклар фақат сувчилик, тракторчилик, ҳисобчилик ва бригадирликдан бўлак ишни ўзига эп кўраётгани йўқ. Рўзгоримни тебратаман деган эсли-ҳўшли одам бўйнига сиртмоқ солиб судрасангиз ҳам ўз хоҳиши билан пахтага бормайди, бошқа ишни афзал кўради. Айнан мана шунинг учун ҳам пахта ёлғиз аёллар машғулотига айланиб қолганини наҳотки ўша раҳбар олимлар мутлақо билмасалар. Бу мислсиз азоб аёлларни ақлдан озишгача олиб келди, энди улар пахтазорда заҳматли меҳнат қилиб, одамга ўхшаб яшай олмаганларига, бахтиёр бўла олмаётганлигига қасдма-қасд ўзларига ўт қўймоқдалар. Шуми пахтанинг халққа ош-нон ва иш бергани?

Уша пахтада ишловчи бахти қора аёл неча сўм маош олади? Тегадиган 30—40 сўм аранг ойига беш кило гўштга етар экан? Ундан кўра ўша аёл пахта экмай, ишсиз қолиб, ғўза банд этган бир парча ерда иккита эчки билан битта қўй боққанида, пахтадан бўшаган ерда сигири бемалол ўтлаб келишини кутиб уйда ўтирган тақдирда ҳам ҳозиргидан фаровонроқ, бахтлироқ яшарди. Тепасидан биров пахта деб заҳар сочмасди. Ичаётган суви, ютаётган ҳавоси мусоффо бўлар эди. Бир гектар ерни суғораман деб минг гектарни кўллатган оби-ҳаёт ҳам Орол бағрида жамулжам бўларди.

И. Искандаров деган олим акамиз эса пахта комплекси ҳақидаги мақоласида пахта-сиз аҳволимиз чатоқ бўлади, деб башорат қилди. Яна бир раҳбар пахта ишига аралашмаган ким қолди, фақат гинеколог аралашмади, ҳамма ўргатапти, деб таажужубга тушди. Пахта халқнинг фожиасига айлангач, ҳамма ҳам аралашди-да. Керак бўлса ўша гинеколог ҳам! Ахир пахтага узоқ йиллар мобайнида сепиб келинган заҳарлар бугунги наслимизнигина эмас, она қорнидаги гўдакни ҳам майиб-мажруҳ қилмоқда-ку! Буни англаш учун олим ҳам, раҳбар ҳам бўлиш шарт эмас! Оддийгина инсон бўлиб, халқ турмушига бир кўз ташлашнинг ўзи кифоя.

Яна ўртоқ Ш. Мирсаидовнинг ўша сессиядаги нутқида мурожаат қилишга тўғри келади: «Қишлоқ аҳолисининг қарийб ярми бундан 100 йил аввалгидек ҳануз ариқдан сув ичиши биз учун шармандали ҳолдир. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, 100 йил аввалги сув тоза, заҳарсиз эди». Юқорининг ҳар қандай амрини «илмий жиҳатдан асос-

лаб» берадиган олим акаларга халқнинг тақдири чикора! Эгаллаб турган курсиси мустақамроқ бўлса бас. Оёғи остидан нарини кўришга ожизлик қиладилар... Яқинда «Литературная газета»да, кўп ҳолларда холис мақолалар битувчи, Олег Мороз деган бир ҳамкасбимиз «ўзбеклар пахтаси билан, молдаванлар помидори билан қаёққа ҳам боришарди. Улкан иттифоқ бўлмаса, уларнинг ўз кунини ўзи кўриши дарғумон» деб ёзди. Унинг бу тарзда фикр кўришига марказнинг амрини ёнғ демай бажариб келган маҳаллий раҳбарларимиз, бу фирром сиёсатни «илмий жиҳатдан асослаб» турувчи олимлар ҳам сабабчи эмасмикин? Ахир, ўзбеклар ҳеч қачон ўз хоҳиши билан жаннатмакон юртларини пахтага банди этиб бермаганларини Олег Мороз қайдан билсин? Ўзбеклар ўтган асрда ҳатто пахтанинг ёғини ҳам ейишмаган, бу ўсимлик ёғини ишлатишга ор қилишган. Улар янги замонада ўргандилар пахта ёғига. Оқибатда не-не авлодларнинг жигари хасталикка юз тутди, бутун бир халқнинг генефонди ҳалокат ёқасига келиб қолди. Биз пахта бўлмаса, ўзбек очдан ўлади, дегувчи ўз манқуртларимиз оғзини ёполмай турганимизда Москвадаги Олег Мороз қаёқдан билсин пахта боис бизнинг таомимиз ва қонимиз заҳарга тўлиб кетганини. Йўқ, улар даъво қилганларидек, Ўрта Осиё пахтанинг ватани бўлганлар. Уни бу ерга босқинчилар олиб келганлар. Пахтанинг қадим ватани Миср. Бироқ Исломи қилич ва қон билан жорий этган араблар Ўрта Осиёни пахта ватанига айлантормаган эдилар.

Мана, бир ярим асрдирки, бу юртнинг ихтиёри ўзида эмас, бир ярим асрдирки, у занжирбанд шердек тўлғанади. Таажжубланадиган томони шундаки, бу шер бўйнидаги занжирнинг халқлари пўлатдан эмас, юмшоққина пахта толасидан ишланган.

\* \* \*

Россия халқ депутатларининг I-съезида Олег Морознинг юртдошлари ўзлари етиштираётган, ишлаб чиқараётган маҳсулотларни бошқа жумҳуриятларга жаҳон бозори нархида сотиш, бу ўлканинг ер ости, ер усти бойликлари, маънавий-иқтисодий имкониятларини иттифоқ ҳукумати эмас, РСФСР ҳукумати тасарруф этиши ҳуқуқини қўлга киритиш масалаларини кўтариб чиқдилар. Бундан Россия ҳозиргига қараганда 70 миллиард сўм кўп даромад олади, деб айтдилар.

Мен съезд минбаридан жаранлаган бу гапларни эшитиб: «Э, отанга раҳмат, биродар! Бизнинг халқимиз ҳам сенинг шу бир оғиз сўзингга неча йилдан буён маҳтал бўлиб келди. Сен тракторингни, майли, бизга жаҳон бозори нархида сотавер, биз ҳам уни, сифати кўтарса, сен айтган нархда сотиб олармиз, — деб суюқдим. — Шунда зора сен ҳам бизнинг пахтаю пилла, мева-чеваю газ ва қорақўлимизни ҳам жаҳон бозори нархида харид қилсанг!»

Ҳа, айнан мана шу Россия депутатлари айтганидай, миллий жумҳуриятлар ўз даромадининг бир қисмини иттифоқ ғазнаси учун бера қолсин. Бироқ жумҳуриятлар иқтисодий мустақиллик ҳуқуқини қўлга киритиб, ўз бойликларини ўзи тасарруф этсин. Ҳеч қандай марказий вазирлигу иттифоқ ҳукуматининг жумҳуриятлар ички ишига аралашшига йўл қўйилмасин.

Ана шундагина қадимда Туркистон номи билан бир мушт бўлган Ўрта Осиё жумҳуриятлари ўз денгизлари тақдирини қандай ҳал этиш, Амударё ва Сирдарё сувларини қандай тасарруф этиш, бу дарёлар сувидан неча фоизини пахта, неча фоизини шоли етиштириш учун, яна қанча фоизидан электр энергияси учун фойдаланиш, сув омборларининг қайси бирини қолдириб, қайси бирини очиб юбориш, пахта ва чорванинг салмоғи қанча бўлишини ўзаро баҳамжиҳат ҳал этиш имконига эга бўладилар.

Ҳозир эса иттифоқ вазирликлари ҳар бир жумҳуриятнинг бойликларини иложи борича кўпроқ ўмариш режасини алоҳида-алоҳида тузиб, уларнинг ҳар бирига дарёлардан истаганча канал чиқариб беравериш, кўни-кўшнларини сув устида уриштириб қўйишгача бориб етаяптилар. Ҳатто, Оролни кўриштишга бош қўшган маҳкамалар ва иттифоқ вазирликлари мутахассисларини Туркманистонга юбориб, «ўзбеклар ва қозоқлар Орол, Орол деб, сизларнинг Қорақум каналларингизни бекитишни талаб қилмоқдалар», — деган хуфёна гапни ҳам тарқатиб юбордилар. Бу уйдирмаларга чиппа-чин ишонган туркманистонлик биродарларимиз ҳақиқатан ҳам бизга хавфсираб қарай бошладилар. Улар шоша-пиша Қорақум канали саҳро орасидан ўтса ҳам мутлақо сувни исроф қилмайди, деб катта-катта институтларнинг сохта маълумотларини тўплай бошладилар. «Орол-80» экспедицияси вақтида, хусусан экспедиция Туркманистон пойтахтига борганида ўзбеклар шаънига таъна тошларини отдилар. Кўрясизми, Ўзбекистон ва Туркманистонни пахта бандисига айлантчи қўйиш сиёсати нималарга олиб келяпти? Бир ёнда нафақат ўзбеғу туркманнинг, балки бутун Ўрта Осиё тақдирини ҳал этадиган Орол ўлим талвасида бўлса-ю, биз оёғимиз остидан нарини кўрмай, бир-биримизга таъна тошларини отсак.

Бутифосни даф этиш ҳақидаги хатга имзо қўяётиб катта бир ёзувчимиз: «Бўтам, бу заҳри қотилни жорий этишда ЦРУнинг қўли йўқмикан? Ахир шунчалик ҳам бўладими?» деганди. Мен эса Амударёни хомталаш қилиш ва охир-оқибатда асрлар оша яшаб

келган, ўзаро жон ришталари билан боғланган, бир туркий улуснинг икки шажараси бўлган халқларнинг ўртасида низо чиқишига замин ҳозирлаган ирригаторлар орасида ғаламислари албатта бўлса керак, деган фикрга бордим.

Биз ҳозирданоқ бир-биримизни тушунмас даражага бориб қолган бўлсак, эрта бир кун Орол жон таслим қилгач, Амударёнинг тенг қисми Афғон далаларига ҳам оқа бошлагач, тушуна олармикимиз? Эҳтимол, у пайтга келиб Россия ва Шарқий Европанинг тўқимачилик комбинатларига бизнинг пахтамиз унчалик зарур бўлмай қолар. Аммо Ўрта Осиё халқлари барибир тирикчилик учун Амударёга кўз тикадилар. Бу демак, бугунги мўмай фойдани ўйлаб, Амударёни хомталаш қилиш режасини тузганлар ҳозир бўлмаса, келгусида кўшни қардош халқларни уриштириб қўйишлари мумкин.

Йиллар мобайнида онги ва тафаккури кишанлаб ташланган халқлар ўшандай қалтис вазиятда оқилона йўлни топа олармиканлар? Буни ҳозирданоқ ўйлашимиз зарур. Биз ўз олтинларимиз, пахта, нефть сингари миллий бойликларимизни, рус депутатлари тўғри талаб қилганидай, иттифоқ омборига жўнатавермасдан, ўз эҳтиёжимизга ишлатишимиз, худди Америкада бўлгани сингари сувни кам сарфлаб, кўп ҳосил олиш технологиясини жорий этишимиз лозим. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Ер остидан томчилатиб суғориш, қувурлар орқали суғориш, ёмғирлатиб суғориш сингари илғор усулларни жорий этиш учун бизга катта маблағлар керак. Эрта ё индин эмас, айнан мана ҳозир, бугун керак. Шунда биз дарёларимиз сувининг тенг ярмини тежаб, фойдасидан зиёни кўп сув омборларимизнинг бир қисмини буткул очиб юборган бўлардик. Бу ҳам Оролни ва Орол бўйида яшовчи халқларни ўлим чангалидан қутқариш имконини берарди.

Албатта, бу — жумҳуриятлар ва иттифоқ ҳукумати ўртасидаги ҳозир ваъда қилинаётган янгича иқтисодий муносабатларнинг, иттифоқ шартномасининг нечоғлиқ «янги» бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Россия билан пахта етиштирувчи жумҳуриятлар толани жаҳон бозори нархида олди-сотди қилишга ўтса, табиийки, қиммат нархда кўп пахта олишдан Россиянинг ўзи ҳам манфаатдор бўлмайди. У ҳозир биздан пахта хом ашёсини сув текинга олаётгани учун ҳам зиғир тола етиштириш билан шуғулланмай қўйган. Сунъий толага ҳам зўр бераётгани йўқ. Жаҳон бозори нархларига ўтгач эса бунга мажбур бўлади. Чунки, у шароитда ҳар бир жумҳурият ўз «арава»сини ўзи тортади, бировлар ҳисобига яшай олмайди. Қиммат нархда пахта сотиб олишдан воз кечиш эса бизга пахта якказироатчилигидан қутулиш имконини беради.

Ҳозир мамлакат фақат техник эҳтиёжлар учун 2 миллион тонна пахта ишлатади. Нега энди биз бефаҳмларча техник эҳтиёжга ишлатиладиган пахта учун ер-сувимизни, денгизимизни хароб қилишимиз керак? Ахир бу 12 куб километр сув деган гап. Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши мамлакатлари ҳам биздан ҳар йили 2 миллион тонна пахта-ни сув текинга олади. Ҳукуратимиз Шарқий Европадаги сиёсатни ўз фойдасига ушлаб турмоқ учун пахтамизни мана шундай тасарруф этмоқда. Қолбуки, бугун Шарқий Европада сиёсий вазият бутунлай ўзгариб бормоқда. Агар ўша мамлакатларга чиндан ҳам пахта керак бўлса, уни биздан жаҳон бозори нархида олиши, биз шу пахтани етиштириш учун нимани бой бераётган бўлсак, ўшанинг, тўғрироғи, Оролнинг товонини тўлаши керак. Чунки, ўша икки миллион тонна пахта учун ҳам Оролнинг яна 12 куб километр суви исроф бўлмоқда. Нега энди бизнинг халқимиз ўзи ўлиб-тирилиб меҳнат қилиб, денгизидан айрилиб, қиёмат ичра яшаб, кимларгадир сув текин пахта етказиб бериши керак экан? Биз ҳозиргидек 5 миллион тонна эмас, балки, бир-икки миллион тонна пахта етиштириб, бўшаган майдонларда, зиғир, кунжут, ғалла, узум, мева-чева-ни, чорва туёғини кўпайтирсак ҳам кўпроқ манфаат кўришимиз, зарур даромадни олишимиз мумкин.

Чорва туёғини тиклаш учун эса бир пайтлар илгари яйлов бўлган жойларни ўз эгаларига қайтариш, бинобарин, пахта-нинг муайян қисмидан воз кечиш керак. Шунда халқимиз етарли миқдорда гўшт-сут билан таъмин этилади. Чорвадан қўшимча равишда олинадиган жун ва қоракўл эса халқимизни ҳам иш билан таъмин этади, ҳам устини бут қилади, енгил саноатга равнақ беради. Пахта толасининг муайян қисми ўрнини пилла толаси билан ҳам қоплаш мумкин. Хитой ва Япония каби мамлакатларда пилла қуртидан олти-етти мартагача ҳосил олинмоқда. Бизда эса бу соҳада илгарига силжиш сезилмаяпти. Аслида, пиллачиликни ривожлантириш учун унчалик кўп сув манбалари талаб этилмайди.

Агар биз пахтани кескин камайтирсак, пилла толаси етиштиришни кўпайтириш учун нақд шарт-шароитлар вужудга келади. Бундан ташқари мева берадиган тутларни кўпайтириш имконияти юзага келади. Пилла қурти учун барг берувчи тутларни эса плантация шаклида алоҳида-алоҳида экиш лозим. Тут кам сув ичадиган, қурғоқчиликка чидайдиган дарахт, у ернинг шўрини ҳам олади. Шундай қилинса, пилла толасини кўпайтириб, пахта-нинг ўрнини қоплаш мумкин. Ортган сув Оролни асрайди. Қиёмат қойим ортга қайтади.



Мен ўлаётган Орол бўйларида кўп кездим. Буюк нажот уммонини бу машъум қисматга дучор этган сабабларни ахтариб тарих зарварақларига кўз югуртирдим, оқилу донолар сўхбатида бўлдим. Бу фактни, бу мудҳиш кўргиликнинг боисини ҳар ким ҳар нарсага йўйди. Айтилган, айтилмаган қанчадан-қанча ҳақ сўзу важ-қарсонлар, уйдирмалар... Булар ҳақида яна ва яна мушоҳада юритмоқ, оқу қорани фаҳм этмоқ ниҳоятда зарур. Ҳақиқат бўғзимизда қон йиғлаб қолмаслиги, қиёмат-қойим ичра нажот йўлини ахтармоқ, синиқ қалбларга таскин ва умид бахш этмоқ учун ҳам шундай қилмоқ керак.

Узни англаш Оролнинг нажот йўлини топмоқ, шу йўлни излаш жараёнида яна алданиб қолмаслик учун зарур. Бугун Оролни қўшимча сув манбаларисиз асраб бўлмайди, дегувчилар бор. Бу эса бизни яна Сибир сувларига хомтама этиб кўяётир. Бироқ менимча, Сибир сувларига умид қилиш энг сўнгги имкониятни ҳам бой беришга олиб келади. Нега? Аввало у сув келгунча Орол ўлиб бўлади. Кейин унинг оғзига сув томишидан наф йўқ. Қолаверса, ҳеч қачон Сибирнинг сувини бермасликларини руслар аниқ-равшан қилиб бир неча бор айтдилар.

Қолаверса, менинг ўша Сибир сувларида алашим бор. Оролнинг ҳалокатига бир жиҳатдан ўша Сибир сувлари ҳам сабабчи... Обдан сув олиб келамиз, деган хом хаёлга ишониб Оролнинг насибаси бўлган дарёларимиз суви таркана қилиб юборилди. «Аср лойиҳаси» деб ном олган ҳавойи режалар билан алдаб, бу ўлкани қон қақшатганларини авлодлар асло унутмайди. Шундай экан, Сибир сувига кўз тикиб яна бир бор алданиб қолмайлик. Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка афзал, дейди халқимиз. Минг уринишлардан сўнг Сибир сувларини оқизиш ҳал бўлган тақдирда ҳам, у Ўрта Осиёнинг бўйнига ташланган яна бир сиртмоқ бўлади.

Америкалик олим Миклен Совет ҳукумати экологик фожиалар ва иқтисодий заруратлар тақозоси билан эмас, балки энг аввал сиёсий мулоҳазалардан келиб чиқиб, барибир бугун бўлмаса эртага (икки мингинчи йиллар арафасида) Сибир сувларини Ўрта Осиёга буришга мажбур бўлади, деб ёзган эди. Америкаликлар башорат қилишни хуш кўрадилар. Аммо, қизиғи шундаки, бу башоратларнинг аксарияти тўғри бўлиб чиқяпти. Миклен назарда тутаётган сиёсий мулоҳазалар, бу — худди биз Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларига арзон пахта бериб, улар билан сиёсий яқдиллигимизни таъминлаб турганимизга ўхшайди. Сибир суви ҳам келгусида шундай восита, яъни Ўрта Осиё халқларининг қулларча меҳнати эвазига етиштирилаётган сув текин пахтани қўлдан чиқармаслик гарови бўлиши мумкин.


Ҳа, Оролни фақат Сибир сувлари қутқаради, дейиш, хомхаёлдир. Бундай хато қарашдан қанча тез қутулсак, шунча яхши. Оролни эса, юқорида айтилганидек, пахта майдонларини кескин камайтириш, яъни техник эҳтиёжларга исроф қилинаётган ва Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларига сув текин сотилаётган 4 миллион тонна пахтадан воз кечиб, бунинг учун сарф этилаётган 24 куб километр сувни денгизга оқизиш билан сақлаб қолиш мумкин.

Бу — биринчи шарт. Пахтадан бўшаган майдонларда чорвачилик, боғдорчилик, тутчилик ва пиллачиликни ривожлантириш халқни етарли гўшт, сут, мева-чева, иш билан таъмин этади.

Иккинчи шарт. Худди АҚШда бўлгани каби суғоришнинг энг мукамал усулларини жорий этиш ҳисобига беҳуда исроф бўлаётган сувни тежаб Оролга йўллаш лозим. Бу фақат унумдор ерларнигина суғориш, иҳоталаш ҳисобига дала ҳосилдорлигини ошириш ва сув сарфини камайтириш, ер остидан, томчилатиб, қувурлар орқали суғориш сингари илғор усулларни жорий этишни тақозо этади.

Учинчи шарт Ўрта Осиё тоғликларини обод қилиш, ўрмонзорларга буркашдир. Бунинг учун биринчи навбатда, тоғлардаги мавжуд сув бойликларининг ҳаммаси пахтазорларга оқизилмасдан, маълум қисми тоғ этакларини суғоришга, узумзорларни кенгайтиришга сарф этилиши керак. Тоғларнинг мевазорга айлантириб бўлмайдиган баланд жойларида арча, қарағай, чинор сингари дарахтлардан иборат бўлган ўрмонзорлар бунёд этиш лозим. Тоғлар қалин ўрмон билан қопланса, уларда қор узоқ сақланади, муз қатламлари қалинлашади. Булоқлар қайта кўз очади, серсув ариқлар, жилғалар кўпаяди. Бу сувлар ҳам Оролни асрайди.

Занжирбанд шер, енгаман дер! Ҳозирги экологик фожианинг олдини олишнинг асосли йўллари мана шулар. Бу олис келажак иши эмас, бугуноқ рўёбга чиқаришга киришишимиз керак бўлган, бизни қиёматдан қутқариши мумкин бўлган бирдан бир имкониятдир. Агар бу энг сўнгги имкониятни ҳам бой берсак, Орол бўйида бошланган қиёмат Ер юзини охир замонга бошлаб борувчи катта қиёматга уланиб кетади.



Александр Блок

(1880—1921)

## МАНГУ УМИД АЛАНГАСИДА

Александр Блокнинг шеърларида «Кимдир кетди... кимдир йиғлади...» «Кимдир чорламоқда... кимдир югурар...» каби мисраларни тез-тез учратамиз. Кимдир, лекин ким экани маълум эмас. Худди тушдагидек, туман пардасига ўралган манзаралар кўз олдингиздан ўтади. Бундай мисраларда гапдаги эгани шеърхоннинг ўзи яратиши керак. Ана шундай ноаниқ, мушоҳадага чорловчи сўзлар ёрдамида шоир ўзи учун қўл етмас, ақлга сиғмас баркамоллик тимсоли бўлган сирли бир гўзалликни улуғлади. У ким, қаерда, қандай зот? Уқувчи билмайди. Фақат маълуми шуки— у жуда ҳам сирли бир олам...

Шоир шеърларини ўқир экансиз, одамлар ва нарсаларни эмас, балки тинимсиз чопаётган ёруғликни, қоронғулик шарпаларини кўрасиз. Ойдинликни ва қора кўланкаларни кузатиш— шоирнинг бирдан-бир иши шу. Аммо шоир ўзини доим зулматда деб билади:

Олдинга юраман — зулмат кучади,  
Ортга чекинаман — сўқир туманлик...

Ана шундай зулматгоҳда ягона нур манбаи— ўша Баркамол сиймо эди. Шоир уни— ўз севгилисини— муқаддаслик билан чулғанган нурли хилқат, деб атайди. Шу боисдан ҳам ёр образи кўпгина ҳолларда черковлар, саждагоҳлар манзараси, кўнғироқлар овозию фаришталар қўшиғи билан уйғунликда намоён бўлади.

Хуллас, қутлуғ 110 йиллиги нишонланаётган ушбу кунларда улуғ шоирнинг шеърляти ўзгача бир теранлик, ўзгача бир кадр-қиммат касб этаётганлигига гувоҳ бўлаётирмиз.

Таржимон

31 декабрь, 1900 йил

Гулим, гулим, қайғулим, сен ҳам  
Кетяпсан... Нечун?  
Сенга виро саломин мен ҳам  
Йўллайман бу тун.  
Толиққанман, юрагимга ёт  
Юртларда меҳмон,

Гўзалликка кечиккан, озод  
 Йўлчиман сарсон.  
 У кулади, ёнар ялтираб,  
 Мен эса тинмай  
 Уйлайманки қўлим қалтираб,  
 Тўкилмасин май.  
 Ҳолбуки, теграмда сукунат,  
 Бўм-бўш эрур жом  
 Ва ўлимга муҳаббат, рағбат  
 Этмиш мени ром.  
 Гулим, мангу сир бўлиб сен ҳам  
 Кетяпсан... Нечун?  
 Туйқус дўстдай мени-да бу дам  
 Қучар қора тун.

\* \* \*

Мовий кўкка учмоқ бўлар эрк,  
 Ҳаво очиқ, дераза ҳам—ланг...  
 Парча ойни худди булутдек  
 Тўсади япроқлар—тилларанг.

Аввалгидай, ой нури қўнган  
 Деразалар жаранглар, бироқ  
 Менинг созим қамишзор қирғоқ  
 Узра янграб, қачонлар сўнган...

Оқшом чўкар, осмон—буғдойзор,  
 Олтин ўроқ бўлади ҳилол,—  
 Ёғдулари ёруғ тонг мисол  
 Эркалайди кўзларни сўнг бор.

Қандай маъюс боқар бу ҳилол,  
 Қандай нозик, ингичка ўроқ—  
 Барглар аро тебранар беҳол  
 Унут, сўлғин, жонсиз бир бошоқ...

10 октябрь 1902 йил

\* \* \*

Арилар эртагин тинглаган денгиз—  
 Бедазор бағрига отдим ўзимни.  
 Шимолнинг беармон еллари шу кез  
 Бошлаб келди менинг болалигимни.

Унқир-чўнқир, бурам бу дашт йўлидан  
 Боряпман тўхтовсиз босиб илгари.  
 Бегуноҳ, беҳабар—ўнгу сўлидан,  
 Узоқлашаётган болалик сари.

У олис даштларга даъват этувчи  
 Сўз айтди: самолар ўт сочар сенга.  
 Қоронғу ўрмонлар сари элтувчи  
 Саҳродаги йўлни кўрсатди менга.

Майли, бедорликдан толсин кўзларим,  
 Тўзонлар йўлимни тўссинлар, лекин  
 Мен учун гулларнинг ҳам ариларнинг  
 Айтгани эртакмас—ҳақиқатдир чин...

18 февраль 1903 йил

—Осойишми халқнинг ҳаёти?  
 —Подшоҳ ўлдирилган—кўп ёмон.  
 Юракларда озодлик ёди,  
 Майдонларда изғир оломон.

—Тахтга ким ўтирар энди?  
 —Халқ  
 Ҳеч кимни хушламас. Ўзи ҳокимдир.  
 Қалблар мудроқ ғурур ила ғарқ,  
 Шаҳдам юриб келмоқда кимдир...

—Барча қонли исёнга шайми?  
 —Йўқ. Тош қотиб фармон кутмоқда.  
 Кимдир амр этганга ўхшайди:  
 Ҳар ким ҳар ён куйлаб ўтмоқда.

—Ким бўлди эл бўйсунар бу зот?  
 —Ёвуз, баттол, дарғазаб:  
 Уни кўрган роҳиб шу заҳот  
 Кўзларидан айрилмиш инграб.

Одамларни чоҳ сари аста  
 Пода каби ҳайдар энди у...  
 Қўлларида темирдан ҳасса...  
 —Қочинг. Суддан сақланинг, ёху!

3 март 1903 йил

\* \* \*

Осмон ёруғ, кенгликлар мовий,  
 Ёз қуёши тик келган дамда—  
 Олисларга боқсанг самовий  
 Ва тушуниб бўлмас бир ғамда...

Ким билади, илғай олар шу  
 Уфқ ортида нелар бор бу дам?  
 Фақат олис, армонли орзу  
 Ва тушуниб бўлмайдиган ғам...

17 февраль 1900 йил

## Фабрика

Ойналари сарғиш бу қўшни уйнинг  
Атрофин ёпганда тун— қора парда,  
Уриб эшикларнинг занжир-зулфинин  
Одамлар тўпланар бўсағаларда.

Дарвозалар эса тамбалангандир  
Ва девор устида— совуққон,  
Тошдек, қора шарпа серрайиб, бир-бир  
Одамларни санаб чиқади шу он.

Ҳаммасини эшитгум аниқ,  
Олмосдай овозда бақирар роса.  
Елкалари яғир, хўрланган халқни  
Итоаткорликка чақирар роса.

Ичкари киришар— тарқалар улар  
Ва оғир қопларни орқалар улар.  
Сарғиш ойналардан боққанлар эса  
— Бечораларни кўр,— деб қувнар, кулар.

2 ноябрь 1903 йил

\* \* \*

Офтоб уфқларга чўкканда,  
Қорайганда тоғлар ҳам хиёл,  
Рўпарамда— хира туманда  
Пайдо бўлар азадор аёл.

Яқин келди, тўхтаб бир замон  
Машъаласин кўтарди аста.  
Неки кўздан ниҳондир пастда,  
Сокин нур-ла ёришди шу он.

Енгил, гўё юзгандай юрар,  
Туман чувалади изидан.  
Сайхонларда, жарлар тубида  
Тўда-тўда очлар оқ урар.

Кўзим тушди, титрадим ногоҳ—  
Йўл бўйида, ўрда, зовурда  
Азоб тортиб, чекар эди оқ  
Заиф танлар— мисоли мурда.


«Изғиринда қайдан келасан,  
Бошлаганинг мунглуғ элларми?  
Очлик хунрез дарраси билан  
Қабрларга қувди кимларни?»

Машъалани туширди ва тез,  
Зулмат яна қуюқлашган кез,—  
Чехрасида маънос бир кулгу,—  
Туманлардай сузиб ўтди у.

Лекин заҳил юзлар, нотавон  
Жонлар, бўм-бўш кўз чаноқлари—  
Бу ўлимга маҳкум оломон  
Кўз ўнгимдан кетмас ҳеч нари.

Сентябрь 1906 йил.

Абдул ЖАЛИЛ таржималари.



## БОБОТОҚА САФАР

**Мингзиё Сафаров. Она тупроқ қўшиғи Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1989 й.**

Ўзбекистоннинг жанубида яшаб ижод қилувчи Менгзиё Сафаров ажойиб ҳикоялари, қиссалари, эссе ва очерклари билан китобхонлар меҳрини қозонган. Ёзувчининг ўтмиш ҳақида, турмуш муаммолари, инсон бахти, ҳаётга муҳаббат тўғрисида баҳс юритувчи мазкур китоби ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Муаллифнинг «Турналар учади» қиссаси жозибали услуб, рамзий маънодорликка эга. Унда «ўзига хос» сеvgи мажориси қаламга олинган: бўйдоқ талаба йигит катта ёшдаги, эр кўрган аёл—илмий ходимни севиб қолади. Бундай ҳол халқимиз ҳаётида урф эмас, адабиётда эса кам тасвирланган ҳодиса. Али аввал гўзал қиз Зиоланинг муҳаббатига сазовор бўлган эди. Аммо унинг муҳаббатини рад этади. Устига-устак, Райҳонни бошқа бир йигит севиб қолади. Райҳон ҳам унга рад жавобини берган. Муҳаббат дардига мубтало бўлган бу тўрт ошиқ-маъшукнинг тақдирини осонгина ҳал этиш мумкин эмас. Зеро, ёзувчи ўз олдига бирмунча мураккаб ишқ савдосини бадий инкишоф этиш вазифасини қўяди: Али ва Райҳон муносабатларидаги мураккабликни кўрсатишга, ошиқ-маъшуклар қалбининг ички қатламларини, сеvgи аталмиш туйғунининг ички тебранишларини тасвир этишга интилади. Ёзувчи қаҳрамонларни ўзига хос ҳолатларда кўрсата олади. Қиссада муҳаббатнинг ғаётбахш кучи, инсонни камолотга етаклашда муҳим маънавий омил эканлиги дуруст очилган.

Шуниси эътиборлики, «Турналар учади» қиссасидаги ишқ саргузашти дабдабали оқ-воҳлардан ўлдим-қўйдимлардан холи равишда оддий, самимий тасвирланган. Муаллиф ва қаҳрамонлар нутқида миллий-маҳаллий оҳанг, ўзига хослик намоён бўлган.

Кўпгина асарларда чўл ўзлаштириш, у ердаги меҳнат жараёни, табиий иқлим шароити катта завқ-шавқ, фаровонлик, шодлик ва қувонч манбаи тарзида тақдим этилар эди. Афсуски, дашт ҳаёти сохта китобларда тасвирлангандек эмаслигини бугунги китобхонга аён бўлиб қолди. Чинакам дашт қиёфасини М. Сафаров «Олис қирлар ортида» қиссасида бирмунча очиб берган. Зеро, Назокатнинг чўлда учинчи боласини туғолмай ўлиши, Фозилнинг тўқайга ўт қўйиб, янги ер ўзлаштираман деб бирор натижага эришолмагани, тоғаси Норбоев билан бамаслаҳат иш тутиши, кейинги хотини Мастура билан яна

чўлда янги турмуш қуриши билан боғлиқ лавҳаларда қиссадаги ғоявий муддао яхши англашилади.

Ёзувчининг одамлар ва чўл, ҳаёт маъноси ҳақидаги мулоҳазалари китобхонни ўйга толдиради.

Бир қадар муваффақиятларига қарамай, «Олис қирлар ортида» қиссаси бадий-публицистик руҳда битилгани сабабли ёзувчининг муҳокама-мулоҳазалари кўпроқ биринчи ўринга чиқиб қолгани сезилиб туради. Оддий, камсуқум одамлар қисмати бутун мураккабликлари билан ёритилмаган. Ёзувчи улардан етарлича бадий умумлашмалар чиқара олмаган.

Менгзиё Сафаров ижодида табиатни севиш, уни авайлаб-асраш, авлодларга бешикаст ҳаётига даъваткорлик руҳи балқиб туради. Унинг бир қанча очерк, ҳикояларини ўқиганда табиатни севишни тарғиб ва ташвиқ қилган фидойи ижодкоргина эмас, балки бу ишга ўз ҳаётини бағишлаган, ўзини чин маънода табиат фарзанди деб билган фаол, ватанпарвар фуқаро сиймоси кўз олдимизда намоён бўлади. У Сурхондарё воҳасини ўрганишга доир илмий сафарларнинг деярли ҳаммасида иштирок этди. Табиий кўриқхона — «Пайғамбар ороли»ни сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатди ва илмий ходим сифатида у ерда узоқ йиллар ишлади—уйини, ишхонасини ўша ерга кўчирди. У моҳир овчи ва ёзувчи сифатида боботоғни қадам-бақадам кезиб чиққан...

«Она тупроқ қўшиғи» тарихий-этнографик очеркида бир ярим минг йиллик тарихга эга бўлган Урта Осиё қадимги маданиятининг дурдонаси — Холчаён ёдгорлиги, уни очган одамлар ҳақида тадқиқот натижалари, афсона ва ривоятлар асосида ҳикоя қилинади. Ёзувчи ўтмиш ва ҳозирги замонни туташтирадиган воситаларни топади, катта-кичик обидаларни, осори-атиқаларни, тарихий манбаларни кенг шарҳлайди.

Ёзувчи Холчаён ёдгорлиги баҳонасида Сурхон воҳасининг ўзига хос ўтмиши, тоғ ва дарёлари ҳақидаги лавҳаларга ҳам кенг ўрин беради. Искандар лашкарлари, араб истилочилари, мўғул босқинчилари воҳа тупроғини—инсон қўли билан яратилган гўзаллик обидалари—шаҳарлар, қальалар, саройлар, ҳайкалларни топтагани, оёғости қилгани, она тупроқ эса бу тарих силсилалари ва обидаларини ўз қаърида сақлаб қолганини тарихий далиллар, манбалар, ривоятлар воситасида таъсирчан ифодалаган. Табиийки, бу саҳифалар мазкур очеркнинг завқ билан ўқилишига омил бўлган.

Менгзиё Сафаров «Боботоғ» очеркида Сурхон ҳамда Кофирниҳон дарёлари оралиғида жойлашган ажойиб маскан—Боботоғни табиат эҳсони,

аждодлардан қолган буюк мерос— гўзаллик манбаи, моддий ва маънавий неъматлар хазинаси тарзида акс эттиради.

Ёзувчи Боботоғ баърига сайру саёҳатлар ҳақида сўзларкан, унинг ўзига хос табиати, одамларнинг турмуш тарзи, тоғнинг пок сийнасидаги дилсиеҳликлар хусусида ҳаяжон билан қалам теб-ратади, мулоҳаза юритади. Тоғ тепасида болачақаси билан яшайдиган Абдулла Пардаевнинг уйи тоғ-тошлар орасидан униб чиққан замбуруғга ўхшайди.

«— Капани сув олиб кетадиганга ўхшайди, иним,— деди у шўхлик билан.

— Булутга ҳамсоа бўлинг деб ким айтди сизга,— деди Абдулла аканинг хотини эрининг ҳўл қора соқолига тикилиб.»

Тоғда пистазорлар кўп. Ўрмон қоровули Ҳўжамқул аканинг ҳўқоя қилишича, тоғда одам оёғи етмаган жойларга, қирлик ва қўяликларга булбуллар «писта» экар экан. Ёзувчи Боботоғнинг бу ноёб қуши ва пистаси, уларни кўпайтириш ҳақида мулоҳазалар юритади. Боботоғ — тарихий воқеалар, ҳодисалар шўҳиди!

Боботоғда ҳозир ҳам ҳаёт қайнайди. Тоғ бағрида жойлашган қишлоқлар ҳаётга маданий-маиший янгиликлар тез сингиб бормоқда, равон йўллар қўрилмақда. «Бу янгиликлар, равон йўллар, қўлайликлар бу қўтлуғ тоғнинг ибтидоий чиройига, наботот ва ҳайвонот оламига пўтур етказмасмикин?» деб ўйланади ёзувчи. Зотан, кейинги йигирма-йигирма беш йил ичда Кўрғонча, Боғдара, Духоба, Саралка, Бибиҷаққа каби ўнлаб қишлоқлар харобазорларга айлангани, бу гўшалар атрофидаги ўрмонлар, пистазорлар қаровсизликдан талафот кўраётганига лоқайд қараб туриш мўмкин эмас.

Ўтган 20—30 йил оралиғида тоғ қишлоқларидан юзлаб хонадонлар асрлар бўйи яшаб келган жойидан кўзғатилди— чўлга кўчирилди. Бу иш ақл-фаросат билан ўйланмади, аксинча сафарбарлик тусини олди— болалар ва қарияларнинг зор қақшашларига ҳеч ким қўлоқ солмади. Бу ҳодиса, ёзувчи таъкидлаганидек, «маданий тараққиётга интилиш» шиори остида ўтказилди. Ўзбекистондаги юзлаб кўркам тоғ қишлоқлари, ўрмон ва дарахтлар, серўт яйловлар ўз қиёфасини йўқотди. Булар табиатга тажовуз қилишининг бир кўриниши эди. Ёзувчи ана шулар ҳақида ташвиш билан кўйиниб ёзади.

Боботоғда булоқларнинг қўриб бораётгани важдан чўл, каклик, каптар ва бошқа сайроқи қўшлар, қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар, дуркун кийиклар қўрилиб бораётганини «бир тўп писта ҳосилга киргунча чақалоқ йигит бўлади» ибораси орқали образли ифодалайди.

«Боботоғ» очерки табиатни келажак авлодларга мерос қолдириш, ундан лаззатланиш, авайлаб-асраш ҳақидаги ёзувчи қалбида яллиғланган, уни илҳомлантирган ва қийнаган ўйлар ва мулоҳазалар асосида битилган.

Менгзиё Сафаров очеркларида табиат, аввало, тириклик, гўзаллик манбаи, қолаверса, инсоннинг ўзлигини англашиб турувчи, эзгулик, гўзаллик бахш этувчи хилқат тарзида талқин этилади. Табиатга икки хил мўносабат мавжуд— кимлардир эзгулик, гўзаллик йўлида уни авайлаб-асраш учун фидойилик қилади, кимлардир унга очкўзлик, ёвузлик билан ёндашади. Бу мўносабатларни тадиққ этишда ёзув ҳар томонлама фикр юритади, табиатдаги ўзгартишларни синчқовлик билан кузатиб, уларни таъриф ва тавсиф этади. Айни пайтда ижодкор табиат кўриқчиси, ўз юртининг фидойи фарзанди сифатида намоён бўлади. У мафтункор табиатдан юпанч, ором олади, эзгу-

лик ва гўзаллик олдида ўзини ҳамиша масъул, бурчдор деб билади.

Менгзиё Сафаровнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ижодий ва шахсий фаолияти катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга. Кимки, табиатга меҳр қўйса, унга яқинлашса, уни ардоқласа қалбида эзгулик туйғўлари барқ уради. Табиатга яқин бўлмоқ— инсоннинг ўзини ўзи танимоғи, маънавий камолотга эришмоғидир! Табиатга меҳр, халққа, Ватанга меҳрдир! Табиатни асраш— эътиқод, имон учун курашдир!

Гўлом ГЎФУРОВ.  
Филология фаилари номзоди, доцент

## Нигоҳлари ерни уйғотар

Рауф Субҳон. Афсонанинг давоми. Чоршаъм Рўзиев. Маҳактош. Фафур Гўлом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент 1989 й.

Кейинги пайтда адабиёт даргоҳига қадам кўйган ёш шоирлар ижодида ўзаро ҳамнафаслик, ҳаёт дардларини тўлақонли ёритиш анча кучайди. Айниқса, шеърятда халқона, асрлар оша шаклланган кўҳна наволарнинг етакчи тус олиши, замонавий талқини унинг обрў-мартабасини тобора оширмоқда.

Ёш шоирлар Рауф Субҳон ва Чоршаъм Рўзиев ижоди ҳам шу ўринда бир-бирларига ҳамоҳанглик касб этган. Аммо ҳар икки ижодкор дунёни ўзига хос тарзда кўради, ёритади...

Рауф Субҳоннинг «Афсонанинг давоми» тўпламига кирган шеърлар Ватан, Тинчлик, Севги, Дўстлик каби азалий ранг-баранг мавзуларни ўз ичига қамраб олган.

Ёш шоир «Тинчлик» деган шеърда шундай ёзади:

Аламини қувончга ўраб яшашни  
Ахир, ёмон кўриб келган-ку, юрак.  
Кўз ёмон бўлмаса бу қаро қошни  
Нима ҳам қиламиз, айтгин, келажак?!

Одамзод ўзининг яралмиш моҳиятини англаши ва ўз имкониятлари, куч-қудратларини намоён эта олиши учун албатта, тинчлик керак. Зеро, «Ҳақиқат— мангулик, энг сўнгги мезон» бўлмас экан, барча уринишларимиз зое кетади. Шеър қисқа, аммо талқин ғоят янгича. Шоир банибашарни неча асрлардан бери ҳар қуни, ҳар дақиқа ўйлантириб келаятган муҳим ва оғир саволлар гирдобига ўзини ташлайди. Ғамларни ютиб яшамаган шоирнинг рост гапирганига ишониб мўмкинми? Шу сабаб шоир одамзоднинг азалий орзуси— тинчликни вазминлик билан сатрларда ифодалайди:

Кўз омон бўлмаса бу қаро қошни  
Нима ҳам қиламиз, айтгин, келажак?!

Бу жуда содда ва айни замонда оғир савол. Тинчлик тушунчаси теранлашиб, дунёдаги барча одамларни авайлашга даъват этилаётгандай жанранглайди. Шоир яна бир шеърда ёзади:

Улимнинг тили йўқ, ҳаётнинг сўнгги,  
Кечмишин билмасининг йўқдир ватани.  
Тарихнинг кўкси қон бўлса ҳам бир ранг—  
Минор гўмбазлари тинчлик дегани!

Тарихнинг суронли йилларини сўзловчи кўҳна миноралар тинчлик тимсоли. Улар не-не йиллардан бери саноксиз даҳшатлар, жангу жадаллар гувоҳи. Мазлум элнинг оҳу ноласи бўлиб, кўкка бўйи чўзган гўё. Орзуларнинг амалга ошиши, халқнинг рўёбга чиқиши... бари-бариси тинчликка вобастадир. Тинчлик изми инсониятнинг қўлида-

дир. Куруқ хайқирган билан осойишталик бўлиб қолавермайди. У юракнинг гўзалликини ҳис этишига чамбарчас боғлиқдир. Эндиликда минорлар урушга қарши турган бир хайқалдир. Шоир шеърдан шеърга ўтар экан, дориломон кунлар ишқида меҳнат қилаётган одамлар орзу-ўйларини, ҳисларини чуқур, кенг ёритиб бораверади. Нарсаларга жон қиради, биз сезмаган манзара-лар кўз ўнгимизда барқ уриб гавдаланади. Юрак-ка нималардир инади. «У», «Оқтов оҳангларида», «Номаълум рассомнинг сўнги сурати», «Булу-лар» каби бир қатор шеърлар қалбга гўлгула солади.

Рауф Субҳон ўз тенгдошларидан фарқли ўла-роқ содда ёзади. Ёш шоирнинг ишқ ва муҳаб-батни куйловчи сатрлари айниқса дилга тез сингишиб кетади. Сабабки, мисралар мажбуран эмас, текис, равон куйилиб келади. Мана, «Алё-лар» туркумидан тўрт қаторли шеър:

Куёвга бахшида игна сабофингиз,  
Янгалар-эй, урф-одатга йўқ чоғингиз,  
Гуллатсак ҳам куйган тўққиз тобоғингиз,  
Янгалар-эй, очилмади қабоғингиз.

Булардан ташқари Рауфнинг ижодидаги бадиият ўзига хос фазилатларга эга. Шеърлари қисқа бўлса-да, фикр кучли. Китобхонни мушоҳада қи-лишга чорлайди. Аммо бу мулоҳазалар китоб-дан ўрин олган барча шеърларга бирдек тал-луқли эмас. Унда ҳали маромига етмаган сатр-лар учрайди, баъзилари эса шунчаки шеър ёзиш учунгина қоралангандек туюлади. Мутолаа чоғи-да, ўқувчи бадиий жиҳатдан ёр, кўп айтилган жўн фикрларга дуч келади. Жумладан, унинг «Ван-тан» деган шеърида шуларни ўқиймиз:

Агар  
Расм чизар бўлсам,  
Энг чиройли  
Кўзларинг бордир.  
Агар  
Торинг чалар бўлсам,  
Порлаб турган Овозинг бордир.  
Агар шеърлар ёзар бўлсам,  
Ўлчов билмас  
Сўзларинг бордир.

Оддий, куруқ сўзлар тизмасидан иборат бўлиб қолган бундай шеърлар зукко ўқувчига ҳеч нар-са бермайди, аксинча, шеърдан кўнглини қолди-ради. Яхшики, ёш шоирнинг илк тўпламида бундай сатрлар кўп учрамайди.

Шеърят майдонида ўз ўрнини топиш йўлида тинимсиз изланаётган қаламкашлардан бири Чоршаъм Рўзиевдир. Унинг «Маҳактош» деб ном-ланган тўпламини ўқир экансиз, қалбимизда шоир ижодига нисбатан умид учкунлари пайдо бўлди. Пишиқ сатрлар, тилдаги равонлик, ўткир ва кутилмаган фикрлар, нарсаларнинг ҳаракати ва ранги унинг нозик кузатувчанлигидан далолат беради.

Ўрнида топилган, яхши ифодаланган мисралар-га кўзинг тушганда дилинг яйраб кетади. Шоир ижодида эса ана шундай сатрлар анчагина. Мана, «Куйлаётган тонг қушлари» деб номланган шеър-идан бир сатр:

Тонг— бахт каби масъум сония.

Агар тонг ҳақида ёзилган шеърлар жамланса қалин-қалин китоблар юзага келади. «Аммо унинг битта нағмаси, Кунни таъриф айлашга етар». Шундай эмасми? Таассуфки, кўплар ҳозир-да бу нағмани тушунмай қолган. Одамлар тонг-ни нечундир интиқ бўлиб кутишмайди? Негадир тонгнинг дилларни қитиқловчи ҳавосидан баҳра олишга ошиқишмайди? Қачонгача гафлатда ётиш

мумкин?! Куйлаётган тонг қушларидан қачон зарб оламыз, қачон забон оламыз?

Чигир-чигир оҳангларнинг  
Оғушида туриб жим,  
Наҳот сенинг юрагингда  
Бир ишқ ёнмас, сезгилим?

Чоршаъм Рўзиев руҳий ҳолат ва табиат ман-зараларидан катта, кўламли ижтимоий ҳулосалар чиқара олади. У ўз изланишларида бадиий топил-ма ва образларнинг янгилигидан ташқари, фикр-рий-ғоявий теранликка кўпроқ аҳамият бераёт-гани кўзга ташланади.

«Ожиз ҳофиз қўшиқлари» туркумидаги қатор шеърлар шоирнинг ижодий ютуғидир. Улар гоёт самимий.

Эртақлар— хаёлот мавжлари  
Рўҳингда кўзғалар баногоҳ.  
Гўдаклик созининг авжлари,  
Энди кўз ўнгингда чекар «оҳ».

Бу «оҳ» ортада қолган болаликнинг масрур онларидир. У дамларни эслаганинда кўз олдин-да «гўдаклик созининг авжлари» ўтаверади... Фа-қат бу бир зумгина, холос. У бебаҳо дамларни ҳозирги кунингга қиёс қилганинг заҳот «сесканиб кетасан, инграйсан». Рўҳий азоб бу. Қалб пок-ликка, гўзаликка, соддаликка интилади. Қани эди дунё ҳам, барча одамлар ҳам, ҳаёт ҳам болалик кунларимиздагидай шаффоф бўлсал! Шунга умид қиласан:

Кўксингга, бегона сирингга  
Мўлтираб боқасан бўлиб танг.  
Ва ўксиб йиғлайсан, биргина  
Бир лаҳза пок қалбга айлансанг.


Ёш шоирнинг қатор шеърлари тарихий оби-далар номидан, афсонавий қаҳрамонлар тилидан куйланади. Мисол учун «Чўқаётган Малик Санжар нидоси», «Варахша», «Афлотун севгиси», «Сомоний мақбараси қаршисида», «Орфей» каби ижод намуналари ўқувчини бефарқ қолдирмай-ди. У тарихнинг бебаҳо ёдгорликлари, ўтмиш бойликлари, маданий мерос намуналари қадр-сизланаётганини, фикр қашшоқлашаётганини шеърга сола олган. Бу ҳол Рауф Субҳон ижодида ҳам етакчилик қилади.

Шеърятнинг катта майдонидан ўрин олиш йўлидаги изланишлар доимо муваффақиятли кечавермайди. Шу жиҳатдан Чоршаъм Рўзиев ижодида ҳам, табиийки, ҳали қиёмига етмаган сатрлар, шеърлар учрайди. Мана улардан бири:

Сени яна тушимда кўрдим  
— Ростанми, ростан?  
Сенсиз яна бўм-бўшдир кўксим.  
— Ростанми, ростан.  
Сўнгра сен ҳам сайрай кетарсан  
Билсам ҳамки ҳаммаси ёлғон  
Ва мен аста сўрай бошлайман:  
— Ростанми, ростан?

«Шеър» савол-жавоб асосида қурилган, лекин оддий сўзлар тизмасидан иборат бўлиб қолгани учун ўқувчи қалбига юқмайди. Ошиқ йигитнинг севгилисига «Сени яна тушимда кўрдим» дейиши адабиётда меъдага тегадиган даражада кўп бор такрорланган, сийқаси чиққан. Шу жиҳатдан ҳам у Шеър даражасига кўтарилмаган. Ҳарорат ва эх-тирос билан битилган китобда учраб қоладиган бундай қусурлар унинг қиёфасини белгилай ол-майди. Аксинча, ҳар икки ёш шоирнинг илк мажмуалари шеър муҳибларида илиқ таассурот уйғотади, келажагига умид туғдиради.

Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ



Яшар Қосимовнинг «Изтиробнинг тарихи» («Шарқ юлдузи», 1990 йил, 2-сон) мақоласининг руҳидан келиб чиқадиган мантиқ лирик қаҳрамон маънавий қиёфаси ва ғоявий эстетик мавқеининг янги босқичда шаклланиб, ривож топишига кўмаклашади. Муаллиф самимий, беғараз сўзлашга ҳаракат қилади. У ҳақиқатнинг ўқ томирларини қидириб топишга интилади. Муаллиф бадиий ижодга, ижодкорга нисбатан зўравонлик ва сўз санъатига вульгар муносабат хусусида, шеърятдан изтиробнинг қувғин қилинишига боғлиқ турғунлик йилларида томир ёйган бир тарафлама танқид хусусида атрофлича сўз юритган. Муаллифнинг А. Мухтор, И. Фафуров, Н. Шукуров мақолалари юзасидан билдирган фикрлари, умуман, асослидир. Лекин унда баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Дорбоз» шеърини баҳолашда А. Мухтор қилган «иккиюзламачилик» бизни ранжитмайди. Чунки, «Катта ёзувчимиз шоир Абдулланинг — шигил истеъдоднинг ҳаётини сақлаб қолиш, тафаккури учқунлари бемаврид сўнмаслиги учун атай шундай йўл тутмадимикин; А. Мухтор ўз обрў-эътиборидан ўринли фойдаланган эмасмикан?!» деган ҳаёлга борасан киши. А. Орипов мазкур шеърини турғунлик даврига хос хилма-хил ғайриқонуний иллатларга кескин ва аёвсиз муносабат билдиради.

Асқад Мухтор, шеърни ва шоирни тушунгани ҳолда, «иккиюзлама»чилик қилмаганида эди, севимли шоиримиз Абдулла Орипов шу кунгача етиб кела олармиди?! Асло! Турғунлик даврининг асов қамчиси билан ўйнашиб бўлмас эди. Халқ ҳамма замонларда, ҳаминша ўз истеъдодларини авайлаб асраган. Кези келганда, «иккиюзламачилик» ҳам қилган. А. Мухтор эса ана шундай истеъдод эгаларига ғамхўр «иккиюзламачи»лардандир. Бу албатта, менинг шахсий фикрим. Худди шунингдек, И. Фафуров, Н. Шукуров томонидан айтилган чалкаш фикрлар тарихига назар ташлаганимизда ҳам улар яшаган муҳит ва шароитни эътибордан соқит қилмаслигимиз керак. Биз ҳар икки танқидчимизнинг сўнги мақолаларида тўғри, янги фикрлар айтишига ишонамиз. Чунки икковида ҳам салоҳият, истеъдод бор.

Айни ўринда шуни айтиб ўтиш ўринлики, биз ўқувчиларга Яшарнинг дангаллиги, беғаразлиги, ширали ва самимий сўзлаш маданияти маъқул бўлди.

Нафас ҚУВВАТОВ,  
Самарқанд вилояти,  
Иштихон ноҳияси

\* \* \*

Мен «Шарқ юлдузи»ни ўн йилдирки, муттасил кузатиб келаман. Ойноманинг деярли ҳар бир сони қизиқарли, ранг-баранг асарларга, мақола-тадқиқотларга бой. Жумҳуриятимизда ижтимоий фикрнинг шаклланиши, ўсишида у беқиёс ўрин тутмоқда. Мен ойнома ходимларидан бениҳоя хурсандман. Чунки, Темур ҳақидаги сукунатни дастлаб «Шарқ юлдузи» бўзди. Е. Березиковнинг «Темур ғори», «Темур тузуклари», Г. Вамберининг «Мовароуннаҳр ёхуд Бухоро тарихи» асарлари навбатма-навбат босилди. Мана шу асарларни ўқиш давомида жаҳонгир тақдирининг баъзи жиҳатлари очилди. Аммо баъзи бир тушунмовчиликларни ҳам келтириб чиқарди. Масалан, унинг оқсоқ бўлиб қолиши сабабларини олайлик. «Темур ғори»да соҳибқиронга 12 ёшда Бекбува томонидан жараҳат етказилса, «Мовароуннаҳр ёхуд Бухоро тарихи» асарида жангда лат егани айтилади. Қайси бирига ишониш мумкин? Бундай саволлар келиб чиқмаслиги учун асл манбалар ойнома саҳифаларида тезроқ босилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Махсумқул УСМОНОВ,  
Жарқўрғон ноҳиясидаги,  
«Сурхон» давлат хўжалиги





**Редакциядан:** Журналимизнинг шу йил 5-сонида шоир Уйғуннинг бир учрашувдаги сурати берилган эди. Биз журналхонлардан бу сурат тўғрисида билганларини ёзиб юборишларини сўрагандик. Бир қатор мактублар келди. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиляп-миз.

Суратда акс этган учрашув 1971 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Фарғона вилояти Бувайда ноҳиясидаги «Партия XX съезди» колхозининг 3-бригадаси далаларида бўлиб ўтган. Шоирнинг ёнида уста пахтакор Маъмурбой Йўлдошев ҳамда бригада аъзолари бор. Жамоа хўжалигида машҳур адиб билан учрашувни орадан қарийб 20 йил вақт ўтганига қарамай, одамлар ҳамон эслаб юришади. Уйғун қўлида кўтариб турган қизалоқ кейинчалик бизнинг мактабимизда таълим олган Мухфия Исматиллаева эди...

Мухтор ҚОСИМОВ,  
17-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ушанда, Уйғун учрашувга келибди, деган ажойиб хурсандчилик колхозчилар қалбини эгаллаб олган эди. Шоир одамлар билан суҳбатлашгач, суратга тушмоқчи бўлишади. Лекин сураткаш Юсуфжон Умаров эндигина аппаратни тўғрилаганда, Уйғун четда бола кўтариб турган аёлни кўриб, уни тўхтатади. Қизчани қўлига олади.

Оиласи оддий колхозчи бўлганидек, бу қизнинг кейинги қисмати ҳам оддийгина. Мухфия 1988 йили мактабни тугатиб, институтга хужжат топширади. Аммо ўқишга киролмайди. Янги-қўргонда фабрикага ишга жойлашади. У ўтган йили ўзи севган йигитга турмушга чиқди. Ҳозир улар бахтли ҳаёт кечирिशляпти.


Лекин биз бу сурат баҳонасида бошқа бир фикрни айтмоқчимиз. Ижодкорлар кўп учрашувларда бўлишади. Ҳаммасини эслаш қийин. Шунга қарамай, айрим учрашувларни эслаб юриб, ўзлари кўрган кишилар, қисмати билан улар қизиқиб боришса ёмон бўлмасди. Халқ ва ижодкор муносабатига диққатни тортиб, хайрли иш қилган севимли журналимиз «Шарқ юлдузи» редакциясидан эса беҳад миннатдормиз...

Моҳиниса ДОРИПОВА,  
Эркин ДОРИПОВ,  
Бувайда ноҳияси.



Суратда: Мухфия турмуш қуриб кўзи ёриган кунлар...

**«Ҳаётда авлодлар бир-бири билан боғланади. Адабиётда ҳам шундай. Йиллар ўтиб суратдаги чақалоқ ҳам улғайса, ҳаётга ҳурмат қилиб, адабиётга меҳр қўйса, не ажаб!..»**



Муҳаммад Очилов

## ХОЛХЎЖА ХАФА БЎЛДИ

Ҳажвия

Район газетаси қишлоқ хўжалик бўлимининг мудирини Холхўжа ака тариқдеккина одам. Аммо одамнинг соқи-сумбатига қараб фол очиб бўлмас экан. Ана шу жимитдеккина одам баъзан шундай «залворли» гапларни топиб гапирадикки, унинг маъзини чақаман деб сочингиз тўкилиб кетиши ҳеч гап эмас. Редакцияга иш ўрганиш учун келган Собирқулнинг ҳам сочи шундай тўқ мағизли гапларни эшитавериб анча сийраклашиб қолди.

Дастлабки танишувдаёқ Холхўжа ака рўпарасида қўл қовуштириб турган Собирқулнинг дароз гавдасини ички бир ҳасад билан кўздан кечираркан, тубандагича гап қилди.

— Сомсага қалайсан, ў студент?

«Кимсан, қаердансан?» каби саволларни кутиб турган Собирқул бу жумбоқ гапга нима деб жавоб қилишини билмасдан, андак каловланиб қолди.

Студентнинг оғзини сирачлаб ташлаганлигидан мамнун бўлган Холхўжа ака стулдан сирғалиб тушди (у савлатли кўриниш учун тагига ёстиқ қўйиб ўтирар, натижада оёғи ерга тегмай саланглаб қолар эди).

— Сомса, бу — пиёзи! — деди сўнг Холхўжа ака бармоғи билан ҳавони кесиб.— Пиёзсиз эса таом йўқ. Таомсиз инсон яшай олмайди. Инсонсиз ҳаёт кемтик. Демак, хулоса нима? Сомса — бу ҳаёт. Мана сенга фалсафа? Уқдингми, у студент?

— Уқдим,— деди Собирқул ҳеч нарса уқмаган бўлса-да, бўлим мудирига ёқишга тиришиб.— Сомса, бу — ҳаёт экан!

— Уққан бўлсанг,— деди Холхўжа ака кителининг ён чўнтагидан занжирли соатини олиб кўз ташларкан.— Югуриб сомсахомага бориб кел-чи. Оёқ олишинг қандай экан! Танишувимиз ҳам сўнг ана шу сомса устида бўлади... Хўв-в, у студент... Шошма, у ерда гавдага қараб хизмат қилишмайди. Мени айтди, десанг, безочеред оласан...

Орадан бироз вақт ўтгач Собирқул қоғозда сомса олиб келди. Холхўжа ака столнинг устига уларни битталаб ёйиб чиқди-да, сўнг ғаладонидан мурчдон ва уксус солинган шиша идишни олди. Оғзидан сўлакайини оқизганча сомса санади.

— Бир, икки, уч... ўн беш дона! Яхши! Қани, энди, сомса совимасдан танишиб олайлик. Таом устида танишув хайрли бўлади, дейишади. Отинг нима?

— Собирқул Соқиев...

— Яхши. Энди анови телефон дафтарчамни ол. Мана «с» ҳарфи. Демак, ёзамиз. Собирқул Соқиев — практикант-студент. Хўш...

Холхўжа ака бошини кўтариб, Собирқулнинг юзига эмас, унинг чиройли тугилган галстугига қараб тамшанди.

— Хўш... Даданг нима қиш қилади, шоввоз?

— Отам йўқ,— деди Собирқул ғамгин ҳолда чой қайтарар экан.— Олти ёшимда аварияда...

Холхўжа ака бир нафасча тек қотди, хафа бўлди шекилли, ручкасини зарда билан столга ташлади.

— Отам йўқ? Ие, демак, бундан чиқди, телефонларинг ҳам йўқ-да! Шу гапни дарҳол айтмайсанми. Тавба, нукул менинг бошимга қаердаги сағир, етим-есир болалар битган. Редактордан ҳам ўргилдим, қачон ошна-оғайнигарчиликка чек қўяди, ҳайрон-

ман. Ўтган йили товуқ фабрикаси директорининг ўғли практикага келганди. Уни маданият бўлимига ўтказиб юборди. Ҳа, десам, боланинг шеър-пер ёзишга ҳаваси бор экан, дейди. Тавба, отаси товуқ фабрикасига директор бўлса-ю, ўғли шеър ёзиб, қурбақанинг кўзини чиқарармиди! Редактор ўшани менинг қўлимга топширса, етти хазинанинг биридан ўзи ҳам, биз ҳам баҳраманд бўлардик. Йўқ, менга қолганда қаёқдаги детдомда ўсган бир студентни беришди. Узиям пичоқ билан тилсанг қон чиқмайдиган хилидан экан. Бемазани ҳовлидаги ҳаммомнининг деволини урмаганини ҳисобга олмасам, умуман ундан жоним жўл топган йўқ. Мана бу йил ҳам аҳвол шу! Э, э, ўргилдим!

Холхўжа ака жаҳли қаттиқ чиққанлигидан аламини сомсадан олди. Ҳаш-паш дегунча қоғоз дастурхонда икки-уч бурда қолди, холос.

Холхўжа ака бир оздан сўнг, оғзи банд бўлганлигидан, қўли билан ҳавода нима-нингдир шаклини ясади. Унинг кўзларини сузиб, лабларини чапиллатганча овқат ейишини томоша қилиб турган Собиркул ирғиб ўрнидан турди, аммо бўлим мудирининг имо-ишорасини тушунмасдан анграйганча тек қолди. Холхўжа ака охириги луқмани ютгач, ниҳоят кўзини очди.

— Чойдан куй, дедим. Нима, меровмисан? Сомсадан кейин чой йиғлашиб кўришадиди-да! Хўш-ш, ука. Лекин шу ўқишга бекор кирибсан! Қоғоз қоралаш ҳам иш бўлдими. Бир умр рангинг қоғоздек оқариб юради. Ҳозир, мен сенга айтсам, авто асри! Бу «автосервиз», «автозаправка», «автобаза» деган жойларга ишга кириш керак деганим. Мана, кўшим — оддий автобус шофёри, унинг ҳам маошдан ташқари кунлик даромади бор. Менда-чи... Эҳ, умрни қайта бошлашининг иложи бўлганда эди... В-ооб-шем, ука, сағир бўлсанг ҳам, менга ёқдинг. Етимлардан кўп катта одамлар етишиб чиққан. Келажақда бирон йўғон касб эгаси бўлиб кетсанг, албатта, мени унутмайсан. Хўш, қайси колхоздан ўзи сеники... «Қизил юлдуз»данми? Э...э, Хушкелдев деган ферма мудирини бор-а? Тоғам бўлади? Буни қара-я, энди менга сапсем ёқиб қолдинг-ку! Тоғаннинг жияни бўлсанг, унга мендан салом айтасан-да, кўнкор бўлмасаям, дагарнинг зўридан биттасини... Йўқ, яхшиси бирон кун бирга борамиз. Сен, шаҳар кўрган эчки, қўй танлашни билармидинг. Қўй гўштидан сомса емаганимга ҳам анча бўлди. Хўш, энди ишга. Уч-тўртта хат бор, ўшани ҳозир обзор қиласан. Кечқурун эса бизникига борамиз. Лойҳандаққа сув ташлаб қўйганман. Қишлоқ хўжалиги техникумидан иккита ўқувчи сўрагандим, бемазалар келишмабди. Ҳали бир фельетон қилай, кейин билади менинг кимлигимни. Бугун лой қилиб қўйсақ, эртага сувоқ. Ундан кейин, майли, колхоз-совхозларга бориб материал-патериал қилиб келарсан...

Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг Собиркул бўлим мудирининг столига тортинибгина уч-тўрт варақ қоғозни қўйди.

— Бу нима? — деди Холхўжа ака таажужлангандек. — Ҳм-м. «Бригадирнинг бир кунини». Очерк! Иби, балосан-ку! Мен сени ҳали репортаж ҳам ёзолмасанг керак, деб юрибман. Шошма, бу қаҳрамонинг «Учқун» колхозининг бригадирими? Бўлмайди...

— Нега?! — Собиркулнинг ранги оқаринқиради. — Бош агрономнинг ўзи тавсия қилди. Кўрдим, фўзаси ҳам яхши.

— Фўзаси яхши бўлса яхшидир, лекин ўзи нокас одам. Хасис одам. Бултўр қишда ўнтагина тарвуз сўрагандим, бермади, бемаза! Езда «БАМ»га вагон-вагон жўнатиша-ётганини эса ўз кўзим билан кўрувдим. Яна денг, у киши ҳақида мен аҳмоқ қуруқдан-қуруққа дастурхондай саҳифа уюштирибман! Сенга бу гапларни ўн беш йилдан бери редакциянинг тупроғини ялаб келаётган тажрибали журналист гапиряпти. Ма, манави блокнотда райондаги яхши ва ёмон раҳбарлар, колхозчилар, ишчиларнинг фамилияси бор. Ушанга қараб қаҳрамон танла. Умуман, бундай қилсақ. Сен факт топиб келаверсанг, материални, мана, биз ўз номимиздан қойиллатиб ташлайверсак.

Собиркул нима деб жавоб қилишини билмасдан юзини четга бурди: «Одам ҳам шунчалик бўладими? Ҳар кун тушликка сомсага югураверганимдан-ку, чўнтакда шамол ўйнаб қолди. Тоғам ҳам мендан хафа. Фермамга икки оёқли бўри оралатдинг, деб сўкиб юрибди...» деб ўйлади.

— Хафа бўлдинг-а? — деди Холхўжа ака унинг кўнглидан кечган гапларни сезгандек. — Бекорга ранжияпсан. Бу — ҳаёт қонуни. Биз ҳам ёшлигимизда катталарга роса факт ташиганмиз. Дажжи-чи, бир марта шеър ёзиб, бўлим мудиримиз номидан бериб юборганман. Умрида корреспонденциядан нарига ўтмаган, қилтиллаган чол эди, бечора, севинганидан йиғлаб юборганди. Эҳ, бекорга мени қийнапти, дейсанми. Кўрдинг, уйда бир ялмоғиз хотин, саккиз нафар мишиқи фарзанд бор. Берсанг, ютаман, дейди. Бир кун уйга қуруқ кириб борай, даҳлизда ётишга мажбурман.

— Янгам яхшига ўхшайди-ку! — деди Собиркул хафагарчилиги ҳам эсдан чиқиб, ҳайрон бўлганича.

Холхўжа ака хонада у ёқдан бу ёққа пилдираб юрар экан, асабий равишда қўл силтади.

— Четдан шунақа. Хотинларни кимдир тарвузга ўхшатганди. Ҳақ гап. Ёрилмагунча пишган-пишмаганини билиш қийин. Бизнинг хотин эса хомлигича қолганлардан. Хом бўлмаса, Шойим қассобнинг хотинига баҳс қилиб, ҳафтасига янги бир кўйлак кияман, дейдими. Ўзинг ўйлаб кўр, болта ушлаган қўл билан ручка ушлаган қўл ўртасида ер

билан осмонча фарқ бор-ку! Мен ўзим аслида фалсафа факультетини тугатганман. Ҳар бир гапимни логични исботлаб беришим мумкин. Мана, гапимга қулоқ сол. Гоголь нима учун буюк. Сабаби — уйланмаган. Пушкин-чи? Хотини билан вақтида развод қилган. Албатта, бир балоси бордирки, шундай қилишган... Яна битта фалсафий гап айтайми. Борди-ю, дарахтдан узилган олма Ньютоннинг бошига тушмасдан, биронта аёлнинг бошига тушганда борми, у қонун-понун топаман деб ўйлаб ўтирмасдан, шартта еб қўя қоларди. Ҳа, хотиннинг нафси ҳакалак отгани ёмон бўлади. Ие, гап билан бўлиб, обед ўтиб кетаёзибди-ку! Қани, сомсага югур-чи, бор, бор. Сен хизматни қилавер, практиканг тугаганда, характеристикангни бошлаб ёзиб бераман...

Собирқул итоаткорона бош ирғаганча сомсахона томонга йўл олди.

Ниҳоят, Собирқулнинг охирги иш куни ҳам етиб келди. Холхўжа ака характеристикани ёзишга ёздию қўл қўйишга келганда қалами тўхтаб қолди.

— Эндигина бир-биримизга ўрганиб қолган эдик-да, устудент. Аммо яхши йигит экансан. Энди, ука, жўнаш олдидан яна бир хизмат қилиб кетасан. Уйда хотин томондан меҳмонлар келишган, десанг. Ўзимники бўлганда ҳам гўрга эди, қаттиқ нон кавшаб кетишаверарди. Лекин бемазалар хотин томондан-да! Хўш, кечга заказ сомса ташкил қилсанг, а? Охирги хизмат-да! Кейин бошлаб, гулпарчин қилиб характеристикага имзо чекиб берардим. Нима дейсан?

Собирқул нима жавоб қилишини билмасдан ерга боқди «Кечқурунги рейсга билет олиб қўйганман. Ҳамён ҳам ўзига яраша. Йўқ, десам бўлмаса», деб ўйлади.

— Қўл қўяверинг, устоз,— деди ниҳоят Собирқул бошини кўтариб.— Сомса бўлади.

— Ҳалигисидан ҳам оласанда, а? — дея хурсанд бўлиб кетди Холхўжа ака.— Бўйни узундан чойнакка солдириб... Кетдингми. Хай... Мен кутиб ўтираман-а. Уйга телефон қил. Ие, кетиб қолди-ку. Ҳой, алдамайсанми?

Дарҳақиқат, кечга яқин Собирқул сим қоқди. Телефондан «сомса пишди, етиб келинг» деган сўзлар эшитилдию сўнг қисқа гудок янгради.

«Оббо, ҳали ёш-да, шошгани-шошган,— тўнғиллади Холхўжа ака меҳмонларнинг орқасидан чиқар экан.— Қаердалигини ҳам айтмади. Уша таниш сомсахонада бўлса керак-да. Ишқилиб, ҳалигисидан ҳам олган бўлсин...»

Кунботар олдидан шаҳар чеккасидаги чойхоналардан бирида Холхўжа ака меҳмонлари даврасида қовоғини уйганча сомса кавшар, «студент»ни барча сомсахоналардан излаб чиққанлигидан оёғи зирқираб қақшар, умрида биринчи марта ёнидан пул тўлаганиданми, сомса бу гал негадир тахир туюлар эди.

## ОҒАЙНИЛАР

Ҳикоя

Темур новча қишлоқнинг ман-ман деган новчаларидан. Оққўнғил, юзидан табас-сум аримайди. Унинг Али хижолат деган дўсти бор. «Ё тавба, ўт билан сувнинг бирлашганини энди кўрдик, ораларидан қил ҳам ўтмайди-я!» дейди уларни кўрганлар ҳайрат билан. Чунки оғайниларнинг бўйи-бастидан тортиб, феъл-атворигача тамом бир-бирининг акси. Хижолат новчанинг нақ белидан келади: чеҳраси чилланинг ҳавосидай ҳамиша тунд. Тухумдан тук ахтарадиган бадгумон феъли туфайли кўплар билан сенменга бориб ҳам қолган. Бироқ барча айбини ёпиб кетадиган меҳнатсеварлиги бор. Шу сабабми, Темур новча уни ёқтиради, бадгумон феълени яхшиликка йўяди.

Бу йил оғайнилар пудратга ер олиб, қовун экишди.

— Шерик бўламлими ё якка фарёдми?— сўради Темур новча эрта баҳор пайкал бошига чиқишганда. Аливой ўйланиб турди ва қонидаги бадгумонлик устун келди.

— Шерик бўлсак, сен яхши ишламайсан, бўлиб экамиз.

— Маъқул, шу жой пайкал ўртаси. Чап томони менга.

— Бекорларни айтибсан,— Аливой чап ва ўнг томонга кўз ташлаб олди.— Ҳо, ўнг томонни ўт босиб ётибди. Ернинг яхшисини олмоқчимисан? Чап томон меники.

— Бунгаям розиман,— Темур новча жилмайди.

Жилмайишининг маъноси кейинроқ англашилди. Ўнг томондаги ер тозалигидан ўт кўп чиққан экан, ҳайдалгандан кейин экилган уруғ ёппасига кўкарди. Чап томон шўрхок бўлиб, кўчатлар кўсанинг соқолидай яккам-дуккам бўлиб қолди.

— Мени бошлаб алдабсан-а?— деди Аливой бўйинни қисиб.

— Ўзинг танладинг-ку,— Темур новча беғараз кулди. — Ҳалиям кеч эмас, майли, бирлашайлик. Бунча ўтни ўзим йўқотолмайман. Сен ерга яқинсан — эгилмай ўтоқ қилаверсан.

Аливой бажонидил рози бўлди.

Оғайнилар баланд чайла қуриб олиб, эртаю кеч палаклар атрофида парвона бўлдилар. Меҳнат зое кетмади. Саратон ўртасида етилган чилги ҳосилни шаҳарда сотишга келишишди. Табиийки, Аливой савдо учун яроқсиз. Шу сабаб, Темур новча гапни айлантирди.

— Бозорга сен борасан,— деди у, қовун машинага ортилгач,— Сариёғдай мулойим бўл. Шаҳарда ҳар тоифа одам бор. Кўрслик қилсанг, лунжингга туширади.

— Уқитма, ёш бола эмасман, эпларман,— деди Аливой тўнғиллаб.

— Эплайсан. Лекин пича югуришга тўғри келади. Мелиса, дўхтир, бозорқўмга учрайсан. Тўполон, урди-сурди бўлади. Чаққон бўлмасанг бозорга киролмайсан.

— Ол-а, бир мошин қовунга икки мошин хархаша-я. Ўзинг бора қол.

— Иссиқда шаҳаргача шашликдай пишиб бориш зарилми! Полизда иш қолмади. Чайлада чой симириб мириқаман. Сенга оқ йўл. Паспорт, ЗАГС, соғлиғинг ҳақида справка олвогин.

— Келин кўргани кетяпманми, ЗАГС олиб.

— ЗАГС бўлмаса мелиса бозорга қўймайди.

— Бошпут, ЗАГС бор-у, исправка йўқ.

— Энг зарури шу... Аттанг, олиш жуда мушкул. Икки кунни йўқотасан. Қовуннинг ичи тушиб қолади. Ҳозир закун жуда қаттиқ эмиш. Бир йўлини қиларсан. Жуда бўлмаса қайтиб келиб оқсоқ дўхтиримизга учрайсан. Қариндошинг-ку, ёзиб берар. Айниқса, хотинингни ўрта қўйсанг «йўқ» демайди. Ешлигида кўнгли бор эди, сен илиб кетгансан.

— Бозорингдан ўргилдим, ўзинг боравер,— деди Аливой қовоғини солиб. — Бунақа машмашаларга тоқатим йўқ.

— Қўймадинг-да...

Темур новча жўрттага уҳ тортиб, машинага ўтирди. Шу кетганча тўртинчи куни тушга яқин магнитофон кўтариб қайтди. Қучоқлашиб кўришдилар. У тўнани чайла олдидаги майса устига ташлади ва чордона қуриб ўтирди. Аливой қумғонга ўт қалаб, дўстининг рўпарасига чўнқайди.

— Бармисан? Қанча бўлди? Пулни олиб қочиб кетдим деб ўйладим,— деди у сабр-сизлик билан.

— Бир амаллаб сотдим,— Темур новча юзини буриштирди.— Бозорда серобгарчилик. Бир томон олма, бир томон шафтоли. Охирида қовун бозори. Одамлар энг кейин бизга рўпара бўлишади. Катмон куриқ, савдо суст. Учакишгандай бўрикалла экибмиз. Номининг совуқлигини қара. Эркаклар эшитиб, афтларини бужмайгиришади. Аёллар... ранги оқариб қочишади. Шакарпалак, обиновот деганидан эксаб бўларкан. Ўзинг айт, шу аҳволда бўрикалланинг донасини қанчадан олиш мумкин?

— Уч сўмдан олиб қолар.

— Ўзинг бормадинг, талашиб-тортишардинг. Мен бўшашиб, зиён қилдим.

— Ҳеч бўлмаса икки сўмдан сотгандирсан?

— Янаги сафар албатта бергин. Одамларга дўқ уриб ўтказасан.

— Бир сўмдан сув текин кетибди.— Аливойнинг ҳафсаласи пир бўлди.— Қовун беш юзта эди. Қанча пул қилдинг?

— Саккиз юз сўм.

— Бўйингдан ўргилай, мирзатерагим!— Аливой оғзи қулоғида жилмайди.— Мен ярмини чамалагандим. Йўқни йўндиришингни билганимдан бозорга жўнатдим-да. Пулни ол.

— Шошма, нафасни ростлай.— Темур новча атайлаб пул тақсимотини орқага сурарди. Бозорга кетаётганда Аливойнинг хотини магнитофон олиб келишни қаттиқ тайинлаганди. Сотиб олди. Энди силлиқлик билан эгасига топшириш масаласи турарди.— Қўшиқ эштайлик,— у магнитофонни қўйди.— Ажойиб нарса. Истасанг қўшиқ, истасанг аския эшитасан. Сенга берайми?

— Олганга сот,— Аливой қўл силтади.— Ўғлим ва хотиним бир йилдан бери хархаша қилишади. Олиб бермадим. Бу одамни ишдан қўяди. Ўзиям фалон пулдир?

— Юз эллик сўм, холос,— Темур новча қўшиқ тугагач, қизил тугмачани эзиб қўйди.— Олақол, қовун экканимиздан эсдалик.

— Юз эллик сўм ерда ётмайди. Эски пулга бир ярим минг сўм. Ундан ҳам эскисига ўн беш минг. Ун беш мингни итнинг белига боғласанг кўтаролмайди.

— Ол-а, афанди ҳам сендақа ҳисоб қилмаган, кўкнори хаёл,— Темур новча ноилож пулни бўла бошлади.— Уч кун бўлмадим, қишлоқ тинчми?

— Тинч шекилли. Йиғи товушиям, карнай-сурнай ҳам эшитилмади.

— Уйга бормадингми?

— Соддасан-да. Қишлоқнинг ярми муттаҳам, ўғри. Полизда йўқлигимни билишса, шип-шийдам қилиб кетишади. Мен ҳам савдо қилдим. Одил магазинчи савдолашмасдан бешта қовунга битта қизил қоғоз ташлаб кетди. Бели оғримай пул топади, юлғич. Аҳмад даллол учта қовунга йиртиқ икки сўм берди. Тишини суғиргандай қилиб яна икки сўм олдим: мол сотгандан, олгандан ҳам ширинкома олади-ю, қуримсоқнинг пули йўқмиш.

— Уйга бормай чатоқ қилибсан.

— Шунинг кўнглим сезиб турибди. Кеча ёмон туш кўрдим. Уйимиздан оқ каптар учиб, кўчадаги толга қўнди. У ерда қора каптар билан ғу-ғулашиб, тумшук уриштирди. Гумонсираб қолдим. Хотиним биров билан... Уч кунда бирор марта йўқламади. Ўғлимни бу ёққа юборвориб...

— Қўй-э!— Темир новча унинг гапини бўлди.— Хотининг фариштадай покиза аёл.

— Тўғри-ю, худо бир товуқнинг ақлини етти аёлга бўлиб берган деб гапиришади. Қалта ўйлик қилдимикин? Раиснинг мошинаси маҳалламизга икки бор кирганини кўрдим. Алҳамга ярамайдиган пасткаш одамни ким раис қилган, ҳайронман. Аёли ўтгандан кейин Сожида сатанг билан гап бўлганди. Уйда йўқлигимни билиб хотинимни йўлдин урдимикин!...

— Пашшадан пил ясавор-э. Бошдан оёғинггача ғиж-биж гумон экансан.

— Қулма, балки раис сеникига тушгандир. Хотинингдан ўсмоқчилаб сўра. Ажабмас тилидан тutilса.

— Хотинимнинг ёши ўтиб қолди. Оғзида тиши йўқ. Бурни билан жағи ўпишиб ётибди-ю, раис ошиқ бўладими.

— Бировнинг кампири бировга қиз кўринади. Ишқибозлик ёш танламайди. Манзура эна олтимишида қўшни чолга ошиқ бўлганини унутдингми? Неварасидан тансиқ таомлар киргизаркан. Чол хурсанд. Бир кун палов еса, эртасига мантихўрлик. «Раҳматлик кампирим эллик йил бургга яшаб бунақа ғамхўрлик қилмаган эди, сабабини айтинг»,— деса тишсиз оғзида севга изҳор қилибди. Кампирнинг олтимиш йиллик тўйига никоҳ

тўйини қўшиб қилишди. Сўрида ёш келин-куёвлардай қитиқлашиб ўтиришганини ўзим кўрдим.

— Қандларини уришсин. Магнитофонни оласанми?

— Олмайман, пули чўз.

— Чатоқ қиялсан. Бу гапни ёзиб олиб, яна айтадиям. Эшитгин,— у тугмачани босган эди, ҳозирги суҳбат такрорлана бошлади.

— Ё кудратингдан, битта қўймай ёздими?

— Бурнингни тортганинг ҳам эшитилаяпти-ку! Уйда қўйиб, бир кулишамиз.

— Унақа қилма, жон ошна,— Аливойнинг кўзи олайиб кетди.— Тилим қурсин, ҳар хил гап айтдим. Хотиним эшитса қиёмат бўлади.

— Хотининг эшитмайди, уйнинг ичида қўямиз.

— Гап аёлларнинг икки қулоғидан кириб, оғзидан қайнаб чиқади. Сенинг урғочинг эшитса, ўша заҳоти менинг урғочимга етади.

— Бўпти, хотинимга эшиттирмай, болаларга қўйиб бераман.

— Болалик уйда гап ётмайди. Қишлоққа овоза бўламан-а!...

— Эшитмасак қутуламанми? Кўрпанинг орасига яшириб қўяман. Тегманглар, Аливой билан суҳбатимиз ёзилган, эшитсаларинг уят бўлади, дейман.

— Мен ўламан десам, сен куламан дейсан. Болага тегма десанг, тегади. Яхшиси шу филдирагини сот. Қанча туради?

— Юз эллик сўм.

— И-е, араваси юз эллик эди, филдирагиям шунчами?

— Иккаласи қўш ҳўкиз, ажратиб бўлмайди.

— Дўст десам, ғирт душман экансан,— Аливой ўрнидан туриб кетди. Ғудраниб чайла атрофида айланди. Нос чекди.— Ожонёққа шотгин...

— Бир мири кам бўлсаям сотмайман.

— Овлаҳакансан!... Туф...— Аливой носни зарда билан туфлади.— Хотиним эшитсаку, сайраб-сайраб тинчийди-я, раисга етса, келаси йил ер бермайди. Ишим тушиб турдиган молдаллол билан магазинчини ҳам ёмонлаганман.

— Қишлоқнинг ярим ўғри дегансан. Кўпчилик эшитса, қишлоқдан ҳайдашади.

— Кэ, шу аравангни улгуржи олақолай,— Аливой қутилмаганда қарорини ўзгартирди.— Бир ўқ билан учта қўён отарканман. Ўзимнинг кўнглим тинчийди, хотин ва ўғлим хурсанд бўлади.

— Майли, ўзимга керак эди-ю, оғайничилик ҳурмати сотаман,— Темур новча пулнинг кераклигини олиб, қолганини узатаётиб, кулиб қўйди.— Она сутидай ҳалол, насиб қилсин.

Аливой магнитофонни олди ва шу заҳоти кассетани суғириб кумфон остидаги оловга ташлади.

— Елкамдан тоғ тушгандай бўлди,— Деди енгил тин олиб. Шу пайт қишлоқ томондан чилдирманинг садоси эшитила бошлади.— Бизнинг уйдан келяпти шекилли?— Аливой диққат билан тинглади.— Айтдим-а, тушим бежо деб. Мен полизда юрганда раис у ёқда тўй бошлаворса-я?!

Темур новча «шаҳардан чилдирма олиб келдим, ўғлим чалаяпти», демоқчи эди, улгурмади.

— Полизни сенга топширдим. Бир гап бор, уйдан хабар олай...— деди Аливой ҳовлиқиб яшил дерахтларга бурканган қишлоқ томон тез-тез юриб кетди.

## Мундарижа

<b>МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА</b>	
Эркин Юсупов. Бош мақсад инсон . . . . .	2
Иброҳим Раҳим. Қайлардасан жаннатий инсоф? . . . . .	10
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Фароғат Камол. Қушлар учиб кетди, қисқарди кунлар . . . . .	20
Барот Бойқобилов. Янги ғазаллар . . . . .	29
Йўлдош Эшбек. Бу олам меҳри надур . . . . .	73
Абдурашид Пардаев. Эзгиланган майсалар — беҳол . . . . .	75
Абдумажид Азим. Фалакнинг бағрида озод кезар руҳ . . . . .	82
Ғулом Мирзо. Ҳилпирар кўнгилнинг кокили . . . . .	85
Абдурахмон Жўраев. Армон тошларини менга бер . . . . .	87
Азиз Абдураззоқ. Соғинган дўстингдай сийласа шамол . . . . .	123
Наби Жалолiddин. Дилим навосидан қулар сукунат . . . . .	125
<b>НАСР</b>	
Хулқар Тўйманова. Ўзга олам қушлари. Ҳикоя . . . . .	24
Оқилжон Ҳусан. Устанинг муҳаббати. Қисса . . . . .	33
Уринбой Усмон. Иснод. Қисса . . . . .	89
Мақсуд Қориев. Тонг отаверсин-чи. Ҳикоя . . . . .	127
Павел Вежинов. Ўлчовлар. Қисса . . . . .	137
<b>БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ</b>	
Шуқур Ҳайитохунов. Калтакланган бола. Ҳикоя . . . . .	79
<b>МУШОИРА</b>	
Бир наҳот излайман нигоҳларингдан . . . . .	131
<b>НАВОИЙХОНЛИК</b>	
Афтондил Эркинов. Сени уйғон дейинми, ё... . . . .	164
<b>ҚУРЬОН</b>	
<b>ЕДНОМА</b>	
Назиржон Назаров. Қўшиқ бўлса арзийди . . . . .	185
<b>МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА</b>	
Мурод Абдуллаев. Занжирбанд шер . . . . .	189
<b>БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ</b>	
Александр Блок. Мангу умид алангасида . . . . .	194
<b>ТАҚРИЗЛАР</b>	
Ғулом Ғофир. Боботоққа сафар . . . . .	197
Абдурасул Жумақулов. Нигоҳлари ерни уйғотар . . . . .	198
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Мўҳаммад Очиллов. Холхўжа хафа бўлди. Ҳажвия. . . . .	202
Нўмон Мўйдинов. Оғайнилар. Ҳикоя. . . . .	205

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 11

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1990

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев      Рассом Ғ. Алимов

Мусаҳҳиҳ И. Султонов

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Журнал матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки журнал ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 10.09.90 й. Босишга рухсат этилди 15.10.90 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 205857. Буюртма 4148. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таърифловчи босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.